

ИСАЙ КАЛАШНИКОВ

ШАҒҒАТӘМІЗ ӘСР

ИККИ ЖИЛДЛИК ТАРИХИЙ РОМАН



I ҚУВҒИНДИЛАР

ЧИНГИЗХОН ВА ЧИНГИЗИЙЛАР




8М, 161, 1

К-18 | 2020/13-65
Участ. казахстанцев
Шаврашчи сер

Т. 2018, 9 - 384 ба

2020/13-65





821.161.1

К 18

ИСАЙ КАЛАШНИКОВ

ШАФҚАТСИЗ АСР

(ЧИНГИЗХОН ВА ЧИНГИЗИЙЛАР)

ИККИ ЖИЛДИК ТАРИХИЙ РОМАН

I

ЖИЛД

ҚУВГИНДИЛАР

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»

Давлат илмий нашриёти

Тошкент – 2018

УЎТ: 821.161.1-311.6

КБТ 83.3(2Рос)

К 17

К 18

Рус тилидан
Муслимбек Йўлдошев
таржимаси

Дунёни титратган жаҳонгирлар ичида Чингизхон аталмиш саркарда асрлардан буён кишиларнинг тилидан тилига ҳикоя ва ривоятлардан, афсоналардан кўчиб келади. Чингизхон ҳаётига бағишланган асарлар талайгина, шундай бўлса-да, ушбу асар тарихийлик ва бадиийликни мужассамлаштиргани билан қимматлидир.

Муслимбек Йўлдошев таржимасида эътиборингизга ҳавола этилаётган ушбу асар Сиз, азиз китобхонларни мозий сари саёҳат қилишга чорлайди. Чин маънода «шафқатсиз аср» дея эътироф этилган (XII аср охири XIII аср бошлари) даврдаги ҳаётни кўз ўнгингизда гавдалантиради. Шу билан бир қаторда, мазкур асар бизга ватанимиз тарихининг қаҳрамонликларга бой даври билан танишиш имконини ҳам беради.

NI 32494
4/1

ISBN 978-9943-07-664-0

Alisher Navoiy

2020/13

nomi

65

O'zbekiston MK

© М. Йўлдошев, 2018.

© «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»

Давлат илмий нашриёти, 2018.

21031088017

ТАРИХИЙ ҲАҚИҚАТ ЖОЗИБАСИ

Исай Калашников ижодидаги энг катта, жозибадор асар – «Шафқатсиз аср» тарихий романидир. Муаллиф ўн йилдан ортиқ умрини сарфлаган бу тарихий романнинг ёзилиши учун қанчадан-қанча манбаларни ўрганиб чиқиши, ўзидан аввал ёзилган шу мавзудаги бадиий адабиётларни ўқиши ва мукамал ўрганишига тўғри келди. Сарфланган меҳнат, фидо қилинган билим ва кучлар ёзувчига бу гал жуда катта шўҳрат келтирди. Салкам минг йиллар аввал бўлиб ўтган воқеаларни тасвирлашда ёзувчига танланган мавзуга бўлган чинакам меҳр ва садоқат кучи ёрдам берди. Чингизхондай ўта мураккаб шахс ҳақида роман ёзишни муваффақият билан уддалади.

Исай Калашников собиқ иттифоқ Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Бурятия Ёзувчилар уюшмаси масъул котиби бўлган.

1980 йили ёзувчи бир олам режаларини амалга оширолмасдан, аммо ёзган асарлари билан мухлислар қалбида ўчмас хотиралар қолдириб, оламдан ўтди.

Бурятия Автоном Республикасида халқ ёзувчиси Исай Калашников номида Адабий мукофот таъсис этилган, Бадиий жамғарма ташкил қилинган.

Ёзувчининг асарлари қozoқ, қирғиз, бурят, олмон, туркман, чех, эстон ва қатор бошқа халқлар тилларига таржима қилинган. Унинг асарлари асосида кинофильмлар суратга олинган, спектакллар сахналаштирилган.

Исай Калашниковнинг «Шафқатсиз аср» романи Темучиннинг бўлажак отаси Есугай баҳодир томонидан унинг онаси Овулун олиб қочиби кетилиши билан бошланади. Романнинг айнан шу тарзда бошланиши икки жиҳатдан эътиборга молик: биринчидан, биз дарҳол Чингизхон ота-онасининг ҳаёти билан танишамиз, иккинчидан эса XII аср охирида яшаган кўчманчи мўғул қабилаларининг ўзига хос анъаналарига шохид бўламиз. Темучин дунёга келиб, улғайиши баробарида Мўғулистон даштларидаги шафқатсиз урф-одатлар ва турмуш меъёрлари билан тобора кўпроқ таниша борамиз. Айни пайтда бўлажак Буюк хоқоннинг маънавий-руҳий қиёфасини англаш учун бой тарихий маълумотларга эга бўламиз.

Темучин вояга етгани сайин кўпдан-кўп тўсиқлар ва ҳатто шахсий ғанимлар билан курашда тобланади, мураккаб вазиятлардан чиқиш йўли ҳадисини олади. Ўзи дуч келган ҳаётий, ҳарбий-сиёсий олишувларда қўли баланд келар экан, энг ҳалокатли вазиятларда ҳам охир-оқибат ғалабани ўз томонига оғдиришни уддалайди. Фақат шахсий бойлик орттириш ва ҳузур-ҳаловатни ўйлаш билан чекланиб қолмагани боис ҳарбий-сиёсий обрў-эътибори ортиб, унинг ўзи, қабиласи ва насл-насабига тобора кўпроқ халқлар таслим бўлади.

Исай Калашников ўз асарини маҳорат билан яратган. Хусусан, роман бой образли тил билан ёзилган, тарихий воқеалар баён қилиниши баробарида, роман қаҳрамонларнинг руҳий олами ҳам теран очиб берилгани, нафақат расмий тарихий-биографик маълумотларнинг ҳаққонийлиги, балки психологик жиҳатдан ҳам рўй-ростлиги билан асар ранг-баранг ҳамда росмана ҳаётий тусга эга бўлади.

Муаллиф турли бадиий воситалардан унумли фойдаланиб, «хиёнат ва макрнинг пайини қуритаман» деб қасам ичган, «одамларни ақли, жасорати ва садоқатига қараб мукофотлайдиган» афсонавий Чингизхоннинг ҳаққоний қиёфасини яратишга интилади.

«Шафқатсиз аср»ни шунчаки тарихий асар дейдиган бўлсак, унинг қадри-ни ерга урган бўламиз. Гап шундаки, Исай Калашников мазкур асарни яратишда бурят халқининг, умуман, Узоқ Шарқда, Сибирда минглаб йиллар давомида яшаб келаётган миллатлар ва элатларнинг асрий ҳикматларини жамлашга ҳам ҳаракат қилган. Мазкур халқларнинг мақол-матал тусига эга ҳаётий хулосаларидан унумли фойдаланган. Бу романни айни шу боис таниқли авар шоири Расул Ҳамзатовнинг «Менинг Доғистоним» асарига ҳам қиёслаш мумкин.

«Шафқатсиз аср» романининг «Қувғиндилар» номли биринчи китоби, деярли, Чингизхоннинг хон бўлиб қўтарилиши воқеаси билан якунланади. Кейинги, якуний қисмида эса навбатдаги воқеалар батафсил ҳикоя қилинади.

ТАҲРИРИЯТДАН

ёқарди байрамлар. Аммо бу чинакамига унинг байрами – Овулун ва куёв шарафига қўшиқлар тўқилди, эсон-омонлик тилаб, дуолар ўқилди. Унинг авлоди кувноқлиги, қўшиқсеварлиги ва гўзал қизлари билан донги кетганди. Бу ерларга қўшни давлат, баъзан Байкал томонлардан ва ҳатто Буюк девор орти – Хитой хони Олтинхон саройидан ҳам келин қидириб келишарди...

Сафарнинг биринчи кунини тез ўтди. У хайрлашув базмини эслаб, ўзича унинг шарафига тўқилган ашулаларни хиргойи қилиб, ора-чора куёвга зимдан кўз қирини ташлаб қўярди. У эри – Чиледуга кўнглида илиқлик туйди. Баланд бўйли, чайир, очиқ юзли, истараси иссиқ бу йигитдан беҳуда дилозор чиқмаслигини Овулун кўнглидан ўтказди.

Бугун ҳам Овулунга байрамнинг давоми. Аммо кечқурунгина улар тунаш учун тўхтаганларида ва Чиледу унга егулик тайёрлашни буюрганида у кадрдон овулини бир ё икки кунга эмас, умрбод тарк этганини тушуниб етди. Овулун кутилмаганда ич-ичидан соғинч ҳиссига ўхшаш оғриқ сезди, егулик тайёрлаш ҳам эсидан чиқди-ю, ерга ўтириб олиб, юзларини қўллари билан беркитганча хўнграб йиғлаб юборди. Чиледу кўзларини ҳайрат билан бир-икки юмиб очди-да, унинг тепасига келиб энгашди. Кафти билан унинг бошини силаб қўйди-ю, ҳеч нарса демади. Келинчак кўз ёшларига ортиқча эрк бермай, мурсаги этаги билан юзларини артди-да, гулханга ўтин қалай кетди. Лекин юрагидаги дард аримади. Унинг беташвиш ҳаёти ортида қолганди. Энди унинг бошига пишир-қуйдир, бичиш-тикиш, эрининг отини эгарлаш, кўчиш чоғида аравани бошқариш юмушлари тушганди.

Чиледу қаллиғи кўнглига қарар, қисик кўзларида хайрихоҳ табассум ўйнаб турарди. Овулун унинг илиқ табассумидан, сўзсиз ҳамдардлигидан миннатдор эди. Араванинг орқасида, эрига орқа ўгириб ўтириб ҳам Чиледунинг нигоҳи ўзига қаратилганини юракдан сезиб турарди. У Овулуннинг тушкун кайфиятидан дилидагисини тилига чиқаролмай, миқ этмай келарди.

– Овулун, – деб чақирди Чиледу.

У бошини салгина ўгирди.

– Қимиз ичасанми, Овулун?

Жазирама иссиқдан томоғи қақраб қолганини у шу топдагина англади ва бошини ирғади. Қизнинг онаси аравага жойлаб қўйган мешдан ёғоч косага қимиз қуйиб берди. Илиқ, нордон қимиздан унинг бурунлари қичишиб кетди.

– Ўнўнга яқинлашиб қолдик, – деди Чиледу мешнинг оғзини қайта боғларкан. – Дарё бўйида ҳўкизларни ҳам, отни ҳам тўйғазамиз, кечгача ўзимиз ҳам дам оволамиз. У ёғига кечаси юрамиз. Ҳам салқин, ҳам бежавотир.

Шу кунини Чиледу садоғу камонини тиззасидан қўймади. Шундоққина ўнг қўли ёнида эса сопи буғунинг шох суюгидан ясалган қиличи ҳам шай турарди.

– Қандай хавфдан ҳайиқяпсиз? – дея гап қотди Овулун.

– Бу ерларда нобоп қабила кўчманчилик қилади. Биз меркитлар шу қабила билан доим ғижиллашиб келамиз. Яқинда улар бизнинг ҳокимимиз Тудур билимдонни ўлдиришди, ўғли Тўхта бекини оғир ярадор қилишди.



Чиледу хавотирли кўзларини чўлдан узмай гапирарди. Аммо атрофда ҳеч зоғ йўқ, қовжираган ўт-ўланлар орасидаги юмронқозиқларнинг калта чийиллашигина эшитилиб қоларди.

Кўп ўтмай юмшоқ тупроқли пасттекисликка чиқишди. Олдинда иссиқ ҳаводан чайқалиб қатор бута толлар туради. Сув эпкинини сезган ҳўкизларнинг қадами тезлашди. Чиледу минган от бошини тик кўтариб, қулоқлари диккайди.

Чиледу кенг майсазордаги бутанинг соясида ҳўкизларни ечиб юбориб, отни тушовлади. Овулун қирғоққа чўкди. Дарё узра киши кўзини қамаштириб куёш жилваланар, ўт босган қирғоққа урилаётган сув ёқимли товушлар чиқарарди. Чиледу унинг ёнига келиб ўтирди-да, аста унинг елкасига қўлини қўйди.

– Хафа бўлма, Овулун. Ҳаммаси изига тушиб кетади. Менинг авлодим бадавлат ҳам, донгдор ҳам эмас, аммо мен ишнинг кўзини биламан, камондан нишонга беҳато ураман. Селенга атрофида ҳар турли жонивор кўп. Сенинг нуёндек яшашингга кафил бўламан.

Овулун Ўнўн сувига тикилганча қулоқ соларди. Дарё тубида қумлар шундоққина кўриниб турибди. Чиледунинг далдаси уни тинчлантирди. У Селенга бўйида меркитлар овулидаги ҳаётини ҳарчанд уринмасин тасаввур этолмади. Унинг кўз ўнгида нуқул битта манзара – кўл бўйидаги ўтовлар, қуриб қовжираган қамишзорлару шўрхок ернинг у ер-бу ерида бўзариб турган ёвшонлардан иборат олхонутлар уруғининг жонажон овули пайдо бўлаверди.

– Селенга ҳам худди шу Ўнўнга ўхшайдими? – сўради у.

– Бундан анча катта. Камондан пайкон узиб, нариги қирғоққа етказиш анов-манов баҳодирнинг қўлидан келмайди.

Чиледу бута ва шох-шаббалардан териб келди-да, чақмоқтош билан олов ёкди. Ёкди-ю, дарҳол яна ўчириб, атрофга олазарақ қараб қўйди.

– Кўрқяпсанми? – сўради Овулун.

– Тутун чўлда узоқдан ҳам кўринади, – қовоғини уйиб, хоҳламайгина жавоб қилди Чиледу.

Овулун куёвининг ориятини сезиб:

– Оловсиз ҳам бўлаверади, – деди.

Чиледу ўжарлик билан бош чайқади:

– Йўқ, олов ёқамиз, – деди-да, яна чақмоқтошини ишга солди.

Гулхан устига тоғон ўрнатиб, унга сув билан тўла сафар қозонини осди. У эпчиллик билан бир зумда, ишни қойиллатиб бажарди. Уни кузатиб турган Овулун унинг ҳаракатини кузата туриб, яхши қайлиқ учраганидан севиниб кетди.

Чиледу чопонини эгнидан ечиб, майса устида ярим яланғоч ўтиганча, Овулунни роҳатланиб кузатарди.

Ўтларни чимдиб-чимдиб еб юрган оти бирдан бошини кўтариб кишнаб юборди. Буталар бошқа отнинг ҳам кишнаши эшитилди. Чиледу ўрнидан сапчиб туриб, аравага қараб чопди. Ўқ-ёйи ва қиличини чангаллаб, гулхан

ёнига қайтди. Овулунни ўрнидан турғазиб аравага чиқариб, пардасини тортиб кўйди.

Овулун заррача қўрққани йўқ. У пардани хиёл суриб, ташқарига мўралади. Ўтлоққа оппоқ саман минган чавандоз кириб келди. Унинг эгнидаги чопон дағал юнг матодан тикилган, яроғлари – эгри шамшири, кумуш садоқлари, эгари ва юганлари эса ўйма мис парчалари билан ясатилган эди. Отлиқнинг яккам-дуккам сочи отининг ёлидай малла эканидан Овулуннинг кулгиси келди. Қулоқлари ортига тортилган кокиллари мисдай ялтирарди. У шу чоққача малласоч одамларни кўрмаганди. Кўзлари ҳам бошқаларникига ўхшаб қора жигарранг эмас – кўкимтир-кулранг эди. Балки у умуман одам эмасдир? Унда ким бўлдийкин? Яхшилик руҳими ё ёмонлик?

Отлиқ ҳушёр назарини Чиледудан узмаган кўйи кескин овозда у билан саломлашди. Ҳар дақиқада камонини тортишга шай турган қўлларини қаттиқ қисиб олган Чиледу тушунарсиз жавоб қилди.

Чавандоз атрофни бир қур кузатиб чиқиб, булардан бошқа ҳеч зоғ амин бўлибми, масхараомуз сўради:

- Нега хурпайиб турибсан? Қаёқдан келиб қолдинг?
- Узоқдан, – деб минғирлади Чиледу ва гулхан олдига чўкди.
- Меркитмисан? – сўради чавандоз.
- Ҳа.

– Туришингдан маълум. Бошқа биров бўлганида меҳмонни дастурхонга таклиф қилиб, қимиз билан сийлаган бўларди. Саҳройиларнинг одати шунақа. Сиз, такаббур меркитлар, бу қадим одатларни менсимайсизлар-да, а?

– Қадимги одатимизча меҳмон дегани бўлмағур саволлар билан шилқимлик қилганмиди, нима дейсан? Ўтир, қимиз кўйиб берай.

Отлиқ кулиб юборди.

– Шундан бошламайсанми? Лекин сенинг қимизингни ичмайман, меркит. Бу ерларда, нутуғингдан¹ узоқларда нима қилиб юрибсан? Сени ким юборди бу ерга? Нима учун? – У энгашиб, арава пардасини шахт кўтариб, ичкарига қаради. – Ўҳ-ҳў!

Овулуннинг нигоҳи унинг ҳайратли кўзларига тушдию нари ўтирди.

– Сенинг исминг нима, гўзал қиз?

– Овулун², – ётсираб жавоб қилди у.

– Сен қанақасига оқ булут экансан! – Ёйилиб куларкан, чавандознинг бир текис оппоқ тишлари ярақлаб кетди. – Сен оқ булут эмас, момақалди-роқ чақирувчи қора булутсан-ку! Мени эса Есугай дейдилар. – У Чиледуга ўгирилди:

– Агар бу қиз сенинг синглинг бўлса, меркит, осмон гувоҳ, сизларга куёв бўлишга тайёрман, – деди-да, қўлларини мардларча белига қўйди.

– У менинг қайлиғим.

– Қайлиғим? – юзидан табассуми секин ғойиб бўлиб, тош қотди. – Қайлиғим... дегин. Хўп, майли, уйингга олиб кетавер. – Яна Овулунга қаради.

¹ Нутуғ – кўчманчи мўғулларнинг ерлари.

² Овулун – оқ булут дегани.



– Агар эринг қачондир бизларга қарши қурол кўтарса, сен тул қоласан, билиб қўй. Сенам, куёв, менинг гапларимни эслаб қол!

У жиловни бир силтаб отини елдай учириб кетди. Қайта орқасига ўгирилмади.

Пешонасидаги терларини артаркан, Чиледу унинг кетидан қараб қолди.

Наридан-бери тамадди қилиб олишди-да, ҳўкизларни аравага қўшишди. Чиледу ҳаловат билмай тинимсиз атрофга аланглар, солар, «Лаънат бўлсин сенга, қизилбош шоқол!» деб тўнғиллаб қўярди. Унўннинг шарқироқ сувлари, тол-буталари ортда қолиб, кўздан йўқолгачгина унинг кўнгли бироз тинчиди.

– Сен бу одамни танийсанми? – сўради Овулун.

– Мен уларнинг қабиласини биладан. Бутун саҳродан бу тойчуютга ўхшаш урушқоқ ва жангари қабилани тополмайсан.

– Нега унинг соч-кўзлари қорамас? Уларнинг ҳаммаси шунақами?

– Ҳаммаси эмас. Шундайлари ҳам бор. Улар ўзларининг қизғиш сочлари-ю кулранг кўзларини илоҳийлик белгиси деб билишади. Сен унинг муомаласини кўрдингми? Бу тойчуют бизнинг қабилани қон қақшатгани учунгина эмас. Бу қизилбошлар дунёдаги бошқа ҳамма одамларни ўзларидан паст кўришади. Ахир, уларни Осмоннинг ўзи яратган-да! – кинояомуз деди Чиледу.

Чиледу бутун аламини ҳўкизлардан олди. Гаврони билан ҳар икковини саваб ташлади. Буқаларнинг орқасида узун-узун гаврон излари бўртиб чиқди.

– Қанақасига Осмоннинг ўзи яратади? – Чиледу мулойимлик билан сўради.

– Кексалардан эшитгандим. Анча йиллар аввал Баргужин Тўқума деган ҳукмдорнинг Баргужин Гоа исмлиқ гўзал қизи бўлган экан. Қора тумат уруғидан бўлган Хорилтой мерган унга уйланибди. Улардан Алан Гоа исмлиқ қиз туғилибди. Хорилтой хотини ва қизи билан бу ерларга кўчиб келибди. Алан Гоа бўйи етиб, Добун мерганга турмушга чиқади. Тез орада Добун мерган икки ўғли билан хотинини ташлаб, ёруғ дунёни тарк этади. Мана шундан кейин турли мўъжизалар бошланади. Эри йўқ Алан Гоа битта, иккита, учта ўғил кўради. «Бу қанақаси?» деб сўрашади ундан. «Ҳар кеч қош қорайиб, осмонда юлдузлар кўриниши билан ўтовимнинг мўрисидан ёғду нури кириб келади-да, кўз ўнгимда малласоч йигитга айланади. Булар ўшанинг болалари», – деб тушунтиради Алан Гоа. Эскилар бошқача шоҳидлик берадилар. Кириб келувчи – мўридан тушадиган ёғду эмас, тунлари ўтов эшигидан ўз оёғи билан кириб келадиган, насл-насабининг тайини бўлмаган қора ишчи Маалих экан.

Бепоён саҳронинг бўзариб ётган кенгликларини диққат билан Чиледу жим кузатарди.

Есугай узоқда кўкариб турган тепалик томон чўл паррандаларини овлаш учун кетди. Лекин Есугай хаёлини ов эмас, Чиледу – Овулун билан бўлиб ўтган тасодифий учрашув банд этганди. Ўша меркит ғирт тентакнинг ўзи экан-ку! Худди ўз нутуғида юргандай талтайиб ётиб олганини-чи! Отини ҳам, хўкизлари-ю қайлиғини ҳам тортиб олиб, ўзини молбоқар қилиб эзиб ишлатиш керак эди. Мана шунда одилона иш бўларди. Душман ҳамиша душманлигича қолади. Нега уни безиён-бешикаст кўйиб юборди? Балки, бу меркит айнан шунақа содда ва бўшанг бўлгани учундир? Йўқ, шунинг учунгина бўлмаса керак. Бунақанги қорачалар ҳеч қачон унинг раҳмини келтирмаган. На калласи бор, на юраги. Ўша меркитнинг ўрнида бўлганида, Есугай, ким бўлишидан қатъи назар, аравага мўралашга йўл кўйиб кўярмиди? Бу гўлга насиб қилган қайлиқни қара! Хотирасига ўқдай қадалиб қолди: арава ичидаги гўзалнинг қоронғиликда ғазабдан чақнаб турган кўзлари, қалин қошлари узра худди майса устидаги шабнамдай товланиб турган реза-реза тер томчилари... Ҳарқалай, худди мана шу қизни деб ҳам меркитга тегмадим. Лекин тўғри қилдимми? Унинг донишманд устози кекса Амбахайхон бунин билса нима дерди? Олдиндан ҳеч нарсани билиб бўлмас экан-да. Яқин орада меркитлар билан бўлиб ўтган тўқнашувда душманлар бошлиғининг ўғли Тўхта беки билан рўпара бўлиб қолди. Найза ва қиличини усталлик билан ишга солиб, унга бир қанча жароҳатлар етказди. У эса қонига беланиб қочиб қолди. Есугай унга энди етай-етай деганда, отининг оёғи юмронқозиқ инига кириб қолиб, ағанаб тушди. Алам ва ғазабидан тулпорини чопиб ташлашига оз қолди. Жангдан сўнг у хоннинг кўзига кўринмасдан юрди. Лекин Амбахайнинг ўзи уни чақиртирди.

– Қарасам, жуда ҳафа кўринасан. Аммо бунга асос йўқ. Тўхта беки отасининг ўрнини эгаллаши керак. Душманларнинг калтакланган қабила бошлиғи калтак емаганидан яхшироқ. Бизлар билан ўйлаб иш тутади, – деди.

Есугайнинг бобоси – машҳур Хубулайхоннинг дўсти ва унинг ишларини давом эттирувчиси бўлган Амбахайхон ҳаёт ишларига уруғнинг бошқа нўёнларидан ўзгача назар билан қарарди. Меркитлар урушидан сўнг бир кун ўтказмай, уни ўзларининг азалий душманлари – татарлар устига бостириб боришга даъват қилдилар. Есугай ҳам бу таклифни ёқлади. Меркитларнинг қадди бошлиқларининг ўлими ва мағлубиятнинг оғир юкидан эгилиб қолган, куч тўплаунларича татарлар устига бостириб кириб, ғалабага эришиш мумкин.

Амбахайхон сийрак ва оппоқ мўйловини силаб, ҳеч кимнинг гапини бўлмай, жимгина эшитарди. Овоз тингач, хон хўрсиниб қўйди.

– Душманни кучли енгади, ақлли эса ғалаба нашидасини ҳам тарозида тортиб кўради. Ҳозир татарлар устига бостириб бориш ақлданмикан? Улар меркитларнинг енгилганини биладилар. Улар ҳам худди сиздай фикр қилиб, бизнинг юришимизга тайёр бўлиб турибдилар. Бу уруш охири нима билан тугаши фақат Осмонгагина маълум. Борди-ю биз яна ғалаба қозонга-



нимизда ҳам бу бизга нима беради? Бизнинг қудратимиз ортиши Олтинхонни ташвишга солади. Бунни хоҳламаган хон бизнинг устимизга юради. Ёлғиз ўзимиз унга қарши тура олмаймиз. Демак, татарлар билан урушиш ҳақида эмас, аксинча улар билан сулҳ ҳақида ўйлаш керак. Мен ўзим, қўшинсиз татарлар ҳузурига бориб, эски душманлик оловини ўчириб келишга ҳаракат қиламан.

– Улар сени ўлдиришади! – деди Есугай.

– Балки ўлдиришар ҳам, – деди хон синиқ овозда. – Лекин тинчлик учун бизда бошқа қулай имконият бўлармикин?

Амбахайхон бир нечта навкарлари билан татарлар макон қилган Бўйирнур кўли тарафларга жўнаб кетди. Лекин аллақачонлар қайтиши керак бўлган хоннинг ўзидан ҳам, унинг бирор навкаридан ҳам дарак йўқ.

Есугайнинг оти йўл-йўлакай учраган ўтларни чимдиб, секин қадам ташларди. Қуёш чошгоҳга қараб кетганига қарамай, ҳарорат пасайгани йўқ, саҳро кимсасиз. Есугай овга отланганини ҳам унутмади. Ўй занжирига бир-бир қўшилаётган турли фикрлар янги-янги ҳалқалар ҳосил қилар, лекин унинг хаёли охир бориб, тушуниб бўлмас хавотир билан «оқ булут қиз» билан тутшиб кетаверарди. Ўнўн қирғоқлари бўйлаб ўсган бута толлардан қанча узоқлашмасин, бу хавотир фақат кучайиб борарди. У энди ўша қорача меркитга ҳасади келаётганини сезмоқда эди.

Есугайнинг хотин олиш пайти аллақачон келган. Акаларининг ҳам, укаларининг ҳам хотинлари бор. Унинг бу борада омади келмади. Отаси уни Хитой деворларига яқин ерлардаги бир қабила қизи билан унаштириб қўйганди. Келинни уйга олиб келамиз деб туришганида эса, ўша қабила устига татарлар бостириб келиб, кўпларни қириб ташлади, кўпларини эса асир қилиб олиб кетишди, уларнинг орасида Есугайнинг қайлиғи ҳам бор эди. Бу воқеадан кўп ўтмай, қўрқмас Бўртўн баҳодир ҳам оламдан ўтди. Бу орада янги урушлар бошланди. Унинг ўтови ҳануз бўм-бўшлигининг, ов билан овунишининг боиси мана шунда. Есугайнинг ўтовини ҳам анави меркитнинг қайлиғидай бир гўзал гуриллатиб ўтирса эди...

У шу хаёллар билан жиловни бир силтаб, отини кескин орқага буриб, жони борича уйи томон елдириб кетди.

Унинг ўтовлари Ўнўн дарёси бўйидаги яйдоқ тепаликларда сочилиб ётибди. От уюрлари иссиқдан жон сақлаш учун дарёга тушиб олган, қирғоқда эса қўй-қўзилар кавшанади. Навниҳол қарағайларнинг ола-чипор соясида чўпонлар хуррак отар, уларнинг ёнида эса тилини осилтириб, оғир-оғир нафас олиб бир ит ўтирарди.

Есугай акаси Некун амалдор ўтови олдида отдан тушди. Эшик пардасини шахт очиб, ичкари кирди. Ўтов ичи қоронғи ва салқин эди. Ўчоқ яқинида акаси Некун амалдор ва укаси Даритой отчигин чордона қуриб ўтирарди. Есугайнинг юзидан хавотир ифодасини англаб иккалови унинг оғзига қараб жим қолишди. Есугай ўзини қўлга олиб, уларнинг ёнига чўкди-да, қимиздан симирди. Одатга кўра, ҳурматини билган одам шошқалоқ ҳаққа қилиғини қилмаслиги керак. У ўтов эгаси ва акасидан ҳол сўради:



– Ишларинг яхшими?

– Абадий Осмон менга мададкор бўлиб турибди, – деди Некун амалдор ҳам дона-дона қилиб. Бирдан унинг дум-думалоқ қизғиш башараси бахтиёр табассумдан очилиб кетди. – Есугай, мен ўғил кўрдим. Унинг отини Хучар кўяман. Яхши исм-а?

Некун амалдор шодликдан терисига сиғмасди. Оға-иниларнинг энг кичиги, аёллардай нозик қўлли калтабақай Даритой отчигин эса, кўзларини худди кулганга ўхшаб қисиб турарди. Бир қарашда у ростданам хурсанд, кулаётганга ўхшарди. Аммо Есугай унинг кулгиси ясама эканидан хабари бор эди. Пакана ва нимжонлиги унинг феълигаям таъсир ўтказгандай. У ҳеч қачон жиғарларининг шодлигидан самимий қувонмас, айёр кўзларини ҳамиша мана шунақа сохта қисиб турарди.

– Мен билан овга бормайсизларми? – сўради Есугай.

– Шу топдами? – Некун амалдор ўтов мўрисидаан ёп-ёруғ осмонга қараб кўйди. – Жуда иссиқ-ку.

– Нима овлаймиз? – Даритой отчигин Есугайнинг юзига тикилиб туриб, акаси охиригача айтмаётган гапини тушуниб олишга ҳаракат қиларди.

– Ёввойи така.

– Ўзимиз бораверамизми? – Есугайнинг режасини ҳамон тушуна олмаётган Даритой отчигин қайта савол берди.

– Уччаламиз кетаверамиз. Бошқа ҳеч кимнинг кераги йўқ. Лекин, шарти – така меники бўлади.

– Бизга-чи? – яна суқулди Отчигин.

– Биттадан хўкиз.

– Э-ҳа, – чўзиб деди Отчигин, акаси қандай ов ҳақида гапираётганини эндигина тушуниб етгандай. – Хавфлимасми? Балки катта акамиз, Мунғету Қиён билан гаплашиб кўрармиз?

– Хўкиз уч кишига етмайди, – кулди Есугай ўрнидан туриб. – Тез отларинглар. Агар бормасанглар, бир ўзим кетаман.

III

Кун қайтди. Ҳаво бироз салқинлаган бўлса ҳам, қизиб ётган ердан иссиқ ҳовур кўтарилиб турарди. Кундузи бошни айлантирган ўтларнинг ачимсиқ ҳиди сал бўшашди. Туёқлари тош қотган ерга овозсиз урилаётган, ҳолдан тойган хўкизлар аравани аранг тортиб борарди. Овулуннинг томоғи қақраб кетди. Шу чоғнинг ўзида бир култумгина бўлса ҳам муздеккина булоқ сувидан ичишни илоҳий бир неъматдай хаёл қилди. Сувга етишларига бир баҳя қолгандай туюлаверар, аммо олдинда ҳали тап-тақир сахро ястаниб ётарди. Овулун осмон билан ер туташган олис уфққа зўр бериб тикилар экан, кўзлари бута толлар, қамишлар ё бўлмаса кўлу дарёлардан хабарчи қиёқларни қидираверарди. Аста-секин қош қорайиб, ер билан осмон тобора бир хил – бўз рангга айланиб бормоқда эди. Овулуннинг ўткир кўзлари олдинда қорайиб турган бир нарсани кўриб қолди. Эҳтимол, бута толдир.



– Чиледу, қара!

Чиледу аравани тўхтатди. Ғилдираклар остида шитирлаётган ўтлар овози тиниб, чивинларнинг ғувиллаши эшитилар даражада жимлик чўкканда, от туёқларининг дупур-дупури аниқ эшитилди. Кимдир уларнинг йўлини тўсиб от қўйиб ўтди. Овулун ён тараф ва орқа томондан ҳам от туёқлари товушини эшитди.

– Бу нима?! – У Чиледуга ёпишиб олди.

У шошиб Овулунни четга сурди-да, аравадан сакраб тушди. Камоннинг чийиллашию ўқнинг хуштак чалиб зулматга қараб учгани эшитилди.

– Ўв, меркит, бас қил!

Бу огоҳлантириш овози эгасини Овулун дарҳол таниди. Есугай машак қайтган эди. Шу ондаёқ унинг хавотири ғойиб бўлди. Нимагадир Есугай уларга ёмонлик қилмайдигандай кўринди унга. Аммо у шу ондаёқ бу умидни пучга чиқарди.

– Яхшилаб эшит, меркит! Бизга қарши чиқишининг фойдаси йўқ. Биз кўпчиликмиз. Қочишнинг ҳам иложи йўқ, чунки бизнинг тулпорларимиз учқурроқ. Бордию яна камонингдан ўқ отгудек бўлсанг, эртагаёқ жасадинг қашқирларга ем бўлади.

Қоронғилик шу қадар қуюқлашдики, Овулун атрофларида гир айланаётган уч отлиқ шарпаларини аранг илғарди.

– Ҳали кўрамиз, қашқирлар кимни биринчи бўлиб ейишини! – ғазаб билан бақирди Чиледу.

Есугай кулди.

– Сенинг калланг, меркит, худди ағдарилиб ётган қозонга ўхшаб бўм-бўш.

Шундоққина Чиледунинг оёқлари ёнига учиб келган ўқ қизғиш учқун чиқариб ерга санчилди-да, яна бир муддат ари ғувиллашига ўхшаш овоз чиқариб титраб турди.

– Ҳўш? – кулди Есугай. – Кўз очиб юмгунингча шунақа ўқларнинг учтаси томоғингни тешиб чиқади. Энди бу ёғини эшит. Бизларга сенинг арзимас ҳаётинг керак эмас. Отингни мину, жўнаб қол. Арава билан қиз қолади.

Овулун тушундики, ҳаммаси мана шу маллавоё Есугай айтганидай бўлади. Бу одамлар уларни тинч қўймайди. Чиледунни ўлдиришади. Одамнинг ишонгиси келмайдиган бу воқеалар худди боши-кети йўқ тушга ўхшарди. Ҳўкизлар чарчоқ хўрсиниш аралаш қуришқоқ ўтларни чимдир, оти эса тумшуғини арава четига ишқаларди. Овулуннинг қичқиргиси, шундай қичқиргиси келдики, токи унинг овози бутун саҳро бўйлаб учиб бориб, барча жангчилару чўпонларни оёққа турғазсин. Лекин у қичқирмади. Аравадан тушди-да, қайлиғини қучди.

– Кета қол. Кета қол, азизим Чиледу!

– Қаёққа кетаман? – деди у хўмрайиб. – Елкадан ўқ егандан кўра, кўкрагингдан ўқ еб ўлган афзал.

– Сен яшадинг керак, – деди Овулун вазминлик билан. – Сени ўлдиришларига йўл қўймайман. – Уни қандайдир бир паришонлик чулғаб олганди.

У тезгина аравага боғланган от жиловини ечиб, Чиледуга тутқазди. Қайлигининг белбоғида осилиб турган пичоқни суғуриб олди-да, Есугай тарафга қараб кетди. Бу ҳаракатларини у ўйламаган ҳолда, жуда тез бажарди. Лекин гўё бу ҳаракатлари олдиндан пишитиб, режалаштириб қўйилгандай эди.

– Ҳой, сен, малла шоқол! Чиледу кетади. У ўлишдан кўрқмайди. Фақат мен унинг ўлишини истамайман. Эшитаяпсанми, маллабош қароқчи? Агар сен Чиледунни ўлдирсанг, мен сенинг кўз олдингда ўзимни чавақлаб ташлайман!.. Алвидо! – У орқасига қаради. – Алвидо, Чиледу!

Есугай уни узун найзасига суюнганича кутиб турарди. Бошидаги темир дубулғаси хира ялтирарди.

– Мен сени гўзал қиз десам юраги ботир жангчи экансан-ку, а?

Овулун унинг зулмат қоронғилигидаги юзини кўрмас, лекин истехзоли овозидан мазах қилаётганини сезиб турарди. Овулун бу жирканч овоз эгасидан икки қадам бериди тўхтаб, орқа томондан эшитилаётган овозларга кулоқ тутди. Чиледу тезроқ кета қолсайди. Акс ҳолда у ўзидаги бу кучли зўриқишни ортиқ кўтара олмаслигидан хавотирда эди.

Есугай найзасини кўтарганини Овулун сезмай қолибди. Туйқус унинг тигисиз тарафи билан қизнинг қўлига туртиб, пичоғини уриб туширди. Кучли қўллари билан маҳкам сиқиб, қаттиқ кафтлари билан оғзини ёпди. Унинг чаққон ҳаракатларидан Овулун қаршилиқ қилишга улгурмади ҳам.

Шахт кўтариб қизни эгарига ўнгарди-да, отини саҳрога қараб учуриб кетди. Шундагина қиз ўзига келди. У Есугайнинг қўлларида типирчилар, тирноқлари билан тимдалар, тишлар эди. Есугай сўкиниш аралаш қиз қўлларини орқасига қилиб қайиш билан боғлаб ташлади. Овулуннинг боши отнинг терчиган қорнигача осилиб тушган, сочлари эса чўл ўтларига илашиб борарди. Ожизлик ва чорасизликда ҳушини йўқотар экан, Овулун бир олий иноят сифатида осмон ва мададкор руҳлардан ўзига ўлим тиларди.

У ўринда ётган ҳолида ҳушига келди. Ўтовнинг очиқ эшигидан ёрқин нур оқими ёғилиб, енгил тонг ҳавоси кириб турарди. Остонаданоқ ям-яшил майсалар устида шудринглар турли рангларда товланарди. Одамларнинг ғала-ғовури, улоқчанинг мунгли мераши, арава ғилдиракларининг ғичирлаган овозлари кулоққа чалинарди. Қочишни хаёлига ҳам келтирмасди: эшик олдида кўриқчилар саф тизиб тургандир.

Овулун туриб ўтирди, ўтов ичига кўз югуртирди. Кираверишда, қарама-қарши девор ёнида энсизгина хонтахта бўлиб, унинг устида чармдан ясалган ёғ босган ўнгўнлар – маъбудлар териб қўйилган эди. Бу доғлар улар шарафига қилинган қурбонликлардан белги. Иккинчи хонтахта ўчоқ ёнида бўлиб, унинг устида катта сопол товоқ ва бошқа идишлар. Оёқлари нақшинкор, ялтироқ қора қопқоқлик, жуда ҳам кичик учинчи хонтахта чизиқли безаклар билан ишланган қордек оппоқ намат устида турар эди. Уйлуннинг ўрни ўтовнинг шарқий тарафига тўшалган, рўпарада, ўчоқнинг у тарафида ҳам бир ўрин солинганди. Чиқаверишга яқинроқда эса кийимлар, дағал

– Чиледу қани?

Есугайнинг кулранг кўзлари зумда совуқ чарақлади-да, қовоғини солиб олди.

– Уни ўлдирдингларми? – пичирлади Овулун. Унинг нигоҳи Есугайнинг белида осилиб турган пичоғига тушди. Эпчиллик қилса, пичоқни олса бўларди.

– Ўлдирганимиз йўқ, – алам билан жавоб берди Есугай. – Сен унинг ўлишини истамовдинг – у тирик. Лекин сен ҳадеб уни эсимга солаверсанг, мен сенга унинг калласини олиб келиб бераман.

У жим бўлиб қолди. Овулун ҳам жим эди. Мўридан ўтовга сўна учиб кирди-да, ғашга тегувчи, ғинғиллаган овоз чиқариб айлана бошлади. Овулун бу ғинғиллашга қулоқ солганча кўзини сут тўла косага тикиб ўтирар, юраги бўм-бўш эди.

– Овулун, – Есугайнинг овози узоқдан келаётгандай эди. Қиз қимирламади, бошини кўтармади. – Мен сенга ёмонлик қилмайман. Мен сени хотиним бўлишингни хоҳлайман. Фақат ажал мени сендан ажратиши мумкин. Шуни эсингдан чиқарма, Овулун. – Есугай бир зум гапидан тўхтади. – Биз урушга кетяпмиз. Агар мен ўлсам, демак, сенинг болаларингнинг отаси бўлишимни осмон хоҳламаган бўлади. Мабодо мен қайтмасам, сени уйингга элтиб қўйишади. Лекин қайтиб келсам... Овулун, сен менинг тирик қайтишимни хоҳлайсанми? Нимага жимсан?

Есугай ўрнидан туриб, ўтов ичида кезина бошлади. Унинг тунд юзидаги ташвиш тобора кучайиб борарди. Кечаги Есугайга мутлақо ўхшамасди. Заҳарханда кулишлари ҳам, беўхшов ҳазиллари ҳам йўқ. У ўтов ичида у ёқдан бу ёққа юраркан, гўё Овулунни бутунлай унутган эди. Бирдан юришдан тўхтаб, зорлангандай бўлиб, секин гапирди:

– Барибир улар уни ўлдиришибди, шундай ўлдиришибдики!

– Кимни... ўлдиришибди? – Чиледу ҳақида гапиряпти деб ўйлаб, Овулуннинг миясига шу чоққача Есугай уни хиёнаткорона алдаётган экан, деган фикр келди.

– Амбахайхонни ўлдиришган... Э, сен билмайсан...

Овулун енгил хўрсиниб қўйди. Хонни ўлдиришган бўлса, унга нима!

– Амбахайхон мен учун ким эканини сен билмайсан. Мен уни ўз отамдан ҳам яхши кўрардим. Унинг донолиги қабиламизнинг куч-қудрати эди. Лаънати татарлар! Улар Амбахайхонни тутиб олиб, Хитой хони Олтинхонга топширишибди. У бўлса хонимизни ёғоч эшакка михлатибди. Бекорчи ва нодон оломон бу донишманд ва баҳодир одамнинг қандай ўлишини томоша қилгани келибди. Шавкатли Хабулахоннинг ўғли Хутула баҳодир энди бизни татарларнинг устига бошлаб боради. Биз қасосимизни оламиз!

Есугайнинг дарди Овулунга бегона ва нотаниш бўлса ҳам, у беихтиёр Есугайнинг жарангдор овозига қулоқ тутди. Бу овозда нафрат шунчалик кучли эдики, Овулуннинг юраги увишиб кетди.



IV

Селенганинг этак қисмидан шамол эсар, лойқа тўлқинлар қумли қирғоқдан тошиб чиққудай бўларди. Чиледу отидан сирғаниб тушди, чарчоқдан чайқалиб бориб, сувга яқинроқ қум устига ағанади. Дарё тўлқини келиб унинг боши ва елкаларига урилди. У дағаллашиб кетган юзидаги сувларни кафти билан сидириб ташлади. Унинг кетидан жиловини судраб келган оти дарёга эгилиб, узоқ сув ичар экан, ичига кириб кетган биқинлари дам-бадам кўтарилиб тушар эди.

Чиледу нариги қирғоққа қараб турибди. У ерда атрофи ярим доира шаклида оқ-қора ўтовлар билан қуршалган йўл-йўл чодир кўзга ташланади. Чодир узра туғ ҳилпирайди. Мана, у уйида. Шу алпозда ўтовига қайтишини туш кўрмаганди.

Тўлқинлар қирғоқда ястанган қум устига шитоб билан отилиб чиқар ва яна тезда орқага қайтар экан, қум устида илонизи кўпиклар чизигини қолдирарди. Шу ерда узуноёқ балиқчи қуш кўпиклар орасида нималарнидир излар, Чиледуга ёнламачасига қараб-қараб қўярди. От оғзидан сув томчиларини томизиб сувдан чиқиб келди. Чиледу кечувга ошиқмаётганди. У йўл давомида фақат қабиладошлари билан учрашувнигина ўйлаб келди. Уни ёш хотини билан кутишяпти, у бўлса... Отасининг кўзига, ҳўкиз-арава-сини бериб турган Тайр Усун нўённинг кўзига қандай қарайди? Бу тахлит шармандаларча талаб кетишганидан кўра ўлдириб қўя қолишса ҳам майли эди. Овулун, ҳозир қаердасан, Овулун?.. Нимага ҳам менинг ҳаётимни сақлаб қолдинг? Овулун ёнимда бўлмаса, ҳаётнинг нима кераги бор? Балки у овулига қайтмагани, Селенга бўйлаб пастга, қондошлари юрти бўлган Баргужин-Тўкума ерларига, Қора туматлар қабиласига кетгани маъқулдир?

Осмонни шамол қувлаб келаётган улкан қора булутлар қоплаб, у ер-бу ерда ёмғир ҳам томчилаб қолди. Яхшигина ёғингарчилик бўладиган, чамаси. Йўқ, Қора туматлар тарафга бормади. Болалигида меркитлар асир олиб кетган бобосини у ерда ҳеч ким танимагани учун, ёки узоқ йўлдан қўрққани учун ҳам эмас. Йўқ, у шу ерда қолади. Қабиладошларининг масхаралари, таъна-маломатларига чидайди. Тўхта бекидан навкарлар олиб, тойчуютлар юртига боради ва Овулунни тортиб олади.

Чиледу шундай қарорга келди-да, тезгина кийимларини ечди. Уларни бир тугун қилиб ўраб, эгарга боғлади. Жиловини ушлаб, от билан бирга сувга тушди.

Нариги қирғоққа чиқиб, кийиниб олди-да, отасининг ўтови олдида туриб қолди. Тезлашиб кетган ёмғир энди унинг юзларига уриларди. Урамда ҳеч зоғ кўзга чалинмас, ҳамма ўтовига кириб кетганди. Яхшиям ҳеч ким уни пайқамади...

Ўтови ёнига бориб, отни бўшатгунича ивиб кетди. Ўтов пардасини бўшашибгина очиб, остона ҳатлади. Муридан ёмғир томчилари билан бирга заифгина ёруғлик тушиб турарди. Бундай қоронғиликка ўрганмаган Чиледунинг кўзлари аввалига ҳеч нарсани пайқай олмади.



– Сенмисан, ўғлим? – қоронғиликдан отасининг хаста, деярли англаб бўлмас овози эшитилди.

Чиледу овоз келган томонга юрди. Отаси ётган ўринга энгашди. Бошидан томчилар думалаб, бўйнига тушди. Чиледу бир сесканиб қўйди.

– Келганинг қандай яхши бўлди!

У отасининг юзини аниқ кўрди. Ичига ботиб кетган кўзлари, серажин юзларига ёйилган сийрак ва оппоқ соч-соқоли отасининг қартайиб қолганини эслатиб қўйди.

– Менинг кетар куним яқинлашиб қолди, ўғлим. Аждодларим чорлаяпти. Энди сени ҳам, хотинингни ҳам кўролмаманми, деб ўйлаб турувдим. Илтижоларимни осмон эшитибди.

– Ота...

– Сабр қил, ўғлим. Олов ёқиб юбор. Анави ерда озгина архи¹ ва қотган гўшт бор. Келишингга асраб қўювдим... Менга тезроқ хотинингни кўрсата қол.

Шу топда Чиледу тирик қолганидан чинакамига нафратланиб кетди.

– Ота, мен бир ўзим қайтдим...

Отаси сергак тортди. Чопонининг барлари орасидан қават-қават осилиб турган қари танаси кўриниб турар, тирноқлари қорамтир тус олган, озгин қўллари кўрпани бесаранжом ғимирлаб, ниманидир қидираётгандек ҳаракат қиларди..

– Ўзим айбдорман, – базўр гапирди отаси. – Ҳозир бориш керак эмасди. Мен ўлиб қолишимдан кўрқиб сени шоширгандим.

– Ота, мен Овулунни қайтариб оламан!

Қария бошини секингина чайқади. Чиледу тиззасига муштлади.

– Қайтариб оламан! – Овулун энди тойчуютлар қўлида абадий қолиб кетганлигини у хаёлига ҳам келтирмасди.

– Эҳ-х, Чиледу. – Отаси яна ётиб олди. – Сен кимсан? Машхур нўёнмидинг? Ёки қудратли хоннинг ўғлимидинг? Жасур навкарларинг бормиди? Эҳ, Чиледу, Чиледу... Сен бор-йўғи Тайр Усуннинг чўпонисан, холос. Қорача...

– Қайтариб оламан дедимми, қайтариб оламан! – қасам ичган каби таъкидларди Чиледу. Шалаббо кийимлари танасига ёпишиб кетган, вужуди титрарди.

– Олов ёқиб, архи ичиб ол. Ўзингга кел, – деди отаси хўрсиниб.

– Йўқ, мен Тўхта бекининг олдига бораман!

У овулни чолиб кесиб ўтди. Нўён чодирди олдида калта найза ушлаган навкар турарди.

– Сени ким чақирди?

– Менга Тўхта беки керак...

– Сенга Тўхта беки керакми? Сен-чи, сен унга керакмисан-а?.. Ёғингарчиликда бир ўзи зерикиб турган навкарга эрмак топилганди.

– Ўтказиб юбор. Зарур иш билан келдим.

– Сенинг зарур ишинг борми? – ҳайрон бўлди навкар. – Буни қара-я... Э-э, тўхта-тўхта, сен хотин олиб келгани кетган эдинг-ку, а? Тўхта бекини

¹ Архи – сутдан тайёрланадиган ароқ.



тўйга таклиф қилмоқчимасмисан, тагин? Мени-чи? Мени нимага таклиф қилмаяпсан?

Чиледу найзани четга итариб, чодир ичига қадам ташлади. Навкар унинг қўлидан тутиб, орқага тортаркан:

– Мен сенга ҳозир кўрсатиб қўяман! – деб хириллади.

Шовқин ичкарига эшитилган шекилли, чодирдан Тайр Усун чиқиб келди. Баланд бўйли, чайир, ирғиб чиққан думалоқ кўзли бу нўён Тўхта бекининг дўсти эди. У қошларини тепага кўтариб Чиледуга тикилди.

– Сен-а? – таҳдидли бақирди Чиледу.

– Ўзбошимчалик қилиб чодирга кирмоқчи! – навкар Чиледунинг елкаси оша бидирлай кетди. Тайр Усун қўлини енгилгина силкиган эди, навкар жим бўлди. Чиледу тиз чўкиб, бошини ҳам қилди. Кўз олдида Тайр Усуннинг учи тепага буралган этиклари турарди.

– Нима бўлди?

– Тойчуютлар талаб кетишди. Келинни олиб келолмадим.

– Арава-чи?

– Хўкизларни ҳам, аравани ҳам...

Этикларнинг бири кўтарилди-ю, йиртқич қушнинг тумшуғига ўхшаб кетадиган учи Чиледунинг юзини нишонга олди. У тепки тушишини кутиб, бошини елкалари ичига олди. Лекин этик секингина унинг юзига яқинлашди-да, даҳанидан кўтариб, Чиледуни ўзига қаратди.

– Мен билан юр.

Чодирда одам кўп эди. Нўёнлар, қабиланинг ҳурматли оқсоқоллари, Тўхта бекининг уччала хотини, ҳаммалари чордана қуриб ўтиришарди. Ўртада эса наматлар билан қопланган супачада Тўхта беки ёнбошлаб ётарди. Унинг пичоқ кескиси сингари ингичка ва ўткир кўзлари Чиледуга тушиб, Тайр Усунга савол назари билан қаради.

– Бизнинг жасур аскаримиз қайтибдилар, – деди Тайр Усун. – Жун олиб келгани кетиб, ўзлари кал бўлиб қайтибдилар.

– Гапир, – деб буюрди Тўхта беки Чиледуга ва обдон эшитгач сўради:

– Нима учун ёқалашмадинг? Нимага ҳеч кимни ўлдирмадинг?

Чиледу бошини ҳам қилди. Бу талончиларни нега ер тишлатганини қандай айтсин? Улар билан уришадиган бўлса, ур-тўполонда Овулун ҳалок бўлиши мумкин эди, шунинг учун ҳам қуролни ишлатолмадим, десинми? Аммо ўзини оқлаб айтган гаплари Чиледу учун ҳам милтираган шамнинг тафтичалик фойдасиз эди.

– Жанг қилиш қаёқда, – деди Тайр Усун. – Силовсинга дуч келган така эчкидай қочиб қолган. Мана, ҳозир ҳам ўша қўрқувидан бир оғиз ҳам сўз айтолмаяпти.

– Мен кўрқоқ эмасман! – сапчиди Чиледу. – Менга ўн нафар навкар беринг, қайлиғимни қайтариб олиб келаман.

– Буни қаранглар, ботирлигини! Бори-йўғи ўнта навкар билан қайлиғини ҳам, менинг аравамнию буқаларимни ҳам қайтариб олиб келар эмиш. Балки, сен, Чиледу, ўша йўлтўсарларни ҳам бошлаб келарсан? Уларни эслаб

қолдинги? Бошқалари билан адаштириб юбормайсанми? – Тайр Усуннинг думалоқ кўзларига ғазаб тўлди.

Алам Чиледунинг юрагига ўтмас игнадек қадалди. Ғазабланаётган бу нўённи фақатгина буқаларию аравасидан айрилгани куйинтирмоқда эди. Ахир бу Чиледу йўқотган нарсасининг олдида ҳеч нарса эмас-ку. Озгина хайрихоҳлик умидида ҳаммага бир-бир қараб чиқаркан, Чиледу уларнинг кўзидан, боқишларидан ўзига нисбатан ҳеч қандай ачиниш аломатларини кўрмади. Тайр Усун гапларининг тагидаги масхаромуз оҳангларни илғамай, жавоб берди:

– Ҳеч кимни адаштириб юбормайман. Есугай машакни бир умр эсимдан чиқармайман.

У Есугайнинг отини аташи билан, Тўхта беки ўрнидан туриб ўтирди ва оғриқнинг зўридан афти бужмайиб кетди. Унинг ёнига учиб келган хотинларини бир ишора билан орқага қайтарди.

– Демак, сенинг қайлиғингни Есугай тортиб олибди-да?

– Ҳа. У ўзини шундай деб атади.

– Сен уни нимага ўлдирмадинг? Бу хизматинг учун мен сенга бир уюр от бериб, бешта гўзал хотинга уйлантириб қўярдим. Унинг жигарини юлиб олмасам, бу дунёда менга ҳаёт йўқ! Нўёнлар ва оқсоқоллар, менинг жароҳатларим битиб қолди. Тез орада мен от устида бемалол ўтира оладиган бўламан. Отларингиз ва қуролларингизни тайёрлайверинг.

Ҳеч ким чурқ этмади. Тўхта бекининг гапларидан тетикланган Чиледу уруғ оқсоқоллари нима деркин, деб кутиб турарди. Вақт ўтиб борар, жимлик узоқ чўзилди. Чиледу оғир сукут ортидан Тўхта бекига яширин қаршилик борлигини сезди.

– Нимага индамайсизлар? – Тўхта бекининг таҳликали овози сукунатни бузиб юборди. Қачон мен шу ҳақда гап очсам, сизлар тилингни кекирдагингизгача ютиб оласиз. Менинг отам, сизларнинг хўжайинингиз Тудур билимдоннинг қони сизларни қасосга чорламайдими? Менинг жароҳатларимнинг оғриғи сизларнинг ҳам оғриғингизга айланмадими? Ёки сизлар ҳам туллак ташлаган каламуш Амбахайхонга ўхшаб, жароҳатларим мени эркак-лигимдан маҳрум қилди, деб ўйлаб юрибсизми? Бўлмасам, билиб олинглар, яраларимда ловуллаётган алам ўти менинг юрагимга кўчиб ўтган. У мени ёқмоқда, куйдирмоқда. Бу оловни фақат душманларимнинг қони ўчириши мумкин!

Кўмирдай қора юзли Турчи Шомон, қизарган кўзларини Тўхта бекка қаратди.

– Сенинг ботирлигинг ва душманни енга олишингга ҳеч ким шубҳа қилмайди! Аммо бизнинг ҳаммамизнинг устимизда боқий самонинг иродаси ҳукмрон. Мен етти кун овқат емадим, кун юзини кўрмадим. Рухлардан келажак сирларини очишларини сўрадим. Рухлар, ниҳоят, менинг овозимни эшитди. Боқий осмоннинг иродаси билан сен машҳур ва шавкатли бўласан, бизнинг уруғимиз эса бой ва серқариндош бўлади. Ўрмон ва чўлларнинг барча халқлари сенинг амрингга бўйсунадилар. Аммо... рухлар сенинг



сабр-бардошли ва эҳтиёткор бўлишингни хоҳлайдилар. Кутиш – энг яхши куролинг.

– Менга айт-чи, доно Турчи, мен нимани кутишим керак? – мулойимлик билан сўради Тўхта беки.

– Буни мен билмайман. – Турчи пешанасини тириштирди, кўзларини юмиб олиб тушунарсиз гўлдиради: – Қаро зулмат ўрнини ёруғ кун олди, қариган дарахт ўрнини эса навнихол. Тун қоронғисида игнага ип ўтказа олмайсан, ичи пўк қарағай шохидан аравага ўқ ясаб бўлмайди. – Шомон кўзини очди. – Ёруғликни кут. Ниҳол сарвқомат дарахт бўлгунича пойлаб тур.

Чиледу шомоннинг гаплари Тўхта бекига ёқмаганини, лекин у билан ортиқча баҳслашмоқчи эмаслигини пайқади. Қўллари қалин наमतнинг бурчакларини сиқиб турар, лабини тишлаб, ғазабини жиловлар эди. Бундай зўриқишдан унинг боши яна ҳам оғиб кетиб, деярли елкасига тушди. Хотинлари алланималарни пичирлашиб, ғамгин хўрсиниб қўйишди. Тайр Усуннинг ола кўзлари Тўхта беки, унинг хотинларига хотиржам боқар ва мана шу боқишидан гўё бу ерда Тўхта беки эмас, Тайр Усун ҳокимдай эди.

– Мен гапирсам майлими? – деди Тайр Усун.

– Гапир.

– Менинг ўйлашимча, доно Турчи руҳлар унга ошкор қилган нарсаларнинг ҳаммасини тушунарли қилиб гапириб берди. Ва биз, агар ўзимизга само кучларининг нафрати ёғилмаслигини истасак, вақти келмагунча қилчларимизни қиндан чиқармаслигимиз лозим. Аммо бекорга кутиб ўтиришдан ҳам наф йўқ. Биз ўзимизга кучли дўстлар топишимиз керак.

– Найманлар ҳукмдорига одам жўнатсакмикан? – қўрқа-писа таклиф киритди Қудун Ўрчон исмлики нўён. Ҳеч ким унга қарши чиқмаганидан энди дадилланиб гапида давом этди: – У билан ҳаттоки тангутлар ҳам, уйғурлар ҳам ҳисоблашишади. Кераитлар ҳам чўчиб туришади. У бизларга ён босса, ким ҳам биз билан тенглаша оларди?

– Найман хони бизга ёрдам бермайди! – Тўхта беки Қудун Ўрчоннинг гапини менсимаган қўйи четга суриб қўйди. – Унинг ўзи мудраб ётибдию, лекин бизни ўз қўли остида кўряпти. Агар мадад қидирар эканмиз, уни бу ердан эмас, кераитлар элидан излаш керак. Хон Қуржакўз Буюрук ўлимидан сўнг, элни унинг тўрт ўғли бўлиб олишган. Энди бўлса, уларнинг ҳар бири бошқаларидан бу мулкларни тортиб олиб, ўзи якка ҳоким бўлмоқчи. Уларнинг бирига ёрдам қўлини чўзиб, иккинчисига панд бериб борамиз-да, натижада ким бизга дўст бўлса, ўша хон бўлади.

– Сен ақлли ва узоқни кўзловчисан, – Тўхта бекини мақтади Турчи Шомон.

Оқсоқоллар ва нўёнлар ҳам уни қувватлаб бошларини қимирлатиб қўйишди.

Чиледу билдики, буларнинг ҳаммаси охирги урушдан кейин қўрқиб қолишгану, тойчуютлар билан уришиш истаги йўқ. Ҳали овулма-овул юриб, қўшни элатлардан мадад сўрашади. Бунга ҳатто йиллаб вақт кетиши мумкин. У вақтгача алвидо, Овулун.

Гапга қўшилишга юраги бетламай, Чиледу хўжайини Тайр Усуннинг кўзларини қидирди. Лекин унинг бу ердалигини, чамаси, ҳамма унутган: Тайр Усун ўз ташвишлари билан банд эди.

– Биз Баргужин Тўкумага боришимиз керак, – деди у.

– У ерда ҳаммаси майда уруғлар. Бизга бундан ҳеч қандай наф бўлмайди, – деди Қудун Ўрчон унинг гапини кесиб.

– Тўрғай кичкина бўлса ҳам сайрашни билади. Аммо қарға катта бўлгани билан қағиллашдан нарига ўтолмайди! – чертиб гапирди Тайр Усун. – Ўрмонда яшайдиган жангчилар ҳам қўрқмас ва чапдаст бўлишади. Аммо гап бунда эмас. Гап шундаки, Баргужин Тўкумадаги каби ҳеч ерда ҳайвонларни усталик билан овлайдиган маҳоратли овчиларни топа олмаймиз. Энг чиройли мўйналар ҳам айнан ўша ерда. Бизга эса мана шунақанги чиройли ва майин сувсар мўйналари кўп керак бўлади. Ипақдай майин мўйналар ва мулойим сўзимиз билан қуролсиз кераитларни қўлга олиш осон кечади.

Чодир тепасида таранг тортилган мато устига ёмғир шатирлаб урар, шамол увилларди. Эгнидаги шалаббо кийимидан титроқ тутта бошлаган, бу ердагиларнинг эсидан чиқиб кетган Чиледу, ўзини худди биров суяк ташлашига маҳтал дайди итдай ҳис қила кетди. У қаттиқ томоқ қирди.

– Сен ҳалиям шу ердამисан? – ҳайрон бўлди Тўхта беки.

– Менга ўнта навкар беринг! – Қўлини кўксига қўйиб гапира бошлади Чиледу. – Мен худди илондай майса ичидан судралиб бораман. Овулун билан қайтаман. Есугайнинг ўзини, унинг бошини олиб келаман.

Тайр Усун Тўхта бекидан илгарилаб, деди:

– Сен Есугайнинг тиригини ҳам, ўлигини ҳам олиб келолмайсан. Фақат арининг инини кўзғатишинг қолади, холос.

Тўхта беки қатъий қўшиб қўйди:

– Сен душманлардан қирғийдан қочган юмронқозикдан ҳам тезроқ қочи қолгансан. Шу туришингда сенга ўнта ўлай деб турган ахта отни ҳам ишонмайман. Бор.

– Мен... ундай қилолмайман... Ёрдам беринг...

– Йўқол! – ириллаб берди Тўхта беки.

Барча умидлари сўнганига ҳамон ишонгиси келмай турган Чиледу ўрнидан қимирламади. Қудун Ўрчон ўрнидан шахд турди-да, уни эшиккача судраб келиб, бир тепиб чодирдан чиқариб юборди. Чиледу ҳўл майса устида сирпаниб кетиб, юзи билан кўлмакка ботиб йиқилди.

Бояги навкар тишларини ярақлатиб кулди.

– Тўёнангни олдингми, нўён?

V

Куз келди. Энди эрталаблари майсалар устига ярақлаган шудринглар эмас, балки тикан каби қиров тушар эди. Тойчуютлар Хэнтэй тоғи ёнбағирларига кўчиб ўтишди. Бу ерда Овулуннинг юртидаги сингари чексиз чўллар йўқ эди. Қия тепаликлар, ўрмонли тоғлар, улар оралиғида эса қирғоқи қа-



лин ўт билан қопланган дарё. Тоғу ўрмонлар Овулунни эзар, дунё унга худди ичида яширин бир хатарни сақлаб тургандай, тор ва қоронғи кўринарди. У кун бўйи ўз ўтовидан чиқмасди. Кечқурун эса елкасига пўстинини солиб, ташқарига чиқар, қари қарағай остига бориб, ярақлаган юлдузларга, ўтов мўриларидан олов билан отилиб чиқаётган учқунларга тикилиб ўтирар эди. Мана ҳозир, ўрам марказида катта гулхан аланга олади. Унинг атрофига одамлар тўпланди. Кекса улигарчи¹ шошмасдан, баҳодирлару махлуқлар, яхшилик ва ёмонликлар ҳақидаги қизиқарли ҳикоясини бошлайди.

О, бунақанги оқшомларни у қанчалар яхши кўрар, улигарларнинг кўрқинчли, рангин оламини вужудига сингдириб юборарди. Болалигида шунақанги оқшомлардан кейин анчагача ухлай олмасди. Кўй жунидан қилинган кўрпа ичига боши билан кириб кетар, онасининг иссиқ биқинига ёпишиб олиб, туннинг сирли шовқинларига кулоқ тутганча ширин бир кўрқувдан сесканиб тушарди. Улғайгач, эртақлардаги махлуқлардан кўрқмайдиган бўлиб қолди. Энди уни бу улигарларда тараннум этилган кўрқмас баҳодирларнинг қаҳрамонликлари кўпроқ қизиқтирарди. Баъзида унинг тушида олтин аслаҳали баҳодир пайдо бўлар, уни кўтариб олиб, мўъжизавий отига мингаштирар ва поёнсиз сахро устида ярақлаган юлдузлар сари парвоз қилдирарди.

Энди унинг тушига фақат Чиледу киради. Ҳар сафар у кир, жулдур кийимда, афти-башараси қон бир аҳволда кўринарди. Есугай бирон марта тушига кирмади. Овулун унинг қайтиб келишидан кўрқарди. Баъзида ўзи ҳам тушунмай қоларди: Есугай билан Чиледунинг қиёфалари бир-бирига қоришиб кетарди. Шунда у туши билан ўнгини, эртак билан ҳақиқий ҳаётни аралаштириб юборганини сезиб қолар ва яқинда ақлдан озадигандай туюларди.

Қари қарағайнинг остида юлдузларга тикилиб ўтиришни у яна шунинг учун ҳам яхши кўрардики, шу ерда ўтириб, қачондир, тун қоронғисидан чавандозлар унсиз чиқиб келиб, уни отга миндирганча бу ерлардан мангу олиб кетишини умид қиларди. Ҳозир деярли барча эркаклар татарлар билан урушга кетган. Бу ерда қолган саноқли эркаклар фақат бир ўй билан яшарди: – Кўшин мўл-кўл ўлжалар билан қайтадимми ёки иккала қўлини бурнига тикибми? Нимага тайёргарлик кўрсалар экан – тўю базмгами ёки азалар уввосигами? Шу туфайли ҳам айнан мана шундай пайтда бу ердан кетвориш унга қийин эмасдек туюларди. У Чиледуни кутди. Бир кун эмас, икки кун эмас, кутаверди... Ниҳоят Чиледу уни олиб кетишга иложсизлигини тушуниб етди ва бу ҳақда ортиқ ўйламасликка қарор қилдию, иродасига қарши яна кутишда давом этаверди.

Овулунни ҳеч ким хафа қилмасди. Хоахчин ва унинг мўғулча сўзларни кулгили айтадиган камгап укаси Хо унинг барча хоҳишини бажо қиларди. Кўпчиликнинг орасида улар ўзларини гўёки куллар каби тутишар, лекин учовлон ёлғиз қолди дегунча, бутунлай ўзга манзара бўларди. Хоахчин

¹ Улигарчи – ҳикоячи, бахши.

бетўхтов бидирлар, кулар ва афтини буриштириб, турли қилиқлар қиларди. Опасининг гапларига қулоқ солиб ўтирган Хо ҳам куларди. У ҳар хил нарсалар ясашни жуда яхши кўрарди. Бир қарасанг, худди ўзидай қилиб арава ясаб кўярди. Фақат бу арава кафтига сиғадиган даражада кичкина бўларди. Ёки бўлмасам мажнунтол чивикларидан ўтовчами, қутичами тўқиб қоларди. Нимаики ясамасин, ҳаммасини Овулунга ҳадя қиларди.

Агар мана шу опа-ука бўлмаганида, Овулун аллақачон сўлиб қолган бўларди. Унинг олдига деярли бошқа ҳеч ким кирмасди. Ҳамма у билан яхши муомала қилар, ҳурматларди-ю, аммо унинг ўтовини иложи борича четлаб ўтишарди. Фақатгина Есугайнинг укаси Даритой отчигин (уйнинг энг кичиги сифатида у ўтовлар ва подаларни қоровуллаш учун қолган эди) гоҳ-гоҳ кириб қолар, нима кераклигини суриштирар ва уруғнинг катта ишларидан гапириб қоларди. Унинг сўзларидан Овулун, тойчуютлар ўз атрофларига бир қанча уруғларни бирлаштирганларини билиб олди. Ҳар бир уруғнинг ўз нўёни бўлиб, уларнинг ҳаммасининг устидан хон ҳукмронлик қиларкан. Амбахайхоннинг ўрнини ҳозир Хутула эгаллаб турган экан.

Сен Хутула кимлигини биласанми? – қизиқсинди Овулун.

– Бахтинг бор экан. Бизнинг уруғимиз Қиёт Бўржигинлардан. Олан Гоа момодан таркаган уруғларнинг энг шавкатлиси. Қурултойда биринчи хон қилиб ким сайланган? Бизнинг бобомиз Хабула. Ҳозирги ҳукмдоримиз ким? Отамизнинг укаси Хутула. Ундан сўнг ким уруғни бошқаради? Балки Хутуланинг ўғилларидан биридир, балки Бартанининг ўғиллари бўлган биз ака-укалардан биттамыздир. – Даритой отчигин нимжон елкаларини мағрурона кериб қўйди.

У Овулуннинг ўтовига худди хўжайиндай кириб келар, Хоахчин ва укасига зуғум билан чийиллаб қичқирарди. Арзимаган нарса учун болакайни қамчиси билан савалаб қоларди. Ўзининг шавкатли уруғлари ҳақидаги ҳайқириқларию мушоҳадаларидан чарчаб жимиб қолар, Овулунга шу қадар қаттиқ тикилардики, қизнинг юзлари ловуллаб кетар ва чопони этакларини маҳкамроқ ўраб олгиси келарди. Калтабақай, озғин, яноқлари ялтираб турган ва айёр кўзли бу одамни Овулуннинг кўрарга кўзи йўқ эди. Лекин чидаб юрарди. Аммо бир гал сабр косаси тўлиб кетди.

Ўша куни Даритой отчигин ҳар сафаргидай ўз қабиласи ишларидан гапириб ўтирарди.

– Ҳамма юмушлар менинг зиммамда. Акаларим урушда, ўз номларини шону шуҳратларга кўмиб юришибди. Мен бўлса тун-кун тинмайман. Дангаса қорачаларни ишга соламан. Шундан бирон маза борми? Агар акаларим ўлиб кетса, унда ҳамма иш мени юкдай эзади. Сенинг ақлини йўқотган Есугайнинг ўзини нуқул ёниб турган гулханга уради...

Овулун Есугайнинг «мабодо мен ўлсам, сени ўз юртингга олиб бориб қўйишади,» деган ваъдасини унутмаган бўлса ҳам, аммо нимагадир бирон марта бўлсин, у ҳам жангларда ўлиб кетиши мумкинлиги ҳақида ўйламаган экан. Ҳозир бўлса, у Отчигиннинг сўзларини эшитиб ўтириб, бирдан Есугайнинг ўлганини тасаввур қилиб кўрди... Шу заҳотиёқ бу ўтовни, бу одам-



ларни тарк этади. Фақат Хоахчин ва Хони ташлаб кетишга кўзи қиймайди. Балки хизматкорлар ҳам бирга кетишар?

– Есугай кетаётганида сенга мен ҳақимда бир нима деганмиди? – сўради Овулун Даритойдан.

– Нима дейиши керак эди? – кўзини қисиб қаради Даритой отчигин.

– Агар...у... Агар уни ўлдиришса... унда...

– Бу тўғрида нима ҳам дердим! – унинг гапини бўлди Отчигин. – Одатларимизни билмайсанми? Уни ўлдиришса – мен қоламан. Сен менинг хотиним бўласан.

– Аммо мен Есугайнинг хотини эмасман-ку! Нима учун сенга ўтиб кетишим керак экан?

– Хотини бўлмасанг, қайлиғисан.

– Қайлиғи ҳам эмасман!

– Унинг ити бўлмайсанми, бунинг фарқи йўқ.

Бундай бўлишини кутмаган Овулун ловуллаб кетди.

– Ҳеч нима демаган деб, алдаяпсан! Алдаяпсан, аламзада сассиққўзан!

– Нима дединг? А, нима дединг? – Даритой отчигиннинг юзи оқариб кетди, қисик кўзлари катталашди. Шу топда Овулун унинг кўзлари Есугайни кига ўхшаш яшил аралаш кулранглигини пайқаб қолди.

– Мен сенга ҳали бундан ҳам баттарини айтаман!

– Мана буни кўряпсанми? – Отчигин қамчисини юқори кўтарди. – Ҳозир мен сенга қандай ҳурмат қилишни ўргатиб қўяман! Бир умр эсингдан чиқмайдиган қиламан!..

Овулун ўчоқдан ёниб турган ўтинни тортиб олиб, Отчигинга қараб юрди.

– Бўзрайган кўзларингни ёқиб юбормасимдан жўна бу ердан!

Даритой отчигин каловланиб қолди. Орқаси билан ўтовдан чиқаётиб, кети билан йиқилди. Овулун унинг орқасидан қўлидаги ўтинни ҳам отиб юборди.

Бироз ўтиб, Даритойнинг шармандаларча жуфтакни ростлаганини кўриб турган Хоахчин келди. У ўзини кулгидан базўр ушлаб турар, оғзини қўллари билан маҳкам ёпиб олган эди. У энгашиб олиб, силкиниб-силкиниб кулар, овозини чиқармасликка ҳаракат қилиб қийналарди.

Овулун унга бир муддат жаҳли чиққан кўйи қараб турди-да, кейин ўзи ҳам унга қўшилиб кулиб юборди. Бу ерга келиб қолганидан бери у илк бора яйраб кулиши эди.

Хоахчин бирдан кулгидан тўхтади-да, шивирлаб сўради:

– Энди нима бўлади-а? Вой-й, бошингга бало бўлади бу!

– Менга ҳеч бало урмайди! Мен улардан кўрқмайман.

Хоахчин унга ҳаваси келиб қарар экан, бошини чайқаб:

– Гўзал фужин, ў, қанақанги гўзал! Мен сени қандай яхши кўраман-а! – деди-да, шу заҳоти яна кулиб юборди. – У-чи... кети... кети билан... – Яна кулгидан қотиб қолди.

Ўтов тирқишидан бу ерда нималар бўлаётганини тушунолмаётган Хонинг юзи кўринди.

– Кет бу ердан! – Хоахчин уни ҳайдаб солди.

Овулун ўчоқдаги ўтинлар қаловини тўғрилади, олов яқинига ўтирди. Унинг юртида ўтин йўқ. У ерда аргал – таппи ёқишади. У бир текис, тўғри аланга ҳосил қилиб ёнади. Ўчоқдаги олов бу ердаги сингари ловуллаб ёнмайди. Бу ернинг ҳамма нарсаси ўзгача. Ҳатто олови ҳам.

– Хоахчин, мен бу ердан бир амаллаб чиқиб кетсам, мен билан кетасанми?

– Йўқ, фужин, бу ердан чиқиб кетолмайсан, – хўрсинди Хоахчин. – Мен-ку кетардим-а...

– Сен уйингга кетишни хоҳлайсанми, Хоахчин?

– Уйимгами? – У кўзларини юмиб олди. – Билмайман, фужин. Мен у ерда ёмон яшардим. Жуда ҳам ёмон. Аммо у ерда отам бор. У жуда қариб қолган. Отам мен ва укам Хога қаттиқ ишонарди. Энди отамнинг ҳеч кими йўқ.

– Мен осмонга илтижо қиламан, сенга...

Овулун гапини тугатолмади. Ўрамда шовқин кўтарилиб қолди. Бир қанча оёқларнинг гупури ва кимларнингдир қичқириви эшитилди. Овулун ўтовдан ташқарига мўралади. Одамлар қия тепаликка чошиб чиқаркан, шодланиб қўлларини силкир эди.

– Келишяпти! Бизникилар келишяпти!

– Ана, шунақа, – деди Овулун, – шунақа...

– Кетдик, кўрамиз! – деди югуриб келган Хо.

– Кетдик, – деди Хоахчин.

Улар тепаликка кўтарилишди. Чўл шувоғи билан қопланган тепаликдан қуриб қолган ирмоқ қоқ иккига бўлиб турган водий кўринарди. Унда узун, ингичка чизиқ ҳосил қилиб қўшин келарди. Олдинда отлиқлар, уларнинг ортидан усти берк ва очиқ аравалар, чала йиғилган ўтовларни ортмоқлаган шатаклар, уларнинг кетидан яна отлиқлар шу томонга қараб келмоқдайди. Туёқлар ва ғилдираклардан қалин чанг кўтарилиб, водийнинг қарама-қарши тарафига сузиб борарди. Тепаликлар устида, ботаётган қуёшнинг қип-қизил шафағида у тўқ пушти рангга кирар, Овулуннинг назарида гўёки бутун водий аланга ичида қолгандай эди. Унинг юраги аллақандай хавотирдан ғаш тортди.

Отлиқлар анча яқин келиб қолган ва энди уларни юзларидан таниб олса ҳам бўларди. Тепалик устида турган одамлар кутиш тараддудида бирдан жимиб қолишди. Сукунатни қўнғироқдай бола овози бузди:

– Эцеге! Эцеге!¹ – Болакай шодон қичқириб пастга, отлиқлар томонга чошиб кета бошлаган эди, онаси уни қувиб етди-да, қўлчаларидан етаклаб, яна аввалги жойларига келиб туриб олишди.

Ҳорғин отлар тепаликка имиллаб кўтарилар, тошлоқ ер уларнинг туёқлари остида ғичирларди. Овулун чангдан юзлари қорайиб кетган ва ўзига мутлақо нотаниш отлиқларга тикиларди. Есугай уларнинг орасида йўқ эди. Отлиқлар тепаликка чиқиб келди, кутиб турганлар уларни ҳар

¹ Эцеге – дада.



тарафдан қуршаб олди ва тўда ўрам ичкарисига сурилиб кетди. Қаердадир Хоахчинни йўқотиб қўйган Овулун тўдадан ажралиб чиқиб, ўз ўтовига қараб чопди.

Ўрамда шовқин-сурон кўтарилди: кулги, йиғи, ҳайқириклар, узангилар ва аслаҳаларнинг жаранги, араваларнинг ғичирлаши ва туёқлар товуши – буларнинг ҳаммаси ола-ғовур кулоққа уриларди. Овулун бир ўчоқ яқинига бориб ўтирар, бир безовталиқ билан ташқаридаги шовқинга кулоқ тутарди. Наҳотки Есугай ўлдирилган бўлса? Ҳозир у хурсанд бўлишини ҳам, куюнишини ҳам билмасди. Агар у ўлган бўлса, унинг ҳоли нима кечади? «Наҳотки уни Отчигинга бериб юборишса? О, мангу само, о буюк она ер, сизларга нима ёмонлик қилдимки, менга бу кўргуликларни раво кўрдингиз?»

Хоахчин ўтовга ўқдай учиб кирди.

– Олиб келишяпти! Олиб келишяпти! – У шоша-пиша ўрин сола бошлади.

Ўтов олдида арава тўхтади. Навкарлар ундан астагина Есугайни кўтариб олишди. Улар сийрак соқолли, баланд бўйли бир қария буйруқ беряпти. Хоахчин ўринни солиб улгурган эди. Қариянинг ўзи келиб ўринни кўздан кечирди. Наматларни ушлаб кўрди, бош тарафини баландроқ кўтариб қўйди. Навкарлар Есугайни ўринга ётқазишди, устига кўрпа ёпишди. Овулун оёқ учида туриб навкарларнинг елкаси оша Есугайнинг юзига қаради. Оқариб, ёноқ суяклари чиқиб кетган Есугай кўзларини қаттиқ юмиб олиб ётарди. Малларанг кокиллари ўрилган, чаккасининг яқинидаги кўкимтир томири гупиллаб уряпти. Тирик.

Навкарлар кетишди. Қария Хоахчинга сув қайнатишни буюриб, бармоғи билан имлаб Овулунни чақирди.

– Менга қарашиб юбор.

У Овулунга Есугайнинг бошини кўтариб туришни буюриб, ўзи эски, қуруқшаган қонларга беланган латталарни унинг кўкрагидан ечиб ола бошлади. Ўмров суягидан сал пастроқда каттагина жароҳат қорайиб кўринди. Овулуннинг юзлари бужмайиб кетди, дарров тескари қараб олди.

– Кўрқяпсанми? – сўради чол. – Кўрқма, ҳеч нима бўлмайди.

Жароҳатни илиқ сув билан ювиб, белидан бир чарм халтачани ечиб олди-да, ичидан қуруқ яшил барглар олди. Уларни қайнаб турган сув устида ушлаб тураркан, лаблари алланималарни пичирларди ва Есугайнинг бутун кўкрак қисмига мана шу япроқларни ёпиштириб чиқди. У ўзига келмас, бир-бирига қаттиқ босиб олган тишлари орасидан оҳиста инграб қўярди; боши қуруқ ва қайноқ эди. Чол ярани тоза мато билан ўради, қандайдир илдизларни қайнатиб олиб тиндирди, сўнгра уларни Есугайга ичирди.

– Сал ўтиб ўзига келди. – Чол биринчи бор Овулунга астойдил тикилди. – Кўзларинг ғамга тўла. Куюнма, қизим, ўзингга азоб берма. Ҳар биттамининг умримиз Осмонда ўлчаб қўйилган. Бизнинг қўлимиздан ҳеч нарса келмайди. – Бир зум жимиб қолди. – Бир оздан сўнг сен мана бу қайнатмадан унга яна ичиргин. Мен эрта тонгда келаман.

Тунда Есугай алаҳсирай бошлади. Жазова аралаш аллақандай тушуниб бўлмас сўзларни айтиб бақириб, ўрnidан турмоқчи ҳам бўлди.



Овулун Хоахчинни чақириб, икковлашиб уни ўрнига босиб турдилар, у эса ҳамон туришга ҳаракат қиларди.

– Жим, жим бўла қолгин, – дея босиқ овозда Овулун уни тинчлантирарди.

Есугай жим бўлди. Овулуннинг қўлини чаккасига босди-да, аниқ-тиниқ қилиб:

– Эхэ! Эхэ-э!¹ – дея худди ёш боладай эркаланиб ингранди.

Хоахчин беморнинг бошида чироқ кўтариб тураркан, йиғи аралаш: – Бечора хўжайин! Оғриқ сени қаттиқ қийнаётгандир-а? – деди.

Овулун бу пайтда ўзи ҳақида ўйламасди. Тақдири ҳақидаги хаёллари аллақаяқларга тарқаб кетган эди. Унинг кўз ўнгида ожиз ва жон бераётган одам ётар, Овулун эса унинг ўлишини, азобланиши ва оғринишини истамасди. У Есугайнинг малла сочларини, ёниб турган чаккасини силар, у эса гўёки бу қўллар уни алангаи оташ ичидан олиб чиқиб кетадигандай, унинг қўлини яна ҳам қаттиқроқ ўзига босар эди.

Мана шу хушсиз аҳволида у неча кун, неча ой ётгани номаълум. Энди унинг соғайиб, ўрнидан туриб кетишига жуда кам одам ишонарди. Фақат Чархи ака исмлиқ чолгина хотиржам эди.

– Есугай ўлмайди. Есугай яшайди.

У ўтов олдига учига қора жун мато илинган найзани санчиб қўйди. Бу мана шу ўтовда оғир касал борлиги ва унга кириш мумкин эмаслигини билдирарди. Касални парвариш қилиш юмуши тўлалигича Овулун ва Хоахчин зиммасига тушди. Уйқусиз тунлар уларнинг ҳар икковини ҳам ҳолдан тойдирди. Овулун вақтни унутган эди. Есугай тузалиб, сал ўзига келганида, аллақачон қиш бошланиб бўлганди.

Ер узра оппоқ қор тўшалган изғирин увилларди. Қариб қолган қарағай шохларида шамол хуштак чалар, танаси эса бу шамолдан зўриқиб ғичиллар эди. Қор учқунлари ўтов мўрисидан ичкари отилиб кирар, аммо ўчоқда алангаланаётган олов тафтидан эриб, ярим йўлда йўқ бўлиб кетарди.

Есугай ҳаёт ва мамот ўртасида олишиб ётганида Овулуннинг қалби ачинишга тўлган бўлса, энди у ўзига келиб салгина соғайиши билан кўнглида яна аввалгидай ётсираш ҳисси уйғонганди. Лекин бу ётсираш энди илгаригидай, Есугай уни ўз ўтовига олиб келган дастлабки кунлардагидай кучли эмасди. Баъзида Овулун уни Чиледу эмас, мана шу Есугай никоҳлаб олиб келганида ҳаммаси бошқача бўларди, деб ўйларди. Лекин у Овулунни отига ўнгариб, худди қўй ўғирлаган мисоли олиб келганди.

Темучин эрталаблари уйғониши билан кўзлари билан уни қидирар ва имлаб ёнига чақирарди. Овулун унинг тўшаги ёнига бориб ўтирарди-ю кўзларини ерга қадаганича миқ этмасди.

– Сен оғзингга толқон солиб олганмисан?

Овулун елкасини қисиб қўйди.

– Назаримда, менинг ёнимда ҳамма вақт онам тургандай туюлади, – деди Темучин.

¹ Эхе – ойи.



- Биламан. Сен кўпинча уни чақирардинг.
- Ўша сен экансан. Сен жуда ҳам онамга ўхшайсан.
- Ҳа, ҳамма аёллар бир-бирига ўхшайди.
- Сен мендан хафамисан?

Овулун саволни жавобсиз қолдирди. У эса қайталаб сўрайверди. Бир гал Темучиннинг тоқати тоқ бўлиб, жеркиб берди:

- Сен энди бир умр шунақа гунг бўлиб юраверасанми? Агар мени кўришга кўзинг йўқ бўлса, боболарим ҳузурига жўнатиб юборишинг мумкин эди-ку? Буни осонгина уддаласанг бўларди.

- Нега? Даритой отчигинга хотин бўлиш учунми?

- Ким сенга шунақа деди?

- Даритой отчигиннинг ўзи.

- Ўтириб олишимга ёрдамлашиб юбор. - У қизнинг елкасига суяниб кўтарила бошлади, оғриқдан тишини тишига босиб ўтириб олди-да, буюрди: - Хони Даритой отчигинга юбор. Бу ёққа чақириб келсин.

Даритой отчигин Есугайни ўтирган ҳолда кўриб хурсанд илжайди.

- Ўрнингдан тура бошлабсан-да, менинг суюкли акагинам!

- Тура бошляпман. Яқинда қамчини ҳам кўлларимда маҳкам тутадиган бўламан... Кетаётганимда сенга нима деган эдим?

- Кўп нарса айтувдинг. Лекин мен ҳаммасини бажардим.

- Овулун тўғрисида сенга нима деган эдим?

- Ҳеч кимга хафа қилдирмаслигимни, уни авайлашимни айтувдинг.

Сенинг олтиндай сўзларингнинг барчаси эсимда.

- Яна нима девдим?

- Янами? Ҳамма нарсаси бўлсин: овқати ҳам, ичимлиги ҳам, кийим-боши ҳам. Шунақами, қадрли келин?

- Агар мени ўлдиришса, сен Овулунни нима қилишинг керак эди?

- Мен уни уйига жўнатиб юборишим керак эди.

- Сен унга шундай деб айтдингми?

- Албатта! - Даритой отчигин ўпкаланиб гапирди. - У фақат сенинг ўлишингни ўйлаб ўтирарди-ку.

- Балиқни думидан тутиб бўлмаганидай, сенинг қинғирлигингни ҳам исботлаб бўлмайди, - деди Есугай ҳорғин ҳолда. - Лекин бир куни мана шу айёрлигинг бошингга етади. Ўшанда сенга роса алам қиладию, аммо ҳеч ким сенга ёрдам беришни истамайди.

Укаси чиқиб кетиши билан Есугай Овулунга деди:

- Бунинг бўлган-тургани шунақа, энди уни ўзгартириб бўлмаса керак...

- Есугай ўйланиб қолди, бир муддат жим турди-да, бошқа нарса ҳақида гапирди: - Бизларнинг ҳаётимиз жуда оғир, таҳликага тўла. Чўл одамларининг бир-бирларига душманликлари илдиз отиб кетди. Сал эснаб қолсанг, подангни ҳайдаб кетишади, ўтовингни талашади, ўзингни ё ўлдиришади, ё кул қилиб олишади. Ҳозир биз бир-биримизга яқинроқ бўлишимиз керак, одам-одамга, қавм-қавмга, уруғ-уруғга. Фақат шундай қилсаккина яшаб кетамиз. Лекин буни кўпчилик тушунмаяпти. Ҳар ким фақат ўзини ўйлайди.



Биз кучсизланиб боряпмиз, душманларимиз эса кучайишмоқда. Нияти бузуқ татарлар бизнинг бошимиз, қонимиз учун Хитой Олтинхонидан ипак матолар ва темир қозонларни мукофотга олмоқда. Биз бўлсак, улар билан тузукроқ ҳисоблашолмаймиз ҳам. Қийин пайтлар келяпти, Овулун. Менинг ёнимда бўлгин. Аламларингни унутгин. Овулун, сен менга жуда кераксан. Сенсиз мен гўёки сопсиз қиличга, узангисиз эгарга ўхшайман. Сен мени ҳаётга қайтардинг, хоҳласанг мени қудратли қиласан.

Овулун унинг ҳамма сўзлари чин юракдан айтилганини сезиб турарди. Ҳа, Овулун унга керак, у унга суянмоқчи... Афтидан, унинг ҳаёт йўли осмонларда белгиланган кўринади. Шундай экан, унга қарши бориш керакмикан?

Есугай тез оёққа туриб кетди. Сал кучга кириши билан от сўради. Овулун ҳам у билан бирга кетди. Отлар йўрғалаб борарди. Оппоқ қорга бурканган тепаликлар кўзни қамаштириб ярқираб, қахратон сукунатида сувлуқларнинг жаранг-журунги яққол эшитилиб турарди. Отларнинг бурунларидан қайноқ буғ уфуриб чиқар ва ёлларига ёпишиб қировга айланарди. Овулун жиловни бир тортиб қўювди, от аввалига йўртиб, кейин эса елдек учиб кетди. Совуқ шамол ёноқларини куйдириб, кўзларини ёшлантирди. Лекин Овулун отини ҳамон ниқталар ва теп-текис адирда елиб борарди. Отнинг елиб бориши эркинлик ҳиссини уйғотар ва қизнинг юрагини шодликка тўлди-рарди.

От секинлашди. Овулун орқасига бурилиб қаради. Есугай жуда узоқда қолиб кетибди – оппоқ қорда қоп-қора нуқта. Агар тақдирдан ҳам мана шундай осонгина қочиб бўлсайди!

VI

Чиледу тумоғини¹ орқага суриб тушириб, узоқ қулоқ солиб турди. Тоғте-ракларнинг қаттиқ барглари шитирлар, қарағайларнинг учлари шивирлар, бошқа бирон-бир бегона товуш эшитилмасди. Лекин унга адл қарағайлар ортида биров бордек, кимнингдир нигоҳи унинг ҳаракатига қадалгандек туюларди. Чиледу Тайр Усун навкарлари билан етиб келишини кутмоқчи ва унга айтмоқчи бўлди...

Нима дейди? Айғоқчилар ўзларига туюлган, ҳис қилган нарсалари эмас, балки кўрган ва эшитган нарсаларинигина етказишлари керак.

Неча кундирки, улар Селенга дарёсининг ўнг қирғоғи бўйлаб пастлаб боришарди. Бу ерда тоғлар қирғоққа тик тушиб турар, баъзи жойларда эса ўткир қоялар тўғри сувга кириб кетар, ўрмон ҳам сув лабигача бостириб келган эди. Дарё қўлтиқларига қип-қизил сўлгин барглари билан шумурт буталари энгашиб турар, кумлоқ жарлик устида қудратли қарағайлар, тор уватларда қайинларнинг танаси оқариб кўринарди. Бу ерлар аждодларининг ватани. Боболар ерида нимадан кўрқади? Ҳеч кимга кераги бўлмаган ҳаётининг нимаси учун кўрқсин?

¹ Тумоқ – қайтарма қалпоқ.



Чиледу энди отини тўхтатиб, атрофга қулоқ солиб ўтирмасди. У тик кумлоқ жарлик ёқалаб борарди. Чап тарафда, анча чуқурликда Селенга тўлғаниб оқарди. Унинг ирмоқлари уюрма ясар, буталар ўсган оролчаларни чулғаб оларди. От қарағайнинг сарғайган игнабарглари сочилиб ётган сўқмоққа чиқиб олди ва ўннга, дарёдан нарироқдага куюқ ўрмон тарафга юрди. Чиледунинг тўсатдан олдинда, дарахтлар ортидаги сувга кўзи тушди. Бу Селенга эмас, унинг ирмоғи, Қора туматларнинг Уда дарёси эди. Шу атрофда, мана шу қирғоқ яқинида улар ов қилишар ва чорваларини боқишарди. Мана шу дарёнинг қуйилиш жойини Тайр Усун тунаш учун қароргоҳ қилиб белгилаганди. Чиледу яна бир оз тепароққа кўтарилиб борди. Кенггина ялангликка чиқиб, атрофни кўздан кечиришга шошилди. Ўрмон ялангликни уч тарафдан ўраб турар, дарёнинг у бетида баланд тепалик, пастдан кулранг қоялар бўртиб чиқиб турарди.

Чиледу атрофни кузатар экан, яна кимдир уни таъқиб қилаётгандай туюлди. У яна қулоқлари шанғиллагунча атрофга зўр бериб қулоқ тутди, лекин бу сафар ҳам шубҳали товуш эшитмади. Тез орада олти нафар навқари билан Тайр Усун етиб келди-ю, Чиледу тинчиди. Эгарларни олиб, отларни ўтлашга қўйиб юборишди. Нўён учун сафар чодир тикилди. Бирдан ўрмон ичидан камонлар билан қуролланган уч нафар жангчи чиқиб келди. Биттаси уларга қараб келар, қолган иккитаси эса камонлари билан отларни тўсиб турарди. Навқарлар қуролларига ёпишгани ҳамон аскар қўлини кўтарди. Шу заҳотиёқ ўрмондан иккита камон ўқи визиллаб учиб келди-да, чодир арқонларини пичоқдай кесиб юборди. Чодир шалвираб ерга чўзилди. Тайр Усун белбоғидан қиличини олиб, оёғи остига ташлади. Навқарлар ҳам худди шундай қилди. Аскар ҳамма қуролларни йиғиштириб, бир жойга тўплади-да, қўлини боши узра кўтарди. Ўрмон ичидан тўриқ от минган чавандоз, унинг кетидан яна олти нафар пиёда жангчи чиқиб келди. Чавандоз жуда ёш, деярли ўспирин эди. У ўзини жуда жаҳлдор қилиб кўрсатишга уринса ҳам, ҳаяжондан ёниб турган кўзларида жаҳлдан кўра қизиқсиниш кўпроқ эди.

– Биз меркитларнинг шавкатли ҳукмдори Тўхта бекининг одамларимиз, – деди Тайр Усун ўпкалаган оҳангда. Биз Қора туматлар доҳийси Берхе чечан ҳузурига йўл олганмиз. Нима учун бизга сўқмоқда пистирма қўясизлар?

– Берхе чечан – менинг отам, – деди йигитча ғурурланиб. – Менинг исмим Дайдикул Сўқир.

– Бизни отангнинг олдига олиб бор-да, Дайдикул Сўқир, қуролларимизни қайтариб бер.

– Мен сизларни отамнинг олдига бошлаб бораман, қуролларингни қайтариб беришни эса унинг ўзи ҳал қилади.

Шу ернинг ўзида, Қора туматларнинг назорати остида тунашди. Эрталаб йўлга тушишди. Уларни овчиларнинг тор сўқмоқларидан бошлаб боришди. Эртаси кечга яқин Берхе чечан овулига етиб келишди. Ўтовлар унчалик кўп эмас, аксарияти ёввойи ҳайвонларнинг териларидан ясалган эди. Бу ернинг одамлари узун чопон киймас, эгниларидаги жун матодан ёки майин тери-



дан тикилган кийимлари тиззадан келарди. Бу жуда кулгили туюлар, гўёки ҳазиллашиб этакларини кесиб ташлаганга ўхшарди. Лекин кейинроқ Чиледу бундай кийим ўрмонда шох-шаббаларга илакишиб юрмаслик учун жуда ҳам қулай эканини тушунди.

Берхе чечан уларни айиқ терилари тўшалган кенггина ўтовда қабул қилди. Тайр Усун ўзи билан олиб келган совғаларни унинг олдига ёзиб қўйди: олача ипак мато, қумуш қинли пичоқлар, жез идишлар ва ўйма нақшлар билан безалган темир дубулға.

Берхе чечан бошини сал эгиб, Тайр Усунга миннатдорчилик билдириб қўйди. Сочлари оппоқ, касалманд, озгин юзли бу одам дунёдаги ҳамма нарсага бефарқдай кўринарди.

– Нима сўраб келдинглар, меркитлар? – сўради у Тайр Усундан.

– Биз фақат нарса сўраб келамизми?

– Йўқ, иложини қилганингизда сўрамай ҳам олиб кетаверасизлар.

– Нима, биз ёмон кўшнилармизми? – Тайр Усун ҳайрон бўлиб, қовоғини уйиб олди. – Биз кўп йиллардан бери сизлар билан адоватсиз яшаб келамиз. Наҳотки бурунги гапларни эслаб юрсаларинг? Лекин ўша пайтларда ҳам сизнинг уруғингизга биз бошқача қарар эдик. Асирларга биз раҳм қилар, ҳаётларини сақлаб қолардик. Улар бизнинг қавмимиз болалари билан тенг яшашарди. Мана, Чиледунинг бобоси шу ерда туғилган. Ўзи менинг навкарим. Шунақами, Чиледу?

Тайр Усуннинг бесаранжом, шишинқираган кўзлари Чиледуга қадалган, Чиледу ўрнидан турди.

– Тўғри.

– Сен бобонгни эслайсанми? – сўради Берхе чечан.

– Йўқ.

– Унинг исми нимаиди?

Чиледу бобосининг исмини айтди. Берхе чечан унинг кўзларига тикилиб қаради-да, ўрнидан турди.

– Сизлар йўлдан чарчаб келгансиз. Вақт кеч бўлди. Сухбатни эртага давом эттирамиз.

Тайр Усунни алоҳида ўтовга, қолган навкарларнинг ҳаммасини бир ўтовга жойлашди. Тайр Усун ўз ўтовига кириб кетиш олдидан Чиледуга бу ёққа юр, дегандай ишора қилди. Ичкарига кириши билан у шоша-пиша пичирлади:

– Улар билан шундай гаплашгинки, сенга ишонишсин. Мағлубиятимиз ҳақида гапирма. Нима қилиб бўлса ҳам, биз уларнинг ёрдамларига ишониб кетишимиз керак. Тушуняпсанми? Ақл билан иш қилсанг, мен аравани ҳам, хўкизларни ҳам эсламайман. Сенга кўп нарса боғлиқ. Мен буни аввалроқ тушуниб, сени ўзим билан бирга олиб келган эдим.

Чиледу ўтовига кирмади. Эгар устига ўтириб, юзларини қўллари билан беркитиб олди. Овулунни қўлдан чиқарганидан бери қай ишга қўл урмасин, ҳаммаси учун маънисиз, бефойдадек кўринарди. Тайр Усун эса ундан мана-ви одамларни нималаргадир ишонтиришни талаб қиляпти. Шамол учириб



кетаётган қум зарраси нима ҳам қила оларди?.. Унинг ҳаётини ишонч – Есугайдан қасос олиш ишончигина ушлаб турарди. Маллавой қароқчи ҳам у сингари бир эзилса эди, юраги ором оларди.

Ўрамдагилар уйқуда. Ўтов олдида ит хуррилар, узоқ тоғларда буғу ўкирарди. Кимдир Чиледунинг елкасини туртди. У бошини кўтариб қаради. Олдида Дайдикул Сўқир турарди.

Чиледу унга эргашиб, боя Берхе чечан қабул қилган ўтовга кириб борди. Бу сафар Қора туматлар сардори гуриллаб ёнаётган ўчоқ олдида ўтирар, чўпга тортилган жигар бўлагини пишириб, шошмасдан кавшарди. Чиледу жигар ейишдан тийилиб, фақатгина бир чилпит сутдан қилинган ичимлик – нордонгина дуғдан ичиб қўя қолди. Дайдикул Сўқир ҳам отаси ёнига ўтириб жигар пиширишга киришиб кетди. Улардан бошқа ўтовда ҳеч ким йўқ эди.

– Нўёнинг сени айғоқчиликка буюрдими? – сўради Берхе чечан.

Чиледу унинг ўткир қарашларидан шошиб қолди.

– Жавоб бермасанг ҳам майли, бу шундоғам тушунарли. Нўёнинг жуда ҳам ёш... Меркитлар орасида яшаш сенга оғир. Жим тур. Хурсанд эмассан, кўзларинг бўм-бўш. Биласанми, сенинг бобонг ким бўлган? У менинг отамнинг катта акаси эди. Лекин биз уни ёш, ўзидан ворис қолдиролмай ўлиб кетган деб эшитган эдик.

– Ҳа, у жуда эрта ўлиб кетган. Лекин ундан менинг отам қолган. Яқинда эса отам ҳам оламдан ўтди. – Чиледу хўрсинди. – Онам анча аввал ўлган.

– Акаларинг, опаларинг борми?

– Йўқ, мен бир ўзимман. Акаларим ҳам, опаларим ҳам, хотиним ҳам йўқ. – Чиледу оловдан кўз узмади.

– Бизлар билан қол. Сенга хотин ҳам топилади, ўтов ҳам ясаб берамиз. Биз сенинг меркит хўжайинларингга ўхшаб бадавлат эмасмиз. Отларимиз ҳам, қўйларимиз ҳам қамроқ. Аммо овдан топган ўлжаларимиз бизга егулик ҳам, кийим бош ҳам беради...

– Йўқ, – Чиледу бошини чайқаб қўйди. – Балки, мен қачондир бу ерларга қайтиб келарман, бироқ ҳозир... У ерда менинг зарур ишларим бор.

– Яна ўзинг биласан, – Берхе чечан зўрлаб ўтирмади. – Бизнинг қариндош эканимизни нўёнинг билишини истайсанми?

– Менга барибир...

– Нега энди барибир бўларкан? Одам дегани ўз тақдирига ҳам шунчалик бефарқ бўладими! – Берхе чечан қовоғини уйиб олди. – Қандай ишларинг қолиб кетган экан, деб сендан сўрамайман. Лекин шу туришинг бўлса, ҳеч нарсани тугатолмай сўлиб қоласан.

– Мен ўз ишимни тугатиб қўяман, – деди Чиледу бўғиқроқ оҳангда ва такрорлади: – Тугатаман.

Дайдикул Сўқир кўзларини чақчайтириб олганча пишган жигарни майда бўлақларга бўлар ва устига туз сепиб, оғзига ташларди. Шу чоққача у бир оғиз ҳам сўз қўшмади.

– Энди бўлса мен сендан меркитларнинг режалари ҳақида сўрамоқчиман. Тушунаман, улар бекорга келишмаган, аммо бунинг тагида нима бор?



Сен менинг саволларимга истасанг жавоб бер, йўқса ихтиёринг, – деди Берхе чечан. – Дилингни ёрсанг, бу сенга фақат наф келтиради. Боя айтганимдай, биз сенинг хўжайинларингга ўхшаб бадавлат эмасмиз, лекин озод одамлармиз. Бу ерларга эгалик қилиш ва ўзимиз хоҳлагандай яшашимиз учун биз қанча қон тўкканмиз. Меркитлардан биз ҳеч нима кўзламаймиз. Лекин биздан уларга нима керак?

– Тайр Усун буни ўзи айтади.

– Тўғри. Лекин қўшним мендан олов сўраса, бу билан у ўзига овқат пиширмоқчими, ё менинг ўтовимга ўт қўймоқчими, билишим керак. Агар меркитлардай қудратли уруғ катталари бизнинг ёрдамимизга суянмоқчи экан, бунинг ортида қандайдир сир яширин.

– Улар тойчуютлар билан тескари бўлиб қолишган. Менимча, Берхе Гуай¹ бу душманлик, илгарилари бўлиб турганидай, оддий жанглар билан тугамаса керак

– Бўлиши мумкин, – Берхе чечан ўйланиб қолди. – Биз сизларнинг чўларингиздан анча узоқда яшаймиз. Лекин бизга ҳам узуқ-юлуқ хабарлар келиб туради. Сиз тарафларда ақлга сиғмайдиган ишлар бўляпти. Бир қабила иккинчиси устига оч итдай ташланади. Гўё Осмон бу одамларни ақлдан оздириб қўйгандай. Аммо бу ҳолат абадий шундай давом этиши мумкин эмас.

– Мен сизнинг меркитларга ёрдам беришингизни хоҳлардим. Мен меркитлар тойчуютларнинг адабини бериб қўйишларини истайман.

– Сен тойчуютларни ёмон кўрасанми?

– Уларни кўрарга кўзим йўқ! – Чиледу бу гапни секин айтди, лекин унга гўёки бақиргандай туюлди. Ичини бирдан ўт олгандай бўлди.

– Нафрат кишига яхши ҳамроҳ бўлолмайди. Тойчуютларнинг ҳаммасини ёмон кўришингга сабаб нима? Ўрмонда баланд ва паст дарахтлар бўлганидай, халқда яхши ҳам ёмон ҳам учрайди. Тайр Усун мендан одам сўрайдими?

Чиледу бу саволга жавоб бермасаммикин, деб ўйланиб қолди. Лекин Тайр Усун унга фақат ютқазганлари тўғрисида гапирмасликни буюрган-ку. Унинг устига очикқўнгил Берхе чечандан бирон нарсани яшириш ҳам ноқулай эди.

– Одамлар ҳам, қимматбаҳо мўйналар ҳам сўраса керак, – деди Чиледу.

– Сен ҳам биз шуларни беришимизни хоҳлайсанми?

– Мен меркитлар тойчуютларни енгишини хоҳлайман. Менинг истагим шу, Берхе Гуай. – Шу онда Чиледу бутун дилидагини тўкиб солгиси, ўз гами, аламини бир дам унутиш учун ёш хотинини улар тортиб олишганини гапириб берди.

Берхе чечан унинг пойма-пой ҳикоясини хотиржам эшитди. Ўйчанлик билан:

– Қабилаларнинг душманлашиши одамларга фақат бахтсизлик ва алам келтиради, – деб қўйди. – Сен ҳозир қасос олиш ҳақида ўйлаяпсан, лекин бу қасос сени бахтли қилиб қўймайди.

¹ **Гуай** – катталарга ҳурмат белгиси сифатида исмга қўшиб айтиладиган сўз.



– У менинг қалбимни тинчитади.

– Янглишасан!

– Ота, унинг ўрнида мен бўлганимда ҳам... – шу пайтгача жим ўтирган Дайдикул Сўқир гап бошлаган эди, Берхе чечан уни юмшоқлик ва айни дамда кескинлик билан тўхтатиб қўйди.

– Ўч олиш билан ҳеч нарсани тузатиб бўлмайди. Ўтмиш хаёли билан яшаш эса, қозик атрофида айланиб чопаётган отнинг ишига ўхшайди – қанча югурма, бир жойда тураверасан.

Чиледу у билан баҳслашишни истамади. Агар шу чоққача Есугай ва унинг уруғидан қасос олиш истаги тумандай хира туюлган бўлса, энди у худди қарағай танасидаги болта изидай яққол кўриниб қолди. Берхе чечан Чиледунинг кўнглини сездию, аммо у мум тишлаганидан сўрамай қўя қолди.

Майли... аммо одам бермаймиз. Уруш бизга ҳам керак эмас.. Мўйнани ҳам газлама эвазига алмашишимиз мумкин. Лекин сен, нўеннинг сўраса, мўйналарни найманларга ваъда қилиб қўйишган экан, деб айтгин.

– Нимага энди? – ҳайрон бўлди Чиледу.

– Шундай қилсак, бизга ҳам, сенга ҳам яхши бўлади.

Чиледу унинг сўзларига барибир тушунолмади. У Тайр Усунга Берхе чечан қандай буюрган бўлса, шундай етказди. Нўеннинг жон-пони чиқиб кетди.

– Қандай ҳаддилари сиғди? Мўйналарни найманларга беришармиш – бу қандайси? Биз, калтакланган меркитлар эмас, бадавлат ва кучли найманлар билан иш қилишни афзал биламиз, демоқчиларми! – Тайр Усун тўсатдан Чиледуга ўдағайлаб кетди. – Сен уларга ҳаммасини айтиб бергансан! Уруғингни топганингга суюниб бизларни сотгансан!

– Берхе чечан менинг нафақат уруғим, балки яқин қариндошим ҳам! – чўрт кесди Чиледу. – Сизларни эса сотганим йўқ..

– Қариндошим? Шунақа дегин! – Тайр Усун каловланиб қолди, унинг кўзларида шубҳа милтиради. – Алдамаяпсанми? Нима ҳам дердим, бўлиши мумкин. Сен, албатта, шу ерда қолсанг керак?

– Йўқ, мен қолмайман. Мен сенинг навқарингман.

Тайр Усун унга яқинлашди-да, даҳанидан кўтариб юзига тикилди.

– Нимагадир мен сени тушунмаяпман. Бироқ буни билиб оламиз. Лекин ҳеч нарсасиз, қуруқ қайтаверамизми? Одам беришмаса майли, уларсиз ҳам эплаймиз. Лекин мўйналар... Кейин, бу одамларнинг найманлар билан яқинлашишларига ҳам йўл қўймаслик керак. Яна бир гаплашиб кўр. Берхе чечан менга рад жавоб бериши мумкин, аммо ўзининг қариндошига йўқ демаслиги керак.

– Мен уриниб кўраман, – гўлдиради Чиледу, Берхе чечан ўйлаб топган бу тушунарсиз ўйинда иштирокчи бўлиб қолганидан ўнғайсизланиб.

Қора туматлар сардори билан учрашгач, билдики, Берхе чечан ўз мақсадига етишибди. Унинг айтишича, Тайр Усун бу одамлар нима беришни истасалар ўшани олиши, ёки умуман ҳеч нарса ололмаслигини тушуниб етган.

– Энди бориб, найманлар билан шартномани узганимни айт.



Чиледу энди ҳаммасини тушунди. Берхе чечаннинг ақлига қойил қолди. Ахир у бошидаёқ Тайр Усунга одам бермасдан, мўйналар беришга рози бўлганида, меркит нўёни барибир хафа бўлиб қайтарди. Ҳозир эса у шунга ҳам хурсанд бўлиб кетади.

Шундай бўлиб чиқди ҳам. Бу гапни эшитиб, Тайр Усун яшнаб кетди, Чиледунинг елкасига меҳрибонларча уриб қўйди.

– Баракалла! Сенинг бу хизматингни Тўхта бекининг ўзига айтаман.

У ваъдасининг устидан чиқди. Қанор-қанор мўйналар билан уйга қайтишганида, Тайр Усун Чиледуни Тўхта беки ўтовига бошлаб борди.

Тўхта беки мўйналарга эътибор бермади. Ялтираб турган сувсар мўйнасини бир қоқиб, ипакдай майин тукларига пуфлаб кўрди-да, қопга ташлади.

Тайр Усуннинг ҳафсаласи пир бўлди. Бу бойликни қийинчилик билан қўлга киритганини сўзлай кетди. Тўхта беки унинг гапларини табассум билан, қўлларини орқасида туташтирганча, у ёқдан-бу ёққа юриб эшитарди. У бутунлай соғайиб кетмаган, бўйни қийшайиб, боши аввалгидай бир ёнга осилиб қолганди.

– Мен энди улардан ҳеч нарса ололмаймиз, деб турган эдим, – деди Тайр Усун, – лекин навкарим Чиледу Берхе чечаннинг яқин қариндоши чиқиб қолди. У менга ёрдам берди. Чиледу ўша ерда қолиши ҳам мумкин эди, аммо қолмади – сенинг байроғинг остида жангга кириш унинг олий истаги экан.

Тўхта беки Чиледуга яқинлашди.

– Э-э, кўёв... Садоқатинг мақтовга арзийди! Мен ахтачига буюраман, сенга менинг уюримдан битта учқур от беради. – Тайр Усунга ўгирилди. – Албатта, Қора туматлар билан ишни ўнглаб келганларинг яхши. Лекин биз мўйналарни кераитлар хонининг меросхўрларига ҳадя қилмаймиз. Сен сафардалик чоғингда бу ерда анча ишлар бўлди. Ака-укалар бир-бирлари билан уришиб қолишди. Биз тўртталовига ҳам ёрдам берамиз, деб ваъда қилдик. Тўғул ютиб чиқди. Икки укаси Тойтемир билан Бўга Темир бу ёққа қочиб келишди. Нозик Қора эса, афсуски, найманлар тарафга ўтиб кетди. Ака-укаларни мен яхши кутиб олдим, ишонтирдим...

– Бу яхши хабар, – деди Тайр Усун. Бироз ўйланиб, қўшиб қўйди: – Бу жуда яхши хабар. Лекин Тўғул нима қилмоқчи?

– У бизга чопар юборибди. Тойтемир билан Бўга Темирни унга топширишимни сўрабди. Мана шунақа гаплар! – Тўхта беки Тайр Усунга хурсанд назар ташлади. – Яхшиямки сизлар мени шошиб тойчуютлар устига юриш қилишдан тўхтатиб қолдингиз. Кераитлар энди биз билан бўлишади ва биз икки карра кучли бўламиз. Ўшанда ҳеч қанақанги тойчуют бизнинг тазйиқимизга дош беролмайди. Уларнинг овулларини супуриб ташлаймиз. Ерларини ўз қонлари билан ювамиз!

– Тўғулнинг чопарига нима жавоб қилдинг?

– Мен унга анча гап айтдим-у, бироқ жўяли ҳеч нима демадим.

– Сен агар Тойтемир ва Бўга Темирга ёрдам берсанг, Тўғул билан жанг қилишимизга тўғри келади. Балки қочоқларни унга топширганимиз маъқулдир? Тўғул бизга дўст бўлармиди?!



– Дўст бўларми? билмадим, – иккиланди Тўхта беки. – Лекин найман хонидан кўмак сўраган укаси Нозик Қорадан чўчиб, у бизга қарши чиқмайди. Вақт борида ака-укаларни бир-бирига қайраб қўйиш керак. Уларнинг ўрталаридаги адоват қанчалик кучли бўлса, улар шунчалик бизга суянишади. Биз эса кимга ёрдам беришни ўйлаб кўрамиз...

VII

Ичи сариқ ипак билан ишланган катта ўтовда сочи пахмайган, қўллари ни бошига тираганича олов олдида бир одам ёлғиз ўтирарди. Намат билан ўралган ўтов ортида бўрон қутурар, шамол худди бўри каби увиллаб, ўтовни тебратар ва бундан ипак мато тўлқинланарди. Очиқ мўридан қор учқунлари учиб кириб, оппоқ капалак мисоли одамнинг боши узра парвоз қиларди. Ташқарида кўриқчи навбатчиликда турган навкарларнинг шамоллаган, бўғиқ овозлари эшитилди. Кимдир ўтовга кирмоқчи-ю, улар уни ичкарига қўймасдилар. Ниҳоят эшик очилди ва остонада навкар пайдо бўлди.

– Сенга нима керак?

– Яратганнинг хизматкори...

– Ўтказиб юборинглар.

Қора рангли узун кийими оёқларига ўралиб, Худонинг хизматкори кирди. Ўз танаси атрофида чўқиниб, таъзим қилди¹.

– Нима дейсан? – ўтов эгаси кўзларини очиб, қўлларини туширди.

Унинг япалоқ юзида сувчечакнинг бужур излари бир умрга муҳрланиб қолганди. Туя жунидан тикилган олтин тугмали пўстинининг елкалари осилиб турарди. Унинг ҳузурида ўзини ожиз сезган руҳоний, нима қиларини билмай, сийрак соқолига ёпишган муз парчаларини қоқиб туширди.

– Олампаноҳ, сен ҳам видолашасанми?..

Кераитларнинг навқирон хони Тўғул пўстинининг олтин тугмаларини тақиб эшик томонга юрди. Руҳоний ундан илгарилаб, ўтовдан биринчи бўлиб чиқди. Қутурган шамол пўстиннинг узун этакларини икки тарафга кўтариб юборди. Шу кўринишда у парвозга шайланган қузғунга ўхшаб кетди. Навкарлар икки тарафдан уни қўлтиқлашга шошилдилар, аммо у уларни нари суриб, елкаларини силтаб, яланг бошини эгган руҳоний кетидан қадам босди.

Руҳоний уни ибодатхона – ўтовга бошлаб келди. Буруқсиб ёнаётган чироқлардан ўтов димиқиб кетганди. Ўртада, энсизгина нақшинкор кўрпада ёш аёлнинг жасади ётарди. Бу ўзининг хотини, эмизикли ўғлининг онаси эди.

Ҳеч кимга эътибор қилмай, Тўғул унинг ёнига келиб тиз чўқди. Аёлнинг бош тарафида, қизил ипак ёпилган супача устида йирик ёқутлар билан безатилган хоч турибди. Бу ўйноқи тошлар чироқлар нуридан қизғиш жилоланиб, хавотирли шуъла таратарди. Тўғул қўлини хочга теккизиб бармоқла-

¹ Кераитлар насроний динининг несториан мазҳабига амал қилардилар.

рини ўпди ва кўрпани кўтарди. Ўлим аёлнинг юзини деярли ўзгартирмаган эди. Фақат кўзлари остида кўкиш чизик пайдо бўлганди. Кенг пешанасидаги бир шода марваридлар билан у шундай дилбар эдики, Тўғулнинг назарида тирикдай туюларди. Руҳоний ҳам хотинининг жанозаси учун эмас, бошқа сабаб билан ибодат қўшиғини ҳиргойи қилаётгандай, ўтов атрофида тиз чўкиб йиғлаб ўтирган одамлар ҳам бу ишни зўраки бажаришаётгандай эди. У аёлнинг ёноқларига қўл теккизди-ю, бармоқларини муз тешиб ўтгандай тез тортиб олди. Ўрнидан туриб, сўнгги бор хотинининг юзига қаради. Қошлари тутшиб, пешанасининг қоқ ўртасида чуқурча ҳосил қилди. Нафаси қисилди. У ибодатхонадан чиқиб, катта-катта қадамлар билан ўтов томон юриб кетди.

У фақат хотингина эмас, балки онаси, ака-укалари, дўстларининг ҳам ўрнини босгудай эди. Катта қуршов овларию душманлар билан жанг пайтларида ҳам хотини унинг ёнида от суриб борарди. У эрининг энг содиқ навқари эди...

Ўтган куни улар мана шу сариқ ипак тортилган ўтовда нўёнлар ва обрўли оқсоқолларнинг ваъзларини бирга тинглаган эди. Зиёфат уюштирилган, хотини эрининг шаробидан ичишга ижозат сўраган эди. Кун ўтмай хотинининг аҳволи ёмонлашиб қолди. «Бу шаробни хитойлар гуручдан тайёрлашди, – деди у хотинига. – Мен ҳар сафар уни ичганимда ичим ўт бўлиб ёнади. Бориб дам ола қол». У кетди. Базм тугаб, Тўғул хотинининг ёнига кирганида эса у ўлим билан олиша-олиша ҳушидан кетганди. «Мени заҳарлашди», дедию жони чиқди.

Уни чиндан ҳам заҳарлашганди. Аниқроғи, заҳарланган шароб тўла қадаҳ, аслида хотинига эмас, унинг ўзига тайёрланганди. Димиқиб ётган ибодатхонадаги тўшакда бугун унинг ўзи ётиши керак эди.

Шамол аста тина бошлади. Ўтов ҳилпирамай қолди. Ташқаридан қорнинг ғирчиллаши эшитилди. У эшикни очди:

– Менинг ҳузуримга баковулни олиб келишсин. Оловни ҳам гуриллатинглар, совуқ.

Ўтовда олов аланга олиб ёна бошлади. Тўғул пўстини барларини очиб, қўлларини олтинранг аланга тилларига тутди. Уни безгак тутар, назарида хотинининг танасидаги совуқлик унинг ичига кириб олгану, бутун вужудини музлатиб қўйгандай эди.

Уч нафар навқар сийрак мўйловлари осилиб тушган жиккаккина баковулни олиб киришди. Отасига ҳам баковуллик қилган бу одамни Тўғул болалигидан танирди. Эпчил ва чаққон баковул зиёфатларни маромига етказиб қўяр, ҳеч кимни назардан қочирмасди. Тўғул уни таниганидан буён оппоқ мўйловли, юзида биронта ажини йўқ эди. Ҳозир совуқдан юзи кўкариб кетган, мўйловларининг учи енгил титраб турарди.

– Исиниб ол. – Тўғул ўчоқ олдидан унга ҳам жой бериб, четроққа сурилди. Баковул қўрқув тўла кўзларини Тўғулдан узмай ҳадиксираб оловга яқинлашарди. Илжайишга уриниб кўрди-ю, аммо лаблари беихтиёр қалтирарди.

Баковул Тўғул ва укаларини ёшлигида кўп меҳмон қиларди.



Тўғул хўрсиниб кўйди. Дафъатан хаёлини қуршаган бу хотираларни четга сурди ва буюрди:

– Гапир!

– Нимани? – овози бўғилиб чиққан баковул йўталиб кўйди. – Мен отаннинг содиқ хизматкориман...

– Сен, эҳтимол, отамнинг содиқ қули бўлгансан... Мени заҳарлашни ким буюрди?

Баковул чўқиниб олди.

– Худо ҳаққи, қасам ичаман! Қандай ҳаддим сиғарди?!

Тўғул навкарларга имо қилди. Иккитаси баковулнинг кийимларини ечиб олиб ерга ағанатди, учинчиси кўлида қамчи ўйнатди. Чолнинг қорача, чайир елкасида қамчи изи пайдо бўлди-ю, чинқироқ овозда бақириб юборди. Иккинчи бор саваланганда орқасидаги териси ёрилиб кетди ва қовурғалари орасидан қон оқиб туша бошлади. Тўғул юзини буриб олди. Бора-бора баковулнинг овози чиқмай қолди. Тўғул навкарларни тўхтатди. Баковулни ўтказиб қўйишди. Унинг кўзлари узоқ олишувдан сўнг енгилган ҳайвонга ўхшарди.

– Хўш? – Тўғул афтини буриштириб, энгашди.

– Мен айбдор эмасман! Мен...

– Қўлларини қайиринг.

Навкарлар яна унга ёпишишди. Бармоқларининг қарсиллаши эшитилди.

– Аҳҳ! Керакмас!

– Гапир!

– Айтаман. – Баковулнинг бўғриқиб, шалпайиб қолган юзидан тер қуйиларди. – Айтаман. Ўзингнинг укаларинг.

– Ёлғон айтасан!

– Йўқ, алдаётганим йўқ. Ҳамонки ўлар эканман, ёлғон гапиришдан фойда йўқ. Фақат мени қийнама.

– Нега бундай қилдинг?

– Мен ўлишдан кўрқдим. Уларнинг одами айтдики, сен бу ўтовда барибир узоқ ўтиролмас экансан. Тойтемир ва Бўга Темирларни меркитлар, Нозик Қорани эса найманлар қўллаб-қувватлаётган эмиш. Агар уларнинг айтганини қилмасам, сен ўлишинг керак бўлган куни мен ўлардим.

– Шунақа де! – алам билан чўзиб деди Тўғул. – Йўқотинг буни!

Ўша куниёқ у укаларини дарҳол қайтариб беришни талаб қилиб, Тўхта беки ҳузурига яна битта элчи жўнатди. Бермаса, уруш бўлади. Меркитлар ҳукмдори Тойтемир ва Бўга Темирларга Тайр Усун нўёнини кўриқчи қилиб жўнатар экан, у орқали Тўғулга дўстлик ва хайрихоҳлик билдириб юборди...

Тўғул барча нўёнларни чақиртириб келишни буюрди. Улар келгунича у олов ёнидан жилмади. Ичидаги титроқ ҳеч кетмасди. Олов иситмасди. У тантанали кунларда отаси ўтирадиган супачага чиқиб ўтирди. Отаси ўлгандан кейин бу жой учун қанча қон тўкилди. Худо шоҳид, у бу ўринга ўтиришга интилгани йўқ. Унга отаси ажратиб берган улус ҳам етиб турган эди. Аммо укалари уни ҳоли-жонига қўйишмади. Укалари у ҳокимиятни барибир ўз

қўлига олади, деб қўрқдилар. У ҳокимиятни қўлга олди-ю, энг қимматли кишисидан – хотинидан айрилди.

Тўғул нўёнларнинг саломига алик олмади. Ҳозир унинг ичида нафрат тошарди. Бугун унга тилғламлиқ билан таъзим қилаётганлар эртага бошқа бировнинг олдида ҳам бошларини худди шундай эгаверадилар. Ким хон бўлишининг уларга фарқи йўқ, фақат уларнинг подаларига тегмаса бўлгани.

Одам тўла ўтовдан садо чиқмасди. Ҳар бир нўён ўз ўрнида чордона қуриб, ёш хонга хавотирли нигоҳ ташлаб, индамай ўтиришибди. Тайр Усунни меҳмон билиб тўридан жой кўрсатишди. У ҳам чордона қуриб, таранг боғлаган белбоғини қўллари билан ғижимлаб ушлаб, кўзларини чақчайтириб, ўтовнинг сариқ мато бурмаларини томоша қиларди.

Тойтемир билан Бўга Темирни олиб келишди. Улар эшик олдида пичирлаб турибди. Бу эгизакларни яқинлари ҳам кўпинча адаштириб қўярди. Оқ-сарикдан келган, қошлари ҳам, энди сабза урган мўйловлари ҳам бир хил. Уларнинг орқасида хонга садоқатли нўёнлар туришибди.

Нигоҳи укаларининг қарашлари билан тўқнашган хон бир сесканиб тушди, нўёнларига яна бир-бир қараб чиқди.

– Шижоатлари ҳаммага маълум, оқиллиги билан қавмлар фахрланадиган, аччиқ ҳақиқат аламига чидайдиган, ширин ёлғонни фарқлай биладиган сиз нўёнларни мен бугун муҳим бир қарор қабул қилиш мақсадида чақиртирдим. Қодир Худо отамнинг ўтовини ва ундаги мана шу ўринни қўлга киритишимга мадад берди. Сизлар менга итоат қилишингизни аён этдингиз ва мен бу ваъдангизни қабул қилдим. Аммо айтайинки, отамнинг учун укаларимнинг ҳаммаси ҳам бирдай ҳақли. Тойтемир ҳам, Бўга Темир ҳам. Мана, сиз уларни кўз ўнгингизда кўриб турибсиз. Ақлсизлиги туфайли найманлар юртида юрган Нозик Қора ҳам, тангутлар томонидан бир неча йиллар аввал асир қилиб олиб кетилган Жағамбу ҳам шундай. Бугун, мен сизлардан шавкатли одамлар сингари гапнинг тўғриси айтишингизни сўрайман, сиз мана шу беш ака-уканинг қайси бири хон бўлишини истайсиз? – Тўғул ўридан турди-да, укаларининг ёнига келиб турди.

Нўёнлар пичирлаша бошлашди. Кейин бу англаб бўлмас шовқин орасидан бир сўз отилиб чиқди:

– Сени!

– Сен бизнинг хонимизсан!

Тўғул ҳаммани тинчитиб огоҳлантирди:

– Шошилманглар. Ўйлаб кўринглар. Барча муқаддас нарсалар ҳаққи қасам ичаман, мен сизлар нима қарорга келсангиз, ўшанга бўйин эгаман!

Нўёнлар баттар шовқин солишди. Кимдир баланд овозда қичқириб деди:

– Бизнинг хонимиз – Тўғул!

Ҳамма бу ҳайқириқни илиб кетди:

– Бизнинг хонимиз – Тўғул! Бизнинг хонимиз – Тўғул!

Тўғул қўлини кўтарди.

– Бошқа одамни хон ўрнида кўришни истаганлар ҳам борми?

Сукунат. Тўғул супача ёнига келди-ю, ўтирмади. Нўёнларга таъзим қилди.



– Мен сизнинг иродангизга бўйин эгаман. Шу топдан бошлаб ва то тирик эканман, мен сизнинг ҳукмдорингизман. Мен сизнинг хоҳишларингизни қандай ҳурмат қилсам, сизлар ҳам менинг истакларимга шундай итоат этишингиз керак. Хон ҳукми олдида ҳамма баробар – энг паст қорача ҳам, зоти улуғ оқсоқол ҳам. Ҳаммаларингга адолат ва ақл билан қарайман. Содиқ ва кўркмас одамларга марҳамат кўрсатилади, жинойтчилар – ким бўлишларидан қатъи назар! – жазоланади. – Тўғул кўзларини укаларига қаратиб, жимиб қолди.

Барча нўёнлар ҳам хоннинг укаларига тикилиб қолишди. Эгизаклар хавотирда оғирликларини бир оёқдан иккинчи оёқларига оларди. Тўғул навкарларга им қоқди. Улар ўтовга дабдаласи чиқиб кетган баковулни олиб киришди.

– Гапир! – буюрди унга Тўғул.

Баковул кўркүвдан тутила-тутила бояги ўз иқрорини қайтарди.

Тўғул укаларидан кўз узмай турса-да, Тайр Усунни ҳам назаридан қочирмасди. Баковул меркитлар ҳақида гапирганида, меркит нўёнининг қўллари таранг белбоғлари устида ғимирлаб қолди, аммо қотма юзида ўзгариш сезилмади. Тойтемир билан Бўга Темир баковулнинг биринчи сўзларидаёқ тиз чўкиб олишган, пешаналари билан наमतга қадалиб, кечирим сўрашарди. Хон энгашиб турган укаларининг очик бўйинларидан болаларча баданларини кўриб, кўнгли бузилиб кетди. Уларга томон бир қадам қўйди-ю, тўхтади. Яна унинг эсига хотинининг муздек ёноғи тушиб кетди. Чўтир юзи тундлашиб, қорайиб кетгандай бўлди.

– Мана бунинг калласини узиб ташланг, – деди у баковулни кўрсатиб. – Буларнинг эса умуртқаларини синдиринг.

Навкарлар шу ондаёқ уччаловини ўтовдан олиб чиқиб кетишди. Кулоқни шанғиллатиб юборувчи сукунат чўкди. Ташқарида ўтовни тортиб турган чилвирнинг учини ўйнатаётган шамолнинг кучсиз шивири эшитилди. Нўёнлар кўзларидаги кўркүвни яширишга уринардилар. Улар кўпни кўришган эди-ю, аммо туғишган укаларини бундай шафқатсиз жазолаган одамни эшитмаган эдилар. Укаларигаки шафқат қилинмас экан, бошқалар хондан нимани кутиши мумкин?

VIII

Кавакдан суғур бош чиқарди. Қаттиқ мўйловларини қимирлатиб ис олди, калта кулоқларини динг қилиб таниш овозларга кулоқ тутди. Боши узра тўрғай сайрар, майса устида юмронқозик чийилларди. Суғур астагина инидан чиқиб, силкиниб устидаги чангни қоқди. Куёш қиздирар, ер ҳам ёқимли – илиқ эди. Янги чиққан майса сабза урган, қийғос очилган бойчакларнинг бошчалари шамолда енгил тебранарди.

Суғур ерга астойдил ёзилиб ётиб олди. Узоқ қиш уйқусидан чиққан тана-си ҳали анча кучсиз бўлганидан, куёш тафтида тезгина уйқуга кетиб қолди. У маза қилиб пишиллаб ухлар, аммо сезгир кулоқлари ҳамон товушларга

жавоб қилгандай қимирлаб турар эди. Қулоқчалар бирдан тўхтаб қолди. Суғур бошини кўтарди. Сал нарида секин-аста юриб, уч нафар отлиқ борарди. Суғур ҳар эҳтимолга қарши инига яқинроқ бориб олди. Аммо муз тортиб ётган инига киргиси йўқ эди. Юмронқозиклар кавлаб чиқарган тупроққа ёнбошлади. Мўйнасининг сарғиш-бўз ранги тупроқ ранги билан деярли бир хил бўлганидан уни дарров илғаш қийин эди.

Отлиқлардан бири отини тўхтатиб, камонини тортди. Ўқ суғурнинг шундоқ тумшуғи ёнига бориб қадалди, тўзғиган чанг эса кўзларига қопланди. Ҳеч нарсани кўролмади, кўрқиб кетган жонивор шошиб қавагига кириб кетди.

– Эҳ, ўғлим-а, мен сенинг ёшингда шунақа отармидим? – қария Чархи ака аччиғланиб бошини чайқаб қўйди. – Есугай баҳодир бўлганида, нишонга аниқ урган бўларди.

Есугай олдинда кетар эди. Ўз исмини эшитиб, жиловни тортди.

– Нима гап?

– Мана бу Менгликни кўрмайсанми... Мен унга сен бўлганинга ўқни бе-хато урардинг, деяпман.

Есугай масофани чамалаб кўрди-да, тасдиқлаб қўйди:

– Ҳа, мен янглишмасдим.

– Бўлмаса нимага отмадинг? – деб сўради Менглик нишонга тега олмаганидан алами қелиб.

– Шунчаки, ўзим. Хоҳламадим.

Есугай суғурни ҳам, тўп бўлиб турган тупроқни ҳам пайқамай қолганини билдиргиси келмади. Кўнгли жуда ғаш эди. Ёвузлик руҳлари тойчуютлар улусини таъқиб қилаяпти, шекилли. Амбахайхондай доно одамнинг вафотидан ҳали ўзига келмаган юрак янги ғамдан озурда бўлди: жароҳатлари битмаган Хутула баҳодир ҳам оламдан ўтди. Бугун нўёнлар қурултойга тўпланишяпти. Кимни янги хон қилиб кўтаришаркин? Хутуланинг ўғли Олтон ҳали жуда ҳам ёш. Бошқа аслзода нўёнлар орасида эса ўз ақли ва жасоратлари билан бошқалардан устунроқ келадигани йўқ. Жуда катта тортишувлар бўлса керак.

Чархи ака хирилдоқ овози билан ашула айтиб қолди. У ўғлини изза қилгандай ёйи чексиз осмон бағридан бургутни, югуриб кетаётган жайроннинг кўзини пойлай оладиган афсонавий мерган ҳақида куйларди. Ини олдида мудраб ётган суғур эса бу мерган учун арзимас нишон. Буюк мерган Менглик эса уйқучи суғурни уйғотиб қўйиш учунгина камонидан ўқ отиб қўйгани ҳақида куйларди.

Ота-боланинг хушчақчақлиги Есугайнинг жаҳлини чиқарди. Ашулага топган вақтларини қара-ю. Базмга кетаётганлари йўқ-ку. Қурултойдаги баҳслар уруғларнинг бўлиниб кетишига сабаб бўлар... Бундан кучсизланиб қолган улус душман кўшнилари – татарлар, меркитлар, кераитларга емиш бўлиши аниқ. Есугай Менгликнинг овозини ўчирмоқчи бўлдию, кейин индамай қўя қолди. Улар ўзи азалдан: ҳар вақт қўшиқ айтиш, ҳазил-мутойиба ва сўзамолликка усталар. Чархи ака аждодлари чўлга машҳур шомон бўлган.



Чархи аканинг ўзи ҳам шифобахш гиёҳларни танир ва улар ёрдамида касалликларни даф қила оларди. Менглик бу соҳада сал йўқроқ. Лекин тўнғич ўғлини шомонга шогирдликка берди. Одамларнинг айтишича, болакай осмон сир-синаотларини ўқишда ажойиб иқтидори борлигини намойиш қилган эмиш. Энг асосийси, қария Чархи ака ҳам, Менглик ҳам жуда ишончли, Есугайга ҳар тарафлама содиқ кишилар эди. Ҳақиқий дўстлар унчалик ҳам кўп эмас. Шундай дўстлари сафига у яқин қариндошлари – Сача беки, Тарғутой, Ўлтонларни қўшиши мумкин. Аммо бугунги қурултойга улар алоҳида жўнабдиларми, бир фитналари бор қўринади. Туғишган ака-укалари ҳам, ҳар ким ўзича кетибди. Вазият анча чатоқ.

От туёқлари остида майин майсалар ястаниб ётар, ора-орада мовий, сариқ, оқ, кўк гуллар яшнаб турар, даштда гўё гуллар сайли бўлаётгандай эди. Қўлда ўрдаклар сузар, бир оёғини яшириб олган қарқара ўйчан турар, узокроқда эса худди қўйлар подасини эслатиб тувалоқлар виқор билан кезинарди. Баҳор!.. Кўчманчилар учун бундан яхши мавсум йўқ. Қиши билан ориқлаб кетган чорва баҳор яйловларида тезгина ўзига келиб олади, қўзилай бошлайди. Болакайлар ҳам тўйиб сут ичадилар, ялангоёқ, тойчоқлардай тиниб-тинчимай ўрамни бошларига кўтариб югурадилар. Чол-кампира-лар ҳам кун ботгунича офтобда, эмаклаб кетган набираларига қараб ўтирадилар. Одамлар ҳам кўнглини кенг қилиб, душманлар ва урушлар ҳақида эмас, балки той-тулпорлар, пойга ва полвонлар беллашувлари ҳақида маза қилиб суҳбат курадилар.

Анъанага кўра, қурултой Ўнўн бўйида ўтказилади. Деярли барча нўёнлар йиғилиб бўлган. Аммо улар илгаридай бир жойда тўп бўлиб эмас, балки катта майдоннинг ҳар ер-ҳар ерида, кичик-кичик гуруҳларга бўлиниб, бошларини бир-бирларига эгганча, нималарнидир мулоҳаза қилиб ўтирар ва гоҳ-гоҳида атрофга олазарак нигоҳ ташлаб қўйишарди. Ифори маст қилувчи, қийғос очилган шумурт ёнида Есугай ҳам отдан тушиб, жиловни Менгликка тутқазди. Чархи ака отдан тушмай, одамларнинг айри-айри ўтирганларини кўриб, норози ҳолда ғудранди:

– Шу ҳам иш бўлдими...

Даритой отчигин қўлларини дўстона кўтарганича, табассумдан афтини бужмайтириб уларга яқинлашди.

– Ака, мен сени ҳаммадан олдин кетиб қолгансан, деб ўйловдим.

– Жим бўл, муғамбир! – Есугай унга қатъий жавоб қилди.

Буталар оралаб, уларнинг ёнига ўрта бўйли, бесўнақай Тарғутой яқинлашди. Елкасига илиб олган чопонини тортиб туширар экан, ҳайрон сўради:

– Э-э, сен шу ердამисан?.. Биз эса сени...

– ...буталар остидан қидириб юрибсизлар, – деб унинг гапини яқунлаб қўйди Есугай.

– Ҳа, – ўйламай маъқуллади Тарғутой, лекин шу ондаёқ гапини тўғрилаб қўйди – Йўқ, қидирганимиз йўқ...

Даритой отчигин пиқиллаб кулиб юборди. Тарғутойнинг шишинқирган башараси жиддийлашиб, ёвқараш қилиб унга ўгирилди.

– Ҳа, нима?

– Укам билан бирдай ёлғон гапирдинг-да, шунинг учун кулгиси қистади, – деди хўмрайиб Есугай. – Эҳ-ҳ... Нимага бунақа қиласизлар-а?

– Ҳар хил миш-мишлар юрибди, – тўнғиллади Тарғутой ҳам қовоғини уйганча этикларининг учига тикилар экан. – Нўёнларни ўзингга оғдириб юрган эмишсан.

– Сени оғдирдимми? Сача бекини-чи? Ўлтонни-чи? Ўзимнинг ака-укаларимниямми? – дея Есугай унинг тумшуғигача яқин келди.

– Бу гапни бас қилайлик, – тинчланди Тарғутой ва Есугайга орқасини ўгириб деди, – юр, биз билан.

Ёш нўёнлар шумурт бутаси ортига тўпланишди. Есугай уларнинг ораларига сукулиб кириб ўтирди. Ҳамма ниманидир кутгандай унга, Тарғутой Қирилдуққа қараб турарди. Жаҳли чиққан Есугай жим ўтирарди. Тарғутой ҳам. Даритой отчигин бекорчи бир мавзуни бошлаган эди, қолганлар ҳам уни илиб кетишди. Хон сайлаш ҳақида ҳеч ким оғиз очмасди. Қурултой бошланганда эса, Есугай ёш нўёнлардан орқада қолиб, Чархи акани қидириб топди. Кези келганда у билан маслаҳатлашиб олса бўлади.

Оломон ичидан Тумор билги чиқиб келди. Боши кал, соқоли оппоқ, оёқлари тарвақайлаб кетган бўлса-да, ҳали бақувват бўлган чол чийилдоқ овозда гап бошлади:

– Қадимда бизнинг уруғдан ҳукмдорлар чиқмаган. Кейин одамлар етакчисисиз ғозлар галаси ҳам, отлар уюри ҳам тезгина бўри тўдасига емиш бўлади, дея ораларидан энг муносибини сардор қилиб сайлаб, уни хонликка кўтариш ва улусни бошқаришни унга топширни режа қилдилар. Биринчи хон шавкатли Хабул бўлди. Ҳозир биз ичимиздан энг муносибини сардор қилмоқ учун ўтирибмиз. Кимнинг номини айтасиз?

Оломон жим. Есугай, хон номини айтиш пайти келганида, камида ўнта одамнинг исмини айтишади, деб ўйлаб ўтирарди. Нега ҳамма жим?

– Нега ҳеч кимнинг отини айтишмаяпти? – шивирлаб сўради Есугай Чархи акадан. Чол кулимсиради.

– Айтайлик, мен сенинг номингни кўрсатаман, лекин Тарғутойни сайлашади. Хўш, кейин мен Тарғутойдан нима яхшилик кутишим мумкин?

– Хўш, ким айтади? – Тумор билги қисик кўзлари билан нўёнларга қараб чиқди. Есугайга кўзи тушиб деди. – Сен айт, шавкатли Хабулхоннинг набираси, кўрқмас Есугай.

– Бошқалар гапира қолсин, – Есугай гапни қисқа қилди.

Тумор билги бирма-бир ҳаммадан сўраб чиқди. Аммо ҳеч ким миқ этмади. Есугай ҳаммасини тушунди: ич-ичида, деярли, ҳар ким хонликка ўзининг кўтарилишини кутиб ўтирарди. Есугай баҳодирнинг ўзи ҳам шуни ўйларди: ахир, у Хабулхоннинг невараси – энг лойиғи эмасми. Амбахайхон ҳам барча тенгдошлари орасида унга бошқача назар билан қарарди. Сўнгги юришда ҳам Есугай Хутула баҳодирнинг ўнг қўли бўлмаганмиди? Аммо Тарғутой ҳам, Ўлтон ҳам уни хон ўрнида кўришмаганда, бошқалар ҳақида нима дейиш мумкин! Майли, кўнглингизга ким яқин бўлса, ўшани сайлайверинглар.



Есугай нарироққа, Унуннинг тик қирғоғи бўйига бориб ўтирди. Дарё тўлиб-тошиб оқар, пўртаналар тўлқинида кўпиклар рақс тушарди. Нарироқ бориб ўрамалар атрофида айланар ва қумли қирғоққа келиб йўқоларди. У сувга тикилиб ўтираркан, бир қулоғи нўёнларнинг гапларида эди. Кимдир жон куйдириб ниманидир уқтирарди:

– Биз қурултойга сал шошилиб келдик. Буюк ишларни амалга ошириш учун яхшилаб ўйлаш керак. Қаёққа шошамиз? Ака укаси билан, дўст дўсти билан кенгашиб кўрсин.

Есугай ҳуштак чалиб имлади. Вақт ғанимат: кимнидир кўндириш, кимларнидир совға-саломлар бериб сотиб олиш, бошқаларига пўписа қилиш керак... нўёнлар жонланиб қолишди. Ҳар ким ўзича бу вақтдан унумли фойдаланиб қолишга чиранди. Ҳозирча хоннинг сайланмаслигини ҳамма сезиб турарди. Шу топда бунга қаршилиқ кўрсатиш – сувни қилич билан кесиш билан баробар. Масалага бошқа тарафдан ёндашиб кўрилса, қалай бўларкин?

Ҳамма нарсани ўйлаб, пишитиб олишга вақт йўқ эди. Есугай сапчиб ўрнидан турди-да, Тумор билги ёнига келди.

– Доно оқсоқоллар ва жасур жангчилар! Сиз яна ва яна ўйлаб кўрмоқчисиз. Шундай ҳам бўла қолсин. Лекин бир ўйга келгунингизгача бизнинг нутуғларимизни ким ҳимоя қилади? Шарқда татарлар, ғарбда меркитлар, шундоқ биқинимизда кераитлар, шимолда эса бесаранжом тоғликлар турган бўлса – улар билан ким жанг қилади? Ким кўшин тўплайди? Ким уларни юришга бошлайди? Оқил оқсоқоллар ва кўрқмас баҳодирлар, бир кенгашиб кўринг! – Есугай жим қолди. Оломондан Чархи акани топиб, нигоҳлари билан сўзлашди. Қария уни қувватлагандай бош силкиб қўйди.

Ҳеч ким Есугайга жавоб беришга шошилмасди. Кучли ҳарбий қудратсиз уларнинг бу осуда, тўкин-сочин турмушлари бир ҳамла билан йўққа чиқишига нўёнларнинг ақли етарди. Аммо бировлар хонлик тожини кийишни, бошқалар эса хонликка ўз одамларини кўтаришни хоҳлардилар ва бу истак душманлар олдидаги кўрқувдан кучлироқ бўлиб чиқмоқдайди.

– Биз меркитларни уриб ташладик, – деди кимдир.

– Татарларни ҳам! – бошқа бир овоз ҳам тез унга қўшилди.

– Кераитлар бўлса, ака-укаларнинг мулк талашишлари билан банд, уларнинг биз билан ишлари йўқ!

Нўёнлар шу тахлит ўзларига таскин берардилар. Аммо Есугай чекинишни истамади.

– Тўғри, шундай! – рози бўлди у. – Аммо татарлар бизнинг ерларимизга бостириб келишга тайёрланишяпти, деган гаплар юрибди.

– Урушга кузда юрилади. Ҳозир эса баҳор, – деди қатъий қилиб Тумор билги. Есугай томонидан четга сурилиб, нўёнларнинг эътиборини ўзига тортиб олганидан оқсоқол норози эди.

– Буни биламан... Кузда отлар ҳам етилган, ем ҳам етарли бўлади. Шунинг учун ҳам урушлар кузда бошланади. Мен эса татарлар устига айнан шу пайтда бостириб бориш керак, деб айтяпман. Улар ҳеч қандай ҳужумни кутмаган пайтда, биз уларни осон енгамиз. Ўрамлардан одам тўплашга рухсат

беринг, мен татарлар устига юриш қиламан. Ҳар бир овул мунчадан одам берсин, кўнгиллиларнигина оламан.

Нўёнлар унинг гапига тез рози бўлишди. Есугайга шу керак эди. У узоқни кўра биларди: Амбахайхоннинг сабоқлари бекор кетмаган эди, агар осмон унга татарларни енгилди куч берса, ҳамма ботир жангчилар унга эргашади. Унинг кўркмас, содиқ навкарлари кўпаяди ва ўшанда ҳеч ким унга хўжайинлик қилолмайди. Бобоси бирлаштирган, Амбахайхон мустаҳкамлаган улусни у ўз қўлига олади. Нўёнлар буни ҳозирча тушунмай турганлари ҳам яхши. Ҳатто Чархи ака ҳам унинг мақсадларини англаб етолмайди.

- Нимага ўз бошингга бу юкни олдинг? – сўради чол уйга қайтиш чоғида.
 - Жароҳатларим учун татарлардан ўч олмоқчиман.
 - Ҳарбу зарб шамоллари ўзгарувчан бўлади, қара, оёғингдан олмасин.
- Есугай кулди. У ўз омадига ишонарди.

Қадрдон овули яқинлашиб қолганда Есугай отни учириб кетди. Ўзи ўйлаб қўйган режалари ҳақида у фақат битта одамга – Овулунга гапириб беради. Хотини... Сал узоқроқ кетадиган бўлса, дарров соғиниб қоладиган хотини. Мана, ҳозир ҳам унинг бетоқат кўзлари ўтовлар олдида тўпланиб турган одамлар орасидан Овулунни қидирарди. Ана – у. Эрини кўриши билан у ўз ўтовига қараб юрди. Юрганида бошидаги боғтўғаси¹ чайқалар ва унга суқиб қўйилган кегайи ялт-юлт қиларди. Эрли аёллар киядиган ва бадани шакллари яшириб турадиган кенг номрокда² бўлса ҳам, Овулун унинг кўзига тўлишиб қолгандай кўринди. Миясига келган ўйдан севиниб кетди. Наҳотки?

Отидан сакраб тушиб келди-да, Есугай Овулунни кучоғига босди, қўллари билан секингина қорнини силади. У эса ўзини четга олиб, қизаринди.

- Демак, тўғри экан-да?

Хотини бош ирғаб тасдиқлади. Есугай уни кўксига босди, озғингина елкаларини авайлаб сийпалади.

IX

Тўғул биродарларини қатл этиш билан атрофидаги нўёнларни ўзидан бездириб қўйди. Уларнинг хушомадларидан у энди аллақандай хушёрликни ҳам сезаётган эди. Вазиятни юмшатиш ва ўз эҳтиётини кўзлаб, у тангут уруғи қўлидаги укаси Жағамбунни сотиб олди. Найманлар юртида юрган укаси Нозик Қорани ҳам ўзига оғдиришга уриниб кўрдию, аммо у Тойтемир ва Бўга Темирларнинг тақдиридан хабардорлиги боис ҳеч қандай келишувлару ваъдаларга учмади.

Ҳеч кечиктирмай нимадир қилиш керак эди. Лекин нима? Нима? У, деярли, ўз ўтовидан чиқмасди. Бошқа бировларни ҳам камдан-кам киритарди. Камгап ва ўйчан ўспирин укаси Жағамбугина доим у билан бирга эди. У кун

¹ **Боғтўға** – ўша даврлардаги аёллар бош кийими.

² **Номрок** – аёллар кўйлаги.



бўйи кичкинтой жияни Нилха Сангун билан овора бўларди. Хотинининг вафотидан кейин Тўғул ўз ўғлини ҳеч кимга, энагасига ва хизматкорларга ҳам ишонмай қўйган.

Нилха Сангун атак-чечак юра бошлаган эди. Бақалоқлигидан вазни оғир бўлган болакай ўрдак жўжаси каби у ён-бу ёнга лапанглаб, Жағамбунинг бармоғини ушлаганча юмшоқ намат устида оёқ босарди.

– Ҳўппа, мана шунақа, шунақа, – деб Жағамбу уни қўллаб қўярди. – Энди ўзинг, менсиз юрчи, қани.

Жағамбу болакайдан бир неча қадам узоқлашиб, қўлларини ёнига чўзди. Бола қадам босиб-босмай йиқилиб тушарди. Пастки лабини чўччайтириб, йиғлаб юборарди.

– Ана холос, дарров йиғлаш экан-да! – дерди Жағамбу гина қилгандай, унинг кўз ёшларини артаркан.

Ўтовга шошилганча қуролланган аскар қириб келди. Таъзим қилишни ҳам унутиб:

– Найманлар! – деб бақирди.

– Қаерда?

– Бу ердан бир манзил нарида. Уларни Нозик Қора бошлаб келяпти.

– Ҳаммани йиғ! Отлар эгарлансин! – деб буюрди Тўғул ва шошиб совути-ни кия бошлади. – Жағамбу, болага қараб тур. Отингни шайлаб қўй. Бирон нарса бўлса, уни ол-у, менинг ёнимга уч.

У ўтовдан чиққанида бутун ўрам хавотирдан жунбишга келган эди. Жангчилар от устида ўтовма-ўтов бош суқиб югурар, отларнинг кишнаши, қуролларнинг жаранги эшитилиб турарди. Қаттиқ шамол эсиб ўтларни ерга эгар, қора булутли сузиб юрган осмоннинг қайсидир бурчида момақалди-роқ гумбурларди. «Эгам, ўзинг менга ёрдам қил!» – шивирлади Тўғул. Агар найманлар ростдан ҳам бир манзил нарида бўлса, демак кечга яқин бу ерга етиб келади. Уларни қандай тўхтатсак экан?

Ўтов олдида ҳарбийлар тобора кўпайиб борарди. Нўёнлар унинг ёнига келиб, жангчилар сонини маълум қиларди. Улардан биронтаси ҳам келишга журъат қилмагани Тўғулни тинчлантирди. Балки беҳуда шууюҳага бораёт-гандир?

У отига миниб қўшинни шамол увиллаган қоронғи даштга эргаштириб кетди. Яна момақалди-роқ гумбурлади. Бу галгиси худди боши устида гумбурлагандай бўлди. Бўрон яқинлашиб келарди. Бирдан шамол тўхтади, қоп-қора булутлар шундоққина тепада осилиб қолгандай, пастлади. Чўл сукунатга чўкди. Бир онда ёмғир шаррос ёға бошлади. Унинг йирик томчилари дубулғаларга урилиб тараклар, отларнинг тўқимларига шимилиб кетарди. Жаланинг тинишини кутиш лозим эди. Акс ҳолда ёмғир одамларни ҳам, отларни ҳам ҳолдан тойдириб қўйиши мумкин. Унда душман тазйиқини қайтаришнинг имкони бўлмай қолади. Найманлар ҳам, шубҳасиз, пойлашади. Энг тўғриси шу – қўшинга дам бериш керак.

Жангчилар тўрваларидан чодирлар олиб, ўзларини панага олдилар. Отлар эгаларининг яқинида, пишқириб, ёлларидан оқиб тушаётган томчилар-

ни силкимоқда. Навкарлар Тўғулга сафар чодирини тиклаб беришди. У ичкари кириб, қуруқ кийимларни кийиб олди-да, бўсағадаги эгар устига ўтирди. Момақалдироқ усти-устига гумбурлар, чақмоқнинг кўкимтир-оқ рангдаги шуъласи яшин сингари ерга санчиларди. Тез қоронғи туша бошлади. Тўғул ёнбошлади, устига намиққан тўқим ташладию бироқ ухлай олмади. Уни тушунарсиз бир хавотир қамраб олган эди. Нўёнлари эпчиллик билан жуда тез тўпланди. Бир ёмонликни режа қилишган бўлса-чи?

Тун ярмига яқин ёмғир шаштидан қайтди. Тўғул навкарларини уйғотиб, қўшинни айланиб чиқишни буюрди. Улар бир зумда изларига қайтишди.

– Ҳеч ким йўқ! Улар кетиб қолишибди!

– Бўлиши мумкин эмас!

Унинг ўзи қоронғида қоқиниб-суқиниб, яқингинада чодирларида ўтирган аскарларини қидириб кетди. Лекин у ерда ҳеч ким йўқ эди. Бақирган эди, ҳеч қандай жавоб бўлмади. Навкарлардан бири мойга ботирилган латтани найзаси учига қадаб, машъала ёқди. Уни баланд кўтарганида эса ёмғир сувлари билан тўлиб қолган от туёқларининг излари, топталган майса ва кимдир эсидан чиқариб қолдирган бош кийимидан бошқа ҳеч вақо кўринмади. Тўғул ўтовига қайтди. Унинг ёнида юзга яқин ивиб кетган навкарлари биқиниб турарди.

– Отларга мининглар, – деди у чарчоқ овозда.

Кетиш керак эди. Қанча тез бўлса, шунча яхши.

Анча юришгандан сўнггина кун ёриша бошлади. Осмонда ҳамон қора булутлар сузиб юрар, лекин ёмғир тинган эди. Булутлар орасидан қуёш мўра-лай бошлади. Тўғул ёнига айғоқчи от қўйиб келди.

– У ерда бир ўрам бор.

– Кимларники?

– Ўзимизники, кераитларники.

У егулик ва қимиз топиб келиш учун ўрамга ўн нафар навкар жўнатди. Энди у манави навкарлар ҳақида ўйлаши, уларни тўйдириши керак. Бўлмаса улар ҳам тарқаб кетади. Кейин нима бўлади? Меркитлар тарафга борсинми? Унинг эсига чақчайган Тайр Усун, унинг дўстлик, доимий иттифоқ тузиш ҳақидаги гаплари келди. У Тўхта бекининг элчиларига ишонмаган эди. Тойтемир билан Бўга Темир уларнинг мададига кўз тикканди. Оқибатда ўлимга юз тутишди. Агар Нозик Қора мустаҳкам ўрнашиб олса, меркитлар Тўғулни ҳам укалари сингари тутиб бериши аниқ. Шунинг учун ҳам бу ерлардан узоқроқ юрган маъқул. Тойчуютлардан паноҳ сўрасаммикан?

Улар ҳам Нозик Қора билан яқинлашиб олиш учун унинг бошини тикиб юборишса-чи?

Уларнинг кетидан бир ёлғиз отлик келаётганини хабар қилишди. Тўғул тўхтади. Чўлда бағрига аллақандай тугунни бостириб олган бир отлик бор кучи билан елиб келарди. Бу Жағамбу-ку! Кичкинтойига нима бўлдийкин?

Тўғулнинг сабри чидамай, укаси томон от чоптириб кетди. Ҳеч нарса демай, у укасининг қўлидаги тугунни олди-да, уни шоша-пиша очиб қаради. Болакай бармоғини оғзига солганча ухлаб ётарди. У боласининг ипакдай



майин сочларини силаб, яна меҳр билан ўраб қўйди-да, навкарларга узатди. Жағамбунинг юзи чароғон эди. Тўғул белидаги кумуш дастали пичоғини олиб укасига узатди.

– Бу сенга. Сен менинг энг содиқ навкаримсан.

У укасини бағрига босгиси, садоқатли ва ишончли кишиси у бўлиб чиққанини айтмоқчи бўлди. Лекин оғиз очмади. Атрофда чарчаган ва очиққан, мавҳумликдан соб бўлган навкарлар турарди. У Жағамбудан сўради:

– У ерда нима гап, гапириб бер.

– Мен билмайман, – айбсинганча жавоб берди Жағамбу. – Сен кетганингдан кейин ёлғиз ўзим қолишдан чўчиб, Нилха Сангунни олиб, ўртоғим-никига, Дутуз нўённикига кетдим. Ўша ерда тунаб қолдим. Кечаси Дутузнинг қайтганини, навкарларинг сени ташлаб қочганини билдим. Сўнг отимни эгарлаб, сен тарафга қараб кетдим. Тонг отганда сизлар тўхтаган жойга етиб бордим. Отлар изидан мўлжал олдим.

Ўрамга юборилган навкарлар қайтиб келди. Уларнинг кўриниши ғамгин эди.

– Бизга ҳеч нарса беришмади. Кеча бу ўрамга Нозик Қоранинг жангчилари келиб, сени ҳукмдор деб ҳисобламасликларини тайинлаб кетишибди. Агар биз ўрамга борсак, улар ҳимояланишар экан.

Куёш энди анча кўтарилиб қолган, навкарларнинг нам энгилларидан буг кўтариларди. Улар тушкун аҳволда сукут сақлашарди. Тўғул ўрамга қараб турарди. Ўтовлардан кўкимтир тутун осмонга ўрларди. От уюрлари, қўйлар подаси даштга қараб кетар, қуролланган жангчилар от суриб юришарди.

– Ҳа, майли, – деди у қовоғини уйиб, – улар бу ишларидан афсус чекиб қоладилар.

Улар ўрам ёнидан отларини йўрттириб ўтишди. Орқароқдаги навкарлар бир отар қўйни яримой шаклида ўраб олиб, индамай ҳайдаб кетишди. Ўрамдагилар буни кутишмаган, шекилли, Тўғул ва унинг навкарлари анча узоқлашиб кетгандагина тартибсиз жангчилар уларнинг кетидан от солишдию, узоқдан туриб бир-икки ўқ узишди-да, кейин орқага қайтиб кетишди.

Юмшоқ қўй гўштига тўйиб олган навкарларнинг чеҳраси очилди. Лекин унинг ўзи тобора тундлашиб борарди. Ўзига тобе одамларни талагани азоб берар ва эртадан ҳеч бир яхшилиқни кутиш мумкин эмасди. Биргина чора бор – кутиш. Найманлар кетгач, Нозик Қорани бир ёқлик қилиш мумкин бўлар, балки. Лекин бу ерда кутиб бўлмайди. Уни ҳамма тарафдан қуршаб олишлари, ўлдиришлари ёки бўйсунушга мажбур қилишлари мумкин. Кераитлар улусидан тезроқ чиқиб кетиш керак. Иложи борича узоқроққа кетиб, вақтинча ғойиб бўлиш керак.

Тойчуютлар ва татарларга қарашли ерлар орасида жуда катта худуд бўш ётганини у биларди. Ўша ёққа кетиш керак. Шу қарорга келган Тўғул яқин атрофдаги ўрамларнинг биридан бир тўда соғин бияларни олиб қочиб, изларини яшириб, кераитлар ерларидан нари кетди.

Энди йўлда кўчманчилар қароргоҳлари камроқ учрар, яна бир муддатдан кейин эса, умуман бийдай даштга чиқиб олдилар. У узоқ муддат яшаб



туриш учун жой танлади. Узоқ сафардан ҳориққан навкарлар дам олиш имкони туғилганидан болалардай шодланиб, бақир-чақир билан шоша-пиша чодирларни тика бошлашди. Олов ёқилди, димоғни қитиқловчи пишган гўшт ҳиди димоққа урилди.

Бирдан ҳамма ёққа сукунат чўкди. Кўзларини бир томонга қадаганча ҳамма қотиб қолди. Мингга яқин қуролланган отлиқлар бир саф бўлиб, отларини йўрттириб улар томон келарди. Тўғулнинг юраги увушиб кетди. Тамом. Лекин у ҳар қалай навкарларига жангга тайёр бўлиб туришни буюрди. Найзаларини тикка қилганича отлиқлар тез яқинлашиб келарди. Тўғул қиличи дастасини маҳкам сиқиб олган, елкасидан ғашга тегадиган муздек тер қуйиларди. Урушнинг ҳамма даҳшати – мана шу кутиш онлари. Қўрқув темир қўллари билан юрагингни сиқади, аъзойи баданинг жонсиздек, сенга бегонадай. Кейин буларнинг ҳаммаси йўқолади. Жанг пайтидаги аламли қичқириқлар, қуролларнинг жаранг-журунги, отларнинг пишқириши остида одам ўзини унутиб қўяди, гўё.

Бир камон ўқи етарлик масофа нарида қўшин тўхтади. Бўз от минган бир чавандоз улардан ажраб чиқди-да, Тўғул навкарлари сафлари олдига келиб тўхтади. Унинг остидаги от типирчилар, оғзидан кўпик оқизиб, сувлиқларини шиқирлатиб чайнади.

– Ҳов, татар кўппаклари! Қуролларингизни ташланг, акс ҳолда битта қўймай сўйиб ташлаймиз!

– Биз татар кўппаклари эмасмиз! Биз кераитлармиз! – қичқирди Тўғул.

Ҳайронликдан отлиқ оғзини юмишни ҳам эсдан чиқарди.

– Ростдан ҳам татар эмасмисизлар?

Биқинларини ликиллатганича от уни ўз қўшини томонга олиб кетди. Қўшин сафлари ораси очилиб, олдинга саман минган чавандоз чиқиб келди. Чопарининг гапларини эшитгач, у секин кераитларга яқинлашди. Тўғул ҳам унга қараб юрди. Чавандоз совуқ кулранг кўзларини тик қадаб, унга бошдан-оёқ разм солди.

– Сен кимсан?

– Мен кераитлар хони Тўғулман. Ўзинг-чи?

– Биз тойчуютлармиз. Ўз улусингдан бунчалик узоқ жойларда нима истаб юрибсан, хон?

– Улусимни мендан тортиб олишди. Қолгани шу, – Тўғул ўз навкарларига ишора қилди.

– Қанақасига?..

– Ҳа... Нўёнлар хиёнат қилишди, – алам билан хўрсинди Тўғул.

– Нўёнлар? – Тойчуютнинг кулранг кўзларида истеҳзоли кулги пайдо бўлди. – Хонлиги йўқ хон, энди нима қилмоқчисан?

– Ўзимга тегишлигини қайтариб оламан.

– Йўқотишдан кўра, қайтариб олиш қийин... Мен билан борасанми? Мен Есугайман. Татарлар устига кетяпман.

Татарлар бунга зарари бўлмаса, нега борсин?! Лекин йўқ деса, Есугай уни қолдириб, тинчгина кетармикин? Йўқ. Бу ёш жангчи бунақа хатога йўл қўядиган аҳмоқлардан эмаслиги шундоқ кўриниб турибди.



– Мен сизлар билан бораман. Лекин кейин, сизлар ҳам менга ёрдам бериб юборасизлар.

– Майда-чуйда сотаётган савдогарга ўхшаб савдолашмагин, хон, – масхараомуз кулди Есугай. – Ҳаммасининг вақти келади.

Кўринишдан Есугай унинг гапларига ишонмагандай. Тўғулнинг навкарларини қўшинининг ичига шундай жойлаштирдик, улар билинтирмай бир қадам ҳам қўёлмасдилар. Ҳар доим юзлаб кўзларнинг назари остида бўлиб турардилар. Аммо Тўғулга Есугайнинг бу хил эҳтиёткорлиги маъқул келди.

Улар татар нутуғларига сичқон пойлаётган мушук мисоли секин яқинлашардилар. Айғоқчилар йўлларни синчиклаб кузатиш учун қўшиндан анча илгарилаб кетган эдилар. Йўлда учраган тасодифий одамлар ҳам тутиб келтириларди. Кейинроқ эса, пойлоқчиликни кучайтирган ҳолда кундузлари дам олиб, фақат тунда йўл юришга ўтдилар.

Тонготар пайтда бир татар ўрами олдидан чиқиб қолишди. Айлана ясаб турган аравалар ортида юзлаб ўтовлар ва чодирлар борар эди. Итлар хуриб, одамлар бесаранажом югургилаб қолишди. Довуллар овози янграй бошлади.

Есугай жанг бошланганини эълон қилувчи:

– Жангга! – чақириғини ҳайқириб айтди.

– Жангга! – илиб кетди бошқалар ва жангчилар ўрамга бостириб кирди.

Уларга қарата онда-сонда, тартибсиз ўқлар отилиб қолди.

Даҳшатга солувчи бақириқ-қичқириқлар билан отличлар тўлқини ўрамга таҳдид қилар, аммо зич қилиб териб қўйилган аравалар олдига етиб келгач, отлар орқа оёқларида тик бўлиб олар ва орқага қараб кетар эди. Бу вақт ичида татарлар қўшин тўплаб улгуришди. Энди ўқлар ёмғири рақибларга етиб кела бошлади. Тўғул одан сирпаниб тушиб аравалар томонга чопди. Унинг навкарлари ҳам тезлик билан араваларни тортқилаб йўл очишди. Пайдо бўлган кичиккина йўлакчадан тойчуютлар ёпирилиб кириб, қадамларида учраган ўтовларни йиқитиб кета бошладилар.

Эгарга ўтириб олган Тўғул атрофга бир назар ташлаб олди. Есугай жангчилари аравалар ва ўтовлар орасида қилич сермаб, ўрамни иккига бўлиб борарди. Бу юриш анча ичкарилаб, ўрамнинг маркази бўлмиш ҳаво ранг чодирга яқинлашиб қолган эди. Ўша ерда Есугайнинг бошидаги дубулғанинг учи гоҳ кўриниб, гоҳ яна кўздан йўқоларди. Тўсатдан, ёнбошдан янги кучлар ҳужумга ўтиб қолди. Юз элликка яқин учи қайрилма найзалар билан қуролланган татарлар Есугай жангчиларига ёпирилиб, уларни отлардан қулатиб, думалаганларни ерда қиличдан ўтказа бошлади. Уларга енглари ни шимариб олган бир баҳодир бошчилик қиларди. Унинг қоп-қора юзида тишлари аламли ярақлаб кўринарди. Энди татарлар Есугай ва у билан қолган санокли жангчиларни қуршаб олган эдилар. Тўғул йигитларини ана шу янги кучларнинг орқасидан солди. Оқибатда «илгич» аскарларнинг ўзлари қуршовда қолишди. Мана шу ҳолат жанг тақдирини тўла-тўқис ҳал қилди. Қаршилик кўрсатаётганлар биттама-битта тойчуютлар ва кераитлар қиличи зарбаларидан нобуд бўла бошлади. Энг охири бояги қора баҳодир қолди.



У елкаси билан аравага тисарилиб, қон тўлган кўзларини аланг-жаланг қилиб, ҳар тарафдан устига бостириб келаётган отлиқларнинг ҳамлаларини мардонавор қайтарди.

– Уни тириклай қўлга олинглар! – қичқирди Есугай.

Арқоннинг шувиллаган овози эшитилди. Тугун баҳодирнинг бўйнига илинди-да, у хириллаганича ерга қулади. Бирваракайига бир нечта навкар ёпирилиб келиб, уни арқон билан маҳкам чандиб ташлади. Есугай от устида туриб энгашди.

– Хўш, қалай, Темучин Уга, мени кутмаганмидинг? – Есугай шодон кулди ва Тўғулга қараб: – Менинг эски танишим. Сен бўлса, хон, мард экансан! Менинг андам¹ бўлишни хоҳламайсанми? – деди.

– Бунақанги азамат йигитнинг андаси бўлиш, ҳар қандай одам учун ҳам шараф. – Тўғул бу манзират гапни айтиб, Есугайга самимий ва мулойим кулиб қўйди. Бу қатъиятли одам унинг укаси бўлишига у асло қарши эмасди.

Жанг охирлаб қолган эди. Ҳали қиличлар жаранги, ўлим талвасасида қичқиришлар эшитилиб турган бўлса-да, буни жанг деб бўлмасди. Есугайнинг одамлари қўлида қурол тута оладиган барча эркакларни қиличдан ўтказаётган эди. Ағанаган ўтовлар, вайрон қилинган соябонли аравалар орасида жасадлар чўзилиб ётар, ярадорлар эмакляб юрар эди. Қорни ёрилган от жон талвасасида бошини сараклатар, туёқлари билан қонга тўлган тупроқни тирнарди.

Эртасига унча катта бўлмаган яна бир ўрамни қўлга киритиб, тезгина ортга қайтишди. Татарлар ҳамма кучни бир жойга йиғишини кутиб ўтирмай чекиниш керак эди. Улар кучаниб, чийиллаётган араваларда минглаб бош чорва, ҳарбий ўлжаларни олиб кетишарди. Ўзлари билан олиб кетишнинг иложи бўлмаган нарсаларни бир жойга тўплаб, ёқиб юборишди. Ортда анчагача қоп-қора тутун нақ осмонгача ўрлаб турди.

Есугай бу тутунга қараб туриб, Тўғулга деди:

– Бу ҳали ҳаммасимас. – Сўнг нималарнидир ўйлаб, жимиб қолди. – Агар биз сен билан менинг андам, тутинган акам билан, араванинг қўш шотисидек доимо бирга бўлсак, душманларимиз қўрқувдан титраб юрадилар.

– Мен ичган қасамимга содиқ қоламан, – деди Тўғул шошмай. – Сен ожиз бир қувғиндига акаликни таклиф қилдинг. Мен буни унутмайман. Хонлигимни қайтариб оламанми ёки сўққабош дайди бўлиб қоламанми, бир умрга сенинг андангман.

– Сен хон бўласан. Агар найманлар кетган бўлса, биз Нозик Қора устига юрамиз. Худди якка ўтовни яшин ургандай. Вақти келиб эса, найманларнинг ҳам адабини бериб қўямиз.

Ўлжалар билан тўлиб-тошган қўшин тойчуютлар улусига кириб келди. Есугай ва Тўғуллар ўзлари билан ўн нафар навкар ва асир олинган Темучин Угани олиб, илгарилаб кетишди. Арқонлар билан йўргакляб ташланган татар сув ҳам ичмас, овқат ҳам емас, ҳаммага мағрурона нафрат билан қарарди.

¹ Анда – тутинган ака-ука.



– Зур баҳодир-а? – Есугайнинг унга қараб завқи келарди.

Нима учун Есугай бу асирни ортмоқлаб олиб келаяпти, қадрдон овулига нимага бунча шошади, Тўғул шуни тушуна олмаётганди. Андасини менсимаганнамо хаёл қилди: «Андам ғолиблик шон-шарафини тезроқ кўргиси келаяпти».

Аммо Есугай ўзининг ғалабасини оқсоқоллар ва нўёнларга етказишга шошилмасди. У тўғри ўз ўтовига қараб юрди. Бироқ эшиги олдида англаб бўлмайдиган шубҳа қамраб олди. Отдан тушиб, шошилмайгина тушовлади. Ўтовдан ёшроқ бир аёл чиқиб, нимтабассум билан унинг ёнига келди. Есугай ўзининг оғир қўлларини унинг елкасига ташлаб, юзига ҳадиксирагандай қаради.

– Ўғил, – деди аёл.

– Ўғил? Менинг ўғлимми? – у шитоб билан ўтовга кириб кетди.

Ҳар тарафдан одамлар тўплана бошлашди. Улар Тўғул ва Темучин Угага қизиқсиниб қарар, жангчилардан нималарнидир сўраб олишарди.

Есугай ўтовдан чиқди. У қўлида қайин ёғочидан ясалган беланчакни бесўнақай, кўтариб олган эди. Бола оёқларини қимирлатганча чинқираб йиғларди.

– Бақироқлигини қара! – Есугайнинг юзи шодликдан ёришиб кетган эди.

– Менинг ўғлим! Тўғул анда, бу менинг хотиним – Овулун.

Тўғулнинг эсига хотини тушиб, тишини тишига босди. Яқингинада у ҳам Есугайга ўхшаб бахтиёр эди...

– Дам олинглар, кечқурун эса ҳаммангизни зиёфатга таклиф қиламан, – деди Есугай навкарларига. Темучин Уганинг ёнига келиб: Сен бизнинг душманимизсан ва сен шу бугун ўласан. Аммо сен жасур одам бўлганинг учун мен ўғлимга сенинг исмингни қўяман, – деди.

Х

Жавоб тегиши билан, Есугайнинг яна бир навқари ҳам ўз ўтовига от қўйиб кетди. У ҳам фарзанд кутаётган эди. У хотинини ёлғиз ташлаб жангга бормаса ҳам буларди. Аммо қандайсига бормасин. У нўёнлар хоҳласа – боради, хоҳламаса – йўқ. Бироқ унга ўхшаган камбағал қорачаларнинг танлашга ҳаққи йўқ. Сафарга кетаётганида ўтовда озгинагина қурут қолган эди. Лекин у хотининг кўпам ишсиз ўтирмаса керак, агар ишга чиқиб, Есугайнинг сигирларини соғадиган бўлса, унга ҳар куни етарлича сут беришади, деб хаёл қилганди. Унинг хотини чайир, соғлом, дангасаликни эп билмагани учун ҳам ундан кўпинча хавотир олавермасди.

Унинг ўтови олдидаги тўғон ёнида Мулхэ хола оловга таппи ташлаб ўтирар эди.

– Ҳа-а, келдингми, – деди у хотиржамгина.

– Ҳа, келувдим... – нимадандир ўзини айбдордек ҳис қилиб жавоб берди Хучу. – Ўзларингда нима гап?

– Осмонга шукур, ҳаммаси яхши. Хотининг оғир ётиб қолди, лекин ҳозир анча яхши, тузалапти.

– Хотиним нима кўрди?

– Э-э, сенинг хабаринг йўқ-ку... Ўғил!

Хучу дуд босган торгина ўтовига кирди. Хотини эчки пўстагида бола эмизиб ўтирарди. Эрини кўриб бир энтикди, кўзлари тез-тез пирпирай кетди.

– Қани, яхши, яхши! – У кўкрак эмиш билан овора ўғлига энгашиб қаради. – Дуруст. Мен, кўриб турганингдек, соппа-соғман.

– Мен бўлсам, бу ерда ўлишимга сал қолди. Худога шукур, яхши одамлар бор экан, мени ҳам, ўғлимизни ҳам ўлимдан сақлаб қолишди.

– Энди ҳаммаси яхши бўлади.

Мулхэ хола ёғоч тоғорачада янги тайёрланган оғиз олиб кирганидагина ниҳоятда оч эканини ҳис қилди. Агар яна икки тоғора оғиз беришганида, унияма паққос туширарди. Аммо хотинининг озғин, суяклари чиқиб кетган юзига қаради-ю, тегинмади. Қорнини силаб қўйди:

– Мен тўқман. Ёғлиққина қўй гўшти егандим. Ҳар куни қўй гўшти билан кун кўрдим.

Хучу хўрсиниб қўйди. Сафарда, айниқса қайтишда, егулик мўл бўлди. Есугай ҳар куни ўн навкарга бир қўйни нисор қилиб юборарди.

– Хотининг Булганга ҳам қўй гўшtidан олиб келмапсан-да, – минғирлади Мулхэ.

– Ў, биз роса чорва олиб келдик! Есугай баҳодир менга иккита қўй беради. Балким учта берар.

– Тўртта бермайдими, мабодо?

– Тўртта бермаса керак. – Хучу кампир заҳарханда қилганини тушунмади. – Биттасини шундоқ сўяман-у, ўғлимга зиёфат бераман.

– Агар сенинг нўёнингнинг қўли шунчалар очиқ бўлса, биттасини ҳозироқ бориб олиб кел! – жаҳл қилди Мулхэ. – Бу ерда ўтириб, бўлмағур гапларни вайсагунча!

– Борсам, боравераман ҳам. У мени зиёфатга чақирганди.

– Яша баҳодир! Қорнингни ўзинг қимиз ва архи билан тўлдириб оласан-у бу ердагилар эса... – Кампир тутақиб ўтовдан чиқиб кетди.

Хотини унга умидли мўлтиради.

– У сенга ростдан ҳам қўй ҳадя қиладими? Ўғилчамиз шарафига шундай байрам қилайликки! – У боласига энгашди, лаблари билан чўлпиллатиб қўйди.

– Албатта, беради. Мен кетдим.

Очликдан Хучунинг ошқозони таталаб кетганди. Есугай унинг илтимосини бажаришга ишоналмасди. Аммо қаддини тик тутиб, шахд билан чиқиб кетди. Ўзининг чинакам навкар эканини хотини кўриб қўйсин!

Есугайнинг ўтови олдида одам гавжум эди. Катта қозонларда гўшт қайнар, олов атрофида болакайлар ўйин қилар, хизматкорлар эса у ёқ-бу ёққа зир югуришарди. Есугай хотини, кераитлар хони Тўғул, ака-укалари,



бадқовоқ Тарғутой ва бошқа нўёнлар билан ўтов олдига ёзилган катта-кон намаат устида қимиз ичиб, гаплашиб ўтиришарди. Шу ернинг ўзида катта мешлардан оддий одамларга қимиз қуйиб бераётган хизматкорларни кўриш мумкин эди. Хучу бир коса қимизни ичиб олиб, яна сўради. Иккинчисидан сўнг боши сал айлангандай бўлди. Хучу ўзини жуда эркин ҳис қилди-ю, аммо бу Есугайнинг кўзига тик боқишга камлик қиларди. У намаат атрофида айланиб юриб, хотини ва қитмир кампир Мулхэга ёлғон тўқишни ўйлаб қийналарди. Шу пайт нўёнларга қимиз қуйиб юрган бодачи ўшқириб берди:

– Нима қилиб оёқ остида ўралашиб юрибсан? Жўна бу ердан, бадбахт қорача!

– Мен бадбахт эмасман! – Хучунинг жаҳли чиқди. – Мен Есугайнинг аскариман. Унга ўхшаб мен ҳам ўғилли бўлдим.

Унинг овози нўёнларнинг диққатини тортиб, унга тушунмагандай ўғирилиб қарашди. Хучу бодачи билан жиғиллашиб ўтиришдан тўхтаб, иккиланиб қолди. Есугай уни таниб, бармоғи билан имлаб чақирди.

– Нега бақиряпсан? Нимадан хафасан?

– Йўқ, мен хафа эмасман. – Хучу итоаткорона таъзим қилди. – Қўрқмас Есугай, баҳодир, мен ўғил кўрдим. Мен... сенинг ҳимматингдан умид қилиб... менга, сенинг аскарингга, жанг ўлжаларидан ул-бул тегармикан... деб келувдим. Ўғилни нишонлаш керак-ку... Агар менга ҳозирча битта қўй берсанг...

Нўёнлар кулиб юборишди. Кераитларнинг бужур хони кулгисини яширган қўйи мушти билан даҳанини ишқаб қўйди. Хучу бўшашиб, жимиб қолди. Овулун энгашиб, Есугайнинг қулоғига бир нималар деб шивирлади, у рози бўлгандай бошини қимирлатди.

– Сен мен билан елкама-елка жанг қилдинг ва бу ишингни унутмайман. Мен ўлжанинг ҳаммасини ўз жангчиларимга адолат билан тақсимлайман. Ҳеч кимни хафа қилиб қўймаймиз. Сен ҳам улушингни оласан. Лекин сен ўғилли бўлибсан... Эй, баковул! Бунинг ўтовига битта семиз қўй, қимиз ва архи олиб бориб беринглар. Бу сенга совға. Янги дунёга келган ўғилларимиз расо жангчилар бўлиб вояга етишсин!

Хучу тиз чўкди, Есугайга уч бора боши ерга теккунча таъзим қилди. Юзида йирик-йирик тер томчилари пайдо бўлган эди. Миннатдорлик сўзлари ҳам қуруқшаб қолган бўғзида қолиб кетди. Овулун унинг ёнига келиб, олмахон мўйнасидан тикилган кичиккина кўрпача берди.

– Мана, бу мендан. Осмон бизнинг фарзандларимизнинг бахтини берсин.

– Йўқ, йўқ! – Хучу саросимага тушиб қолди. – Олмайман! Бу ўғлингизга буюрсин. Менинг ўғлимга қўй пўстини бўлаверади.

– Менинг ўғлимга яна бор, – кулди Овулун. Унга бир пўстин ҳам ҳадя қилишди.

Хучу ўтови томон кетиб борар экан, оёқлари остидаги ерни ҳам сезмасди. У ўйноқлаб сакраб юборгиси келарди. Лекин ўзини тутди. Кетидан бир меш қимиз, ёғоч идишда архи кўтариб, қўй етаклаб келаётган хизматкорларга ғурурланиб қараб қўйди.

Есугайнинг сахийлиги ҳақидаги хабар эса аллақачон ундан илгарилаб кетган, одамлар ўтовларидан чиқиб омади келган бу аскарга ҳасад билан қараб туришарди.

XI

Вақт – жиловсиз тулпор. Унинг жиловидан тортиб, тўхтатиб қолишнинг иложи йўқ. Темучин яқингинада туғилгандай эди, гўё. Ҳозир эса унинг тўртта укаси бор. Белгуйтой укасини Есугайнинг кейинги хотини тукқан. Есугай бу хотинни, унинг мавқеига бир хотин уят саналгани учунгина олган эди. Белгуйтойни тукқанидан кўп ўтмай бу хотини оламдан ўтганида, Есугай кўпам қайғурмади. Овулун аввалгидай унинг қалбини бутунлай эгаллаб турарди. Бу яхшими, ёмонми, ҳар қалай у Овулуни борлиги учун осмондан миннатдор эди. Ҳар сафар у уйга юраги шодликка тўлиб қайтар, уни уйига елдек учириб кетаётган учқур тулпор ҳам имиллаётгандай туюларди. Уйга! Шамол сўлғин майсаларни жимгина сийпалар, Есугай яноқларини майин силаб ўтар, отининг узун ёллари эса эгарнинг учига келиб урилар эди. Ора-сира «Уйга, уйга!» – деб ҳайқириб кўярди. Лекин кадрдон нутуғига ҳали анча бор. Агар учқур тулпори бўлганидами, у бугуноқ уйида бўларди. Аммо Есугай тулпорини кудаси Дой чечанга ҳадя қилиб юборди-да. Мана, қараб-сизки, кудалик ҳам бўлиб қолди!

Совчилик фикри Овулундан чиқди. У ота-онасиникига меҳмонга бориб, ўша ерда кўнғирот уруғидан бўлган Дой чечаннинг қизини кўриб қолди. Қиз унга жуда ёқиб қолди: ақлли, чиройли, Темучиндан бир ёшгина катталигини айтмаса... Лекин, бу бир тарафдан яхши – тиниб-тинчимас ўғлига суянчиқ бўлади.

От узангисига эндигина бўйи етган болакайни уйлантиришга ҳали эрта эди. Лекин у Овулунга қаршилиқ қилмади. Ўғлини ўз уруғидан уйлантириш хотини учун қанчалар бахт эканини у тушунди. У дарҳол Темучин билан Хони олиб Дой чечанникига совчиликка жўнади. Овулун анчадан бери Хоахчин ва Хони ўз ватанига жўнатиб юборишни илтимос қиларди. Асир тушган қулларни озод қилиб юбориш эса одатларига зид эди. Лекин у Овулуннинг илтимосини рад қилолмасди. Хоахчин хоҳламадию, Хо опасини ташлаб, ватанини кўриш умидида Есугай билан бирга кетди.

Хони ҳам қўйиб юборгиси келмасди. У Темучин учун хизматкордан аъло-роқ эди. Туғишган ака ўз укасига қандай қайғурса, Хо Темучинга шундай ғамхўрлик қиларди.

Есугай Хони олхонутлар овулида қолдирди. Улар Хони Олтинхон хизматида турган онгутлар уруғи ерларига ўтказиб қўйишади. Ўша ердан у ватанига етиб олади. Темучин эса, афтидан, Хо билан бир умрга ажралаётганини англамасди.

– Ҳечам келмайсанми энди? Ёз, қиш ўтсаям сен ўшаёқда яшайверасанми? Мен отамдай катта киши бўлганимдаям сен қайтиб келмайсанми?

– Ҳа, – деди хўрсиниб Хо.



Есугай ўғлини отга миндириб олиб кетди. Темучин чинқириб йиғлар, жиловни тортқилаб, отни орқага қайтармоқчи бўларди.

– Э, куёвмиш! Бунақада биз сен билан биронта ҳам келинни унаштиролмаймиз-ку.

– Менга келин керакмас! Менга Хо керак!

Ҳеч иш чиқмаслигини сезиб, Темучин йиғидан тўхтади, лекин қовоғи очилмади. Отасидан хафалиги шундоқ кўриниб турарди. Дой чечаннинг қизи билан ҳам гаплашгиси келмади. Бир бор кўз қирини ташлаб қўйди-ю, тескари қараб олди.

– Ў-ў, бизнинг куёв жуда жиддий чиқдилар-ку! – кулди Дой чечан. – Қаҳрамон жангчи бўлади.

– Жангчи бўлади, албатта, – деди Есугай. Кейин Темучин эшитиб қолмасин деб секин шивирлаб қўшиб қўйди: – Лекин у ҳозирча чақалоқ. Уни эҳтиёт қилинг, куда.

Есугайнинг суюкли ўғли одатга кўра, қиз уйида куёв бўлиб қолди. Дай-сеченникида ўғли ҳеч нарсага зориқмайди-ю, аммо отанинг юраги барибир безовта. Вақт тез ўтиб кетаётганини ўйлаб ҳам унинг ғамгинлиги ортиб борарди. Кўз очиб-юмгунингча болалар катта бўлишади, ўзлари билан андармон кетишади, сен эса қартайиб бораверасан... Ваҳолонки, қаришга ҳали эрта. Болаларнинг тез улғайгани бир тарафдан яхши ҳам. Мана шу кимсасиз, чексиз даштда ёлғиз кетаётганидан, у одамнинг олам олдида қум заррасидан кичик ва ожиз эканини пайқаб қолганидан кайфияти тушиб кетгандир, эҳтимол. Есугай анчадан бери, чўлда бир ўзи юзма-юз, ёлғиз қолмаган эди. Сўнгги йилларда у қадрдон овулини ташлаб чиқар экан, ортидан минглаб туёқлар дупури, қурооллар жаранги ва аскарлар ғовури эргашиб юрар эди.

Есугай дам олмай жангчиларини бошлаб юрар, кўчманчи қабилани душманлар ҳамласидан ҳимоя қиларди. Унинг жонбозлик бошқа нўёнларни шубҳага сола бошлади – ишнинг тагига етишди, шекилли.

– Балким, қурултой чақирилиб, сени хон қилиб сайлашгандир, а? – сўради бир куни ошкор адоват билан Тарғутой. Ўша дақиқада унинг япасқи башараси худди сўйлоқ тишлари билан пишқираётган қутурган тўнғизга ўхшаб кетганди.

Бу воқеа Есугай татарлар устига илк юриш қилган кунларда бўлганди. У хонликни ўз андаси Тўғулга олиб беришга қарор қилган, аммо унга жангчилар етишмай турган эди. Одам тўплаш эса бефойда. Чунки Есугайнинг татарлар устига зафарли юришидан кейин тўда-тўда йигитлар бойлик ва ўлжа умидида унга эргашишган эди. Лекин жангчи бўлмоқ истагининг ўзи камлик қилади. Жангчининг тагида учқур оти, қўлида кескир қуроли ва тўрвасида егулиги бўлиши шарт. Аксарият йигитларда буларнинг ҳеч қайсиси бўлмас, нўёнлар эса уларни бу нарсалар билан таъминлашга ҳасислик қилишарди. Есугай уларни кенгашга чақириб:

– Бу ҳаммамиз учун умумий иш. Шундай экан, ҳар бир ўрам яхши таъминланган юзтадан отлиқ жангчи етказиб берсин, – деган эди.



Юқоридаги кинояли гапларини Тарғутой ўшанда айтган эди. Қолган нўёнлар ўз сукутлари билан Тарғутойнинг ҳамласини қувватлашди. Аммо озгина айёрлик, бир оз ёлғон, керак бўлса, бир-икки пўписа билан Есугай нўёнларни кўндирган бўлди. Аслида, Тўғулнинг ўз мавқеига тикланиши жанубий ҳудудларнинг барқарорлашуви, ўзларига хайрихоҳ кучли қўшинга эга бўлишини нўёнлар ҳам Есугайдан кам истамасдилар. Бу меркитлар ва татарларга қарши курашда уларга жуда ҳам қўл келарди. Бироқ улар бу ишларнинг бошида Есугай туришини истамасдилар. Чунки Есугайнинг ҳокимиятга бўлган кучли интилиши ўз эрklarига таҳдид солиб турарди. Шу сабабли ҳам мабодо Есугай жангда енгилган тақдирда ҳам улар бундан фақат хурсанд бўлган бўлардилар. Лекин туйқусдан зарба бериб, хон ўтовидан ўтирган Нозик Қорани енгган Есугай Тўғулнинг кераитлар мулкига ҳам эгалик қилди.

Тўғул яхшиликни биладиган одам экан. Есугайнинг ёнига кириб икковлон меркитларнинг тоза адабини беришди. Бўйни қийшиқ Тўхта беки дарё бўйлаб узоққа, деярли, Баргужин Тўқума тарафларгача қочиб борди. Кейинроқ эса улар яна татарлар устига юриш қилишди. Енгилишини билган татарлар эса сулҳ сўрашди.

Энди тойчуютлар овулларига босқинлар ҳавф солмай қўйди. Нўёнлар энди аввалгидай унинг юзига Тарғутой сингари турли бўлмағур гапларни айтишолмаса ҳам, фурсати топилди дегунча, Есугай хон эмас-у, улардан устунлик жойи йўқлигини эслатиб қўйишарди. Аслида ҳам шундай. Бундай муносабат унга ҳалақит берарди. Есугай Тўғул билан Олтинхон ерларига юриш қилишни ҳам ўйлаб қўйганди. Ахир, Амбахайхон ўлими учун қасос ҳам олиши керак-да. Ундан ташқари, Хитой жуда бой давлат бўлиб, у ердан соф чиннилар, ипак матолар ва қурол-аслаҳалар ўлжа бўлиши мумкин эди. Аммо нўёнлар кўнишмади. Сабаби битта – Есугайнинг қудрати ортишини хоҳлашмасди. Мабодо Есугай бу жангларда ҳам ютиб чиқса, қурултой чақириб ўтирмай ўзини хон деб эълон қилиши тайин, деб қўрқишарди. Уларнинг топқирлигига қойил қолмай илож йўқ...

Есугайнинг оти толиқди. У чопишни секинлатиб йўрғалашга ўтиб олди. Қуёш ботиб, қоронғилик қуюқлаша бошлади. Ўз йўналишидан сал четроқда гулханни илғаган Есугай от жиловини ўша томонга бурди. Агар булар тойчуютлар бўлса-ку, яхши. Чопқир отини олиб эрта тонгда уйига етиб олса ҳам бўлади.

Гулхан атрофида йигирма чоғлиқ одам. Улар чамаси яқингинада ўлдирилган қулон гўштини пишириб ўтиришарди. Жониворнинг шилинган териси шундоққина майса устига ёйиб қўйилган. Овчиларга ўхшайди. Қайси уруғдан экан булар? Есугай уларнинг юзлари ва кийимларига синчиклаб қаради. Татарлар! Урталарида сулҳ тузилган бўлиб, татарлар уни бузишолмаса керак. Аммо буларга дуч келмаганда яна ҳам яхшироқ бўларди. Лекин энди бу ҳақда ўйлашга кеч. Биргина умид бор. У ҳам бўлса, улар Есугайни таниб қолишмаса.



Татарлар сурилиб ёнларидан унга жой беришди, қимиз қуйиб бериб, бир бўлак гўшт тутқазишди. Улар сўроққа тутишмади. Есугай меҳмон бўлди. Саҳройилар одатига кўра, меҳмонга ортиқча саволлар берилмас, лозим топса, унинг ўзи сўз очиши – кимлиги ва қаердан келиб, қаерга йўл олганини айтиши мумкин эди.

– Овинглар бароридан келдими? – сўради Есугай.

– Унчаликмас.

– Мана, мен ҳам ўлжа излаб кетяпман, – деди Есугай.

Унинг кимлигини ва қаердан келаётганини татарлар билишлари шарт эмас. Татарлар Есугайни қўнғирот ёки олхонутлардан деб ўйласа ҳам бўлаверади.

Овқатдан кейин у дарҳол уйкуга кетди. Татарлар гулхан атрофида яна узоқ ўтиришди. Уларнинг пичир-пичир гурунгида Есугайнинг қулоғига тўсатдан «маллавой» деганлари чалинди. Демак, у ҳақда гаплашишаётган экан, танишган бўлса ҳам, ажабмас.

Эрталаб у уйкудан кўзини очганида татарлар ҳаммаси яна гулхан атрофида ўтиришарди. Уларнинг каттаси виқор билан таъзим қилиб, Есугайга қимиз узатди. Ҳамма унга ошкора ҳайрат билан тикилиб турганини сезди. Шубҳага ўрин қолмади, татарлар уни таниб қолган эди. Танишгани ҳам, бирон-бир чора кўриб қўйишгани ҳам билиниб турарди. Отини эгарлар экан, елкаси оша уларнинг тикилиб туришларини ҳис қилди Есугай. Агар уни ўлдирмоқчи бўлишса, орқадан туриб битта ўқ... вассалом. Айилни маҳкам тортиб бўлиб, сакраб отига минди. Энди бу ёғи осонроқ. Аммо татарлар қимир этмай турар, унга ташланмоқчи эмасдай эди. Хайрлашиб, у отини илдамлатди. Мана ҳозир ҳам орқадан ўқ узишга жуда қулай пайт эди. Есугай отига бир қамчи уриб учиб кетгиси ҳам бор эди-ю, аммо қўрқувини билдиргиси келмаганидан, орқасига ўгирилмай, отини секин йўрттириб кета бошлади. Ораларидаги масофа анча узоқлашиб, энди ўқ етмас бўлиб қолганида эса отига яхшилаб қамчи солди. Қандай қилиб уни қўйиб юборишди экан-а? Балким танишмагандир...

«Тезроқ уйга! Чух!» Дам олиб улгурган от елдек учиб борар, шамол унинг кийимлари орасидан кириб, баданига совуқ ўрмаларди. Шамол ҳам изғиринга ўхшайдими? Куз эндигина бошланган, ўтлар қуриб улгурмаган ва гуллар ҳам ҳали тўкилиб тушмаган; қуёш чарақлаб турганига қарамай, нимага бунчалик совуқ экан? Есугай чопони барларини тортиб белбоғини сиқиб боғлаб олди. Балким мазаси қочгандир? Нимадан бўлсайкин? Яраланиб ётиб қолганидан бери бирон марта ҳам касал бўлмаган эди. Ваҳоланки, ёмғир остида ивиб кетган, муз қотган ерда ухлашга ҳам тўғри келган пайтлар бўлди-ку. Юпқагина чодир ичида совуқда тиришиб, бир неча кунлаб қор бўрони тинишини кутиб ётганларида-чи?

Яна бир муддат ўтиб, у касал бўлиб қолганига аниқ ишонди. Бутун баданидан совуқ тер чиқиб, томоғи қақраб кетди. Ошқозонига эса аланга кириб олгандай эди. Эсига татарлар тутқазган қимизни ичгани келди. Ана, нима учун уни отиб ташлашмабди.

Уйига етиб келганида у хушидан кетаёзган эди. Овулун, Чархи ака, Менглик ва унинг ўғиллари Жўжи Хасар, Хачиун, Белгутой ва Тамуғаларнинг чеҳралари унинг кўз олдида айқаш-уйқаш бўлиб кетди.

– Мени татарлар заҳарлашди, – дер экан, ҳар бир сўзни базўр айтаётгани кўриниб турарди. – Мен ўляпман.

Чархи ака унга аллақандай аччиқ дамламани ичирди. Аммо аҳволи яхшиланмади. Ичи ёнар, ҳатто баъзи жойлари чидаб бўлмас алангада ёниб, курумга айланаётганини сезгандай бўларди.

– Менглик, уч, Темучинни олиб кел!

Сал ўтмай, қуюқ қон қуса бошлади. Шундан кейин бироз яхшилангандай бўлдию, аммо қайтиб оёққа турмаслигини кўнглидан ўтказди. Энди учқур оти уни чўл ялангликларида елдириб юрмайди.

– Овулун. – Хотини унинг устига эгилди. Есугай хотинининг қўлларидан тутди. – Болаларни эҳтиёт қил, Овулун. Мен ҳеч ишга улгурмай сизларни ташлаб кетяпман. Темучин қани?

– Менглик олиб келгани кетди.

– Овулун... – у хотинини кўришга қанчалик шошилганини айтмоқчи бўлди, аммо кучдан қолиб, боши айланиб кетди-да, енгилгина чайқалиб, борган сари кучайиб бораётган кумуш кўнғироқлар жаранги остида қайларгадир сузиб кетди.

Шу кўйи Есугай қайта ўзига келмади, ўғли Темучинни кўролмай дунёдан ўтди.

ИККИНЧИ ҚИСМ

I

– «Эҳе-ҳей!» Қорларни ҳар ёнга сачратиб, Темучин Ўнўн қирғоғидан сирпаниб тушарди. Шамол қор учқунларини музлаб ётган дарёнинг мовий юзасида учирма қилар, олатароқ муз синиқларида қуёшнинг совуқ нури ярақларди. Муз устида Темучиннинг амакиваччаси Хучар, жўжирот уруғи нўёнининг ўғли Жамухалар ошиқ ўйинини бошлаб юборишган эди.

– Э, Хучар, бугун сен ютолмайсан! – Темучин қўлқопи ичидан янгигина, – катта ва зилдай ошиғини чиқарди. – Қара!

Қорин томони яхшигина йўнилган (бу нарса ўйинда қўл келади) ошиқни қўлига ушлаб салмоқлаб кўрди-да, Хучар совуққина қилиб:

– Барибир меники зўр, – деб ғўлдиради.

– Отнинг учқурлиги пойгада билинади, – деди Жамуха, чеккаларини қиров босган, кулранг силовсин терисидан тикилган телпагини тўғрилар экан.

– Жим тур! – деди Хучар шарт сўзини бўлиб, – ҳар қанақанги ошиғинг бўлмасин, сен барибир ютқазасан.

Хучар ҳар доим Темучинни ҳам, Жамухани ҳам мудом ютиб келганидан шунақа баландпарвоз гапирар эди. Шунинг учун бу иккалови Хучарни унча хушламас ва бир кунмас-бир кун унинг ҳамма ошиқларини ютиб олишни ўйлаб юришарди. Жамуха турли найрангларга уста, балки бугун уларнинг омади келар. Агар Темучиннинг ошиғи худди Хучарникига ўхшаб чиққан бўлса, ҳеч қандай ҳийла ишлатиб ўтирмасдан, осонгина енгиш ҳам мумкин.

– Ҳўп, бошладикми? – Темучин янги ошиғини тезроқ синаб кўришга ошиққани учун муз устига пичоқ билан ўйиб чизилган чизиққа ошиғини териб қўйди.

Биринчи бўлиб Жамуха отди. Қизларникига ўхшаш узун, тепага қайрилган киприкли кўзларини қисиб олиб, узоқ пойлади. Аммо зарбаси бўшроқ чиқди. Отган ошиғи муз устида сакраб бораркан, тезлигини йўқотиб айлана ичига базўр кириб тўхтади. Хижолат ичра кулимсираб, ютқазган ошиғини олиш учун Жамуха қўлини қўйнига тикди.

Навбат Темучинга келди. У қўй терисидан тикилган қўлқопини ечиб ташлаб, қўлларини бир-бирига ишқалади. «Она ер, мангу осмон, менга ёр-

дам беринглар!» деди шивирлаб. Ошиғи муз устида сирпаниб бориб бир айланди-да, четга чиқиб кетди. Темучин аламини яшириб ўтирмай, оёғининг учи билан ошиғини тепиб юборди.

Хучар эса ошиғини пойламасдан ҳам отди. Ошиқ анчагина масофани ҳавода учиб ўтди-да, тезлик билан доира ичига кириб, териб қўйилган ошиқларга қарсиллаб урилди. Учтасини уриб айлана чизигидан ташқарига чиқарди. Бу Хучарнинг ютуғи эди. Бу қандай ошиқ ўзи, Хучарнинг қўли қандай қўл экан-а!

Хучар ютуқларини териш билан овора экан, Жамуха пичоғини чиқариб Хучарнинг ошиғини қўлига олди. Ошиқнинг қорнига қўндирилган понани бир зарб билан юлиб олди-да, Темучинга имлаб кўрсатди. Ана, гап нимада экан, ана, нима ўйлаб топган экан, Хучар. Вой айёр, муғамбир-эй!..

– Қорнида ёриғи бор эди. Мен анчадан бери сезиб юрувдим, – дея пичирлади Жамуха.

Хучар эса зум бўлган ҳодисани кўрмай қолди. Ошиғини қўлига олиб, яна аввалгидай зарб билан отди. Аммо бу гал унинг ошиғи ўмбалоқ ошиб кетди. Лекин у ҳеч нарсани тушунмади. Учинчи марта ҳам ошиғи мўлжалига тегмаганидан кейингина нима бўлганини тушуниб қолди.

– Нимага ошиғим синиб қолди? – дерди у ақли етмай.

– Муз худди темирдай қотиб ётибди, – деди Жамуха қувлик билан, – ошиғинг эса анча эскирган, устухон эмас, гўёки бир бўлак ёғоч деявер.

– Эскилигини ўзим ҳам биламан. Бу ошиқни менинг бобом ҳам ўйнаганлар. Юринглар, уйга кетамиз.

– Вўй, айёрлигини қаранглар! – Норози бўлди Жамуха. – Бошладикми, охиригача ўйнаймиз!

Акасини алдашаётганидан ўнғайсизланган Темучин Хучарнинг ёнини олмоқчи ҳам бўлди-ю, аммо унинг ҳар сафар қўйинини ошиқларга тўлдириб мағрур, менсимай кетиши эсига тушиб қолди. Бирон марта ҳам ютуқларини укаси билан бўлишмабди-я.

– Йўқ, Хучар, сен ҳам ўйнайсан! – Жамуханинг ёнини олди Темучин.

– Буйруқ қилма! – кесиб гапирди Хучар. – Кимдан сўрасанг сўрайвер, ошиқ синдимми, ўйин ҳам тугайди.

– Сўраб ўтиришга бало борми? Нима, ўзимнинг каллам йўқми? – Шу пайт Темучин Менгликнинг ўғли Кўкачани кўриб қолди. Шу бола масалани ҳал этиб беради. – Жа хоҳласанг, майли, сўрай қолайлик. Ўв, Кўкача! Бу ёққа кел!

Дарёнинг у тарафидан бир боғ терак чўпчакларини ортмоқлаб келаётган Кўкача хоҳламайгина улар тарафга қараб бурилди-да, Темучиндан сўради:

– Нима керак?

– Биз келишолмай турибмиз... – деб гап бошлаган Темучиннинг гапини Хучар бўлди:

– Сўрамоқчи бўлган одамингизни қаранг! У ҳаётида ошиқ ўйнамаган-ку!

– Лекин у яқинда шомон бўлади. Ҳозирданоқ руҳлар билан гаплаша олади. Тўғрими, Кўкача?



Кўкача жимгина бош силкиб қўйди. Юзи узунчоқ, қирра бурун бу бола-нинг устки лабларида мўйлар сабза уриб қолган. У ҳамманинг олдида доим ўзини сипо тутар, мулойим, гўё уятсирагандай табассум билан гаплашарди; аммо шундай сўзамол ҳам эдики, унақа-мунақа баджаҳл ҳам бундай сўзларни топиб айтолмасди. Унинг мулойим табассуми тундай қоп-қора кўзлардаги ифода билан мос келмагандай эди.

– Хўш, нўёнчалар, нимани бўлиша олмаяпсизлар?

Бундай муомала Хучарга ёқмади.

– Биз-ку нўён бўламиз! Аммо сендан шомон чиқадими, йўқми, Худо билади. Шунинг учун бунақа гапиришни йиғиштир!

– Кимнинг ким бўлиши осмонгагина маълум. – Кўкача кулди. – Бебош тойчагина ўзини учқур тулпордай ҳис қилиши мумкин. Балки ундан қирчанғи, дирдов от чиқар? Ё гапим нотўғрими, Хучар?

– Мумкин эмас! – боши билан сузмоқчидай энгашиб деди Хучар. – Тилинг жуда узун бўлиб кетибди.

– Сенинг эса ақлинг қисқариб қолибди. Бундан келиб чиқадики, иккаламизда ҳам камчилик бор экан. Ўзинг ҳеч нарсани билмайсан, фаҳминг эса ундан ҳам тўмтоқ, аммо ёмғир пайтидаги қурбақага ўхшаб кучанганинг ортиқча, Хучар.

– Мен ўзимга керакли ҳамма нарсани тушунаман! – Баттар қайнаб кетди Хучар. – Бор, йўқол бу ердан!

– Оласичқон нимага йўл-йўл бўлади, биласанми?

– Бор, бор кет, бу ердан!

– Билмайсанми? Хўш, Жамуха, сен-чи? Темучин, сен ҳам билмайсанми? Сен биласан. Қани, айт-чи.

Темучин ростдан ҳам буни биларди. Кўкачанинг буваси Чархи ака анча аввал, ҳали отаси тириклигида гапириб берган эди: каттакон айиқ билан кичкинагина оласичқон дўст бўлишган экан. Оласичқон ҳар доим айиқни меҳмон қилиб тураркан. Бир куни у анча заранг ёнғоғи терибди. Айиқ улардан тўйгунча ебди, дўсти оласичқонга миннатдорлик билдиргани елкасидан силаб қўймоқчи бўлибди. Шундай қилибди ҳам. Оласичқон тирик қолибди, аммо ўшандан бери унинг териси ола бўлиб қолган экан.

– Гапира қол, Темучин, – шоширди Кўкача.

– Менинг билишимни сен қаердан сеза қолдинг?

– Кўкда учган бургут ерда ғимираб юрган кўнғиздан кўра кўпроқ нарсани биледи, – деди Кўкача яйраб куларкан. Хўш, шундай қилиб нимани бўлишолмаяпсизлар?

Жамуха шоша-пиша бўлиб ўтган баҳсни гапириб берди. Кўкача Хучарнинг қўлидан ошиғини олди. Уни синчиклаб қараб чиқди, тирноқлари билан тирнаб кўрди.

– Ўйнагинг келмаяптими? – сўради Хучардан.

Жаҳли чиққан Хучар нима қилиб бўлса ҳам Кўкачага қарши боришга аҳд қилди.

– Мен ўйнайман! Сенинг эса бу ерда қиладиган ишинг йўқ.

– Аҳмоқ сигирни бегона бузоқлар эмиб кетса бунга ким айбдор? Сигирнинг ўзи, Хучар. – Шундай деб, Кўкача ўтинини елкасига отиб, гутуллари¹ билан ойнадек муз устида сирпана-сирпана нари кетди.

– Уятсиз, безбет! – деди Хучар. – Яхшилаб адабини бериш керак эди.

– Шомонларни уриб бўлмади, – таъкидлади Жамуха. – Сен уни урсанг, у ёвуз руҳларни сенга қарши қаратиб қўяди. Хучар, у билан бекорга ўчакишдинг. Аслида сен ошиқ эмас, оддий тош билан ҳам бизни ютиб қўйишга қодирсан!

– Ҳақсан, – мақтанишдан қолмади Хучар, – бошладик...

Улар Хучарнинг ҳамма ошиғини ютиб қўйишди, албатта. Лекин, тўғриси, бу осон бўлмади. Чунки Хучар ишдан чиққан ошиғига мослашиб олди.

Уйга анча кеч қайтишди. Қуёш ботиши билан кучайган совуқ бурун ва иякларни чимчиларди. Оёқ остида ёрилаётган муз қарсиллар, қуп-қуруқ қор ғичирларди. Юлдузлар ҳам осмонга илиб қўйилган муз парчаларидек совуқ милтирарди. Ютқазиб қўйган Хучар олдинда қовоғини солиб борар экан, ўтов илдига келганида хайрлашмай ҳам қайрилиб кетди. Темучин билан Жамуха бир-бирларига маъноли қараб, кулиб юборишди.

Улар Темучинларникида тунашди. Онаси уларнинг олдига катта-катта қилиб тўғралган гўштли товоқни келтириб қўйди. Гўшдан иссиқ ҳовур кўтарилиб турарди. Ўтов ичидаги ўчоқ алангаланиб ёнарди. Мазали овқат, иссиқ ўтов ва ошиқ ўйинидаги ғалабадан Темучин ўзига сиғмай кетаётганди. Устухонни кемирар экан, у Жамухага қараб-қараб қўяр, нимадандир кулиб қўярди.

– Сен жудаям муғамбир экансан!

Жамуха ҳам кулиб қўйди, думалоқ юзларида кулдиргичлар ўйнабди.

– Бошқачасига уни ютиб бўлмади-да.

– Тош билан ҳам ютиб қўясан эмиш... шу гапинг зўр чиқди! У жинни бўлса, суюниб кетди. Сенга қойилман, Жамуха! Агар биз иккимиз бир бўлсак, бизга ҳеч қачон ҳеч кимнинг кучи етмайди. Отамни эшитганмисан? Отам кераитлар хони билан дўст тутинганда, уларни ҳеч қандай душман енга олмаган.

– Кераитлар хони сенинг отангнинг андасимиди? – сўради Жамуха.

– Ҳа. Улар белбоғ алмашиб, қасам ичишган... агар битта от қолса ҳам ўртада, битта кўрпа қолса ҳам ўртада бўлади, деб. Мана шунақа қасамёд эди бу!

– Бизлар ҳам анда бўлоламизми?

– Катта бўлсак, бизлар ҳам анда бўламиз.

– Йўқ, ҳозир-чи? Темучин, ҳозир ҳам мумкин.

– Кексалардан сўрасакмикин? – Темучин ўйланиб қолди. – Сўрамаса ҳам бўлади. Аммо бу қасамёдни қон билан қилсанг, ҳақиқий бўлади. Розимисан?

– Қон билан? – Жамуханинг кўзлари олайиб кетди. – Мен розиман... аммо буни қандай қиламиз?

¹ Гутул – этик.



– Мана бундай қилиб... – Темучин пичоқни олиб тиғини бармоғига ботирди, кесикдан оч қизил қон питирлаб чиқди. Энди сен.

Товоқчага икки томчи қон тушиб, аралашиб кетди. Темучин унинг устига сут қуйиб тўлдирди-да, Жамухага узатди.

– Ич. Бундан буён қалбимиз, шодлигимиз, ташвишларимиз ҳам бир бўлсин.

Жамуха қасамёд сўзларини такрорлади-да, қўшиб қўйди:

– Умримиз охиригача!

– Охиригача, – қўшилди Темучин.

Товоқчани бир-бирларига узатиб, уни охиригача ичишди.

Онаси билан Хоахчин гулхан яқинида суғур терисига ишлов бериб, алланималар ҳақида пичирлаб гаплашиб ўтиришарди. Онаси бошига бева аёллар киядиган пачоққина қалпоқ кўндириб олган бўлса-да, мана шу мотамсаро либосида ҳам жуда гўзал эди. Темучинга дунёда бошқа ҳеч кимнинг бундай ақлли, чиройли ва меҳрибон онаси йўқдай туюларди. Фақат сўнгги пайтларда у нимагадир тез-тез хафа бўлиб юрадиган бўлиб қолди. Тезроқ катта бўлиб, худди дадасидай кучга тўлсайди. Одамларнинг айтишича, у отасига жуда ўхшар эмиш. Кўзлари ҳам отасиникидек кулранг, сочлари эса малла. Кичик укалари отасига ўхшамайди. Жўжи Хасар нозик, озгин-у, аммо ҳаракатлари кескин. Белгутой бесўнақай, имиллайди. Хачиюн пакана-ю, лекин бақувват. Тамуға бўлса, думалоқ юзли, пўмпалоқ болақай. Тўртталови ҳам бирдай қорачадан келган, фақат Жўжи Хасарнинг сочлари бошқаларникидан сал очроқ.

– Темучин, андам, эртага мен сенга атаган ўқимни совға қиламан. Унинг шувиллашини эшитсанг! Ҳуштакчалари буқачаларнинг шохидан ясалган. Менинг ўқим энг зўри! – Жамуханинг маъсум кўзларида ўчоқдаги олов акси жилваланарди. – Мен сенга ҳар доим энг яхши нарсаларни совға қиламан.

– Мен ҳам. Менинг ошиғимни ола қол.

Темучиннинг қалбини Жамухага бўлган ёрқин ҳислар эгаллаб олди. Шу онда у Жамуха энди унга худди ўз укалари Жўжи Хасар, Белгитой, Хачиун ва Тамуғалар сингари бир умрлик қондош бўлиб қолганини тушуниб етди.

II

Овулуннинг кўнгли бир нимани сезгандай ғаш эди. Мусибат қаердан ва қачон келишини билмас, лекин келишига аниқ ишонарди. Қовушма тиргаклар ўтовнинг устуни бўлганидек, эркак – оиланинг устуни бўларкан. Эрсиз, тиргаксиз у қандай қилиб болаларини офатлардан ҳимоя қилсин, қандай қилиб Есугайдан қолган мол-ҳолни асраб қолсинки, етимчалари қийналмай улғайсин! Унга ким ёрдам қўлини чўзади? Одамлар Есугайнинг яхшиликларини тез унутиб қўйяптилар.

Илгарилари тойчуютлар уруғининг бой хотинлари қурбонлик қилиш учун аждодлар ерига отланишар экан, унинг ўтовини асло четлаб ўтишмас эди. Бу галги баҳорда эса ҳеч зоғ йўқламади. Хоахчин ҳамроҳлигида ўзи йўл-

га чиқди. Аммо отини қанча тезлатмасин, барибир кеч қолди. Қурбонлик алангаси сўниб бўлган, пиширилган гўштлар ейилиб, шароблар ичилган, аёллар эса ортга қайтишга чоғланиб туришган эди. Алам ўтидан Овулуннинг кўнгли бир тутам бўлди. Қариндошлари ҳеч қурса унинг етим болалари ҳаққиға дуои илтижо қилмабдилар ҳам. Эй осмон, бу бағритошларга ўзинг тавфиқ бер! Отидан ҳам тушмасдан у Амбахайхоннинг бевалари Ўрбай ва Сўхатойлардан сўради:

– Нима учун мени ҳам қурбонлиққа чақирмадинглар? Есугай баҳодир ўлди, энди унинг болалари қачон катта бўлади, деб ўйладингларми?

Ўрбай ва Сўхатойлар унинг гапини умуман эшитмагандай бошқа ёққа қараб тураверишди. Есугай баҳодир эса уларни ҳеч қачон эсидан чиқармасди, юришларда қўлга киритган ўлжаларини улар билан баҳам кўрарди-ку!

– Эй, Худойим-а! – Овулуннинг овози титраб чиқарди. – Кўриб турибман, сизлар топганингизни беорларча ҳеч ким билан бўлишмай жиғилдонга урадигандан, чурқ этмай кўч-кўронингизни кўтариб кетаверадиганлардан экансиз.

Беваларнинг каттаси Ўрбай жаҳл билан деди:

– Эшитдингларми, бунинг гапларини? Бизни ҳатто Овулун ҳам жеркий бошлади. Қаранглар унинг манманлигини! Сени чақирмасак, сен билан бўлишмасак, шунга лойиқсан-да. Сенинг ёнингдан кўчиб кетишимиз керак ўзи. Бир ўзинг яшаб кўрсанг ақлинг кириб қолармиди.

Овулун отини шарт ўгириб, учуриб кетди. Хоахчин ҳам унинг кетидан елиб борар экан: Вой-ей, бу қандай одамлар ўзи, вой-ей..., – деб гўлдираар эди.

Ёз бошида тойчуютлар учта мусобақа уюштиришарди: кураш, камондан ўқ отиш ва пойга. Бу мусобақага узоқдаги кўчманчилар ҳам етиб келишарди. Беллашувлардан кейин ғолиблар шарафига зиёфатлар бердилар, отлар айрибош қилинарди. Яхшигина бир учқур отнинг ўрнига бир тўда бия ёки битта янги ўтов ишлаб олиш мумкин эди.

Есугайнинг ўлиmidан сўнг Овулун бирон марта ҳам бундай беллашувларга қадам босмаганди. Энди ҳам бориш нияти йўқ эди-ю, аммо Темучин ҳаётидаги биринчи тулпорини миниб, пойгага тайёрлаган ва мусобақада уни бир синаб кўрмоқчи эди. Ёки Темучиннинг бир ўзини юбораверсинми? Аммо сўнгги пайтларда у тўнғичидан кўп хавотирланадиган бўлиб қолган. Бир жойга кетса, юраги қон бўлиб кетар, қўли ишга бормас, қулоғи кўчада бўлар, ўтов атрофида унинг бебошларча «Эҳ-ҳе ҳей» лаган овозию от дупури эшитилишини кутарди. Темучин ҳали-ҳали бола, тажрибасиз ва қизиққон. Ҳаётда эса ҳар қадам хавф-хатарга тўла. Улар Хентей жарликларида ҳам, саҳро бутазорларида ҳам одамга панд бериши мумкин эди. Ҳатто, овулнинг ўзида ҳам ҳасадгўй, ёмон одамлар йўқ эмас эди. Энди, Есугай болаларининг ҳимоячиси йўқлигида, бу одамлар ваҳший ҳайвондан ҳам, бўрону ёғинлардан ҳам кўрқинчлироқ эди. Ахир, яқингинада унга ҳавас қилиб таъзим қилишар, эрта тонгдан то кечгача унинг ўтови атрофида ғувиллашарди-ку. Энди бўлса, у одамларнинг ола қарашларию, ёвуз назарлари ичида илғаб



қолди. Ҳатто Есугайнинг навкарлари, ўшалар ҳам Овулунни четлаб ўтишга ҳаракат қилишарди. Нима ҳам қилсин, у нўён бўлмаса, кетидан навкарларни эргаштириб жангга отланмаса, ўлжалар олиб тарқатмаса. Шунинг учун ҳам навкарлар уларни ташлаб, битта-битта бошқа нўёнларга ўтиб кетишяпти. Аммо беркиниб қочмасдан, очиқчасига хайрлашиб кетишса, нима, Овулун уларни этагидан ушлаб қолармиди! Кетаверинглар! Яқинда Темучин улғайса, унинг ҳам ўз навкарлари бўлади.

Ҳозир эса... Темучин ҳали бола. Уни ўраб, алдаб бир ёмон ишга тортишлари, майиб-мажруҳ қилиб ва ҳатто ўлдириб юборишлари ҳам мумкин. Балким, буларнинг ҳаммаси унга ваҳима бўлиб кўринаётгандир. Амбахайхоннинг бевалари билан гап таллашиб қолганидан кейин, Менгликнинг ўғли кўйнинг ичак-чавоқларига қараб фол очиб кўрган эди. Унинг айтишича, Темучин бойлик ва шону шуҳратда отасидан ҳам ўтиб кетади. Шомоннинг башорати уни тинчлантирмади. Отаси тўплаган бойликни эсон-омон асраб, ўғли катта бўлганида кўлига топшириб олса яхши бўларди. Бой бўлсанг, яшаш қийин эмас. Аммо кулфат келса, камбағалми, бойми, ажратиб ўтирмайди-да. Мана, Есугайни на бойликлари, на навкарлари ва на машҳурлиги ўлимдан сақлаб қололмади.

Пойгага тайёрланар экан, у Темучинга ёрқин қизил парча матодан чопон тикиб берди. Есугайнинг кўйлагидан ечиб олган кумуш тугмаларни қадаб, шокилалаи белбоғ ясади. Чакка сочлари қаттиқ ўриб тортилган Есугай янги кийимларини кийиб кўрар экан, қошларини қаншарига уйиб олиш билан ички севинчини яширишга уринди. Ахир у энди ёш бола эмаски, янги кийимга хурсанд бўлиб кетса! Овулун ўз болалигини эслаб, хафа бўлиб кетди. Унинг юртида катталар ҳам, кичиклар ҳам ўз хурсандчиликларини яширишмасди. Темучин пойгачи отини толиқтириб кўймаслик учун эгарламай, қари ахта отини миниб борарди. Тумшуғи оқ, оёқлари кийик оёқлари сингари нозик тўриқ тойчаси ахта отнинг биқинига боғланган эди. У дам-бадам илгарилаб кетмоқчи бўлиб, арқонини таранглатар, яна ортига қайтиб ёллариини ҳилпиратиб ўйнаб кўярди. Ярақлаб жилваланиб турган териси остидан бақувват мушаклари яққол кўриниб турарди. Тойча ҳам, унинг эгаси – ўғли Темучин ҳам нимаси биландир бир-бирига ўхшайди-я, деб ўйлади Овулун.

Пойга мусобақалари Керулен қирғоқларида ўтказилмоқдайди. Дарё ёқалаб майса қоплаган кенг текислик узоққача ястаниб ётарди. Кўпчилик бу ерларга бир кун аввал етиб келган, ё соябон аравалари, ё ўтов ортилган уловлари атрофида ивирсир эди. Уларга қўшилган болаларнинг шовқини, хизматкорлар, отлар ва араваларнинг тўпланиб туриши узоқдан қараганда худди ёв босган овулдаги тартибсизликни эслатарди.

Довулларнинг бир маромда гумбурлаши, хурлардан¹ таралаётган жанглар, шомон чилдирмасининг асабларни ларзага солувчи зарбалари, болаларнинг шодон қичқириқлари, хотинларнинг баланд овозда сўзлашувла-

¹ Хур – мўғулларнинг торли сози.

ри, давра қурган эркакларнинг қийқириб кулишлари – ҳаммаси баъзан байрамона шовқинга айланиб кетарди, баъзан эса шундай пасайиб кетар эдики, бировларнинг сўзларини аниқ-тиниқ эшитиш ҳам мумкин бўлиб қоларди.

Темучин ва Овулунни Жамуха қарши олди. У эгнига анчагина уринган кундалик кийим, оёғига чангдан сарғайиб кетган гутул кийган, ўнг қўлида калтагина қамчи осилиб турар эди.

– Ў-ў, бугун жуда очилиб кетибсан-ку, анда!, – деди Жамуха ҳам ҳавас, ҳам ички бир ҳасад билан. – Мен бўлсам, сени қидириб ҳамма ёқни айланиб чиқдим. Кўришмаганимизга қанча бўлди, анда?

– Баҳордан бери. Сизлар кўчиб кетдинглар-у, биз кўришмай қолдик.

– Сен нимага меҳмонга келмайсан?, – деди Овулун.

– Менинг онам ўтиб қолди, – деди Жамуха лабини тишлаб. – Отам ҳам бетоб ётибди. Бу ерга бир ўзим келдим. Сизлар билан маслаҳатлашмоқчийдим. Отамнинг айтишича, у узоққа бормасмиш. Шунинг учун у мени кераитлар хонининг ҳузурига кетишимни истаяпти. Улар дўст бўлишган...

– Нимага энди хонникига бораркансан? Бизникида туравер! Она, у бизникида турса майлими? У менинг андам-ку!

Темучиннинг куюнчаклиги Овулунга хуш ёқди. Унинг ўзи ҳам Жамухани ўғлининг бошқа ўртоқларидан кўра кўпроқ яхши кўрарди. Бу боланинг кўнглини олгиси, бир нима деб тасалли бергиси келди.

– Темучин тўғри гапиряпти. Хонникига бориб нима қиласан? Сен менинг ўғлимнинг биродари экансан, демак менинг ҳам ўғлимсан. Мен сени ўз ўғилларимдек бағримга оламан.

Жамуха бошини силкитди.

– Агар ўлиб қолсам, менинг ўрнимни бошқалар эгаллаб олишади, сен одамларинг ва чорвангдан айрилиб қоласан, деяпти отам. Мабодо хоннинг қўл остида бўлсам, отам давлатига эгалик қилишимга ҳеч ким қарши чиқолмасмиш. Бу – отамнинг сўзлари.

– Жамуха, андам, бизда отамдан қолган содиқ навкарлар, хизматкорларимиз бор, отлар ҳам, қуроллар ҳам етарли. Сени ҳимоя қилиш керак бўлса, биз ҳам хондан қолишмаймиз. Шундайми, она?

Овулун ўғлига жавоб бермади. Ўзининг ҳам бошига худди Жамуханики сингари кунлар тушиб қолишини ҳали ўғли билмасди. Темучин бўлса, ҳайрон бўлиб, ҳатто онаси индамаганидан ўпкалаганча, қатъий жавоб кутарди. Лекин шу топда, бирдан довуллар чалиниб, атрофдан:

– Кураш!

– Кураш бошланди!

– Баҳодир курашчиларни томоша қилишга шошилинг!, – деган овозлар таралди. Овулун шошилиш билан, «Кейин гаплашамиз, кетдик», – деди.

Курашга чиққанлар юз-икки юзтадан кам эмас эди. Ярим-яланғоч эркаклар, худди парвозга шайланган бургутлар сингари қўлларини икки томонга ёйиб, энгашганча бир-бирларига қараб юра бошладилар. Беллашув шиддатли, лекин қисқа бўлди. Мағлуб бўлганлар четга чиқиб кетиши билан, ғолиблар яна икки тўпга бўлинди.



Оломон қичқирар, хуштак чалар, ютқазганлар майдонни тарк этар ва борган сари курашчиларнинг сони камайиб борарди. Ниҳоят, майдонда икки курашчи қолди. Бири ҳали ёш, қотмагина, елкалари нозик бўлишига қарамай мушаклари ўйнаб турган, Есугайнинг амакиваччаси Бўри Бўга эди. Иккинчисининг эса, етилган жасади, мешдай қорнию буқадай йўғон бўйнига қараганда, ёши каттароқлиги сезилиб турарди. У ким, қаердан эканини Овулун билмасди. Лекин айнан мана шуниси ғолиб чиқишига Овулун шубҳа қилмади. Мана шу тарвақайлаган сумбат олдида Бўри Бўга кучсиз ва ҳатто синиқ кўринарди.

Курашчилар ногаҳоний ҳамлалар қилар, яна шундай тезлик билан ортга чекинар, бир-бирларининг атрофида анчагача айланиб юрар эди. Оломон бир гуриллаб ҳайқириб олар, бирда эса овозини ичига ютиб жимиб қоларди. Ёши каттароғининг аста-секин тоқати тоқ бўлиб, асабийлаша бошлади. Унинг ялпоқ, семиз юзидан тер оқар, кўзлари эса кутурган буқа кўзларидай қонга тўлиб борарди. У ўзининг ваҳимали қучоғида бир неча бор Бўри Бўгани сиқиб олишга муваффақ бўлди. Ҳозир яхшилаб бир сиқса, рақибининг умуртқалари қирсиллаб тиз чўкиб қолади, худди қуриган чўпдай си-нади, деб турганинда, Бўри Бўга унинг қучоғидан сирғалиб чиқиб олар ва шу заҳоти қарши ҳужумга ўтарди. Бирдан... Овулун ҳеч нарсаи тушунмай, нима бўлганини кўролмади қолди. Ёши катта курашчининг кураги ерпарчин бўлди. Қучоққа сиғмас қорни эса терлаб кетганидан қуёшда ялтирарди.

Оломоннинг ҳайқириви довуллар гумбури билан аралашиб кетди. Ғолиб полвон эса, қўлларини ёйганича даврани айланарди. Темучин Овулуннинг қулоғини қоматга келтириб қичқирар, оёқлари билан шодон депсинарди.

Шундан сўнг ўзи ва ўғли учун асосий мусобақа – пойга бошланди. Чархи ака билан Менгликлар келишди. Қария отнинг бўйинларини ишқалаб қўйди.

– Темучин, сен бугун, албатта, ютасан. Мен бошқа отларни ҳам кўриб чиқдим. Бунақа тулпор ҳеч кимда йўқ. Аммо, ҳушёр бўл. Бошда унча чоптирма, чарчатиб қўймагин. Агар яхши отни бошида тўғри бошқарсанг-у пойга сўнгида ўз эркига қўйсанг, у худди таранг тортилган камондан отилган ўқдай учиб кетади.

Отлиқлар шунчалик узоқ кетиб қолишдики, бутун ялангликни кесиб ўтган қайишдек бўлиб кўринишарди. Болақайларнинг қайси бирлари яхшироқ кўриш учун аравалар устига чиқиб олди, кимлардир дарё бўйида ўсган толларга тирмашган. Жамуха ҳам кимнингдир араваси устига чиқиб олганича бақирарди:

– Саф тортишди. Мана, ҳозир, ҳозир... Кетди!

Бир чизиқ бўлиб турган чавандозлар сафи бузилган ва илгарилаб келаркан, тўдалашиб бораётганини Овулун ҳам кўрди. Кучсизгина, лекин борган сари кучаяётган дупур-дупур қулоққа чалина бошлади. Чавандозлар шиддат билан яқинлашиб келарди. Ҳар хил зотли отлар уюри орасидан Темучинни ажратиб олиб бўлармиди... Овулуннинг кўзи тиниб кетди. Бироқ шу онда ялт этиб қизил чопон кўриниб қолди. Ё кўзимга шундай кўриндими? Йўқ, ана, бир кўриниб, бир яна чавандозлар орқасига яширинаяпти. Темучин



чиннинг қизил чопони, худди сарана гулига ўхшаган қизил. Ўғлидан олдинда анчагина чавандозлар келяпти. Аммо у ҳам аста-секин олдинги сафларга яқинлашмоқда.

– Темучин ўзиб кетяпти! – бақирди Жамуха.

Энди ўғлининг олдида ўнтага яқин отлик қолган эди. Мана, яна иккитасини ортда қолдирди. Яна бирини. Қани, ўғлим... Яна биттасини қолдириб кетди... У энди ё учинчи, ё тўртинчи бўлиб олган эди.

Темучиннинг чопони оловдек липиллаб ўтиб кетди. Оломон чавандозлар томонга отилди, Овулунни бир тарафга суриб кетиб, Жамуха, Чархи ака, Менгликларни бошқа тарафга «оқизиб» кетди. Овулун нотанишлардан, нечанчи бўлиб етиб келганининг натижасини сўрашга ийманди. Олдинроқда Хучуни кўриб қолиб, Овулун амаллаб унга яқинлашди-да, енгидан тортди. У ўгирилиб қаради-да, Овулунни кўриб қувонганидан, таъзим қилмоқчи бўлдию, бироқ одамлар уни ҳар тарафдан туртиб-суртиб юбораётганидан бунинг эвини қилолмади.

– Темучинни кўрдингми?

– Ў, хоним, мен кўзимни ундан узганим йўқ. У иккинчи бўлиб етиб келди. Яшавор, азамат!

– Ростдан ҳам иккинчи бўлиб келдимиз?

– У ҳали биринчи ҳам бўлади!

«Эҳ, тентаксан, Хучу, тентаксан!» дегиси келди Овулун бу соддадил аскарга. Ўғлининг иккинчи бўлиб келгани ҳам унинг учун бир дунё шодлик эди. Иккинчи бўлгани бир жиҳатдан яхши ҳам. Агар биринчи бўлиб қолганида бу тасодифий ғалаба бўлиб кўриниши мумкин эди. Ҳар қандай тасодиф эса вақтинча, омонат бўлади.

Хучу бўлса, Овулуннинг жим турганидан фойдаланиб, хоним билан бемалол гаплашиш имкони туғилганидан тўхтовсиз бидирларди:

– Сенинг ўғлинг баҳодир бўлади! Унга қараб доим кўзим қувонади. Ўзимнинг ўғлимга қараб ҳам қувонаман. Менинг ўғлим ҳам азаматларнинг азамати. Соғлом, бақувват. Нимага энди озгин бўлиши керак? У сизнинг кўрпангизда катта бўлди, Темучиннинг кийимларини кийиб улғайди!

Хучу нима ҳақида гапирмасин, унинг ўғли ҳам Темучин билан бир вақтда туғилганини ва ой юзли, бағри кенг хотин, яъни Овулун, уларга кўрпача ҳада қилганини қистириб ўтишни унутмасди. Шу кўрпача ҳам бор бўлсин! Овулун кўрпачани ҳам, унга қўшиб Хучу ва унинг ўғлини ҳам юз марта-лаб унутиб юборишга тайёр эди, ишқилиб, ҳадеб унинг эсига солавермаса бўлди. Баъзида унинг чинакамига аччиғи чиқарди. Кўпинча у мана шунақанги гаплардан кейин яна Темучиннинг у-бу кийимларидан Хучарга қистириб юборарди.

Бирдан Хучу ўзига келиб қолди:

– Э-э, сени Темучиннинг олдида олиб ўтишим керак-ку. – У кўп жойига ямоқ солинган, офтобда сарғайиб кетган чопонини бир силтаб, олдинга қараб юрар экан, одамлар орасини очиб, – Есугай баҳодирнинг хонимига йўл беринглар! Йўл беринг! Пўшт!, – деб бақирар эди.



Одамлар ҳам унинг гапига қулоқ солиб, йўл бўшатишарди. Овулун илга-рилаб борар экан, одамларнинг нигоҳи ўзи томон қадалганини сизди. Ким-дир ҳайрон бўлиб, кимдир тушунмагандай, яна бировлар истехзо аралаш тикилиб қолишди. Овулун Хучунинг бу ишидан анча ўнғайсизланган бўл-са ҳам, ўғлининг олдига бир зумда етиб борди. Ўғли бир тўда зич эркаклар орасида оқ қашқали отининг жиловидан тутиб турарди. Тойчани силашар, ушлаб кўришар, жониворнинг эса бегона қўлларнинг бехос тегинишидан сесканар, пишқириб ортга тисланиб қоларди.

Онасини кўриб, Темучин бутун вужуди билан унга интилди.

– Кўрдингми? Кўрдинг-а? – деб сўради. Аммо, эркак одам мақтанмасли-ги кераклиги эсига тушиб, ёлғондакам хўрсинди: – Яна салгина тез келга-нимда биринчи бўлардим, – деб қўшиб қўйди.

– Мен учун сен шундоғам ғолибсан.

– Бунақа тулпор билан ҳали кўп бор ғолиб бўласан! – деди кимдир.

– Нимасини айтасан! – илиб кетди яна кимдир. – От эмас, хулақнинг¹ ўзи!

Тўсатдан ҳамма жим бўлиб қолди. Одамлар тисарила бошлашди. Даврага бир неча навқарларини эргаштириб Тарғутой кириб келди. Отни назардан ўтказиб чиққач, уйилган қовоғи очилиб, сал юмшади.

– Мен хурсандман, Есугай баҳодирнинг ўғли, – деди у Темучинга. – Юр, мен сенга қимиз қуйиб бераман.

Овулун ўғлининг шундоқ ёнгинасида турган бўлса ҳам, Тарғутой – Қи-рилдуқ ўзини кўрмаганга олди. Унинг бу қилиғи ҳақоратли эди. Темучин ҳам буни тушунди, шекилли, онасига ўгирилди.

– Кетдикми, она?

– А-а, онанг ҳам шу ерда экан-да, – деди Тарғутой бошини сал қимирла-тиб. – Сен ҳали она сути оғзидан кетмаган бола экансан-ку.

Темучиннинг кулранг-кўкиш кўзлари қорайиб кетгандай бўлди.

– Мен ҳазиллашдим, – ғўлдиради Тарғутой. Мен сени онанг билан таклиф қиялпман.

Ўғли билан ёнма-ён борар экан, Тарғутойнинг ялтироқ шойи ёпинган кенг елкаларига хавотир билан қараб қўйди. Унинг ўғлидан нима истайди? Есугайнинг ўлиmidан сўнг Тарғутой ўзининг ошналари Сача беки ва Ол-тонлар ёрдамида тойчуютлар эли устига ҳукмдор бўлиб олди. Лекин ҳали Овулунга тегишга журъат қилганича йўқ. Аммо Амбахайхоннинг катта бе-васи тили билан пўписа қилаётган мана шу Тарғутой эканини кўнгли сезиб турарди. Болаларига нима ёмонлик қилдйкин?

Тарғутой уларни усти ёпиқ аравага бошлаб келди. Унинг соясида ерга наMAT тўшалган эди. Тарғутой ўтириб, кафти билан терчиган бўйинларини артди, хизматкорларга нималардир деди.

Темучин бошини сарак-сарак қилиб, оломон ичидан Жамухани қидирар-ди. Жамухани кўриши билан от жиловини онасига тутқазиб, чопиб кетди. Кейин улар бирга қайтишди.

¹ Хулақ – Баҳодир от, баҳодирлар оти.

Хизматкорлар аравадан қимиз тўла мешни олдилар. Баковул идишларга қуйиб чиқиб, биттасини Овулунга, яна бирини Темучинга узатди. Жамухага узатмай, олдидан ўтиб кетди.

– Бу менинг андам, – деди Темучин.

Бовурчи савол назари билан Тарғутойга қаради.

– Қуй, – буюрди Тарғутой. – Сенинг тутинганларинг қўпми, Есугайнинг ўғли?

– Ҳозирча битта.

– Дўстларинг борми? Мен билан дўстлашасанми?

Темучин кулди.

– Оласичқон айиқ билан дўстлашгани учун ола-була бўлиб қолган экан. Тарғутой қимиздан бир қултум ичди. Бўрсилдоқ тепа лаби устида қимиз юқи қолди.

– Энди, қайси биримиз оласичқонмиз?

– Билмадим, – Темучин ҳамон кулимсираб турарди, – лекин мен оласичқон бўлишни истамайман.

– Кўриб турибман. – Тарғутой совуқ кўзлари билан Темучинга тикилиб қолди. – Дўстликни совға билан мустаҳкамлаш керак. Мен сенга эгар совға қиламан. Ҳов ана. Кумушдан ясалган.

Эгар араванинг олдида турарди. Бу оддий эгарнинг ўзи эди. Бурмалари юпқа мис лахтақлар билан қопланган, олд тарафида эса, умуман кераги бўлмаган жойда, учта кичкинагина юлдузча қадалган бўлиб, мана шулар кумушдан эди, холос.

– Яхши эгар экан, – деди Темучин. – Лекин мен уни ололмайман. Ўрнига қайтарадиган нарсам йўқ.

– Отинг-чи? Тўғри, отинг сен ўйлаганча зўр эмас-у, аммо мен хафа бўлмайман.

Овулун Тарғутойнинг ҳар сўзини мулоҳаза қилар, нима хоҳлаётганини тушуниб олишга ҳаракат қиларди. Фақатгина Темучиннинг отини тортиб олиш учун бўлмаса керак. Лекин тойчоқни ҳам унга бериб қўймайди!

– Бу от Темучинга тегишли эмас, – деди Овулун хотиржам бўлишга ҳаракат қилиб, – Есугайдан қолган ҳамма нарса менинг ихтиёримга ўтган, буни биласан. Ўғлим катта бўлса, ўз улушини олади. Ана ўшанда ўзи хоҳласа отини сенга совға қилар.

– Эркақларнинг ишига хотинлар бурун тикмаса-да! – жаҳл билан Тарғутой ўрнидан турди. – Ҳамонки аралашдингми, билиб қўй, мен Есугайга ўнлаб от берганман. Қани улар? Нима учун сен, бу ерларга титилиб кетган чопонда келган хотин, сурувлар ва подалар устида хўжайинлик қилишинг керак? Навкарлар, отни олиб қўйинглар!

Навкарлар уларнинг олдида келишди. Темучин отига шарт миниб олмоқчи эди, уни қўполлик билан нари итаришди. У пичоғини чиқарди. Навкарлар эса унинг қўлини қайиришди. Андасини қутқаргани мардона отилган Жамухани ҳам ушлаб олишди.



– Мен сенинг ичак-човоғингни ағдариб ташлайман!, – деб бақирарди Темучин Тарғутойга, оёқлари билан навкарларни тепар экан, юзидан қон қочган, кўзлари қутурганидан қоп-қорайиб кетган эди.

– Бўри боласи тишларини кўрсатяптими? – масхараомуз кулди Тарғутой.

Навкарларнинг бири Овулуннинг қўлидан жиловни юлқиб олиб, тойчоқни етаклаб кетди.

– Болаларни кўйиб юбор! – қичқирди Овулун, – билиб кўй, хўв, семиз тўнғиз, сен бунинг учун жавоб берасан ҳали. – У навкарларни итариб ташлаб, Темучин ва Жамухаларни илгарилатди. – Кетдик!

– Мен уни ўлдираман! Мен уни барибир ўлдираман! – Темучин орқасига ўгирилиб, мушти билан пўписа қилди.

Навкарлар қаҳ-қаҳ уриб кулишди.

Одамлар кўз ўнгида бўлиб ўтган бу нарсаларни кўрмагандай, худди ҳеч нарса бўлмагандай турарди.

Эзилган, нотавон Хучу уларнинг кетидан судралиб борар, оҳ-воҳлаганча бидирларди:

– Ёмон бўлди-да! Шунақанги одам билан ёвлашиб қолдик! Энди ҳаммамизга ёмон бўлади.

– Ҳеч нарса бўлмайди, Хучу, ҳеч нарса бўлмайди, – деди Овулун, – ёмон бўлмайди.

Лекин гапираётган гапларига ўзи ҳам ишонмасди. Кўнгли бир ёмонликни сезиб юргани бекорга эмас экан-да.

Улар шу заҳотиёқ уйга жўнашди. Жамуха уларни чўлгача кузатиб бориб, орқага қайтди. Хайрлаша туриб, Овулун унга деди:

– Тўғулнинг ҳузурига кет. Ким билади, ҳали ўзимиз ҳам унинг ҳимоясини сўраб борамизми.

Ҳамма жим кетар, Темучин тирноқларини ямлаганича нималарнидир ўйлаб борарди. У ҳали-ҳамон ранги бўзарган ҳолида эди. Тўсатдан жиловни тортиб:

– Бу қанақаси бўлди -а, она? – деб сўраб қолди.

Унинг юзида, думалоқлашиб кетган кўзларида шунчалик ғамнок ҳайратлар муҳрланган эдики, она бечора бирон-бир жавоб беришга ҳам, тасалли беришга ҳам ўзини ожиз сизди.

Уйда эса уларни яна бир ёмон хабар кутиб турган экан: Некун тойжи кўчиб кетиб қолибди. Соғлиғи ёмонлиги сабабли у тинч ва осуда жойларни излаб кетган эмиш ва энди ўз ўрами билан алоҳида яшар эмиш. Шундай деб кетибди.

Некун тойжининг соғлиғи яхши эмаслиги тўғри. Аммо ёлғизланиб яшашга уни соғлиғигина мажбур қиялтирикми? Аввал навкарлар қоча бошлашди. Энди бўлса қариндошлару нўёнлар ҳам кетишади. Некун тойжи йўлни кўрсатиб кўйди. Даритой отчигин билан гаплашиб олиши керак. Қабила бошлиғи сифатида, у бу ишларга қандай қарар экан? Нима чора кўрар экан?

Овулуннинг у билан гаплашгиси йўқ эди. Уни илгаридан хушламасди, Есугайнинг ўлимидан сўнг баттар ёмон кўриб қолди. Эри ўлгандан сўнг



Даритой одатга кўра уни хотин бўлишга мажбурлай бошлади. Бир ўринда мана шу одам билан ётишни ўйлаганининг ўзидаёқ ичи ағдар-тўнтар бўлиб кетарди. Унга Кўкача ёрдамга келди. Шомонга ваҳий кўринибди: Есугайнинг болаларини осмон ўз паноҳига олган эмиш, болаларни фақат Овулуннинг ўзи тарбия қилиши керак эмиш. Осмон иродасига қарши чиққан ақлсизларни эса кўнгилсиз ҳалокат кутар эмиш.

Бу ваҳий Кўкачага отаси Менгликнинг даъвати билан келганини Овулун сезарди. Нима бўлганда ҳам бу гаплар талабгорларнинг попугини пасайтириб, Даритой отчигиннинг ҳам ҳовурини босиб қўйди. Шундай бўлса ҳам, – «Осмоннинг иродаси ўзгармас нарса эмас. Мен кутаман.» – деди. Кутяпти ҳам. Эртами, кечми, Овулун унинг ёрдамига муҳтож бўлишига умид боғлаб ётибди. Ҳозир ҳам Овулуннинг Тарғутой билан уришиб қолишганидан роса хурсанд бўлса керак.

Лекин Даритой отчигин хурсанд эмасди. Тўғри, ҳар доимгидек кўзларини қисиб, кулимсираб турар, бироқ у нимадандир чўчиётгани, ичидан безовталанаётганини Овулун ҳам сезиб турарди. Ундан тиккасига сўради:

– Сен бир нарсани яширмаяпсанми?

– Мен сенинг ҳузурингда худди ёзги ўтов сингари очиқман! – У одатига кўра бир ҳингиллаб қўйдию, аммо шу ондаёқ ранги ўчди қолди. – Нимага Тарғутойнинг жаҳлини чиқардинг?

– Мен жаҳлини чиқарибманми? – Овулун ҳайрон бўлди. – Ўзи Темучиннинг тойчоғини тортиб олди-ку. Босқинчи, қароқчи у! Мен унинг жаҳлини чиқарган эмишман!

– Топган гапингни қараю тойчоқ эмиш! Унга Есугайдан қолган ҳамма нарса керак. Аёл бошинг билан сен у билан уришиб юришингга нима бор!

– Сизлар-чи, Есугайнинг укалари нима сизлар эркак эмасмисизлар? Болаларининг тақдири сизларга барибирми?

– Эркакларнинг ҳам боши битта, ягона бўлади. Тарғутой – Қирилдукнинг йўлида турган одам ўлиши аниқ.

– Лекин мен ҳам, болаларим ҳам унинг йўлини тўсмаяпмиз-ку.

– Есугайга тобе бўлган одамлар, уюрларчи? Менинг акам тўплаган бойликларга сен хўжайинлик қилар экансан, у ҳаловатини йўқотади.

– Унга подаларим керак, сенга эса менинг ўзим, – алам билан гапирди Овулун.

– Нимага заҳарингни сочасан? Ҳеч бўлмаса шу пайтда жим турсанг ҳам бўларди.

– Сизларга ўхшаб-ми? Авлодингизни талашяпти, хафа қилишяпти, хорлашяптию, сизлар оғиз очишга ҳам кўрқасиз. Ҳаммаларинг бир бўлиб, Есугайнинг тирноғига ҳам арзимаёсанлар.

– Унақа дема, Овулун! – ялинди Даритой отчигин. Мана шу пайтда унинг овозида чинакам аламли оғриқ борлиги билиниб турарди. – Мен нима қила оламан? Нима?

– Мен ҳеч нарса сўрамаяпман ҳам.



– Сен жуда ҳам мағрурсан... Овулун, ақлингги йиғ. Менга хотин бўл. Биз Есугайнинг ерларидан нари кетамиз... Кейин бир гап бўлар...

– Сен шомоннинг гапларини эсингдан чиқардингми?

Даритой отчигин ҳафсаласи пир бўлиб, кичкинагина қўлини силтади.

– Бошим кетса ҳам майли!

Унинг бу қатъияти Овулуннинг кулгисини келтирди. Даритой отчигиннинг лаблари титраб, бошини эгган қўйи юзини ўгирди.

– Мен сени хафа қилмоқчимасдим, – деди Овулун. – Лекин ўзинг биласан-ку, мен ҳеч қачон сенга хотин бўлмайман.

Шу гапдан кейин сал ўтиб, Даритой отчигин овулдан кўчиб кетди. Овулун ундан хафа ҳам бўлмади. У нима ҳам қила оларди? Тарғутойга тенг бўлиш унга йўл бўлсин?

Овулун эртанги кун ваҳимаси билан яшарди. Атрофида ишончли одамлар тобора камайиб борарди... Бундай кетишда яқинда у бир ўзи қолади. Ҳеч қаердан мадад ҳам кутиб бўлмайди. Бу нима ҳаёт! Хонлар ҳам, нўёнлар ҳам оддий қорачалар ҳам ёмонларнинг зулмию ҳасаиддан чора тополмайдилар...

III

Шамоллар увиллаган тепаликда Хучунинг ўтови якка ўзи турарди. Ўтов намати шамол, ёмғир ва офтобда сарғайиб кетган. Мўриси атрофи тутундан қорайиб кетган. Ҳар сафар ўз ўтовига яқинлашар экан, наमतни алмаштириш керак, деб ўйларди Хучу. Яна бир-икки марта кўчишга тўғри келса, наमतнинг увадаси чиқиб кетиши тайин. Булган эса бори йўғи яримта наमतга етадиган жун йиғибди. Ваҳоланки, неча йилдан бери тўплайди-я. Соҳибалари жун қирқишаётган пайтда озгина бўлса ҳам ўзи учун яшириб қўйса бўларди-ю, аммо, алдаш жуда ноқулай-да. Хучу ростгўй одам. Булган ҳам шундай. Овулун эса жуда ҳам яхши хўжайин. Улар Овулуннинг подаларини боқишади, қўйлар жунини қирқишади, соғиб беришади. Иш қийин эмас. Сутни бўлса, хоҳлаганингча ич, пишлоқни ҳам истаганингча е. Хотин йўқ демайди. Агар сўраса, наमतга етарли жунни ҳам беради. Аммо, шусиз ҳам қийналиб турган хўжасидан ҳозир буни қандай сўрайди... Ҳечиси йўқ, ўтов ҳали туриб беради. Ўтов асосий масала эмас. Ўғли касал бўлиб қолди, мана бу ёмон бўлди.

Ўтов олдида уни Булган кутиб турган экан.

– Хўш, нима гап? – сўради у.

– Шомон билан гаплашдим. Келаркан.

– Қайси шомон билан гаплашдинг? – яна сўради Булган эгардан бўшатар экан, отнинг терчиган жойларини енги билан артиб.

– Кўкача келади.

– Ёши улуғроқ бир шомонни гаплашсанг ҳам бўларди.

– Унақаси қўй берсанг келади. Қўйларинг кўпми?

– Нима деётганингги биласанми! Сенга қўй эссиз! Ўғлингга ачинмайсанми?

Албатта, Хучу ўғлига ачинади. Лекин қўйдан айрилгиси келмайди-да. Қўйлари бор-йўғи саккизтагина. Бу унчалик ёмон эмас. Илгарилари битта-ям қўйи йўқ эди. Бироқ саккизта дегани бу саккиз юзта дегани эмас-ку. Ҳатто саксонга ҳам эмас...

– Сен, Булган, Кўкачани билмайсан. У жуда яхши шомон. Ҳамма шунақа дейди. Унинг исми ҳам энди бошқача айтилади – Таб тангри. Айтишларича, у ўзининг оқ отида ҳар кеч осмонга кўтарилар эмиш. Кўкача ўғлимизни даволайди, мана кўрасан! Ўзи қандай, ўғлимиз, тузукми?

– Ухлаяпти. Шомон қачон келар экан?

– Бугун. Мен обога¹ бориб келаман. Анчадан бери бу жойнинг руҳларига қурбонлик қилмовдик. Яна ғазабга келиб ўтиришмасин.

Булган ўтовдан бир бўлак пишлоқ олиб чиқиб берди.

– Аввал қорнингни тўйдириб олсанг бўларди.

– Олдин ўзи еб олиб, кейин руҳларни тўйдирарканми, одам? Гапираве-раркансан-да!

– Овулда нима гаплар?

– Яхши гап йўқ. Хотуннинг одамлари жуда кам қолибди. Қолганларини эса Тарғутой кўрқитаётган эмиш.

– Буларнинг бизга қизиғи йўқ.

– Ҳали номаълум. Бўпти, мен кетдим.

Хучу ялангликка тушди, уни кесиб ўтиб, ўша ердаги унча баланд бўлмаган тепа устига чиқди. Унинг орқасида ҳам худди ғижим наматга ўхшаш ғадир-будур саҳро ястаниб ётарди. Узоқда, деярли, осмон билан бирлашиб кетган мовий рангли Бурхон Холдун тоғи кўриниб турарди. Тепа устида от ёли сингари пишиқ ва қаттиқ чалов – хилгана ва кулранг шувоқ буталари ўсиб ётарди. Бу ерда қадим замонлардан бери сақланиб келаётган тош ва тупроқдан ясалган дўнгалак бўлиб, унинг атрофини беозор ўтлар ва темир-раткилар қоплаб олган эди. Дўнгалакнинг қоқ тепасига қилич ва найза қадалган. Найзанинг сопи йиллар синовларига бардош беролмай чириб кетган, қиличнинг сопи ҳам тиғи ҳам занглаб кетганидан қизғиш тусга кириб қолган.

Хучу қуруқшоқ чаловдан териб, дўнгалак устида олов ёқди. Чалов сушт ёнар, қуюқ тутун устунга ўхшаб осмонга ўрларди. Хучу пишлоқни майдалаб, авайлабгина гулхан устига ташлади. Бошини қўйи солди. У руҳлардан билиб-билмай уларнинг тинчини бузганлиги учун узр сўради; бу ерларда у на амаллари, на сўзлари ва на ўйлари билан ёмонлик қилмай яшашга сўз берди; бу ерларда ҳар доим баланд майсалар ўсишини, булоқ сувлари эса ҳеч қачон тўхтамаслигини сўраб илтижо қилди. Ёниб тугаётган чалов шохчаларини тўғрилар экан, у олов худосига ҳам юзланди: «Галахон, э-ҳе, сен одамларга ёруғлик ва ҳарорат ато этасан, давлат ва бахт берасан, ёвузлиқни йўққа чиқариб, макрларни фош қиласан, инсон тани ва вужудини пок-

¹ **Обо** – қадимги мўғулларнинг руҳларга сиғиниб, олов ёқиб ибодат қилиш учун танлаб олган тепаликлари.



лайсан, сен ўзинг поклик рамзисан, мени ҳам, менинг Булганим ва ўғлим Тойчи Қурини ҳам ўзинг бахтсизликдан асрагин.» Сўрайдиган бошқа ҳеч нарсаси қолмади, шекилли. Унинг турмуши унчалик ҳам ёмон эмас. Есугайга хизмат қилишни бошлаганида ҳатто оти ҳам йўқ эди. Энди бўлса учта оти, саккизта қўйи бор. Ишқилиб, осмон унинг хўжасини ўзи ҳифзу ҳимоясига олсин-да.

Оловни қайтадан тўғрилаб ёндирди-да, энди у Овулун учун ҳам ибодат қилди ва шундан кейингина туриб ўтовига қараб юрди.

Қўкача қош қорайганда келди. Ранги ўчган, терлаганидан сочлари хўл бўлиб кетган Тойчи Қурини кўздан кечиргач, тўрвасидан ой ва қуёш суратлари чизилган чилдирмасини олди. Эгнига ҳар жой-ҳар жойига қўнғироқчалар илинган либосини кийди, ўчоққа қандайдир ўтлардан ташлади. Ўтовни ўткир ва хушбўй ис қоплаб олди.

– Энди, сизлар кетинглар.

Эшик ўрнини яхшилаб ёпди. Бироз ўтиб ичкаридан секин-аста урилаётган чилдирма, паст товушда бир нималар айтаётган шомоннинг овозлари эшитилди. Хучу Қўкача шомон нималар деяётганини эшитгиси келиб, бутун диққатини унинг товушига қаратса ҳам, узуқ-юлуқ сўзлардан бошқа ҳеч нарсани пайқай олмади.

– Ёвузлик руҳи Элйе... қуш тимсолида кўринадан-у... Осмонда парвоз қиласан... Дард ва изтироблар...

Чилдирма зарблари борган сари тезлашиб бориб, резга айланди, шомон ҳам энди гапириш ўрнига сўзларни бақириб айтарди. Чилдирманинг тинимсиз тараклаши ва шомоннинг хирилдоқ овозидан Хучунинг қўнгли беҳузур бўлиб кетди. Бирдан ҳаммаси тиниб қолди. Лекин шомон ҳа деганда эшикни очавермасди. Чиқиб келганида эса, уни таниб олиш қийин бўлди. Қорачиқлари кенгайиб кетган каттакон кўзлари пирпираб, чарақларди.

– Қўйни сўй. Думи оқ қора қўйингни сўй, – деди у.

– Менда унақаси йўқ. Овулун хотиннинг сурувида бунақаси ҳам, бошқачалари ҳам бор. Мен бориб сўраб келаман...

– Сўй деяпман сенга! – сабрсизлик билан унинг гапини бўлди шомон. – Овулун билан мен ўзим гаплашаман.

Шомон қўйнинг жигарини суғуриб олди-да, Тойчи Қурининг шишиб кетган ўнг биқинига боғлади. Бола шомоннинг ҳар бир ҳаракатини хавотир билан кузатиб турарди, йиғламасди ҳам, инграмасди ҳам. Хучу мағрурланиб хаёлидан ўтказди: «Қойилман, азаматим...»

Бироздан кейин шомон жигарни ечиб олди-да, оловга ташлади. Тайчу Қури шу заҳотиёқ уйкуга кетди. Чуқур-чуқур олаётган нафаси бир текис эди.

Ўтга ташланган жигардан пишган гўштнинг ҳиди келиб кетди. Хучу йўл-йўл оқ ёғлар оралаган ним пушти ранг гўштга қараб қўйдию, наҳотки шуларнинг ҳаммасини ҳам ўтга ташласа, деб ўйлади. Сабри чидамай сўради:

– Гўштни нима қиласан?

– Гўштни қозонга ташла. Овқатланамиз.

– Булган, катта қозонни олиб кел! – Хучу шодон қичқирди. – Сен яхши шомонсан, Кўкача!

– Мен Таб тангриман, – эринибгина уни тузатиб қўйди шомон.

У қўлини боши остига қўйиб майса устига ёнбошлади, кўзларини осмонга тикиб, ўзи ором ола бошлади. Унинг боши узра чивинлар гўнғиллар, оппоқ капалак гутули-чориғи устига келиб қўндию, шу заҳоти кўрқиб яна қанот қоқар экан, шомоннинг оёқ кийимига қанотларидан оппоқ чанг тўкиб кетди.

– Сезишимча, даволаш осон иш эмас экан, – деди Хучу шомонга қайишган бўлиб. Бир зум ўйлаб туриб қўшимча қилди: – истасанг, сенга битта қўй бераман.

Билдирмайгина хўрсиниб қўйди. Қўйдан ажрагиси йўқ эди.

– Қўйингни нима қиламан? Мен қушдай яшайман.

– Шунақа оғир иш қилдинг-ку, ҳеч нарса олмайсанми? Йўқ, сен қўйни олгин! – Шомоннинг қўйдан воз кечганлиги Хучуни қувонтириб юборди ва у энди ўзига ўзи сахий кўрингиси келиб кетаётганидан шундай деди.

Таб тангри Хучуга бошини ўгирди, уни бошдан оёқ кўздан кечириб чиқиб:

– Ундай бўлса менга отингни бера қолмайсанми? – деди.

– Отимни? – довдиради Хучу.

– Ҳа-да, отингни. Мен ёвуз руҳларни қувиб чиқардим. Ўғлинг узоқ яшайди.

– Аммо отни сенга бериб юборсам, у отсиз қолади-ку.

– Керак эмас отинг, тентак одам! От керак бўлиб қолса, сенга ўхшаган одамлардан сўраб ўтирмайман.

Хучу хотиржам бўлди. Гўштни бўлаклаб қозонга ташлади. Оловга яқинроқ ўтирди. Мазали овқат илинжи, ўғлининг тез даво топиши уни яйратиб юборган ва у шу маҳал буюк, катта нарсалар ҳақида гаплашгиси келиб кетди.

– Қайси руҳлар кўп экан? Ёвузларими ёки хайрихоҳларими? – сўради у.

– Одамларнинг-чи? Уларнинг қандайлари кўпроқ?

Бу ҳақда у ҳеч қачон ўйламаган экан.

– Билмасам, – деди шомон, бироз ўйланиб, фикрини билдирди:

– Ёвузлари унчалик кўп эмас. Аммо битта ёмон одам юзлаб, минглаб яхши одамларнинг ҳаётини чиппакка чиқариб юбориши мумкин, – деди Таб тангри.

Хучу Тарғутой ҳақида ўйлаб кетди. Бунақаси истаганча одамни бахтиқаро қилиши мумкин.

– Тўғри! – деди Хучу хўрсиниб. – Қанчалик тўғри гапираётганингни биласанми, Таб тангри? Қандай қилиб одам шунақалардан ўзини ҳимоя қилиш мумкин?

– Ёвуз руҳлар ҳам, ёвуз одамлар ҳам бир нарсага ишонишади – кучларига. Шунқорнинг ўлжаси ўрдакчалар бўлиши мумкин, аммо эркак ўрдак эмас.

Улар ўтовнинг ичида овқатланишди. Таб тангри оз-оздан ерди. Бир қозон пишган гўшт турганида қандай қилиб одам кичкинагина гўшт бўлаги



билан қаноатланиши мумкинлигига Хучунинг ақли етмасди. Унинг ўзи шошилиб овқатланар, суякларни тозалаб чайнар, ичидаги илигигача сўриб оларди. Дам олиб, дам олиб, суҳбат орасида у қоқ тунгача тинмай ейиши мумкин эди. Бироқ, зиёфат кутилмаганда узилиб қолди. Ўтов олдига уч чавандоз от чоптириб келди. Улар отдан тушмасдан Хучуни ташқарига чақирди. У чиқиб, остонада тўхтади.

– Яхши одамлар бўлсангиз, ичкари киринглар. Қозонимда лик тўла гўшт. Улар такаллуф учун миннатдорлик ҳам билдиришмади.

– Сен кимнинг чўпонисан?

– Мен Есугай баҳодирнинг бевасига қарашли подани боқаман.

– Эрталаб туриб, кўчингни йиғиштир-да, Ўнўн бўйлаб пастга қараб юр.

Сен энди Тарғутой Қирилдуқнинг чўпонисан.

– Кўйлар-чи?

– Э, калласи йўқ! Илгари Есугайга тегишли бўлган ҳамма нарсани олиб, унга от ва аскарлар бериб турган нўёнларга қайтаряпмиз.

– Хўп, аммо ҳеч ким унга қўй бермаган, – деди Хучу. – Бу қўйларни у тарлар нутуғларидан ҳайдаб келган.

– Маҳмадоналик қилма! – деб бақирди отлиқларнинг бири.

– Сол, уни! – ғазабга олди наригиси.

Учинчиси индамай қамчиси билан Хучунинг елкасига туширди. Зарба унчалик қаттиқ чиқмадию, аммо у яна бир қамчи тушиб қолишидан қўрқиб, оҳ-воҳлаб, орқага тисарилди.

Ўтовдан Таб тангри отилиб чиқди-да, секингина:

– Йўқолларинг бу ердан, сассиқ каламушлар! – деди.

Хучуни қамчилаган отлиқ яна қамчисини тепага кўтарган эди, ўртоқларидан бири унинг қўлини туширтириб, огоҳлантирди:

– Бу шомон!

– Сизлар кимнинг одамларисиз? – сўради Таб тангри.

– Тарғутойнинг. Биз унинг буйруғини бажаряпмиз.

– Кетинглар.

Улар кетишди. Биттаси орқасига ўгирилиб:

– Биз эртага яна қайтамиз. Билиб ол, чўпон, эрталабга тайёр бўлиб тур.

Буйруқни бажармасанг, калтакланасан, – деди.

Таб тангри шу заҳотиёқ отини эгарлашга тушди.

– Овулга кетяпсанми? – сўради Хучу. – Мен ҳам бораман.

Тун қоронғисида улар овулга етиб бориб, Овулунни уйғотишди. Улар нима гапиришган бўлса, Овулун ҳаммасини хотиржамлик билан эшитди, ҳайрон ҳам бўлмади.

– Бор, отанг билан бобонгни чақириб кел, – деди у Таб тангрига. Сенчи, Хучу, ўтовларни айланиб чиқиб, эркакларни бошлаб кел. Кейин бошқа отни эгарлагин-да, атрофдаги овулларга ҳам бориб кел. Эрталабга ҳамма эркаклар шу ерда тайёр туришсин.

Туннинг қолган қисмини Хучу овулма-овул от суриб ўтказди. Қайтиб келганида тонг ёришган, қуёш кўтарилган эди. Овулуннинг ўтови олди-



да одамлар тўпланиб туришарди. Барча хоҳловчиларга қурол тарқатилди. Хучу ҳам қилич, найза ва камон олди. Одамлар хавотирга тушиб, бир нималарни гаплашишар, энди нима бўлиши ҳақида тахминлар қилишарди. Ўтовдан Менглик, Чархи ака ва Овулунлар чиқиб келишди. Овулун тинчиб қолган одамларни кўздан кечирди.

– Есугайнинг навкарлари, аскарлари ва чўпонлари! – деди Овулун, – сиз ҳамма вақт душманларимизга қарши мардона жанг қилиб келгансиз. Энди Есугай йўқ ва баъзи одамлар бизни бутунлай ҳимоясиз, шунинг учун бемалол зўравонлик қилса бўлади, Унинг етим фарзандларини бемалол талаш мумкин, деб ўйлашмоқда. Ахир биз кўркувга тушган қўйлар подаси эмасмиз, талончиларга индамай қараб турмаймиз. Мен ўзим сизлар билан ёнма-ён жанг қиламан... – У ўгирилиб, Менглик кўтариб турган учта кўтоснинг думлари илинган туғга қаради. – Бирон марта ҳам қўлдан тушмаган Есугайнинг байроғи номуссиз талончиларни енгишимизда бизга мададкор бўлади.

Ўтовдан бир қўлида товоқча кўтарган Таб тангри чиқиб келди. У идишга аллақандай дуолар ўқиб, ичидагини туғга пуркаб сепди. Шу билан ҳамма отини чоптириб кетди. Тунни ухламай ўтказгани, ҳам чарчоқ, ҳам тонгги изғирин боис, Хучунинг баданини енгил титроқ босди. Аммо ҳозир унга иссиқ ўринга кириб ётишни буюришганида, у асло кўнмаган бўларди. У яна ўзини жангчидай ҳис қилди. Оғир қиличи белбоғини пастга қараб тортиб турар ва бундан у ўзини жуда эътиборли кишидай ҳис қиларди. Хучу бекасининг яқинида от чоптириб борар экан, гўё Овулун ўзининг синглисидай, ич-ичидан ғурурланиб борарди. Овулуннинг нозик қўллари жиловни маҳкам тутиб борар, белида калтагина қайрилма қилич, беваларча қалпоғи пешанасига тортиб бостирилган. Унинг юзини қаритиб турган ажинларини айтмаса Овулунни ёш аскар деб ўйлаш мумкин эди.

Кун ярмига етганда узоқдан чанг-тўзон кўринди. Овулун от жиловини тортди. Сал ўтиб, маълум бўлдики, тўзон кўтарган ўзларининг қўй подалари ва от уюрлари экан. Уларнинг кетидан юк ортилган отлар ва араваларни етаклаб кетаётган чўпонлар, уларнинг оилалари, чор атрофдан эса қуролланган чавандозлар уларни қуршаб кетишарди. Хучунинг юраги тубида бир нима сирқираб кетди. Қаердадир, шуларнинг орасида унинг аёли – Булгани, касал ўғли Тойчи Қури, эскигина ўтовию шахсан унинг ўзиники бўлган саккизта қўйи ҳам бўлса керак.

Хавотирни сезган отлиқлар тезликда бир жойга тўпланиб олишди. Овулун одамларини тўхтатди-да, келишувга Чархи аканинг ўзини юборди. Музокаралар жуда қисқа бўлди. Отнинг бўйнига ёнбошлаб олган қария тезда орқага қайтди. У ўнг қўли билан кўкрагини босиб турар, бармоқлари орасидан эса қон силқиб турарди.

– Улар менга найза уришди...

Чол мана шу сўзларнигина айтиб улгурди. Хушидан кетиб ерга ағанаб тушаркан, уни пиёдалар қўлларида ушлаб қолишди. Оломон орасида норози ҳитоблар эшитила бошлади. Овулун қайрилма қиличини қинидан чиқариб боши узра кўтарди.



– Ўз биродарларига қўл кўтарганларга лаънатлар бўлсин!
 – Уларни чопиб ташлаш керак! – дея ҳайқирди Хучу ҳам ўз овозини ўзи танимай.

Ҳайқириқ ва лаънат сўзлари ҳис-туйғуларини қизитиб, ҳаммалари олдинга ёпирилишди. Тарғутой навкарлари шу заҳотиёқ от бошларини буриб чекина бошлаб, йўлакай, нишонга ҳам олиб ўтирмай бир-икки камондан ўқлар узиб қўйишарди. Хучу ҳар дақиқа ўзини қалқон қилишга шай бўлиб, Овулуннинг ёнидан чекинмай борарди. Фавқулудда, визиллаб келган бир ўқ қирсиллаб Хучунинг кўкрагига санчилдию гуллар ва майсалардан ола-була бўлиб ётган ерга ағанади. У тез туриб кетмоқчи бўлди, аммо бошини ҳам кўтаролмади. Шундоққина кўзи олдида от туёғи остида янчилган қизғалдоққа кўзи тушди. Бу Хучунинг кўзлари кўриб қолган сўнгги нарса эди.

IV

Чархи ака билан яна тўрт аскарининг умри эвазига Овулун ўзининг барча одамлари, уюр ва подаларини қайтариб олди. Лекин на унинг ўзи ва на унинг одамлари бундан хурсанд эмасдилар. Биргина тўқнашувда қозонилган ғалаба унча аҳамиятли эмаслиги, Тарғутойнинг ўзини енгиш, уни бундай босқинчиликдан қайтариш эса қўлларидан келмаслигини ҳамма тушунарди. Кучлар асло тенг келмасди.

Тарғутой эса, бошқалар кутганидай, Овулуннинг устига бостириб бормади. Аёл кишига қарши уруш очиш билан ўзини обрўсизлантириб ўтирмади. У бошқача йўл тутди. Одамларини чўлга юборди. Улар пистирмаларда ётишар, дуч келган подаларни ҳайдаб кетишар, қарши чиққан чўпонларни эса, беаёв ўлдиришарди. Эрталаб кўз очган одам шомгача тирик қоладими, йўқми, билмасди. Овулун ҳузурига оқсоқоллар келишди. Улар Овулундан Тарғутой ҳузурига боришни, унга таъзим қилиб, бор-йўғини унинг ихтиёрига топширишни сўрай бошлашди.

– Йўқ, – деди Овулун, – мени унинг ҳузурига қўлу оёқларимни боғлаб олиб боришганида ҳам, ҳеч қачон унга таъзим қилмайман.

Улар кетишгач, Менглик пайдо бўлди. Чархи аканинг ўлиmidан сўнг, унинг ўғли унга энг асосий мадор, таянч бўлиб қолган эди. Ҳамма ишни у билан келишиб қилар, улусни Менглик бошқарарди. Бу сафар, у остонадан кирар-кирмас, айбдорларча бошини қуйи солди.

– Мен кўчишим керак, Овулун. Кўчмасам, ўлдиришади. Менинг эса болаларим бор. Еттита.

– Меникилар бола эмас, итваччалар-а?! – ғазабланди Овулун.

Менгликнинг боши баттар эгилди.

– Мен хиёнаткор эмасман, Овулун. Меникига Олтон келиб кетди. Уни Тарғутой жўнатибди.

– Яна қандай Олтон?

– Хутуланинг ўғли, Есугай баҳодирнинг амакиваччаси.

– Ҳамма қариндошларимиз ўша ёққа ўтиб кетишди! Сендан хафа бўлма-са ҳам бўлади!

– У менга айтдики, Овулун, ўнта одаминг қолса ҳам, Тарғутой тинчимас эмиш. Мен мана шу остонангда ўлишга ҳам тайёрман, аммо бундан нима фойда? Ҳаммамиз учун менинг тирик қолганим яхши эмасми?

У ақлан Менгликнинг ҳақлигини тушуниб турарди: қояни мушт билан майдалайман десанг, қўлдан ажраласан. Аммо, янги туғилган бузоқ-чалардай нотавон, таланган етимчалари билан ёлғиз қолишни ўйласа... Қалбан Овулун бу билан келишолмасди. У юз ўгирган одамдай, қуруқ овозда деди:

– Кетавер. Бошқаларга ҳам етказ: ҳеч кимни ушлаб турмайман.

Менглик бошини ҳам қилиб юрди, эшик олдига етгач, тўхтади.

– Ҳамма кетиб қолади, қандай қилиб кун кўрасан?

– Ўлмайман. Чўлларда тентираган бўрига айланаман, тунлари учадиган бойкуш бўламан, аммо болаларимни оёққа кўяман. Улар Тарғутойнинг адабини бериб қўйишади! Етимларнинг кўз ёшларини қони билан тўлайди.

Менгликнинг кетидан Есугайнинг бошқа навкарлари ҳам кўчларини кўтаришди. Овулун билан бир нечта ёлғиз аёлларгина қолишди. Аммо Тарғутойнинг одамлари уларни ҳам бошлаб кетишди. Овулуннинг ўтовини ағдар-тўнтар қилиб қўлга илинарли нима бўлса, ҳаммасини олиб кетишди. Қароқчилар мол-қолларнинг биронтасини ҳам қолдирмай, кула-кула ўнўн бўйлаб пастга ҳайдаб кетишди. Фақат кичкинагина тойчаси билан битта чўлоқ бия ва тук ташлаган бир сигирни ташлаб кетишди. Ўшани ҳам раҳмлари келганидан эмас, балки Овулунни мазах қилганлари учун.

Яқинда одамлар билан гавжум бўлган каттагина овул ўрнида, бир ғилдираги синиқ арава ёнида турган оқ кигизли ёлғиз ўтов қолди, холос. Овулуннинг бор давлати ҳам шу арава эди. Хоахчин қўллари билан юзларини беркитиб олиб йиғлар, нолон товушда минғирларди:

– Дод-ей... Одамлар бунча ёмон! Нимага осмон бунақа одамларга жи-и-м қараб тураркин!

Овулуннинг катта ўғиллари Темучин, Жўчи Хасар ва Белгитойлар худди бирор хавфдан қўрққан, қанот чиқармаган қушчаларга ўхшаб бир-бирларига суяниб олишганча ўтиришарди. Фақат ҳеч нарсага ақли етмайдиган кичкинтой Хачиун ва Тамуға отчигинларгина чопқиллаб юришар, яқингинада адл турган ўтовлардан қолган, наMATларнинг остида қуёш кўрмаганидан рангпар ва ер бағирлаб ўсган ўтлар устида ўйнаб юриб, бирон-бир арзимаган нимарсани топиб олганларидан хурсанд бўлиб сакрашарди.

Алам, тушкунлик ва ёлғизликдан эзилган она-болалар ҳар дақиқа бошларини туёқлар топтаган ерга уриб ташлашга ҳам тайёр эдилар. Овулун ҳали ҳеч қачон бунчалик ёлғизланиб қолмаган, қийналмаган эди. У Есугай уни ўғирлаб кетганда ночор аҳволда қолгани ва ўшандаги изтиробларини эслади. Аммо ўша азобларини ҳозирги фалокат билан тенглаштириб бўлармиди? У пайтда у ўлишга ҳам тайёр эди. Энди бўлса ўлолмади ҳам, болалари нима бўлади?



– Она, улар нимага бунақа қилишди? – сўради Темучин. – Биз уларга нима ёмонлик қилдик?

– Мен ҳеч кимга ёмонлик қилганим йўқ. Сизлар эса, бировга зиён келтирадиган ёшда эмассизлар.

– Отамиз-чи? – суриштиришда давом этди Темучин.

– Кўпчилик унга ҳасад қиларди. Ҳасад эса зулми пайдо қилади. Золимлар эса, ким учраса ўшанга ёмонлик қилиб кетаверадилар.

Темучин бошқа ҳеч нарса сўрамади. У қаттиқ ўйга ботган эди. Жўчи Хасар эса аравага ёнини ишқаётган чўлоқ бияга қараб туриб, лаблари титради.

– Энди қандай от минамиз?

– Энди борадиган жойимиз ҳам йўқ, – хўрсинди Овулун. Сахрога узоқ тикилди: на одам, на қуш ва на бирор ҳайвон кўринмайди.

– Эрталаблари ким сут олиб келади? – шошинқираб сўради Белгитой. У мазали таомларни хуш кўрадиганлардан эди.

Ҳамма ўзини қизиқтирган нарсаси ҳақида ўйларди. Лекин буларнинг барчаси биттагина Овулуннинг зиммасида эди. Қандай яшайди? Болаларни нима билан тўйдиради? Егуликлари эртагаям етмайди. Қиличини ялағочлаб қиш келса-чи?

У эрталаб азонда турди. Хоахчин ҳам уйғоқ экан, у бошини қўлларига тираб, совий бошлаган ўчоққа тикилиб ўтирарди.

– Улиб кетамиз, фужин (хоним), ҳаммамиз ўлиб кетамиз.

– Бундай дея кўрма! – Овулун бу гапини шунчалик бақириб айтдики, Темучин бошини кўтарди. Уйғотиб юбордим, ёки унинг ҳам уйқуси қочганмикин?

– Турақол, ўғлим. Хасарни ҳам турғиз.

– Нимага?

– Егулик қидирамиз. Биз энди кўрсичқонларга ўхшаб, ўт еймиз.

Тўртовлон чўлга чиқишди. Жўчи Хасар уйқуга тўймаган кўзларини ишқаб борар, қаерга ва нимага кетишаётганини тушунмасди. Темучин унга алланималарни жаҳл билан уқтирарди. Хоахчин қўлига чиптадан тўқилган сават, Овулун эса қоп кўтариб кетарди. Унон бўйига тушиб боришди. Бу ерда баланд ўтлар ўсиб ётган яйловлар бор эди. Ҳали шудринг тарқаманидан, улар бир зумдаёқ белларигача ҳўл бўлиб кетишди. Овулун ўтлар орасидан баланд поялари учида тўқ пушти рангли гуллари бўлган ўсимликни топди.

– Бу судун. Унинг илдизларини еса бўлади. – У қоп ичидан пичоқ ва ярми йўқ қилични чиқарди. – Кавлаб оламиз.

Судуннинг илдизи йўғон бўлиб, ер юзасига яқин бўларкан. Овулун уни суғуриб олди-да, бир силкиб ташлаб, саватга солди.

– Найзани олиб олсак бўларкан. У билан кавлаш осон, – деди Темучин.

– Кейинги гал найзани ҳам олволамиз. Сен тўғри топдинг. Эркаксан-да!

Темучин мақтовни тўғри қабул қилди. У илдиздан бир бўлак синдириб олди-да, ҳўл ўтларга ишқаб тозалаган бўлдию бир тишлади. Чайнаб кўриб, афтини буриштирди. Аммо ҳеч нима демади.

Ҳамма яйловга тарқаб кетди. Ер нам бўлгани учун илдизлар осон суғурилари. Ҳадемай анчагина егулик тўплаб қўйишди. Уларни Ўнон сувларида яхшилаб ювиб олгач, ўтовга қайтишди.

Илдизлардан нордон ва елимшак бир қайнатма тайёрлашди. Овқат қозонда қайнаётган пайтда бир неча бор келиб томоша қилиб, чуқур нафас олиб уни ҳидлаб кетган Ҳачиун ва Тамуға отчигин, егулик сузилиб ундан бир-икки луқма еб кўргач, иккалови ҳам хиқиллай бошлашди.

– Бас қилларинг! – дея уларга бақирган бўлди Овулун. – Бундан бошқа ҳеч нарсамиз йўқ ва бўлмайди ҳам. Еларинг ва бунинг учун кимга раҳмат айтиш кераклиги эсларингда турсин.

– Биз раҳмат айтамиз, она! – ваъда қилди Темучин. – Сенлар бўлса, укажонларим, билиб олларинг, қайси биринг хиқилласанг, гарданингга тушираман. Борини ейсанлар. Кейинроқ ширин илдизлардан ҳам топиб келамиз. Худди асаларининг болига ўхшаган ширин илдизлардан топамиз. Мен уларнинг қаерда ўсишини биламан.

– Яна сарана илдизпоясидан ҳам териб келамиз, – деди Овулун. – Пиёз, кўзиқорин ва мевалар ҳам терамиз.

Шу кундан бошлаб, Овулун ҳар куни уччала катта ўғиллари билан илдиз кавлаш, кўзиқорин ва шумурт меваларидан теришга боришни одат қилди.

Хоахчин эса буларнинг ҳаммасини жой-жойига қўйишни эплаштирарди: баъзиларини кесиб қуритарди, баъзиларини майдалаб, талқон қилиб ғамлаб кўярди. Улар қишга етарлик егулик ғамлаб олишга шошилишарди. Секин-аста Хоахчин ҳам илдизлардан жуда ширин бўлмаса-да, ҳар қалай, маза-ли ва тўйимли овқат тайёрлашни ўрганиб олди. У анча ўзига келиб, чехраси очилиб қолган, энди ўлиб кетиш ҳақида оғиз очмай қўйган эди. Бир пайтлар укасини ўз ватанига жўнатиб юборганига пушаймон қиларди.

– Ҳо катта бўлиб қолгандир. Ёнимда бўлса ёрдам бериб юрарди. У ёқда қандай яшаётганикин, билмадим.

Энди яшаб кетишларига Овулуннинг ҳам ишончи комил эди. Фақат ўғиллари катта бўлиб олишса, оёққа туриб олишса бўлгани.

Қиш оғир келди. Чўл қорларини осмону фалакка кўтарган бўронлар кутурган, якка-ёлғиз турган ўтовни ҳам учуриб кетгудай бўлиб, ваҳима билан тиргаklarини қирсиллатар, гўеки кўрқув руҳи – Гулчин ғазабга олаётгандай бўларди. Тўйиб овқат емаганларидан болалар ҳам озиб, нимжонлашиб кетган, ўйин-кулгига ҳам хушлари йўқ, пўстинларига ўралиб олганча, ўчоқ яқинида ўтиришгани-ўтиришган эди. Темучиннинг бўйи чўзилиб, сал бесўнақайлашиб қолган, озғин юзидаги кулранг кўзларида хавотир аралаш қайғу бор эди.

Овулун сўнгги чораларга қўл ура бошлади. Чўлоқ бияни сўйдирди. Шундан сал ўтмай, куппа-кундузи, ҳамманинг кўз ўнгида, бўрилар сигирни ҳам чавақлаб ташлашди. Ҳаммалари бир бўлиб ёпирилиб, молнинг гўштини сақлаб қолишди. Энди баҳоргача овқатнинг ташвишини қилмаса ҳам бўларди. Аммо бу қарғиш теккан жойлардан кўчишдан ҳам умидларини узишди.



Тойчани эртаю кеч ўтов эшиги олдида боғлоғлиқ ҳолда сақлашди. Оч бўрилар тез-тез ўтов атрофида санқиб қолишар, ҳар хил овозларда увиллаб, тун қоронғисида кўзларидан ўт чақнатиб ваҳима солишарди. Тойчоқ даҳшатдан кишнар, туёқлари билан музлаган ерни депсирди. Темучин синиқ қиличи билан бўш қозонни уриб тўполон кўтарар, шунда бўрилар истамайгина чекинишардию аммо бироздан сўнг яна қайтиб келишарди. Бир сафар Темучин аламдан қозонни улоқтирди-да, синиқ қиличини ҳавода серпаб, тун кўйнига кириб кетди. Овулун унинг изидан бориб, қоқила-суқила унга етиб олди, маҳкам кучоқлаб олди-да:

– Сен ақлдан озибсан, ўғлим! – деди.

– Бошқа чидолмайман! Уларни кўрарга кўзим йўқ!

– Тинчлан. Яқинда баҳор келади. Кунлар исиса, бир амаллаб одамлар бор жойларга кўчиб кетамиз.

– Одамлар? Одамлар йўқ. Ҳеч ким йўқ. Бу ерда биздан бошқа, яна ҳаммамизни ғажиб ташлашга тайёр бўрилардан бошқа ҳеч ким йўқ.

Ярим йилдан бери биронта ҳам одамни кўришгани йўқ. Баъзан Овулуннинг ўзига ҳам бу қор босган чўлда уларнинг ўзларию, йиртқишлардан бошқа ҳеч жонзот йўқдай туюлиб кетарди.

Кунлар исиши билан бўрилар даф бўлишди. Энди кундузлари тойчоқни ўтлашга кўйиб юборишарди. У қори эриган ерларда ўтган йилги ўтларни чимдиб ер, Жўчи Хасар эса унинг изидан қолмасди.

Қиш изғиринлари дўнгалак ва харгана буталари атрофида тўпланган қор уюмлари эриб, қирсиллаб чўка бошлаган мана шундай кунларнинг бирида, Хасар ўтлоқдан югуриб келди.

– Биз тарафга кимдир келяпти! – деб қичқирди. У шодликдан ўйноқлар, гутулидан лой парчалари отиларди. Ўтов ичидагиларнинг ҳаммаси отилиб чиқишди. Улар томонга ортидан тўртта отни эргаштириб Менглик от йўрттириб келарди. Болаларнинг ҳаммасини кўздан кечириб чиққач, Менглик тинчланиб,

– Ҳамманглар соғ-саломат экансизлар! Овулун, сенга хайрихоҳ руҳларга шарафлар бўлсин! Мен аввалроқ келишнинг иложини қилолмадим. Тарғутой Қирилдуқнинг одамлари мени кўз узмай кузатиб туришди. Бу отлар сизларники. Мен уларни нўённинг сурувидан олиб келяпман.

– Ўғирладингми? – сўради Темучин.

– Шунақа бўлақолсин, – кўнақолди Менглик.

– Мен ўғирланган от минаманми? Мен-а, Есугайнинг ўғли-я? – Темучин қовоғини уйиб олди.

Хасар билан Белгуттой бўлса, отларни ечиб, яйловга олиб кетишди. Ўғлининг ноўрин керилишидан ўнғайсиз аҳволга тушган Овулун шоша-пиша Менгликни ўтовга таклиф қилди. Ичкарида Хоахчин овқатга уннай бошлаган эди.

– Сизлар Бурхон-холдун этакларига кўчинглар, – деди Менглик овқат устида. – У ерга одамлар кам боради, бежавотир жойлар.

– Яна ёлғиз яшаймизми? – сўради Темучин.

– Мен сизларга яқинроқдан жой қилишга ҳаракат қиламан. Ўз чорвамдан бир оз ажратиб бераман. Тўқ яшайсизлар. Тарғутойнинг ҳозир сизлар билан иши йўқ. У Тўғул билан тўқнашиб қолди. Сача беки билан Олтон ундан ажралиб чиқишди.

– Яхши иш бўпти, – хурсанд бўлди Овулун.

– Билолмадим, – деди Менглик ўйчанлик билан. – Нима яхшию нима ёмонлигини бирдан тушунолмайсан ҳам. Урушишга келганда нўёнлару, йиғлашга келганда биз. Одил бошлиқ йўқ бўлгандан кейин тартиб ҳам бўлмайди, хотиржамлик ҳам. Отларни бўлса, Темучин, ўғирлаганим йўқ. Мен аслида сизларга тегишли бўлган мол-давлатнинг кичкинагина бир қисмини олдим, холос.

Темучиннинг гаплари Менгликка таъсир қилгани кўриниб турарди.

– Катталар бир нима деганда эшитишни ўрган. Ўғирладинг эмиш, – деди Овулун.

– Нима, шунақамасми? – тажанглик қилди Темучин. – Ҳаммасини қайтариб беришга Тарғутойни мажбур қилиш керак. Ўшанда бошқача гап бўлади. Менглик кулди.

– Ақллигини қара! Бўлмасам, мажбур қил! Сен Есугайнинг ўғлисан-ку!

– Ҳа, мен Есугайнинг ўғлиман! Мажбур қиламан ҳам.

– Юз-кўзингдан дадил йигит экансан. Аммо бунақа ишлар ҳақида ўйлашга сенга ҳали эрта. Биргина дадил бўлишнинг ўзи камлик қилади, Темучин. Биласанми, сенинг отангни нима учун ҳурмат қилишарди, унинг кучи ни мада эди?

– Отам баҳодир эди.

– Фақат шунинг учун эмас. У ҳамманинг корига ярарди. Қиличи билан улусига тинчлик келтирган.

– Ундай бўлса отамнинг изини босаман.

– Осмон сенга мададкор бўлсин! Ҳозирча эса, кел, нима билан қорин тўй-ғазишни ўйлайлик.

Менглик тўрвасидан балиқ ови учун тўр, темир қармоқлар ва от думидан қилинган қармоқ ипларини чиқарди.

– Бу сенга, Темучин. Балиқ овлайсан.

V

Чжунду – пойтахт узра қуёш кўтариларди. Император саройининг икки бўғинли ва ибодатхоналарнинг учлари кўтарилган кўп бўғинли сопол томи, новлари, олтин суви юритилган гумбазлари ва деразаларнинг кумушранг кесакиларида нур ярақлаб кетди. Уста боғбонлар яратган қўлбола шаршара ва қўллар атрофидаги бахмал хиёбонлар, чаманзорлар устидан пуштиранг туман кўтариларди.

Шаҳар девори устидан довуллар овози эшитилиши билан шаҳар дарвозалари устига қурилган аркалар остидан атроф қишлоқлар аҳолиси, Цзин империясига қарашли вилоятлар, чекка ўлкалардан келган амалдорлар



кириб кела бошлашди. Деҳқонларнинг баъзилари эшак, хачир, буқаларга миниб олган, баъзилари эса пиёда, елкаларига ортмоқлаган маҳсулотлари, сабзовоту мевалар, ун ва дуккаклиларни пойтахт бозорларига тезроқ етказиш учун шошиларди. Ёштин ва гувала деворлардан иборат тор кўчаларда сарғимтир чанг кўтарилди бошлади.

Мана шу оломон оқимида елкасига ортилган сопол хумчалар, товоқчалар ва ликоплар оғирлигидан бели букчайганича Хо ҳам борарди. Остига кигиз қўйилиб, оддий матодан ясалган пойабзали чанг босиб кетганди. Димоғига кириб борган чангдан бир аксирди-да, елкасини ўйиб юбораёзган саватини яна тўғрилаб, қадамини тезлаштирди. Тез орада ёштин деворлар йўқолиб, у кенггина бозор майдонига чиқиб олди. Атрофда шаҳарлик савдогарларнинг расталари, хунармандлар устахоналари ва емакхоналар зич жойлашган.

Хо бир раста олдидан бўш жой топиб, сопол идишларини жойлади. Ўзи эса тескари ўгирилган савати устига ўтирди. Ёнидаги растадан бошини чиқариб қараган сотувчи Хонинг сополларига масхаромуз кулиб қаради-да, пештахтасига тоза чинни идишларни тера бошлади. Бекорга шу жойни танлабман, деб ўйлади Хо. Чиннифурушнинг нозиклигидан орқаси кўриниб турадиган сутдай оппоқ ёки тўқ қизил рангдаги ёрқин, ёки анави хумдон оловининг мовий алангасини эслатувчи зангори чинни идишлари ёнида унинг сопол идишлари жуда ҳам ғариб кўринарди.

Хонинг идишлари, шубҳасиз, чинниларнинг нафосати билан асло рақобатлаша олмасди. Аммо шунинг орқасидан Хонинг эгни бут, қорни тўқ эди. У мўғуллар саҳросидан уйига қайтиб келганида отаси аллақачон ўлиб кетган экан. Шаҳар четдаги мерос гувалали фанза¹ миҳлаб ташланган, деразаларга тортилган қоғозлар йиртилиб, палахса-палахса бўлиб осилиб ётарди. Хонадаги печканинг шундоқ ёнида ахлат уюлиб ётар, унинг устида сичқонлар қувалашиб юрарди, иккинчи ярми ётоқ ўрни эса қалин чанг билан қопланган, ҳамма ёқда чумчуқ излари. Аждодлар рўйхати ёзилган жадвал тепасига қалдирғочлар уя қурган. Отасининг кулолчилик асбобларидан ҳеч нарса қолмаган, печнинг ҳам ярми нураб ётибди. Нима қилиш керак? Қандай яшасин? Қўшнилар унга бирор-бир бадавлат одамга хизматкор бўлиб ёлланишни маслаҳат қилишди. Лекин унинг ота касбини осонликча йиғиштириб қўйгиси йўқ эди. Мўғул отини сотиб, керакли асбоб-анжомлар олди, печни таъмирлади, фанзани тартибга келтирди.

Ўзи мустақил иш бошлашидан аввал, отасининг исми-шарифи, туғилган ва вафот этган санаси битилган жадвал буюрттирди. Уни санам устига илди. Ўтганлар руҳига ҳурматсизлик – кишига кўпгина бахтсизликлар ва жудаликлар келтириши мумкин, деб ишонган Хо отаси руҳига атаб шароб ва энг лаззатли егуликлардан эҳсон қилди.

Хо ҳолдан тойгунча ишларди. Жўнгина сопол идишларидан олган даромади унинг еб ичиши ва кийиниши учун етарди, холос. Лекин у кундалик

¹ Фанза – Хитойда камбағаллар яшайдиган уй.

нафсини қондиришнигина ўйламасди. Кўпроқ пул жамғариб, бозори чаққон моллар билан чўлга савдо билан борсам, даромадимни янаям кўпайтирсам деган ниятда эди. Сахрога у темир ва мис идишлар, ип ва ипак матолар олиб бориб, у ердан жун, тери ва от олиб келишни кўзларди. Хоахчинни ҳам ўзи билан олиб қайтиши мумкин бўларди.

Қуёш тиккага кўтарилиб борарди. Хонинг савдоси суст эди. Ўйлаганидек, кўзни қамаштирувчи чиннилар жилоси унинг камтарона сопол идишлари устига қопланган сирни бўғиб қўйди. Бироқ чиннининг харидори кўп эмасди. Томоша қилишардию кетишарди. Мана шунақанги томошабинлар орасига яна уч киши келиб қўшилди. Уларнинг офтобда қорайиб кетган юзлари, чаккаларидаги кокиллари кўриб, Хо ҳаяжонланиб кетди: мўғуллар!

Улар қаттиқ тирноқлари билан чинниларнинг четларига чертиб кўришар ва ундан чиқаётган жарангдан завқланишарди. Улардан бири, семиз мўғул чиннининг биттаси неча пул туришини сўради. Бегона тилни тушунмаган савдогар бўлса:

– Бунақа чиннини бошқа ҳеч ерда тополмайсиз! Фақат менда бор! – деб такрорлайверарди.

– Идиш неча пул туради, деб сўраяпти, – деди Хо. – Сен сахройилар тилини биласанми? – севиниб кетди чиннифуруш. – Менга ёрдамлашиб юборсанг, сени хурсанд қиламан.

Хо таржима қила бошлади. Аммо ўз тилларида гапираётган хитойликни кўргач, мўғулларнинг чинни билан ишлари бўлмай қолди. Хонинг олдига келиб, кимлигини, кўчманчими-йўқлигини суриштира кетишди. Тойчуютлар қўлида асир бўлгани, Есугайга хизмат қилгани ҳақида ҳикоя қилганида мўғуллар бир-бирларига қараб олишди.

– Ўзларингиз қаердансизлар? – сўради Хо.

– Биз татар уруғиданмиз. – Ёши каттароғи найзаси учи билан сопол хумчани туртиб кўриб, жавоб берди. – Сенинг Есугайинг бўлса, аллақачон ўлиб кетган.

– Нега? Ўлдиришдимиз?

– Йўқ, ўлдиришгани йўқ. У ер юзида шунчалик кўп қахрамонликлар қилдики, осмон уни ўзига чақириб олди. – Ёши каттароғи мийиғида кулди, қолган иккитаси эса хохолаб кулиб юборишди.

Улар кетишди. Чиннифуруш дўконидан мўралаб, унга муштини ўқталиб қўйди.

– Сен уларни савдодан қайтардинг! Йўқол бу ердан, ялангоёк!

Хонинг у билан баҳслашгиси йўқ эди. Тасодифий бу учрашув уни жунбушга келтириб юборганди. У шувоқ исини, сувлоққа қараб чопаётган отлар дупурини, чўл устидаги баланд осмонни, қадрдон опасининг овозини, ўзбошимча Темучиннинг уни қўйиб юборгиси келмай қилган хархашасини эслаб кетди. Нимагаям кетди-я?

– Тур! – дағал овоздаги бақирик уни ўзига келтирди, Хо бошини кўтарди.



Унинг тепасида калта найзалар кўтариб олган иккита кўриқчи турарди. Яна бири, қуролсиз-у аммо ҳарбийча белбоғлиси, ўзининг суякдор қўллари билан унинг елкасига ёпишди.

– Нима гап?

– Кетимиздан юр. Фақат шовқин солма.

– Нимага энди? – Хо ҳеч нимани тушунмасди.

Кўриқчилар уни икки қўлтиғидан олиб, бир силтаб ўрнидан турғазиб кўйишди. Хо юлқиниб чиқиб кетмоқчи бўлган эди, оёқ остидаги идишлари қарсиллаб кетди. Белбоғлик киши забардаст мушти билан унинг биқинига яхшилаб туширди. Харидорлар ҳам, сотувчилар ҳам дарров тисарилиб, қизиқиш ва раҳмлари келиб Хога қарашди.

Уни шаҳар марказига олиб келишди. Баланд ғиштин девор ўртасидаги нақшинкор қилиб бўялган торгина дарвоза олдида тўхташди. Белбоғлик киши дарвоза ортида ғойиб бўлди. У тезда қайтиб чиқиб, Хони олдинга бошлади. Девор орқаси каттагина ҳовли экан. Ҳовли тўрида нақшинкор устунли соябон ўрнатилган бино кўринди. Лекин Хони соябон тарафга эмас, чоғроққина эшикдан боққа бошлаб киришди. Рангли япаски тошлар терилган йўлкачадан уни очик шийпонга етаклаб келишди. У ерда гилам устида икки нафар йигит ўтирар, уларнинг олдиларида чой қуйилган чиннилар ва бир чуқур ликопа турли шакллардаги пишириқлар турарди. Думалоқ юзли, калтабақай бармоқли йигит, эгнига бинафшаранг аждарлар сурати тикилган чопон, оёғига эса қўнжи тилла нақшлар билан безатилган этик кийиб олган эди. Иккинчиси эса, одми кийинган, озғин, қошлари туташган эди.

Белбоғлик киши Хонинг қулоғига пишиллади:

– Таъзим қил, ярамас!

Хо тиз чўкди. Йўлканинг тошлари унинг юпқа иштонларидан ўтиб ботар, овоз чиқармасдан инграниб, у тиззасига қулайроқ жой топиш умидида ғимирларди.

– Кимсан? – сўради туташ қошли унинг юзига эгилиб қараб. – Кўчманчилар нима учун сенинг олдинга келишди? Уларга нима керак экан? Сен улар билан илгари ҳам учрашганмисан? Бегоналар тилини қаердан биласан?

Хо қўрқувдан тутила-тутила қандай қилиб чўлга бориб қолгани ва қай йўсин юртига қайтиб келганини гапириб берди.

– Ҳамма гапинг ёлғон! – думалоқюз оёғини силтаган эди, куёш нурида этигининг зарҳал безаклари кўзни олгудек ярақлаб кетди. У туташқошга ўгирилди: – Ҳушаху, бу жосус, исқирт саҳройилар юборган жосус, – деди.

Ҳушаху эҳтиром билан бошини эгди.

– Муҳтарам Юн Цзи, у рост айтяптими ё ёлғон гапираяпти – осонгина аниқлаш мумкин. Мўғуллар элчихонасида кимлар бўлганини биз ёзувлардан билдик.

– Келгиндилар билан нима ҳақда гаплашдинг?

Қўрқувдан тани музлаб, лекин шу лаҳзада берадиган жавобининг қанчалик тўғрилигидан унинг тақдири хал бўлишини тушунган, Хо, биронта ҳам сўзни тушириб қолдирмай, бор гапни оқизмай-томизмай айтиб берди.

– Менимча, у рост айтяпти, – деди Хушаху. – Татарлар билан тойчуютлар азалий душман. У эса, тойчуютлар ичида яшаган. Олиб кетинглар уни ва қамаб қўйинглар.

– Нима учун? Мен айбдор эмасман!

Хушаху тезгина қўл силкиб қўя қолди. Қўриқчилар яна уни қўлтиғидан олиб, боғча йўлакчасидан судраб кетишди. Ичкари ҳовлидан ўтиб, отхона ёнидан ўтишганда, торгина ҳовлида пайдо бўлишди. Белбоғлик киши эшикни очган эди, Хо ўзини тош деворли хонада кўрди. Қулф ғичирлади, ҳамма ёқ сукунатга чўкди. Шифт остидаги тирқичдан нурсизгина ёруғлик сизиб кирарди. Хонанинг ҳавоси оғир эди. Хо бурчакка бориб чўккалади, қуруқшаган лабларини ялаб қўйди. Татарларни ёвуз руҳлар бошлаб келган! Бир неча кунлик меҳнатлари маҳсули бўлган сополларидан ҳам айрилди. Боши омон қоладими, йўқми, бу ҳам ҳали номаълум.

Кун бўйи Хони ҳеч ким безовта қилмади. Сув ҳам, егулик ҳам беришмади. Тирқишдан кўриниб турган нур ҳам сўнди. Хо кулча бўлиб ёнбошлаб олиб, мудрай кетди.

Тўсатдан эшик очилди. Уни қоронғи ҳовлилар, тор йўлаклардан олиб ўтишди. Ниҳоят, шаъмлар билан ёритилган ёп-ёруғ хонага кириб келишди. Ёруғлик локланган шкафлар, хонтахталар ва каттакон чинни вазаларда жилоланарди. Хонада Хушахунинг ўзи ёлғиз эди. У қўриқчиларга чиқиб кетинглар, дегандек ишора қилди. Хо эшик олдида турар, ўзининг кир кийимлари, титиғи чиқиб кетган пойафзалига боқар экан, гулдор остонага қадам босишдан кўрқиб турарди.

– Сен алдамадинг, – деди Хушаху.

– Кетаверсам бўладими? – Хо бошини даст кўтариб сўради.

– Йўқ, сен менга кераксан.

Хушаху уни торгина хужрага етаклаб келди-да, бармоғини лаби устига қўйиб, кулоқ солиб тур, дегандай ишора қилиб, чиқиб кетди. Хужранинг таг қисми нақшинкор панжарали экан. Хо панжарага ёпишиб қараган эди, пастда каттагина хона кўринди. У ерда бояги мўғуллар овқатланиб ўтиришарди. Оқ сочлик татар юмшоқ кулчани ушатиб шошилмай оғзига солар, орасида чойдан ҳўплаб қўярди.

– Буларнинг овқатидан еб, ҳеч қорним тўймаяпти. Егани ўт, ичгани ўт... тфу!

– Ҳоким гуштдан айттирсанг буларкан, – деди унинг ўртоғи қуруқ юзини бужмайтириб. – Ўзи ўт емаса керак, кўрдингми, бақалоқлигини?

– Э, ўша ҳокимингдан ўргилдим... Буларнинг бари зиқна. Ҳамма ёқда ипак, олтин тўлиб ётибдию, шундаям буларга кам. Нима учун биз уларга ўлпон тўлаб ётибмиз?

– Сал секинроқ гапир, – огоҳлантирди юзи тунд, қорасоқол, баҳодир келбатли учинчиси.

– Нимага қўрқасан, мен бу гапимни ҳоким Юн Цзининг ўзига ҳам айтишим мумкин!



– Юзига айтардирсан, аммо шу заҳотиёқ ёғоч эшак устида ўласан, – жаҳл билан унинг сўзини қайтарди қорасоқол. – Тойчуютлар хони Амбахайга ўхшаб. Ўшанда уни бекорга буларга тутиб бердик-да.

– Йўқ, бекоргамас! – қаршилиқ қилди бужмайган. – Тойчуютларни қириб ташлаш керак!

– Бизларнинг тилимиз, одатларимиз бир-у, биз уларни қирамиз, улар бизни. Бундан само ўғли¹ фойдаланиб ётибди. – Оқ сочли хонтахта устидаги охирги кулчани олиб, олдига қўйди. – Кўрдиларингми, ҳокимнинг биз билан қандай гаплашганини? Одатда одам кулларига муомала қилади.

– Императорга йўл топиб, унга шикоят қилиш керак, – деди бужмайган. У чойини ичиб бўлиб, идишни тўнкариб қўйди. – Император буюк ва раҳмдил.

– Шикоят қилишга топган одамингни қараю! Ҳоким Юн Цзи оғзини очиб турадию, унинг тилидан императорнинг гапини эшитаверасан. – Қорасоқол ўрнидан турди.

Хо бурнини темир панжарага ёпиштириб ётарди. Татарлар ухлагани кетишгач, уни яна Хушахунинг ҳузурига олиб келишди. Булган гапларни гапириб бераркан, ҳамма гапни борича айтиб берсам, анавиларга зиён етказиб қўймасмиканман, деб иккиланарди. Аммо Хушаху туташ қошларини салпал қимирлатиб, унинг юзига диққат билан тикилиб тураркан, гўё унинг тутилишини ёки ёлғон гапиришини кутиб тургандек эди. Шунинг учун ҳам Хо бор гапни қандай бўлса, ўшандай етказди.

Гуллар билан безатилган тўсиқ орқасидан амалдорлар кийимидаги қария чиқиб келди.

– Бор гап шуми? – сўради Хушаху қариядан.

– Ҳа. У ҳаммасини эсида сақлаб қолибди.

– Нима ҳам, дердим... – Хушаху нигоҳини Хога тикди. Уни синаётгандай кўз қирини ташлаб, хонада юрди. – Сен менга хизмат қиласан.

VI

Тарғутой Қирилдуқ осилиб тушган биқинларини қашлар экан, тунда кўрган тушини эслашга ҳаракат қиларди. У ёмон туш кўрди. Ҳўп замонлар бўлди-да, ҳатто тушингда ҳам фақат кўнгилсизликларни кўрасан. Тун бўйи унинг бўйинини илонга ҳам, балиқққа ҳам ўхшамас муздек ва шилимшиқ бир нарса бўғиб чиқди. Ҳўл думи билан яланғоч куракларига шاپиллатиб уриб, қулоқларига бир нималарни пичирлади. Нима гаплар эди-я? Икки-учтасини эслаб олса бўлдийди, қолганини шомон эплаштирарди.

Эшик ёпинчиғи ортида навкарлар баланд овозда гаплашишар, хахолашарди. Бу кулги Тарғутой Қирилдуқнинг ғашига тегар, фикрини чалғитарди. Ташвишсиз бекорчилар, текинхўрларнинг кулишини-чи, на ҳурматни ва на иззатни билади булар!

– Ҳўв, санлар!

¹ Само ўғли – Хитой императорининг унвони.

Ўтовга Овчи баҳодир кирди. Ҳамон кулимсираганича у остонада тўхтади. Елкалари кенг, пешанаси тор, қизариб турган чандиғи юзини бадбуруш қилиб ташлаган Овчи баҳодир қўрқмас, садоқатли эдию, аммо ақли унчалик мақтовли эмасди.

– Жуда хурсандсизлар? – чинқирди Тарғутой Қирилдуқ япаски бурни каткаларини кериб. Еб-ичиб, хахолаб юрсаларинг бўлди! Шомон Таб тангри қани? Мен уни кутиб ўтиришим керакми?

– У овулда. Чақирганмиз. Ҳозир келиб қолади. – Овчи баҳодир бўлиб-бўлиб жавоб берар экан, овозида ўпкалаш оҳанг бор эди.

– Оламда нима гаплар? – сўради Тарғутой Қирилдуқ унинг ҳафа бўлганига парво ҳам қилмай.

– Кеча меркитлар йилқини ҳайдаб кетишибди.

– Менинг йилқимними?

– Сенинг йилқингни. Отларни биз қайтариб олиб келдик. Меркитлар қочиб қолишди.

Тарғутой Қирилдуқ пишиллаганича ўйга толди. Янгиликлар ҳам тушлари сингари хунук. Шу чоққача у татарлар ва меркитлар билан келишиб келаётган эди. Унинг асосий ва энг хавfli душмани улар эмас, Есугайнинг андаси, қоройитлар хони Тўғул эди. Наҳот, энди меркитлар билан ҳам тескари бўлиб қолса? Улар ўзаро тил бириктириб олишган бўлса-чи? Унақамасдир. Менимча, бу ишга қўл урганлар қони қайнаган ёшлар бўлса керак...

– Уларни меркитлар деб ким айтди?

– Йилқибоқар Тайчу Қури. Есугайнинг аскари Хучунинг ўғли. Бизнинг одамларнинг қўлида ўлган...

– Ўша йилқичининг кетини яланғочлаб, йигирма таёқ урилсин! Бундан кейин кўзини каттароқ очадиган, қарчиғайни қаргадан фарқлайдиган бўлади. Яна янгиликлар борми? Сача беки билан Ўлтон қаерда?

– Энди улар ҳаммадан алоҳида кўчиб яшашяпти. Уларнинг олдига Некун тойчининг ўғли Хучар тез-тез бориб туради. Есугайнинг жияни...

– Сен нимага бугун менга нукул Есугайнинг отини тиқиштириб қолдинг? Гўёки сен айтмасанг, мен ўзим Хучар кимнинг жияни эканини билмайдигандек! Улардан кўзингни узма. Лекин ҳаддан ошириб юборма. Даритой отчигин-чи?

– Униси ўз овулида жим ўтирибди. Анув... – Овчи чайналди.

– Гапир! – буюрди Тарғутой Қирилдуқ; нима захр бўлса, бирваракай соча қолсин.

– Овулун билан Есугай ўғиллари ўзларини тиклаб олишяпганмиш. Оту қўйлари, бошқа моллари ҳам бормиш.

– Қаердан олишибди?

– Бунисини билмадим. Эшитишимча, болаларнинг каттаси Темучин, номингни булғаб юрганмиш. «Қандоқ ҳурмат қилай?! У босқинчи, фақат қасос оламан!», деган эмиш. Балким, уни ҳам калтаклаш керакмикин? Тили қичигандан кўра, орқасини қашиб юрсинми- а? Овчи баҳодир ўз ҳазилидан завқланиб кулди-да, нўенининг тик қарашидан ўзини ўнглаб олди.



Тарғутой Қирилдуқ яна пишқириб юборди. Бу Овчи баҳодирнинг калласи бўлса, кулмаган бўларди. Унга аллақачон етказишганди: бир қанча овулларда уни, Тарғутой Қирилдуқни, Есугайнинг оиласига шафқатсизлик қилди, деб гапириб юришганмиш. Энди бўлса, Темучин, ақли калта итвачанинг ҳам овози чиқиб қолибди. Унинг пўписалари писанд қилишга арзимайдиган акиллашнинг ўзи. Аммо момақалдироқ пайтида, кичкинагина жилға ҳам каттагина дарёга айланиб кетиши мумкин. Омадинг келмай, омонат турганинда ҳамтовоқлар ҳам топила қолади. Нўёнлар четланадиган бўлиб қолишди, аҳдларида туришмайди. Есугай тириклигида Сача беки билан Ўлтон яхши дўстларим эди, энди бўлса ашаддий ҳасадгўйлар. Ўз-ўзича яшашяпти...

Ўтовга рухсат сўраб ўтирмасдан Таб тангри кириб келди. Таъзим ҳам қилмасдан, тўрга чиқиб, кигиз устига уладаси чиқиб кетган гутули билан чордана қуриб ўтириб олди. Озғин юзли, қирра бурун шомон, тундай қаро кўзларини Тарғутой Қирилдуққа тикди.

– Нимага чақиртирдинг? Тобинг йўқми?

– Осмон мени касалликлардан омон сақлаб турибди. Фол очиб қўйгин. Овчи, сен қўй курагини тайёрлаб қўйдингми? Бор, ташқарида гулхан ёқиб тур.

Овчи баҳодир чиқиб кетди. Таб тангри қимирламади. Тарғутой Қирилдуқ унга тушидан гап очди.

– Эшитишимча, сен, келажакни айтиб бера оларкансан. Айт-чи, кўрган тушларимнинг маъноси нима? Ҳар куни мана шунақа нохуш тушлар кўраман.

– Руҳлар сени огоҳлантиришяпти. Руҳлар, эҳтиёт бўл, дейишмоқда. Улар сендан норози.

– Нимадан экан? Мен хасис бўлмай қурбонликлар қиламан-ку.

– Сен жуда кўп еяпсан. – Таб тангри, ачинганнамо тили билан чолпилла-тиб қўйди. – Сен худди куз пайти семирган айиққа ўхшаб кўпчиб кетгансан. Одамлар ҳақида кам ўйлайсан. Улар бўлса, сенинг аксинг, кўклам сигирига ўхшаб озиб-тўзиб кетишган. Руҳлар буни хушламайди.

Тарғутой Қирилдуқ туриб ўтирди, устидаги кўрпасини олиб ташлади. Калтабақай оёқларидаги сийрак жунлари, шишиб кетганга ўхшаш бўрсилдоқ бармоқлари кўринди. Кигиз устидан юриб келиб, оёқ учи билан шомоннинг гутулларини енгилгина тепиб, чорданасини бузди.

– Шомонман деб, миямга келган нарсани гапираверсам бўлади, деб ўй-лаяпсанми?

– Сен чақиртирдинг – мен келдим. Сен сўрадинг – мен айтдим. Нимага жаҳлинг чиқади? – Таб тангри сал сурилиб ўтирди. – Хоҳласанг, кетаман.

Тарғутой Қирилдуқ чуқур нафас олди. Шу пайтда гутулини олиб, шомоннинг юзига туширгиси келди. Аммо ўзини тутди, ғазабини босди. Шомон руҳлар билан ароқ-чароқ, уларнинг эса ғазабини кўзгамаган маъқул. Бошқалар билан ҳам ташвишлари етарли. Илгарилари у Есугайнинг кучини қирқсам, бас, ҳаммаси мен ўйлагандек кетаверади, деб ўйларди. Аммо

Есугай энди йўқ, унинг ҳамма мол-ҳолини у нўёнлар ва навкарларига улашиб юборди, ҳўш, нимага эришди? Есугайнинг дўстлари ва қариндошлари унга ҳалокат тилаб ётишибди. Унинг очкўзлиги, адолатсизлигини тинмай гапириб ётишибдию, аммо ўзларига қолганда, ўша молни деб, аллақачон бир-бирларининг кекирдаklarини суғуриб олишган бўларди.

Шомон ўрнидан туриб, ростдан ҳам кетишга хезланди. Тарғутой Қирилдуқ минғирлаганча буюрди:

– Мен сени фол кўришга чақиртирдим – фол кўр.

Таб тангри қўйнинг курагини оловда куйдириш учун ташқарига чиқди. Тарғутой Қирилдуқ пишиллаганча оёғига гутулини илди, эгнига ипакли жуббасини кийди-да, кумуш билан безатилган белбоғини қисиб боғлади. Энди шомондан ҳафа эмасди. Шомон, чамаси тўғри гапирди. Ростдан ҳам, жуда бесўнақай семирган. Жуда ҳам кўп вақтини беҳуда зиёфатларда ўтказиб юборди. Сача бекининг ажраб кетгани ҳам шундан эмасмикин? Хомкалла Темучин ҳам балки шунинг учун унга дағдаға қилаётгандир?

Таб тангри жез патнис устида кўмирдай қорайган куракни олиб кирди. Ундан куйган ҳид чиқиб турар, совий бошлаган устухон қирсиллаган товуш чиқарарди. Таб тангри чўккалаб ўтириб, суяк устида ҳосил бўлган ёриқларга тикилди.

– Мана бу икки ёриқни кўряпсанми? Буниси сенинг умринг, буниси эса ажалинг. Улар гоҳ яқинлашиб, гоҳ бир-бирдан узоқлашиб, ёнма-ён кетяпти. Ҳозирча унча кўрқадиган нарса йўқ. Лекин мана бу ёққа қара, борган сари ҳаёт чизиғинг ажал чизиғига яқинлашиб келмоқда. Сени жуда катта синовлар кутиб турибди. Энди мана бу чизиқларга қара, улар жуда кўп. Булар – сен одамларга етказган аламлар ва зулмлар. Бу чизиқларнинг ҳаммаси бир жойда тўпланиб чуқур ёриқни пайдо қилади-да, ҳаёт чизиғини узади. Бу сенинг тамом бўлганинг. Сен ўз ажалинг билан ўлмайсан.

Тарғутой Қирилдуқ кўзини суякдан узди, шомоннинг гапини ҳам эшитмай кўйди. Буларни у шомон фол очмаса ҳам биларди. Етар сусткашлик! У аламзадаларнинг бирлашишига йўл қўймайди! Ўзини осонликча топшириб бўпти!

– Сен бу хатарларни қандай четлаб ўтиб, улуснинг қудратини оширишни сўраб бера оласанми?

– Уриниб кўраман. Лекин ҳозир эмас. Ҳозир фақат ўзимнинг фикримни айтишим мумкин, халос. Мен овулларни айланиб, ҳамма нарсани кўриб, эшитиб юраман. Одамларнинг ҳаёти яхши эмас. Кичиклар катталарни ҳурмат қилмайди, бойлар камбағалларни хўрлайди, кучлилар ожизларга зулм ўтказди. Тартиб ўрнатсанг, улусинг кучаяди, шунда ўзинг ҳам роҳат-фароҳатда яшайсан.

Бу шомон Есугайнинг содиқ навқари Мунликнинг ўғли экани эсига тушиб, Тарғутой Қирилдуқ шубҳа билан уни яна бир назардан ўтказиб кўйди.

– Менинг улусим билан сенинг нима ишинг бор? Ёки отанг Есугай қошида биринчи одам бўлгани сингари сен ҳам менинг ҳузуримда биринчилардан бўлгинг келяптими?



– Шундоғам ҳурматим жойида.
 – Сен кўп нарсани биладиган шомонсан-у, барибир ақлинг паст. Ким бегона отга ишонса, бегоналар қўлига тушади. Йўқол бу ердан!

Таб тангрининг кўзларидан олов сачлаб кетди, аммо юзидаги майин, айбдорона табассум билан бошини аламли чайқаб қўйди.

– Такаббур нўён, сен ҳозиргина ўз сўзинг билан ҳаёт чизигингни ўлимингдан дарак берувчи ажал чегарасига яқинлаштириб қўйдинг. – Шу гапларни айтиб, шомон чиқиб кетди.

Ғазаби қайнаганидан Тарғутой Қирилдуқнинг нафаси бўғилди. Шомонни тутиб келтиришни буюрмоқчи бўлди, аммо бўғзидан фақат хирилдоқ овоз чиқди. Навкарлар етиб келгунча эса хушини йиғиб олди. Майли, вақти-соати келиб бу шомоннинг ҳам куни битади. Уни ҳозирча тинч қўйган маъкул...

VII

Юлдузлар сўниб борар, шарқ осмони, секин-аста ёришиб, пушти рангга кирарди. Шамолдан дарак йўқ, атроф-жавониб осойишта эди. Дарё суви ҳам осмон каби пушти рангда, бетиним тонг-сахарда шалопларди. Ялангоёқ, жулдур иштон кийиб олган Темучин укалари – Хасар, Белгутой ва Хачиунларни эргаштириб борарди. Шундоққина қирғоқ лабидан қулоқни тешгудайин қичқириқ ва шовқин билан Темучинни бир чўчитиб, қуш ҳаволади. Ҳаммадан орқада келаётган Хачиун катта акасига етиб олиб, уни қучоқлаб олди.

– Қўрқоқлигингни қара-ю! Ўрдакдан қўрқдингми?

– Балким у ўрдак эмасдир. Ёвуз руҳ бўлса-чи?

– Билмаган нарсангни гапирма! – Темучиннинг жаҳли чиқди.

Кичкинтой ёвуз руҳлар тўғрисида яна бир нима демоқчи бўлувди, Темучин унга бақириб берди. Қолган йўлни унсиз босиб ўтишди. Кўп ўтмай кун бутунлай ёришиб кетди. Қуёш нурлари Бурхон Холдун чўққилари узра сирпаниб ўтиб, ўрмон яшиллигини кўз-кўз қилар, сув сатҳидаги ола-чалпоқ туманлар бағрини тешиб ўтарди. Сўнг тик жарликдан сирғалиб тушиб қумлоқни ёритди. Яланг оёқлардан қум юзасида чуқур ботиқ пайдо бўлар ва у бир зумда яна биллурдай сув тубида қолиб кетарди. Каттагина ўпқон олдида тўхташди. Сув устида тол новдасидан қилинган юмалоқ пўкаклар чайқалиб турар – шу ерга тўр ташланган эди. Темучин иштонини тушириб, оёғини сувга тикди. Муздек. Бадани титраб, белигача энгашиб, тўрнинг учини пайпаслаб тортди. Темучин тўрнинг лопиллашидан баданидаги титроқни ҳам унутаёзди – унда ўлжа бор эди! Тўр чизимчасининг қирғоққа яқин жойидан ушлаб Хасар ҳам торта бошлади. Сувда тилларанг, пушти балиқ кўринди. Кетидан иккинчиси, учинчиси кўринди. Ҳўл қум устидаги тўр ичида тўртта катта-катта балиқ типирчиларди. Мўл ўлжа! Хачиун чийиллаб кулар, Темучин ва Хасарга халақит бериб, тўрга ёпишиб оларди. Белгутой ҳам кулар, балиқларнинг думидан тортиб кўрарди.

Тўрлар ва балиқларни қирғоқда қолдириб, оқим бўйлаб пастга тушишди. Бу ерда дарё тик қояни бағирлаб ўтиб, кескин бурилиш ясарди. Шу ерда чуқур ўра бўлиб, Темучин кечқурун бир нечта қармоқларга хўрак тиқиб, сувга ташлаб қўйганди. Тайменлар¹ илинган бўлиши керак.

Кўкимтир-мовий сув юзида қоянинг қорамтир сояси ястланган, қирғоққа яқин жойда эса, оқимда ювилиб, ярақлаб кетган тошлар кўринарди. Темучин укаларини қолдириб, тошдан-тошга сакраб, қармоқлари олдига етиб олди. Биттасини текширди – ҳеч нарса йўқ. Иккинчисида ҳам. Охиргиси қолди. Униси торгина ёриқ орасида ўсган элманинг² остига ташланган эди. Оқиш қармоқ ипи таранг тортилганди. Темучин уни тортиб кўрди-да, таранглигидан ҳафсаласи пир бўлди, ҳеч нарса тушмабди. Шўнғишга тўғри келади энди, қимматбаҳо қармоқни ташлаб кетиб бўлмайди-ку! Бирдан, ип ўз-ўзидан бўшаб қолди. Темучин нима бўлганини тушунмай, ипни тортиб ола бошлади. Нима бу? Ип яна таранглашиб қолдими? Йўқ, бўш-ку. Тўнкага илиниб қолган шекилли... Ҳа, шунақага ўхшайди. Ана, бир нарса илиниб чиқяпти. Каттагина ёғоч экан.

Шу пайт «ёғоч» деб ўйлагани ўзини бир тўрга урди. Темучин даст йиқилди-ю, аммо ипни кўлидан қўйиб юбормади. Ип кўлини қонатиб, анча чуқур ботди. Тошларга оёғини тираб олиб, тишини тишига босганча, ипни ушлаб турарди. Таймен думи билан сувга шалоплаб бир урди-да, оқимга қарши сузишга уринди. Темучин сал енгиллашди.

– Хасар! Тез, бу ёққа!

Қайноқ тер юзларидан қуйилар, кўзларига кириб, ачиштирарди. Зўриқишдан бармоқлари кўкара бошлади. Кўлига ўралган ип остидан қон сизиб чиқарди. Хасар унинг овозини эшитмади. Таймен бўлса яна орқага қараб сузиб қолди. Тўқ-қизил думи билан у ён-бу ёнга урилар, сувни чайқатишидан, гўёки дарё суви қайнаётгандек билқилларди. Кўлининг оғриғи кучайиб, чидаб бўлмас даражага етди. Темучиннинг кўз ўнги қоронғилаша бошлади.

– Хасар!

Укаси улоқчага ўхшаб тошдан тошга сакраб етиб келди, ипга тирмашиб, ёрдамлаша бошлади. Икки кишилашиб, балиқни тезгина ушлаб олишди. Балиқ оғзини катта очганича қирғоққа яқинлашди. Тайменнинг тишлари одамни даҳшатга соларди.

– Сувга туш!

Хасар иштонини ечиб, сувга отилди, кўркмасдан кўлларини балиқнинг жабрасига суқди. Қуёшда қоп-қорайиб кетган укасининг илдам ҳаракатлари шу топда унинг исми (Хасар – йиртқич)га мос тушиб кетди. Қирғоққа чиқиб ҳам балиқ тинчимади, гавдасини ғаданг бураб, ўзини ҳар тарафга ота бошлади, тупроқ ва хасларга уриб, думини ифлос қилиб юборди. Темучин каттагина бир тошни олиб, ҳам севиниб, ҳам аччиқланиб, балиқнинг қоп-қора бошига туширди.

¹ Таймен – балиқнинг йирик тури, лаққа.

² Элма – қайрағочнинг бир тури.



– Мана сенга, мана!

Балиқнинг суяклари қарсиллади. Икковлашиб балиқни қоя тагидан олиб чиқишди. Хачиун билан Белгитойлар бу баҳайбат балиққа хавотирланиб қарашар, узун таёқча билан унинг оқариб турган қорнига тегиб кўришарди.

Олов ёқиб, тўртта балиқдан иккитасини пишириб еб олишди. Темучин укаларига тўрни тахлашни буюриб, ўзи эринчоқлик билан майсага ёнбошлади. Чирилдоқлар қулоқни қоматга келтирар, дарёнинг нариги бетигаги бута орасида қушлар сайрарди. Қармоқ ипи кесган жойи лўқиллаб турса ҳам, Темучиннинг кўнгли ёруғ эди. У оила боши ва боқувчиси бўлиб қолганди. Шусиз ҳам ваҳимали тун қўйнида оч бўриларнинг кўкиш тусда ёниб турган кўзлари, энди унга қўрқинчли туюлмасди. У балиқ овлаш, камондан қуш отиш, семиз суғурларни тутишни ўрганиб олди. Энди Темучин қилич тушишни, найза отишни ўрганиб олса, худди отаси Есугай баҳодирга ўхшаб машҳур жангчи бўлади. Ўшанда бақалоқ Тарғутой Қирилдуқни зир титратади!

Лекин кейинги пайтларда у кўрарга кўзи йўқ бу нўёндан қасос олишни эмас, балки, думалоқ юз, мулоҳазали ва ўжар қиз Бортани кўпроқ ўйларди. У қандай қиз бўлганикин? Бугун ўзининг соясидан бошқа навқари бўлмаган Темучинга унинг отаси қизини берармикин? Дой чечан, қизнинг отаси, бир пайтлар Темучинга жуда меҳрибон эди. Аммо унда отаси тирик эди. У пайтларда ҳамма уларга меҳрибон бўлган, Темучинга ҳам, онасига ҳам, укаларига ҳам. Таб тангри тўғри айтади... одамлар фақат кучлиларни ҳурмат қилади.

Темучин ўтирди. Керишиб олди, товонлари яра-чақа бўлиб кетган оёқларига, нозиккина ўт шохида шошилиб кетаётган чумолига, тугмачадай думалоқ кўзли тайменга тикилди. Кейин нигоҳини дарёга, қуюқ буталар билан қопланган тепаликларга бурди. Сабаби номаълум бўлган ички бир шодликдан унинг куйлагиси келиб кетди.

Укалари сув бўйида тўр билан овора эдилар. Хасар билан Белгутой тўрга ёпишган ўтлар, барглар ва чўпларни тозалашарди. Хачиун қирғоқда ётган рангли тошларни териш билан машғул. Қирғоқ бўйлаб, ўтовлари турган тарафдан кичик укаси Тамуға отчигин чопиб келарди. Иштони озғин бўксасида турмай, пастга сирғалиб тушар, у йўл-йўлакай липпасини кўтариб келарди. Тентак-эй, тортиб боғлаб олиш ҳам эсига келмайди!

Ҳансираб кетган Тамуға отчигин Темучиннинг олдига етиб келиб ҳам, анчагача мум тишлаб турди. Кўзлари чақчайиб, бурунлари устида майда – майда тер томчилари ялтираб турар, бир қўли билан липпасини ушлаб олганди.

– Темучин... сени қидиришяпти! – деди ниҳоят у. Тарғутой Қирилдуқнинг навқарлари келишди. Улар онамни уришишди. Хоахчинни уришди. Мен бу ёққа чопдим.

Темучин дарёнинг оҳиста тўлқинланиб оқаётган сувларига, тол буталарининг сувга эгилиб турган шохларига қаради. Ҳозир укаси Тамуғанинг сўз-

ларидан хавотирга тушмасди. Аммо кўзига от чоптириб келаётган чаван-дозлар кўриниши билан у хушёр тортди. Беш киши. Улар қирғоққа яқинлашиб, тўхташди. Чамаси, Тамуға отчигиннинг изидан келишаётган бўлса керагов, аммо уни йўқотиб қўйгач, қаёққа йўл солишни билмай туришибди. Темучин тайменни буталар остига судради, устига ўтлар, хас-хашаклар ташлаб, кўздан пана қиларди. Миясида бир савол тинимсиз айланарди: нима қилиш керак? Бегоналар қумлоқда чопқиллаб юрган Хачиунга кўзлари тушиши билан отларини қамчилашди.

– Хасар! – қичқирди Темучин. – Мен беркиниб оламан. Уларга мени кетди, деб айт. – У энгашганича буталар орасига кириб кетди. Отлиқлар уни кўришга улгуришдими, зум ўтмай у Темучин отлар дупури ва шох-шаббаларнинг қарсиллаб синган товушларини эшитди. Қочиб бўлмайди! Олдинда сийрак тол буталари, ўнг тарафда эса ботқоқликдан иборат паст-текислик, у ёғи қайинзор тепалик, нарироқда тоғу ўрмонлар. Ўрмонга қочиш керак. Ботқоқда отлар чопа олмайди... У ўзини ботқоқликка уриб, дўнгалакдан дўнгалакка сакраб кетди. Отлиқлар буталар орасидан чиқиб келишди-да, ботқоқлик олдида тўхташди. Олдинда тургани (Темучин унинг овозидан Овчи баҳодир эканини таниди) кафтларини оғзига қилиб, бақирди:

– Э-эй! Қочма! Сени барибир тутиб оламиз! Бизларга сени тутиб келиш буюрилган! Сенсиз қайта олмаймиз.

Темучин фақат бир зумгина тўхтади-ю, яна кучининг борича югуриб кетди. Отлиқлар сўкинганча ботқоқликни айланиб ўтишга қарор қилдилар. У ҳамон дўнгалак санаб чопарди. Қуюқ кўкимтир сувдан сасиган тухум ҳиди анқирди. Бир неча марта сирпаниб кетиб, йиқилди ҳам. Қўллари, қорни, иштонлари қўланса балчиққа ботди.

Сакраб тепаликка чиқиб олди, шошининч ўзини қайинзорга урди, сал нафасини ростлаган бўлди. Лекин отлиқлар ҳам яқинлашиб келишаётган эди. Яна туёқлар дупури эшитилиб қолди. У тоққа қараб чопа бошлади. Темучин ҳориган отга ўхшаб хириллаб нафас оларди.

Тақибчилар бўлиниб, худди ов пайти ўлжани қуршаб олган каби бир-бирларини кўздан қочирмай, доира бўйлаб келишаркан, баъзан бир нарсаларни гаплашиб ҳам олишарди. Темучин уларнинг овозидан фурсатни ғанимат билиб, гоҳ тўхтаб дам олар, дам яна югурарди. Ўрмон қуюқлашиб борарди. Чангалзорлар шунчалик зичлашиб қолардики, баъзида Темучин буталар орасидан базўр ўтиб оларди. Гоҳи-гоҳида унинг йўлидан қуруқшаб ағанаб ётган тиконли шохлар чиқиб қоларди. У энди чопа олмас, илдамлаб юриб борарди. Овозлар эшитилмай қолди. Таъқибчилар ё адашиб қолишган ёки орқаларига қайтишган. У қуюқроқ бир чангалзорни топиб, унинг ичкарасига кириб, ерга ётиб олди. Бу ер салқин ва қоронғи эди. Чириган қарағай елимининг ҳиди келиб турарди. Юраги гупиллаб урар, оёқлари титрарди.

Секин-аста тинчланди, хаёл суриб кетди. Тарғутой Қирилдуқ ундан нима истайди? Табиийки, бирон-бир ҳадя бериш ёки тортиб олган нарсаларини қайтариш учун одам юбормагандир? Балким ўлдирмоқчидир?



Ўлимни ўйлаши билан Темучиннинг эти увушиб кетди. Йўқ, фақат ўлим эмас. Уларнинг қўлига тушмайди. Ўрмонларда худди ёввойи ҳайвондек сандироқлаб юради, ўтлар, мевалар ейди, аммо ўзини калласи йўқ кўзичокдек уларнинг қўлига топшириб қўймайди.

Куннинг охири кўринмасди. Ётавериб зериккан Темучин ўрнидан туриб, егулик қидиришга тушди. Қўзиқоринлардан татиб кўрмоқчи бўлди. Моғор ҳиди келиб турган хом қўзиқоринлар кўнглини ағдариб юборди. Олов ёқишнинг ҳам иложи йўқ эди. Чақмоқтошлари дарё лабида қолганди. Булганда ҳам олов ёқиш хавfli эди... Торгина, нимқоронғи жарликда бир нечта қорағат буталарига дуч келди. Унинг мевалари ҳам ҳали кўкимтир, хом ва нордон бўлганидан еб бўлмади.

Кечга бориб ҳаво айниди. Булутлар билан қопланган осмонда биронта ҳам юлдуз кўринмас, шунчалик зулмат чўккан эдики, Темучин икки қадам нарини ҳам кўришга қийналиб қолди. Шамолнинг кучидан дарахтлар қирсиллар, шовуллаб ваҳима соларди. Ўрмон шовқинидан қўрқувга тушган Темучин кунисиб олди. Гўёки зимистонда қутурган ёвуз руҳлару жинлар уни ҳар тарафдан қуршаб олиб, уйқуга кетишини кутиб туришгандек туйилди. Ўшанда улар унинг руҳини ўғирлашади, қонини ичиб, танини бўлаклаб ташлашади.

Кун ёришгунча мижжа қоқмади. Тонгда ёмғир ёға бошлади. Майдалаб, севалаб тушаётган томчилар сукутга чўккан ўрмон устига товушсиз ёғилар, барглар устида тўпланган сувлар эса ўтган йилдан бери қуруқшаб ётган ҳазон устига тушиб шитирлатарди. Темучин совқотиб кетди. Намгарчиликда қимир этмай ўтираверганидан оёқларининг томири увиша бошлади. Ўрнидан туриб, пастга, қирғоққа қараб судралди. Чақмоқтошлар қирғоқда қолган, деган умид билан борарди. Балким таймен ҳам ўша ердадир? Олов ёқиб-исиниб, қорнини ҳам тўйғазиб оларди. Онасининг олдига ҳозирча бормай туради. Овчи одамлари билан уни пойлаб ўтирган бўлиши мумкин.

Кеча олов ёқиб балиқ пиширишган жойда балиқ ҳам, чақмоқтошлар ҳам йўқ эди. Хасар жинни ҳаммасини уйга олиб кетибди. Балки у эмасдир. Тарғутой Қирилдукнинг содиқ ити, лаънати Овчи олиб кетган бўлиши ҳам мумкин. Эҳтимол у ҳозир гуриллаган ўчоқ олдида ёғлиқ қўлларини шимиб, балиқ еб ўтиргандир. Шошмай турларинг, ҳали ҳамманга кўрсатиб қўяман!

У яна ўрмонга кетди. Ўтлар ва шохлардан чайла ясади-да, унинг остига яширинди. Сал исингандай бўлди-ю, ухлаб қолди. Уни қушларнинг сайроғи уйғотди. Бошини чайладан чиқариб қаради. Ёмғир тинган, осмон булутлардан тоза, қуёш чарақлаб турарди. Ёмғир томчилари дарахт япроқларида, игнабаргларда осилиб турар, қуёш нурини ўзида акс эттириб, турли рангларда жилоланарди. Кун кечга қараб кетаётганди. Қорни жуда ҳам очиб кетди. У ўрнидан туриб тепаликка қараб юрди. Ўтовга яқинроқ бир ерга бориб олиши керак. Балки кечқурун яқинларидан кимнидир учратиб қолар.

Очлик ва чарчоқ хавотирдан устун келиб, у ўрмон четига чиқди. Тоғ этагидан яккаш турган ўтови, унинг атрофидаги яланглик шундоқ кўзга ташланарди. Аммо ўтов ёнида ҳеч зоғ кўринмайди. Балки Овчи баҳодир навкарла-

рини олиб кетгандир? Бир пас ўйлаб турди-да, аланглаганича пастга қараб туша бошлади.

Аммо узоқ кетолмади. Дарё тарафдан, ўрмон йўлини тўсиб, беш отлик учиб келарди. От ёлигача энгашиб олган Овчи баҳодир тишларини ғижирлатиб келди-да, қўлидаги арқонни отди. Қилдор арқон Темучиннинг кўкрагига келиб тушди, у йиқилиб тушган кўйи бир оз судралиб борди. Навкарлар унинг туриб олишига йўл беришмади. Қўл-оёқларини боғлаб, ўлжа тўла қопдек эгарга ортишди.

Темучиннинг йиғисидан Овчи баҳодир мириқиб кулди:

– Мен Есугайнинг ўғли ҳам алп баҳодир деб юрибман. Бу бўлса, қиз болага ўхшаб йиғлаяпти-ку.

Бутун гавдаси билан тўлғанаркан, Темучин бошини кўтариб, Овчи баҳодирнинг юзига тупурди.

У бўлса Темучиннинг гарданига қарсиллатиб туширди.

– Ух, ҳозир дабдалангни чиқарардим-у, ажалингдан бурун ўлиб қоласан-да!

Зарбадан Темучиннинг кўзларидан ўт сачраб кетди, бўйни қайрилмай қотиб қолди. Ғазабидан хириллаганича у боғлиқ оёқларини бўшатишга уринарди.

– Ур, қани, ур! Ўлиб қолмайман. Лекин ўзингни бўлса, сассиқ қарға, бир куни ёввойи отнинг думига боғлаб судрайман!

– Йўғ-э? Мени ўлгудай кўрқитиб юбординг-ку!

Тарғутоқ Қирилдуқнинг овулига уч кунда етиб боришди. Навкарлар унга егулик ҳам беришмади, хисоб. Бора-боргунча унинг устидан мазах қилишди ҳамки, гапиришга ҳоли келмаганидан Темучин индамай борарди.

Тарғутой Қирилдуқ ўтови ёнида уни эгардан тушириб, арқонларни бўшатишди. Йиқилиб тушмаслик учун у от боғлайдиган қозиққа суяниб олди. Оқ ўтов, отлар, одамлар ҳаммаси чайқалиб, кўз ўнгида айқаш-уйқаш бўлиб кетди.

– Марҳамат қил, азиз меҳмон.

Тарғутой Қирилдуқнинг чийилдоқ овозини таниб, Темучин гавдасини кўтарди. Нўён қорнини ипакли кўйлаги устидан чангаллаб олган. Белбоғининг кумуш безаклари қуёш нурида алангаланиб кетди.

– Улғайибсан, – деди Тарғутой Қирилдуқ уни кўз қири билан чамалаб, – отангга ўхшаб қолибсан. Биз сенинг отанг билан дўст эдик. Ҳа, ҳа, мендан бошқа ким ҳам сенинг тақдиринг ҳақида қайғурарди? А?

– Сен қайғуриб бўлдинг-ку, – минғирлади Темучин ғазаби қайнаб.

– Олов! – маъқуллади Тарғутой Қирилдуқ. – Аммо қайсар отларни ҳам қўлга ўргатишади, қутурган буқаларни ҳам аравага қўшишади. – Нўённинг кўпчиган юзи дағаллашди. – Кимдир мени ўзгалар молига эга чиқибди, деб юрган эмиш. Мен отангга тегишли молнинг ҳаммасини олдим, бу – тўғри. Нимага олдим? Чунки отангга тегишли мол кўпчиликнинг меҳнати, ризқи. Кейин, сенинг ожиза онангнинг унга эгалик қилишга ҳаққи йўқ. Айғири йўқ уюр тарқайди, қаровсиз бойлик йўқ бўлади... Ана... Сен хом калла бўлсанг,



тилингга эрк бериб юрибсан. Буни қараки, мен сени жазоламайман. Сен дўстимнинг ўғлисан ва менинг уйимда яшайсан. Мен сени кийинтираман, едириб-ичираман ва от миндираман. Олтой ўғлимнинг акаси ва навқари бўласан.

Темучиннинг елкаси оша Овчи баҳодир луқма ташлади:

– Қуллуқ қил!

Темучин қозикқа яна ҳам маҳкамроқ ёпишди, калласини чайқатди.

– Менга ҳеч нарса керак эмас. Агар сен отамнинг дўсти бўлсанг, мени кўйиб юбор ва ўз ҳолимга қўй.

– Сен марҳаматимдан воз кечяпсанми? – деди ҳайрон бўлган Тарғутой Қирилдуқ ва бирдан қовоғини уйиб олди.

Овчи баҳодир қамчиси дастасини Темучиннинг елкасига қаттиқ суқди.

– Рози бўл, аҳмоқ одам. Қуллуқ қил!

Елкасидаги оғриқ Темучинни қизиштирди. Орқасига терс ўгирилиб, кутурганича бақирди:

– Қуллуқ қилмайман! Ҳўкизни ҳам, аравани ҳам тортиб олдиларинг-да, энди унинг чувини кўрсатиб қуллуқ қил, дейсанлар! – Тарғутой Қирилдуққа еб кўйгудек қаради Темучин. – Сен талончи ва ўғрисан! Менга сенинг марҳаматинг керак эмас!

Тарғутой Қирилдуқнинг семиз лаблари қийшайиб, бақалоқ башараси қонталаш бўлиб кетди.

– Бундан чиқди, одамлар рост гапиришган экан-да: сен бўри боласининг ўзи экансан! Аммо сен ҳеч қачон тишлари ўткир бўри бўлолмайсан. Қасос олмоқчимисан – мана, мен қаршингдаман. Ҳой, навқарлар, йигитчага қилич беринг. Кўрамиз, нимага қодир экан?!

Темучин кафтидаги қилич дастасини маҳкам сикди, кучаниб кўрди. Маза қилиб қиличнинг ўткир тиғини анавининг бақалоқ қорнига тиқиб оларди-я! Аммо унинг кучи ҳозир қилични кўтаришга ҳам етмайди. Қилични ўзидан нарига улоқтириб юборди. У тошга тегиб, жаранглаб ерга тушди.

– Ми-ши-қи! – чўзиб гапирди Тарғутой Қирилдуқ нафратини яширмай. Кейин навқарларига сабоқ бергандай вайсади: одам одамга ё дўст бўлади, ё душман. У дўстликни қабул қилмади. Душман бўлишга эса арзимайди. Бунақаларнинг қисмати – қулликдан бошқа нарса эмас. Унинг бўйнига қанға кийгазиб кўйинглар.

VIII

Булганнинг ўтовидан ачимсиқ ҳид энди ҳечам кетмасди. Эртаю кеч у ўғли билан кўй терисини ошлаб, тирикчилик қилишарди. Меркитлар подани ҳайдаб кетиб, Тойчи Қурини йигирма калтак билан савалаб кетишганидан кейин, бечора ўғли анчагача на ўтиролди, на ётолди. Аммо шугина эмас, уларни овулга кўчиб ўтишга ва терига ишлов беришга мажбур қилишди. Меҳнатлари оғир, егуликнинг эса мазаси йўқ. Йилқи боқиб юришган пайтлари ҳам ейишларининг тайини йўқ эдию, аммо унда улар озод одамлар

бўлгани учун меҳнатлари бунчалик малол келмасди. Лаънати меркитлар келиб-келиб уларнинг йилқиларини ҳайдаб кетишадими-я? Бу ҳаёт ҳеч изига тушмаяпти. Ё унинг қисмати шунақанги аянчли, ё бир нима қилиб руҳларнинг ғазабини қўзғаб қўйган. Хучу яхши эр эди. Баъзида бўлмағур гапларни вайсашни яхши кўрса ҳам, аммо сўнгги пайтларда у билан яшаб, Булган ташвиш нималигини билмаган эди. Ўтган ҳар кунидан хурсанд эди. Қирилдуқ Овулунни синдиришга қасд қилган. Хучу ўлиб кетди. Бирга ортирган бойликларининг ҳаммасини навкарлар тортиб олишди. Энди у ўғли билан қулчиликда. Ўлиб кетгунича шунақа бўладиганга ўхшайди. Ўзининг ҳаёти-ку, майли. Кетган нарсани қайтариб, чириганни ямаб бўлмайди. Аммо Тойчи Қурининг ҳаёти энди бошланди-ку. Зўр бола, елкадор, пишиқ, жуда ҳам отасига ўхшаган, фақат янаям кўркамоқ. Тойчи Қури қандай яшайди? Тук ташлаган қўй териси устида туғилган, эгнига ҳамиша увода кийган, минг ямоқ кўрпада ётадиган ўғли бир умр шундай яшайдими? Унинг на оти, на эгари ва на ўтови бор. Ёши тўлиб, уйланадиган бўлганида-чи? Аравасиям, келинчакка солиб берадиган тўшаги ҳам йўқ-ку.

Битта шу ҳаёлини мингинчи бор ўйлаб ғамгин хўрсинаркан, Булганнинг қўллари ўз-ўзидан терини эзар, айлантирар, қиртишларди. Қотган ёғ ва гўштлардан тозаларди. Тойчи Қури бўлса, ташқарида терини қозиқларга тортиб ишлов берарди. Ўнг оёғи қозиққа тортилган қайишга тақалиб, гўё узангига оёқ қўйгандай, бир кўтарилиб тушар, кейин яна секин ортига қайтарди. Шундоғам куйиб қорайиб кетган елкасини куёш қиздирарди.

– Ўғлим, ҳой, ўғлим! Дам олсанг бўлармиди.

Тойчи Қури ўтовга кирди, ўғирга ўхшаш ёғоч идишдан сув олиб ичди. Иккинчисини эса кўкрагидан қўйди.

– Шу топда маза қилиб қимиз ичсанг, жуда бўлмаганда, сутнинг зардоби бўлса ҳам бўлаверарди, – деди онаси.

– Ҳечқиси йўқ! – Тойчи Қури кафти билан юзининг терини артиб кулиб қўйди. – Сув ҳам бўлаверади.

Ўғли шунақа. Унга нима берсанг бўлаверади. Уни калтаклашганда, жароҳатланган жойлари худди ёстикдай шишиб кетганди. Қарашга ҳам ботинолмасди одам. Ўшанда ҳам онаси «оғриётгандир?» деб сўраганида, деярли ҳозиргидай, «Ҳечқиси йўқ, уришаётганда оғрувди. Ҳозир оғримаяпти», деб жавоб берганди.

– Майли, мен борай, она.

– Ўтиратур, ўғлим. Дам олсанг-чи. Кун жуда иссиқ-ку.

– Овчи яна бақиради.

– Бақираверсин. Улар учун ишлаб ҳолдан тойдик, улар бўлса овқат ҳам беришмайди. Ўзларининг сен тенги болалари бўлса, ўйин-кулгидан ортмай, саҳрода сандирақлашдан бошқа нарсани билишмайди.

– Она, мени уларга тенглаштирмасангиз!

– Тенглаштирмайман-у, аммо жаҳлим чиқади-да! Уларни деб яшаш нималигини билмаймиз. Мана шу Тарғутой бўлмаганида, отанг ўлмаган, бизлар қулликка тушмаган бўлардик.



Булганнинг ҳафсаласи пир бўлди, терини ташлаб кўчага чиқди. Ўтовга икки отлиқ яқинлашиб келаётган эди. Бири Овчи баҳодир, бошқаси Тарғутой Қирилдуқнинг ўғли Олтой. Уларнинг ўрталарида бўйнига қанға илинган барваста, озғин, юзи танишдай ёшгина йигитча ҳам келарди. У кенг пешанаси остидаги ғазабнок, кулранг кўзларини чақчайтириб келарди. Малларанг кокиллари чаккаларида диккайиб турарди. Наҳотки у Есугайнинг ўғли бўлса?

– Булган, меҳмонни кутиб ол! – Овчи қамчисининг учи билан йигитчанинг елкасини нуқиб қўйди. – Ўғлинг қани?

– Мен шу ердаман, – Тойчи Қури ўтовдан чиқиб, тавозе билан Овчи билан Олтойга таъзим қилди.

– Бу бола сизлар билан яшайди. Агар у қочиб кетса, сен бошинг билан жавоб берасан. Худди онанг билан сенга ўхшаб у ҳам тери ошлайди. Қара, бекор қолмасин. У энди сенинг қулинг.

– Сен энди катта хўжайинсан! – Бақалоқ, қовоқлари ҳам семизликдан осилиб тушиб, шусиз ҳам кичкинагина, айёр кўзларини қисиб қўйган Олтой тиржайди.

– Сен қанча тери ишласанг, у ҳам шунча қилиши керак, – давом этди Овчи баҳодир. Ишлолмаса калтакланади. Битта кам ишласа иккита калтак урилади. Тушунарлими? Сенга-чи, Темучин, тушунарлими?

– Мен тери ошламайман, – тўнғиллади Темучин. – Мен қул эмасман! Мен олийнасаб нўённинг ўғлиман!

Олтойкулди.

– Сенга тери ошлашга оддий қўй териси эмас, наслдор қўйлар терисидан берамиз!

– Аҳмоқ! – деди Темучин.

– Вой-во-йей, ақллини қаранглар! Кўп ўтмай аҳволингни кўраман.

Улар кетишди. Темучин ерга ўтириб, ўтовга суянганича кўзларини юмди. Кўз атрофлари қорамтир тус олган, қуруқ баданида мушаклари кўриниб турарди. Булган сув олиб келиб, унинг ёнига чўқди.

– Ичиб ол, ўғлим.

Темучин кўли билан сув идишни суриб қўйди.

– Ичгим келмаяпти. Бирон-бир егулик беринг.

Булган талмовсираб ўғлига қаради, ... ўтовда егулик ҳеч вақо йўқ эди. Тарғутой Қирилдуқнинг бақовули фақат кечқурун оз-моз сут билан қурут бериши мумкин эди. Онасининг маъноли қарашига Тойчи Қури айбдорона жавоб қилди:

– Балким, қўшнилاردан сўраб кўрсаммикин?

– Бор, ўғлим Сўрғон Ширага боргин.

Тарғутой Қирилдуқ учун сутдан қимиз ва оғиз тайёрлаб берадиган Сўрғон Шираникида доим егулик топиларди. Қўшниси шундай вақтда йўқ демаслигига умид қиларди. Кўп ўтмай Тойчи Қури бир қўлида сузма, бир идишда қимиз кўтариб қайтди. Кетидан Сўрғон Ширанинг ўзи ҳам келди.



Қийшиқ оёқ, сочлари тўкилган бу одам атрофга аланглаб, Темучинга таъзим қилди.

– Отангинг ёрқин хотираси менинг қалбимдан ўчган эмас.

Булган Темучиннинг қарағайдан ишланган қанға қонталаш қилиб ташлаган озғин бўйнига ачиниш билан қараб турарди. У Сўрғон Ширанинг гапини эшитаяптими ёки хаёлан бу ердан узоқларда юрибдими, билиб бўлмасди. Сузмани еб, қимизни ичиб бўлгач, Темучин Сўрғон Ширага қаради. Бир зум унинг кўзларида масхаромуз ғазаб ўти чақнаб кетди.

– Отамни шу қадар эъзозласанг, бўйнимдаги қанғани ечиб ташлаб, от билан бир эгар бермайсанми?

Сўрғон Шира атрофга эҳтиёткорона қараб олди-да, кал бошини чит рўмолча билан артганча тушунтира кетди:

– Ёш хўжам, сен бу ҳақда сўз очмаганинг яхши эди. Наҳотки Тарғутой Қирилдукнинг ким эканини ҳали ҳам англамаган бўлсанг? Бизлар уни яхши биламиз.

– Сизлар муносиб хўжайинларга арзимайсизлар ҳам! Ювош от ўз хўжайинини ҳам, ўғрисини ҳам бирдай олиб юради. – Темучин юзини бурди.

Сўрғон Шира ҳайрон бўлиб уйига кетди. Булган Темучинни ўтовга олиб кирди. Қўй терилик ёпинчиғининг бир четидан кесиб олди-да, Темучиннинг бўйнини камроқ шилсин, деган ўйда қанғанинг тагига киритиб боғлаб қўйди.

Темучин қўлини ишга урмади. У ўтовнинг соясида тиззаларини букиб, тиззасига қўлларини, қўлларига бошини тираб индамай ўтирарди. Тойчи Қури бўлса, терлаб-пишиб тери ошлар, вақти-вақти билан илтимос қилиб қўярди:

– Сен номигагина бўлса ҳам ишлаб қўйгин. Калтаклашади. Калтак билан шунақанги оғритиб уришадики!

– Ўчир! Мен бу сассиқ териларга ишлов бермайман.

– Бу унақа қийин эмас, – кўндиришга ҳаракат қиларди Тойчи Қури. – Мана, мен ишляпман-ку, ҳеч нима бўлиб қолмаяпман.

– Сен қорачасан. Сен меҳнат учун яралгансан.

Тойчи Қури беозор кулиб қўйди.

– Сен Овчи баҳодирнинг гапини эшитдингми? Мен энди гўёки сенинг хўжайинингдек одамман.

– Яна бир нарса деб кўргин! Қозиғингни олиб бошингга тушираман!

– Ҳазиллашяпман-ку. Жуда қизиқсан-а! Агар мен ростанам сенинг хўжайининг бўлиб қолганимда, сени ишлатиб ўтирармидим! Қаерга борсанг, бор, нима қилсанг, қилавер, дердим.

– Қарасам, ғирт аҳмоқ бола экансан. Жиннича гапларинг билан жонга тегдинг!

– Тентак бўлсам, бордир, – тез кўнақолди Тойчи Қури.

Булган териларига энгашиб олганича уларнинг гапларини эшитиб ўтирарди. Темучиннинг ўжарлиги унга маъқул келди. Лекин ўғли Тойчи Қури-ни тентак дегани унга ёқмади. У, агар одамларнинг устидан назорат қилади-



ган ҳар хил хўжайинлар камроқ бўлса, улар бир-бирларининг одамларини, подалари ва йилқиларини ҳайдаб кетаверишмаса, яшаш жуда осон бўларди, деди. Ҳа, гапида жон бор.

Бир неча кун ичида на Овчи баҳодир ва на Олтойқорасини кўрсатди. Темучин ҳам шу кунлари ишга бўйин бермади. Булган ва Тойчи Қури бутун кучи билан ҳамма териларни ишлашга ҳаракат қилардилар. Лекин уч кишининг ишини икки киши эплай олармиди? Булган Овчи баҳодирнинг келишини кўрқув билан кутарди.

Овчи арзанда Олтойни ва уч навкарини эргаштириб келди. Ҳаммалари ширакайф эдилар. Олтойнинг бақалоқ юзи ловулар, Овчиники эса, аксинча, оппоқ, фақат пешанасидаги чандиғининг ўрни қип-қизариб турарди. Улар териларни санаб чиқишди. Тўрттаси хомлигича ётарди.

– Саккиз таёқ урсак, камлик қилар, – деди ҳафсаласи пир бўлиб Олтой. – Мен у кўпроқ ишлайди деб ўйловдим. Балким, биз уни урмасмиз? Қара, Овчи, у ўзининг олийнасаб қўллари билан терини шунақа яхши ошлабдики, мен ундан ўзимга пўстин тикиб беришини буюраман.

– Калтакнинг мазасини тотиб кўрса, у териларни бундан ҳам яхши қилиб ошлайдиган бўлади. Темучин, иштонингни еч!

Темучиннинг кўзлари олайиб кетди. У ҳозир ўз душманларига отилиб, уларнинг кекирдагини суғуриб оладигандай эди, гўё.

– Иштонини ечишга уяляпти! – Олтой масхаралаб хахолади.

Тойчи Қури Овчи баҳодирга таъзим қилди.

– Унга тегманглар. Бу териларни мен ошлолмай қолдим. Тобим қочиб қолувди.

– Сен қилмадингми? – ҳайрон сўради Овчи унга хира кўзларини қадаб ва ишора қилди: – Яхши. Навкарлар, уни саккиз дарра уринглар.

Навкарлар уни ерга ағанатиб, иштонини ечиб олишди. Биттаси оёғига, яна биттаси бошига ўтириб олди. Учинчиси бўлса, худди тўнка ёраётгандай хириллаб, ура кетди.

– Бир. Икки, уч... – Овчи санаб турди.

Булган бақариб юбормаслик учун қўллари билан оғзини юмиб олди. Ҳар сафар таёқ тушганида, Темучин худди Тойчи Қурини эмас, ўзини калтаклашаётгандек сесканиб кетарди.

Овчи, Олтой ва навкарлар кетишгач, Булган Темучиндан ўпкалади:

– Сенинг қайсарлигинг менинг ўғлимга қимматга тушди. Ҳар доим шунақа...

Темучин ҳеч нима демади. Аммо, кўлига чангакни олиб, ижирғанганча терига ишлов бера бошлади. У бунақа ишга ўрганмаган, бунинг устига оғир қанғаси ҳам халал берарди. Бироқ у тушгача бир нафас тин олмади. Булганнинг кўнгли эриб кетди. У яна Сўрғон Шираникидан пишлоқ билан оғиз олиб келиб, болаларни яхшилаб тўйғазди.

– Сиз ёшларнинг кучингиз кўп. Аҳил бўлиб ишласангиз, дам олишга ҳам вақт топилади. Мен бўлсам, сизларни оч қўймасликка ҳаракат қиламан.

Темучин бу сафар ҳам миқ этмади.



Кечқурун, ётар пайти, Тойчи Қури билмай орқаси билан ётиб олиб, ихраб юборди-ю, сўнг ағанаб бағрини ерга бериб ётди. Темучин маза қилиб кулди.

– Аҳмоқ бу сенга сабоқ бўлсин! Бундан кейин, бошқалар учун елкангни тутиб бермайдиган бўласан!

– Уҳ-ух! Ҳечқиси йўқ. Бу биринчи мартамас.

IX

Куз фаслида ёш шумурт буталари алвонранг товланади, қайин ва терак барглари сарғайиб, тўкилади. Ўрмон ёруғлашиб қолган. Кўз ўрганмаган манзарани кўрасиз, худди кўчиш олдидан шип-шийдам ўтовга ўхшаб, аллақандай кенгайиб борарди. Тол новдаларидан ясалган саватини меваларга тўлдириб елкалаб олган Овулун сўқмоқда энгашиб борарди. Оёқ остидаги хазон шитирлар, баъзида эса қуруқшоқ чўпнинг қирс этиб сингани эшитилиб қоларди.

Илгарилари Овулун ўрмондан қўрқарди. Чўл қизи бўлган Овулуннинг назарида ўрмон жуда ҳам тор ва кутилмаган хафв-хатарга тўла макон эди. Бир ўзи ўрмонда қолгиси келмасди. Энди бўлса, у сўқмоқларда ёлғиз кезишни канда қилмайди. Ўрмон ҳақидаги илк қўрқувларидан асар ҳам қолмаган. Одамлар йиртқич ҳайвонлару ёвуз руҳлардан кўра хавфлироқ эканини, Овулун аллақачонлар тушуниб етган. Бунақалар унинг бошига қанчалар ғам-андух солишмади! Ростини айтганда, унинг ҳаётида фақат болалик чоғларигина ёрқин хотиралар билан эслагулик. Қолганлари эса... Аввалига Есугай. Овулунни ўз ўтовига куч билан олиб келди. Кўнди, балким, уни ёқтириб ҳам қолгандир?

Аммо унгача қанчалик эзилгани ўзига аён! Кейин пакана Отчигиннинг шилқимликлари. Ундан кейин Тарғутой Қирилдуқ. Овулунни ўша синдирди, ҳамма нарсасидан маҳрум қилди. У ёлғизлик ва камбағалликка ҳам ич-ичидан кўнди, чидади. Нозиккина елкаларида ҳар қандай юкни кўтаришга ҳам бардош берарди. Ўғлини ҳибсга олишди. Темучин унга нима ёмонлик қилди экан? Қандай номақбул ишлари билан самоларни ғазаблантириб қўйди экан?

Овулун дам олиш учун тўнкага чўккалади, саватини қўйди, эзилган елкаларини силади. Тўнканинг остидан билқиллаб булоқ отилиб турарди. У сувга энгашди. Сувнинг совуқлигидан тишлари зирқираб кетди. Боши узра шовқин солиб ўрмон қушларидан бири учиб ўтди. Толдан бир япроқ узилиб тушиб, булоқ юзига қўнди. Бир зум чайқалиб турди-да, оқим билан майсалар қопланган қирғоққа оқиб кетди. Бир сония Овулун ўзининг бутун ғамларини унутгандай бўлди. Шу ерда ўтириб, булоқнинг жилдирашини эшитиш, дарахтларга, уларнинг олтинранг япроқларига, маймунжоннинг тўқ қизил меваларига тикилиб, бутун танангдаги чарчоқ азобини ҳис қилиб ўтириш унга ором бахш этарди. Одам бахтли бўлиши учун унга кўп нарса керакми? Темучин бағрида бўлса, Тарғутой Қирилдуқ уларни ўз ҳолига қўйса, бўлди



эди, унга бошқа ҳеч нарса керак эмасди. Болалари катта бўлиб қолишди. Соғлом, бақувват ўғилларига энди очлик хавф солмайди – унга яна нима керак? Лаънати Тарғутой Қирилдукнинг ёпишиб олганини-чи? Темучинини нима қилди экан? Катта ўғлини туну кун эсидан чиқаролмайди. Она юраги оғриб, жон талашиб ётибди. Балким, Темучин тирик ҳам эмасдир?

Саватини яна елкасига ортиб, Овулун пастга, яйловга тушиб кетди. Урмон борган сари сийраклашиб борарди. Ниҳоят, қайин барглари орасидан узоқда ўтлаб юрган отлар, ўтов кўринди. Ўтов ёнидаги қозикда иккита эгарлоғлиқ от депсиниб турарди. Ким бўлдийкин? Яна Тарғутой Қирилдукнинг одамлари бўлса-я?

Овулун елкасидаги саватининг тасмаларини икки қўллаб ушлаб олганича учиб борарди. Сочларини боғлаб турган тасмаси ечилиб кетди. Сочлари ёйилиб кетиб, югургани сари кўзларига кириб кетарди. Бошидаги савати билан ўтовга юлқиниб кирди, сочларини силталаб йиғиштирган бўлди. Ўчоқ ёнида Мунлик билан унинг ўғли – Таб тангри ўтиришарди. Овулун сал бўшашиб, нафасини ростлаган бўлди-ю, шу заҳоти яна хавотирланди: Мунлик нима хабар билан келдийкин?

Хоахчин саватни тушириб олишга кўмаклашар экан, унга раҳми келиб қараб қўярди.

– Чарчаб кетдингми, фужин? Во-о-ой, аҳволингга қара! Ҳозир егулик олиб келаман...

Хоахчиннинг ўзини тутишига қараб, Овулун хавотирга ўрин йўқлигини тушунди. Темучинга бир нарса бўлганда эди, у соҳибасининг чарчагани ҳақида гапириб ўтирармиди? Шундай бўлса ҳам, у Мунликдан сўради:

– Темучинимга нима бўлди?

– Таб тангри уни икки кун олдин кўрибди.

– Аҳволи қанақа? – у шомонга юзини бурди.

– Бўйнида қанға билан юрибди, – деди Таб тангри. – Тарғутой Қирилдук уни худди асир олинган душман сингари қора қулга айлантириб қўйган...

Овулун кўзларини юмиб, баланд бўйли, озғин, ингичка бўйнидаги оғир қанғаси билан ўғлини кўз олдига келтирди. Йиғлаб юбормаслик учун лаборини тишлаб олди. Хоахчин янгигина тайёрланган пишлоқ ва бир косада қатиқ олиб келди. Аммо Овулуннинг томоғидан овқат ўтармиди. Ташқарига отилиб чиқмаган кўз ёшлари томоғига тикилди. Шўрлик Темучин... Қайси айби учун азобланяпти? Она ер буларга қандай чидайди, нимага чаппа айланиб, золимларни ютмайди!..

У бошини кўтариб Мунликнинг кўзларига қаради. Улар ҳам изтироб ва ачинишга тўла эди.

– Овулун, мен қоройитлар хузурига бормоқчиман, – деди у.

– Нимага? – сўради қалби ўғлининг алами билан тўлиқ Овулун.

Мунлик сийрак ва ингичка соқолини астагина силади.

– Нима қилиб бўлса ҳам Темучинни қутқариш керак-ку... Туғулхон Есугайнинг андаси, тутинган акаси эканини, қўлидан чиқиб кетган улусини Есугай қайтиб олиб берганини унутмагандир?



– Сен уруш бошламоқчимисан?

– Тўғул билан Тарғутой Қирилдуқ ўрталари бусиз ҳам яхши эмас. Тўғри, уруш ҳам йўқ. Бир-бир ташланиб қўйишади-ю, шу билан чекланишади. Иш урушгача етиб бормаганига сабаб, бири иккинчисидан ҳадиксирайди. Тўғул қўшинларини бу ерга билдирмай олиб келиши керак-да, тойчуютлар овулига тўсатдан зарба бериб, Тарғутой Қирилдуқнинг ўрамини босишади...

– Йўқ, Мунлик, йўқ. – Овулун аста бошини чайқаб қўйди, кафтлари билан чаккаларини қисди. – Биз урушиб кўрдик, хўш, бундан нима чиқди? Бегуноҳга одамлар ўлиб кетди. Уруш ҳар доим қон тўкилишига олиб келади. Қанчалаб болалар етим бўлади. Бузилган ўчоқлар, таланган ўтовлар, пароканда оилалар. Уруш худди чўлга ўт кетгани каби – ҳўл-қуруғи баробар ёнаверади.

– Унда Темучинни қандай қутқариб оламиз?

– Билмадим... Лекин қоройитларни бу ерларга бошлаб келма. Ундан кўра мен ўзим Тарғутой Қирилдуққа бориб тиз чўкаман, этикларини ўпиб, чангдан тозалайман. Наҳотки унда меҳр бўлмаса? Наҳотки Темучинни қўйиб юбормаса?

Шомон худди болаларнинг телба-тескари гапларини эшитиб ўтирган кекса ота каби мийиғида маъноли кулиб қўйди.

– Қўйиб юбормайди, – деди. – Йиртқич бургут кўзичоқни нимталар экан, она қўйнинг маъраши уни тўхтатолмайди. Аммо Тўғулнинг қўшинини олиб келиш ҳам ярамайди.

У бу гаплари билан бечора онанинг умидларини йўққа чиқарди. Овулун ялинганнамо, мадад кутиб Мунликка қаради: зора шомон ўғлини жим қилолса. Мунлик ингичка соқолининг бир тутамини бармоқларига ўраб тобора қаттиқроқ тортганча Таб тангрига деди:

– Хон қўшинларини олиб келиш мумкин бўлмаса, Қирилдуқдан илтимос қилиш бефойда бўлса, унда нима қилиш керак? Мен сени тушуна олмаяпман, ўғлим. Сен бизлардан ажраб, ҳамма вақтингни Тарғутой Қирилдуқ атрофида ўтказиб юрибсан. Сенинг ўйларинг менга қоронғи.

– Ҳар бир от – улоқчи отлар ичида биринчи бўлишни хоҳлайди. Эркаклар – жангчилар орасида. Шомон ҳам осмон сирларидан хабардорлар орасида биринчи бўлишни орзу қилади, – деди Таб тангри, ўз-ўзидан маълум бўлган қадим ақида ҳақида гапираётгандай, эринчоқлик билан. Отаси ҳеч нарса ни тушунмаганини фаҳмлаб, қўшимча қилди: – Отнинг учқурлиги пойгада, жангчининг жасорати олишувда, шомоннинг кучи – зўравонларнинг ақлини жиловлашда аён бўлади.

– Жи-лов-ла-а-ш, – чўзиб гапирди Мунлик. Тарғутой Қирилдуқ бизнинг зотимизнинг ашаддий душмани! Унинг навкари отган найза менинг отам ва сенинг бобонг Чарха-Эбугеннинг ҳаёт йўлини қирқиб қўйгани эсингдан чиқдими? Жиловл-а-а-шмиш... Хўш, нимага эришдинг?

– Ҳеч нарсага, – ҳафсаласиз жавоб қилди шомон. – Тарғутой Қирилдуқ мени ҳайдаб юборди.

– Ажаб бўпти!



Бир зум ҳамма жим бўлиб қолди-ю, Овулун ўз ожизлиги ва ночорлигини аввалгидан кўра кўпроқ ҳис қилди. Мунликнинг миясида чалкаш фикрлар ғужғон урар, лекин у ҳам жим эди. Гап бошлаганида эса, овозида қатъият сезилмади.

– Балким, сенинг қариндошларинг – олқонутлар бизга ёрдам беришар? Ёки андангиз Дой чечан?

– Йўқ! Бизга ҳозир фақат сен, ёрдамчи ва ҳимоячи бўла оласан, Мунлик.

Унинг юзи бир нарсадан титрагандай бўлди. Чол бутун қалби билан Овулунга хайрихоҳ экан, унинг қарашларида ҳали айтилмаган гаплари борлиги кўриниб турарди. Овулун ундаги бу хислатни авваллари асло пайқамгани учун ҳайрон бўлди, ҳатто нимадандир тўлқинланиб ҳам кетди. Ноқулай аҳволини яшириш учун, хонтахта устига энгашди, пишлоқдан бир бўлак ушатиб олди, қайта бошини кўтарганида эса, Мунликнинг юзи яна аввалгидай жиддий, ўйчан қиёфага кирган эди.

– Кераитлардан ҳам, олқонутлардан ҳам ёрдам сўраманглар, – деди Таб тангри. У айтмоқчи бўлган гапини айтсаммикан ё йўқми, деб иккиланди шекилли, кўзини бир отасига, бир Овулунга қараб, сукут сақлаб турди.

– Ёрдамни Тарғутой Қирилдуқнинг яқинидан, унинг ўз ўраמידан қидириш керак. У ерда Есугайни унутмаган одамлар бор. Мен ҳам унинг ўрамида бекор сандирақлаб юрганим йўқ.

– Одамлар нима қила оларди... – хўрсинди Овулун. Улар ҳам худди менинг ўғлимга ўхшаган ночор одамлар. Фарқлари бўйниларида қанғалари йўқ. Сен бўлса... сенинг қўлингдан нима келади, Кўкача?

Овулун уни болаликдаги исми билан атади. Овулун учун у кўпгина ўрам ва овулларда таниқли бўлиб қолган шомон Таб тангри эмас эди-да.

– Осмон иродаси билан, мен лозим бўлган ҳамма ишни қиламан, – деди шомон ва ўтовдан чиқди.

У Мунлик билан ёлғиз қолди. Икковлари хонтахтанинг икки тарафида ўтиришарди. Овулун пишлоқни майда бўлақларга ушатиб, тўп қилиб уяр экан, икки томчи ёш унинг юзларидан оқиб тушиб, хонтахта четига тўкилди.

Х

Тунда ёққан қор ўрамдаги барча ўтовларни оппоқ рангга бўяб кетибди. Совуқ ҳаводан тутун ва пишган гўшт ҳиди келарди. Темучин бу тўқлик ва тўкинлик ҳидларидан чуқур нафас ютиб ором олган бўлиб турди-да, музтешар болтасини елкасига олди. Темир мисрон қанғасига «тўқ» этиб урилди. Дарё лабига чўзилган сўқмоқдан одамлар юриб улгурмаган ва из тушмаганидан у сутдай оппоқ эди.

Тонг отган. Кулранг қиш осмони хўмрайиб турарди.

Дарё этакларидан елаётган муздек шамол Темучиннинг эгнидаги увадаси чиқиб кетган пўстинининг тешикларидан кириб этини увушти-

рарди. У дарё устига чопиб чиқиб, унтасини¹ қаттиқ босиб, яхмалак отди. Музлаб қолган тоғора олдида, қор остидан от ва мол гўнги қорайиб кўри-нар, мовийранг музда қотиб қолган бир тутам қўй юнги шамолда ҳилпираб турарди. Ундан нарида теп-текис, қор босган муз майдони ястланиб ётарди. Темучин Ўнон музлаганда болалар билан ошиқ ўйнаганини хотирлади, юрагини соғинч эзиб ўтди. Қандай бахтли вақтлар эди-я! Қани энди, андаси Жамуха? Ўз тутинганининг тақдири бунчалар аянч аҳволдалигини билармикан? Яқинда у шу ерда Хучарни кўрувди. Амакиси билан Тарғутой Қирилдуқниқига келишган экан. Тасодифан учрашиб қолдилар. Темучин бир челак сув билан келаётувди, нотаниш отлиқларни кўриб, тўхтади. Ҳар иккалови ҳам иссиқ пўстинлар, тулки мўйнасидан қулоқчинлар кийиб олишган, отлари ҳам етилган тулпорлар эди. Унинг тикилиб қараши йўловчиларни тўхташга мажбур қилди.

– Темучин?... – Хучар жilовини кескин тортди.

– Жияним!.. – нола қилди Даритой отчигин. Нима учун сени бу қўйга солишди? Нимага менга хабар бермадинг?

Улар кўнгилни кўтарувчи яхши гаплар гапиришди, қутқариб олишни ваъда қилишди. Лекин у бекорга умидвор бўлди. Шу кетганча амакиси ҳам, озодлик ҳам бадар кетди. Қўлларидан ҳеч нима келмади, чоғи? Хабулахоннинг авлодлари шунақа бўлиб қолишибди-да.

Темучин болтасини музга урди. Музга урилган темирнинг овози тарақлаб чиқди. Музёраб учидан отилаётган парчалар ҳар тарафга сочилар, баъзи бирлари ўткир учлари билан келиб юзига уриларди. Музни тешиб бўлгач, яхлаган тоғорани тозаллади ва теридан ясалган челаги билан дарёдан сув олиб қуя бошлади.

Сувлоққа пода кела бошлади. Туклари қиров босган отлар келиб тоғорадан пишқириб сув ичадилар-да, биқинларини ликиллатиб яна яйловга чопиб қоладилар. Қорамоллар эса салмоқланиб, эринчоқлик билан тушиб келишади. Қалин пўстинларини ҳурпайтириб олган қўйлар эса тикилишиб, шошилиб, туёқларини тақиллатиб келади.

Темучин бўлса, тоғорани сувга тўлдираверади. Челагидан сачраган сувлар эса, пўстини этаклари, чарм иштони ва этиклариди яхлаб, қотиб қолганди.

Темучин молларни суғориб бўлиб, калтак билан эгнидаги музларни уриб туширди-да, овул томон кетди. Тойчи Қури аравага хўкизларни қўшиб, уни кутиб турган бўлиши керак. Ўрмондан ўтин териб келиш керак. Ўрмондан қайтгач, нўёнларнинг ўтовларига сув олиб бориб бериши керак. Кечқурун яна молларни суғориш... Ундан кейин эса, Овчи баҳодир ёки Олтойнинг ўтовига кириб, кун бўйи қилган ишларига ҳисоб беради. Мана шуниси энг оғири эди.

Овулдан овга кетаётган Тарғутой Қирилдуқ ва унинг навкарлари шовқин солиб чиқиб келаётган экан. Туни билан совқотган отлар учиб кетишга шай

¹ Унта – узун кўнжли этик.



бўлиб турар ва оёқлари билан бесабр депсиндилар. Темучин йўлдан чиқиб отлиқларнинг ўтиб кетишларини кутиб турди. Унинг олдига Овчи баҳодир учиб келиб, жаҳл билан бақирди:

– Кўрмисан? Хўжайиннингни кўрмаяпсанми? Таъзим қил!

Темучин унга қарамай жим тураверди. У энди сўкишса ҳам, масхаралашса ҳам индамай қўйган. Тарғутой Қирилдукқа таъзим қиладими? Йўқ! Терига ошлов бериш, ўтин ёриб нўёнларга олиб бориш, қолаверса улар учун таппи териб келишга ҳам тайёр. Лекин у Есугай баҳодирнинг ўғли, уларга бош эгмайди. У ҳеч қачон амакиси ёки Хучарга ўхшаб, ўз аждодларининг руҳларини камситиб, уларга бошини эгиб таъзим қилмайди.

– Мен кимга гапиряпман?!

Овчи баҳодирнинг оти бурунларидан тутун чиқариб, пишқирганича унга яқинлашиб келар, Темучинни қор уюмлари томон қисиб борарди. Темучин қоқилди-ю йиқилиб тушди. Шу ондаёқ юзига келиб тушган қамчи зарбидан кўзлари ёшланиб кетди.

– Қўй, уни! – деди Тарғутой Қирилдук.

Темучин ўтириб олиб, қор билан юзларини ишқади. Қамчидан қолган из қонталаш бўлиб кетган, кўзларидан дувиллаб ёш оқарди.

Уни кўриб, Булган додлаб юборди.

– Ким сени бу қўйга солди? Анавиларми?

– Ўшалар, – деди ғулдираб Темучин. – Қутурган ит Овчи.

Ўтовга Тойчи Қури кирди. Унинг совуқда қотиб қолган пўстинидан енгилгина буғ кўтарилиб турарди. У қўлларини оловга тутиб кафтларини ишқади ва уҳ-уҳлаб қўйди.

– Бугун жудаям совуқ, – деди. Бошини кўтариб Темучинга қаради. – Вой, бу нима?

– Ари чақиб олди, – Темучин бармоқлари билан лўқиллаётган ярасини силаб жавоб қилди.

– Арилар қишда чақмайди.

– Яшавор, Тойчи Қури, билмаган нарсанг йўқ! Аримас, аҳмоқ пашша. Улардан қишда ҳам ёзда ҳам қутулиб бўлмайди.

– Рост, аҳмоқ пашша! – Илиб кетди Булган. – Кўзига ким кўринса, чақаверади. У овозини пастлади-да, эл орасида шундай гап юрибди, деди – Тарғутой Қирилдукнинг кунлари битиб қолганмиш. Шомон Таб тангри башорат қилганмиш. Тарғутой Қирилдукнинг ўрнига улусни кокиллари малла, кўзлари эса тўрғайнинг тухуми сингари кулранг одам бошқарар эмиш. Темучин, сенинг ҳам сочларинг малларанг. Лекин кўзларинг... Ҳар доим ҳам кулранг бўлавермайди. Баъзида янги майса сингари яшил, баъзан эса тун каби қорамтир бўлади. Лекин мен, барибир сени ўйлайвераман: сен бизларга раҳбар бўлсанг керак?

– Бунақа сафсаталар кимга керак, она? – ўпкалаб гапирди Тойчи Қури. – Бу гаплар Тарғутой Қирилдукнинг қулоғига етиб борса, Темучинга кун бермайди.

– Бу сафсата эмас. Сўрғон Ширанинг ўзи шомон билан гаплашибди.

– Шунақа бўлса, яхши эди-я. Аммо, барибир жим юрганимиз яхши, она. Темучин, сен уйда қолақол. Ўрмонга бир ўзим бориб келаман.

– Бир ўзинг шунча ўтин олиб келолмайсан.

– Олиб келаман.

Темучин ҳар доим Тойчи Қурининг бошқаларнинг ишларини ҳам ўз зим-масига олишга тайёр туришига ҳайрон қолиб юрарди. Ич-ичидан у бу бола-ни шу важдан ёмон кўрарди ҳам. Унингча, бу хислат туғма қулларга ҳосдек туюларди. Лекин ҳозир у Тойчи Қуридан миннатдор эди. Кун бўйи совуқда юрса, юзидаги яраси нима бўларди?

У ўринга чўзилди, совуқ сувга ботирилган бир парча жунни юзидаги чан-диққа босиб, Булганнинг гапларини ўйлай кетди. Агар миш-мишлар рост бўлиб чиқсами! Нима учун рост бўлмасин? Унинг зоти, Қиёт Бўржигинлар зоти, бошқаларга ҳокимлик қилишини осмоннинг ўзи белгилаб қўйган-ку. Отаси шунақа дерди. Бўлажак қайнотаси Дой чечан ҳам худди шуни таъ-кидлаганди.

Кечкурун Овчи баҳодирдан навкар келди. Овчи овқатланиб ўтирган экан. Хонтахта устидаги ёғоч товоқда бир уюм пишган гўшт, декчада или-тилган архи турарди. Овчи архини декчанинг ўзидан ичар, пишиллар, қўзи-чоқ суякларини тозалар, шовқин солиб иликларини хўриллатиб шимарди. Оппоқ соғлом тишлари ярақлар, салқи юзидаги чандиғи қизғиш тусда кўри-нарди. Темучин остонада, қанғаси томоғини эзмасин учун бошини сал эгиб турарди.

– Сени яхшилаб уриш керак эди-ю, аммо қорним тўйиб қолиб, туришга эриняпман. – Овчи қўлларини иштонига артди-да, Темучиннинг чандиқдан шишиб бадбашара бўлиб кетган юзига тикилди. Лабларида кулги кўринди.
– Ёмон туширмабман-ку, а?

– Ёмонмас, – таъкидлади Темучин.

У Овчи баҳодирдан кўрқмасди. Темучин унга очиқ-ойдин нафрат билан қараб турарди.

– Овқат егинг келяптими? – сўраб қолди тўсатдан Овчи.

– Йўқ, егим келмаяпти.

– Ичасанми?

– Ичгим ҳам йўқ.

– Кўрдингми, ҳаётинг яхшилигини. Қорнинг ҳам тўқ, ичкиликни ҳам рад этяпсан, бугун ўрмонга ҳам бормадинг. Аҳмоқ Тойчи Қури сенинг ўрнингга ишлаб юрибди.

– Менинг ўрнимга ҳеч ким ишлаётгани йўқ. Мен сенга ишга ёлланган эмасман.

– Бугун жуда тилинг бурроми? Балким баъзи бир миш-мишлар сенинг ҳам қулоғингга етиб боргандир? А? Хурсанд бўлиб кетмагин. Биз шомон-нинг вайсақи тилини суғуриб оламизу миш-мишлар ҳам тугайди. Сен эса мана буни яхшилаб тушуниб ол. Бадавлат одам бир кунда қашшоқ, кучли одам эса ожиз бўлиб қолиши мумкин. Акси эса, ёдингда тут, ҳеч қачон бўл-майди. Жаноблар кўпинча қул бўлиб қолишлари мумкин, аммо қул ҳеч за-



монда жаноб бўлмайди. Шуни уқиб олмасанг, бўйнингдаги қанғанг бир умр ечилмайди.

– Агар ечсам-чи? Сен, Овчи баҳодир, отамнинг хизматкори, ҳеч ўйлаб кўрмадингми, унда сенинг аҳволинг нима бўлади?

Архидан хўлаб, тишлари билан гўштдан бир бўлак узиб олган Овчи оғзи тўла овқати билан гапира кетди:

– Мен сенинг отанга ҳалол хизмат қилганман. Отанг ўлувди Тарғутой Қирилдуққа хизмат қиляпман. У сенинг отангдан яхшими-ёмонми, менга барибир. Мен бир нарсани биламан: у яхши яшаса, мен ҳам яхши кун кўраман. Менга ўхшаган одамлар бу ерда кўпчилик. Мана шунинг учун ҳам сен қанғангдан ҳеч қачон қутулолмайсан!

Овчи баҳодир, деярли олийжаноблик қилмоқда эди, бирон марта ҳам бақирмади, ҳар доимгидек мазах қилмади. Шунинг учун унинг сўзлари Темучинга жаранглаб эшитилди. Бу гапларда унинг ўзи учун даҳшатли ҳақиқат бор эди.

– Отангнинг хотираси ҳурмати сенга бир маслаҳат бераман: шу тақдирингга кўнсанг, ҳаётингни енгиллатасан. Балки, менинг сенга ёрдамим тегиб қолар...

Темучин елкаларини қимирлатиб қўйди. Қанғаси жуда ҳам ботиб кетган эди. Чандиқ юзини буриштирар, шишиб кетган кўзи ёшланар, гўшт ҳиди бурнини қитиқларди. Ўзини ожиз, нотавон ва эзилган ҳис қилган Темучин, ўз ожизлигини билдириб қўймаслик учун баралла овозда деди:

– Менга сенинг маслаҳатларинг ҳам, ёрдамнинг ҳам керак эмас.

– Ўзинг биласан... Тойчи Қури аҳмоқнинг ўтовига бошқа қайтмайсан. Темирчи Жарчитойга қарашасан. Болға ташлаб турсанг ақлинг кириб қолар.

Навкар Темучинни ўчоғи совиб қолган, қоронғигина бир кичик ўтовга бошлаб келди. Қошлари бароқ, кексагина Жарчитой, Темучиннинг бадбашара юзига қовоғини уйиб қаради-да, чийилдоқ овозда минғирлади:

– Ў-ў, турқини қара-ю! Мен бир ёрдамчи сўровдим, бунинг қароқчининг ўзи-ку. Қайтиб олиб кетавер.

– Мен ҳеч нарса билмайман, – деди навкар. Ўзинг Овчи баҳодир билан гаплаш.

– Гаплашаман ҳам! Наҳотки бир дурустроқ одам топилмаган бўлса? – деди норози оҳангда темирчи.

Навкар кулганича ортига қайтди.

Темирчи ўчоққа қуруқ шаббалардан ташлади. Олов аланга олиб, тутундан деворлари қорайиб кетган ўтовни ёритди. Ўчоқдан нарида, ҳайрон кўзларини ола-кула қилиб, ўн ёшлар чамаси бир бола билан бир ўспирин ўтиришарди.

– Жалма, ишёқмас, сен нимага ўтирибсан? Аргал¹ олиб кел.

Ўспирин оёғига каттакон гутулини илиб, чиқиб кетди. Темирчи Темучинга ўгирилди:

¹ Аргал – қаттиқ ўтин.



– Сен нимага турибсан, қоққан қозикқа ўхшаб? Келдингми, ечин.

Темучин пўстинини ечиб, остона яқинига қўйди. Темирчи унга бир ўқрайиб қаради-да, болакайга буюрди:

– Човурхон Субутой, пўстинини илиб қўй. Нуёнлар бўйнига қанға илинган бўлса ҳам, унга хизмат қилишларини яхши кўришади.

Агар шу тобгача темирчи уни қанғаланган оддий кул деб қараяпти, деб ўйлаган бўлса, энди темирчи ким билан гаплашаётганини яхши биларкан, деб ўйлади Темучин. Бу ҳам Тарғутой Қирилдуқнинг содиқ итларидан бири экани кўриниб турибди.

Болакай пўстинни кўтарди-ю, бироқ илгичга бўйи етмади. Темучин пўстинни олиб, болани четга сурди-да, ўзи илиб, ўчоқ яқинига ўтирди.

Жалма арғал, ўтин олиб келиб, мумдай қора ғўлачани оловга ташлади. Аланга нақ мўригача кўтарилиб кетди. Ўтов ичига иссиқ югурди. Жарчитой кечки овқатдан қолган шўрвани иситиб, Темучиннинг олдига қўйди-да:

– Е! – деди қисқагина қилиб буйруқ оҳангида.

Декча ичида ним сариқ рангда ёғлар, ёввойи пиёз – манғир ушоқлари сузиб юрарди. Темучин сўлагини ютди. Овчи баҳодирнинг ўтовидаги каби шўрвадан ҳам воз кечиш керакмиди. Аммо унинг қорни росаям оч эди. Ўзини ўзи ёмон кўрганича шўрвани хўплай бошлади. Жалма унга яқин келиб ўтириб, қанғасини ушлаб кўрди.

– Оғирми? – деб сўради.

– Бўйнингга илишганда билиб оласан.

Жалма хижолат бўлмади. Яна ҳам яқинроқ сурилиб ўтирди-да, пичирлади:

– Сен бизнинг отамиздан кўрқма. У жаҳлдор бўлса ҳам, ўзи яхши одам.

– Сувга тушиб кетган одам ёмғирдан кўрқиб ўтирармиди, – деди Темучин қовоғини уйганча.

Эрталаб ишга кетишди. Темирчилик устахонаси шундоққина қўшни ўтовда экан. Чоғроққина ўчоқ устида чарм босқон, тагида сандон турар эди. Унга яқин жойда илмоқларда омбурлар, болғачалар илинган, эшик ёнида эса, бир тўда занглаган темир парчалари ётарди. Жарчитой Темучинга олов ёқишни буюрди. Ўзи эса, сандон устида темир бўлагини тарақлатар экан, зимдан Темучиннинг ишини кузатиб турарди. Темучин босқон илгичини тортди, шамол шовқин солиб ўчоқ ичига кириб борди-да, кўмир учқунларини ҳар тарафга тўзғитиб юборди. Темирчи унинг олдига келди, елкаси билан уни итариб юборди-да, ўзи дам ура бошлади. Босқондан чиқаётган ҳаво бир текис, равон бўлиб қолди.

– Мана шундай бос! Ҳеч нарсани билмайсан!

Иш устида темирчи бутунлай баджаҳл бўлиб кетар экан. Тўхтовсиз сўкинарди. Жалма устахонага кўмир, сув, темир етказиб тураркан, «Сениям боп-лаяптими», дегандай имо-ишора қилиб қўярди.

Темучин болға уришни анчагача эплаштира олмади. Қизиб ётган темир устига урган зарбалари бир енгил чиқса, бирда жуда қаттиқ чиқар, гоҳида эса, мўлжалга ноаниқ уриларди. Бундай пайтларда темирчи ўзидан чиқиб



кетар, унинг қўлидаги болғасини тортиб олиб ерга улоқтирар, оёқлари билан топтаб ташларди.

– Ҳайдаб юбораман! Овчига таёқлатаман! Эшакдан улоқчи от чиқмаганидай, нўённинг боласидан темирчи ҳам чиқмайди.

– Нўён жангчи бўлиши керак, темирчи эмас! – Темучин ҳам қизишиб кетди.

– Ўша жангчига ким қилич ясаб беради, найза ва ўқларни ким етказиб беради? – Темирчининг куйган бароқ қошлари қора булут каби кўзлари устида ҳурпайди. – Отнинг узангисини, сувлиғию юганларини ким қилади? Ҳаммасини мана шу қўллар қиладими? – у қавариб кетган, тирноқлари синиқ, қоп-қора дағал қўлларини Темучиннинг бурнига тиқиштирди. – Сиз, нўёнлар-чи, бизга нима беряпсизлар? Душманларга деб тайёрлаган қуролларимизни ўз биродарларингизга кўтаряпсиз, ўз яқинларимизнинг қонини тўкяпсизлар.

– Менинг бунга нима дахлим бор?

– Қанақасига дахлинг бўлмасин? Сенга ҳам эрк берилса, ўшалардан фарқинг бўлмайди!

– Нима бўлганда ҳам, Тарғутой Қирилдуққа ўхшаш бўлмайман.

– Қанақа бўларкансан? Ўзинг ҳам билмайсан. Болғани ол.

Ҳар доимгидек, кечқурун Темучин Овчи баҳодирникига отланди. Темирчи жавоб бермади. Эрталаб Овчининг ўзи устахонага келди.

– Нимага бормадинг? – сўради у.

– Сен мендан сўра, – деди темирчи. Уни менга бердингми, мен жавоб бераман. Бориб келавараркан-да. Ишлаш керак, сандирақлаш эмас.

– Майли, – деди юмшоқлик билан Овчи, – уни қаттиқ тергаб тур.

– Йўқ, олмахоннинг думи билан юзларини силаб тураман.

Овчи баҳодир кулиб юборди.

– Менга айтишувди: уни уришаётганинг бутун овулга эшитилармиш. Шундоқ ушлайвер.

– Сенсиз ҳам биламан!

Темучин темирчининг оёқларига тиз чўкишга тайёр эди: у Темучинни Овчи баҳодир ёки Олтой билан бўладиган ҳар кунги хўрланишлардан халос қилганди. Лекин у тиз чўкмади, раҳмат ҳам айтмади. Унинг ўрнига Темучин кечаси билан устахонада қолиб, чарчоғига ҳам қарамай, болға уришни машқ қилди. Мўлжалга аниқ уриш, зарба кучини чамалашни ўрганди. Уста унинг ҳеч ишга лаёқати йўқ, қўлидан бирон-бир иш келмайдиган бола, деб ўйла-масин дерди.

Жарчитой унинг иштиёқини сизди, шекилли, аввалгидек заҳарханда ва баджаҳлликча қолган бўлса-да, энди уни камроқ уришадиган бўлди. Лекин, темирчи ўзининг болаларини ҳам, айниқса, Жалмани аяб ўтирмасди. У ҳеч кимни сийламади. У Овчини ҳам, ҳатто Тарғутой Қирилдуқнинг ўзини ҳам сўкиб ташлайверди. Унинг одамлар ҳақидаги фикри ўринли ва жуда салбий эди... Темучин ўзининг ҳаёт тўғрисидаги фикр ва қарашлари юзаки ва болаларча жўн эканини шу ерда тушуна борди. Яқин-яқинда ҳам у мақтанчоқлик



ва ғурур билан «Мен Есугайнинг ўғлиман!» деб одамларга эслатиб турарди. Энди эса, Жарчитойнинг ёввойи қарашлари олдида бу сўзлари тош босмай қолди. Бу ерда унинг сўзлари ҳеч қандай қийматга эга эмасди.

У ҳаётнинг мураккаблигию одамнинг одамсиз яшай олмаслигини тушунгани сайин шунчалик тез бу ерлардан қутулиб кетишни истаб қолди. Қочиш ҳақидаги фикр уни туну кун тарк этмади. Соғинч, озодлик азоблари унинг юрагига бўйнидаги қанғасидан ҳам оғирроқ юк бўлиб ботарди.

XI

Бепоен Гоби саҳросининг иссиқ шамоли қорларни эритарди. Майда тошлоқ унгурларда ҳаво ранг ургуй гуллари кўзга ташланди. Офтобда тобланаётган ялангликларда янги майсалар ниш уриб чиққан. Қахратон бўронларидан омон чиққан дерисунлар атрофида юмронқозиклар ғимирлашар, осмон қанотларини бир-бир қимирлатиб, ўлжаларга ҳам бепарво шунқорлар парвоз қиларди. Кўлдан кўлгача ястанган кенгликларни эса сон-саноксиз қушлар сайроғи, жониворларнинг қичқириқлари тўлдириб турарди. Дайди айғирлар ташрифидан бияларини қизғанган уюр отлари қутургандай кишнашар, кўзлари қонга тўлган буқалар туёқлари билан ерни кавлагудек депсиниб, калла қўйишар, ора-чора чивинларнинг ғинғиллаши эшитилиб қоларди. Бу товушлар, еллар келтирган ҳидлар – барчаси Тойчи Қурининг қалбига бесаранжом шодликлар олиб кирарди.

Овулдан анча четроқда, ўрмондан оқиб тушаётган булоқ сувлари ёнида ёлғиз ўтов турарди. Тойчи Қури мана шу ўтовни қоралаб борарди. У ялангоёқ бўлганидан, қиши билан пойафзал ичида юмшоқликка ўрганган товонларига ўтган йилдан қолган қуруқшоқ ўтлар тикондек ботар эди-ю, аммо мана шунақанги майсалар, нам ернинг тафтини сезиб юриш ҳузур бағишларди.

У ўтовга яқин келганида, ичкаридан озғин бир ит шовқин солганича хуриб чопиб чиқиб, Тойчи Қурининг иштонидан олди. Итнинг биқинига оёқ учи билан бир тепиб, Тойчи Қури ўзини четга олди. Аммо кўппак яна иштонига ёпишди. Ўтовдан бир қиз чопиб чиқиб, итга бир бақирувди, у думини ичига тортиб, ириллаганича нари кетди.

– Тишлаб олдимиз? – қиз Тойчи Қурининг олдига келиб сўради.

– Йўқ. Фақат, манави иштоним...

Тойчи Қури ўнг оёғини олдинга чиқарди. Бир неча бор ямалган, эчки терисидан тикилган эскигина иштони тиззасидан почасигача йиртилиб ётарди. Қиз кулиб юборди. Тепадаги битта кемтик тиши Тойчи Қурига хунук кўриниб кетди. У эгнига этаклари кир, енгларининг уवादаси чиққан, арзон матодан қўйлак илиб олганди.

– Сен бизникига келяпсанми? – сўради қиз.

– Ҳа, менга мана шу ўтовнинг эгаси керак эди.

– У менинг бувам. Лекин ҳозир йўқ, кутишингга тўғри келади. Унгача кел, мен сенинг иштонингни тикиб бераман.

– Ечиб берайми?



– Вой, гапингни қара! – Қиз қизариб кетиб, ўтовга қараб юрди.

Аҳмоқона гапидан Тойчи Қурининг ўзи ҳам қизариб кетди. Аммо қитмирлигидан ўзининг дили яйради. Бошини айлантириб келиб, ўтовга кираверишда турган қайин тўнкасига бориб ўтирди. Қиз пайлардан тайёрланган ип, игна олиб келиб, унинг олдида тиз чўкиб ўтирди-да, ишга киришди. Тойчи унинг ингичка, чаққон, тирноқлари бўртиб чиққан бармоқларига, фарқи нотекис очилган бўлса ҳам силлиқ таралган сочларига, пуштиранг бўлиб кўринган қулоқларига қаради. Бирдан у қизнинг бармоқларини кафтлари орасига олгиси, қулоғи ёки сочларини енгилгина силаб қўйгиси келди. Аммо қизнинг жаҳли чиқиб кетишидан кўрқиб, тек ўтираверди.

– Сенинг отанг борми? – сўради у.

– Йўқ. Уни татарлар ўлдиришган.

– Онанг-чи?

– Онамни бўлса меркитлар асир олишган.

– Бувангдан бошқа ҳеч киминг йўқми?

– Йўқ...

– Менинг бўлса онам бор, – деди Тойчи Қури ва гапи мақтанишга ўхшаб чиққандай туюлиб, қайта гапирди: менинг ҳам онамдан бошқа ҳеч кимим йўқ. Отам Есугай баҳодирнинг жангчиси эди, аммо уни татарлар эмас, Тарғутой Қирилдукнинг навкарлари ўлдиришган.

У жимиб қолди. Қўлини қизнинг бошига қўйиб, сочларини аста силади.

– Нима қиляпсан? – Қиз бошини кўтарди, унинг қоп-қора чақноқ кўзлари ҳайрон боқарди.

– Сочларинг сип-силлиқ-а?! Сен уларга мой суркайсанми?

– Йўқ, ўзи асли шунақа.

– Менинг сочларим бўлса дағал. Худди ҳўкизнинг думига ўхшайди. – У энгашиб қизнинг қўлини тутди-да, бошига қўйди.

– Ростданам, – деди қиз қўлини тортиб оларкан. – Кимнинг сочлари қаттиқ бўлса, унинг феъли ҳам шунақа қаттиқ бўларкан...

– Мен бўлсам, феълим қанақалигини ҳам билмайман. Ўзингники-чи?

– Мен ҳам билмайман. – У ипни тишлаб узди, кафти билан чокининг устидан юргазиб чиқди. – Мана, яна янгидай бўлди.

Қиз айёрона кулиб қўйди. Унинг кўзлари катта-катта, кичиккина, салгина танқайган бурунли юзи очилиб кетган ва энди тишининг кемтиги унинг чиройига асло рахна солмаётган эди.

Тойчи Қури қизнинг елкасига шапатилади-да, кулиб гапирди:

– Сен билан қанча вақтдан бери ўтирибмиз-у, мен ҳатто исмингни ҳам сўрамабман. Аҳмоқман-а?

– Менинг исмим Қаймиш.

У ер-бу ерида тераклар ўсиб турган тепаликда ингичка чўпларни бир боғич қилиб орқалаб олган чол кўринди. Ит унинг оёқлари остида ўрмалашар, сакрар, думини ликиллатарди. Қаймиш бувасининг олдига чопиб бориб, елкасидан новдаларни олди-да, орқалаб олди. Тойчи Қури бу ерга иш билан келгани эсига тушиб, нафасини ичига ютиб:



– Мени Тарғутой Қирилдуқнинг ўғли Олтой жўнатувди. У юзта ўқ ясаб беришингизни буюрди, – деди.

Чол Тойчи Қурига бепарвогина қараб қўйди-ю, лом-мим демади. У жуда ҳам қартайиб қолганди. Озгин, суяклари бўртиб чиққан юзини ажин босган, сийрак соқоли ва мўйловининг туклари оппоқ эмас, балки ўтган йилги ўтларга ўхшаб сарғиш тусда эди. Эғнидаги чопони ҳам, гутули титилиб кетган, ямоқ солинган эди. У тўнкага ҳорғин чўқди.

– Ўтир, йигитча. Ёки шошяпанми?

Тойчи Қури ўтирди. Қуёш ботишга қараб кетган, ўтов ва дўнғалаклар сояси узун-узун бўлиб, чўлга қараб ястланиб бораётганди. Осмонда бир ёни тилларанг бўлиб оқ булут илиниб турибди. Ит чолнинг олдига келди. Тиззасига бошини қўйиб, кўкиш томирлари бўртиб турган қўлини ялай бошлади.

– Олтойнинг ўқларини ясаб бераман, – деди чол. – Ясаб бермай ҳам кўр-чи!

Қаймиш ўтов олдига гулхан ёқиб, овқатга уннай бошлади. Чол бояги боғичдан битта новдани суғуриб олди, бир кўзини қисиб, диққат билан қаради – тўғримикин. Кейин оловга тутиб қурита бошлади.

– Мен ҳам сизга ёрдамлашсам майлими? – сўради Тойчи Қури: бир нима қилиб бўлса ҳам чолга фойдаси тегишини хоҳлаётганди.

– Уриниб кўр. Фақат сенинг қўлингдан келмайди-да. Ўқни синдириш, йўқотиб қўйиш иш эмас. Аммо уни яшаш... Мана, ярим кун кезиб юриб, қанча новда териб келдим? Йигирматачадир, кўп эмас. Новдалар бутуқсиз, пўстлоғи текис бўлиши керак. Яхши ўқ қарағай шоҳларидан ясалади. Чўл қарғанасидан бўлса, ундан ҳам яхши. Аммо қарғанани қидириб, узоққа бориш керак, менинг эса кучим етмайди.

– Сиз менга қанақа новдалар кераклигини кўрсатиб қўйсангиз, қанча керак бўлса топиб келаман. Бу менга хамирдан қил суғургандек...

– Раҳмат. Сен яхши бола экансан. – Чол новдани олов устида айлантирар, у эса чирсиллаб тутарди.

– Нимага қуёшда қуритмайсиз? – сўради Тойчи Қури.

– Оловда қуригани яхши. Оловда қуритилган ўқ ҳам эгилувчан, ҳам текис чиқади.

Чол билан гаплашиб ўтирган, Тойчи Қури қизга кўз қири билан қараб-қараб қўярди. Гоҳи-гоҳида уларнинг кўзлари тўқнаш келиб қолар, шунда йигит хурсанд кулиб қўярди.

Овқатдан кейин чол куйиб қорайиб кетган новдаларни тозалади, но текис жойларини ҳафсала билан кесиб, силлиқлаб чиқди. Бир учига ярим айлана чуқурча кесиб чиқди. Бошқа учини эса шу ерга тикиладиган темир учликка мўлжаллаб йўнди.

– Тайёрми? – сўради Тойчи Қури.

– Йўқ, тайёр эмас. Ҳали балиқ елимини қайнатиш керак, кейин учликларни ёпиштириб чиқаман. Дум тарафига куш патларидан ўрнатиш керак. Энг зўр пат бургутники ҳисобланади. Унақаси бўлмаса, оққушники ҳам, қарға, бўктаргиники ҳам бўлаверади. Энг охирида ўқни шундай тозалаб чиқиш



керакки, у силлиқ ва ялтироқ бўлсин. Қараганда хитой локи суртилгандай туриши лозим. Бу ишни неварам мендан ҳам зўр қилиб уддалайди.

– Бува, ўзингиз ўргатгансиз-да,..

– Тўғри, ўргатганман. Сенинг бармоқларинг сезгир. Ёшлик чоғларимда менинг ҳам бармоқларим абжир, кўзларим ўткир бўлган.

Қоронғи тушди. Тойчи Қури уйига қайтадиган вақт бўлган, лекин ҳеч кетгиси йўқ эди. Чол, гўёки унинг фикрини ўқигандай:

– Агар хоҳласанг, бизникига ҳар кун келавер. Мен сенга ўқ ясашни ўргатаман, – деди.

– Ў, мен ўқ ясашни жуда ҳам хоҳлайман! – хурсанд бўлиб кетди Тойчи Қури.

Қария унга ва неварасига қараб олди, кулиб турган кўзлари олдида ажинлар тўпланди:

– Қаймиш ҳам сенинг ўрганишингни хоҳлайди. А, Қаймиш?

Қаймиш кўзларини олиб қочди, ўт ичидаги ёғочларни тўғрилай бошлади.

– Борақол, йигитчани кузатиб қўй, ит тишлаб олмасин, яна.

Гулхандан бир неча қадам нарида шунчалик зимистон эдики, Тойчи Қури ёнида келаётган Қаймишни ҳам кўрмасди. Фақат унинг равон нафас олиши ва гутули остида эзилаётган ўтларнинг шитири эшитиларди.

– Мен сизларникига келиб турсам бўладими? – сўради у қиздан.

– Ўзинг биласан. Фақат... – У кулиб юборди. – Пишиқ иштон кийиб олгин.

– Ҳечқиси йўқ, сен ямаб берасан-ку? – деди у ҳам кулиб. – Аслида бошқа иштоним ҳам йўқ.

У қўлини узатиб, қизни елкасидан ушлаб ўзига тортди. Аммо Қаймиш унинг кучоғидан юлқиниб чиқиб олди-да, уни итариб қочиб кетди. Йигит овул чироқлари томон аста илдамлаб кетди. Баъзан тўхтаб қолар, осмонга қараб энг катта юлдузларга тикилар, ўқчи чол ўтови олдида ёришиб турган гулханга боқар ва юрагига аллақандай нотаниш севинчга тўлиб бораётганини ҳис этарди.

Уйда уни меҳмонлар кутиб ўтиришган экан. Ўтов ўчоғи олдида Сўрғон Шири ва шомон Таб тангри ўтиришарди. Онаси уни койиган бўлди:

– Қаерларда юрибсан? Энди сени қидирмоқчи бўлиб турувдим.

– Мен бир бузоқчамасман-ку, йўқолиб қолсам.

– Тойчи Қури, сен Темучинни кўриб турасанми? – сўради Таб тангри.

– Йўқ, Жарчитойникида ишлай бошлаганидан бери кўрганим йўқ. Мен уларникига бормаيمان. Ўша темирчи жудаям баджаҳл. Анави ўқ ясаيدиган чол бўлса, жуда яхши одам экан.

– Тўхтаб тур, Тойчи Қури, – гапни бўлди Сўрғон Шири овозини пастлатиб. – Таб тангри бу ерга Темучинни қочириб юборишга ёрдам беришимизни сўраб келибди.

– Илгарироқ ёрдам бериш керак эди, бизникида яшаб юрганда.

– Менам шуни айтяпман-да, – деди Сўрғон Шири. – Энди қандай ёрдам бера олишимиз мумкин? Ҳаммага ҳам ўзининг жони бошқаларникидан азизроқ.



Бир чеккада ўтирган Булган ўрнидан туриб, қўлларини силтаб гапирди:

– Сизларга нима бўлган? Нима, Темучин бизнинг ҳақиқий хўжайинимиз бўлмай қолдимиз? Сўрғон Шира, унинг отаси сенга марҳаматлар кўрсатмаганмиди? Сен-чи, Тойчи Қури, Темучиннинг кийимларини кийиб катта бўлмаганмидинг?

Таб тангри Булганни эшитиб ўтириб, маъқуллагандек бошини қимирлатиб қўярди.

– Шунақа, шунақа... Қандай замонлар бўлди: хотинлар эркакча, эркаклар хотинларга ўхшаб иш қилишади. Сен ўз жонингдан қўрқяпсанми, Сўрғон Шира? Рухлар ғазабидан қўрқмайсанми? Тарғутой Қирилдуқ менинг тилимни суғуриб олишга сўз берганини биласизлар-а? Лекин мен бу ерга келдим, қўрққанам йўқ. Рухлар менга аён қилишди: ким Темучинга ёрдам берса, у осмон ҳимоясида бўлади.

– Шунча гапнинг нима кераги бор? – хайрон бўлди Тойчи Қури. Мен ёрдам беришга ҳар доим ҳам тайёрман. Фақат қандай қилиб? Ўйлаш керак.

– Ҳаммамиз биргаллашиб ўйлаймиз, – деди Таб тангри.

Улар туришга чоғланганларида жуда ҳам кеч бўлиб қолганди. Таб тангри билан Сўрғон Шира темирчи Жарчитойникига йўл олишди. Тойчи Қури уларнинг тун оғушидаги эҳтиёткорона қадамлари тинишини кутиб турди-да, Қаймишнинг ўтови томонга қараб қўйди. У ерда ҳамон чироқ шуъласи милтиллаб турарди.

XII

Биринчи ёз ойининг ўн олтинчи куни, ҳар доимгидек, Унон бўйларида курашчилар, камончилар ва пойгачилар мусобақалари ўтказилди. Шундан икки кун илгари, Даритой отчигин ва Хучарнинг чўпонлари овулига меркитлар ҳужум қилиб, ўтовларни талаган, анчагина чорвани ҳайдаб кетишган ва яна ўзлари билан ўн нафар йигит, йигирмага яқин қизларни олиб кетишган эди.

Тарғутой Қирилдуқнинг навкарлари меркитларни тутиб олиб, мол-ҳолни ҳам, одамларни ҳам қутқариб қолишлари мумкин эдию, аммо улар ара-лашмади.

Темирчи Жарчитой, воқеанинг қандай бўлганини эшитиб, кун бўйи сўкиниб юрди. Унинг яхшигина темирчи уста бўлиб етишган жияни ҳам бошқалар қатори меркитларга асир тушган эди.

– Кўрдингми, сиз нўёнлар қанақасизлар? – дерди Жарчитой Темучинга. – Бўрилар ҳужум қилган пайтда итлар бир бўлиб ташланишади. Мияси йўқ қўйлар ҳам бир тўда бўлиб олишади. Фақат сизлар бир четда қараб, томоша қилиб турасизлар. Ҳатто бошқаларнинг тукини юлишларидан хурсанд ҳам бўласизлар.

Темирчининг ҳамма нўёнларни бир қилиб, шунақанги тавқи-лаънат ёғдираётганидан Темучин ўзини қўярга жой топа олмай қолди. Чунки темир-



чи уни ҳам бошқаларга тенглаштириб қўйганди. У темирчи билан баҳслашаркан, қизишиб кетиб, ҳатто Тарғутой Қирилдуқни ҳимоя қила бошлади.

– Нима учун унинг меркитларга қарши чиқмаганини сен қаердан биласан? Кучи етмаган бўлса-чи!

– Жим бўл! – бақирди темирчи. – Меркитларни енгиш иш эмасди. Лекин бундан Тарғутой Қирилдуққа фойда йўқ. Сенинг амакинг Даритой отчигин унинг қарамоғидан чиқиб кетган эди, ҳисоб. Даритой отчигиннинг қақшаши унга қўл келади. Мана, бир нўённинг хонавайрон бўлиши, бошқасини қувонтиришига сабаб.

– Бўлиши мумкин эмас...

Жарчитой унга гап бермади, жаҳл билан унинг юзига қараб туриб, сўради:

– Сен нима учун бу ерда юрибсан? Сенинг бўйнингдаги қарағай қанғаси қаердан келиб қолди? Нима учун амакинг Даритой отчигин, ёки амакиваччанг Хучар сени қутқариб олмайди? Ўлтон-чи? Сача беки-чи? Ёки Бўри Бўга қутқариб олса бўлмайдими? Ана, қанча қариндошларинг бор! Сен эса бу ерда юрибсан. Шунчалик калланг йўқ экан, сенинг бўйнингга ёғоч эмас, темир қанға илиш керак эди.

Темирчи сўнгги пайтларда Темучинни жуда қийнаб келаётган нозик жойига теккан эди. Нима учун унинг тақдири билан қариндошларининг иши йўқ! Уларнинг ҳаммаси ҳам Тарғутой Қирилдуққа ўхшашми? Ахир унинг ҳам, гарчи жуда яқин бўлмаса ҳам, Даритой отчигин, Хучар, Ўлтон, Сача беки ва Бўри Бўгалар билан қони бир-ку. Тарғутой Қирилдуқ Темучинни хўрлаши, камситиши билан уларни ҳам, бутун зотларини ҳам оёқости қилаётганини наҳотки улар тушунишмаса? Тўғри айтишаркан-да: қаердан кўрқув ўрин олса, ўша ердан ғурур қочади деб.

Байрамдан олдинги оқшомда, Жарчитой ўтовига Овчи баҳодир келди. Чоптириб келаётган отини кескин тўхтатаиб, қўл ишораси билан Темучинни шошилиш чакориб олди.

– Эрталаб барвақт туриб, Тойчи Қури билан байрамга борасан. Ўтин, сув ташийсан, қозонларни ювасан.

– У шу ерда менга қарашади, – деди Жарчитой. – Темучинсиз ҳам хизматкорларинг тўлиб ётибди.

– Аммо бунақаси битта. Оёғи ердан узилиб қолганлар унга қараб, ўзларига хулоса чиқариб олсинлар. Тарғутой Қирилдуққа қарши чиққанларнинг аҳволи нима бўлишини бир кўриб қўйишин. Сен-чи, эй, темирчи, сўралмаган жойга суқилаверма. Ҳаддингдан ошиб, кейинги пайтда ўзингни кўрса-тиб қолдинг. Сенга ҳам кучим етади.

– Тулки бўри бўламан, деб кўрган экан. Отнинг думидан тишлабдию, тишларидан айрилибди, – деб тўнғиллади темирчи.

Овчи баҳодирнинг пешанасидаги чандиғи бўртиб чиқди, мушаклари олдидаги терилари тортишиб кетди. Аммо Темучин буларни кўрмади. У текин томоша ишқибозлари кўзларини лўқ қилиб унга қарашларини, ҳасадгўйлар эса устидан кулишларини кўз олдига келтирди-да, бошини чайқади:

– Малайлик қилмайман! Тарғутой Қирилдуқнинг оёғини ялаш – сенинг ишинг.

Овчи баҳодир унинг боши узра қамчисини кўтарди. Темучин бир четга қочган эди, зарба темирчига келиб тушди. Терлайвериб қотиб кетган эски халати елкасидан ёрилиб кетди. Аммо темирчи жойидан қимирламади, у тошдай қотиб қолган, киприк қоқмай Овчи баҳодирга тикилиб турарди. У бўлса сўкинганича отини чоптириб кетди.

– Жаранглаган қиличларимиз ва ўткир найзаларимиз эвазига нўёнлар бизни мана шундай сийлашади. Жалма, Сўрғон Ширани чақириб кел, гаплашиб олишим керак...

Сўрғон Шира темирчининг олдига тез-тез кириб турар, улар ёлғиз ўзлари алланарсаларни узоқ гаплашиб ўтиришарди. Охирги марта кўришганларида баҳслашиб қолдилар. Сўрғон Шира бошидаги терни артганча, атрофга аланглаб ўтовдан чиқиб кетди. Жарчитой бўлса, анчагача жаҳлдор бароқ қошларини қимирлатиб, тўнғиллаб юрди.

Сўрғон Шира келиши билан, темирчи уни ўтовга таклиф қилди, эшикни ёпинчиғини яхшилаб ёпди. Темучин Жалма ва Човурхон Субутой билан ўчоқ олдида ўтиришганича қолавердилар. Овул бесаранжом эди: одамлар байрамга ҳозирлик кўришарди. Сахро тарафдан отликлар, аравалар карвони келарди. Тарғутой Қирилдуқнинг оқ ўтовлари ёнида катта гулханлар ёқилган, унинг атрофида одамлар тўпланиб туришарди. Овулдан нарироқда, мусобақалар ўтказиладиган жойда ҳам гулханлар ёришиб турар, улар узоқдан келган меҳмонлар томонидан ёқилган эди.

Темучин ўзи иштирок этган пойгани эслаб кетди. Онаси тикиб берган қизил чопонидан қувонгани, ям-яшил ялангликда тулпорини чоптиришга ошиқиб югурганлари, қанча чавандозни ортда қолдириб кетганидан ичига сиғмаганлари ёдига тушди. Қанчалик бахтли эди, ўшанда.

Ўша ерда Тарғутой Қирилдуқ уни биринчи марта хўрлаган, ноҳақ хафа қилган эди. Агар мана шу шафқатсиз ва бадфеъл Тарғутой Қирилдуқ бўлмаганида, унинг ҳаёти тамоман бошқача бўларди.

– Мени ҳам байрамга олиб борасанми? – сўради Човурхон Субутой Жалмадан.

Шу топда Жалма ҳам бошқа нарса билан банд эди. У ичкаридан эшитилаётган узук-юлуқ гаплардан қулоғини узмай ўтирар, отаси билан Сўрғон Шира нима ҳақда гаплашишаётганини жуда ҳам билгиси келиб, ичи қизир, аммо ҳеч нарсани тушуниб бўлмас, унинг устига укаси ҳам халал берарди. У укасига муштини кўрсатиб қўйди.

– Мана сенга байрам! Қичимага ўхшаб тинчлик бермайсан-а.

Жалма ўрнидан туриб, нари кетди.

– Мен катта бўлсам, ҳамма кичкина болаларни байрамга олиб бораман, – хафа бўлган оҳангда деди Човурхон Субутой.

Темучин ўз укаларини эслаб, болакайни елкасидан қучиб қўйди. Бу илиқ боши узра юлдузлар чарақлаб турган, қоронғиликда гулханлари мафтункор



жилваланаётган оқшом унинг учун энг сўнггисидир. У Тарғутой Қирилдукнинг меҳмонларига хизмат қилмайди. Майли, ўлдира қолишсин. Агар ҳаёти шунақа кечадиган бўлса, бунақа ҳаётдан воз кечсин.

Аламли хаёллари ва ўз-ўзига раҳми келганидан йиғлагиси келар, болакай унинг кўз ёшларини кўрмасин учун, Човурхон Субутойнинг озғин жусасини яна ҳам маҳкамроқ қучарди.

Қоронғиликдан Жалма секингина чиқиб келиб, Темучин устига энгашди.

– Улар сени уйингга қочиришмоқчи.

Темучин унинг сўзлари маъносини дарров тушуниб етмади. Тушуниб қолганида эса, ҳаяжонланиб кетди.

– Алдаяпсанми?

– Агар алдаётган бўлсам, ёвуз руҳлар жигаримни суғуриб ейишсин! Сен қочишинг керак. Улар шуни гаплашишяпти.

Темучин барибир ишонмади. Тош ўз-ўзидан ёрилиб кетиши мумкин, лекин Жарчитой Темучинни қочириб юборишга кўнмайди. Ўз бошини хатарга қўйиб унга нима зарур? Йўқ, Жалма янглишган кўринади.

– У қаёққа қочади? – сўради Човурхон Субутой акасидан.

– Жим ўтир, хира! – Жалма унинг елкасига урди. – Валдираб қўймагин, тагин!

– Темучин, унга айт, урмасин. Мен кичкина бола эмасман, айтиб қўймаман.

– Жалма, уришма. Сен бўлса, Субутой, тўғри, кичкина эмассан. Ҳеч кимга айтмайсан. Ҳатто отангга ҳам.

Жалма ишқилиб янглишиб кетмаган бўлсин-да, деб орзиқиб ўтирарди Темучин. У интизорлик билан ўтов эшигига тикилиб қолди. Тирқишдан узун чизиқ бўлиб нур кўриниб турарди-ю, аммо темирчининг ҳам, Сўрғон Ширанинг ҳам овозлари эшитилмасди. Афтидан, улар пичирлашиб гаплашардилар.

Ниҳоят, Сўрғон Шира чиқиб, хавотир билан атрофга қараб олди-да, қоронғиликка шўнғиб кетди. Темучин ҳозир Жарчитой чақириб қолади, деб кутиб турди. Аммо темирчи уни эмас, Жалма билан Човурхон Субутойни чақирди.

– Ётиб ухланглар.

– Сен-чи? Темучин-чи? – сўради Жалма.

– Биз устахонага борамиз. Ишимиз бор.

Темирчи ўнг қўли билан Жалманинг, чап қўли билан Субутойнинг ёқасидан олиб, ўтовга киргазиб юборди.

– Мўраласанг – калтак ейсанлар! – деди-да, эшикни ёпди.

Устахонага келганларида Жарчитой қанғанинг темир зулфинини кўздан кечирди. Омбур билан болғани олиб, зулфиннинг тилчасини суғуриб олди. Зулфин чийиллаб очилди-ю, қанға ерга тушди. Темучин бўйнини ишқалаб бир зум турган бўлди, аммо елкасидаги оғир юкка ўрганиб қолганидан, посангисини йўқотиб, гандираклаб кетди. Юраги қаттиқ, бесаранжом гупилларди. Наҳотки озод бўлса?

Жарчитой энгашиб қанғани олди-да, Темучинга узатди.

– Ол. Ҳозир сен уни яна тақиб оласан. Эрталаб байрамга борасан. Ҳамма навкарлар ғирт маст бўлади. Қочиш учун бундан қулай пайт топилмайди. Керак бўлганида тилчасини ўзинг, қўлинг билан суғуриб олиб ташлайсан. Сўргон Шира йўлга от билан егулик тайёрлаб қўяди.

– Жарчитой, сенинг яхшилигингни ҳеч қачон унутмайман.

– Олдин қочиб олгин...

– Мен отимни учириб саҳрога чиқиб олсам бўлгани! – Темучин озодликка чиқиши ҳақидаги хаёлининг ўзидан маст бўлиб кетди. Кўзларини юмиб, бошини бир силтаб олди.

У тун бўйи ухлолмади ҳисоб. Хаёллари худди тошдан-тошга урилиб оқаётган жилға сингари беқарорлигидан, фикрини бир жойга тўплай олмасди. Гоҳ ўзини бу ерлардан олисда, онаси ва укалари бағрида ҳис қилиб кўрар, гоҳида эса, қочишни удда қилолмаса-ю, тутиб олишса-чи, дея ваҳима босарди. Калтаклашар? Ёки умуман ўлдириб юборишса-чи? Мўридан ғира-шира ёруғлик кириши билан у ўрнидан турди, қанғасини кўздан кечириб чиқди. Тилча суғуриб олинган жойда кўчган изни топиб, сезиб қолишмасин учун, уни кул ва лой аралаштириб суркаб ташлади. Жалма ҳам уйқудан турди. Ўтовдан чиқиб олиб, у имо-ишора билан Темучинни чақириб олди.

– Сен бугун қочиб кетасан. Мен биламан.

– Яна гап пойладингми?

– Ҳм. – Жалма унга тиғи кенг кичкинагина пичоқ узатди. – Ма, ол, керак бўлиб қолади.

Темучинни олиб кетгани Тойчи Қури келди ва улар байрам ўтказилиши керак бўлган жойга қараб кетдилар. Ялтироқ тасмадай бўлиб оқаётган Ўнон узра қуёш балқиди. Турли қушларнинг сайроқлари эшитилаётган қирғоқ бўйидаги бутазорлардан энгилгина буғ кўтарила бошлади. Байрам ўтказиладиган жойда кўчма ўтовлар тикилган аравалар зич туришар, сафар чодирлари тортилган, қозонлар тагига қаланган ўтдан тутунлар кўтарилмоқдайди. Хизматкорлар овқат тайёрлаш билан овора. Нўёнлар бўлса, наматлар устида хотин, бола-чақалари қуршовида, офтобдан кўзларини қисиб олганча эринчоқлик билан эснаб, керишиб ўтиришарди.

Овчи баҳодир келиб, Тарғутой Қирилдуқнинг ўтови қуриладиган ерни кўрсатди. Темучин ҳам бошқа хизматкорлар қаторида ишга уннаб кетди. Кейин нўённинг баковули у билан Тойчи Қурига ўтин тайёрлашни, қозонларни ювиш, дарёдан сув келтиришни буюрди. У асло тинчлик бермасди. Мусобақалар бошланганида улар на курашчиларни, на камондан ўқ узиш биринчилигини ва на пойгани томоша қилолмадилар. Довулларнинг тинимсиз гумбурлаши, оломоннинг ҳар турли бақир-чақирларидан Темучиннинг қулоғи қоматга келди. Қуёш тиккага келиб, борган сари қиздириб борар, тердан ҳўл бўлиб кетган бўйнидаги қанғаси сирпанавериб жонига тегди. Истаган пайтда қанғасини улоқтириб ташлаши мумкинлигини билиб тургани учун ҳам, Темучин учун бу қанға баттар ёмон кўриниб кетди. Шунинг учун байрамнинг шодон ола-ғовури унинг жаҳлини чиқарарди.



Мусобақалар тугагач, Тарғутой Қирилдуқнинг ўтовига номдор меҳмонлар тўпланишиб, зиёфат бошлашди. Улар орасида Темучиннинг қариндошлари: Даритой отчигин, Хучар, Сача беки, Ўлтон, Бўри Бўгалар ҳам бўлиб, уларнинг ҳаммаси Темучиннинг катта бобоси, мўғулларнинг биринчи хони, шавкатли Хабул баҳодирнинг зурриётлари эди. Қариндошларнинг олдиларида шароб қуйилган косалар ва ёғоч товоқлар тўла гўштлар турар, Темучин эса, исқирт ва йиртиқ-ямоқ кийимда, терчиган, бўйнида шармандали ва оғир қанғаси билан, худди ўзга юртлардан тутиб келинган қора кул каби, Тарғутой Қирилдуқнинг судралган баковулига хизмат қилиб турарди. Унга ҳам, қариндошлари ва бошқа ҳамма меҳмонларга ҳам бу кўришнининг маъноси аён эди. Хучар кўзларини олиб қочар, Даритой отчигин бўлса, худди юмшоққина наMAT эмас, наъматакнинг тиконли шохлари устида ўтиргандай безовталанар эди. Елкадор ва бақувват Сача бекининг қовоғи солиқ, кўркамгина Ўлтон лабларини тишлаган, уришқоқ ва полвон келбатли Бўри Бўга эса норозилигидан пишиллаб ўтиришарди. Фақатгина ҳар доим тунд юрадиган Тарғутой Қирилдуқ бугун жуда ҳам очиқ ва меҳмоннавоз эди. Темучин унинг учун рақибларига отилган бир ўқ эди. Кўришиб турибдики, ўқ нишонига тегди. Майли, хурсанд бўлиб тур-чи, Тарғутой Қирилдуқ!

Сизлар ҳам, ҳурматли қариндошларим, кўриб қўйинглар, сизлардан биттангизни қандай хўрлашаётганини. Кўриб қўйинглар ва ёдингизда тутинг.

Баковул уни яна ўтинга юборди. У чизимчани олиб, атрофга қараб олди. Зиёфатдагилар анча ширакайф бўлиб қолишган, у билан энди бировнинг иши йўқ эди. У энди бу ерга қайтмасликка қарор қилди. Бўлди. Нима бўлса бўлар.

Тойчи Қури ҳам у билан бирга юрди.

– Сен борма, – деди Темучин унга.

– Овчи баҳодир сендан бир қадам ҳам ортда қолмасликни буюрди. Сен билан ким гаплашса, унга етказишимни айтди.

– Шундай бўлса ҳам сен қол.

Тойчи Қури пешанасидаги терини артди, қуёшга қаради.

– Кун ботишига ҳали анча бор.

– Сен нима деяпсан? – хавотирланди Темучин.

– Шунчаки, ўзим. – Тойчи Қури очиқ чехра билан кулиб қўйди.

Аммо Темучин унга ишонмади. Қайтанга, баттар кўрқувга тушди. Агар Тойчи Қури унинг мақсадини англаб қолган бўлса, бошқалар ҳам билиши мумкин. Бир дақиқани ҳам бекор ўтказмай қочиш керак.

Буталар орасига кириб, у қанға зулфинининг тилчасини суғуриб олди-да, майса устига улоқтирди.

– Темучин, керакмас, ҳали эрта! – безовталанди Тойчи Қури. – Ҳали эрта.

– Сенинг ишинг бўлмасин! Сенинг ишинг индамаслик.

– Бўпти, – дея кўнди Тойчи Қури. – Фақат сен менинг қўл-оёғимни боғла, бошимга қанға билан яхшилаб тушир.



Темучин арқон билан Тойчи Қурининг қўлларини орқасига қилиб чирмаб ташлади, оёқларини ҳам маҳкам боғлади. Тойчи Қури тиззасига туриб олди-да, бошини эгди.

– Ур!

Темучин унинг дағал сочларига, бошидаги иккита ўрамасига қараб туриб, юзини ўгирди. Уни уришга қўли бормади.

– Сол, Темучин! Яхшилаб сол. Бўлмаса мени ўлдиришади.

Темучин ўзи-ўзидан нафратланиб, қанғани тепага кўтарди-да, зарб билан уни Тойчи Қурининг бошига туширди. У бир ингради-да, майсага қулади. Яна бошини кўтарди. Юзига қон оқиб тушди, гезариб кетган пешанасида эса тер томчилари кўринди. У кулишга уринди.

– Яхшигина ғурра бўлади. Эсдалик учун. Қоч! Мададкор руҳлар сени асрасин.

Темучин дарё бўйлаб пастга, овул томонга югуриб кетди. Ўнон дарёсида тиззасигача сувга ботган отлар бошларини эгиб, думларини айлантириб турарди. Буталар соясида икки навкар ўтирарди. Темучин толлар орқасидан юриб, қоровулларни айланиб ўтмоқчи бўлди. Аммо улар Темучинни кўриб қолиб, ёнларига чақиришди. Темучин уларга чап бериб қочди. Аскарлар унинг кетидан қувламоқчи бўлдилар-у, тезда ниятларидан қайтдилар. Аммо Темучин бундан тинчланмади. Чунки улар Тойчи Қурини кўриб қолишса, ким қочгани маълум бўлиб қолади. Унда аҳволи оғирлашади.

Тахмини тўғрига ўхшайди. Тез орада орқадан от туёқлари дупур эшитилди. Туёқлар овозига қараганда қувлаётганлар кўпчилик эди. Ҳам унинг ортидан изма-из, ҳам чўл тарафдан айланиб ўтиш мақсадида қувлашмоқда эди. У тўхтаб ҳам ўтирмади, қулоқ тутиб эшитмай ҳам чопаверди. Юзини шох-шаббалар тилар, кийимлари шириллаб йиртилларди. Бирдан бутазор тугаб қолди. Олдинда офтобда сарғайган пастак ўтлар ва у ер-бу ердаги дерисунлардан иборат очиқ майдон турарди. На беркиниб бўлади, на қочиб кета олади. Чап тарафда дарё ўйноқлаб оқарди. Темучин нариги қирғоққа ўтиб олиш умидида ўзини сувга отди-ю, аммо нариги қирғоққа чиқа олмаслигига кўзи етди. Отлиқлар ҳозироқ етиб келишлари, уни ўқ ёйлар билан тилкалаб ташлашлари ёки унинг кетидан сувга тушиб, худди лаққани тутиб олгандек, ушлаб олишлари аниқ эди. У қирғоққа қайтди. Оёқлари остида тўнкани сезиб қолган Темучин, оёқларини унинг тагига тиқиб олди-да, ўтирди. Қирғоқдаги бутанинг шохчасини шошиб ушлаб олди-да, юзини яширди. Сув юзасида ҳеч ким кўринмаса, таъқибчилар нари ўтиб кетишлари мумкин эди.

Худди шамолдек отлиқлар тез етиб келишди. Қирғоқда тўхтаган отларнинг бетартиб туёқ дупури эшитилди.

– Шу орада бўлиши керак. Қидирларинг. Тополмасаларинг ҳаммангни чавақлаб ташлайман!

Темучин Овчи баҳодирнинг овозини таниди.

Навкарлар шошилганча буталар орасини титкилай бошлашди. Уларнинг бири худди Темучин яширинган бутанинг олдига келди. Унинг оёқла-



ри остидан тупроқ шувиллаб сувга тўкилди, бир калтак учиб тушиб сувда оқиб кетди.

– Нариги қирғоққа сузиб ўтган. Бу ердан қидириш бефойда, – деди навкар кимгадир.

– Овчи баҳодир нариги қирғоққа ҳам одам жунатди. Ҳеч қаерга кетолмайди. Байрамни дабдала қилди, малла бўривачча.

– Қўлга тушсами, тўкиб ташлаймиз!..

Овозлар борган сари узоқлашди. Сукунат чўкди. Сал нарироқдаги ўрамадан балиқча сакраб қолди. У шўнғиган жойдан айланалар ҳосил бўлиб, атрофга тарқади. Дарё ўртасидаги тўлқинчаларда қуёш жилваланар, уларнинг ярқироқ нури кўзни қамаштирарди. Нариги тарафда, пастак кумлоқ қирғоқда отлиқлар кўринди. Улар тўхтаб, кумга синчковлик билан тикилиб Темучиннинг изларини қидиришарди, чамаси. Ўзи турган қирғоқда навкарлар овози эшитилмай қолган бўлса ҳам, у сувдан чиқишга жазм қилмади. Кун ботиши билан у оқим бўйлаб, қирғоқ бўйлаб сузиб кетди. Овул рўпарасига келганида сувдан чикди-да, бир жойда эмаклаб, бир жойда қорни билан судралиб, Сўрғон Ширанинг ўтовига етиб олди. Ўтовда ўчоқ липиллаб турар, унинг эгаси бўлса, тамом қўрқув ичида эди.

– Отни олгин-да, тез жўна. Сени деб, бизни ўлдиришади. Тойчи Қури ҳам тирик қолмаса керак. Уни шунақанги уришдики!

Сўрғон Ширанинг ўғиллари Чимбой ва Чилувунлар ҳам шу ерда ўтиришар эди. Улар бир-бирларига қараб олишди.

– Бугун кетса бўлмайди, ота. Ҳамма ёқда навкарлар. Овул атрофига эса қоровуллар қўйилган, – деди катта ўғли Чимбой.

– Бу ерда тутиб олишса-чи, унда нима бўлади?

– Шундай қилиш керак-ки, тутиб олишмасин, – деди Чимбой.

Сўрғон Шири ўғиллари билан баҳслашиб турганда, унинг қизи Хадан Темучинга қайнатилган гўшт бўлаги ва бир коса қатиқ келтириб берди. Аммо у овқатга қарамай, ота-болаларнинг гапига қулоқ солиб, қўллари билан эғнидаги кийимининг сувини сиқиб тушириш билан овора эди. У ҳозироқ бу ердан кетишга тайёр эди. Лекин у овулдан сездирмай чиқиб кетишнинг иложи йўқлигини ҳам тушуниб турарди. Қирғоқдан Сўрғон Шираникигача етиб келгунича, у овул худди душман хужум қилган пайтлардагидек жунбишга келганини пайқаган эди.

Хадан акаларининг гапини маъқуллади:

– Биз уни жун ортилган арава ичига яшириб қўямиз. Ҳеч ким топа олмайди.

– Майли, дея – Сўрғон Шири кўнишга мажбур бўлди.

Ота-болалар жун ортилган аравани ағдаришди. Темучин арава тагига етиб олгач, унинг устидан яна жунни ортиб, арқон билан боғлаб қўйишди.

Эртаси кун қуёш яна қиздирди. Темучин иссиқдан, жун сассиғидан бўғилиб кетди. Оқибати нима билан тугаши номаълумлигидан қўрқувга тушди. Пешин пайти кимдир арава тагини тақиллатди.

– Бу мен, Чимбойман. Улар сени ўтовма-ўтов қидириб чиқишяпти. Жим ёт.



Темучин кўйнидан Жалма ҳады қилган пичоқни чиқарди. Топиб олишадиган бўлса ҳам, қўлга тушмайди. Аммо бу фикри ўзини тинчлантирмади. У ўзини худди атрофида тулки искаб юрган ожиз қушчадай ҳис қилди. Отилиб чиқиб, ортига қарамасдан, боши оққан томонга қочгиси келиб кетди, ишқилиб кутиб ётмаса бўлди...

Ўтов олдида овозлар эшитилиб қолди. Кимдир шундоққина арава олди-дан ўтиб кетди.

– Темучинни қидиряпсизларми? – Бу Сўрғон Ширанинг овози эди. Унинг гапи итоаткорона ва мулойим эшитилди. – У ярамасни яхшилаб қидиринглар. Мана бу ерни қаранглар. Хўв анави жойни ҳам. Ким билади, унинг миясига қаерга беркиниш келганийкин. Айтишларича, болакай жуда ҳам муғамбир экан.

Овозлар аравага яқин келишди.

– Жун кимники?

– Меники. Менинг ўзим бўлсам, муҳтарам Тарғутой Қирилдуқнинг содик хизматкорлариданман. Демак, жун ҳам унга тегишли.

– Арқонни бўшат.

– Яхши. Мен ҳозир. Тугун тушиб қолибди... ўх, иссиқни қаранглар-а! Шунанқа жазирамада жуннинг ичида одам тура оладими? Бу иссиқда салқингина ўтов ичида қимиз ичиб ётиш керак.

– Қимизинг борми?

– Қимиз ҳам, арҳи ҳам топилади. Лаънати тугун. Кесиб ташлашга увол.

– Йиғиштир. Бунақа иссиқда ростдан ҳам бир арава жуннинг ичида ўтириб бўлмайди. Юр, ўтовга бошла.

Темучин бу сафар ҳам мангу мовий осмон унга марҳамат кўрсатганини тушунди.

Тун чоғи у овулдан чиқиб олди. Тонг отганида у овулдан анча узоқлаб кетганди. Тагида яхши от, тўрваларида озуқа, саноч тўла қимиз ва қўлида таранг ёйи бор эди. Энди уни ҳеч ким тутмади. Йўлга уч-тўрт кун кетса, у уйида бўлади.

Майин шабада майсаларни сийпаларди. Шарқ тарафдан қип-қизил қондек бўлиб қуёш кўрина бошлади. Сахрога одатда момақалдироқ ва ёгингарчиликлар арафасида бўладигандай, сукунат чўккан эди.

XIII

Булган ўриннинг олдида коса қўйиб чиқиб кетди. Тойчи Қури инграб юбормаслик учун тишини тишига босиб ёнбошлади, бурунларини қамаштириб юборувчи муздеккина қимиздан бир-икки хўплади-да, яна ётиб олди. Бутун бадани моматалоқ бўлиб кўкариб кетган, юз-кўзлари шишиб, мияси тинимсиз ғувиллар ва бу шовқин чаккаларини лўқиллатиб юборарди.

Темучин уни қирғоқ бўйида боғлаб кетганидан кейин, навкарлар топиб олиб, судраб Тарғутой Қирилдуқнинг хузурига олиб келишди. Тойчи Қури худди бир қоп кепакка ўхшаб, оладиган ўлжасини итоаткорона кутиб ётарди.



Тарғутой Қирилдуқ қанғани яхшилаб кўздан кечириб чикди.

– Буни бир ўзи ечолмасди. Ким ёрдам берди?

– Темирчи Жарчитой бўлса керак, деб ўйлайман, – деди Овчи баҳодир.

– Ўйлайманмиш, – тўнғиллади Тарғутой Қирилдуқ. – Олдинроқ ўйлаш керак эди. Темирчига одам юбор. Ўзинг бўлса Темучинни топ. – У оёғи билан Тойчи Қурини тепди. – Ўв, сен, битлиқи қорача, уни қўйиб юборишга қандай ҳаддинг сиғди?

Тойчи Қури кўзларини қаттиқ қисганча бўкириб юборди.

– Темучин уни урганга ўхшайди. Кўряпсизларми уни... – Кимдир Тойчи Қурига жони ачигандай бўлди.

– Муғамбирлик қияпти, – деди Овчи баҳодир. – Улар гаплашиб олишган. Мен буни аллақачон тушунганман.

– Муғамбирлик қилаётганини ҳозир билиб оламиз.

Шу ондаёқ Тойчи Қурининг елкасига қамчи зарби келиб тушди. Оғриқдан териси куйган Тойчи беихтиёр қичқириб юборди:

– Вой-й.

У бутун танаси билан тўлғониб, боғлоғлиқ кўлларини бўшатмоқчи бўлди. Навкарлар-у меҳмонлар маза қилиб кулишди. Арқонларини ечиб, оёққа қўйишди. Тарғутой Қирилдуқнинг жоҳил юзини кўриб, у тутила-тутила тез гапириб кетди:

– У мени ўлдириб қўйишига озгина қолди... Бошим шишиб ётибди... вой, оғриб кетяпти...

– Солинлар уни! – буюрди Тарғутой Қирилдуқ.

Навкарлар уни қамчилашди, муштлашди, тепишди. Ерда ағанаб ётар экан, оғриқнинг кучидан овози борича бақирарди, бечора. Кейинроқ эса умуман ҳеч нарсани сезмай қолди.

Ўзига келганида қирғоқда ҳеч кимса йўқ эди. Кун ботаётганди. Дарёдан муздек, нам ҳаво елиб турарди. Атрофда чивинларнинг ғувиллаши эшитилиб турарди. Ҳарир қанотларини ярақлатиб, ниначи учиб ўтди. Оппоқ жиблажибон ўчиб қолган олов олдига қўнди. Сўнг узун ва ингичка думини ликиллатиб, чийиллаганича чопиб кетди. Тойчи Қури азобли оғриқларидан, хўрликдан ва осмоннинг мовий ҳароратини кўриш учун тирик қолганидан севиниб йиғларди.

Қоронғи тушганида уни олиб кетгани онаси келди. Унинг елкасига суяниб, аранг ўтовига етиб олди. Танаси гўё уники эмасдай, оғриқни ҳам сезмайди. Ҳамма оғриқлар кейин бошланди. Аммо у нола ҳам, шикоят ҳам қилмасди. Онаси унинг нолаларисиз ҳам бу кўргуликдан қорайиб кетди. Икки марта Сўрган Шира келиб кетди. У буткул кўркувда қолганидан унда-бунда қолган сочлари ҳам диккайиб турарди.

– Индама. Ҳеч кимга ҳеч нарса дема. Улар Жарчитойни ҳам калтаклашди. У ҳам миқ этгани йўқ. У темирдай маҳкам, – деб қулоғига шипшиди.

– Менам маҳкамман. Ҳеч нарса айтмайман. Сен қўрқма.

– Тузалиб кет, тезроқ. Онанг менинг олдимга келсин, қимиз билан қурут бериб юбораман.



– Раҳмат. Темучин тўғрисида бирон хабар борми?

– Ҳеч қанақа. Кетди. Уни қидиришяпти. Ақлини ишлатса, топишолмайди, саҳро кенг. Уни деб ҳаммамиз ҳам азоб чекдик. Аммо энди буни эсдан чиқариш керак. Тузалақол. Кўпроқ қимиз ичиб тур.

– Қимиз яхши ичимлик. – Тойчи Қури яна косага чўзилди, ичидагини охиригача ичиб қўйди. Ўтовнинг очиқ эшигидан чўл кўриниб турарди. Офтоб алангасида ўтлар қуруқшаган, қизиб кетган ҳавода саҳро лапанглаб турар, чирилдоқлар бетўхтов чирилларди. У мудраб кетди. Уйқу аралаш ўтов яқинидан оёқ товушларини эшитди.

– Она, сенмисан?

– Йўқ! Бу мен.

Тўшаги олдида Қаймиш турарди. Унинг юзида қўрқув ва ажабланиш бор эди.

– Улар сени не кўйларга солишган?

– Семириб кетибманми? Мени калтаклашганда доим семириб кетаман. Сен байрамга борувдингми?

– Ҳа, учаловимиз ҳам бордик, мен, бобом ва итимиз.

– Мени калтаклашаётганини ҳам кўрдингми?

– Йўқ. Мен буни кўрмадим. Мусобақалар тугаши биланоқ биз уйга қайтдик.

– Афсус. Кўриш керак эди. Биласанми, бу қанақанги маза томоша. Мени уришаётганида мен роса хурсанд бўлиб кетаман.

– Сен илгари ҳам шунақа вайсақимидинг?

– Йўқ. Сени кўрсам шунақа бўлиб қоламан.

– Жуда ҳам оғрияптими? – У йигитнинг шишиб кетган ўнг кўзи остида кўкариб ётган жароҳат жойларини силаган бўлди.

Тойчи Қури унинг қўлини ушлаб олди-да, ловуллаб ётган пешанасига қўйди.

– Энди умуман оғриқ сезмаяпман.

Эшик олдида ит келиб тўхтади. Ўша, иштонини йиртиб олган ит. У ичкарида ўтирган қиз билан йигитга қаради, узоқ эснади, ерга ётиб, олдинги оёқларига бошини қўйиб олди.

– Сен нега уни эргаштириб келдинг? Яна иштонимни йиртиши учунми?

– Ҳа. Анчадан бери иштон йиртмайди. Соғинган.

– Сен-чи?

– Мен ҳам анчадан бери иштон тикканим йўқ. Мен ҳам соғиндим.

– Бўпти, тикавер. Менинг иштоним ҳар доим йиртиқ бўлади.

– Йўқ. Мен фақат уйимда тикаман. Бу ерга мен иш билан келдим. Бувам юборди. У сени шогирдликка олмоқчи. Сен унга ёқиб қолибсан. Унинг айтишича, сен яхши одам эмишсан. У ҳунарини эса фақат яхши одамларга ўргатиши мумкин экан.

– Сенга ҳам ёқдимми?

– Сен чиройлисан. Айниқса ҳозир. – У кулиб юборди.



Тепа тишидаги кемтиги унга қандай ярашади-я! Нима учун у бир пайтлар унга хунук бўлиб кўринган экан-а? Бунақа қиз бутун овулда ҳам йўқ!

У қиздан косага қимиз қуйиб ичишини илтимос қилиб, шундай қизни, шундай кутилмаган ва азиз меҳмонни сийлашга уйда қимиз борлигидан яна ҳам суюниб кетди.

– Шундай қилиб, мен бувамга нима дейин? – сўради қиз.

– Ўшанда ҳам айтувдим-ку: ўрганишни хоҳлайман. Сизларникига бориб тураман.

– Йўқ. Бунақаси бўлмас экан. Бувам сени доимий ёрдамчи қилиб олмоқчи.

– Қўйиб юборишмайди мени. Ҳозир мени кўрарга кўзлари йўқ.

– Айтчи, Тойчи Қури, Темучиннинг бу ерлардан қочиб кетишини сен ўзинг ҳам хоҳлаганмидинг?

– Хоҳлагандим, Қаймиш.

– Ва бунинг учун сени ўласи қилиб калтаклашларини ҳам билармидинг?

– Мен бунга кўникиб кетганман. Калтак еявериб, терим ҳўкизникидай қалинлашиб кетган. Ишонмайсанми? Мана, кафтимни тишлаб кўргин.

– Айёрлигини қаранглар-а! Мақол бор-ку: кафтнинг ўртасини энг ўткир тишлар ҳам тишлай олмайди.

Улар шу йўсин кун ботгунча гаплашиб ўтиришди. Онаси келганида қиз бирдан уялинқираб қолди, уйга кетишга отланди. Тойчи Қури қизни ҳеч бўлмаса остонагача кузатиб қўйиш учун ўрнидан турмоқчи бўлди-ю, туролмади.

Қиз кетганидан кейин Тойчи Қури яна хафа бўлиб қолди. Бу нима кўргулик? Агар Тарғутой Қирилдуқ билан Овчи баҳодир унинг ўқ ясаيدиган уста бўлишини хоҳлашмаса, у бўлолмайди. Мабодо уни узоқроқ овулларга кўчириб юборишса, худди кўрсичқон қиш саҳросини кўрмаганидай, у ҳам Қаймишни кўролмай қолади. Бўйнида қанғаси бўлиб ҳам Темучин ундан бахтлироқ экан. У озодликка интилди, қочишни хаёл қилди. Унинг эса қочадиган ери ҳам йўқ. Интилиш ҳам бефойда: интилсанг ҳам, интилмасанг ҳам, қорачасан! Демак, доим бошингда хўжайинлар бўлади. Биттасидан қочсанг, иккинчисига тутиласан. Ҳамма одамлардан ажралсанг, йўқ бўлиб кетасан. Подадан ажралган қўй бўрига ем бўлгани каби. Нима учун осмон бировларга ҳамма нарсани беради-ю, бошқаларга ҳеч нарса бермайди? Унга бойлик ҳам, шон-шараф ҳам керак эмас. Бир ўтови, оти, бир неча ўн қўйи ва озгина эрки бўлса бўлди. Йўқ, яна унинг ёнида онаси билан Қаймиш ҳам бўлса. Унинг буваси бўлса ҳам майли. Ҳаммалари оқшомлари гулхан атрофида гаплашиб ўтириб, харгана новдаларини оловда тоблаб ўтиришарди. Шу кўп нарсами?

Эй, мангу осмон, яхшилик улашувчи руҳлар, тилагимга етишишимга мадад беринглар!

УЧИНЧИ ҚИСМ

I

Жўжирот уруғининг икки юз кишилик қўшинига бош бўлиб, Жамуха керайтлар хони овулига яқинлашиб келарди. Унинг бошида темир парчалари ярақлатиб тозаланган, қалин ҳўкиз терисидан ясалган дубулға, пишиқ тасмалардан тўқилган, елкалари ва кўкрагини ҳимоя қилиб турувчи совут, ҳаворанг ипақдан тикилган белбоғининг олд тарафида нақшинкор кумуш дастали пичоғи (Тўғулхоннинг совғаси), чап тарафида эса мис ҳалқачалар билан зеб берилган, яшил қинга солинган қайрилма қиличи илиғлиқ эди. Енгиел чарм гутулининг учи жимжимадор жез узангида илиниб турар, эгарига бўлса, рангли иплар билан гул тикилган садоғи осиглиқ эди. Аскарлари анча оддий кийинган бўлишига қарамай, ҳаммасининг қурол-яроғи бор эди. Ҳафсала билан чархланган найзаларининг учлари ярақларди. Олғинчи¹ боши узра оқ от думидан ясалган туғ чайқалиб борарди.

Жамуха жангчиларига мағрур қараб қўярди. Бу унинг қўшини, ўзи ташкил қилган, ўзи қуроллантирган қўшин. Қачонлардир у ўз ҳаёти учун хавфсираб, Тўғулдан паноҳ излаб борган эди. Хон уни қабул қилди, отасининг уруғи тарикибида ўз ўрнини эгаллашига ёрдам берди. Аммо бу қўшинни унинг ўзи, ўз ақли ва жонбозлиги билан ташкил қилиб олди. Энди унинг уруғдошларидан ҳеч ким унга бас келишга жазм этолмайди.

Қуёш уч найза баландликка кўтарилганда улар Тўғул маконига етиб келишди. Хон чодирини қаршисидаги улкан майдон ҳарбий аслаҳалар билан қуролланган отлиқлар билан лиқ тўлган эди. «Кечикдим», деб ўйлади Жамуха. Тўғул уни кеча етиб келишини сўраган эди... Майли, ҳечқиси йўқ. Хон ўз қўшинларини душман кучларини даф қилиш учун ҳам эмас, бегона овулларга юриш қилиш учун ҳам эмас, балки найманлар қўмондони Кўксу Сабракни тантанали кутиб олиш учун чақиртирган эди. Тўғул ўз қўшинининг ҳайбати билан найманлар лашкарбошисининг ақлини шошириб қўймоқчи эди. Хон унинг укаси ва рақиби бўлмиш Нозик Қорани топширишларини найманлардан умид қиларди, чоғи. Бундан аввал Тўғул Хитой хони Олтинхон пойтахтида бўлиб қайтган, қимматбаҳо совғалар ва ўлпон тўлаб туриш ҳақидаги ваъдалари билан само фарзандини ҳам ҳар қандай урушларига

¹ Олғинчи – қўшин етакчиси.



кўмак беришга кўндириб келган эди. Тўғулнинг эса душманлари кўп. Аммо энг асосийси ва энг хавфлиси – найман хони.

Ҳарбийлар тўдасида бесаранжомлик бошланиб қолди. Улар чодирга кираверишда узун йўлак ҳосил қилиб саф тортишарди. Биринчи қаторга темир дубулғалар кийган ва жун матоли малларанг ёпинчиқлар ёпинган пиёдалар саф тортишди. Уларнинг орқасида жўнроқ кийинган: чарм дубулға ёки оддий қалпоқ кийганлар тизилишди. Чодирга кираверишга тўшалган каттакон намат устида Тўғул турарди. Учили, сувсар мўйнасидан қайтарма қилиб тикилган қалпоғи остидан оқ оралаган кокиллари чиқиб турар, пишиқ ипак матодан тикилган тўқ-қизил чопонини олтин парчалари билан жимжимадор қилиб безатилган белбоғи сиқиб турар, учи қайрилган гутулининг ёнлари ҳам тилла иплари билан безалган эди. Хоннинг укаси Жағамбу унга бир нималар дерди. У келишган, тик қоматли эди. Жағамбу ҳам қизил чопон кийган, аммо белбоғида олтин безаклар йўқ. Хоннинг ўғли Нилха Сангун сафни текислаб чиқиш учун йўлакчани айланиб ўтди. Унинг бошида тилла суви юритилган дубулға, дубулғасининг орқасида бўйнини ҳимоя қилувчи ҳалқалардан тўқилган орқалиқ; кумуш қинга солинган қиличи эса узангига тегиб жарангларди. Мўйлаби ҳам чиқмаган ёш Нилха Сангуннинг юзи думалоқ, даҳани тўпори, овози эса шиддатли, ишончли ва салмоқли эди. Унинг ҳарбий яроқларига, кўпсонли ва пухта куролланган кўшинига, ана шу кўшинни бўйсундиришига Жамуханинг ҳаваси келди. Ўзининг тасмали тўқасига, анчагина уриниб қолган белбоғига, оддий чопонлар кийган аскарларига қараб, яқингинада ғурурланган кўшинидан уялиб, қовоғи уйилди.

У отдан сакраб тушиб, тавозе билан хонга таъзим қилди. Тўғулнинг бужур юзи бир сониягина табассумда ёришган бўлди-ю, яна шу онда жиддий ва жаҳлдор тус олди...

– Нима учун сен шу бугун келдинг?

– Йўл олис. Отлар чарчашди.

– Мана шуниси ёмон-да! – Хон Жамуханинг юзлари чанг босган навкарларига қаради... – Чарчаган кўшин, тер босган отлар... Элчи нима деб ўйлайди? Шошилиб, бутун улусидан одам йиғиб келибди, – дейди. Одамларингни энг орқа қаторга жойла. Кўзга кўринишмасин.

Жамуха ўзига кўрсатилган жойни эгаллаб, кўшини олдида қолди. Чодирга қайтиб бормади: хондан ўпкалади. Гап хон уни кечга қолгани учун коийганида эмас, гап уни ўз нўёнлари билан бир хил кўраётганида эди. Ахир унинг улуси хоннинг улуси эмас-ку. Унинг уруғи хоҳлаган қабила билан дўст бўлиши мумкин. Жамуха бу ерга умуман келмаслиги ҳам мумкин эди. Ёки отасининг ўрнини эгаллашига ёрдам бердим, энди ит думини хоҳлаган томонга айлантиргандай, уни истаганча бошқаравераман, деб ўйлаётими?

Навкарлари ҳам норози эдилар. Уларни кераитлар уруғи қулларидан ҳам орқага жойлаштиришди-ку. Улар эса қул эмаслар...

Хон навкарлари фол очишарди: меҳмон шарафига мусобақалар ўтказиб, зиёфатлар ташкил этилармикин, улар ҳам бир маза қилиб, хоннинг дастурхонидан баҳраманд бўлиб олишармикин?

Жамуханинг олдига Нилха Сангун от чоптириб келди.

– Сени отам чақиряпти.

Жамуха чодир остонасига тўшалган намат устига хоҳламайгина оёқ босди.

– Сен менинг ёнимда турганинг маъқулроқ, – деди Тўғул.

– Хўп, мен шу ерда бўламан.

– Сен бирон нарсадан хафамисан?

Жамуха индамади. Тўғул нўёнларидан бирига имлади. У чодирга кириб кетди. Нўён кўкрак қисмига нақшлар тикилган тўқ яшил чопон олиб чиқди-да, хонга узатди. Хон уни енгилгина силкиб, Жамуханинг елкасига ташлади.

– Мен буни Хитой хони Олтинхон юртидан олиб келганман. Сенга деб.

– Хоннинг зийрак нигоҳи Жамуханинг тунд юзида тўхтади. – Менинг икки ўғлим бор. Нилха Сангун ва сен. Икковингиз ҳам кўнглимга бирдай яқинсиз. Тушунаман, сен узоқ йўл юриб толиққансан. Лекин, бардам бўл. Коксу Сабрак менинг қандай ўғилларим борлигини кўриб қўйсин.

Тепаликда бир отлиқ кўриниб, қўлларини силкиб қўйди-да, уларга қараб от чоптирди.

– Келишяпти!

Унинг кетидан яна бошқа чавандозлар кўринди-ю, чодир атрофида енгилгина ғовур эшитилди. Чавандозлар кўшин олдидан от йўрттириб ўтиб, йўлакчага яқинлашди. Навкарлар боши узра туғлар ва найзалар ҳаволаб қолди, довуллар дўпир-дўпирлаб, карнайлар наъра тортди. Олдинда белбоғидаги калтагина қиличидан бошқа ҳеч қандай қуроли бўлмаган, елкаси йўқ ҳисоби, жуссаси кичик, оддийгина кийинган бир одам келарди. Жамухани найманлар лашкарбошисининг оддий кийимлари эмас, балки алп келбат эмаслиги ажаблантирди. У Тўғулга қаради. Унинг юзи худди қадим аждодлар чўлларга ўрнатиб кетган тош маъбудларники сингари жонсиздай эди. Ёноқлари ва пешанасидаги қорамтир бужурлари ҳам уни ўша бутларга ўхшатиб турарди.

Коксу Сабрак икки қадамча нарида тўхтади, хонга ҳурмат юзасидан белбоғи билан қиличини сал пастроқ туширган бўлди. Шундан кейин у намат устига қадам қўйиб, бош эгиб таъзим қилди ва бироз хирилдоқ, лекин жуссасига қараганда фавқуллодда кучли овозда:

– Менинг ҳукмдорим, қўрқмас ва доно Инончахон, амаки ўз жиянини яхши кўргандек, сени яхши кўришини етказишимни буюрган.

Тўғулнинг бурун катаклари ўйноқлаб, қаҳрли кўзлари қисилиб кетди, қўллари олтин белбоғини чангаллади.

– Мен Хитой хони Олтинхонга ўғил тутинганман. Сенинг ҳукмдоринг Олтинхоннинг укаси деб тан олинганмикин, мени жиян деб атайди?

– Осмон фарзандининг қудрати ва буюклигига тенглашишга ким ботина оларди? – Хитоб билан гапирди элчи. – Аммо уни биздан кўп кунлик йўллар ажратиб туради. Сиз билан бизнинг нутуғларимиз эса ёнма-ён, отларимиз ҳам бир дарё сувини ичадилар.



Сабрак айёрлик билан мулойим сўзлар ичига пўписани устомонлик билан яшира олди. Хон нима жавоб қиларкин?

Тўғул лабларини тишлаб, найзаларини диккайтириб олган қўшин ора-ларига кўз югуртирди, кейин Сабракка сал энгашди.

– Одамнинг узоқ овулда отаси бўлса, қўшни овулдаги амакисидан кўра кўпроқ қалбига яқин бўлади. Мен ҳурмат қиладиган сенинг доно ҳукмдоринг бу ҳақиқатдан беҳабарлигига ачинаман. Мен биродарларча унга бу ҳақиқатни ҳам, яна бошқаларини ҳам тушунтириб қўйишга тайёрман.

Тўғул элчининг босимидан чўчимеди, пўписага пўписа билан жавоб қилди. Энди, Жамуханинг фикрича, элчига иккита йўл қолди: ё музокараларни тўхтатиб орқасига қайтиш ёки Тўғулнинг шартига кўниш. Сабрак маслаҳатчилари билан кўз уриштириб олди-да, хонга дўстона табассум қилди:

– Менинг хоним бу ақидани билади. Лекин унга яна бошқа бир ҳақиқат ҳам аён, асосийси – қондошлик ришталари, уларнинг қандай номланишида эмас.

– Сенинг ҳукмдоринг ҳақ. Лекин мен энг қаттиқ муносабатлар – биродарлик муносабатлари, деб ҳисоблайман.

– Ҳатто ота билан ўғилни боғлаб турган муносабатлардан ҳамми?

Тўғул бир зумгина ўйлаб жавоб қилди:

– Ҳа, агар ака-укалар бир йўлдан, ота эса бошқа йўлдан юрган бўлса.

Жамуха кўнглидаги гинани ҳам унутиб, бу баҳсни ҳаяжонланиб тинглар ва Тўғулнинг ўжарлигидан ҳайратга тушарди. Аммо хоннинг Хитой императори билан келишувини осонгина қурбон қилгани унга калтабинлиқдай, ҳатто энгилтакликдай бўлиб кўринди. Найманлар билан яхши муносабат ўрнатилиши Олтинхоннинг ҳимоясида бўлишдан афзалроқ деб, Тўғул бекорга умидвор бўляпти. Ўлпон тўлаш ҳам алам қилади, ҳам хўрлайди, бу тўғри. Лекин бунинг эвазига Хитойдан мол ортилган савдо карвонлари келиб туради. Найманлардан нима олиш мумкин? Нозик Қоранинг калласиними? Лекин унинг боши деб, карвон йўлларини уруш суронлари билан тўсиб қўйиш тўғри бўлармикин? Олтинхоннинг ғазабини кўзгаб, Тўғул ўзини ҳам, қўшни уруғлар улусларини ҳам хавф остига қўяётганини тушунмасмикин? Ёки ақлини қарахт қилиб қўйган укасига нисбатан қаҳри шунчалик кучлимикин.

Буларнинг ҳаммаси у ўйлаганчалик жўн иш эмас экан. Ўзини Инончохон билан тенг эканлигини тан олдиргач, Тўғул элчини чодирга таклиф қилди. Бу ерда муздек қимизлар ичиб ўтиришар экан, гап энг асосий мавзуларда давом этди.

Сабрак саҳро қабилалари бир-бирларига қарши тинимсиз юришлар қилиб, ерни қонга бўяшгани, уларнинг бу урушларидан тинч аҳоли ўз ҳаловатини йўқотгани ҳақида гапирди. Бу босқин ва талашлар жазосиз қолиб кетмоқда. Талашди – қочишди. Уларни таъқиб қилиш – отда сичқон қувлаш билан баравар. Аммо бундай давом этиши мумкин эмас. Саҳройи нўёнларни жиловлаш вақти етди. Буни эса биргаликдаги кучлар билангина амалга ошириш мумкин.

«Мана, нималарни ўйлаб юришибди!» – хавотирланиб хаёлдан ўтказди Жамуха. Елкасиз ва хирилдоқ Кўксу Сабрак унинг кўзига ёмон кўриниб кетди.

Тўғул мушти билан даҳанини сиқиб олганча, Сабракни диққат билан тинглаб ўтирарди. Элчи гапини тугатгач, сўради:

– Менинг севимли укамнинг соғлиғи қалай?

– Нозик Қора соппа-соғ ва хурсанд юрибди.

– Анча йиллик айрилиқлар оқибатида уни соғиндим, кўргим келяпти.

Сабрак қўлларини икки томонга ёзди.

– Ҳозирча бунинг иложи йўқ. Йўллар хатарли... Саҳрода ўз тартибларимизни ўрнатиб олайлик, кейин келса ҳам бўлади.

Тўғул укасини беришни қистамаганлиги Жамухани ажаблантирди.

– Майли, шундай бўла қолсин, – деди у. – Ҳар кимнинг ўз макони бор. Бургутга – баландлик, чўртанга – теранлик, каламушга – ковак...

Чодирнинг ҳар хил рангли тасмалар осиглиқ устунда каттагина жез хоч илинган эди. Тўғул кўзини хочга қадади-да:

– Парвардигорнинг хоҳишига қарши бориб бўлмайди, – деди.

Сабрак ҳам хочга тез, хавотир билан қараб олди. У, чамаси, Тўғул Эрха Харани беришларини талаб қилиб, тортишув ва мунозаралар қилади, деб кутган эди. Буннинг сабаби нимада экан? Жамуха Тўғулнинг мавзудан қочиш сабабини тушунди. Найманларни кўп безовта қиладиган нарса эркин қабилалар эди. Саҳрода тинчлик ўрнатилиши найманларни яна ҳам қудратли қилиши аниқ. Айнан шу нарса юз беришини Тўғул истамасди. Бошқа тарафдан қараганда, Тўғул Инончахоннинг таклифини очиқ-ойдин рад ҳам қилолмас эди. Қийинчиликларни қай йўл билан бартараф этади? Нимани бой бериш, кимни қурбон қилиш лозим? Жамуха ва унинг уруғдошлари учун ҳам бу кераитлардан кўра муҳимроқ масала эди.

Хон музокараларни тўхтатгани Жамухани дилгир қилди. Баковул ва унинг югурдаклари шароб ва таомлар келтиришди. Жамуха зиёфат ва хурсандчиликларни севарди. Аммо бу гал у жуда кам ичди. Ўткир Хитой шароблари ҳам, Тўғулнинг айтишича, Олтинхоннинг шахсий боғида етиштирилган мева-чевалар ҳам уни жалб қилмади. У Хон Тўғул қандай қарорга келиши, нима чора кўришини борган сари кучайиб бораётган ички хавотир аралаш тахмин қилиб кўриш билан банд эди. Бу ишларнинг ҳаммасидан у иложи борича кўпроқ фойдаланиб қолиши аниқ. Бироқ Тўғулга фойдали нарсалар ҳамма вақт ҳам бошқа кўшни қабилаларга наф беравермайди-да.

Зиёфат сўнгида хон унга қўшини билан ўз нутуғига кетаверишга рухсат берганда эса, хавотири ваҳимага айланди. Бунда битта маъно бор: хон музокараларда Жамуха иштирок этишини истамаяпти.

– Хон ота, мени бу ерда узоқ ушлаб турмаганинг учун миннатдорман. Қадрдон нутуғимда мени ёш хотиним ва улусим фаровонлиги йўлидаги ташвишларим кутиб турибди. – Жамуха бор кучи билан хушмуомала бўлишга ҳаракат қилар, лекин хавотир ва ранжиганидан кўнгли шикаста эди.



Худудсиз саҳродаги узоқ сафар, йўлга ичгулик олиб олган навкарларнинг мардона кўшиқлари ҳам уни тинчитмади. Шу пайтгача Тўғул унга росмана оталик қилиб келди, ғамхўр ва меҳрибон эди. Хон бўлмаганда унинг бошига ҳам андаси Темучиннинг куни тушиши аниқ эди. Қани у, унинг биродари ва дўсти? Ҳаёти қандай? Тарғутойдан қочгани ҳақидаги овозларни у ҳам эшитганди. Ушандан бери ҳеч ким уни кўрмаган. Балки, тирик ҳам эмасдир. У неча марта Темучинни Тарғутойдан тортиб олмоқчи бўлди. Аммо Тўғул буни ҳатто ўйлашни ҳам бас қил, деди. Чунки тойчуют билан келиб чиқиши муқаррар бўлган уруш шу пайтда ҳалокатли бўлиши мумкин эди. У ҳам андасини кутқаришни ҳаёлидан чиқарди. Нима қилса, Тўғулнинг хоҳишига қараб қилди. У озод нўён бўла туриб, Тўғулнинг иродаси билан отини эгарлар, йўқ деса, эгарини олиб кўярди. Ҳамиша – зарурми, зудлик билан ёнимда бўл, керак эмасми, қорангни кўрмай қабилда иш тутиларди.

Хоннинг каттакон чодирини олдида ўзининг ўтови ғариб ва тор кўриниб кетди. Хотини хизматкорларсиз, ўзи овқат тайёрлади. Овқатдан кейин у қўлига хурни¹ олиб, ўйноқи ва шўх ашулалар айта бошлади. Жамуха бош чайқади:

– Уржана, керакмас.

Хотини ҳайрон бўлиб, ашулани тўхтатди. Уни жуда чиройли деб бўлмасди-ю, аммо овози жуда ҳам кам учрайдиган. Беғубор, кучли, ҳар қандай қаттиқ юракларга ҳам таъсир ўтказа оладиган овоз эди. Жамуха ҳам буни жуда кадрлар, ашула айттириб чарчамасди. Уржана ҳам буни биларди. Шунинг учун ҳам у ҳайрон. Аммо у эрининг юзига тикилиб қаради-ю, унинг қалбига кечинмаларини тушуниб, юзидаги ҳайронлик ўрнида хайрихоҳлик аломати зоҳир бўлди.

– Улигер, эшитишни хоҳлайсанми? – сўради у эридан.

Жамуха боши билан ишора қилди.

Хотини бир дунё қадимий ривоятларни биларди. Уларда ҳар қандай душманни даф қила оладиган жасур баҳодирлар, уларнинг дўстга садоқатлари, қувноқ ўйинлар ва маросимлардаги иштироклари ҳақида куйланарди.

– Хутулахон ниҳоятда қудратли эди, – дея бошлади Уржона. – Унинг овози етти чақиримдан эшитиларди. Кафтлари гўёки айиқниқига ўшар, энг кучли полвонларни ҳам икки букиб, гўё камоннинг ўқи каби синдириб ташларди...

Жамуха бўлса, илгариги баҳодирлар жўн яшаганлар ва осон курашганлар, дея маюс хаёл сурарди. У вақтларда қабилалар бир-бирларини қириш билан овора бўлмаганлар. Душман хавф солганда ҳаммалари бирлашиб, жангга отланар, тинч замонларда эса ҳаммалари ўз ҳолларича яшашарди. Тарғутой ёки Тўхта беки сингари нўёнларга қуллуқ қилинмас, Тўғулхоннинг аравасига боғланган тойчоқдек югургилаб юрилмас эди.

Хурнинг пардалари сокин нола қиларди. Уржона гоҳ куйлаётган, гоҳида эса гапириб бераётгандай, ярим овозда қадимги расм-русумлар, жанг ва

¹ Хур – камонли мусиқа асбоби.

мусобақалар ҳақида ҳикоя қиларди. Жамуха ҳам борган сайин замонлар ўзгариб кетганини англаб борарди. Яқинда озод қабилалар умуман йўқ бўлиб кетади. Тўғул Инончaxon билан келишиб олса нима бўлади? Кўринишдан улар келишишади-ёв. Хон уни ўз нутуғидан чиқариб юборгани ҳам бежиз эмас. Демак, унинг ўйлаб қўйган режаси Жамухага хуш келмаслигини билган. Ахир у озод жўжиротлар қабиласининг нўёни-ку. Хон нима қарорга келган бўлса ҳам, энди уни тўхтатиб бўлмайди. Эҳ, қанийди тойчуютга Темучин бош бўлса! Иккови бирлашиб, қадим-қадимдан яшаб келаётган одатларни бузишга ҳеч кимга йўл бермасдилар. Аммо Темучиннинг қаердалигини ҳеч ким билмайди. Тирик бўлганда ҳам эгарлоғлиқ оти бўлмаса керак... Фақат ўзига ишониши мумкин. Қўлимдан нима келарди?

Жамуха хаёлларга берилиб, хотинини умуман эшитмай қўйди. Унинг мясида бир айёрона найранг айланишиб қолди...

Эрталаб у жангчиларини отлантириб, саҳронинг кераитлар ва найманлар уруғлари яқин жойлашган ерига бошлаб келди. Суви тахир ва шўр бўлган бир кўлнинг ёнида тунаган биринчи куниёқ у ўз жангчиларига деди:

– Биз Сабракни тутиб олиб, ўлдиришимиз керак. Акс ҳолда, икки хон ўртасида боғланган дўстлик ришталари бизнинг бўйнимизга тушади. Ҳар биримизни нима кутиб тургани фақат осмонгагина аён. Шавкатли жўжирот уруғидан эканингизни бироз унутиб турасизлар-да, ўзларингизни қероитлардан деб ҳисоблайсиз. Суяқларингизни синдириб, терингизни шилсалар ҳам – кераитман, деб тураверинг. Кимки ўзига ишонмаса, орқага қайтиб кетиши мумкин.

Ҳеч ким қайтиб кетмади. Жамуха ҳеч кимга билдирмай, яширинча уйига қайтаётган Кўксу Сабрак ўтиши керак бўлган жойга етиб олди. Шу ерда найманлар ва кераитлар ерларини қирғоқларида қизил самбитлар ўсиб ўтган кичкинагина дарё бўларди. Дарёнинг у тарафида кичикроқ бир овул турарди. Жамуха ўз қўшинига буталар остига яширинишни ва унинг қайтишини кутиб туришларини буюриб, ўзи овул томонга кетди. Сувни кечиб ўтиб, буталар орасида отдан тушди, қурол-аслаҳаларини ечиб, нўхтани белига боғлаганча, ўтов томон юрди.

Овулга кираверишда, текис бир тепалик устида найзасига суянганича қоровул турарди. Яқин орада эгарлоғлиқ от ўтламоқда. Қоровул Жамуханинг келишини қизиқиб кузатарди.

– Сен кимсан? – сўради у ҳали яқинлашмасидан.

– Кўрмаяпсанми, кераитман. Отим сиз тарафларга қочиб кетди. Олди оёқлари оқ саман от. Шу ердан ўтмадими?

– Йўқ, ўтгани йўқ. Сен нариги қирғоқданмисан?

– Нариги қирғоқдан.

– Пиёдами?

– Қизиқчимисан? Айтяпман-ку, отим қочиб кетди деб, демак, пиёдаман-да.

– Бўлмаса нимага гутулларинг куп-куруқ? Дарёдан сакраб ўтдингми?

– Қоровул Жамухага шубҳаланиб қараб турарди.



– Сен, нўёнлардан бўлсанг керак-да, гутулинг кўп. Менда бўлса биттагина гутул бор. Шунинг учун дарё кечаётганимда уни ечиб оламан.

– Ўҳ! Донолигини қара-я! Найзам билан қитиқласам ҳам куласанми?

– Нима, хабаринг йўқми, Кўксу Сабракларингиз бизларда меҳмонда-ку. Бизлар энди ўзаро урушмаймиз.

– Биламан. Кўксу Сабрак кечагина қайтиб келди-ю, сен бугуннинг ўзида бу ерга отингни излаб келибсан. Эртага бутун бошли йилқини сўраб қоларсан? Жўна, бу ердан.

– Жамуха қоровулга хўмрайиб, ола қараш қилди: алдамаяптимикин? Йўқ, алдамаяпти. Хонлар ярашиб олишибди-да. Энди уни бузиб ҳам бўлмайди. Кеч қолдим. Сабрак кетиб қолибди. Энди нима қилиш керак? Жамуха қоровул елкаси оша ўтовларга қаради. Овулга бостириб кирсинми? Кучлари етмайди, жуда хатарли иш бу. Агар яхшигина тўполон кўтарса-чи? Нимага эришади? Найманлар осонгина уларни даф қилиб, қувғинга олишади. Уларни кераитларнинг ўтовларига бошлаб борса-чи? Ёмон бўлмайди. Бу, балки Сабракни ўлдиргандан ҳам яхшироқ иш бериши мумкин.

– Ўтовларимизга кўзингни олазарақ қилма. Бу ерда сенинг отинг йўқ.

– Жуда бор-да! Ана, кўряпсанми, қозиққа боғланган отларни? Ўшаларнинг бири меникига ўхшайди. Кўриб келай-чи.

– Мен сенга йўқол, дедим! – Қоровул кўнадиганлардан эмасди. У қуролланган бўлганидан, қуролсиз одам олдида бир калла баландлигидан мағрур эди.

– Бўпти, кетдим. – Жамуха овулга бостириб кириш ва ортга қочиш йўллари чамалаб олди. – Аммо сен ҳам бизнинг нутуғларимизда менинг кўзимга кўриниб қолма. Мен сенинг юзингни эслаб қолдим.

Қоровул пўписа билан найзасини кўтариб қолди. Жамуха кўрққан киши бўлиб орқасига қайтди. Буталар орасига кириб, овулнинг ўтовларини яна бир бор кўздан кечирди.

Кўшини олдига қайтиб, кеч киришини кутиб ётди. Бўзариб бораётган осмонда илк юлдузлар кўзга ташланди. Дарёдан чўлга қараб муздай шабада эсиб қолди. Овулда ҳам оловлар ёқилди. Жамуха айилни яхшилаб тортиб, отига минди.

– Вақт бўлди!

Овулга товуш чиқармасдан, секин етиб боришди. Қоровул огоҳлантирувчи овозда бақириб қолгандагина отни елдиришди. Бирданига хотинларнинг чинқирғи, болалар йиғиси, итларнинг хуриши эшитилди. Гулханлар атрофида катта-катта соялар югургилаб қолди. Жамуханинг одамлари ҳамма ёқни алғов-далғов қила бошладилар: қозон-ўчоқларни ағдаришди, боғлиқ турган отларни ечиб ташлашди, эгар, қурол-аслаҳа, кийим бошларни, қўлга нима илинса, ҳаммасини талашди. Найманлар ўз нўёнларининг каттагина ўтови олдида тўпланишди. Душман босқинидан дарак берувчи огоҳлантириш ўқлари осмонга визиллаб қолди. Кетма-кет ўзларига қаратилган ўқлар ҳам учиб кела бошлади. Биттаси Тўғулхон ҳады қилган янгигина чопоннинг енгини чирт ёриб, Жамуханинг енгидан ўтди. Иккита аскар шундоққина

гулхан олдида отдан «тўп» этиб йиқилиб, ўлим исканжасида тўлғона бошлади. Жамуха уларни кўтариб олишга ва ортга чекинишга буйруқ берди.

Жамуха кутганидек, найманлар уларни қувишдан ўзларини тиёлмадилар. У шошмасдан, отларни чарчатиб қўйишдан эҳтиётлаб, секин қочиб борарди. – Найманлар бўлса, ҳозир етиб оламиз-у, босқинчиларнинг адабини бериб қўямиз, деган умид билан уларни таъқиб қилиб келавердилар. Энди Жамухани бир нарсагина хавотирга соларди: ишқилиб, йўлдан адашиб, кераитларнинг ерларидан четлаб кетмасин-да.

Сахро осмонида пастлаб турган тўлин ой бутун борлиққа нур таратиб турар ва бундан сахро кулранг тус олган эди. Чалов ва эрман буталари орасида ухлаб ётган қушлар шундоққина отлар туёқлари орасидан осмонга кўтарилиб қолишарди. Узоқдан милтиллаб бир шуъла кўринди. Унинг ёнида яна бошқаси ҳам. Кераитлар овуллари! Жамуха ёнида чопиб келаётган бўш отга сакраб ўтди-да, тезликни оширди. Қолган аскарлари ҳам худди шундай йўл тутишди. Найманлар орқада қола бошлашди.

Жамуха овул атрофида отини чоптириб ўтиб, етарлича шовқин кўтарди-да, от жировини шарққа, ўз ерларига қараб бурди. Иш уддаланди. Энди найманлар худди қоядан ағанаган тош каби кераитлар овулига ёприлади. Булар эса, албатта, уларга жавоб қилишади. Қасоскор ва ғазабнок душманлик бошланади. Чунки ҳар икки тараф ҳам бошқасини айбдор ҳисоблайди.

Жамуха кулиб қўйди-да, жировни тортиб, отини чопишдан йўрғалашга ўтказди. Йўқ, озод сахро қабилаларининг даври ҳали ўтгани йўқ!

II

Бир камон ўқи учиб борарлик масофаларда Темучин, Хасар ва Белгитойлар дерисун буталари орқасига яшириниб, ер бағирлаб ётиб олишганди. Уларнинг олдиларида чўл кўеши куйдириб ташлаган сап-сарик яланглик ястаниб ётар, у ер-бу ерда қуруқшаган буталарнинг чўп бўлиб қолган ўзаклари тарвақайлаб турарди. Узоқда икки чавандознинг қораси кўринди. Улар Темучиннинг кичик укалари Хачиун билан Тамуға отчигинлар эди. Улар гоҳ бир тарафга, гоҳида бошқа тарафга кетиб қолишар ва шу кўйи аста-секин яқинлашиб келишарди. Темучин кўзи живирлаб кетгунича чўлга тикилар, аммо ердан кўтарилаётган ҳовур кўз олдидаги манзарани чалкаштириб, чавандозларнинг олдиларида бирон-бир нарсани пайқай олмасди. Лекин у қаердадир, яқингинада, ортларидан таъқиб қилиб келаётган отлиқларга хавотирли қараб-қараб, тувалоқ қушлар юриб келаётганини аниқ биларди. Агар Хачиун билан Тамуға отчигинлар уларни кўрқитиб юбормасдан, ақл билан иш кўрсалар, қушлар уларнинг рўпарасига келиб кўнишади. Бу жой жуда қулай. Чап ва ўнг томонда тик қоялар турибди. Эҳтиёткор тувалоқлар қоялардан нарироқда юришади.

Темучин тирсагига тиралиб бошини кўтариб қаради-да, яна дарҳол ерга ёпишиб олди: қушлар кўринди. Энди жудаям хушёр бўлмоқ лозим. Темучин



камонига ўқ қадаб, укаларига маъноли қараб қўйди. Хасар қимир этмай ётар, чопони ҳам қуруқшоқ ўтлар рангига аралашиб кетганидан кўзга ташланмасди. Белгуйтой ҳам қушларни кўрганлигини билдириб, имо-ишоралар қилди. Темучин унга муштини ўқталиб қўйган эди, Белгуйтой тош қотди.

Овчиларга қараб олти нафар қуш келарди. Улар қўрқув ичида бошларини сарак-сарак қилиб, орқаларидан келаётган отликларга қараб қўйишар, ўзлари эса секингина илгарилаб боришарди. Тўсатдан уларнинг бири таққа тўхтаб, Белгуйтой ётган тарафга тикилиб қолди-да, кўрқувдан қийқириб юборди. Ҳамма қушлар Темучин томонга чопиб қолишди. Улар шовқин солиб учишар, қанотлари ҳаддан ташқари улкан ва оғирлигидан ҳеч қачон ердан кўтарила олмайдигандек кўринарди. Аммо улар Темучиндан икки ўқ масофасида оёқларини ичга тортиб олиб, секинлик билан кўтарила бошлашди. Темучин улар ўзига яқинроқ келишларини кутиб, сакраб ўрнидан турди. Таранг тортилган камон бир жаранглаб кетди, қуёш тиғида ўқнинг найзаси қисқа муддат ярақлади-ю, тувалоқ тўп этиб ерга тушди. Ўқнинг қарсиллаб сингани, қуш қанотларининг қуриган ўтларга шитирлаб урилгани эшитилди. Қуш бир сакраб тушиб, оёғи осмондан бўлиб ётиб қолди. Пастки оппоқ патлари орасида оч қизил қон кўринди.

Учиб кетаётган қушни биринчи бор уриб туширган Темучин шодлигидан чинқириб юборди.

Хасар билан Белгуйтойлар югуриб келишди. Белгуйтой синган ўқнинг қолганини намоёйишкорона суғуриб оларкан, қушнинг оғирлигини салмоқлаб кўриб:

– Семизгина! Хасар, қара! – деди.

– Мен сенга кўрсатиб кўяман! – деди Хасар унга мушт ўқталиб. Қушларни чўчитиб юбординг-ку! Бир соламан!..

– Хасар, бас қил! – деди Темучин. У ака-укалар уришиб кетиб, ўзининг хурсандлигини чиппака чиқаришларини хоҳламасди.

Хачиун билан Тамуға отчигинлар отларни етаклаб келишди. Темучин ўлжасини эгарга осди-да, қуёшга қаради. Кун тиккага келиб қолганди. Ис-сиқ чидаб бўлмас даражада қиздирарди. Белгуйтойнинг тупроқдан кир бўлиб кетган дум-думалоқ юзидан тер оқиб тушарди. Пешонасидаги терни кафти билан артар экан, ҳалигача муштини тугиб турган қотма Хасарга хавотирда қараб турарди.

– Уйга кетдик, – деди Темучин.

– Йўқ! – жаҳл билан бош силкиди Хасар. – Яна ов қиламиз.

Чамаси унинг қуруқ қўл билан қайтгиси йўқ эди. У акасига очиқ ҳасад қилиб турарди. Хасар ҳаммадан, ҳатто акаси Темучиндан ҳам мерганроқ эканини ҳамма биларди. Аммо ов пайтида ҳар доим Темучиннинг қўли банд келаверарди. У овдан жуда кам ҳолларда қуруқ қайтарди.

Темучин укасига ҳеч нима демасдан отига минди-да, гўё сахро устида ҳаволаб қолгандай жимирлаб турган нурсиз тепаликларга қараб юрди. Ўша тарафда, кичкинагина бир ирмоқ ёнида уларнинг ўтовлари тикилган эди. Кўм-кўк майсалари жуда мўл бўлмаса-да, бу жой тинч, кимсасиз эди. Улар

икки ойдан бери шу ерда, бегоналарга рўпара бўлмасдан яшашарди. Шунгача улар яшаш жойларини жуда кўп маротаба ўзгартиришди. Ҳаттоки бир тасодифий йўловчи ўтиб қолса ҳам, Темучин хавотирда ўтовини кўтариб кўчиб кетарди. У Тарғутой Қирилдуқни асло унутмасди.

Хасар унга етиб олиб, қовоғини уйганча сўради:

– Темучин, Белгуттой билан мени саҳрода қолдириб кетаверасанми? У қушларни чўчитиб юбордим, энди мен ҳам бир ўлжали бўлмагунимча ёнимда бўлди.

Укасининг ўжарлиги Темучинга ёқмади. Шунинг учун:

– Уйга кетамиз, – деб қўйди.

– Сен Белгитойнинг ёнини оляпсан! Бу адолатдан эмас.

– Жим бўл! – Темучин ҳам қизишиб кетди. – Адолат эмиш... адолат нима-лигини биласанми, ўзи?

Хасар ўпқаланиб отини секинлатди, атай орқароқда қолди. Отлар аста йўрғалаб борарди. Саҳрога сукунат тушган, бор тирик мавжудот иссиқдан ин-инига кириб кетган, ҳаттоки тинчимас чирилдоқларнинг ҳам чакакларини ўчган эди. Қуёш ҳарорати ва ачимсиқ шувоқ ҳидидан кишининг боши айланарди. Хасарнинг хархашасидан кўнгилда пайдо бўлган ғашлик ҳамон Темучинни тарк этмаган эди. Уни қаранглар, нима адолатдан-у, нима адолатдан эмаслигини ўйлаб қолибди. Ожиз одамлар адолат ҳақидаги мулоҳазалари билан ўзларини паналайдилар. Худди қалқон қаби. Аммо Тарғутой Қирилдуқ буни ўйлаб ўтирмайди, нима хоҳласа ўшани қилаверади. Унинг ҳаётини сершовқин овуллардан олисларда дайдиб юрган саҳро бўриси-нинг ҳаётига айлантириб ташлаган Тарғутой Қирилдуқ бунинг адолатдан эмаслигини бирон марта ҳам ўйлаб кўргани йўқ-ку. Лекин нўёнлару оддий одамларнинг қилмишларини ўлчайдиган мезон адолат бўлиши керак. Падарингга минг лаънат, Тарғутой Қирилдуқ бўлган! У фақатгина оилани пароканда қилгани йўқ. У солган кўрқув худди ярага сепилган туз янглиғ қалбини ўртаб, ҳаловатидан ҳам маҳрум қилиб қўйди. Шунинг оқибатида у қизиққон ва бетгачопар бўлиб қолмадимми? Онаси ҳатто бир неча марта уни койиганди: «Одамнинг жаҳли чиққанида тўғри ҳам қийшиқ, силлиқ ҳам ғадир-будур бўлиб кетади». Онаси, албатта, ҳақ эди. Ўзини қўлга ола билиши керак, яқин кишиларни беҳуда хафа қилмасликни ўрганиши керак. Ҳозир ҳам Хасарга бекорга бақирди. У ҳам ножўя иш қилгани йўқ. Қадим тамойилларга амал қилинадиган бўлса, Белгитой, албатта, жазоланиши керак эди. Бунақанги ов пайтида йўл қўйилган хатолар учун калтакланар, атай қилган бўлса, киши ҳатто ўлдириларди. Ўзининг кайфиятини ўйлаб, ўзи ҳам адолатсизлик қилди.

Отини тўхтатиб, Темучин Хасарнинг яқин келишини кутиб турди. Кейин қамчисининг учи билан укасининг елкасига астагина уриб қўйди.

– Хафа бўлма, ука. Ҳали биз кўп марта ов қиламиз. Тувалоқларни ҳам, чопқир жайронларни ҳам, шохлари бурама тоғ эчкиларини ҳам ўлжа оламиз. Белгуттой бўлса, ўзининг эҳтиётсизлиги учун эртага кун бўйи тезак тиради. Белгитой, шундайми?



Соддадил Белгутой бўлса ўзини оқлай кетди:

– Менда айб йўқ. Мен худди ўликдай ётган эдим. Ҳаттоки киприкларимни ҳам қоққаним йўқ. Ўзинг кўрдинг-ку, Хасар... Лекин тувалоқлар шундай яқин келишганида, иштонимнинг ичига кириб олган чумоли энг нозик жойимни тишлаб олса бўладими. Бошқа одам бўлганида ўрнидан туриб бақириб қоларди. Мен бори йўғи ихраб қўйдим-у, чумоли тишлаган жойни қашлаб қўйдим, холос.

Кичик укалари кулиб юборишди.

– Белгитойда айб йўқ, чумоли айбдор, – деди Хачиун.

Ўтовга яқинлашишганида кун пешиндан оққан эди. Уларни онаси билан Хоахчин кутиб олишди. Ўғилларини кўрган онанинг юзига табассум югурди. У Темучиндан кўп хавотир бўлар, аммо бу хавотирини ҳеч қачон юзига чиқармас, ҳар сафар улар овга отланишганида унинг ортидан ҳадик аралаш тикилиб қолишини ўғли ҳам биларди. Қайтишганида она ўғиллари нима ўлжа олиб келишгани билан унча иши бўлмас, фақат аввал болаларини бошдан-оёқ кузатиб чиқар, соғ-омон кўрса, худди ҳозиргидай юзига табассум югурарди. Шундан кейингина овқатга уннаш учун ўтовга кириб кетарди. Хоахчин бўлса бутунлай бошқача. Озгина ўлжа туфайли ҳам у овчилардан кўра кўпроқ хурсанд бўлиб кетарди. Тувалоқни эгардан ечиб олар экан, у қувончидан шодон кулар, мулойим кўзлари бахтдан ёнарди.

– Во-ей, Темучин, азамат-эй! Ҳар куни гўшт еймиз-а! Семиз паррандаларни еявериб ўзим ҳам семириб кетдим.

Ўтов ёпинчиғининг таги бир оз кўтариб қўйилгани сабабли шабада аста эсаётгани учун ташқарига қараганда бу ер бир оз салқинроқ эди. Онаси ўғилларининг олдига сузма қўйди, косаларга қимиз тўлдирди. Ҳаммалари эркакларга хос оғирлик билан ўрин тепасига илинган ўнгонларга¹ озгинадан қимиз томизишди, олов руҳи шарафи учун сузмадан ҳам қиттайгина қурбонлик қилишди. Укалари биринчи бўлиб Темучиннинг қимиз хўплашини кутиб туришди. У бир-икки қултум ичгандан кейингина чанқоғини зўрға босиб турган укалар ҳам косаларга ташланишди.

– Болаларим қатта бўлиб қолишди, – деди она хўрсиниб, – беш ўғлим қўлимнинг беш бармоғи...

Темучин ўзининг қўлига қаради. Бармоқларини бир-бир қимирлатди-да, ҳаммасини букиб, мушт қилди. Мушти ёмонмас, қаттиққина. Бировнинг чаккасига туширса оёқда қолиши гумон.

– Темучин, сен Дой чечаннинг ҳузурига боришинг керак. Оила қуриш вақтинг келди. Дой чечанга куёв бўлсанг, балки, бизни ўз ҳимояларига олишларига қўнғиротларни қўндира оларсан.

– Аммо ўзинг айтардинг-ку, одамлар кучсизларга эмас, кучлиларга ёрдам беришади, деб. Нима биз кучлимизми? Қўнғиротлар ҳузурига бориш учун ёнимга оладиган навкарим ҳам йўқ-ку. Дой чечан балки мен билан гаплашишни истамас?

¹ **Ўнгонлар** – маъжусийлар эътиқодича, аждодлар руҳига қурбон қилар эдилар.

– Темучин, нимадандир бошлаш керак-ку, ахир. Катта дарёлар ҳам ирмоқлардан бошланади. Бир умр Тарғутой Қирилдукдан қочиб юравермасмиз.

– Тарғутой Қирилдукнинг овулига бориб қўяқолсак-чи? – сўради Хасар.
– Шартга сўйиб ташлаймиз-қўямиз, бировдан ёрдам сўраб ўтиришга ҳам ҳожат қолмайди.

Онаси кулимсиради.

– Шошқин дарёлар денгизгача етиб бормайди, Хасар. Қумга сингиб кетади. Биз шошмасдан, ўйлаб иш қилишимиз керак. Аввал қўнғиротларни ўзимизга яқинлаштириб оламиз, кейин отангизнинг андаси Тўғулни. Вақт ўтиб, бировнинг ёрдамига ҳам муҳтож бўлмай қоласизлар.

Темучин индамади. Унинг тушларига ой каби думалоқ юзли, қисик кўзли қайлиғи Бўрта, бир неча бор кириб чиққан эди. Лекин у Дой чечаннинг хузурига боришдан чўчирди. Мабодо Дой чечан аввалги унаштирувни менсимай, уни куёв қилишдан воз кечган бўлса, яна бир хўрланишни ҳазм қилиши ва яна бир умидидан маҳрум бўлиши тайин эди.

– Борамиз, Темучин! Биз Белгутой иккимиз сенинг навкарларинг бўламиз. Агар Дой чечан биз билан гаплашишни истамаса, Бўртани индамай олиб кетаверамиз.

Онаси синик кулимсиради.

– Эҳ, Хасар, Хасар, жуда ботир йигитсан-да! Аммо ақл бўлмаса, ботирлик ипи тортилмаган ёйдай гап. Бемаъни маслаҳатлар билан Темучиннинг бошини қотирма. Қўй, унинг ўзи ҳал қилсин.

У қуш патини юлишга қарашиш учун Хоахчиннинг ёнига кетди. Қизишиб кетган Хасар бўлса, асоссиз йўл-йўриқлари билан Темучиннинг жонига тега бошлади. Темучин индамай ўтовдан чиқди-да, соялаб ёнбошлади. Жазирама иссиқнинг ҳам тоби кета бошлади, ирмоқ атрофидаги пода саҳро томон қўзғалди. Унча кўп бўлмаса ҳам, подасига қараганда Темучиннинг кўзи қувнаб кетарди. Ўзиники! Ўзлари ёлғиз чўлда қолиб кетишган йилнинг совуқ қиши унинг ёдидан чиқмасди. Ўшанда ер юзида умуман одам қолмагандай – яхшиси ҳам, ёмони ҳам. Бу фикр унинг миясига шу қадар чуқур ўрнашиб қолган эдики, сал бўлса ақлдан ҳам озадигандай эди. Энди у бунақанги ўйларни ўйламас, унга қолса уларнинг ўтовидан бир ойлик масофада инсон зоти қолмаса ҳам рози эди. Тинчроқ яшашармиди. Аммо отасининг дўстларидан ғамхўр Менглик ва унинг катта ўғли шомон Таб тангри, Тойчи Қури билан унинг онаси, темирчи Жарчитой, Тарғутой Қирилдукқа қимиз етказиб турувчи Сурхон сориларнинг ўтовлари ёнма-ён турса қандай яхши бўларди... Улар Темучинга ёрдам берганларида ҳеч қандай манфаатни кўзлашгани йўқ. Қизиғи шундаки, уларнинг биронтаси ҳам қариндош эмас, ҳаммалари бегона уруғлардан. Буни қарангки, одамларни орасини яқин қариндошликдан ҳам кучлироқ ришталар боғлар экан. Бу нима экан-а?

Қачон у бир ўзи ёлғиз қолар экан, доимо мана шундай ўйлар миясини чулғаб оларди. Нимага? Балки бу хаёлларнинг асл сабаби унинг ички безовталигидан, ўз ҳаёти учун мудом қўрқиб яшаётганлигидандир? Дой чечан



хузурига борса, Бўртага ўйланиб, қўнғиротлар билан бирга яшаса, балким қалби ором топармиди? У подасини боқиб, ов қилиб, тинчгина, оддий кун кечирарди. Одамга кўп нарса керак эмас, тинчлик ва егулик бўлса бўлди. Сахро кенг ва бепоён, одамлар бир-бирларига ҳалал бермасдан яшай олишлари мумкин. Яшай оладилар. Аммо нима одам учун улар тинч, келишиб яшашмайди?

Қуёш уфққа томон яқинлашиб, сахро пешиндагидан бутунлай бошқача бўлиб қолди. Дўнгликларда узун соялар пайдо бўлиб, қумлар узра ястанди ва кундузи теп-текисдай кўринган сахро ғадир-будур дўнгликлардан иборатга ўхшаб қолди. Кучсизгина шабада майсаларни базўр тебратарди. Инларидан чиқиб олган юмронқозиқлар худди қуш сайроғи сингари овоз чиқара бошлади. Сичқонларнинг аста чийиллаши, кўлмакдаги бақаларнинг қуриллаши эшитилди. Тўқ кулранг сирчумчуқ ўтовдан сал нарироққа келиб қўнди, кулгили ҳаракатлари билан бир-икки ўтириб турди-да, иши қолиб кетгандай шошилиб, буталар орасига кириб кетди. Темучин чўлга кўз югуртириб қаради-ю, юраги ҳаприқиб кетди. Тепалиқдан икки чавандоз шошилмай тушиб келишарди.

– Она!

Онаси атрофга қаради-ю, шахд ўрнидан туриб, ўтовга кириб кетди.

– Тез буёққа келинг!

Ўтов ичида ака-укалар ўринларни ёйиб ташлаган, қувнашиб, ўйнашарди. Белгуйтой қорни билан узала тушиб ётар, Хасар билан Хачиун уни қўл-оёқларидан ушлаб туришар, Отчигин бўлса унинг яланғоч елкаларига шапалоқлаб урарди.

– Одамлар келишяпти! – деди она пичирлаб.

Болалар тез ўринларидан туриб, ўтовдан югуриб чиқишди. Овулун на-матни кўтариб, Темучинга унинг тагига ётишни буюрди. Кейин унинг устига кийимларни уйиб қўйди.

У ташқаридан майса устида енгил дупурлаган от туёқлари ва чавандозларнинг оҳиста салом-алиги эшитди. Онаси Хасар билан Белгуйтойга отларни эгардан бўшатишни буюрди.

– Отларингиз чарчагандир, узоқдан келяпсиз, шекилли? – сўради Овулун. Унинг овозида қўрқув ҳам, ҳадиксираш ҳам сезилмас, лекин бу, у асло қўрққани йўқ, дегани эмасди. Овулун ўзини тутишни яхши биларди.

Темучин меҳмонларнинг жавобларини кутди.

– Тўғри топдинг, узоқлардан келяпмиз. Қариндошларимизникига меҳмонга борувдик. Қаерда тунасақ экан, деб бошимиз қотиб келаётувдик, сизнинг ўтовингизга кўзимиз тушиб қолди.

– Бу ёққа ўтинлар.

– Биз шу ерда бир оз дам олволамиз.

Нукул меҳмонларнинг биттаси гапирарди. Иккинчисининг овозига қараганда ёшроқ шекилли, ёши каттароғининг гапини тасдиқлагандай бўлиб, «ҳа-ҳа»лаб қўшилишиб турарди:

– Ҳа, ҳа. Шу ерда.



– Мен ҳозир шолча тўшаб бераман.

Онаси ўтовга кириб, Темучин ётган жойга энгашди.

– Жим ёт, турма, – деб пичирлади.

Демак, онаси бир кўнгилсизликни сезган. Темучин устидаги кийимларни бир оз суриб, суҳбатни диққат билан эшитишга чоғланди.

– Э-э, мазали қайнатманинг ҳиди келяпти-ку!

Хоахчиннинг хавотирли овози эшитилди:

– Бировларнинг қозонига кўз олайтириб нима қиласан? Меҳмон шунақа қиладим, а?

Хоахчин ҳақ эди. Яхши ниятли меҳмонлар сира бунақа иш тутмайди.

– Жим, Хоахчин! – Онасининг овози ҳалиям хотиржам эди. – Булар йўлда чарчашган, очиқишган. Қозонга қарашгани билан овқат камайиб қолгани йўқ.

– Тўғри айтдинг. Кун бўйи ҳеч нарса еганимиз йўқ. Томоқларимиз ҳам қақраб кетган.

– Ҳа, ҳа. Чанқаб кетдик.

– Ўтовга киришлар. Қўлимиз калтароғ-у, аммо бир оз қимиз ва архи топилади. Қуролларингизни шу ерда қолдириш. Тинч ўтовга ўқ-ёю қилич билан кирилмайди.

– Эр хотинини ёнидан қўймаганидек, жангчи ҳам қуролини қўлидан қўймайди. Бировлар қўлига тушиб қолиши мумкин, – дея меҳмон кулиб қўйди.

Қадамлар эшитилиши билан Темучин шошилиш бошини яшириб олди.

– Она, анави остонани босди!¹ – Бу жаҳли чиқиб кетган Хасарнинг овози эди.

– Қичқирма, йигитча, қичқирма! Бехосдан босиб олдим, шунгаям шунчамми?

– Йўқ, сен атайлаб босдинг! – қичқирди Хасар. – Мен кўрдим!

– Сени бақириб-чақириб қаршилаган ўтовда меҳмон бўлиш мумкинми? Кетдик.

Улар ташқарига чиқиб, гулхан олдига келишди. Овулун ўтовда қолиб, мешдан қимиз қуйди. Темучин яна бошини кўтарди. Онаси бўлса бармоғини лабига босиб, чиқиб кетди.

– Аввал ўзинг ичиб кўр. Биз бу ерда мангу уйкуга кетмоқчи эмасмиз.

– Нима учун мен ҳақимда бунақа ёмон ўйга борасиз?

– Чунки биз сени биламиз...

– Ҳа, ҳа, Овулун, биламиз, – дея шошинқиради иккинчиси.

– Катта ўғлинг қаерда, Овулун?

– У йўқ. Овга кетган.

– Биз уни кутамиз.

– Уни нима қиласизлар?

– Бизга унинг кераги йўқ. Тарғутой Қирилдуқ уни кўрмоқчи. Темучинни олиб борсак, мукофот оламиз. Бизнинг ишимиз юришиб қолди. Ростдан

¹ Мўғул-туркийлар одатича, остонани босмай, ҳатлаб ўтиш зарур.



ҳам қариндошларникидан қайтаётган эдик. Қарасак, ўтов турибди. Нимага у бир ўзи, овуллардан узоқда турибди? Ўғиллари билан Овулун эмасмикин бу ерда беркиниб яшаётган, дедим. Келсак, ростдан ҳам сен экансан.

– Темучин бу ерларга қайтмайди. Сизлар ҳам мукофотсиз қоладиган бўлдинглар!

– Оламиз. У келмаса мана бу бақироқни олиб кетаверамиз. Бу ҳам бўлмаса бошқасини. Нўён ҳам шундай деганди. Ҳаммаси қочиб кетса, ўзингни олиб кетамиз.

– Сизлар ҳам, нўёнларингиз ҳам ёввойи ҳайвонсизлар, ўзингизга ўхшаган одамларни ҳам еяверасизлар! Кўкрагингиздаги одам юраги эмас, илонники, заҳар томиб туради.

– Қара-я, у бизни уришяпти.

– Ҳа ҳа, уришяпти.

– Ўпкалашга ўрин йўқ. Нўён сизларнинг биттангиз бўлса ҳам унинг ёнида, қўли етадиган жойда яшашингларни хоҳлаяпти, холос. Шунда у тинчийди. Зотингиздан ёки қариндошларингиздан биров чиқиб бир ёмонликни бошлаб қолса, гаровдаги одам бошини қўлтиғига олиб, боболари тарафга равона бўлиши учун. Бор гап шу!

Темучин лабини қонатгудай тишлади. У қаҳру ғазаби қайнаганидан бўғила бошлади. Наҳотки шу буюк саҳрода бу қонхўр Тарғутой Қирилдуқдан яширинадиган бир бўлак жой бўлмаса? У ўзининг оёқ-қўлини боғлаб отга ўнгариб, қайнаган саҳрода олиб кетишаётганини, Овчи баҳодир билан Олтойлар масхаралашаётганини кўз олдига келтирди-ю, баданидан муз югургандай бўлди. Наҳотки у ўзининг бўйнига яна қанға илишларига йўл қўйиб берса?

Онаси бу чақирилмаган меҳмонлардан:

– Ўрин тўшаб берайми? – деб сўради.

– Ў, сен яхши хотин экансан-у. Аммо биз ухлагани саҳрога кетамиз. Сизлар қочиб қолмасликларинг учун эса ҳамма отларни ўзимиз билан олиб кетамиз. Шунақа, қани, бека, қимиздан яна қуй-чи.

Онаси ўтовга кирди. Мешга шундай эгилдики, эшикни орқаси билан тўсиб қўйди. Темучин ўтириб олиб, имо-ишора билан пичоқ беришни сўради. Она бошини кескин силтаб, эшитилар-эшитилмас қилиб гапирди:

– Мумкин эмас. Ўз уйи остонасида қон тўккан одамдан осмонлар ҳам юз ўгиради.

– Агар бу одамлар...

– Жим! – кейин овозини баландлатиб, – Хасар, кел, менга қарашиб юбор! – деди.

– Нима дейсиз? Лабларини тишлаб олганича жаҳли чиққан Хасар кирди.

– Уларни боғлаб ташланглар! – қаттиқ оҳангда гапирди она. – Мен ҳозир косани тушириб юборишим билан ташланинглар. Темучин, сен ўнгда ўтирганига, сизлар эса укаларинг билан бошқасига, хўпми?

– Нимага ичкарида қолиб кетдинг, бекам?

– Шу ердამиз.



Темучин ўтов остонасигача эмаклаб келиб, бир мўралаб олди. Навкарлар қўлларида шокосалари билан ўтовга орқа ўгириб ўтиришарди. Анави, ўнгда ўтиргани, калта сочлари оқарган, букчайиб ўтиргани ёши каттаси Овчи баҳодирнинг буйруқларини сўзсиз адо этадиган, шафқатсиз ва қайтмас, содиқ навкари эди. Чопонининг ёғ босган ёқаси қип-қизил бўйинларига қапишиб кетган иккинчисини Темучин танимади.

Хасар укалари билан гулхандан сал берироқда туришар, у укаларига бир нималарни шипшиган эди, улар ҳаяжон аралаш бир-бирларига қараб олишди. Ёши катта навкар буни дарҳол сезди.

– Нималарни пичирлашяпсанлар?

– Баландроқ гапириб сизларга халал бермайлик деяпмиз-да, – дея тик гап қайтарди Хасар.

Куюш, деярли, ботиб бўлган, атрофни қоронғилик босганди, фақат у ербу ердаги чаловларнинг устигина оловланиб турарди.

Катта навкар косани қўйди. Онаси уни қўлига олди.

– Қуяйми?

– Йўқ. – У ўрндан турди, қорнини силади. – Яхшигина тўйдим. Сен ўзимиз билан олиб кетишга қимиз бер. Гўштдан ҳам олволамиз. Сен, бақироқ, биз билан борасан.

Онаси чинқиргандай бўлиб, косани тушириб юборди.

Темучин икки ҳатлаб навкарнинг устига ўзини отди. Қўллари билан бўйнидан сиқиб олди, тиззаси билан орқасига тираб туриб, ўзига бир тортиди. Иккови ҳам ерга қулади. Навкар хириллаганича қўлини пичоғи дастасига чўзди. Аммо онасининг нозик қўли ундан чаққонроқ ҳаракат қилиб уни тортиб олди-да, четга улоқтирди ва шу ондаёқ ақл етмас тезлик билан хом теридан қилинган чилвир билан навкарнинг ўнг қўлини боғлаб ташлади. Хоахчин чопиб келиб, жангчининг чап қўлини боғлашга ёрдамлашди. Темучин бармоқларини бўшатиб, ўрндан туриб олди. Иккинчи навкар қорни билан ерга ағанатилган, тўртала ака-ука эса баравар уни миниб олишган эди. Унинг ҳам қўлларига банд тушди. Ҳеч ким бир оғиз ҳам сўз айтмас, фақат хирилдоқ овоз эшитиларди, холос. Темучин «ўзининг» навкари биқинига бир тепди.

– Тур!

Навкар пишиллаб ўрндан турди. Унинг кўзлари ҳайратли боқарди. Оғир қиличи тортиб турганидан, белбоғи қорнидан пастга тушиб кетган эди. Темучин ердан пичоқни олиб, унинг боғичини кесиб ташлади. Қилич ерга тушди. Навкарнинг ғижимланган қалпоғини тортиб олиб, қиличнинг устига ташлади. Хасар ҳам акасидек, ўз асирини каттасининг олдига итарди. Қалпоқсиз, ёқавайрон бу ҳолда улар асло жангчиларга ўхшамай қолишган эди. Темучин лаблари узра масхаромуз кулги инди.

– Яна қимиз ичасизларми? – деди-да, унинг юзига қасоскорона ва аламли мушт туширди. Навкарнинг бурнидан қон оқиб кетди. Бу қон Темучиннинг кейинги муштлири зарбидан атрофга сачрар, қўллари ҳам қора қонга беланган эди. Она ўғлининг нафратини кўриб, уни нарига олиб кетди, елкаларига осилиб олди.



– Ұзингни бос! Ұзингни бос, ұғлим!

Навкар энгашиб олди, хириллаганича оғзи тўла қонини тупурар экан:

– Сен, малла иблис, узоққа борасан. Нўён сени қутурган итдек боғлаб қўйишни хоҳлаётгани ҳам бежиз эмас экан.

– Боғлаб қўёлмайди! – қичқирди Темучин.

– Ҳа, энди буни кўриб турибман. Боғлаб қўёлмайдиёв. Сени ўлдирмай бе-кор қилган экан-да. Бизларни сўйиб ташлайсанми?

– Ичак-чавоғингни қўлим билан суғуриб оламан!

– Жим бўл! – онаси куйинчаклик билан бақирди. Кетинглар, – деди навкарларга қараб.

Каттаси тупуришдан тўхтади.

– Энг яқин овулгача отлиқ тўрт кунлик йўл. Егулик ва ичгуликсиз биз етиб боролмаймиз.

– Ҳа, ҳа. Егулик, ичгуликсиз, – дея йиғламсираб такрорлади иккинчиси.

Хасар уни бир тепди.

– Жўна, тиррақи бузоқ!

Катта навкар Овулунга ялинди:

– Қўлларимизни ечиб юбор.

Темучин онасидан аввал деди:

– Тишларинг бор, чайнаб ечасан, – деди.

Навкарлар зулмат қоплаган сахро қўйнига кириб кетишар экан, ака-укалар уларни ҳай-хуйлаб, хуштаклар садоси остида кузатиб қолишди. Онаси фамга ботганча бошини чайқаб қўйди.

Темучин тунда ухламади. Ҳов ташқарисидан эшитилаётган товушларга кулоқ солиб ётди. Унинг назарида навкарлар қайтиб келишади-ю, уларни қўлга олишади ёки отларини олиб қочишадигандай эди. Тонготарда туриб кийинди. Навкардан қолган белбоғни боғлади. Унинг камони ва садоғини ҳам елкасига илди. Хасар ҳам уйғониб, уйқули кўзларини бир-икки очиб юмди-ю, ўрнидан даст туриб, ҳеч нарса демай кийиниб, белига қиличи ва пичоғини илди.

– Қаёққа кетяпсизлар? – она ўрнидан бошини кўтариб сўради.

– Бугун кўчамиз. Тарбағонларга тузоқлар қўйган эдик. Ушаларни ечиб қайтамиз.

– Тузоқларинг узоқдами? – сўради она ўғлига тикилиб қараркан.

Темучин кўзини олиб қочишдан ўзини базўр тийиб қолди.

– Она, биз тез қайтамиз.

Бу орада Белгуттой ҳам уйғонди. У ҳам акаларига эргашди. Отларнинг ўзлари минадиганларини эгарлаб, қолганларини ўтлашга қўйиб юборишди.

– Мен биламан, қаерга кетаётганимизни, – деди Хасар. – Мен тез топаман.

– Эй, сен, жим бўл! – қовоғини уйди Темучин.

Улар ирмоқ ёқалаб от солишди. Навкарлар қирғоқдан нари кетишолмаслиги аниқ: сувсиз сахрога йўл олиш ўлим билан баробар. Темучин улар жуда узоқлаб кетишмаган бўлса керак, деб ўйлаганди. Бироқ кечки салқинда навкарлар илдамроқ ҳаракат қилишган чамаси. Уларга анча кеч етиб олиш-



ди. Ҳеч пиёда йўлга чиқмаган навкарлар оёқларини базўр судраб боришарди. Таъқибчиларни кўриб тўхташди. Умрларининг сўнгги дақиқаларини маънисиз қочиш билан тугатишни истамадилар, чоғи.

Бир ўқ масофага келишгач, ака-укалар камонларини ўқладилар. Кеча, жон аччиғида, Темучин навкарларни уриб, тепиб, бўғиб ташлаши мумкин эди. Аммо бугун у жаҳлидан тушганди. Шунинг учун ёй тортаётган қўллари енгилгина титраб, пешанасига совуқ тер чиқди. Хасар билан Белгитойлар ҳам ундан қолишмасдилар, чамаси. Учта ўқдан биронтаси ҳам мўлжалга тегмади. Навкарларнинг каттаси ерга тупурди, мишиқилар, дея сўқди. Темучин ўзини қўлга олди. Қўллари қотди. Ёйлар тортилаётган пайтда ёш навкар чидолмай қочишга тушди. Шу ондаёқ Хасар отган ўқ унинг икки кураги ўртасига кириб улгурди. Темучин ўз ўқини катта навкарнинг кўкрагига мўлжаллади. Навкар бир силкинди. Белгитойнинг ўқи унинг қорнига қадалди. Навкар шилқ этиб тиз чўқди, гўё ердан бир нарса олмоқчидай қўлларини салгина кўтарди-ю, юзи билан ерга кулади.

– Бўлди, – деди Темучин ўз овозини танитай.

Улар тарафга юрмоқчи бўлганини сезиб, Хасарни тўхтатди.

– Борма...

– Ўқларимиз-чи?

– Кейин. Кетдик...

Темучин вужудида қандайдир оғир ҳорғинлик сезди. Эгарга ҳам аранг ўтириб олди.

Тузоқларни ечиб олиб, ўқларни олишга қайтишди. Жароҳатлардан оқиб тушган қон ерда қорайиб турар, устида пашшалар ғужғон уйнарди. Осмонда катта доиралар ясаб, қузғунлар қанот қоқишарди. Темучин жиловни бир силтади-ю, отига қамчи уриб, елиб кетди. Бўғзига алланима тикилиб, кўнгли айниди. Нимагадир йиғлагиси келди.

Онаси уни кўрди-ю ҳаммасини тушунди. Ўғлининг кўзларида ғазаб чақнарди.

III

Чжундуга Инончахоннинг элчилари келишди. Хо бутун ҳафта давомида эрта тонгдан қоронғи тунгача билинтирмай, аммо соядек эргашиб, найманларни таъқиб қилиб юрди. Кўрган ва эшитганларини эслаб қолди. Унинг хизмати шу эди. Бу Хони толиқтирарди. Кўзачалар ясаб ўтириш, уларни бозорда сотиш иши қандай яхши-я. У бир куни Хушахудан ўзини ишдан озод этишни сўрашга жазм қилиб кўрганди, хўжайин унга ҳатто жавоб қилишни ҳам лозим топмади. Кейинроқ бир вақтлар Хо тўғри ё нотўғри таржима қилаётганини текширган кичик амалдор татар ҳайрон бўлиб деди:

– Сен императорга хизмат қилиш катта бахт эканлигини билмайсанми?

– Биламан-у, аммо нимагадир бахтли бўлолмаяпман.

– Ёввойи одамлар ҳаёти сенинг ахлоқингни издан чиқарган. Сени қайтадан тарбиялаш, ўргатишга тўғри келади. Сен ҳали мен, қария Ли Цзянга раҳмат айтасан.



Хизматдан бўш пайтларида Хо унинг уйига келарди. Ли Цзяннинг ҳовлиси худди унинг ўзига ўхшаб тўкилай деб турарди. Уйнинг эшиклари, қоғоз деразаларнинг бўёқлари ёрилиб, кўчиб кетган, лой деворларнинг баъзи жойлари нураган, чоғроққина ҳовлини эса бегона ўтлар босиб кетган эди. Ли Цзяннинг ўзи бу аҳволни эплай олмас, одам ёллашга эса пули йўқ эди. Император ғазнаси майда амалдорлар хизматида жуда кам ҳақ тўларди. Ли Цзяннинг икки ўғли бўлиб, ҳар иккови ҳам сунлар¹ билан бўлган жангларда ҳалок бўлиб кетишган. Катта қизини турмушга узатган, ўзи эса ёш қизи ва хотини билан яшар эди. Биринчи куннинг ўзидаёқ, қария Хога тарбияси ва ўқиши учун хизмат ҳақини меҳнатлари билан қайтаришини шипшитиб ўтди.

Дарахтлар тагини юмшатиш, ҳовузни тозалаш, боғ йўлкачаларини тартибга келтириш ишларини буюрар экан, қария бўйра устига ўтириб олиб, Хонинг ишини кузатар ва бир нималарни гапириб ўтирарди.

– Қўлларинг эпчил ва уддабуррон эканлиги кўриниб турибди, аммо миянг бўм-бўш. Нимага? Шунинг учунки, ўйлашимча, сен донолар фикратидан узоқ бўлгансан. Сен ҳатто энг оддий нарсаларни ҳам билмайсан. Эслаб қол... Ер юзидаги бор тирик жонзотлар беш турга бўлинади: қанотлилар – бир, Ли Цзян битта бармоғини букди, жунлилар – икки, зирҳилару чиғаноқлилар – уч, тангачалилар – тўрт, туксизлар – беш. Чолнинг ҳамма бармоқлари қуруқшаган кичик бир муштга тўпланди. Қанотлиларнинг энг олий тури – қақнус, жунлиларнинг энг буюги – яккашоҳ, зирҳли ва чиғаноқлиларники – тошбақа, тангаликларники – аждар, туксизларники эса сен – одамзот. – Ли Цзян муштли қўлини олдинга узатиб, кўрсатгич бармоғини ёзиб Хони кўрсатди.

Хо кафти билан ҳурпайган сочларини силаб қўйди.

– Жуда, туксизмасдирман...

– Жуда аҳмоқсан! – Қариянинг жаҳли чиқди. – Инсоний муносабатлардан асар ҳам йўқ, ёввойи! Сенга маълум бўлсинки, бизнинг ахлоқий қонуниятларимиз асосини беш турдаги муносабатлар ташкил этади. Биринчи ўринда – мана бунини хомкаллангга яхшилаб қуйиб ол! – ҳукмдор ва унинг тобелари ўртасидаги муносабатлар, иккинчи ўринда – ота ва ўғил орасидаги муносабатлар, учинчи ўринда – ака ва укалар муносабати, тўртинчи ўринда – эру хотин ўртасидаги ва ниҳоят, бешинчи ўринда – дўстлар ўртасидаги муносабатлар туради. Сен мана шу бешинчи муносабатни биринчи ўринга қўясан. Хўш, сенинг дўстларинг ким? Искирт ўтовларда яшайдиган, ҳайвонларнинг сунини ичадиган², ҳеч нарсадан ўзини тиймайдиган одамларми? Сен ўшаларни дўст ҳисоблайсан.

– Улар худди бизга ўхшаган одамлар.

– Йўқ, улар бошқача. Улар ҳеч қачон эскирмайдиган, руҳиятни юксалтирувчи, ахлоқни майинлаштирувчи қадимий ҳақиқат нуридан маҳрум кимсалар.

¹ Ўша даврларда Хитойни икки сулола бошқарарди: жанубда Сунлар, шимолда Цзинлар. Бундан ташқари, ғарб томонларда танғитлар давлати ҳам бор эди.

² У пайтлар хитойликлар сун ичишмаган.

– Майли... Мен сиз билан менинг ўртамда қандай муносабатлар бўлиши кераклигини билмоқчийдим. – Хо соддаларча кулди. – Мундай қараса, биз на дўст, на ака-ука, на ота-ўғилмиз. Сиз ҳукмдор мен эса тобе эмасман.

– Мен императорнинг амалдориман, – деди ғурурланиб Ли Цзян. – Сен эса оддий тобе одамсан. Мен ва менга ўхшаганлар орқали сен император билан муносабатларга киришасан. Буни ҳам эслаб қол!

Ли Цзяннинг хотини касалманд эди. Ичкаридан, деярли, чиқмасди. Ҳамма уй ишларини унинг қизи Цуй бажарарди. Рўзғор ишлари қизни жуда эрта улғайтириб, мустақил қилиб қўйганди. Хо билан уларнинг ўрталарида беғараз ва кулгили муносабат (Хонинг фикрича, бешинчи – дўстона муносабат) қарор топган эди. Цуй Хони «мўғул» деб атай бошлади ва бу лақаб унга шунчалик ёпишиб тушдики, ҳаттоки, чол ҳам уни баъзи вақтларда шундай деб чақирарди.

Хо ҳовлидаги бегона ўтларни юлиб ташлади, йўлкачаларга йирик қумлардан тўшади, ҳовуз ёнига енгилгина шийпонча ўрнатиб, атрофига баланд ўсадиган гул ва ўсимликлардан экди. Кейин деворни тартибга келтирди, оҳак билан оқлаб чиқди, эшик, ромларни бўяди... Ли Цзян уни мақтади:

– Донолар ўгити сенга фойда қилибди.

– Ота, сен уни ўқитавер, – деди Цуй, – қарабсанки, деворга қизил ғишт ҳам ёпиштириб чиқади.

– Ҳа, қизим, ўқитиш керак, ўқитиш керак... Шунда у мендан кам билмайдиган бўлади. Ишқилиб, унинг жуда кам фазилатларидан бири бўлган уқувлиги йўқолиб кетмаса бўлди.

Хо келса, Цуй доимо хурсанд бўлиб кетарди. Эшикнинг темир ҳалқасини тақиллатиб ҳовлига кириши биланоқ, у қақиллаб қоларди:

– Ота, бизнинг мўғулимиз келди!

Ҳатто қиз Хонинг келишини кутиб турадигандай туюларди. Чунки ҳали бирон марта ҳам қиз унинг келганини сезмай қолган кунни бўлмади.

Қизга Хонинг устидан корчалонлик қилиш жуда ёқарди. У мурувват юзасидан қизга бўйсунарди. Нима иш қилмасин, серғайрат, тиниб-тинчимас Цуй унинг ёнига келиб олар, баъзан унга қарашмоқчи бўларди-ю, аслида, халал берарди. Йигитга ҳам ўтакетган расмиятчи чолдан кўра қиз билан бирга бўлиш қизиқроқ эди. Яхшиямки, чол ё ҳар нарсани беш турга бўлишдан зерикди, ёки борлиқ асослари ҳақидаги билимлари тугадими, ҳар қалай, тарихий мавзуга кўчган эди. У энди машҳур императорлар ҳақида, номдор сулолалар ҳақида гапирарди.

Уч юз йиллар муқаддам уларга шимолий қўшни бўлган кидан уруғлари бир оқил ва қўрқмас доҳий Апаки атрофига жамланишганини ҳам Хо чолдан билиб олди.

– Ҳурматли устоз, мен кўпдан бери сиздан сўрамоқчи бўлиб юрибман: нима учун сиз мўғулларни жоҳил ва ёввойи деб атайсиз? Фақатгина улар кўчманчи бўлиб яшаганлари учунми?

– Жим бўл, нодон! Ким бизларга ўхшаб яшамас, бизнинг қонунларимизни тан олмас экан, ўшалар жоҳил, чиркин ва ёввойилардир.



– Мен буни тушундим, устоз. Биз ақлли ва дономиз, биз ҳаммадан яхши-миз. Аммо саҳродан келган киданлар уруғи бизларни бўйсундириб, икки юз йил устимизда ҳукмрон бўлишган-ку. Улардан кейин ҳам бошқа ёввойилар келишади...

Қария хавотирланиб, атрофга қараб олди-да:

– Жим, аҳмоқ! – деди ялингансираб.

– Мен аниқлаштириб олишим керак-да.

– Ўзингча аниқлаштириб олавер. Овоз чиқариб донолик қиладиган бўлсанг, тахта эшакни миниб, боболаринг ҳузурига равона бўлишинг турган гап. Буни сенга мен, ўз ҳаётида сенинг бошингдаги соч толаларингдан ҳам кўпроқ бахтсизликларни кўрган, кекса Ли Цзян айтяпман. Ёшлигимда мен дам олиш нималигини билмай, жами фанларнинг асосларини ўргандим. Менинг мартабам улуғ бўлишини кўп айтишарди. Мен бўлсам, амал пиллапоясининг биринчи поғонасидаёқ тўхтаб қолдим. Ҳаммасига сабаб, мен ҳам худди сенга ўхшаб нокерак саволларни беришни яхши кўрардим. Мен бадавлат бўлиб яшашим мумкин эди, бироқ, бошқаларга ўхшаб пора олмасдим. Оқибатда бу бошқаларнинг мendan шубҳа қилишларига сабаб бўлди. Мен энди анча ақллироқман...

– Ҳозир пора оласизми?

– Йўқ. Мен ҳеч кимдан ҳеч нарса ҳақида сўрамай қўйдим. Ўзимнинг фикрларимни ҳам бировларга очиқ гапирмайман. Шунинг учун ҳам, кўриб турганингдек, хотиржам яшайман. Ҳа. Аммо эртага келадиган энг улуғ кун ҳам кечаги кунингни қайтаролмайди... Ўғилларимни ҳам ҳеч ким қайтариб бермайди.

Ли Цзяннинг нурсиз кўзлари маъносиз ифода касб этиб, ўзи букчайиб қолди. Униққан юпқа чопони остидан унинг тарвақайлаган кураклари шундоққина ажралиб турарди. Хонинг унга раҳми келиб кетди.

– Ли Цзян, агар сиз истасангиз, мен сизга худди ўғлингиздек бўламан...

– Э-э, мўғул, билсанг, энг яхши ҳўкиз ҳам чопқир отнинг ўрнини босолмайди. Хафа бўлма. Эҳтиёт бўл, Хо. Сен оби оташ ичида хизмат қиласан. Хато қилсанг, шам алангасида куйган парвона сингари ёниб кетасан.

Найман хони элчилари кетидан изкуварлик қилиб юриб, уларнинг кимлар билан учрашганлари, нималар ҳақида гаплашишаётганларини таҳлил қилар экан, Хо Ли Цзяннинг насихатларини кўп маротаба ёдга олди. Буларнинг ҳаммасидан бир нарса аён бўлардики, шимол тарафда момақалдироқларни бошлаб келадиган қора булутлар тўпланаётган эди. Хитой императори саройига саҳройиларнинг ташрифи тезлашиб қолди. Икки марта татарлар, улардан сўнг меркитлар ҳукмдори Тўхта беки келди. Унинг изи совумасдан кераитлар хони Тўғул, энди бўлса, мана, найманлар келишибди. Ҳаммалари ҳам қўшниларидан шикоят қилишади, Олтинхон ва унинг мансабдорларидан мадад кутишади. Булар ҳам ҳеч кимга рад жавоби беришмайди, уларга ҳам буларга ҳам кўмак беришни ваъда қилишади. Тўхта бекининг элчиси такаббур Тайр Усунга Хушаху тойчуютни енгишда амалий ёрдам беришни ваъда қилиб юборди. Тўғулга бўлса Тўхта бекининг адаби-

ни бериб қўйишни маслаҳат қилди. Бу Хушаху дегани Юн Цзи билан бирга найманларнинг кўнгилларини ҳам кўтариб юборди. Қимматбаҳо кийимлар, қурол-яроғлар ҳада қилишди. Сабрак Тўғулни ёмонлаб ётса ҳам, унинг гапларини жон қулоқлари билан эшитишди. Нима учун бундай қилаётганларини тушунолмади Хо гаранг.

Найманлар Есугайнинг тутинган биродари бўлган кераитлар хонини ерпарчин қилаётганлари Хога ёқмади. Хирилдоқ овозли, қўллари ҳаддан ташқари узун бўлган Кўксу Сабракни маймунга ўхшатиб юборди. Унинг айтган ҳар бир гапини алоҳида диққат билан эшитиб, ёдлаб олди. Найманларнинг пойтахтдаги сўнгги кунларини Хо элчихона ҳовлисида ўтказди. У букчайганча махфий хонада сиқилиб ўтирар, ҳеч бир шубҳасиз, бемалол сўзлашиб ўтирган найманларнинг гапларини эшитарди. У элчиларнинг ташрифи кунлари зўриқиб ишлагани туфайли жуда чарчаган эди. Шунинг учун ҳам, найманларнинг бу галги гурунги қисқагина бўлганидан қувониб кетди. Улар узоқ йўл олдидан яхшилаб ухлаб олишни мақсад қилиб, кечки овқатдан кейиноқ тарқалишди.

Хуфёна йўлаклар орқали Хо элчихона ҳовлисида чикди. Қуёш эндигина ботган, кун бўйи қизиб ётган деворлар ҳали совумаганлигидан лақиллаб иссиқ чиқариб турар, ҳаводан ҳам чанг иси анқирди. Осмонга ярим-ёрти қора булутлар чикди. Хо тез-тез чопиб, Хушахунинг уйи томон йўл олди. Мансабдор унга найманлар уйкуга ётишлари билан оқ етиб келишни буюрган эди. Аммо Хонинг шошилишига бошқа сабаб ҳам бор. У бир неча кундан бери Ли Цзянникида бўлмаган, агар хизматини тезроқ тугалласа, бугун кириб ўтса ҳам бўларди.

Хушахунинг дарвозаси олдида бир хил совут кийган, қўлларида жанговар уч айрили найзалари бўлган тўрт нафар соқчи турарди. Хо уларга турли белгилар муҳри туширилган темир парчасини кўрсатган эди, соқчилар тисарилиб, уни ичкарига ўтказиб юбордилар. Кун ҳали қоронғилашмаган бўлса ҳам, ҳовлидаги қоғоз тунчироқлар ёқиқ эди. Қизил, яшил, мовий, сариқ ранглардаги кемачалар, миноралар, афсонавий қушлар ва ҳайвонлар шаклидаги бу тунчироқлар бир текис, тантанавор нур таратиб турарди. Уй девори олдида ҳам худди ташқаридагидай, қўлларида уч айрили найзалар тутган тўрт нафар соқчи турарди. Бу соқчилар ҳам, нурафшон тунчироқлар ҳам, уйга князь Юн Цзи келганлигидан далолат берарди. Хо бир четга бурилди-да, хонага хизматкорлар кирадиган эшикдан кирди. Бу ерда уни қовоғи солиқ ахта ғулом кутиб турарди. Бу туксиз ғулом – Хушаху хонадонининг иш юритувчиси. Ҳеч нарсани сўрамасдан у Хони ёруғ йўлакдан бошлаб келди-да, оловранг қизил эшик олдида тўхтади ва уни уч бора секингина тақиллатди. Эшик унсиз очилди. Хо шифт ҳамда деворлари нилуфар барглари ва оч пушти рангдаги пиён гуллар тасвирлари билан безалган хонада пайдо бўлди. Қоғозлар уйилиб ётган хонтахта ёнида оч-ҳаворанг гиламда Юн Цзи ўтирарди. Унинг ёнида қизил чопон кийган ўспирин, хонтахтанинг қарама-қарши тарафида эса, кийим ва белбоғларига қараганда, кичикроқ



унвондаги икки ҳарбий ўтирарди. Уйнинг соҳиби бўлса этаклари ергача тегиб турган узун яшил чопон кийган, кумуш ва олтин билан безатилган белбоғ таққанча сал чеккароқда турарди.

Хо кўркувини яшириш мақсадида жонбозлик билан бир неча бор таъзим қилар экан, ҳамма жимгина уни кузатиб турди. Қаддини кўтариши биланоқ, князь Юн Цзи сўради:

- Найманлар меҳмондорчилик ва ҳадяларимиздан хурсандми?
- Улар совғаларни жуда мақташди.
- Нималар дейишди?
- Айтишларича, уларни бу ерда жуда қадрлашар экан.

Юн Цзининг дўрдоқ лабларида мамнун табассум пайдо бўлиб, Хушахуга қараб қўйди:

– Хўш?

– Бу ҳали ҳеч нарсадан далолат бермайди. – Хушахунинг кенг ва қуюқ қошлари чимирилиб турар эди. – Улар уйларига қайтишлари билан нима қилишлари ҳақида гаплашишмадими?

– Гапиришди. Улар бизнинг марҳаматли ҳукмдоримизнинг мададидан фойдаланган ҳолда, дарҳол кераитларни тиз чўктириш, Ўнўн ва Қурулун қирғоқларида кўчманчилик қилаётган бошқа қабилаларни ҳам таслим қилиш керак, деб ҳисоблашмоқда.

– Жуда кўп нарсани хоҳлаб қолишибдими? – Князь Юн Цзининг пешанаси тиришди.

– Улар ҳали бундан бошқа нарсаларни ҳам хоҳлаб қолишади, – деди Хушаху ва хонтахта ёнига чўқди. – Биз Инончахонга кўмак беришимиз мумкин эмас. У томонда, – у қўли билан номаълум томонга ишора қилиб қўйди, – биз учун хавfli бўлган икки душман – найманлар билан танғитлар бор.

– Менга қолса, – деди кенг юзли, қисик кўзлари қувноқ боқадиган ҳарбийлардан бири Хушаху томонга бошини сал эгиб, – ўнлаб майда-чуйда чиранчиқ уруғ бошлиқларидан кўра, Инончахоннинг ўзи билан иш кўриш яхшироқ.

Хушаху баттар қовоғини уйди.

– Елюй Люге, – деди у, – сен яхши жангчисан, лекин...

– Елюй Люге тўғри фикрляпти, – унинг гапини бўлди Юн Цзи ва Хога қаради. – Яна нималар дейишди найманлар?

Хо Хушахунинг қандайдир сабабларга кўра найманларни хушламаётгани, лекин князь уларга ён босаётганини пайқаб қолди. Бу баҳсда у хаёлан Хушахунинг тарафига ўтди-да, найманларнинг буюк Олтинхон ҳақидаги ёмон гапларини эслаб кетди.

– Мен яна Сабракнинг ўз одамларига: «Биз шошилишимиз керак. Ирмоқлар ҳам қуриб қолади, олтин ҳукмдорнинг марҳамати ҳақида эса гапирмаса ҳам бўлади. У ҳар дақиқада тугаб қолиши мумкин», деганини ҳам эшитдим.

Хонинг назарида Хушаху маъқуллаган кўйи қараб қўйгандай бўлди-ю, энди дадилроқ оҳангда давом этди:



— Сабрак яна: «Биз агар Тўғулхоннинг уруғини ҳам таслим қилиб улгур-сак, бизга саратон жазирамасидаги пўстин сингари Олтинхоннинг мадади ҳам керак бўлмай қолади», – деди.

Юн Цзи безовталаниб қимирлаб қўйди, қизил чопонли ўспиринга бир нималар деб шипшиди, униси ҳам маъқуллаган кўйи бошини чайқади. Шу пайтгача индамай ўтирган ҳарбийларнинг бири Хушаху билан кўз уриштириб олди. Елюй Люге эса Хонга менсимай, жирканган киши бўлиб бошдан-оёқ кўз ташлади.

– Гапиравер, гапиравер... – Хушаху бу гапини, яна бирон шунга ўхшаш гаплар топиб айтгин, дегандай қилиб сўзлади.

– Кейин улар, агар ишни ўзлари ўйлагандек қила олишса... – Хо чайналди, Юн Цзи ва Хушахуларга итоаткорона таъзим қилди-да: – Мен бунақа гапларни эслаб қолмасам кошки эди, фақат сизларнинг буйруқларингиз мени мажбур қилди.

– Биз эшитяпмиз, – деди Юн Цзи юзига қизил югуриб.

– Агар улар ўзларини мустаҳкамлаб ололсалар, унда... бизнинг императоримизнинг ҳам, илоё ўн минг йил яшасинлар, соқолини тортиб қўйишармиш! Шундай қилсак, қўлимизга унинг бир неча олтин туки илиниб қолади, дейишди.

Хо ўзининг бунчалик безбетлик қила олганидан бадани жимирлаб кетди. У соқол ҳақидаги гапларни шу ерда тўқиган эди.

Шу пайтгача индамай ўтирган ҳарбий баланд овозда бақирди:

– Бу гаплари учун уларни ўрага ташлаш керак!

– Қизишма, Гао Цзи. Ҳар нарсанинг ўз вақти бор. Менга қолса, улар бизнинг мададимизга ишониб жўнайверганлари маъқул. Биз эса бу аҳмоқ найманларга эмас, кераитларга ёрдам берамиз... Яна бирон-бир гапинг борми? – сўради Хушаху Хога қараб.

– Менимча, шуларнинг ўзи...

– Кетавер. Тўхта. Сен бизга яхши хизмат қиляпсан. Ол буни. – Хушаху унга унча катта бўлмаган кумуш ёмбини отди.

Қуллуқ ва таъзим қилганича, Хо эшик ёнигача орқаси билан юриб келди. Хонадан чиқиши билан у маза қилиб чуқур нафас олди.

Хо Ли Цзянникига етиб келганида иккинчи қоровул вақти бўлиб қолган эди.¹ Булутлар осмонни буткул қоплаб олган, биронта ҳам милтираган юлдуз кўринмайди. Шаҳарнинг тор кўчалари эса қоп-қоронғи ва кимсасиз эди.

Эгнига енгсиз ипак камзул, оёғига юмшоққина кигиз ковуш илиб олган кекса Ли Цзян хонтахта олдида овқатланиб ўтирарди.

– Ўтир, анчадан бери бизникига келмовдинг. Цуй, меҳмонга товоқда гурчдан олиб кел.

Одатдагидан камгапроқ кўринган Цуй овқат келтириб қўйди. Хо кумуш ёмбини чиқариб мақтанмоқчи эди, қиз унга енгилгина қараб қўйди-ю, ич-

¹ Хитойда кеч соат 7 дан тонгги 5 гача қоровуллик соатларга бўлиниб, улар ҳар икки соатда алмашинар эди.



карига кириб кетди ва шу кўйи бошқа кўринмади. Ли Цзян кумуш ёмбини кўлига олиб, чамалаб кўрди.

– Уч лан¹ чиқса керак. Ундан кам эмас. Бунчалик марҳаматнинг боиси нима?

– Ўзим ҳам билмадим.

– Одам ўзини нимага мукофотлангани-ю нима учун жазоланаётганини билиши керак, – деди Ли Цзян насиҳатомуз.

– Бу ерда бирон нарсани тушуниб бўладими ўзи. Бугун бунақа дейишади, эртага бошқача.

– Э, сен нотўғри гапиряпсан... – Ли Цзян бошқа хонага кириб кетди-да, у ердан турли белгилар билан ёзилган бир варақ қоғоз билан чиқди. – Мана, эшит. «Ўзингизга душман деб билган одамингизнинг ихтиёрида бўлган нимаики яхши нарса бўлса, бузинг. Обрўли одамларни ўзларининг мавқеларига мос тушмайдиган уялтирадиган ишларга бошланг, кейин, лозим бўлганида, уларни ошкор қилинг. Душманларингизнинг атрофида ўралашиб юрган энг аблаҳ одамлар билан хуфёна муносабатлар ўрнатинг. Ҳокимларининг оёқларидан тортинг, ҳамма жойда ишқал чиқаринг, кичикларини катталари билан уриштириб қўйинг. Хулқни сусайтирадиган мусиқаларни ишга солинг. Норозиликларни кўзғатинг. Бутунлай йўлдан уриш учун эса, уларни бузуқ аёллар комига ташланг. Истаганча ваъдалар беринг, хушомад ва совғаларни аяманг. Душманингиз қилаётган ишларни билиш жуда зарур бўлганида эса ёлғон ишлатинг, пул қистирилинг».

Ли Цзян қоғозни хонтахта устига қўйди-да, бармоғи билан уриб қўйди.

– Энди тушунгандирсан? Мана бу йўриқномага ҳамма бирдай амал қилиши керак: катта амалдорлар ҳам, кичиклари ҳам, ҳаттоки сен каби хизматкорлар ҳам.

– Демак, биз ҳаммаларини – кераитларни ҳам, татарлар, меркитлар, найманларни ҳам била туриб алдаётган эканмиз-да... Мен бўлсам...

– Бусиз иложимиз йўқ. Бегоналар бир-бирлари билан уришиб юришса, бизни тинч қўйишади. Биз уларни ўз қўллари кучи билан итоатда ушлаб турамыз.

– Бу виждондан эмас-ку, – деди Хо.

Ташқаридаги дарахт шохлари кучли шамолда шовуллаб кетди. Йирик ёмғир томчилари дераза қоғозларига келиб урилди. Ли Цзян бироз ташқарига қулоқ солиб турди-да, елкасини ишқалаб олди.

– Ёғингарчилик бўлади. Мен буни уч кун илгари елкаларим билан сезаман.

Хонинг тушунишича, қария бегона қабилаларни била туриб алдаш виждонданми, йўқлигини у билан муҳокама қилишни истамади. Хо гуручли чиннини олдига тортди-да, овқатлана бошлади. Тез орада овқат тугади-ю, Ли Цзян йигитга чой қуйиб берди. Ёмғир тезлаша бошлади. Дераза қоғозлари шамол кучидан ноғорадай дўриллай бошлади.

¹ Лан – Хитой пул бирлиги.

– Сен бизникида тунаб қоласан, – деди Ли Цзян. У ёмғир солаётган шовқинга қулоқ тутди, йиғиштирилмаган хонтахтага, ундан ичкари хоналарга қараб олди.

«Ҳозир Цуйни чақиради», деб ўйлади Хо. Лекин у ихраганча қийналиб ўрнидан туриб, идиш-товокларни ўзи йиғиштирди, хонтахта устидаги ушоқларни сидириб олди. Майда ажинлар бужмайтирган юзида бироз иккиланиш бор эди. Кумуш ёмбини қўлига олиб, унинг қайрилма пичоқ учи шаклида ясалган (қадимда жез тангалар ҳам шу шаклда ясаларди) юзасидаги муҳрланган бўртиқ белгиларни бармоғи билан силаб кўрди.

– Сени бу қадар тантилик билан мукофотлаган ким?

– Хушаху. Лекин унинг ҳузурида Юн Цзи ва яна аллақандай одамлар ҳам бор эди. Биттаси қизил чопон кийган, жуда ҳам ёш. У Юн Цзининг ёнида ўтирувди.

– У князь Утубу бўлиши керак.

– Икки нафар ҳарбий ҳам бор эди. Биттасининг исми Гао Цзи.

– Сен нимага буларни менга айтяпсан? Неча марта айтганман: тилингга эрк берма.

– Сизга ҳам айтмайми, устоз? – ҳайрон бўлиб сўради Хо.

Ли Цзян ўйлаб турди-да, кесди:

– Менга айтсанг бўлади... Гао Цзи дейсанми? Тўғри, князь Утубу қаерда бўлса, Гао Цзи ҳам ўша ерда. Улар яқин дўст. Яна ким бор эди?

– Елюй Люге. Унинг кўзлари ғалати... қувноқроқми-ей...

– Биламан, биламан. Шундай одамни танимай бўладими. Бу Ляо сулоласининг сўнгги императори уруғидан. Сени жуда мартабали инсонлар тинглаб ўтиришибди, Хо! Улар сенинг хизматингга яхши ҳақ тўлашибди. Хўш, сенга берган ўгитларим наф берибдими?

– Сиз бўлмаганингизда менинг улушим кумуш ёмби эмас, калтақлар бўларди..., – деди Хо, қариянинг кўнглини кўтариш учун.

– Шундай, шундай.

Хо анчагача ухлай олмади. Ёмғирнинг шовқини халал берди, ундан ташқари, анча-мунча нарсалар ҳақида ўйлаб олиш ҳам керак эди. Мукофот эса уни унчалик шодлантиргани йўқ. Ёмбини у ўринлатиб ишлатган ёлғони учун олди. Олтинхоннинг олтин соқоли ҳақидаги уйдирмани тўқимаганида, Хушаху бунчалик сахийлик қилмаган бўларди. Нима бўпти, амалдорларнинг ўзлари ҳам кўчманчиларни алдаб ётишибди-ку. Нега шундай? Ўзининг нима учун ёлғон гапиргани-ку, маълум. У кераитларга, шу орқали, Есугай баҳодирнинг оиласига, опаси Хоахчинга ёрдам бермоқчи эди. Бошқа бирон нарсада уларга ёрдам қўлини чўзолмасди. Амалдорларга ёлғон гап нимага керак? Ахир, уларнинг қўлларида мислсиз бойликлар, юз минглаб аскарлар бор-ку. Тушуниш қийин...

Ичкари жим-жит. Ҳамма уйқуга кетган кўринади. Хо юзини ёғоч ёстиққа¹ кўйди-да, кўзларини юмди. Ухлаш керак. Эртага кун бўйи шу ерда бўлади.

¹ Хитойда юмшоқ ёстиқлар ўрнига қаттиқ болишлар ишлатиларди. Уларни ёғоч, тери, қамиш, сопол ва чиннилардан тайёрлашарди.



Печни бошқатдан яшаш керак... Цуй унга қарашади. Нимага у бугун бошқача-роқ экан? Бир оғиз ҳам сўз демади-я унга.

Эрталаб ёмғир тинди. Хо боққа чиқди. Дарахт шохлари ва гулбаргларда ёмғир томчилари жилоланар, марзалар ораси ва йўлкачанинг у ер-бу ерида сувлар халқоб бўлиб тўпланиб турарди. Хо пойабзалини ечиб, почасини шимарганича ишга тушиб кетди. Ариқларни очиб, йиғилиб қолган сувларни кетказиб юборди.

Ли Цзян келиб, курсичага ўтирди, офтоб нуридан юзини буриштиради, қуёш ҳароратидан элиганча мудраб кетди. Шу кўйи анчагина ўтирди, кейин бир қимирлаб қўйди-ю, Хони чақирди.

– Сен билан бир муҳим гапни гаплашволишимиз керак.

Хо ўтириб, оёқларини чўзди, бармоқларини қимирлатиб, оёғига илакишган қорамтир-қўнғир лойларни тушира бошлади.

– Сен печни бузиб-қурмоқчимидинг? Бугун улгура олармикансан?

– Билмасам. Ғам чекманг, бугун бўлмаса, эртага битказаман.

– Эртага мумкин эмас. Катта меҳмонлар келишади. Жуда муҳим одамлар. Тўйни маслаҳат қилишимиз керак. Ҳа, ҳа, охири қизим ҳам мени ташлаб кетади, Хо. Кейин қандай яшайман? Хотиним касал, уни ҳам тез кунда ота-болари чақириб олишади. Руҳонийликка кетсаммикин?

– Цуй – эрга? – ҳайрат ичида сўради Хо. – Қўйсангиз-чи, устоз?

– Ўзим ҳам ундан ажралгим келмаяпти. Аммо қуёв яхши йигит – хазина ходимининг ўғли.

– Цуйни эрга берманг, устоз! Сиздан ўтиниб сўрайман!

– Бу нима деганинг! Нима, у менинг олдимда ўтираверадими? Менинг ҳаётим сўнмоқда, у эса энди бошляпти. Қари дарахт ёш ниҳолни ўз сояси билан тўсиб туриши мумкин эмас. Яхшиси, мен роҳибликка кетаман. – Жимиб қолди. – Балки сени ўғил қилиб оларман, Хо? Нима дейсан? Сен кўнгли тоза боласан. Яхши бир қизга уйлантириб қўяман... А?

– Менга буларнинг ҳеч қайсиси керак эмас! – Хо нима қилаётганини ўзи ҳам сезмай, бодом япроқларини узиб, оёғидаги лойга отиб ўтирарди.

– Сен ҳурматни билмайсан. Ўз устозига ҳам шунақа жавоб қилиши мумкинми, одам? Мен сени у ёввойи одатларингдан ҳеч қачон озод қилолмасам керак. Мана, нима учун баргларни юлиб ўтирибсан?

Хо ўрнидан туриб, уйга яқинлашди. Эшик олдида Цуй билан тўқнашиб қолди. У сочларини бошининг қоқ учида тўплаб, баланд бир тугун қилиб боғлаган ва жез тўғноғичлар қадаб олган эди. Катта хотинларнинг турмаги! Кеча оқшом ҳам қизнинг сочи шундай турмакланганини Хо ҳозир тушунди. Фақат Хо буни кеча кўриб улгурмаган, холос.

– Эрга тегяпсанми? – аччиқланиб сўради у.

Қиз кўзларини тез-тез пирпиратиб, тескари қараб олди.

– Мен эрга тегмоқчи эмасман! Менга эр керак эмас, мўғул! – У чопонининг суякдан қилинган тугмаларини бурай бошлади, қошлари уюлди. Ҳозир йиғлаб юборади. – Отам билан гаплашиб кўр.

– Гаплашиб бўлдим.



– Яна гаплашиб кўр, мўғул.

У яна боғга қайтди. Ли Цзян аввалгидай ўтирар экан, хаёл аралаш соқолини тортқилаб кўярди.

– Устоз, мени кечиринг. Мен сизга ўғил бўламан, хонадонингизнинг қули бўламан. Майли, ким десангиз ҳам. Фақат Цуй шу ерда яшайверсин. Уни бегона одамларга бериб юборманг. Ўз қизингизни ўзингиз бўғманг!

Ли Цзяннинг одатий мулоимлигига шу топда чидаб бўлмасди. Одобдан чиқиб кетмаслик учун Хо ўзини зўрға босарди.

– Ҳаммага ёмон қиляпсиз: Цуй учун ҳам, ўзингиз учун ҳам...

– Куёвнинг отаси билан бизнинг ўртамизда анча илгаридан шартлашув бор эди. Мен қандай қилиб сўзимдан қайтишим мумкин? Мен доимо ростгўй бўлганман. Лекин мен яна бошқа нарса тўғрисида ҳам ўйлаяпман. Камбағал одамнинг қизига яхши куёв топиш, улуғ мансабдорлардан мукофот олишдан кўра машаққатлироқдир.

Хо жаҳл билан ундан нари кетди. Уй олдида уни Цуй кутаётганди. Унинг оралари кенг, қоп-қора кўзларида умид чақнаб турган эди. Хо жимгина елкаларини қисиб қўйди-да, яна нима қилиш мумкинлигини ўйлаб, эзилганча тураверди.

– Куёвингнинг уйи узоқдами?

– Йўқ, жуда яқин.

– Цуй, агар сен ҳам хоҳласанг, мен ёрдам беришга уриниб кўраман... Эртага меҳмонлар келишганида, мазам йўқ, деб айтиб қўйгин.

– Бу бўлаётган нарсалардан чиндан ҳам мазам қочяпти, ўзи. Лекин нима учун бунақа дейишим керак?

– Керак, Цуй. Шунақа қилиш керак. Энди бўлса, менга куёвнинг уйини кўрсатиб юбор.

Ҳазина ходимининг уйи Ли Цзяннинг уйдан анча каттароқ эди. Ипак пардалар, гапирадиган тўтилари бор қафаслар, қимматбаҳо ҳайкалчалару чинни кўзалар, ҳамма-ҳаммаси бу уйдаги фаровонликдан далолат эди. Хизматкорлар Хони остонадан нарига қўйишмади-ю, хўжайинни чақириб беришди. Гавдали, қоп-қора мўйловли, кўкракларига зарҳал нақшлар тикилган ёрқин рангли чопон кийган, оёғига учлари тепага қараган чарм пойабзал илиб олган амалдор эркак унга савол назари билан қаттиқ тикилди.

– Мен сиз билан гаплашмоқчийдим, – деди таъзим ила Хо.

– Кир-чи...

Амалдор уни кичикроқ бир хонага бошлаб кирди-да, ортидан эшикни ёпди.

– Муҳтарам соҳиб, мен сиз ҳақингизда ўз устозим, ҳурматли Ли Цзяндан кўп маротаба эшитганман.

– Ҳа, сен анави ёввойисан-ку... Мендан сенга нима керак?

– Ҳеч нарса. Аммо билишимча, сиз ўғлингизни Ли Цзяннинг қизига уйлантирмоқчи экансиз. Қиз ақлли ва гўзал. Лекин у шўрлик, билишимча, бир дарди бедавога мубтало бўлган. Буни мен унинг ўзидан эшитгандим. Балки бунақа эмасдир...



– Шошма... Нималар деб валдираяпсан? Қандай касал ҳақида гапиряпсан? Ли Цзян қизи касал эканини биладими?

– Йўқ, бу ҳақда у ҳеч нима билмайди. Мен ҳам тасодифан билиб қолдим.

– Ёлғон айтяпсан! Ли Цзян билмаслиги мумкин эмас... Мен буни ўзидан сўраб кўраман!

– Ҳурматли жаноб, сиз фақат мен айтганимни унга айтманг. Йўқса мен ўлдим!

Амалдор лабини жийирди.

– Қараб турсам, сен ғирт аҳмоқ экансан! Мендай одам сенга ўхшаганлар билан гаплашиб юрармиди. Лекин сен нима учун менинг олдимга келдинг. Менинг ўғлимга ғамхўрлик қилиб келмагандирсан, бу ерга?

– Ғамхўрлик, жаноб, ғамхўрлик. Бошқа ҳеч нарса эмас.

– Ёлғон айтасан. Тўғрисини гапир, бир нима ишлаб олай дегансанда-а?

– Бу, албатта, аниқ нарса-ку. Мен бир камбағал одам бўлсам. Пул чиқади-ган жойдан қайтиб нима қиламан.

– Шунақа дегин-да...

Амалдор бир шода¹ мис тангаларни жаранглатиб олиб чиқди-да, Хонинг оёғи остига отди. Энгашиб бу пулни олишга Хонинг мадори етмади.

– Нима, камми? – Масхараомуз сўради амалдор. – Бойвачча бўлиб кетаман, деб ўйловдингми?

Хо боғламни олиб, белбоғига қистирди-да, қуллуқ қилишни ҳам унутиб чиқиб кетди.

IV

Темучинлар янги жойга жуда кеч етиб келганлари учун ўтов тикиб ўтирмай, шундоққина очиқ осмон остида уйқуга кетишди. Саҳарлаб ҳамма ишга уннаб кетди. Белгутой бўлса, тарбағонларни излаш пайига тушди.

Ўтовни тикиб бўлиб, ўчоқни ёқишди, ўнгонларга қурбонлик келтиришди. Бармоқларидан оқиб тушаётган сут томчиларини ўнгонларга томизиб турар экан, Темучин тиниқ, мовий осмонга, унга тегай-тегай деб турган тоғ қояларига термулиб қолди. Нигоҳи тоғу тошлардан секингина яшил ўрмонга қадалар, ундан ўтиб пастроқда кум дўнғалаклари ва тепаликлардан иборат кулранг-қўнғир тусли саҳрога туташиб кетарди. Қирликни қиялаб Сингур дарёси оқар, унинг ҳар икки қирғоғида гўё сувни саҳро хас-чўпларидан ҳимоя қилгандай, майда тол буталари ўсиб турарди. Сал нарироқда ястанган яшил қамишзорлар орасида бир чизиқ бўлиб кўл сатҳи живирлаб турарди. Қамишзор узра ёввойи ўрдаклар галаси учиб юрарди.

Қаердадир, шу атрофда, уларнинг қўналғалари бўлган эди. Тарғутой Қирилдукнинг навкарлари уни ўша ердан тутиб олиб кетишганди... Темучин бу ҳақда эслагиси келмади. Юган тизгинининг узилиб кетган жойини улаш

¹ Хитойда тангаларнинг ўртаси тўртбурчак тешик қилиб ишланиб, улар миқдорга қараб шодаланган.

учун ўтовга кириб кетди. Рўпарасига Хасар келиб ўтирди. Қинидан қиличини чиқариб олди-да, бир бўлак кигиз билан ишқалаб тозалади. Ярақлаб турган тиғга худди ойнага қарагандай боқди, бурни остида сабза урган мўйлови устини бармоғи билан силади. Хасарнинг энг хуш кўрган машғулоти шу – қиличини ярақлатиш ва унинг аксида ўз юзига тикилиш. Катта бўлишга шошиляпти...

– Бу ёққа бер-чи қилични...

Темучин Хасарнинг қўлидан қиличини олиб юзига яқинлаштирди. Ярақлаган энсизгина темир парчасида у тўзғиб ётган узун сочларини кўрди. Бир нима қилиб сочини тарашлаб, чаккаларидаги кокилларини ўриб олиши керак. Афти-ангори исқирт қорачаларникига ўхшаб кетибди. Шундай аҳволда Дой чечан ҳузурига борсами, Бўртани бериб бўпти. Сочлари сал тўқ рангга кириб, маллалари билинар-билинемас бўлиб қолибди. Отасининг бўлса боши қип-қизил эди. Худди мис қозоннинг ўзи. Уники ҳам мисрангга яқин-у, аммо ўтда қорайгандай эди.

Қилични сал энгаштирган эди, энди акси, кенг пешана, қовоқлари уюлган, оч-сарик кўзли, қаншаридан анча четда ўсган калта, тўғри қошли кимсани кўрди. Бурни ости ва иякларидеги туклари дағал ва малла эди. Бу энди, худди отасиники каби малла эди. Лекин, барибир, Хасар ундан анча чиройли. Пешонаси усти сал орқага ястанган, қошости суяклари аниқ бўртиб чиққан, чаккалари тарафга қараб ўсган узун, бароқ қошларига қараган одам, унинг кескир, шиддаткор табиатини уқиб олиши мумкин. Белгутой бошқача феълли бола. У Хасарга қараганда юмшоқтабиат, дўлвор йигит. Кулча юзли қувноқ...

– Фужин! Фужин! – Хоахчиннинг кўркув тўла овози эшитилди. – Одамлар келишяпти. Темучин қоч!

Темучин билан Хасар ўтовдан отилиб чиқишди. Дарё боши тарафдан олти отлик улар томон яқинлашиб келарди. Темучин атрофга тез қараб олди. Қочадиган ер йўқ! Ўтовга қайтиб кириб, ўқ-ёйини олиб чиқди. Хасар ҳам худди шундай қилди. Она эса, гўё бу номаълум кишилардан уларни пана қилгандай, болаларини ўзи билан тўсиб олди. Темучин олдинга ўтиб, чавандозлар томонга пешвоз чиқди.

Отлиқлар бўлса дарҳол тўхташди, тўп бўлиб олиб, бир нималарни маслаҳатлашди-да, дарҳол ўтов қолиб, бошқа томонга чопиб кетишди.

– Нима бўлди? Улар қаерга кетишяпти? – сўради Хасар.

Аммо Темучиннинг ўзи ҳам бу отлиқлар нима қилишаётганини билолмай гаранг эди. Отлиқлар кетган тарафда, тепалик ёнбағирларида қўй пода-си ва отлари ўтлаб юрарди. Бирданига қўйлар думбаларини ўйнатиб чопиб қолишди.

– Ўғрилар! – қичқириб юборди онаси. – Темучин!

Темучин уларнинг йўлини тўсиб чиқмоққа шошилди. Бироқ отлик қайда-ю, пиёда қайда! Улар саҳрога қараб отларини сурдилар. Туёқлар остидан кўтарилган чанг майса устини қоплади. Темучин билан Хасар камондан бир-икки ўқ отиб кўришди-ю, аммо бу ўқлар ярим йўлдаёқ ерга санчилди.



Чавандозларнинг бири тўхтаб, бир нималар деб қичқирди ва мазах қилиб кулди-да, яна ўртоқлари томон отини чоптириб кетди. Ака-укалар то ўғрилар кўздан ғойиб бўлгунча уларнинг кетидан тикилиб қолишди. Кейин ўтовга қайтишди. Онаси арава устида иягини кафтига тираб, сахрога қараб ўтирар, кўзларидан эса милтираб ёш оқарди. Хоахчин ҳам йиғлар, орасида:

– Вой-ей, энди қандай кун кўрамиз! – деб нола ҳам қилиб қўярди.

Темучин чакаларида оғриқ тургунча тишини-тишига босди. Нима учун осмон уларни бунчалик қийнайди? Битта ғамни даф қилиб улгурмасдан, иккинчиси эшик қоқиб турибди. Шунча одамга биттагина от қолди, бу қандай ғам! На кўчиб бўлади, на қочиб. Мана сенга уйланиш...

Белгутой қайтиб келиб, отининг эгарини ечишга шайланган эди, Темучин уни тўхтатди:

– Эгарга тегма, – деди.

У садоғини ўқ билан тўлдириб, белига қиличини осди.

– Она, мен кетдим.

Онаси умидсизлик билан қўлини силкиб қўя қолди. Хасар отнинг жилловини ушлади.

– Темучин, мен бора қолай, рухсат бер!

– Наритур!

– Нима бўлди-а, нима бўлди? – Белгутой қўрқув аралаш сўради.

– Нима, кўряпсанми? – Жаҳл билан бақирди Темучин. – Отларимиз қани?

Сакраб отга минди-да, зарб билан қамчи урди. От пишқирганча, қулоқларини орқага олиб, сахро томон елдек учиб кетди. Аввалига ўғрилар кетган тарафга истамайгина от суриб юрди-ю, кейин бирдан шошиб қолди: бунақада уларни кўздан қочириш мумкин. Чавандозларнинг изидан тушди. Иши ўнгидан келиб, худди қордай оқариб ётган бир шўрхок устида от изларини кўрди. Қаттиқ ерларда отларнинг изи тамоман йўқолиб қолар, шунинг учун ҳам изма-из юриш мушкул эди. Ҳа деганда отини тўхтатиб, ерга диққат билан қараш, туёқлар изини топиб олиш керак бўларди.

Сахрога тун чўкди. Темучин отини тушовлаб, ерга узала тушиб ётди. Бошини эгарга қўйди. Қорни очқаб кетди. Аксинча у ўзи билан егулик олмаган эди...

Шундоқ бошгинаси ёнида катта-катта юлдузлар чарақлаб турарди. Борлиққа сукунат чўккан, фақатгина майса чимдиётган отининг «кирт-кирт»и эшитиларди. Темучин юлдузларга термулар экан, кучсизларга бу ҳаётда яшаш жуда оғир экани ҳақида хаёл сурарди. Унинг навкарлари бўлганида анави аблаҳ ўғрилар бунчалик сурлик билан, куппа-кундузи, ҳамманинг кўз ўнгида отларини олиб қоча олармидилар? Қайтага, улар унинг ўтовидан нарироқдан ўтиб кетишган бўларди. Бир нима қилиш керак. Бундай яшаб бўлмайди. Эртами, кечми ёмон ниятли одамлар уларни барибир хонавайрон қилишади.

Сахарлаб яна йўлга тушди. Пешинга яқин чоғроққина, суви шўртатим бир қўл олдидан чиқиб қолди. Босқинчилар шу ерда тунашибди. Ўчиб қолган гулхан атрофидаги майсалар топталган, ерда тозалаб чайналган суяк-

лар, бир бўлак кигиз, от ёлидан қилинган чизимча парчалари ётарди. Темучин жаҳл билан суякни тепиб юборди – қорни чидаб бўлмас даражада очиб кетганди. Отини ҳам суғорди, ўзи ҳам чанқоғини қондирди.

Иккинчи тунни ҳам саҳрода ўтказишга тўғри келди. Уйқуга чоғланар экан, орқага қайтсаммикан, деган ўйга борди. Аммо онаси, укаларининг юзига қандай боқишини ўйлаб, бу фикрни нари сурди. Отларсиз қайтмайди. Дунёнинг охиригача борса ҳам, ўн киши, бутун овул билан яккама-якка уришишга тўғри келса ҳам, отларини қайтиб олади.

Очлик ҳам эсидан чиқди. Фақат вужудидаги ҳолсизлик, унинг анчадан бери туз тотмаганини эслатиб турарди. Оти ҳам эзилиб кетди. Жониворнинг биқини ва елкалари терлаб кетганди. Бироз тўхтаб, бирон егулик, ёввойи пиёзми, судун илдизиданми еб олиши, отига ҳам дам бериши керак эди. Аммо қочоқларнинг изини йўқотиб қўйишдан кўрқиб, йўлда бетўхтов давом этди. Чунки изни йўқотиб қўйса шунча ҳаракат бекор кетади.

Кутилмаганда рўпарасидан бир анҳор чиқиб қолди. Қирғоқда кичикроқ бир уюр ўтлаб юрар, устига тери ёпилган чайла ёнида олов ёниб турарди. У отини тўхтатиб, уюрни диққат билан кузатди. Бу ерда унинг отлари кўринмасди. Чайлага яқинроқ келди. Ундан ёш бир йигит эмаклаб чиқди. Унинг эгнида яхшигина матодан тикилган калта камзул, бурама белбоғида суяк дастали пичоқ осиглиқ эди. Йигит бирон-бир кўркувсиз, Темучинга қизиқсиниб қараб турарди. Темучин бўлса, отидан тушмай, чайла ичига хавотирли назар ташлади. У ерда бошқа ҳеч ким йўқ эди. Кўнгли жойига тушди.

– Сен кимсан? – сўради у йигитдан.

– Мен Бовурчиман, Ноҳу боённинг ўғли.

– Сен бу ердан одамлар ўтганини кўрмадингми?

– Кўрдим. Эрталаб ўтиб кетишди.

– Улар – ўғрилар.

– Ўғрилар? Улар мени ҳам, уюримни ҳам пайқамай қолишгани жуда зўр бўпти-да унда! Сен уларга етиб олиб, отларингни қайтариб олмоқчимисан? Бир ўзинг-а?

– Ҳа, бир ўзим.

– Ботир экансан. Лекин бир ўзинг нима ҳам қила олардинг? – Бовурчи тирноғи билан гарданини қашиб қўйди. – Мен сен билан бораман.

– Аввал менинг қорнимни тўйғаз. Егулик бирон ниманг борми?

– Менда ҳамма нарса етарли! Мен бу ерда бияларни соғиб ётибман-ку. Сут ичасанми? Қимизми? Қурут берайми?

– Ҳаммасидан олиб келавер! – Темучиннинг юзида кулги пайдо бўлди: зўр йигит эканми.

У овқатланаётган вақтида, Бовурчи уюридан иккита отни тутиб келди. Темучиннинг саманини эгардан бўшатди.

– Дамини олсин. Ҳозир бу отингда уларга на етиб бўлади, на қочиб. Менинг отларимда кетамиз.

– Уюринг-чи? Шундоқ, қаровсиз ташлаб кетаверасанми?



– Кечга яқин отам сут олиб кетгани келади. Қараб турар. Асли булар ҳам-маси жонга теккан. Бир ўзим яшайман, ҳеч кимни кўрмайман. – Бовурчи отларни эгарлади, йўл халтасига мешчаларда қимиз, қурут солди. – Бизга яна нима керак?

– Агар ўқ-ёйинг бўлса олвол.

– Йўқ. Ўқ ҳам, камон ҳам бор эди. Отам олиб қўйган. Битта-яримта билан жанжаллашиб қолишимдан чўчийди. «Сени ўлдириб кетишгандан кўра, бияларни олиб кета қолишсин», дейди.

Улар йўлга тушишди. Бовурчи тўхтамай гапирарди. Кўп вақт ўтмай, Темучин у ҳақда деярли ҳамма нарсани билиб олди. У Ноху боённинг ёлғиз ўғли экан. Отаси ўзига тўқ бўлиб, чорваси ҳам етарли. Овулга қўшилмасдан, ўз-ўзича кўчманчилик қиларкан.

– Сизлар кимнинг улусидансиз? – сўради Темучин.

– Тойчуютлардан.

Темучин унга ялт этиб қаради.

– Нега ҳайронсан? – сўради Бовурчи.

– Йўқ. Гапиравер...

Лекин Темучин унинг гапларини бошқа эшитмади. Бовурчининг ёрдам беришга тайёрлигидан хавфсиради. Бу боланинг ўғрилар билан тили бир бўлса-чи? Ё пистирмага бошлаб боради ёки орқасидан пичоқ солади... Нима қилиш керак? Балки ҳозир пайтидир, бир ёқлик қилиб ташласинмикан? У отини тўхтатиб, ундан сакраб тушди. Бовурчи ҳам тўхтади.

– Нима бўлди?

– Қайишларим бўшашиб қолибди. Сен боравер, изларни йўқотма.

Бовурчи йўлда давом этди. Темучин садоғидан ўқ суғуриб олди. Агар бу вайсақи бола бир ёмон ниятни режалаштирган бўлса, шундоққина елкасини тутиб бермайди. У ҳозир тўхтаб, Темучинга қайрилади ёки сири фош бўлганини билиб, қочишга тушади. Ҳар икки вазиятда ҳам уни отиш керак. Бироқ Бовурчи бамайлихотир йўлида давом этар, ўқтин-ўқтин секинлашиб, ердаги изларга тикилиб қоларди.

Темучин ўқини садоғига қайтиб солди-да, отига минди. Аста-секин етиб олди. Бовурчи эгар қошига қорни билан ётиб, ерга синчиклаб тикилди.

– Шамол ғириллаб қолди. Ўтлар тебранишга тушиб, изларни англаб бўлмаяпти, – деди у.

Темучин унинг юзига билинтирмайгина қараб қўйди. Четларига ипак тасма тикилган ёзги намат қалпоғи остидан куёшда куйиб кетган, калта кесилиб, ҳар тарафга тарвақайлаб ётган сочлари чиқиб турарди. Тим қора, зийрак кўзлари хотиржам, на ҳадик ва на ёмонлик аломатлари бор. Шунчалик устамикан?

Бовурчи қаддини ростлаб, жиловни тортиб, отини тўхтатди.

– Изларга қараб юраверамизми? Отамдан эшитгандим, шу тарафда бир овул бор. Яқин атрофда бошқа овуллар йўқ. Отларни ўша ёққа ҳайдаб кетишган. Изларга тупуриб, ўша овулга қараб от суриш керак. Тез юрсак, кечга яқин етиб оламиз.



Шамол унча кучли эмасди-ю, аммо изларни тўзғитиб юборишга шунинг ўзи ҳам кифоя эди. Агар Бовурчи рост гапираётган бўлса, изкуварлик қилиб ўтиришга ростдан ҳам ҳожат йўқ. Агар гапи ёлғон бўлса-чи?

– Сен у овулнинг қаеридалигини биласанми?

– Гарга дарасида. Ўтган йили биз ёзни ўша ерда ўтказганмиз. Бу гал ҳам ўша ерга кўчмоқчи эдик. Лекин у ерга овул кўчган бўлса...

Отларни йўрттириб кетишди. Майда жарликлар кетидан силлиқ тепаликларга дуч келишар, пастга тушиб, кейин яна тепага кўтарилиш керак бўларди. Шамол майсаларни тебратар экан, худудсиз сахро узра тўлқинлар пайдо бўлиб, олис мовийликлар қўйнига сингиб кетарди. Нигоҳингни жалб қиладиган бирон нарса йўқ, ҳамма ёқда тўлқинлару мовий осмон. Адашиб қолиш ҳеч гап эмасди. Аммо Бовурчи шимоли-шарқ тарафга қараб, ишонч билан от сурарди. Темучин ундан сал орқароқда қолиб, ҳамроҳининг елкаси кўриниб турадиган масофада борарди.

Кечга яқин тепаликлар янаям кўпайиб, энди дўнгликлар кунгай тарафлари қуруқшаган ўтлар билан қопланган тепаликларга айланди.

– Анча яқин қолди, – деди Бовурчи.

У тик тепаликнинг ярмигача чиқиб, отидан тушди-да, у ёғига пиёда юриб кўтарилди ва ерга ётиб олди. Темучинни имлаб ўз ёнига чақирди.

Тепалик ортида ўртасидан дарё кесиб ўтган кенг яланглик ястаниб ётарди. Дарёнинг бурилиш ясаган жойида унча катта бўлмаган овул кўзга ташланди. Ўтовлар атрофида қирқталар чамаси отлар ўтлаб юрибди. Сал нарироқда эса каттагина уюр ва қўйлар подаси кўринди.

– Сенинг отларинг шу ерда бўлиши керак, – деди Бовурчи шивирлаб.

– Ҳа, шу ерда. Лекин уларни сездирмай олиб кетиб бўлмайди-да.

Бовурчи ботаётган қуёшга қараб олди.

– Яна бироз кутамиз.

Ғира-ширада тепалиқдан тушиб бориб, овулга яқинлашдилар. Темучин қиличини қиндан суғуриб олди-да, қўллари оғригунча дастасини маҳкам қисиб олди. Овулдагилар чамаси, уларни чўпонлар бўлса керак, деб ўйлашди, шекилли, ҳеч ким тўхтатмади ҳам, чақирмади ҳам.

Темучиннинг отлари алоҳида тўпланиб туришар, барчаси олд оёқларидан боғланган эди.

– Шуларми? – сўради Бовурчи.

Темучин, ҳа, дегандай ишора қиларкан, Бовурчидан кўзини узмасди. Агар Бовурчи душман бўлса, ҳозир роса шовқин соладиган пайт. Кутилмаганда Бовурчи тезда арқонларни кесиб ташлади-ю битта отга миниб олди.

– Ҳайда. Секин.

– Ҳой, ҳой нима қиялпсанлар? – бақирди кимдир.

Темучин отнинг биқинига бир тепди-да, тушовлардан бўшаган отлар устига энгашди. Бовурчи ёнгинасидан от чоптириб ўтди. Унинг қамчиси Темучин боши узра визиллади. Отлар тепаликлар оралаб пайдар-пай чопиб қолишди. Темучин орқасига қаради. Овул тарафдан бир чавандоз оқ от



устиди уни қувиб келарди. У учига сиртмоқ боғланган узун таёғини силкиб, қичқириб келарди.

Қоронғилик жуда қуюқлашиб борар, тез орада қўлидаги сиртмоғи ҳам, унинг ўзи ҳам кўринмай қолди. Фақат оқ отнинг қўланкаси шаклсиз булутга ўхшаб, таъқиб қилар экан, борган сари уларга яқинлашиб келарди...

– Бу бизни тинч қўймайди-ёв, – қичқирди Бовурчи Темучинга қараб.
– Камонни менга бер!

– Мен ўзим. Ҳайда!

Темучин ортига ўгирилди-ю, мўлжалга олмасданоқ бир ўқни чавандоз тарафга визиллатиб қолди.

– Орқангга қайт! Ўлдираман!

Отлиқ секинлашди. Юлдузларга тикилди-да, қай тарафга йўл солишни аниқлаб олди. Бовурчи бошидан қалпоғини ечиб олиб, қўйнига тикди.

– Уф-ф, қизиб кетдим! – овозини баландлатиб кулди у. – Бопладик, а?

Отларини секинлатишди. Темучин қўлини чўзиб, Бовурчининг елкасига қоқиб қўйди.

– Сен яхши йигит экансан.

У шубҳалари сабабли Бовурчининг олдида ўзини айбдордай ҳис қилиб турарди. Яхшиямки, осмон уни тўғри йўлга солди. Бўлмаса, Бовурчи ҳозир саҳрода ортига ўқ қадалиб ётган бўлармиди. Уни ким, нима учун ўлдирганини ҳеч ким билмай қолаверарди.

– Бовурчи, сени ҳимоя қилиб турган руҳларинг тетик руҳлар экан. Уларга тез-тез қурбонлик қилиб тургин.

– Балки, ростдан ҳам яхши руҳлардир, – кўнган бўлди Бовурчи. – Сенинг руҳларинг ёмонми? Менинг руҳларим сенинг руҳларингга ёрдам беришгани учун ҳам иш шундай осон кўчди. Лекин бу жойлардан тезроқ кетсак яхши бўларди.

Улар тун бўйи тинмай от чоптиришди. Саҳар пайтида мешдаги қимизни бўшатиб, отларини алмаштириб олишди-да, яна йўлда давом этишди. Кун ярмида отларни Бовурчининг отаси ўтовига ҳайдаб келишди. Бу ерда Темучин кутилмаганда шомон Таб тангрини учратиб қолди. Темучин худди туғишган акасини учратгандай хурсанд бўлиб кетди.

– Сен бу ерга қандай келиб қолдинг?

– Отим қаерда тўхтаса, ўша жой менинг уйим. Нима, билмасмидинг?

– Таб тангри, сен мени қутқазгансан. Тирик эканман, буни доим эсда тутаман.

Таб тангри бироз кулди-ю, гўё «ҳа, эсингдан чиқарма...» дегандай бош чайқаб қўйди. Кейин Темучиннинг кўзига тикилиб туриб деди:

– Яқинда мен тулкининг оғзидан бир қушчани тортиб олувдим. Тап тортмас қирғий бўлиб чиқади, деб ўйловдим...

– Бўлдими? – сўради Темучин тетикланиб.

– Ўсяпти. Балким қирғий бўлар, балким хуркак ўрдак бўлар... Ҳозирча номаълум. – Шомоннинг кулчадек юзи ранжиган қўйи бужмайди.

Темучин аламини ичига ютди.



– Отанг қаерда?

– Тарғутой Қирилдуқ уни ўз овулида яшашга мажбур қилди.

– Айтишларича, Овчи баҳодир сенинг тилингни суғуриб олишга аҳд қилганмиш.

– Осмон хизматида бўлган одамга қўл кўтаришга ким ҳам жазм қиларди? Бунақаси бўлмаган ва бўлмайди ҳам.

Бовурчи Улар ёнига келиб қўшилди, кулги аралаш Темучинга деди:

– Сал қолса отам мени калтакламоқчи бўлди. Онам иккови туни билан кўз юмишмапти. Юр, ул-бул еб олиб, дам оламиз. Кейин отам бизларга бир кўзичоқни сўйиб беради.

Темучин ҳеч нима емади. Чарчоқдан бутун танаси зирқираб оғрирди. Ўринга ёнбошлади-ю, шу заҳоти уйкуга кетди.

Кун оғанда уни Бовурчи уйғотди. Ўтов олдида гулхан ёнар, каттагина оқ намат устида Таб тангри ва Наху Боён ўтиришарди. Бовурчи отасининг юзи қуёш ва шамолда қорайган, томирлари бўртиб чиққан чайир қўлли, ўрта ёшлардаги одам экан. У Темучинни ёнига ўтказди-да, ё ҳайратланиб, ёки тергаб деди:

– Бунақа мушкул ишга бир ўзинг қандай журъат қилдинг, полвон?

– Ўрдақлар ожизликлари сабабли гала бўлиб учишади, бургутлар эса ҳар доим ёлғиз парвоз қиладилар.

У Таб тангрига кўз қирини ташлади – тушуниб етганмикин? Шомон тушунди. Тим қора, сезгир кўзларида шодон ўт чақнади.

Ноху боён унинг сўзларини эшитгач, ўйланиб турди-да, маъкул келгандай кулиб қўйди.

– Довюрак экансан... Шунақа бўлиш керак. Бўлмаса бизнинг замонда яшаб бўлмайди. Замон ёмон бўлиб кетди, жудаям ёмон. Оддий одамларни на ўғри босқинчидан, на ташқи душмандан ҳеч кимнинг ҳимоя қилгиси келмайди. Бу ҳам етмагандай ўз уруғдошларини талаб ётишибди. Қариндошлар ўз қариндош-уруғларини қулликка зўрляптилар. Айт-чи, Таб тангри, бошқа ёқларда ҳам ҳаёт шундайми?

– Шунақаси ҳам бор, бундан баттари ҳам...

– Ажаб замонлар бўлди-да... – деди хўрсиниб Ноху боён. Агар тепамизда битта, ягона хон бўлганида эди, одамлар бегоналар босқинидан, ўғрилар талон-тарожидан бунчалик азият чекмаган бўлардилар. Аммо нўёнлар ҳечам ўзаро келишолмайдилар. Ақлдан озиб қолишган.

Темучин нўёнларга кўз тикиб қолган Жарчитойни эслади. Бу нўёнларнинг ҳаммаси ҳам темирчининг назарида бадбахт Тарғутой Қирилдуқдан қолишмасди. Кўринишдан Ноху боён ҳам нўёнлардан унча хурсанд эмасди...

Лекин у ёмон яшамасди: эгни бут, қорни тўқ, эгарлоғлиқ отлари, соғин биялари, қўйлари бор...

Бовурчининг онаси намат устига ёғоч товоқда меҳмонлар учун қўйнинг пиширилган тўшини келтириб қўйди. Тўш катта-катта бўлақларга бўлинган, буғи чиқиб турарди. Кетма-кет товоқчаларда шулон шўрвадан ҳам сузиб келтиришди.



Қоронғилик ичидан бошларини силкитиб, думларини елпиб, майда чивинлардан қочган отлар чиқишди. Қаердандир овоз чиқармай бойўғли учиб келди-да, олов яқинига келгунча пастлаб учди, сўнг чўчиб, қанотларини силкитганча шовқин солиб ерга қулади.

– Аҳмоқ қуш, – деди Бовурчи.

– Бу қуш эмас, – унинг гапига қўшилмади шомон. – Бу – қуш кўринишидаги ёвузлик руҳи. Баъзан кўзга ташланиб, баъзан ташланмай у доим одамлар орасида юради. Қўрқиб кетганини сездингларми? Бу ерда осмон билан тиллашадиган, само сирларидан бохабар одам борлиги учун қўрқиб кетган.

– Таб тангри, агар ёвуз одамлар ҳам сендан шунчалик қўрққанларида эди! – деди Темучин.

– Улар мендан қўрқадиган бўлишади! – ваъда қилди шомон.

Темучин қўзи гўштини паққос туширди. Тўйиб кетганидан эринчоқлик билан сели оқиб турган гўшт бўлақларига қаради. Ортиқ егиси келмаётган бўлса ҳам, ўзини тийиб туролмай, яна бир бўлақ қовурғани қўлига олди.

– Ноху боён, сен нўёнлар ҳақида гап очдинг. Ҳамма уларни айбляпти. Аммо нўён сахийми ёки бахил, яхшими ё ёмон – улус уларсиз яшай олмайди. Нўён бўлмаса улус тарқаб кетади...

– Мен, Темучин, бошқа нарса тўғрисида, хонлар пайтида яшаш осон бўлгани ҳақида гапирдим.

– Лекин хон ҳам худди Тарғутой Қирилдукқа ўхшаган бўлиши мумкин-ку!

– Тўғри, тўғри, – унинг гапини маъқуллади Ноху боён. – Аммо хон адолатсиз бўлса, битта ўзи адолатсизлик қилади. Нўёнлар адолатсиз бўлса, уларнинг сони қанчаю, қанчалар адолатсизлик қилишларини ўлчаб ҳам библиб бўлмайди.

Шомон аллақачон қўлини овқатдан тортиб, намат устида чўзилиб, тишини кавлаб ётарди.

– Хон қандай бўлмасин, – деди у, – унинг ҳукми остида бир қанча улуслар бирлашади. Ўзаро душманлик барҳам топади. Ташқи душманлар ҳам юрак ютиб босқинчилик қилолмайдилар. Бехуда қон тўкилиши тўхтабди. Найманлар бунинг аллақачон тушуниб етишган, кераитлар ҳам шу фикрда. Фақат биз оқсаяпмиз.

– Ақлимизгинамикин? – сўзига қўшилишмади Ноху боён. – Мана бунинг отаси, Есугай баҳодирнинг ақли бутун эди. Лекин бошқа нўёнлар уни хон қилиб кўтаришни исташмади.

Ҳамма жим бўлиб қолди. Кейин бошқа мавзуга ўтишди. Аммо Темучин бошқа гапларни эшитгиси келмай, Ноху боёндан сўради:

– Бир ўзинг ёлғиз яшашдан қўрқмайсанми?

– Қўрқаман, – деди Ноху боён. – Ёмон одамлар истаган пайтда худди сенга ўхшаб мени ҳам талаб кетишлари мумкин. Ўтовимни ҳам аравамни ҳам олиб қўйишлари турган гап. Нимасини айтай, ўлдириб кетишлари ҳам мумкин. Лекин овул билан кўчманчилик қилишга рози эмасман. Бутун чорва



шундоққина овул атрофида ўтлайди. Ҳамма ёқни топтаб, қуритиб бўлиш-гач, териси устухонига ёпишиб ётаверади. Ваҳоланки, овулдан бир неча кунлик масофага бориб кўрсанг, майсалари бахмал бўлиб ётган жойлар кўп. Ўч-тўрт ўтовдан иборат кичик-кичик овул бўлиб яшаш вақти келди. Аммо уруғлар, қабилалар бир-бирини талар экан, бундай овулчалар аблаҳларга ўлжа бўлиб қолаверади.

Авваллари Темучин ўзича фикр қилиб, шубҳаланиб юрган нарсаларига энди аниқ-тиниқ ишонарди. Аммо бу кўнгилга ҳеч таскин бермас, аксинча, ичида аллақандай англаб бўлмас хавотир кучайиб борар, бошидан ўтганларини бир бошдан таҳлил қиларди. Илгарилари пешанасининг шўрлигидан ёзғириб юрарди. Энди қараса, нотинчликлар, эртанги кунидан хавотир, тинч ва осойишта ҳаёт соғинчи жуда кўпларнинг дарди бўлиб қолган экан-у, бунга ёлғиз Тарғутой Қирилдуқ айбдор эмас экан. Агар кўрган азиятлари ва аламларини бир муддат унутиб, холисона разм солса, Тарғутой Қирилдуқнинг бу қилмишлариниям тушунса бўлади. Буни тан олиш Темучин учун анча оғир. Бироқ у Темучинларни шунчаки ёмон кўргани ёки, эҳтимол, отаси унга етказган аламлари учун эмас, балки, улус устидан бирдек тартиб ўрнатмоқчи бўлганидан, мўғуллар хони бўлмоқ мақсадидан бу ишларга қўл урган бўлиши мумкин-ку. Чиндан мақсади шундай бўлганида, у табиийки, хонликка даъвогар, гарчи бу мақсадга эришолмаган бўлса-да, аммо хонлардай мавқеда бўлган Есугайнинг оиласини хонавайрон қилган бўларди. Чунки келгусида унинг йўлига тўғаноқ бўлиши мумкин-да. Натижасида яна қон тўкилиши, қабилалар парокандаликка юз тутиши мумкин. Темучин Тарғутой Қирилдуқ ҳаммасини жуда пухта ўйлаб, ҳаракат қилаётгани, бу ҳаракатларининг замирида фақат ўзининг эмас, балки улуснинг тинчлиги ва фаровонлиги турганини тан олди. Лекин у нўёнлар орасидаги ички келишмовчиликлару ўзбошимчаликларни бартараф қилолмагани боис Темучин оиласи каби яна кўплаб одамларга ситаму аламлар ва хўрликлар олиб келганини айтмаганда, унинг ҳаракатлари ҳеч қандай натижа бермади. Нега шундай бўлдийкин? Тарғутой Қирилдуққа нима халал берди экан-а? Отаси нўёнлар ичида энг кучлиси бўлган-у, нима учун бу ишларни уdda қилолмади экан?

– Темучин, отларингни қайси улус одамлари ҳайдаб кетишди? – дея сўради Таб тангри.

– Нима? Э-э, билмадим... биз суриштириб ўтирмадик. Вақт ҳам йўқ эди, – деди Темучин паришонхотирлик билан ва яна ўз хаёллари оғушига чўмди.

Лекин уни ўйлашга қўйишмади. Ноху боён тагин Темучиннинг ботирлигини мақтаб кетди ва ўз ўғлига кўз қирини ташлаб, сўради:

– Менинг ўғлим кўрққанидан бирон нарса қилиб қўймадимми?

– Бовурчи – жасур одам!

– Ҳо! – Ноху боён ўзини ишонмагандек қилиб кўрсатмоқчи бўлса ҳам, ўз ўғлидан фахрлангани шундоққина юзидан билиниб турарди.

Темучин ҳам унинг кайфияти яхшилигидан фойдаланиб қолмоқчи бўлди.



– Ноху боён, мен кўнғиротлар юртига бориб келишим керак. Дой чечаннинг қизи менинг қайлиғим бўлади. Менинг ҳам ўз ўтовимни тикадиган пайтим келди.

– Дой чечанни биламан. Бадавлат одам.

– Ноху боён, мен ўзимга сенинг ўғлинг Бовурчидан ҳам яхшироқ ўртоқ топа олармидим?

Ноху боён жавоб беришга шошилмади. Суякни чақиб, ичидаги илигини сўриб олди. Қўлини чўзиб, бир чимдим ўт юлди-да, унга ёғли қўли ва лабларини артди. Бовурчи «Сўрайвер, яхшилаб сўра!» дегандай, бошқаларга сездирмай Темучинни туртиб қўйди.

– Ноху боён, биз Бовурчи билан бирга бўлсак, ҳеч кимдан кўрқмаймиз...

– Ҳа, кўрқмайсан... Сен ўта довюраксан, Темучин. Кам калтак егансан-да. Лекин анойига ҳам ўхшамайсан, қараб турсам. Майли, ўғлим сен билан бирга борақолсин. Дўстлигингизга тўсқинлик қилмайман. Менинг қуёшим ботишга келиб қолди, сизларники – кўтарилиш олдида. Шундай пайтларда бир-бирингизни қўллаб-қувватласангиз, ҳеч қандай қуюқ булутлар сизни ёруғликдан тўса олмайди.

Иш хамирдан қил суғургандек осон кечди. Кейинги пайтларда ҳаммаси ҳатто маромидан ҳам аъло бўляпти. Отларини қайтариб олди, ўзига навкар топди... Ишлари жуда силлиқ битаётганидан, «Олдинда кутиб турмаяптимикан?» деб чўчиб қўйди. Хўш, Дой чечан қизи Бўртани бермаса-чи? Унда нима қилади? Хасар айтганидай, олиб қочадими? Ё бошқа овуллардан қиз қидирсинми? Ҳеч бири ҳам тўғри келмайди. Балким, Дой чечаннинг олдига бориб келишга Ноху боённи кўндирсамикан? Яна ўзини тўхтатди: ким кўп нарса сўраса, камидан ҳам қуруқ қолиши мумкин. Балки Таб тангри бирон-бир йўл кўрсатиб ёрдам бера олар?

Шомон билан икковлари ёлғиз қолишларини пойлаб турди ва сўради:

– Таб тангри, менга яна бир марта ёрдам берганинга эди. Дой чечан хузурига бориб кел. Қаерга боришнинг сенга фарқи йўқ-ку.

– Лекин кимга ёрдам беришнинг ҳам фарқи бор. Сени қутқариш учун қўлимдан келган ҳамма ишни қилдим. Дой чечаннинг олдига нега мен боришим керак?

– Сенинг отанг менинг отамнинг дўсти...

– Ҳа, шундай. Лекин отангнинг бошқа яқинлари ҳам бор эди-ку, қариндошларинг бор... Ким сенга ёрдам қилди, а?

Гарчи шомон бироз табассум билан айтган бўлса-да, бундан унинг гаплари юмшаб қолгани йўқ. Бу аламли сўзлари билан у шу топда Темучиннинг ярасини янгилаб қўйди. Қариндошлари ё ўта кўрқоқ ёки бемехр бўлиб чиқишди. Уларнинг муносабатларидан одам уялади. Туғишган амакилари ва амакиваччаларидан кўра етти ёт бегона Менглик минг марта яхши. Аммо шомон нима учун бу аламларни эсга соляпти? Ахир бу яра шундоғам ҳеч қачон битадиган эмас-ку?

– Қариндошларим узоқда, сен эса шу ерда, ёнимдасан.



– Бўйнингдаги қанғадан теринг қонталаш бўлиб ётган кунлари қариндошларинг ёнгинада эди. – Шомон бўш келмасди. У балки Темучиннинг ўз қариндошларини ошкора лаънатлашини кутаётгандир? Лекин у бундай қилолмасди: улар қандай бўлмасин, қони бир, жон-жигари.

– Мен сендан сўрадим. Агар йўқ десанг, айт-қўй.

– Бўпти, айтганим бўлсин: Бориб келаман! Бўрта сеники бўлади – бу менинг шомон сўзим. Лекин сен бир нарсани тушун. Оталармизнинг йўллари бир эди, бизларники бошқа-бошқа. Мен ҳамма нўёнларнинг ўғилларини кузатиб юрибман. Сен уларнинг барчасига қараганда қўллашга арзигуликсан. Мен отам ва ака-укаларимга ўхшаб ўз умидларимни сенга тикканман. Сен буни доимо ёдинда тутишинг керак. Унутсанг, мен ўзимга бошқа паноҳ топаман.

– Яна қандай паноҳ изляяпсан?

– Шомоннинг паноҳи – нўён. Бунақанги паноҳи бўлмаган шомон бир коса шўрва дардида суякларда фол очиб юрадиган дайдининг ўзи.

– Таб тангри, мен нўён эмасман. Мен сенинг ўзингдан ҳам ночорман.

– Сен нўён бўласан. Мен сенинг отанг эга бўлган ҳамма нарсангни қайтиб олишингга ёрдам бераман.

Темучин ишонқирамай кулиб қўйди.

– Сен айтган гапингда турасанми? Айтганларингнинг уддасидан чиқасанми?

– Ҳаммасини бўлмаса-да, кўпини амалга ошира оламан! Менинг гапларимни энг ботир паҳлавон ҳам ўткир қиличи билан бажара олмайди. Минглаб одамларни сен тарафга оғдиришим мумкин...

– Мен уларни нима қиламан? Мен ҳеч ким билан, ҳатто Тарғутой Қирилдуқ билан ҳам урушмоқчи эмасман. У мени ўз ҳолимга қўйса бўлгани.

– У сени ўз ҳолингга қўйсаям, бошқалари қўймайди. Ҳозир замон шунақаки, ё сен бошқаларни бўйсундирасан, ёки ўзинг бош эгасан. Қай бирини танлайсан? Ҳал қиладиган вақт етди – ҳал қил.

Шомоннинг гаплари Темучинни борган сари ўнғайсизлантириб қўяётганди. У гўёки Темучиннинг томоғидан аста-секин, маҳкамроқ сиқиб бораётгандай эди. Бу ҳолатдан, Темучин бошини жаҳл билан бир силкиди-да, деди:

– Сен мени ўзим истамаган ишга зўрлама! Мени мақсадларинг йўлида восита қилма!

– Темучин, кўпчиликнинг манфаати бир жойда жам бўлади. Сен хоҳласанми-йўқми, кўпчилик билан ёнма-ён боришинг керак. Кўрдим, эшитдим, кўриб юрибман. Одамларнинг ўй-фикрларидан хабардорман. Уларнинг истакларини англаб етсанг, уларнинг умидлари сенинг қудратингга айланади. Англаб етмасанг, ўша қудрат сени янчади.

Энди шомон анча жиддий тусда гапирарди. Унинг тим қора кўзлари ёниб, қирра бурунли кичик юзида қаҳр акс этарди. Темучин шомонни шу чоққача сира бу аҳволда кўрмаган ва унинг олдидаги итоаткорона ўтирарди. Бунақанги одам душманлари орасида бўлишидан у ҳадиксирарди...



V

Янги жойга кўчилганда, Қаймишнинг бобоси ўз ўтовини доимо овулдан сал нарироқ ерга ўрнатарди. Чол шовқин-суронни хушламас эди. Тойчи Қури чолнинг ёнига кўчиб ўтмоқчи эди, аммо Овчи баҳодир йўл қўймади. Қулнинг жойи хўжайиннинг оёғи остига яқин бўлиши керак эмиш. Шунинг учун ҳам Тойчи Қури ўтовини овулнинг энг четига қурди. Бу ердан Қаймишларнинг ўтови атрофида бўлаётган нарсалар яхши кўриниб турарди. У шунга ҳам хурсанд бўлди.

Чол жуда эрта уйғонарди. Кун иссиқ бўлса, тўнқачанинг устида, юзини қуёшга қаратиб ўтирарди. Ҳаво булутли, совуқ бўлганида эса, олов ёқиб исиниб, ачимсиқ тутундан йўталиб ўтирарди. Ундан сал кейинроқ ўтовдан Қаймиш чиқиб келар, шунда Тойчи Қури бошидан қалпоғини олиб, унга силкитиб қўяр ва бунга жавобан қиз ҳам қўлини ҳавода чайқаб қўяр эди.

Кун шундай бошланарди. Ва кун айнан мана шундай бошлангани учун ҳам Тойчи Қури энг машаққатли ишга ҳам тайёр эди. Овчи баҳодир кейинги пайтларда уни ўз яқинида тутар, баъзида: «Сен ҳаракатчан ва эпчил бола-сан», деб мақтаб қўярди. Нўён, йигит мен учун ҳаракат қиляпти, деб ўйларди. Аммо Тойчи Қурини тез ишлашга мажбур қилган сабаб бошқа нарса. Ишини битириб бўлгач, у чол ўтови, Қаймиш хузурига учар, новдаларни тарошлаб ўтириб, ўқ ясашни ўрганар экан, Қаймиш билан ҳар хил гапларни гаплашиб ўтирарди. Бу суҳбатлар бирон-бир мавзуда бўлиши ҳам шарт эмас, ҳатто, бирпасдан кейин мутлақо эсдан чиқиб кетиши ҳам мумкин бўлган нарсалар ҳақида бўларди. Йигит учун бу гапларнинг моҳияти эмас, қизнинг овозини, жарангдор кулгисини эшитиш, ёрқин кўзларига тикилиш, оралари очиқ оппоқ тишларини кўрсатиб табассум қилганини кўриш муҳим эди. Шу онларда ҳаётдан Тойчи Қуридан кўра кўпроқ мамнун бўлган одамни топиш амри маҳол эди.

Чол аксарият пайт жим ўтирарди. У анча кучдан қолган. Секин ишлар, тез чарчаб қоларди. Овчи баҳодир эса бундан дарғазаб бўларди. Аста-секин Тойчи Қури ҳам ўзи мустақил ўқлар ясай оладиган бўлди. Бироқ, унинг ўқлари ҳозирча бироз қўполроқ чиқар, чолники сингари чиройли эмасди. Шунинг учун у Қаймиш билан келишиб, чол ясаган бир тўда ўқлар орасига Тойчи Қурининг ўқларидан ҳам аралаштира бошлашди. Овчи баҳодир шуни ҳам билиб ўтирибдими, деб ўйлашди.

Аммо устомон Овчи баҳодирни лақиллатиб бўлмасди. Бир куни оқшом пайти у ўтовга келиб, садоғидан бир нечта ўқни суғуриб олди-да, чолнинг оёғи остига ташлади.

– Сен илгари бир кунда қилган ишингни энди уч кунда ҳам эплей олмаёпсан. Сочларингнинг оқини ҳурмат қилиб индамаяпман. Сен эса буни бошқача тушундинг. Мана булар ўқ эмас, йўнилган чўпларнинг ўзи. Буни кўтариб юришга камбағал қорачалар ҳам уялади.

Чол энгашиб ўқларни қўлига олди, бармоқлари билан ҳар бирини сийпаб чиқди, патларини диққат билан кўздан кечирди.



– Бу ўқларни менинг қўлларим қилган эмас.

– Шунақами? Мана бунақа бола алдаса, кечирса бўлар, балки, – деди у қамчисини Тойчи Қурининг қўксига ниқтаб, – лекин сенинг бошинг оппоқ оқариб ётибди-ку!

Чолнинг қуруқшаган, қонсиз лаблари титради.

– Мен ҳеч қачон ёлғон гапирмаганман, Овчи баҳодир!

– Бу мен ясаган ўқлар, – деди Тойчи Қури, ич-ичидан қамчи тушиб қолишдан чўчиб.

– Сеникими? Буларни менга тиқиштиришга қандай ҳаддинг сиғди?

– Мен, сенинг садоғинг ўқларга лиқ тўлиб турсин, девдим.

– Сен ғирт жиннисан, Тойчи Қури! Сен тезак тер, тери ошла, лекин қўлингдан келмаган ишга тегинма.

– Лекин мен ҳам ўқлар ясагим келяпти! Мен буни айтган эдим, Овчи баҳодир.

– Мен ҳам Олтинхоннинг қизига уйлангим келяпти! – Овчи баҳодир хохолаб кулди. – Лекин нима учун унга уйланмайман? Хўш, Тойчи Қури?

– Агар Олтинхон рухсат берса, уйланасан ҳам. Сен рухсат берсанг, мен ҳам ўқлар ясайман.

Чол Овчи баҳодирга таъзим қилди:

– Мени анчадан бери ўтган боболарим арвоҳлари чорлаб турибди. Тез орада ўша ёқларга жўнайман. Ўшанда сизларга ким ўқ ясаб беради? Мана шу Тойчи Қури. Нима учун унинг бу ишни ўрганишига рози бўлмайсан? Тезакни бошқалар ҳам тераверади. Бу эса эплайдиган бола.

– Эплаши тўғри. Сенинг ўлишинг ҳам ҳақ гап. Бўпти, сенлар хоҳлаганларингча бўла қолсин. Ўрганавер, Тойчи Қури. Агар ўқларинг чиройли чиқмаса, уларни ўзингни елкангда синдираман.

Кутилмаган шодликдан хурсанд бўлиб кетган Тойчи Қури кулимсираб гап қотди:

– Яхшиси, қўлларимга ура қолинглар. Елкада айб йўқ бўлса ҳам, нукул ўша ерга уришади.

Эртаси куни саҳарлаб Тойчи Қури новда кесгани кетди. Овул тарафдан сахрога қараб қўй подалари ва уюрлар чўзилиб борар, уларнинг кетида эса куролланган отликлар боришарди. Кейинги пайтларда меркитлар тез-тез босқин қилиб турганликлари сабабдан подани ҳарбийлар қўриқлашарди. Тойчи Қури овозининг борича бақириб ашула айтарди. Аскарлар у тарафга ҳайрон бўлиб боқишар, биттаси эса найзасини ўқталиб, пўписа ҳам қилиб қўйди. Тойчи Қурининг ичида байрам бўлаётганини улар қаердан ҳам билсинлар? Энди у эрталабдан то кечгача Қаймишнинг ёнида ишлайди-ку. Яхши бўлди, ўх, жуда яхши бўлди-да!

Ёли патила бўлиб кетган паканагина оти эринибгина йўрғалаб борарди. Ўтлар орасидан оловранг қизғалдоқлар мўралаб турар, туйқус бир гала бурулдуқлар учиб қолар, тепалик устида эса калта оёқлари қовушмай бўрсиқ чопиб кетарди. Тойчи Қури бўрсиқни қувлашга тушди. Аммо жонвор инига кириб олди. Афсус, камони йўқ-да, бўлмаса, кечки овқатга маза қилиб гўшт



ерди. Ини олдида пойлаб турмоқчи ҳам бўлди-ю, аммо бўрсиқ кечгача қайтиб чиқмаслигига ақли етиб, яна йўлида давом этди. Бўрсиқнинг гўшти жудаям ёғли бўлади, бунақа иссиқ кунда уни ейиш яхши эмас, деб ўзига таскин бериб ҳам қўйди.

Харгана буталари олдида отидан тушди-да, новда кесишга киришиб кетди. Ҳар бир новдани кесишдан аввал уни ҳар тарафлама кўздан кечириб чиқар, узунлиги ва йўғонлигига диққат қиларди. Жудаям чолни хурсанд қилгиси келиб турарди. Қаймишнинг бобоси жуда яхши одам. У ясаган ўқлардан қолишмайдиган қилиб ўқ ясашни тез ўрганиб олса, ана ундан кейин қария офтобга чиқиб дам олиб ўтирса ҳам бўлади. У ҳар қанақанги ишни ҳам икки кишининг ўрнига қила оларди. Бунақа ишни бўлса, Қаймишнинг олдида ўтириб, осонгина қилиши мумкин.

Харгана шоҳлари орасида мудроқ пашшалар ғувилларди. Боши устидан зувиллаб ер асалариси учиб қолди. У қизғалдоққа бориб кўнди, гулнинг нозик танаси эгилди. Асалари гулнинг сап-сарик чанглари орасида ғимирларди. Тойчи Қури асаларининг учишини пойлаб турди-да, кетидан чопиб қолди. Агар уни қаердалигини билиб олса, асалли бўлиб олади. Жуда ширин нарса-да, асал! Асаларининг куёш нурида ялтираб турган қанотларини кўздан қочирмай чопиб бораркан, бир тошга қоқилиб йиқилди. Ўтириб олиб, лат еган оёғини силай бошлади. Асал яхши нарса-ю, аммо асал емаса ҳеч нарса бўлмайди. Оқсоқланганича, орқага қайта бошлади. Аммо шу ерда яна бошқа асалари учиб ўтди-ю, йигит энди унинг кетидан чопа бошлади. Ин шу атрофда бўлиши керак!

Шу алфозда асалариларнинг кетида ярим кунгача чопиб юрди. От ҳам, новдалар ҳам аллақаяқларда қолиб кетди. Лекин, асалари инини топди. Арилар тўқ яшил темирлатки қоплаган бир тошга келиб кўнишар ва озгина айланиб, тошнинг тагига кириб кетишарди. У шувоқлардан супурги боғлади, бошидаги тарбағон қалпоғини кўзларига яқинроқ тортди-да, тошни кўтарди. Унинг тагида бир бармоқ ҳам сиғмайдиган туйнук бўлиб, унинг ичидан кучсизгина ғўнғиллаш эшитилиб турарди. Пичоғи билан заранг, патак илдизлар билан қопланган ерни кавлаб тешикни кенгайтира бошлади. Арилар учиб келиб, унинг бошида ғўнғиллай бошлашди. Қўлидаги шувоқ боғлами билан у ариларни ҳайдайди.

Бир пайт, санчилган пичоқнинг зўридан каттагина бўлак ер ажралиб чиқди. Унинг тагида каттагина муштдай келадиган асалари муми сарғайиб турар, унинг устида эса асаларилар ўрмалар эди. Тойчи Қури тезгина ана шу мумни кесиб олди-ю, чопиб қолди. Асаларилар уни қувлаб етиб олишар, бўйни, юзи ва қўлларини чақишарди. У эса «Вой, вой!» деб чинқириб қоларди. Аста-секин асаларилар уни ўз ҳолига қўйишди. Тойчи Қури сал нафасини ростлаб олди. Юзи, бўйни, қўллари зирқирар, ловуллар ва кўз ўнгида шишиб борарди. Бу ҳеч нарса эмас, ўлиб қолмайди. Шовулнинг баргларидан узиб, мумни ўшанга ўради-да, қўйнига тикди.

Асалари чақиб шишириб ташлаган қўллари билан новда кесиш осон бўлмади. Тойчи Қури оҳ-воҳлаб, оғриқни енгиллаштирмоқчи бўлар, азоб жуда

ҳам ўтиб кетганида эса, қўнидан мумни олиб, супрадай шишиб кетган бурнига яқинлаштириб, тўйиб-тўйиб ҳидлаб оларди.

Овулга келиши биланоқ, ўз ўтовига кириб кетди. Онасининг йўқлигига хурсанд бўлди. Унинг шишиб кетган башарасини кўриб, онасининг юраги чиқиб кетарди. Мумни ўртасидан тенг иккига бўлди. Кесилган жойидаги ботиқларда тиниқ асал ялтираб турарди. Тилларини чапиллатиб, пичоқни ялаб олди. Ўзи ажратган бўлақлардан оз-оздан чимдиб ушатиб олди-да, онгонларнинг бошларига суркаб, қурбонлик қилди. Энди улар унга бир олам бахт ато этишади.

Қаймиш билан бобоси уни кўриб, яна кимдир калтаклабди, деб ўйлашди. Аммо бўлган воқеаларни гапириб берганида эса, Қаймиш кўзларидан ёш чиққунча кулди. Чол ҳам кулди.

– Уларни тутун билан...

– Менинг чақмоқ тошим ёнимда эмас эди-да. Қаймиш, бўлди қил! Ма, е. Онамга ҳам шунчасини олиб қолдим. Еб кўргин, кейин айтасан: арилар чақишига арзир экан, деб.

Қаймиш мумни олиб юмшоққина тишлади.

– Во-ой, мен ҳеч қачон бунақа ширин нарсани еб кўрмаганман! – У бобоси ва Тойчи Қурига ҳам бир бўлақдан кесиб берди. – Еб кўринглар.

Тойчи Қури рад этди.

– Мен оладиганимни арилардан олиб бўлдим, – деди у кулиб.

– Йўқ, бунақаси кетмайди! – деди Қаймиш ва зўрлаганча йигитнинг оғзига асални солиб қўйди. – Е. Сен яна чиройли бўлиб кетибсан! Онанг нима деркин-а?

– Мен уйга бормай қўя қоламан. Сизларникида қоламан. Қаймиш, сен онамни огоҳлантириб келгин. Мени йўқотиб қўймасин, тагин.

Кечга яқин осмонга қорамтир булутлар чиқди. Майдалаб, илиқ ёмғир томчилай бошлади. Қария ўтовда олов ёқди. Тез қоронғилик тушиб, ёмғир кучая бошлади. Йирик сув томчилари мўридан тушиб, оловга сачрарди. Ташқарида ит ингиллади. Қаймиш ўрнидан туриб, итни ичкари киритди. У қизнинг қўлини ялаб қўйди, остона ёнида қолиб, бир силкиниб олди-да, наматга чўзилиб, мудрай бошлади.

Бирдан овулда бақир-чақирлар эшитилиб қолди. Ит сакраб турди, қулоқларини динг қилиб, ҳура бошлади. Тойчи Қури ўтовдан чиқиб, яқингинада келаётган отлар дупурини эшитди. Ҳали кўзлари қоронғиликка ўрганиб улгурмай, бўйнига жун арқон келиб тушди. У мункиб йиқилди. Қандайдир одамлар уни босиб, қўлларини орқага қилиб боғлашди-да, эгарга ўнгаришди. Ит ҳам бир инграб жим бўлди. Қаймишнинг ҳам чинқиргани эшитилди.

– Тезроқ! Тезроқ! – кимдир баланд овозда буйруқ берарди. – Овулга чопинглар, орқага қайтишсин!

Тойчи Қури ўнгарилган от чопиб кетди. Ёнма-ён кимдир от чоптириб борар ва унинг ёқасидан ушлаб кетарди. Ҳўл дарахт шохи юзини чизиб ўтди. Тойчи Қури ишонч ҳосил қилди: отлиқлар дарё бўйига тушиб, майда толлар оралаб боришарди. Бир ҳаракат қилиб, отдан учиб тушди, сакраб ўрнидан



турди-ю, буталар орасига кириб югуриб кетди. Кўпам чопиб улгурмай, сасиган лой ўрага йиқилди. Нафасини ичига ютди. Отликлар шох-шаббаларни синдириб, шундоқ ёнгинасидан ўтишди-ю, дарҳол изларига қайтишди. Қидириб ўтиришга вақт йўқ эди. Овул томондан ғазоби қайнаган тойчунинг ҳайқириклари яқинлашиб келарди. Улар босқиндан ўзларига келиб олган ва энди қароқчиларни ола-тасир таъқиб қилиб келишарди.

Тойчи Қури уларга қараб юрди. Уни одамлар ўраб олишди. Кимдир мойли ёғочини бир амаллаб ёқди. Лопиллаб ёнаётган гулхан олдига Тарғутой кириб келди. Яроғларининг оғир ва торлигидан пишиллаганича, от устидан унга энгашди.

– Меркитлар кўпчиликмиди?

– Кўп эди, шекилли.

– Одамларимиздан қанчасини олиб кетишди.

– Кўролмай қолдим, қоронғи эди.

– Қўлини ечиб қўйинглар, нимага оғизларингни очиб турибсанлар? – Тарғутой жиловини йиғиштириб олди, қаддини кўтариб, Овчи баҳодирга ёмон қараш қилди. – Қоровулларинг қани? Ухлаб ётишибдимми? Ёмғирда ивигиси келмагандир-да? Ҳар бирининг жонини суғуриб оласан! Ҳозир эса, отини эгарлаб чиққанларни бир жойга тўпла, кетларидан қувамиз...

Овулнинг Тойчи Қурилар ўтови турган томонида одамлар ғимирлаб юришар, нам турпоқни туёқлар итирқин қилиб ташлаган, бир нечта ўтов ағанаб ётарди. Шуларнинг биттаси ёнида сочлари оқ бир хотин озғин қўлларини осмонга чўзганича баланд овозда уввос солар, уч-тўрт ёшлар чамасидаги яланғоч бир болакай унинг оёқларига ўралашарди. Гўдак ҳам даҳшат, ҳам совуқдан титраганича талмовсирарди. Тойчи Қури болакайни кўтариб олиб, дуч келган бир ўтовга киритиб юборди-да, ўз ўтовига югурди. Ўтовга шикаст етмаган-у, аммо у ерда онаси йўқ эди.

– Она! – қаттиқ қичқирди у.

Ҳеч қандай овоз бўлмади. Одамлар орасида тентирар, борган сари овозини баландлатиб:

– Она! Она! – деб бақирарди.

Сўрған Шира яқинлашди. Унинг қўлидаги ёғ боғланган таёқча алангалашиб, атрофни ёритиб турарди.

– Онангни олиб кетишди, чамамда. Мен унинг сени чақирган овозини эшитувдим.

Сўрған Ширанинг боши ҳўл, сийрак сочлари тўп-тўп бўлиб бошига ёпишиб ётарди. Ўзи совуқдан жунжикканича дирғизлаб турар, қўлидаги машъаласи ҳам енгилгина титрарди. Тойчи Қури унинг қўлидаги машъаласини олиб, қаймишларнинг ўтовига келди. Бу ер ҳам бўм-бўш эди. Очиқ қолган эшикдан ичкарига ёмғир томчилар, ҳалигина ит мудраб ётган наMAT усти ҳўл бўлиб кетган, итнинг ўзи эса ўтовдан ўн қадамча нарида боши ёрилган, тишлари ҳамла ваҳшати ичра қотиб қолганича лойга беланиб ётар эди.

Ўтов ичкарисида ўзи йўниб қўйган новдалар сочилиб ётар, ўчоқдаги олов ҳам ўчай деб қолганди. Тойчи Қури ҳовлиққанича ҳамма жойни кўздан

кечириб чиқди-да, ҳовлиқишдан фойда йўқлигини тушунди. Чунки бўлиб ўтган воқеаларнинг энди шошадиган жойи йўқ. Ҳеч нарса қолмабди. Яқингинада унинг ҳамма нарсаси бор эди. Мана, энди ҳаммасидан мосуво бўлиб ўтирибди. Боя меркитлар қўлидан қочиб кетганига ҳам афсусланди. Ахир, онаси ҳам, Қаймиш ва унинг бобоси ҳам уларнинг қўлида кетишибди-ку.

У қўлидаги машъалани ўтов эшигидан ташқарига улоқтирди. Олов бир зумда ўчди-ю, ҳамма ёқни зулмат қоплади. Ўчоқдаги олов ҳам кишининг ғазабли кўзига ўхшаб қизариб турарди. Тойчи Қури ўтов ўртасида, бармоқларини букиб очганича хаёлга чўмган эди. Эгнидаги кийими ҳўл бўлиб, этига ёпишиб кетган, танаси титроқда тебранар, юрагини эса аллақандай оғриқ эзғиларди. Олов ёқиб, исиниб, кийимларини қуритиб олиш керакмиди? Аммо кимсасиз ўтовда бир ўзи ўтиргиси келмай, бошини ҳам қилганича, овулга қараб кетди. Жарчитойларникига кирди. Одатдагидан ҳам тундлашиб олган темирчи ҳам, ўғиллари ҳам уйғоқ эдилар. Ўтов алғов-далғов бўлиб ётарди.

– Сизларникига ҳам киришдимиз?

– Йўқ, бизларгача яқинлашишолмабди. Биз бу лаънати овулдан кетмоқчимиз! – темирчи хунук сўкинди-да, ўдағайлаб сўради: – Сенга нима керак?

– Ҳеч нарса. Онам, Қаймиш... – Тойчи Қурининг бўғзига бир нима тиқилди-ю, гапини ҳам тугатолмади. Жарчитой томоғини қириб олиб, боягидан ҳам баттароқ сўкинди, товоқчага архи қуйиб, Тойчи Қурига узатди-да, буюрди:

– Ич.

У ичиб олди. Аста-секин титроғи қола бошлади:

– Бугун қочмоқчимисизлар?

– Қачон бўларди? Ҳамма ёқ шовқин, бақир-чақир бўлиб турганида, ким ҳам бизни қувлаб ўтирарди.

– Қаёққа қочмоқчисизлар?

– Қаёққа бўлса ҳам бари бир. Овулдан овулга кўчиб юраверамиз. Бу ердигидан баттар бўлмаса керак. Темучин қочиб кетгани учун мени калтаклашганида, мен уларга кетаман, деб айтганман. Мана, кетяпман, – Жарчитой архи қуйиб ичди. – Жалма, отни эгарла. Атрофингга қараб тур, биров пайқаб қолмасин. Субутой, ма, косани халтага солиб қўй... Сенам, Тойчи Қури, биз билан кетсанг бўлади.

– Мен кутиб тураман. Тарғутой одамларимизни қайтариб олади.

– Балки қайтариб олар. Лекин у бошқачароқ ҳам иш тутиши мумкин. Меркитларнинг бирон-бир овулига хужум қилади-да, беш ўнта ўтовни одам-подами билан ўмариб келади, вассалом. Унга бошқа нарса керак эмас. Сенинг онанг Қирилдуққа керакмиди? Нуёнлар учун оддий одамлар худди подага ўхшаган бир нарса. Саноғи бўлса бўлди.

Темирчи юмшоқ терига болғалари, обмурларини ўради, қайиш билан қаттиқ қилиб боғлади-да, кичик ўғлига узатди.

– Сен олиб кетасан.

– Оғир-ку, – минғирлади Човурхон Субутой.



– Жим бўл! Оғирликдан қўрқмаган одам енгил яшайди. Минғирлашни бас қил. Отимиз битта, юкнинг ярмини ўзимиз кўтаришимиз керак.

Жалма кирди. Отаси билан биргалашиб тугун-терсақларни олиб чиқиб, эгарга боғлашди. Қолган нарсаларни тўрваларига тиқишди. Ўтов бўшаб қолди. Жарчитой ўчоқ ёнига келиб тиз чўқди, бир тутам чўққи соқолини силкитганича, шивирлаб қандайдир дуолар ўқиди. Ўрнидан турди-ю, ҳеч кимга қарамасдан ўтовдан чиқди. Елкаларидаги тўрваларнинг оғирлигидан энгашиб олган Жалма, Човурхон Субутойлар ҳам унинг кетидан чиқишди.

Тойчи Қури уларни овул чегарасигача кузатиб қўйди.

Ҳамма жим эди. Уларнинг орқасида ёлғизгина от пишиллаб борарди. Осмондан майдалаб ёмғир ёғиб турибди. Овулдаги чироқлар ҳанузгача ўчмаган.

– Балки, биз билан кетарсан-а? – сўради Жарчитой. – Йўқми? Майли, ўзинг биласан. Менинг ўтовимга кир. У ерда яна архи қолган. Сенга айтиш эсимдан чиқибди.

– Менга бошқа ҳеч нарса керакмас.

Тойчи Қури улар билан хайрлашди. Жарчитой, ўғиллари ва юк ортилган от тун зулмати ичра кўздан ғойиб бўлди. Бир қанча вақт қочқинларнинг қадам товушлари эшитилиб турди-ю, аммо ёмғир шивири остида йўқ бўлиб кетди. У эса ҳануз шовур-шувурларга қулоқ тутганча, юрагининг тубида яна ҳам кучайган оғриқдан зирқираганича турарди.

VI

– Дам олишга тўхтамаймизми?

Чиледу эгар устидан ўгирилиб қаради. Унинг ортидан чопқир отларини ўйноқлатиб уч навкар келишарди. Эгниларига чарм тасмалардан тўқилган совут, бошларига ҳам дағал теридан ясалган дубулға кийган бу навкарлар жуда ҳам ёш йигитлар эди. Юзлари чарчоқдан қорайиб, лаблари шамолдан ёрилиб кетган. Улар жуда ҳам хом бўлиб, ҳали бу сингари узоқ сафарларда чиниқиб улгурмагандилар. Унинг ўзи ҳам яхшигина толиққан. Ярим кун ва тун бўйи отдан тушишгани йўқ. Қуёш тиккага келган, бироз тўхтаб дам олволишса ҳам бўларди. Боз устига, кундуз кунлари бу ерларда очиқ юриш хавфдан ҳам холи эмасди. Лекин атроф-жавонибда қуруқшаган ўт-ўландан бошқа ҳеч нарса йўқ, на дарё ва на қўлмак.

– Чидайсизлар, – деди Чиледу навкарларига.

Улар татар кўчманчилари ерларидан қайтишаётган эди. Тўхта беки ва Тайр Усунлар уларни муҳим иш билан татар нўёни Мағужин Сайилту ҳузурига юборган эди. Уларни меркитлар билан бир вақтда тойчуют устига бостириб боришга кўндириш керак эди. Татарлар кейинги йилларда ўзларининг азалий душманлари бўлган тойчуютни жуда кам безовта қилишарди. Ҳозир уларни бошқа муаммо безовталантирарди. Бир вақтлар Олтинхон билан ўрнатилган яхши алоқалар кун сайин путурдан кетиб борарди.

Шунинг учун ҳам, татарлар қудратли қўшнилари билан бошланиши мумкин бўлган катта жангдан хавотирланиб, эски душманларнинг инини бузмасликка ва кучларини асрашга ҳаракат қилишарди. Тўхта беки ва Тайр Усунлар Сайилтуни тойчуют билан жангга оғдириш осон иш эмаслигини билишса ҳам, Чиледунинг ташрифи орқали уларнинг мақсадлари нимада эканини билиб олиш эди. Агар Мағужин Сайилту оддий ўнбоши бўлган Чиледуни яхши қабул қилса, қатъи бир қарорга келиш учун бирон-бир нўённи жўнатса бўларди.

Лекин на Тўхта беки ва на Тайр Усун нима учун бирон нўённи эмас, айнан Чиледуни жўнатаётганлари сабабини айтишмади. Татарлар ерларига етиб олиш учун тойчуют ерларини босиб ўтиш керак эди. Каттароқ гуруҳ бўлиб бу ерлардан сездирмай ўтиш мушкул, кичикроқ гуруҳ билан ўтиш эса хавfli. Унинг устига номдор нўён шундай муҳим музокараларга уч-тўртта навкар билан ташриф буюриши ҳам муносиб иш эмасди.

Чиледу яна ўгирилди. Навкарлар от устида мудраб боришарди. Отларнинг биқинлари хўл бўлиб кетган, нама тўқимларнинг четларида кўпиклар оқариб турарди. Шу маҳал тойчуютга рўпара келишсами... У бу хаёлга келаркан, ичида қўрқув ҳам, хавотир ҳам йўқ эди. У ўлимдан қўрқмай қўйганига анча бўлган, қайтага қўрқмасдан тикка борар, гўё буни сезгандай, ўлим ҳам уни четлаб ўтарди.

Ҳориқиб кетганидан бошларини аранг кўтариб имиллаб келаётган отлар бирдан пишқириб, тезлашиб қолдилар. Сув эпкинини сезиб қолишди, чоғи. Тўғулари тепалик бўлиб, унинг нариги ёғи кўздан пана эди. Чиледу узанги устида тик туриб қаради-ю, ҳеч нарсани кўрмади. У Қурулун бўйларига тонготарда етиб келишни мўлжаллаган эди, аммо йўлни нотўғри олишганми, ё отлар қаттиқ чарчаганиданми, қуёш кўтарилган бўлса ҳам улар ҳали тақир саҳрода эдилар.

Тепаликнинг учига етмасдан у навкарларини ортда қолдирди-да, бир ўзи илгарилаб кетди. Қирнинг у тарафи яна пастликдан иборат бўлиб, саҳронинг бўзариб ётган ўтлари энди ям-яшил майсаларга ўрин берган эди. Яна ҳам пастроқда Қурулун дарёсини тўлдириб оқаётган мовий сувлар кўринди. Атрофда подалар ҳам, ўтовлар ҳам кўзга ташланмасди. Дарё оқиб келаётган тарафда майда тол ва шумурт буталари тўп бўлиб ўсиб турар, ҳудуд теп-текис бўлганидан, уларнинг бўйи баланд бўлиб кўринарди.

Навкарларини қўли билан чақирди-да, ўзи ўша буталар томонга қараб от суриб қолди. Буталар орасида ўзлари ҳам, отлари ҳам кўздан пана бўлиб олишлари мумкин эди. Яйдоқ майдондан биров келадиган бўлса ҳам, уларнинг эътиборида бўлади. Тепалик устида бир қўриқчи қолдириш ҳам мумкин.

Навкарлар тезликда отлари эгарларини ечиб, ерга чўзилдилар. У сув бўйига келди, юзидаги саҳро чангу ғуборларини ювди, тўйиб сув ичди ва ўша ерда қолди. Сув тинчгина, овоз чиқармай, қирғоқларда осилиб турган ўтларни астагина тебратиб оқарди. Бир вақтлар у мана шу дарё бўйида, Овулуннинг яқинлигидан боши айланиб, ўз келажаги ҳақида хаёл суриб ўтир-



ган эди. Ўшанда унинг эртанги кунни худди ҳароратли баҳор тонги сингари равшан кўринганди.

Овулун билан қилинган ўша тушликнинг майда-чуйдасигача унинг эсида. Шунчалик аниқ эди-ки, бир зум унга ҳеч қанақанги Есугай машак ҳам, унинг бугунги сариқ чақага арзимас ҳаёти ҳам йўқдай, булар бари бир чалкаш тушдай туюлиб, ҳозир орқасига ўгирилиб қараса, қўш ҳўкизга қўшилган аравани, оловнинг тутунию, ерга тўшалган чарм дастурхон устига егулик қўяётган Овулунни кўрадигандай. У ихтиёрсиз орқасига ўгирилди. Буталар тагида навкарлар ухлаб ётишарди. Улар қаттиқ чарчашганидан, оёқ кийимларини ҳам, этларини сиқиб ётган совутларини ҳам ечиб қўйишмабди. Чиледу уларнинг устига келиб, белбоғларини сал бўшатиб, гутулларини ечиб қўйди. Биронтаси сезмади ҳам. Жангчилар! Балки унинг ўзи ҳам худди шу навкарларга ўхшаган бўлса керак-да, ўша кезлари. Қара, олов ёқиб, худди ўз овулидаги сингари ястаниб олганини-чи! Ҳозир бўлса, шундай қилолмасди. Есугай машакни ҳам осонликча қўйиб юбормаган бўларди. Отини олиб қўйиш керак эди. Шунда пиёда юриб, ёрдамчиларини чақириб келиши осон бўлмасди. Унгача эса у Овулун билан кетиб бўлган бўларди. Дадиллик етишмадимми, ақли калталиқ қилдимми ё бошқа нарсалар сабаб бўлибми, ўшанда бир сонияни қўлдан чиқариб юборгани учун бир умрга жазоланди.

Болалардай енгил пишиллаб ухлаб ётган, сочлари ҳамма қорачаларникидай калта олинган навкарларга қараб, ўзининг ҳам мана шунақа ўғиллари бўлиши жоизлиги ҳақида ўйлаб кетди. Бу узоқ ва оғир сафарга у ўз ўғилларини олволган бўларди. Овулида эса уларни минг хавотирда кичкинагина аёл – Овулун кутиб ўтирган бўларди.

Энди бўлса, унинг ҳеч қандай шошадиган жойи йўқ. У ҳам мана бу йигитчаларга ўхшаб, тойчуютнинг қўлига тушиб қолишдан чўчимай, бамайлихотир майсага чўзилиб ухлаши мумкин. Аммо у бундай қилмайди. Ўзидан чўчиб эмас, анави ёш навкарларни ўйлаб ҳам у бундай қилолмайди. Уларни оталари, оналари, қайлиқлари кутиб ўтиришибди. Улар бундай бепарволик қанчалиқ хавотирли эканини билмайдилар ҳам. Балки билишар-у, Чиледуга ишонишар. Буларнинг ёшида ўзидан кўра бошқаларга ишониш осонроқ. Бироқ улар бир нарсани ёдда тутишса ёмон бўлмасди: бахтли киши шодлик, бахтсиз одам – ғам-андуҳ келтиради. Улар унга ишонишмагани яхшироқ эди.

Чиледу тепалиқ устига чиқиб, атрофни кузатди. Хавотирли ҳеч нарсага кўзи тушмай, шундоққина ерга чўзилиб қўя қолди. Майли, йигитчалар ухлаб олиша қолсин, у шу ерда уларни кўриқлаб туради. Кейин, улар уйғонишгач, ўзи ҳам мизғиб олса бўлади. Шундай қилинса яхши бўлади. Овулунини қўлдан чиқариб юборганидан бери у ҳеч кимни хурсанд қилолмади. Тўрт йил илгари уйланди. Хотини унинг овқатини тайёрлаб, кийимини тикиб, яхши хотинлардай муомала қилиб юрса ҳам, унинг учун бегонадай, ортиқчадай бўлиб қолаверди. Аёл буни яхши тушунар, ўзича қийналарди. Унинг итоаткорлиги ва маъсумалиги ўрнини аста-секин жиззакилик ва ғазаб эгаллади. Оқкўнгил одам унинг кўз ўнгида ёмон, ҳеч ким билан чиқиша

олмайдиган одамга айланди. Бу шу билан тугадики, бир куни тунда хотини нарсаларини йиғиштириб, отини эгарлади-да, номаълум тарафга қараб кетиб қолди. Чиледу унинг кетаётганини билиб ётса ҳам ўрнидан турмади, кетидан қувмади.

Бу воқеа Тайр Усунни шунчалик завқлантириб юбордики, у «Нима қилувдингки, руҳлар сендан шунчалик ғазабланиб қолдилар? Биринчисини тортиб олишувди, иккинчиси ўзи қочиб кетибди. Нима, сен эркакмасми-сан?» деб тоза кулди.

Қуёш тиккага келиб, қиздира бошлади. Чиледунинг фикрлари сийқалашиб, мудрай бошлади. У ўрнидан туриб, ялангоёқ бўлиб олди-да, қаттиқ, тиконли ўтларни оёғи билан эзгилаб қадам ташлади. Бироз тўхтади, чексиз саҳрога тикилиб қолди-да, бирданига тушунди: нафақат Есугайни оти билан қўйиб юборгани, балки ундан кейинги бутун ҳаёти ҳам фақат хатоликлардан иборат экан. Бир вақтлар унинг қалбида тойчуютга нисбатан нафрат тинчлик бермай юрди. У тойчуютдан қандай қилиб бўлса ҳам қасдини олишни режалаштирди. Аммо Тайр Усун унга йўл бермади. Есугайнинг бевақт ўлим топгани ҳам унга кучли зарба бўлди, гўё кимдир сариқ машакнинг қасосдан қутулиб қолишига ёрдам бериб юборгандай эди. Кейин қачонлардир меркитлар тойчуютни босиб олишади-ю, у Овулунни олиб қочишда Есугайга ёрдам берганлардан қасдини олади, деган ҳаёл унинг ягона умиди бўлиб қолди. Лекин, кўпни кўрган Тўхта беки ва унинг нўёнлари ҳеч ҳам шошилишмасди. Ўзларини тинч қўшнилардай қилиб кўрсатишарди-ю, бироқ одамлари тойчуютнинг ўтовларини талашса, индашмасди. Бундай босқинларда одамлар ҳам ўлжа олинарди. Уларнинг аксарияти оддий одамлар бўларди. Шу сабабдан, улар Овулун ҳақида ҳеч қандай хабар бериша олмасди.

Ҳеч кимга умид қилмасдан, бир ўзи, якка ҳолда бўлса ҳам, қайта-қайта Овулунни топишга ҳаракат қилиши керак эди. Овулунни топишдан кўра у ўз ўлимини топса ҳам майли эди – нима бўпти? Эртами, кечми одам барибир ўлади. Ўз яқинлари устида кўп қайғурадиган, уларнинг боридан қувонадиган одамнинг ўлиши қийинроқ бўлади. Унда эса бундай ташвиш йўқ, ҳатто йиллар ўтиб, нафрати ҳам қумда ўсган майса каби қуриб қолган. Бир пайтлар донишманд Берхе чечан айтган эди: нафрат одамга яхши ҳамроҳ бўла олмайди. Балки шундайдир. Аммо нафрат унга яшашни осон қилди. Энди унинг куйиб кетган юраги оғриқдан қолган, ўзи эса кун, соатини кутиб ётган бўлса-чи? Бу – тириклар орасида ўлик бўлиб юришнинг ўзгинаси.

Навқарларнинг бири уйғонди. Бошини кўтариб, Чиледу йўқлигини кўрди ва ўрнидан сакраб туриб, шоша-пиша ўртоқларини уйғотди. Ҳаммалари қўлларига камонларини олиб, бутазорни айланиб чиқишди. Нималарнидир гаплашишар экан, атрофдан кўз узишмасди. Тентаклар! Отларни санаб чиқишга ҳам ақллари етмади. Ахир отлар ҳаммаси шу ерда-ку, демак, у ҳам шу атрофда бўлади-да. Оти йўқ одам саҳрода худди қаноти кесилган қушнинг ўзи... Бу хомкаллалар нималарни гаплашишяпти экан? Бир хуштак чалиб қўйди-ю, пастга тушди.



– Уйқуга тўйиб олдиларингми?

– Йўқ ҳали. Қорин очди.

Улар унинг қаерда экани ҳақида сўрашмади. Бу унга маъқул тушди. Аҳмоқ бўлиш ёмон, аммо аҳмоқлиги бараварида маҳмадоналик қилиш ундан ҳам ёмон.

– Бўпти, бўлмасам, овқатланамиз.

Тўрваларнинг биридан қозончани олиб, дарёдан сув олди. Унга майдаланган қурутдан солиб, чўп билан аралаштирди. Навкарлар косаларини тутишди. Бўшаб қолган қозончага галма-галдан қараб:

– Бошқа ҳеч нарса бермайсанми? – деб сўрашди.

Чиледу қозончанинг тагида қолган аталани ичиб юборди, қозонча четларини ҳафсала билан ялаб чиқди.

– Бермайман. Сизлар сафардасизлар. Истаганча овқат ейдиган бўлса, ҳар бир навкарнинг ортида егулик ортилган битта арава тортиб юришга тўғри келади.

– Биз кечадан бери, деярли, ҳеч нима еганимиз йўқ-ку!

– Жангчи ҳеч нима емасдан бир кун, икки кун, уч кун ҳам юра олишга кўникиши керак.

Йигитчалар норози ҳолда яна буталар остига чўзилиб, жим бўлишди. Унинг раҳми келди. Яна ярим косадан мўлжаллаб, қурутни сувга аралаштириб берди. Ўзи ҳеч нарса емади. Ҳали узоқ юриш керак. Ҳар хил аҳволга тушиб қолиш мумкин, егуликни эса асраш керак. Навкарларга навбати билан қоровул туришни буюриб, кўзини юмди.

Тушида Овулунни кўрди. Охирги кўрганидай каловланган, хаёлга чўмган кўйи эмас, балки қадрдон овулидаги каби кўзларидаги шўх ва қизиқувчан қарашли қувноқ ҳолида кўрди. Худди ўшандаги каби у ашула хиргойи қилар, ўз қариндошлари олқонутлар ҳақида алланималарни гапирар, унга тикилиб қарар, уни кузатар эмиш. Эсидан чиқиб қолган овозни эшитиб, бу ҳақиқат эмас, бор-йўғи туш эканлигини билиб турганидан, жаҳл билан чаккаларини маҳкам сиқар эди. Навкарлари уни уйғотишганида у қовоғи уйилганича, ичи оғриб ўрнидан турди.

Отлар эгарланиб буталарга бсғланган, думлари билан пашша-чивинни ҳайдаб туришарди. Қилич илинган белбоғини маҳкамроқ боғлаб, одатига кўра, ҳеч нарса қолиб кетмадимикан? – деган мақсадда кўнишган ерни кўздан кечириб чиқди-да, эгарга минди.

Кунботарнинг улкан қуёши уфқ чизигига келиб қолган, унинг шуълалари ер узра сирпаниб келиб, кўзга тикка қадаларди. У жиловни эгарга ташлаб отига эрк берди-да, кўзларини юмганича яна хаёллари тўлқинида оқиб кетди. Унинг яна бир хатоси Қора туматлар маконида қолмагани эди. Ҳарқалай, Берхе чечаннинг маслаҳатига кириши керак эди. Баҳайбат буғуларни қувиб, айрию пичоқларини қурол қилиб айиқ овлаб юрармиди. Олма-хон ё сувсарлар тутиб кун кўрармиди. Овчиликнинг машаққатли ва хатарли ҳаёти унинг ўтган аламларини унуттириб, хотиржамлик бахш этармиди. Ҳозир ҳам кетворса бўлади. Аммо, афсуски, ўзининг фойдали маслаҳатлари

билан дардларини енгиллатадиган Берхе чечан энди йўқ. Қабила бошида энди унинг ўғли – қўрқмас ва кўринишдан ақлли Дайдикул Сўқир турарди. Тўхта беки ва Тайр Усунлар ҳийла, ёлғон ишлатиб татарларга ўхшаб уни ҳам тойчуютга қарши урушга тортмоқчи бўлиб уриниб юришибди. Берхе чечан тириклигида уддалолмаган ишларини энди амалга оширишни умид қилишмоқда. Бироқ ёш қабила бошлиғи отасининг ўғитларига содиқ турибди. Жанг майдонидан ҳам, қилич сермаш иши қўшниларга таҳдид солиши мумкин бўлган бошқа ишлардан ҳам нари турибди. Чиледу ўзининг қўрқмас қабиладошларини бу ерларда кўришдан боши осмонга етган бўларди. Лекин буни Дайдикул Сўқир истамас экан, ўзининг азалий уруғидан бўлган Қора туматларнинг қонли урушга оғдириш ишида у Тайр Усунга ёрдам беролмайди. Унинг мақсади битта – ўша икки нафар тойчуютдан қасдини олади, тирик қолса, ана ундан кейин ота юртига кетса бўлади.

– Нима, мана шунақа имиллаб юраверамизми? – сўради навкарларнинг бири.

У бир сесканиб ўзига келди ва отини ниқтади. Тун сукунатини отлар туёғининг дупур-дупури бузиб юборди.

Тўхта беки овулига кеч бўлганда кириб келишди. Чиледу ухлаб, дам олиб, кейин нўёнлар ҳузурига бормоқчи эди. Лекин, отининг эгарини ечиб ҳам улгурмасидан Тўхта беки ҳузуридан навкар чошиб келди: зудлик билан нўённинг ҳузурига борар экансан. Чиледу қурол-аслаҳаларини ечиб, енгиллашган елкаларини қимирлатиб қўйди.

– Қандай янгиликлар бор? – деб сўради.

– Зўр янгиликлар. Тарғутойнинг овулига ҳам хужум қилдик.

– Хўш? Одамлар ҳам олиб келишдимми?

– Бўлмасам-чи! Лекин ҳаммаси ҳам етиб келмади. Тарғутой изимиздан тушган эди. Кексароқларини ўлдириб юбордик. Шувв-шувв – тамом! – Навкар хохолаб кулди. – Нима, тўғри-да. Эски-тускидан нима фойда. Фақат овқат бер.

Навкар ёш эмасди. Қалпоғи остидан оқ оралаб қолган сочлари чиқиб турар, катта-катта тишлари отларникидай сарғайиб кетган эди. Чиледу заҳархандалик билан деди:

– Сенам тойчуют ёки кераитлар қўлига тушиб қолсанг, сени ҳам ўлдириб юборишади, оғайни.

– Ҳе! Гапингни қара! Мен ҳали қаримасман.

– Оғзинг жуда катта, ейишга ботирга ўхшайсан. Бунақаларни биринчи бўлиб каллаклашади.

Чиледунинг жаҳлини чиқарган нарса навкарнинг мақтанчоқлиги ёки кимларнидир ўлдириб юборишгани эмас – деярли ҳар доим шундай қилинарди: ожизлар, кекса асирлар ортиқча юк саналиб, ҳеч ўйлаб ўтирмай йўқ қилиб юбориларди – балки бу босқинда ўзи иштирок этолмагани ва бирон-бир хабар тополмагани эди.

Тўхта бекининг каттакон ўтови олдида анчагина одам тўпланиб турарди. Аммо эшик оғалари ҳеч кимни нўён ҳузурига қўймасдилар. Ўтовда Тўхта



бекидан ташқари унинг катта ўғиллари Тоғусбеги, Хуту, Тайр Усун ва Хаватой Дармала сингари нўёнлар ҳам бор эди. Чиледу тойчуют овулларини қаерда, қандай қилиб четлаб ўтганларини бир чеккадан гапириб бермоқчи эди, аммо Тўхта беки ўзининг бир умрга ўнг елкаси томонга қийшайиб қолган калласини сабрсиз қимирлатиб, буюрди:

– Татарлар ҳақида, Магужин Сайилту ҳақида гапир.

– Магужин Сайилту «Менинг отларимнинг қорни тўқ, садоқларим ўқларга тўла, қиличларим ўткир чархланган...», – деди.

– Мақтанчоқ! – деди пешанасини тириштириб Тайр Усун.

– Мақтанса арзийди, – унинг гапини бўлди Тўхта беки, – сабр қилиб тур-чи...

– «... лекин, деди Магужин Сайилту, қиличларимизнинг тиғи битта ва у Олтинхон томонга қараб турибди», деди. Шунда мен, мени кечирасизлар, аслзода нўёнларим, унга бундай дедим: мабодо овчи дарахт устида ўтирган силовсинга орқа ўгириб қолса, у овчининг елкасига сакраб, бўйнига тишини ботириши мумкин.

– Сен унга тўғри айтибсан! – маъқуллади Тўхта беки. – Лекин тушунишимча, бунга ўзининг ҳам ақли етади.

– Ҳа, биледи. Бу гапимга у: агар бир тарафдан силовсин ташланмоқчи, иккинчи томондан йўлбарс ҳамла қилиб турган бўлса, йўлбарсга қараб туриш хавфсизроқ бўлади, силовсин ё сакрайди, ё йўқ, деб жавоб берди. Шунда мен унга: йўлбарс ташлансаммикин, деб ҳамлага тайёрланиб тургунича, силовсинни сал нарироққа, бошқа овчилар нишонигача ҳайдаб улгуриш мумкин, дедим. Шу суҳбатимиздан кейин Магужин Сайилту нўёнларини йиғди. Улар анчагина маслаҳатлашувлардан кейин: «Биз сизларга ёрдам беришга розимиз», деб жавоб қилишди.

– Улар сенинг олдингда келишишдими? – сўради Тўхта беки.

– Йўқ, менсиз. Лекин мен Магужин Сайилтунинг баковулига дастаси олмагон суягидан ишланган пичоқни ҳадя қилувдим, у менга нўёнлар жуда узоқ баҳслашганларини айтиб берди. Магужин Сайилту нўёнларини жуда қийинчилик билан кўндирибди. Лекин, менинг фикри ожизимча, бу зўрма-зўраки розиликка ҳар дақиқада путур кетиши мумкиндай.

Семиз, томирлари кўриниб турган қизил юзли Хаватой Дармала маънодор йўталиб қўйди.

– Татарлар бизнинг ёнимизда бўлишади, – деди тирноғи қийшайиб кетган кўрсатгич бармоғини кўтариб. – Мен буни ҳар доим айтиб келганман.

Унинг бўккунича архи ичиб, базўр тик турганини Чиледу эндигина пайқаб қолди. Тўхта бекининг ўзига ўхшаш ҳаракатлари тез, калта бўй, бақувват ва қийиққўз ўғиллари Хаватой Дармала гап бошлаши билан кулимсираб унга қараб олишган эди. Кичик ўғил Хуту ипак чопонининг кенг енгини оғзига пана қилиб ҳиринглаб қўйди. Тўхта беки жаҳл билан бир ўғилларига, бир Хаватой Дармалага қараб олди.

– Жим бўлинглар! Яна нима гаплар? – сўради Чиледудан.

– Бўлди.

– Сен мен кутгандан ҳам кўп иш қилиб келибсан, азамат! Лекин нимадандир кўнглинг тўлмаётгани афтингдан кўриниб турибди. Нимага?

– Йўқ, ҳаммаси яхши. – Чиледу хўрсинишини босди.

Тайр Усун Тўхта бекининг қулоғига энгашиб, бир нима деди.

– Ҳа, – деди Тўхта беки, – у мукофотга лойиқ. Сен мендан нима олишни истар эдинг? Чопқир отми? Эгарми? Ёки ўтовингга намат берайми?

– Ҳамма нарсам бор.

– Тўғри айтяпти, хотинидан бошқа ҳамма нарсаси бор. – Тайр Усуннинг ола кўзлари қувноқ қулимсиради. – Унга асира қизни совға қилақол. Анави, нукул ариллайдиган қизни.

– Олиб кел уни.

Тайр Усун тезда қайтиб келди. Унинг изидан навкарлар ўтовга юзлари кир, тимдаланиб кетган, сочлари тўзғиган бир қизни туртиб олиб киришди. Устидаги чопони йиртилиб кетган, тешик жойидан юмалоққина кўкракларини кўриниб турарди. Унинг ёввойи, ҳадик тўла нигоҳлари ўтовдаги одамларнинг юзларида ўйнади.

– Гўзал! – Тайр Усун қизнинг юзидан сочларини орқасига ташлаб, иякларини силаб қўйди.

Қиз унинг бақалоқ қўлларига тирноқларини ботириб олди. У қўлини тортиб, қулочкашлаб қизнинг юзига туширди. Қиз қаттиқ чийиллаб юборди.

– Бу аёл менга керак эмас!

– Ҳадяни рад этмайдилар, миннатдорлик билдирадилар, – деди қатъи қилиб Тайр Усун. – Жангчи дегани хотиндан кўрқиб ўтирадимми? Ёввойи отни қўлга ўргатиш, ёш хотинни йўлга солиш керак.

Қиз ариллашини қўймасди. Тўхта беки бармоқларини қулоқларига тикиб олди.

– Ўтовингга олиб кет уни.

Чиледу у томонга бир қадам қўйди-да, қўлидан олди. Қиз қичқиригидан бўғилиб, бир силтанди-да, унинг оёғига қаттиқ тепди. Бундай қутурган қизни ҳадя қилган нўёнидан жаҳли чиққан Чиледу, қизни шартта қучоқлаб, ўтовдан олиб чиқиб кетди. Атрофини одамлар ўраб, кимдир аччиқ ҳазил гап ташлади, яна кимдир ўхшамаган маслаҳатлари билан масхарани бошлади.

– Четга чиқларинг! – бақирди у.

У қизни кўтариб олганича ўтовига олиб кирди-да, ўринга отди. Қўлини мушт қилиб, пўписа қилди.

– Яна бақирсанг, яхшилаб бир тушураман, умрбод чакагинг ўчади!

Лекин қиз уни эшитмади, шекилли, ўринда овозининг борича бақириб, думалаб юрарди. Мўридан оқшом қоронғилиги кириб келди. У ўчоқни ёқиб ўтирмади. Сал моғор босган эски пишлоқдан бир бўлак еб олди-да, эшик олдига узала тушди. Фалокат босиб қочиб кетиб ўтирмасин, тағин. Аммо ухлаб бўлармиди! Бақиргани бақирган. Кучи, мадори ҳам қолмади-ю, чакаги тинмайди-я! Овулун ҳам, эҳтимол, мана шундай ночор ўкиргандир. Атрофда эса биронта ҳам унинг ғамини ҳис қиладиган меҳрибон бўлмаган.



– Бас қил, – илтимос қилди у. – Илтимос, жим бўлгин. Темирнинг ғичирлашига ўхшаб, ариллашинг юрагимга тегяпти. Эшитяпсанми, сенга ҳеч қандай ёмонлик қилмайман. Сен менга умуман керак эмассан. Хоҳласанг, ана, кетавер. Аммо қаерга кетасан? Борадиган жойинг йўқ-ку.

Унинг қаттиқ-қаттиқ гапириши қизни бироз тинчитди, чамаси, йиғиси пасайди. Чиледу ўрнидан туриб, қизга яқинлашди. Қўлини қизнинг титроқ босган елкасига қўйди. Қиз бир сесканиб, ўтов деворига суяниб ўтириб олди.

– Сен гапимни эшит... – У яна қўлини чўзди.

Қиз бир ҳамла билан унинг билагини тишлай бошлади. У қўлини тортиб олмай, хафа бўлиб деди:

– Шу нимага керак?

Қиз секингина тишларини олди:

– Кет!

– Қўрқма, сен мендан қўрқма!

У қизнинг йиғидан тўхташини, ўзи унга чиндан ҳам фақат яхши муомала қилмоқчи эканини тушунишини истарди. Ўчоққа олов ёқди. Декчага сув тўлдириб келди.

– Ичиб ол, енгил тортасан. Қара, қўлимни нима қилиб ташлаганингни. Унинг билагида иккита ёй шаклидаги тишларнинг ўрни қонаб ётар эди. Қиз бояги жойида, деворга ёпишиб олганича пиқиллаб ўтирарди. Йиғлайверибишиб кетган кўзлари сал равшанлашгандай бўлди.

– Кўряпсанми, мана бу қонни? Мана шу қон билан қасам ичаман: сен менга сингилсан. Тушуняпсанми? Майли, кейин тушуниб оласан. Ётиб ухла.

Ўчоқдан таралаётган ёруғлик ўтов шифтидаги эски намат юзасида лопиллаб турар, алангадан сачраб чиқаётган учқунлар мўри томонга учиб қолар ва тун зулматида кўздан йўқоларди. Қиз яланғоч кўкрагини беркитиб, чопонини томоғига тортиб олди. Чиледу жойига чўзилди-да, орқа ўгириб олди.

– Намунча ўзингни еб ётибсан? Овулингда эринг қолдими?

– Й... йўқ.

– Онанг, отангми? Бобонг қолдими?

– Бобомни ўлдиришди... Унинг онасини ҳам ўлдиришди.

– Бобонгнинг онасиними?

– Булган, менинг қайлиғимнинг онаси.

– Ҳа... кўз ёшларинг билан ўзингни ўртама. Қизалоқ, ўлим дунёдаги энг қўрқинчли нарса эмас. Исминг нима?

– Қаймиш.

– Қайлиғинг ким, Қаймиш? Жангчими? Нўёнми?

– У бобомдан ўқ ясашни ўрганаётган эди. Энди менинг ҳеч кимим қолмади. Унинг ҳам туғишганлари қолмади.

– Мен сенинг акангман, Қаймиш, – эслатди у.

– Сен ростдан ҳам шунақа... яхшимисан? Мени алдамаяпсанми? Алдаётган бўлсанг, ўлдириб қўя қол.

– Алдаётганим йўқ. Мен қоним билан қасам ичдим. Фақат нима учун бундай қилаётганимни ўзим ҳам билмайман. Менинг учун сенинг тойчуютингдан ҳам ёмонроқ душман йўқ, аслида.

– Мен уларнинг қабиласиданмасман. Қайлиғим ҳам. Биз тойчуютнинг қулларимиз. Сен нўёнмисан?

– Мен нўён эмасман, қул ҳам эмасман. Мен жангчиман, нўёнга хизмат қиламан.

– Қайлиғимнинг отаси ҳам жангчи эди. Уни ўлдиришган. Қайлиғимни эса қора қул қилишган.

– Ким ўлдирган?

– Тарғутойнинг одамлари. Есугай баҳодирнинг ўлиmidан кейин.

– Нима? – У қизга кескин қайрилиб қаради.

– У Есугай баҳодирнинг, ундан кейин эса унинг хотинининг хизматини қилар эди.

– Овулунними?

– Ҳа, унинг исми шунақа эди, шекилли. Мен ўзим Есугайни ҳам, унинг хотинини ҳам ҳеч кўрмаганман. Аммо қайлиғим ҳам, унинг онаси ҳам мақташарди...

– Есугайними?

– Овулун хонимни.

– Сен унинг ҳозир қаердалигини биласанми?

– Мен буни билмайман. Унинг ўғли анча пайт бизнинг овулда яшади. Бўйнига қанға илинган эди. Тойчи Қури унинг қочишига ёрдам берганлар орасида эди. Уни роса калтаклашди. Темучинни бўлса қидириб-қидириб топишолмади.

– Сен Овулуннинг ўғлини кўрганмисан?

– Кўп марта.

– У қандай ўзи?

– Қандай десам, баланд бўйли, машак.

– Машак? – Унинг ичида бир нарса узилгандай, инграгандай бўлди. – Машак дегин?

У оловга яқин келиб, букчайиб ўтириб олди. Қаймишни ҳам унутиб, узоқ жимиб қолди. Қиз унга ишонқирамай, тушунмайгина қараб турар, бу қандай одам бўлсайкин, дея, Есугайнинг отини эшитиши билан тамоман ўзгариши сабаби нимада эканини тушунолмай ўтирарди.

– Қайлиғинг билармикин, Овулуннинг қаердалигини?

– Буни овулимизда ҳеч ким билмайди. Сенга ким бўлади Овулун?

– Ҳеч ким. – У хўрсинди. – У менинг болаларимнинг онаси бўлиши мумкин эди.

– Нега бўлмади?

– Нима учун сен ўз қайлиғингнинг ёнида эмас, бу ерда, менинг ўтовимда ўтирибсан? Бу лаънати дунёда одам хас-чўпдан баттар. Шамол турса сахро бўйлаб учуриб кетаверади, токи бир ўрага тикмагунича. Ҳаёт мутлақо азоблардан иборат бўлса, биз нима деб яшаб юрибмиз?



У бу саволини қизга эмас, ўзига берган эди. Аммо қиз унга жавоб бериш керак деб ўйлаб:

– Билмайман... уйимизда яхши яшар эдик. Бобом... – у яна йиғлаб юборди, мушти билан кўз ёшларини артиб қўйди. – Улар уни менинг кўз олдимда ўлдиришди.

– Сен фақат арилламагин! – Илтимоқ қилди Чиледу.

– Хўп. Ҳозир яхши бўлиб қолдим. Сенга раҳмат. Бунгача кўрқув ичидайдим. Ақлдан озиб қолгунча бақиравераман, девдим. Сен қайлигимнинг олдига кетишимга ёрдам берасанми?

– Бунга эплаштириш жуда ҳам осон иш эмас, Қаймиш. У сенга жуда ҳам керакми?

– Ҳа. Мен ҳам унга керакман.

– Бу яхши. Бирон-бир йўлини қидириб кўрарман... Овулуннинг ўғлининг кўзлари кўкишми?

– Кўкиш.

У бош чайқаб қўйди.

– Есугайникига ўхшаб.

– Сен уни танирмидинг?

– Бир марта кўрганман. Бошқа кўришиш насиб бўлмади. Энди фақат у ёқда кўришамиз, деб бармоғи билан осмонга ишора қилди-да, Чиледу аччиқ кулиб қўйди.

VII

Ўтов олдида иккита катта гулхан ёниб турибди. Эшик олдида ўтовга орқага ўтириб, букчайганича Темучин турарди. Аланга шуъласида қинғир-қийшиқ кўринаётган юзидан хомушлик ва чарчоқ сезилар, нимадандир норози бўлгандан лабларини қаттиқ қимтиб олганди. Гулханнинг нариги тарафида, унга рўпара бўлиб Овулун, ундан сал нарироқда қариндошлар, келинлар сиқилишиб турар, ундан ҳам нарироқда, усти ёпиқ арава яқинида маросимга тап-тайёр Таб тангри шомон турарди. Темучин сабрсизлик билан оғирлигини бир оёғидан иккинчисига олар, булар бари қачон тугаркин? деб ўйларди, ўзича.

Бўрта ҳам худди унинг жиғига тегиш учун қилаётгандай, оғирлигидан бир оёғидан бошқа оёғига солиб турарди. Унинг эғнида оилали хотинларники сингари кийимлар: кенггина ялтироқ, ипак намроғ, кумуш кегайли, аллақандай қушнинг патлари билан безалган бўхтак¹. Онаси Сўтан ҳам шундай кийинган эди. Тўладан келган, юзлари силлиқ бу аёл Овулуннинг ёнида, дам-бадам унинг қулоғига бир нималарни кулиб шивирлаб турарди. Овулун эса ранги унниққан, бир неча жойига ямоқ тушган чопони, пастаккина бевалар қалпоқчасида, меҳнатдан дағаллашиб кетган қўллари ва кичкинагина жуссаси билан Сўтаннинг олдида худди Хоахчин сингари бир хизмат-

¹ Бўхтак – бош кийим.



кордай кўринарди. Бу кўринишдан Темучиннинг ич-ичида алам туғён урар, томоғига бир нима тикилиб, нафасини сиқар эди.

Бу алам ўша ёқда, қўнғиротлар овулидаёқ пайдо бўлган эди. Бўртанинг қариндош-уруғлари очикқўнгил ва меҳмондўст кўринган бўлса ҳам, отаси Дой чечаннинг олдида ўзини гадо ҳолидаги бир одамдек ҳис қиларди. Агар Таб тангри ёнига кирмаганида, кўркаламуш осмонни кўролмаганидай, у ҳам Бўртани кўролмаган, унга етишолмаган бўларди. Нафаси кучли шомон, сўзамол Таб тангри Дой чечанни шундай аврадики, у қизини бермай иложи қолмади. Акс ҳолда, бир сўзлиги билан танилган Дой чечанга қасамхўрлик қилишга тўғри келарди. Бироқ қизини узата туриб, бу Темучин учун жуда катта мурувват эканини сездирмайгина шама қилаверди. Қимматли совғалар, ясатилган бу ўтов, келиннинг ажабтовур либослари, унинг устига Дой чечан қизини кузатишга чиқмагани – буларнинг бари Темучиннинг ўзини камбағал, бу тўёналарга муносиб жавоб беролмайдиган ночор аҳволда эканини англаб олиши учун атайин қилинган ишларлигини энди тушуниб етди. Базмда эса хурчилар у қилмаган қаҳрамонликлар, у ҳукмдори бўлмаган улусни мақтаб қўшиқ айтганлари-чи... Ўлганни устига тепган бўлди. Улар Темучиннинг ожизлигидан мириқиб кулишибди. Лекин у қўнғиротлар элида бунинг-да фаҳмига бормаяпти. У ерда Темучиннинг фикри-зикри бир нарса билан банд эди – Бўртани олиб кетиш.

Мана, олиб келди ҳам. Онасини, жулдурвоқи укаларини кўрди, ўзининг йиртиқ-ямоқ ўтови ёнига келиннинг яп-янги ўтовини тикди-ю, аммо кўнгилида заррача шодлик йўқ, фақат алам ва сиқилиш. Тезроқ тугай қолса эди, ҳаммаси...

У кўзини оловдан олиб қочди. Нарироқда қирғоқларидан тошгудай бўлиб Керулен оқиб турибди. Дарёнинг нариги бетидаги сув ювишидан пайдо бўлган тик қирғоқни илма-тешик қилиб, узунқанотлар ўзларига уя ясаб олган. Улар шитоб билан дарё узра парвоз қилар, салқинлаб қолган оқшом уларнинг чуғур-чуғурлари билан тўлган эди. Эҳ, қани эди у ҳозир ҳаммани ташлаб ўша қирғоққа ўтиб олса, жарликнинг четига ўтириб, бир ўзи узунқанотларнинг парвозини, дарёнинг кескин гирдобли оқимларини томоша қилса... Йўқ! Мумкин эмас. Нима мумкин ўзи? Нима учун одам ўзи хоҳламаган ишни қилишга мажбур?

Таб тангри индамайгина келиб, уни четроққа сурди-да, ўтов эшиги олдида кигиз тўшади, пичирлаб дуо ўқиганча унинг устига ўнгўнларни қўйди ва уларга архидан сачратди. Шомоннинг ҳаракатлари салмоқли ва жуда вазмин эди. Кенг қилиб тикилган чопоннинг ҳар ерига турли жониворларнинг металдан ясалган шакллари, бошида япасқи темир ҳалқачали қалпоқ, қалпоғининг ҳалқачалари туташган қоқ учида эса, худди ёш жайроннинг шохи каби нурни тасвириловчи иккита мис сим бор эди. Пешонаси ва чаккалари устига учбурчак шокилалар, орқасида эса узунгина занжирга бир қанча шақилдоқлар осилган эди. Шомон ҳар бир қадам ташлаганида мана шу шокилалар, шақилдоқлар ёқимли жингирларди.



Бу вақтга келиб, қоронғилик анча қуюқлашганди. Энди аланга ҳам ёрқинроқ ёнар, унинг шуълалари дарё сувида ҳам жилваланарди. Таб тангри гулханлар ўртасига туриб олиб, чилдирмасини боши узра кўтарди-да, қўллари билан қаттиқ-қаттиқ ура бошлади. Бу бўғиқ овоз дарё устидан учиб ўтиб, тик қирғоққа урилиб, ундан яна ортга қайтар эди. Шомон бу акс садонинг тинишини кутиб турди-да, музикий оҳангда ирод қила кетди:

Ушбу макон соҳиблари,
Бу ерларга раҳнамолар,
Тоғлар садосига берингиз жавоб,
Шамол эпкинидан роҳатлар олиб,
Зурриёдларини мўл-мўл қилингиз,
Молу чорвасига барака беринг!

Кейин доирасини яна бир неча марта уриб қўйди. Овозлар ва уларнинг акс садоси дарё узра бир-бирига қўшилиб кетди. Сукунат чўкишини кутиб ўтирмай, шомон сийрак соқолли кичиккина юзини баланд кўтариб, руҳлар билан гаплаша бошлади:

Ушбу макон соҳиблари,
Бу ерларга раҳнамолар,
Доим орқамиздан қўриқлагувчи
Ва даврни олға етакловчилар,
Илтижоларимизни қабул айлангиз!

Чилдирма зарблари, акс садолар ва шомоннинг овози дарёдан ошиб ўтиб, сахро томонга ёйилиб кетмоқда эди. Бирдан шомон дуоларини кескин тўхтатиб, наमत устида турган ўнгўнларни кўрсатиб, Бўртага ишора қилди. Қиз уларнинг олдига келиб, уч бора таъзим қилди, кейин Овулуннинг қошига келиб, унга ҳам уч бора таъзим бажо қилди. Гулханлар олдига келиб, аввалги жойида, Темучиннинг рўпарасида тўхтади. Қизнинг алангадан қизарган ёноқларида йигит на уялинқираш ва на тортинчоқликни кўрди – қара, қандай экан!

Темучин унга қамчисининг учини узатди. Иримга кўра, у қамчининг учидан тутган қизни ўзига тортиши керак эди. У тортиш ўрнига қамчисини қаттиқ силтади. Буни кутмаган Бўрта мункиб кетиб, йиқилишига оз қолди. Темучиннинг кўкрагига келиб тақалар экан, бўхтагининг кегайи йигитнинг бурнига қаттиқ урилди. Қиз бошини даст кўтарган эди, Темучин шундоқ рўпарасида қизнинг ғазабли кўзларини кўрди. Қарсиллаб келиб тушган шапалоқ каби қизнинг:

– «Бух!»¹ – дегани эшитилди.

Кутилмаганда повуллаган, товушдан юраги тўхтаб қолгандай бўлди, тирноқлари кафтига чуқур ботди.

¹ Бух – бўга.

Бовурчи шошиб унинг ёнига келди.

– Бир-бирларингга жуда узоқ тикилиб қолдиларинг! Кейин...

Темучин бир айланиб шомоннинг кетидан ўтовга йўлланар экан, елкаси билан Бўртани энгилгина туртиб ўтди. Таб тангри ўчоққа олов ёқди-да, қўлларини кўтарди:

– Учоқ соҳибаси Она Галахан! Бу аланга сенинг ироданг билан ёнган. Шундай қилгинки, бу олов манзил-маконларни ёвуз руҳлардан ҳимояловчи, одамлар макрини қайтарувчи бўлсин, яхшиликка тафт берувчи, ёмонликнинг илдизини қуритувчи бўлсин. Минг йиллар ўчмасин бу олов! Ўчоғини ўзинг паноҳингга ол, Она Галахан!

Овулун Бўртага уч бўлак куйруқ ёғидан узатди. Қиз уларни бирин-кетин оловга ташлади. Кейин онаси келинига уч пиёла ёғ узатди. Бўрта ёғни ҳам оловга қўйди. Аланга чарсиллаб то мўригача кўтариларкан, ҳамма беихтиёр орқага тисарилди. Бўрта ўчоқ яқинига ўтириб бир қўли билан юзини пана қилди-да, калтак билан ўчоқдаги таппиларни тартибга келтирди.

Шомон бошидаги темир қалпоғини ечиб, кафти билан пешанасини артди.

– Бўлди. Бугундан эътиборан, Бўрта, сен Темучиннинг хотинисан, шу ўчоқнинг тўла ҳуқуқли бекасисан. Сен бўлсанг, Темучин, унинг эри ва шу ўтовнинг хўжайинисан.

Темучин янгигина панжарали ўтов деворларига, ўтов кунгурасини ушлаб турувчи синч таёқчалар ва ҳали қорайиб улгурмаган, кўзни олувчи оппоқ наматларга қараб қўйди. Бўртанинг ўтови. Қалин жун тўшак, кўзи терисидан қилинган юмшоқ кўрпалар ва ўтириш учун мўлжалланган, бир текис таҳланган олбоғлар – ҳаммаси келинники. Бу ерда фақат ўчоқнинг кулранг тошларигина Темучинга тегишли. Хўжайин эмиш!

Овулун ҳаммани ўз ўтовига таклиф қилди. Қадрдон ўтови Темучиннинг кўзига ҳеч қачон ҳозиргидай хароб кўринмаганди. Девор панжаралари ва синчлари остидан қачонлардир оқ бўлган, аммо эндиликда мумдай қорайиб кетган кигиз бўлаклари кўриниб турарди.

Хоахчин меҳмонларга эҳтиром билан таъзим қилиб, сутдан тайёрланган шароб ва қайнатилган гўшт тарқатиб чиқди. Сут-шаробни онасининг ўзи тайёрлаган, Бовурчи битта каттакон қўй олиб келган, укалари ҳам бир нечта семизгина тўрбағонларни тутиб келтиришган эди. Яхшиямки, ҳеч бўлмаса шу жойда янги қариндошларнинг марҳаматисиз, ўзлари эплаштиришди! Соддадил бақалоқ Сўтан бунақанги меҳмондорчиликни кутмагани учун, ҳайронлигини яширмасдан, Овулуннинг тежамкорлиги ва уддабуронлигини айтиб, тинимсиз мақтар эди.

Шароб ва яхши мақтову тилаклардан ҳамма хурсанд бўлиб кетди. Шу чоққача ҳечам архи ичмаган кичик укаси Тамуға отчигин тезда кайфи ошиб, ёнбошига ағдарилди. Хасар билан Хачиунлар уни қайта ўтқазиб қўйишди. Аммо унинг гавдаси худди сув тўла мешга ўхшаб ҳали у, ҳали бу тарафга қийшайиб кетар, бойқуш сингари кўзларини атрофдагиларга маъносиз очиб-юмиб қўярди. Бўрта уни кўриб, кулиб юборди. Бўртанинг кулгиси Темучинга ёқмади.



– Хасар! Болани ўрнига ётқизиб қўй! – деди Темучин бақириб.

Нафратдан чақнаган кўзларини яшириб, ёғоч товоқдаги гўшт устига энгашди. Ҳозир у Бўртага етишиш учун қанча изтироб чеккани, бугунги кунни интиқиб кутгани ва орзу қилганини тушунолмасди. Шу онда унинг Бўртани кўрарга кўзи йўқ эди.

Ака-укалар бирин-кетин архининг таъсиридан оғир тортиб ухлаб қолишганида, тун ярмидан оғган эди. Тўй ҳаракатлари билан Темучиндан баттар чарчаган Бовурчи ҳам ака-укалар ёнига чўзилиб, енгил хуррак ота бошлади. Темучин онаси билан бирга хотини ва Сўтанни янги ўтовга кузатиб қайтишди. Хоахчин дастурхонни йиғиштирар, Таб тангри ўтирган жойида мудрарди.

Онаси йигитларнинг ўринлари четига ҳорғин чўкди, Темучинни ёнига чақирди.

– Сенга нима бўлди, ўғлим?

Онасининг юзи хавотирли, қарашларида ҳадиксираш бор эди. Темучин бошини эгди. У ичидан ўтаётган аламлари ва жаҳлини билдирмадим, деб ўйлаганди. Овқат пайтида Овулун меҳмонларнинг кўнглини олди. Сўтанга бошидан ўтган машаққат ва тушкунликларни ҳеч нолишсиз сўзлади, унинг бу ҳикояси жуда қизиқарли чикди. Сўтан унинг гапларидан кулгисидан ўзини тиёлмай кулар экан, бўрсилдоқ юзлари титрар, қисик кўзларида ёш йилтирарди. Онаси ўғли билан умуман иши бўлмагандай эди. Лекин ҳаммасини кўрибди...

– У ёқда бирон-бир нарса рўй бердими? – яна сўради она.

– Йўқ, ҳеч нима бўлмади... Лекин Бўрта... Онасиям... Улар бу ерда хўжайинлардай, бизлар бўлсак... Сезмаяпсанми?

– Йўқ, ўғлим, сен айтганлардан ҳеч бирини сезганим йўқ. Сен ноҳақсан. Кўнғиротлар элида бўлган воқеаларни гапириб бер-чи.

Темучин сўзлашга оғиз жуфтлаган эди ҳамки, тўхтаб қолди, кейин кўллари икки томонга кўтариб қўйди. Гапирадиган ҳеч нарса йўқ эди, ҳаммаси силлиқ ва жой-жойида...

Онаси бироз кутиб турди-да, ранжиганини яширмай:

– Унақада нимага сен, ҳозир сел қуйиб юборадиган қора булутга ўхшаб хўмрайиб юрибсан? – деди.

Таб тангри узоқ эснади ва тараддудланди.

– Овулун, она, Темучинни қаттиқ койима. – Таб тангри қаттиқ аксирди.

– Унинг бошини силаш, эркалаш керак. Жазирамада куйган қарағай ўзидан мум чиқаради, хафа бўлганида одамнинг жигари сафро ҳайдайди.

– Темучинни ким хафа қилди?

Таб тангри яна ҳам қаттиқроқ аксириб олди.

– Ёвуз руҳлар бурнимни қитиқлашяпти, бу нима бўлса экан-а? Темучинни ким хафа қилди, дейсанми? Йигитча уни баҳодирлардай, катта улуснинг ҳукмдоридай кутиб олишади, деб ўйлаган-да...

– Таб тангри, мен ундай хаёлга борганим йўқ!

– Лекин барибир ҳурмат-эҳтиром кўрсатишларини кутган эдинг-ку. Ё йўқми? Кутган эдинг, Темучин! Сен ўзинг шунга лойиқмисан?

– Болаларимнинг олий насаблилиги ҳурматга лойиқ, – деди қатъий қилиб Овулун. – Сен, Есугайнинг энг яқин дўстининг ўғли, буни кўнғиротларга эслатиб қўйсанг бўларди. Қари қузғунлар бургут боласини чўқилашини бир четда томоша қилиб туравердингми?

– Лекин ҳеч ким уни чўқилагани йўқ. Сал-пал патини эзғилаб қўйишди, холос. Аммо Овулун она, бу бир тарафдан яхши-ку. Ақллироқ, ботирроқ, мулоҳазалироқ бўлади!

Таб тангри Темучинга хайрихоҳ кулиб турарди.

Мана шу мулойим табассум ва унинг акси бўлган тиканли сўзлари Темучиннинг фиғонини чиқариб юборди.

– Жим бўл! Сен Қирилдук қўлидан қочишимга ёрдам бердинг, раҳмат! Сен уйланишимга ҳам ёрдам бердинг, бунга ҳам раҳмат! Сен кўнғиротлар мени ўзларига тенгдек қабул қилишларини ҳам эплаштиришинг мумкин эди. Аммо сен буни хоҳламадинг. Майли, бу ёғи сенинг ишинг. Аммо-лекин менга нима яхшию нима ёмон экани билан ишинг бўлмасин!

– Нима учун, Темучин? – Шомон энди айбдорларча кулимсираётган бўлса ҳам, кўзларида учкунлар ялтиради. – Нимага энди сен нимани хоҳласанг гапираверишинг мумкин-у, мен сенга ўйлаб гапиришим керак? Асални яхши кўрсанг, захрига чида. Тўғри, мен сени кўнғиротликларнинг пичингу кесатиқларидан ҳимоя қилишим мумкин эди. Ҳа, мен бундай қилмадим. Хўш, нима учун? Сизлар онанг билан кўнғиротлар элида ўзларингизга ҳомийлар ва ҳимоячилар топишни мўлжаллаган эдингиз. Бўлмағур умидлар. Мен буни бир қарашдаёқ тушуниб олдим. Сен ҳам буни мендай тушуниб етишингни истадим. Бу ёғи ўзингга аён: кўнғиротлар сени аслзода нўён қатори эмас, подаларини боқадиган чўпон қаторида қабул қилишади.

Шомоннинг сўзлари Овулунни ўйлантириб қўйди. У ўғлига шундайми?, дегандай қаради. Темучин юзини ўгирди. Нима ҳам дерди, шомоннинг гаплари рост бўлса. У бирон нима қўшмади ҳам, чатмади ҳам.

– Биз энди ўзимизга паноҳ ва ҳимояни қаердан топамиз? – деди хафа бўлиб кетган Овулун. – Якка дарахтни кучсиз шамол ҳам илдизи билан қўприб ташлаши мумкин.

– Нима, камситилган, таланганлар фақат сизларми? Нима, менинг отам Менглик, ака-укаларим ҳам сизлар каби хорланмадимми? – Таб тангри энди кулмас, овозида ғазаб оҳанглари янграрди. – Мен овулдан овулга ўтиб бораман, сизнинг уруғингизга тегишли одамлар билан гаплашаман. Улар қайтиб келишади. Лекин сен, Темучин, қарчиғайдан беркинган туллак ташлаган ўрдакка ўхшаб, қамишлар орасида яшириниб ўтирма. Ўзинг ҳам қирғий бўлиб саҳро узра баланд парвоз қил. Мен сенга танла, деган эдим. Хўш, нимани танладинг, Темучин?

Шомон жавоб кутиб турди. Темучин унинг ўткир қарашларидан юзини бурди. Таб тангри кўнғиротлар ҳомийлигини таъминлаб беради, деб умид қилиш аҳмоқлик эди. Темучин шомонга шу ерда Есугайнинг улусини яна



бир ерга тўплаш учун керак эди. Унинг отаси Менглик, ака-укалари Тарғутой Қирилдуқнинг подасини боқиб юришибди. Охирги нафасларигача ҳеч қаерга кетолмайдилар, пода боқиб ўтадилар. Уларнинг бирдан-бир умиди – Темучин эди. Агар у отасининг улусини қайтариб олса, унинг отасию жигарлари ҳам худди аввалгидай ҳаёт кечиришлари мумкин. Уларга ўхшаганлар яна қанча? Жуда кўп. Юзлаб, минглаб топилади. Шомон ана ўшаларга ишонади. Бироқ Темучин ўзининг бутун орзуларини шомонга тикиши керакми? Унинг жиловига қандай тушиб қолганингни ҳам сезмай қоласан. Ушанда унинг калласи билан иш қилишинг керак бўлади.

– Кутайлик-чи...

Жавобини кутиб ўтирган онаси ҳам уни маъқуллаган кўйи бошини силкитди. Чунки у ҳам ўғли шошилиб, енгил-елпи жавоб беришини истамасди.

Таб тангри бўлса масхараомуз ҳиринглади. Бошқа бу тўғрида гаплашишмади. Эрталаб Темучин уйғонганида шомон йўқ эди – жуфтагини ростлаб қолибди.

Сўтан яна бир неча кун меҳмон бўлди. Кетар арафаси у тугунлари ичидан қоп-қора сувсар мўйнасига гуллик шойи сирилган пўстин олиб, таъзим билан Овулунга тутди.

– Буни менинг номимдан қабул қилсанг... Жуда бағри кенг экансан. Бўртага мен каби она бўлгин. Уни кўз қорачиғидай асраб-авайла.

Лўппи мушти билан кўз ёшларини артганча у, Темучинга қаради. Шунда Сўтан Темучиннинг ўзига ҳам, қизига ҳам, барча кўнғиротликларга ҳам кўнгли йўқлигини аниқ ҳис этди. Йўқ бўлса ундан нарига ...

Бовурчи иккови уни кўнғиротлар еригача кузатиб қўйди.

Қайтишда жим келишди. Темучин қовоғини уйганча келажаги ҳақида ўйларди. У Дой чечанга, кўнғиротларга шундай ишонган эдики... Бўлмади. Балки Тарғутой Қирилдуқнинг ҳузурига бош эгиб борсинмикан? Раҳм қил, ўз ҳолимча яшашимга изн бер, деб кўрсинми? Йўқ, у бунга рози бўлмайди. Яна бўйнига қанға осадди. Наҳотки, биргина шомон зўр бериб ундаётган йўлдан бошқа йўл бўлмаса?.. Ўзи қаерга кетди экан? Бутунлай кетворган бўлмасин-да... У ҳақда нима деб ўйламасин, фақат шу шомонгина унинг келажаги ҳақида жон куйдириб юрибди. Унинг бошқа умиди ҳам йўқ эмасди – Тўғулхон. Хон билан бўладими, ё усизми, ростдан ҳам бир ишни бошлаш вақти келди...

– Темучин, – Бовурчи қўлини унинг елкасига қўйди, – нимага нафасинг ичингга тушиб, чурқ этмайсан? Юзингда ҳам фақат қора булутлар кўланкаси акс этиб турибди. Ё ўйлаган ишимиз кўнгилдагидай чиқмадими?

– Кўнгилдагидай, Бовурчи. Сенинг яхшиликларингни нима билан узаман, билмайман, дўстим.

– Темучин, мен сенинг ёнингга бирон-бир тухфа умидида борганим йўқ.

– Сен отанг ҳузурига қайтасанми?

– Ҳа. Нима эди?

– Сен менга кераксан, Бовурчи дўстим.

– Яхши, Темучин. Отамнинг ёнига кейинроқ борарман. Кутиб туради.

– Сен менга бир-икки кун учун керак эмассан. Шу ерларда отамни отлар туёғи остига ташлашган. Шунини ўйлаб юрибман: уни кўтариб олиш вақти етмадимикин?

– Ў-ў! – Ҳайратдан оғзини думалоқ қилиб очди Бовурчи. – Мен белимга қилич илишга тайёрман.

– Сен ҳозир отангининг ёнига боравер. У билан яхшилаб гаплашиб кўр. Рози бўлса, келарсан.

– Рози бўладими, йўқми, барибир келаман. Зеркиб, пода боқиб, бияларни соғиб юравераманми? – Бовурчи қўлларини белига тираб, гердаиб қўйди.

– Ўз-ўзингча келавермагин, Бовурчи. Отанг бизга дўст, хайрихоҳ бўлиб қолиши керак. Бизга кўп дўстлар керак.

– Майли, – деди Бовурчи базўр овоз чиқариб.

Хайрлашиб, иккови икки тарафга қараб кетди. Темучин ўз қўналғасига эртаси куни ярим тунда етиб борди. Керулен тарафлардан эсаётган кучлигина шамол тўзон кўтарар, бута-толлар новдаларига урилиб шовулларди. От жilовини қозикқа илиб, биров чиқишига умид қилганча ўтовларга кўз тикди. Униси ҳам, буниси ҳам жимжит. Ухлашяпти. Бу қандақаси! Бир кунмас-бир кун ҳаммаларини боғлаб олиб кетишади-ку бу аҳволда...

Хотинининг олдига киргиси келмади. Лекин ўз ўтовига ҳам киролмайди, онаси койийди. Онаси Бўртани хафа қилишини хоҳламайди. Онаси жуда сезгиру, аммо ҳаммаси аксинчалигини сезмаётгани қизиқ. Ахир у эмас, калондимоғлиги билан уни Бўрта хафа қиляпти-ку. Майли, шошмай турсин, яхшилаб ўрнига ўтқазиб қўяман. Менинг олдимда ҳам ўзини катта олиб кўрсин-чи.

У ўтов эшиги пардасини жаҳд билан очиб ичкари кирди. Зулматки, пешанангдан биров чертса ҳам билмайсан.

– Темучин?

Кийимларнинг шитирлаши эшитилди. Ёнгинасида Бўртанинг нафасини ҳис этди. Унинг қўллари шошилиб йигитнинг елкалари, бошини пайпаслаб чиқди, бўйнига чирмашди, иссиққина юзи билан йигитнинг иякларини силади. У хотинини итарди-да, ўзини базўр босиб деди:

– Бор, отнинг эгарини олиб қўй.

Ҳали рад жавобни эшитмасиданок, жаҳли чиқа бошлади.

– Бўпти, бўпти, – деди Бўрта ўрин олдида ғимирланар экан ювошлик билан.

Ўзи ўчоқдаги кулни титкилаб, қўрларни кавлаб олди. Оловни янгиламоқчи бўлди. Бўртанинг итоаткорлигидан Темучин сал каловланди. У бошқача муомалани кутган эди. Оловга аргал бўлакларини ташлар экан, қулоғи ўтов ташқарисидаги овозларда эди. Унинг оти сал асовроқ. Агар олдидаги одамнинг чўчиётганини сезса, тишлаши ёки тепиб юбориши ҳеч гап эмас. Шамолнинг ғув-ғувидан бошқа овоз эшитилмайди. Эплайди, шекилли.

Эгарнинг оғирлигидан букчайганча ўтовга Бўрта кириб келди. Унинг кетидан ёпирилиб келган шамол, эшик пардасини бураб, айлантириб ташлади, ўчоқдаги оловни тўзғитди. Бўрта кириб пардани тўғрилаб қўйди, ўчоқ



устига шўлон шўрвали қозончани қўйди. Қимиз қуйиб эрига узатди. Унинг чаккаси томонга чўзилган қисик кўзлари хотиржам эди.

– Ухлашларингни қара! Думбаларингни кесиб кетса ҳам билмайсанлар.

Темучиннинг бу гапи койишдан кўра минғирлашга ўхшаб чиқди.

– Мен ухламаётган эдим.

– Унда нимага чиқмадинг?

– Сен онангнинг ўтовига кирмоқчи бўлиб турувдинг, халал бермай қўя қолай дедим. – Бўрта унга масхараомуз кулимсираб қараб турарди.

Бирдан Темучин баҳсдан тўхтаб, индамай қимизни сипқорди-да, косани хотинига узатди.

– Яна қуй... Бўрта, мен сизларникида яшаган пайтларим эсингдами?

– Эсимда, – ўйланиб деди Бўрта. – Сен итлардан ва бегона болалардан кўрқардинг. – Бўрта энди самимий кулиб юборди.

– Болалардан сира кўрқмаганман!

– Шунақа дейсан-да... – Бўрта шўрва келтириб қўйди. – Қорнингни тўйдириб ол. Чарчагандирсан? – Кафти билан Темучиннинг бошини силаб, кокилини текислаб қўйди. Бу ҳаракатлари ҳам бошқа ишлари каби ишончли, ортиқча уялишсиз, лекин шу билан бир вақтда, беғубор ва мулойим эди. Бўрта болалигида ҳам шунақа бўлгани ҳозир унинг эсига тушиб қолди. У пайтларда ёшлари орасидаги фарқ катта эмасди, унинг устига бировнинг уйда яшаётгани уларни тенглаштириб турарди, гўё.

– Сенинг қариндошларинг нима учун мени ёмон кўришади? Илгарилари бунақа эмасди.

– Улар тойчуютлар билан тескари бўлиб қолишни исташмайди. Темучин, ҳар ким ўз ташвишини ўйлайди.

– Сенинг қандай ташвишинг бор?

– Мен сени кутдим, Темучин. Сен бизникидан кетган ўша дамдан буён...

– Кутдингми? – У қизга ишонқирамай қаради. – Буни қара, кутган эмиш!

Борганимда яқинингга ҳам йўлаб бўлмади-ку.

– Мен сенга жаҳл қилганим йўқ. Қариндошларим бошқага узатишмоқчи эди. Кейин сендан ҳам жаҳлим чиқди. Қариндошларимдан ҳам кўпроқ сендан хафа бўлдим.

– Ҳе! Менинг нима айбим бор экан?

– Сен худди қутурган буқага ўхшаб юрувдинг!

– Қариндошларингнинг ўзи мени сузиб ташлашди-ку. Ҳали қорнимга, ҳали биқинимга. Буларга чидаш учун менга молниқидан ҳам қалинроқ тери керак бўлиб қолди.

– Лекин бунга мен айбдормасман-ку!

– Сен, гердайган, ўзбошимча, бойвачча қиз, бошқалардан қолишмасдинг.

– Майли, Темучин. Булар ҳаммаси ўтмишда қолди. Энди-чи? Сенга яқин бораман десам, яна ўша қутурган буқага рўпара бўлиб турибман. Энди доим шунақа бўлаверадими?

– Билмадим. – Йигит хўрсинди. – Ўтган йиллар ичида сенинг ақлинг яна ҳам сийқалашиб қолганмикин, деб ўйловдим.



– Мен ҳам сен ҳақингда худди шунақа фикрда эдим. Мен яна шу Темучинми, деб ҳам ўйлардим.

Очиқчасига, пичингларсиз бўлиб ўтган суҳбатдан, Темучиннинг юраги бирдан енгил тортди.

– Бери кел, Бўрта.

Қиз унинг яқинига сурилиб ўтирди. Темучин унинг елкаларидан қучоқлаб, ўзига тортди. Енгил шоҳи чопон остидан қизнинг қайноқ ва таранг баданини ҳис қилиши биланоқ чаккаларига қон қуйилганини сезди. Бўрта секингина елкасидан унинг қўлини олиб қўйди-да, ўринга бориб ётди. Темучин ўчоқ ёнида қолди. Ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, тойчуютлардан қўркуви, ўтови ва Бўртанинг бошига тушиши мумкин бўлган балоларни ўйлаб кетди. У ҳеч нарсани билмайди, худди ҳеч қанақанги уруш-пурушга бош қўшмайдиган, эҳтиёткор қўнғиротлар элидагидек, тинчгина яшайвераман, деб ўйлайди.

У бу ўйларини Бўртага гапириб берди. Аммо Бўртанинг хаёллари умуман бошқа ёқларда бўлгани учун эрининг гапи қулоғига кирмади.

– Биз саҳрода ёлғиз ва саргардон кезиб юрган одамлармиз, билдингми? Ортиқ бундай яшаб бўлмайди. Лекин бошқача яшаш ҳам хавфдан холи эмас. Сен ҳамма нарсага тайёр бўлиб туришинг керак, Бўрта.

– Эркакнинг иши йўл танлаш, хотиннинг иши эса унга эргашиш. Бошқа гап йўқ.

– Бугун биз ҳамма нарсани гаплашиб олишимиз керак. Мен янги ҳаёт бошляпман. Тўғулхоннинг олдига бориб келишим керак. Сувсар пўстинни унга ҳадя қилсам, хафа бўлмайсанми?

– Пўстин энди онангга тегишли, Темучин.

– Онам менга беради. У менинг онам-ку.

– Мен бўлса, хотинингман, Темучин. Иккаламиз бир хилмиз. Лекин Тўғул отангнинг андаси-ку, расмиятчилик қилиб ўтиришинг шартми?

– Илгарилари бўлганда, мен шундай ўйлаган бўлардим. Лекин ҳозир... Бўрта, совғанинг ўзи муҳим эмас. Хоннинг муборак юзи олдида сувсар пўстинни бир ҳилпиратиб очсам, агар менга ўхшаган етимча, жулдурвоқию қувғин қилинган бир одам шундай ҳадя қилолса, демак, бундан бошқа ишларга ҳам қодир бўлиши керак, деган фикр ҳар қандай одамнинг миясига келиши аниқ.

– Сен муғамбир экансан, – деди секингина кулиб Бўрта.

– Менинг куним сенинг бошингга тушса, сенам муғамбир бўлиб қоласан... Шундай қилиб, пўстинни бериб юбораверайми?

– Темучин, менга нима тегишли бўлса, бари сеники. Пўстин дейсанми, ўтов дейсанми, ҳаммасини бериб юборавер. Фақат мени ҳеч кимга бермагин. Мени ўзинг ол. – Эндиги кулгисида тилёғламалик ҳам бор эди. – Етар, бу гапларни бас қилайлик. Бу ёққа кел, Темучин.

Туннинг қолган қисмини уйқусиз ўтказишди. Чарчаган, тинчланган Темучин Бўртанинг юмшоққина билагига бош қўйиб уйқуга кетганида, мўридан тонг ёришаётгани кўриниб турарди.



У кун ярмида уйғонди. Ўтовда Бўрта йўқ эди. Эшик пардаси кўтариб қўйилган, тирқишдан майсалар билан қопланган дарё қирғоғи, кулранг тусда чайқалиб турган шувоқ ва барглари сарғайиб қолган мажнунтол кўриниб турарди. Куз яқинлашиб келарди... Жазирама кунлар камайиб, тонгги шудринглар муз тортиб қолган, қуруқшоқ ўтлар сарғайиб, ерга уруғини тўкар, кўллардаги паррандалар ҳам энди тўдаларини тўплашга тушган, семириб кетганидан ҳаракатлари сустлашган тарбағонлар уяларидан узоққа кетмай яқин-атрофларда айланиб юради. Роса овлар бароридан келадиган палла эди ҳозир. Кўл бўйларига бориб, ўрдагу ғозлар отиб келишсамикан? Ёки куюқ ўрмонга бориб, қоп-қоронғи тунда тол найининг овозига шохдор буғуни чақирса ҳам бўлади. Зўр бўлардию... Лекин буларнинг ҳаммасини миядан чиқариб ташлаш керак. Аввал Тўғулнинг олдига бориб келади...

Ташқаридан қаттиқ-қаттиқ гапирганларнинг овози келарди, Бўрта кимнидир ўтовга қўймаётган эди.

– Темучин катта одам бўлиб кетибди-да, пешингача ухлаётган бўлса. Уйғотиб ҳам бўлмайди, – дерди таниш пинғи овоз.

Темучин сақраб ўрнидан турди-да, тезда кийинди. Эшикдан юмшоқ наमत қалпоқ кийган бош кўринди. Жарчитой! Унинг орқасида ўғиллари Жалма билан Човурхон Субутойлар турарди.

– Кириглар!

Темирчи ўғиллари билан ўтовга кирди. Жарчитой шикоят қилган бўлди:

– Бунақа хотини бор одамга қўриқчи итнинг ҳожати йўқ.

Ўтовнинг тўрига наमत тўшакчани ёзиб, меҳмонларни ўтиришга таклиф қилди.

– Чорваларинг омонми? Поданг кўпайиб қолдимиз? – сўради темирчи, ўтовга айлана разм солиб чиқиб. – Қараб турсам, ишларинг юришиб қолибди-а, сариқ-машак қароқчи!

– Осмон менга марҳамат қилиб турибди.

Жарчитой ҳечам ўзгармабди. Ўша-ўша, бароқ қошлари остидан қараб турган кўзлари жаҳлдор, овози ҳам ўшандай чийилдоқ, бир неча жойи куйиб кетган эски чопони ҳам ўша-ўша. Жалма бўлса елкалари кенгайиб, бақувват эркак бўлиб қолибди. Човурхон Субутойнинг бўйи акасиникидан ҳам ўсиб кетибдию, аммо озғин, кўллари узунлигидан худди янги туғилган бузоқчага ўхшаб қолибди.

Ака-укалар Темучин билан кўришишганидан хурсанд эдилар. Жарчитой пишиллар, хириллар, алланималарни сўраб-суриштирар эди. Темучин бўлса унга қисқа-лўнда жавоб бериб тураркан, Жарчитойнинг келиши сабабини ўзича тусмоллаб кўришга ҳаракат қиларди.

– Таб тангрининг айтишича, осмон сенинг буюк йўл соҳиби эканингни аён қилган эмиш. Яқинда Темучин ҳатто Тарғутой Қирилдуқнинг садоғини ҳам ўз қўлига олади, дейди. Шу гап ростми?

Темучин ичидан хурсанд бўлиб қўйди: шомон уни тарк этиб кетмабди!

– Осмон иродасини Таб тангри мендан яхшироқ билади. Тарғутой Қирилдуқнинг садоғи бўлса, менга керак эмас. Мени тинч қўйса бўлгани.

– Ҳамма шуни хоҳлайдию, аммо тинчликнинг ўзи йўқ.
 – Сизлар қаерда яшаяпсизлар?
 – Қадрдон уранхай уруғимиз овулларида.
 – Уранхайликлар тойчуютлардан ажралиб чиқишдими? – ҳайрон бўлиб сўради Темучин.

– Йўғ-эй, – алам билан қўл силтади Жарчитой, – уруғлар илгаригидай Тарғутой Қирилдуқнинг қўл остида. Аммо бизни сотишмади, тутиб беришмаяпти. Нўёнлар ва шомонлардан кейин одамлар орасида энг азизи биз, темирчилар, бўламиз. Бизнинг бахтимиз ҳам, мусибатларимиз ҳам шунда. Нўёнлар бир-бирларини талашар экан, биринчи бўлиб хунармандларни, учқур отларни, ундан кейин чиройли қизларни олиб кетишади. Қизларни хотин қилишади, отларни асраб-авайлаб боқишади, бизни эса қонимизни сўриб ишлатишади.

Темучин ўзи билан темирчи ўртасида бўлиб ўтган бир суҳбатни эслади-да:

– Нўёнларни нимага ёмон кўришингнинг сабабини энди тушундим, – деди Жарчитойга раҳми келган бўлиб.

– Ҳўкиз ўзи тортиб кетаётган аравани яхши кўрармиди? – Жарчитойнинг авзойини кўриб, Темучин айтган гапидан пушаймон бўлди.

– Лекин аравани бошқармоқ юқоридан белгиланган бўлса, аравакашда нима айб? Ахир ғилдирак ўқлари яхши айлансин деб уни мойлаб турадиган, ҳўкизларни сув ва ўтлоқларга олиб борадиган, бўрилар ҳамласидан эҳтиётлаб, асрайдиган ўша одам-ку? – Темучин айбдордай ўзини темирчи олдида оқлаётганидан баттар қизиша бошлади.

– Аравани бошқаришга ишқибозлар кўпайиб кетди-да. Ҳар бири арава жиловини ўз қўлига олмоқчи бўлиб, ҳўкизларнинг терисини шилиб, тукини тўкиб ташлашяпти. Мана, сени аравадан итариб ташлашувди, сен ўз жойингни эгаллаш учун истаган одамнинг қонини оқизишга тайёр турибсан.

– Мен аравага ўтирмайман, ғилдираклари эзгилаб ташлайди.

– Ўтирсанг, битта ўзинг ўтир-да. Шухратпараст шомон билан одамларнинг миясини айнитманглар. Сен бу аравага ўликлар, майиб-мажруҳларни босиб кўтариласан. Сен-ку роҳатда яшай бошларсан, аммо етимларнинг қорнини ким тўйдиради? Ким уларни бағрига олади, ким ҳимоя қилади?

Жарчитойнинг қаттиқ нигоҳи Темучинни ўтов панжарасига қапиштириб ташлагандек бўлди. Темирчининг бу салобати ва вазоҳатидан қутулишга ҳаракат қилиб, у кескин қаддини ростлади ва бақириб деди:

– Нимага бунақа ёмон хаёлга борасан?! Қўлимда кучим бўлса, отам улусини ўзимнинг бошимга тушган балолар, қўрқув, очлик, хўрлик ва адолатсизликлардан халос қиламан. Мен одамларга, ўзимга, сенга ва ўғилларингга нима кераклигини яхши биламан.

Жарчитойнинг бояғи қаттиқ нигоҳидан асар ҳам қолмай, бошини қуйи эгди. Пешонасидаги ажинлари тебраниб қаншари устида тўпланди, шамол патила қилиб ташлаган қуш қанотларига ўхшаш бароқ қошлари осилиб



тушди. Темирчи қизиган тўпон излари қорайтириб ташлаган қўлларини ишқаб, анчагача бир сўз демай жим ўтирди.

– Ҳа, сен бошқалардан кўра яхшироқ тушунасан, – деди бўғиқ овозда уста темирчи, – аммо ҳаммасини тушунармикансан? Ҳозирги гапларингни кейин унутиб юбормасмикансан?

– Мен – унутамамми? – Темучин чопони елкасини тушириб, бўйнининг офтоб тегмаган жойларида қонталаш бўлиб қолган қанға изларини очиб кўрсатди. – Бу нима, бу? Мана шулар менинг бошимдан ўтган нарсаларни унуттирармиди?

Жалма боядан бери бир нима демоқчи бўлиб чоғланар, лекин отаси буни пайқамаетгандай эди. У йўталиб қўйиб, отасидан сўради:

– Мен ҳам гапирсам майлими?

– Жим бўл! Ҳали сенинг миянг қаймоғи олинган сутга ўхшаб суюлиб ётибди. Жим ўтир! Темучин, мен кам яшаганим йўқ. Сахро узра чанг кўтариб келаётган тўзонларни кўриб турибман. Улар урилиб-сурилиб, кучайиб боряпти. Бўрон етиляпти. Бунақа яшаб бўлмаслигини қари ҳам, ёш ҳам тушуниб турибди. Ё биз янги йўлга тушамиз, ёки бир-биримизни қириб ташлаймиз. Тўғри йўлни танлаб олишга ақлинг етармикин, танлаб олиб охиригача ундан оғишмай боришга журъатинг-чи?

– Етади! – деди ғазаб билан Темучин. Аммо тезгина бошини чайқаб, чопонини кийиб олди-да:

– Билмайман... Ўз оёқлари билан юрмаган, отининг туёқлари билан топтаб кўрмаган йўли ҳақида одам нима ҳам дейиши мумкин? – деди.

Темирчига гапнинг ростини айтиш кераклигини у тушуниб турарди. Муғамбирлик қилсанг, устингдан масхараомуз кулиб, бу ердан кетиб қолиши аниқ.

– Бўпти, – деди зўрма-зўраки темирчи. – Қидирган одам топади. Йўлга отландингми, жўна. Агар аҳмоқ бўлсанг, тушдан кейинги хира пашшадай эзиб ташлашади, агар ақлли бўлсанг...

Ўтовга онаси билан Бўрта кириб келди. Овулун Жарчитойга чуқур таъзим қилди.

– Таб тангри айтди, менинг ўғлимни қутқариб қолибсан...

Жарчитой қовоғини солди.

– Мен ўзимнинг виждонимни қутқардим, ўғлинг менга ким бўпти!

Онаси ҳайрон бўлиб кўзларини катта-катта очди-ю, аммо ҳеч нарса демади. Ҳаммани овқатга таклиф қилди.

Овқат устида ҳам темирчи Темучиннинг режалари ҳақида сўраб-суриштириб ўтирди. У Тўғулнинг олдига бормоқчилигини айтганида, маъқуллаган бўлиб бошини қимирлатиб қўйди.

– Тўғри уйлабсан.

Темучин хурсанд бўлиб кетди. Чамаси темирчи у тарафга ён босмоқда эди. Албатта, минғирлашини қўймайди-ю, лекин қўллаб-қувватлаши аниқ. Бироқ унинг кўнглида шодликдан бошқа, хавотир ҳам бор эди. Ундан ҳаддан ташқари кўп нарса кутишяпти. Олдинига шомон, энди бўлса Жарчитой.

У эса ўзини худди янги эгар урилган ёввойи отга қиёсларди – сиқади, сидиради, узангилари билан уради, лекин қутулолмади...

Овқатдан сўнг Жарчитой онасининг ўтовидида қолди. Темучин, Бўрта, устанинг ўғиллари дарё қирғоғига чиқишди. Хасар унинг енгидан тортди.

– Тўғулникига мени ҳам олиб кетасанми?

– Нима, сен бошқалардан яхшироқмисан?

– Сендан кейин оилада энг каттаси менман! – Эслатди Хасар.

– Менга энг каттаси эмас, энг кучли ва чаққони керак. Кураш тушинглар.

Ким ютса, ўшани олиб кетаман.

– Бўпти! – деди Хасар шошиб чопонини ечаркан.

– Мен билан Жалма кураш тушмаса ҳам бўлаверади, – деди найнов Субутой худди отасига ўхшаб қовоғини уйганча, – бизни ким ҳам сен билан бирга юборарди?

– Курашаверинглар, отангиз билан мен ўзим гаплашаман, – деди Темучин ва Субутойнинг елкасидан оҳиста силаб қўйди.

Кичик укалари Хачиун, Тамуға отчигин, уларнинг кетидан қовушмаган Субутой ҳам биринчи даврадаёқ ўйиндан чиқиб кетишди. Хасар, Белгутой ва Жалмалар ғолиб чиқишди. У ёғига қуръа ташлашди. Хасар билан Жалма курашадиган бўлди. Улар қулочларини кенг ёйиб, бир-бирини қўрқитган кўйи сонларига уриб-уриб, бир давра айланиб чиқишди. Кейин рўпарама-рўпара туриб, энгашганча бир-бирларига қараб тўхташди. Хасарнинг қоп-қора гавдаси таранглашиб, жонсиздай қотиб қолди. Жалма гутулининг товони билан ер пайпаслаб оёғини маҳкам ўрнатиб олишга уринар экан, Хасарнинг ҳаракатларини кўз узмай кузатарди. Шунча кузатсаям, барибир доғда қолди. Хасарнинг қўллари яшин тезлигида ҳаракатга келди. Жалма оёғида туролмай, бир ёнбошига йиқиларкан, гутулидан енгил чанг кўтарилди.

Хасар қўлларини осмонга кўтариб олиб, ғолибона давра айланаркан, мамнун қийқириб қўйди.

Белгутой япасқи бурнини кафти билан артиб, иштонини баландроқ кўтариб олди. Ўзи пакана, елкадор, калтабақай қўллари икки ёнга тарвақайлаган, қийшайиб, титилиб кетган гутул кийган Белгутой лапанглаганча Хасарга қараб юрди. У ҳам қуруқшоқ лабларини ялаб укасини қаршилади. Қорамтир елкалари худди мой суртилгандек тердан ялтираб турарди. Рақибига тикилган кўзлари пичоқ тиғидек қисилиб кетган.

– Қани! – деб қичқирди Темучин, қарсак чалиб.

Хасар олдинга ташланиб, Белгитойнинг чап қўлидан ушлаб олди-да, ўзига қараб, пастлатиб тортди. Белгутой жойидан силжимади. Ўнг қўли билан акасининг бўйнидан олди, оёқлари билан ерга ёпишиб олиб, кучанди, Хасар унинг қўлидан чиқиб кетишга уринди. Бўлмади. Белгутой уни қўллари билан белидан сиқиб олиб, жаҳд билан бир кўтарди-да, секингина ерга қўйди. Қутурган силовсинга ўхшаб жони чиқиб кетган Хасар мушти билан Белгитойнинг қорнига тушириб қолди.

Темучин унга яқинлашиб, қулоғига айлантириб солди.



– Нимага унақа қиласан? Кураш ҳаққоний бўлди. Уришма!

– Нимаси ҳаққоний! – Хасар алаמידан титрарди. – У мени куч билан эмас, пишиллаши билан йиқитди. Мишиқи туяга ўхшаб қулоғимга пишиллади!

Жарчитой яқинлашиб келиб, танбеҳ бера кетди:

– Уканг жуда қайсар экан.

– У ҳазиллашяпти. Хасар, ҳазиллашдинг-а?

Укаси эса ердан чопонини олиб елкасига солди-да, ҳеч кимга қарамасдан кетворди. Темучин унга етиб олиб, билагидан ушлади-да, маҳкам қисди.

– Бор, артиниб келгин-да, ёруғ юз билан Белгитойнинг ёнига келиб тур, – деди секингина. – Эшитяпсанми? Ёнига турмасанг, ҳамманинг олдида кал-таклайман!

Хасарнинг қўл мушаклари титраб кетди.

– Кет! Бўлмаса бир соламан!

Темучин унинг билагини қўйиб юборди.

– Айтган гапим эсингда турсин!

Укаси қайтиб келиб, ҳеч кимга қарамай, ерга тикилганича Белгитойнинг ёнидан турди.

Темирчи майса устида ўтириб, кўзини қисганча ака-укаларнинг ҳаракатларини кузатарди.

VIII

Эгарланган, хурпайган, зотлари ҳар хил, туёқлари синиқ отлар қозиқда боғлоғлиқ турарди. Овулун билан Бўрта уларга йўл тўрваларни осишар, ака-укалар эса садоқларига ўқларни жойлашарди. Темучин темирчи ва унинг ўғиллари билан ўтовда ўтиришибди.

– Шу ерда қола қол, Жарчитой, менинг катта акам бўласан, – деди-да, Темучин жимиб қолди. Қанийди, мана шу вайсақи Жарчитой қола қолса! Кимнинг ёнида темирчи бўлса, унинг қуроли ҳам бор. Кимда қурол бўлса, унинг аскарлари ҳам бўлади.

– Кулранг ғоз ҳеч қачон баландпарвоз бургутга ука бўлолмайди, – деди кулиб Жарчитой. – Лекин гап бунда эмас. От чоптиришга мен қарилик қиламан. Сенинг чилангаринг бўлиб нима ҳам қилдим? Бир бўлак ҳам темиринг бўлмаса.

– Бўлади темир!

– Темиринг бўлган куни мен ҳам келаман. Ҳозирча Жалма сен билан қола турсин. Ундан барибир темирчи чиқмайди, отларни, ов қилишни яхши кўради.

– Мен-чи? – лабини бурди Човурхон Субутой.

– Сен мен билан кетасан.

– Шу ерда қолгим келяпти.

– Мен билан кетасан дедим! – Темирчи жимиб қолди. Кейин Темучинга қараб: – Сен пишиқ ва ақлли йигитсан. Сенинг қанотларинг бор, у ҳам бўлса отангнинг шавкати. Одамлар сенга эргашади. Эсингда бўлсин: улар фақат



қорнинг тўқ ва хотиржам яшашинг учунгина сенга эргашмайдилар. Ҳар ким ҳам иссиқ ўтовли бўлишни, қора қозонида бир парча гўшт қайнашини ис- тайди. Шунингдан чиқарма!

Темирчи ўрнидан турди ва биринчи бўлиб ўтовдан чиқди.

Отларга минишди. Бўрта Темучин отининг юганидан ушлаб, оёқ учида эрига томон чўзилди. Темучин энгашиб, бурни билан Бўртанинг бошини си- лаган бўлди-да, жиловни силтади.

Отлиқлар отларини ўқдай учириб кетишди. Тез орада ўтовлар ортда қол- ди. Уларнинг ёнида турган Овулун, Бўрта, Хоахчин ва сал четроқда таёғига суяниб турган Жарчитойлар ҳам кўз илғамас нуқталарга айланиб қолишди. Темирчининг ўғиллари ва ўзининг укалари кузатиб қўйиш учун Темучинга эргашган эдилар.

Йигитлар иккита-иккита кишидан бўлиб саф тортгандилар: Жалма ва Човурхон Субутой, Белгутуй ва Хачиун, Хасар билан Тамуға отчигин. Бутун бошли қўшин-ку! Ҳали Бовурчи ҳам қўшилса, унча-мунча душман у билан тўқнаш келишни ўйлаб кўради.

Диққинафас устахона-ўтовдан, болғаларнинг тарақ-туруқидан, кун- далик оғир меҳнатдан қутилган Жалма тишларини кўрсатиб тиржайган- ча, қамчисини шўх ўйнатиб борарди. Унинг укаси бўлса ёмғирда қолган какликка ўхшаб букчайиб, қовоғини уйиб олган. Темучин уни кўли билан имлаб чақирди.

– Юрагингни кўпам эзаверма, Субутой. Сен менинг навкарим бўласан. Менга ишонавер!

– Қачон? – ғамсиниб, ишонқирамай сўради Субутой.

– Тўғулнинг олдидан қайтишим биланоқ. Энди отингни тезроқ чоптир, менинг олғинчим бўлгин. Садоғимни ол-да, олға бос!

Човурхон Субутойнинг чеҳраси очилиб кетди. Садоқни тезгина эгарга илди-да, отини ниқтаб сахро қўйнига учириб кетди.

Атроф отлиқлар кўз ўнгида ўзгариб борарди. Чап-ўнг тарафдан тез-тез бўзарган қум тепалар кўриниб қолар, йўл устидан чуқур ботиқлар чиқиб қо- ларди. Човурхон Субутой тезда кўздан йўқолди.

– Адашиб қолмасмикин? – хавотирланиб сўради Темучин.

– Субутой ҳеч қачон, ҳеч қаерда адашмайди, – деди Жалма.

Кутилмаганда тик тепалик ортидан ҳовлиқиб, қалпоғини ҳилпиллатга- нича Субутой учиб чиқиб қолди. Темучин хавотирда жиловни тортди. Хасар садоқдан ўқ олиб камонига ила бошлади.

Субутой учиб келиб, отини таққа тўхтатди-да, бақириб деди:

– Жайронлар!

– Туф! – тупурди Хасар. – Мен тойчуютларми, деб ўйлабман.

Темучин ҳам Субутойни яхшилаб сўкмоқчи бўлди-ю, аммо ўспириннинг юзидаги мамнунликни кўриб, индамай қўя қолди. Секин тепаликка яқин- лашишди. Унинг орқасида торгина водий бўлиб, жайронлар подаси қирғоқ ёқалаб ўтлаб юрарди. Уларни Керулен қирғоғига тақаб борилса, яхшигина



ўлжа қўлга киради. Чўчитиб юборгудек бўлса, учқур жониворлар шамол сингари сахрога тарқаб кетади.

Темучин Субутойдан ўзининг ўқ-ёйини олиб, подага ким, қаердан ҳужум қилиши тўғрисида кўрсатма берди. Ҳамма шу ондаёқ тарқалди.

Темучин ҳар кимга вазифасини тушунтираркан, Жалма эгарда безовталаниб ўтирарди. Ҳамма тарқаб кетгач:

– Сен одамларни нотўғри жойлаштирдинг, – деди.

– Нимага?

– Мен катта овларда қатнашганман. Хачиун билан Отчигин турган қирғоқ тарафга жайронлар бормаиди – кўзлари куёшга тик бўлиб қолади. Хасар билан Белгитойлар тарафга ҳам қочмаиди. Чунки шамол ўша тарафдан эсяпти. Жайронлар водийдан тикка кўтарилиб, Субутой томонга қочади. Унинг қўлида эса камон ҳам йўқ.

– Бўлмаса нимага индамадинг? – Темучиннинг жаҳли чиқди.

– Бошқалар сени нодон деб билмасин, дедим.

– Тўғри-да, мен нимани ҳам тушунардим. Мен жайрон овламаган бўлсам. Уч, Субутойни бу ёққа жўнатиб юбор.

Ов ўшамаслигини кўнгли сезиб, шу билан бирга бошқалар кўз ўнгида Темучиннинг обрўси тушишини истамаган Жалмадан миннатдор бўлиб, у қирғоққа яқинлашиб келди. «Ҳақиқий навкар!» – кўнглидан ўтказди у. Водийга кириб келганида, укаларидан бири чўчитиб юборган жайронлар, зич тўда бўлиб, шамолга орқа ўгирганча айланиб чопиб борарди. Жониворлар гўё оёқлари ерга тегмай, шохларини орқага ташлаганча учиб борарди. Темучин уларнинг йўлини тўсган бўлиб отилиб чиқар экан, йўл-йўлакай камонидан ўқ отди. Ўқ тўда охирида бораётган бир жайронга бориб тегди. У боши билан ўмбалоқ ошиб йиқилди-ю, дарҳол оёққа туриб, яна югура кетди. Лекин иккинчи ўқдан кейин тамом ерга қулади. Темучин чопиб келиб отидан тушган дақиқада жайрон учли туёғи билан чалов бутасини бир тепди-ю, жимиб қолди.

Пода худди Жалма айтганидай, водий тепасига қараб қочди. Темучин ерга ўтириб, бошидан қалпоғини олди, от чоптириб келган Субутойга қараб кулиб қўйди. Само уни марҳаматидан қуруқ қўймади. Сизларга чуқур таъзим қиламан, эй водий руҳлари, марҳаматингиздан миннатдорман!

Тепалиқдан Жалма тушиб келиб, эгаридаги иккита жайронни ерга ташлади. Укалари ҳам етиб келишди. Хасар ўлжаларга қараб турди-да, камон ўқи сингари чиройли қошлари қаншари устида тўпланди.

– Сенми? – сўради у Темучиндан.

– Ҳа...

– Шунақа бўлишини билувдим! Сен мени ҳар гал ҳайвон ўтмайдиган, қуш учмайдиган жойга қўясан.

– Мен биттасини отдим, иккитасини Жалма. Бугун унга ҳавас қилсанг бўлади.

Хасар тинчланди. Жалмага ҳавас қилишни ўзига ор билди.



Дарё бўйида тўхтаб, гўшт пиширишди, дам олишди. У ёғига Белгутой икковлари кетишди. Укалари ҳам, Жарчитойнинг ўғиллари ҳам ортга қайтишди.

Тойчуютлар еридан ҳеч кимга рўпара бўлмай, тинчгина ўтишди. Кераитлар ерларига киришганида, биринчи кичик овулнинг ўзидаёқ, уларнинг қуролларини олиб қўйишди ва бу ёғига қоровуллар назоратида боришларини айтишди. Қоровулларнинг гапидан, Темучин кераитлар найманлар билан урушишаётганини билиб олди. Улар ўтиб бораётган овуллар қаттиқ қўриқланаётган бўлиб, бу ерларда отлар туну кун эгарлоғлиқ турар, жангчилар ҳам қурол-аслаҳаларини ечмай ухлашар экан. Тўла дарёси қирғоғидаги қарағайзор яқинида жойлашган хон ўтови икки қатор арава билан ҳимояланган эди.

Гавжум ва бегона бу улус ичида юриб, Темучин ўзини ғоят ожиз, сафарга отлантирган ташвишини эса ушалмас орзу, деб ҳис этди.

Тўғул уларни кичикроқ бир ўтовда қабул қилди. У эғнига ерга тегар даражада узун, тўқ-қизил матоли, ёқаларига кашта тикилган чопон кийиб олган эди. Томирлари бўртиб турган бўйнидаги кумуш занжирни оғиргина хоч тортиб турарди. Хон қўлларини ярақлаган белбоғига тираганича, Темучинга узоқ тикилди.

– Кимсизлар? Ҳузуримга не юмуш билан келдингиз? – Бирдан унинг кўзлари катталашиб кетди. – Сен Есугайнинг ўғлимисан? Бу-чи?

– Укам Белгитой.

– Ҳа, ҳа, энди кўриб турибман, уканг. Мен бўлсам, андам Есугайнинг авлодларидан ҳеч ким қолмабди, деб юрардим. – Хон Темучиннинг олдига яқин келди. Сен отангга қуйиб қўйгандай ўхшар экансан!

Хон барваста бўлса ҳам, Темучин ундан гавдалироқ эди, ўнғайсизланиб, ўзи билмаган ҳолда, бошини елкаси ичига олиб, сал эгилиброқ турарди. Хон қизил юзли, сийрак соқол, яшил чопон кийган, оппоқ наमत қалпоғининг чеккаларига ипак тизимчалар қадалган ёшгина бир нўёндан бошқа ҳаммага жавоб бериб юборгач, Темучин сал енгил тортди. «Хоннинг ўғли Нилха Сангун», деди ичида Темучин.

Тўғул ўтириб олиб, ака-укаларни боягидай синовчан назар билан кўздан кечирди. Унинг нигоҳидан Темучин Белгитойга олақараш қилди. Белгитойнинг эзилиб кетган қалпоғи остидан тер оқиб тушар, кўзларида эса ҳайрат қотиб қолганди. Аҳмоқ, бу ердаги нарсаларни кўриб ақлдан озди, шекилли! Чопони ҳам этагигача ёғли доғ-дуғлар билан бежалган, белбоғи қорнидан пастда осилиб ётибди, гутуллари ҳам ямоқ-самоқ эди. Ўзига қарашга юраги дов бермади, номусдан юраги бир тутум бўлди...

– Доно хон, бизнинг бу кийимларимиздан ҳазар қилмагин. Йўллар хатарли, шунинг учун биз сафарга қорачалар кийимида чиқсак бежавотирроқ бўлади, деб ўйладик.

Хон тушунаман дегандек бошини чайқаб қўйди. Унинг сувчечак ўйиб ташлаган юзида маънодор табассум бор эди. У Темучин нима дейишини, ўзини қандай қилиб оқлашини олдиндан билган кўринади. Хоннинг



бу кулгисидан Темучиннинг ўзи ҳам ёниб кетиб, Белгитойнинг аҳволига тушди.

– Сизларни жуда ҳам қийнашгани ҳақида миш-мишлар юрувди, шу гап ростми?

Темучин ўзининг ўткир мулоҳазаси ва шубҳалари кучи билан билдики, хон унинг оғир ҳаётдан нолишини, камбағаллик ва хўрликлардан шикоят қилишини кутяпти. Э, йўқ, у нолимайди, акиллаган ит тепки ейди, холос.

– Ҳаммаси бўлди, доно хон. Лекин биз яшаб кетдик. Онамиз осмоннинг мадади билан бизларни оёққа қўйди. Ҳозир анча яхши...

Белгитой акасига кўмак керак, деб ўйлади, шекилли.

– Бизларни шунақанги қувғин қилишди, азоблашди-ки! Буюк хон, улар Темучиннинг бўйнига қанға ҳам илиб қўйишувди, – деди.

Темучиннинг азбаройи жаҳли чиққанидан бармоқлари учиб-учиб тушди. У укасига шундай қарадики, Белгитойнинг нафаси ичига тушиб, жим бўлди.

– Ўтган гаплардан нима фойда! – Темучин қўлини беҳафсала силтаб қўйди. – Тойчоқларни чўлоқ отлар ҳам тишлаши мумкин.

– Отангиз менинг ҳақиқий укамдек эди, – деди Тўғул хаёлчанлик билан. – Биз бир-биримизга доим ишонардик. Мен сизлардан хабар олиб туришим керак эди. Эплай олмадим. Энди бўлса... менга хизмат қилишни истайсизми? Ҳар бирингизга ўзингизга лойиқ иш бераман.

Темучин бошини чайқади.

– Биз бунинг учун келганимиз йўқ.

Бу жавоб хонни ажаблантирди ва ҳайронлигини яшириб ўтирмади. Темучин бўлса, боягидай тортиниб-талмовсирамай хонга таъзим қилганча:

– Айтинг, тўрваларимни олиб келишсин, – деб илтимос қилди.

Нилха Сангун ўтовдан чиқиб кетди-да, тезда қайтди. Хизматкор елкасида уриниб кетган тўрваларни кўтариб келиб, ўтов остонасига қўйди. Темучин ўралган пўстинни олиб, хон олдида тиз чўқди.

– Бизнинг отамиз йўқ, лекин сен борсан – отамизнинг тутинган акаси. Сен биз учун барибир отамизнинг ўрнидасан. Мен сенинг ҳузурингга шодлигимни баҳам кўргани келдим. Яқинда биз тўй қилдик. Хотиним кўнғиротларнинг кучли улусидан. Онамдан кейин мен учун энг азиз инсонни бундан хабардор қилмай бўлармиди? Доно хон – ота, сенинг ҳузурингда бошимни эгаман, менинг фарзандлик муҳаббатим билан қўшиб мана шу совғамни ҳам қабул қилсанг.

Темучин чаққонлик билан, бир ҳаракатда пўстинни ёзиб юборди. Тўқ-қора рангдаги пўстин ярақлаб, жилваланиб кетди. Тўғул ишонқирамай пўстинни пайпаслаб кўрди.

– Ў! Бунақанги совғани Олтинхонга ҳадя қилишга ҳам уялмаса бўлади! Кутмаган эдим. Мен, тўғриси, қаттиқ муҳтожлик сабабли келгансизлар деб ўйловдим.

Темучин келганидан бери биринчи марта кулди. Ярақлаб турган пўстинни силаб ўтирган Тўғул катта улуснинг ҳукмдорига ўхшамасди. Шу топда у қувонишни биладиган оддий одамга айланиб қолган эди.

– Хўп, йигитлар, пўстин учун раҳмат! Энди бориб дам олинглар. Сал туриб нўёнларим тўпланишади, мен сизларни чақиртираман. Пўстинни, – Тўғул айёрона чимирилди, – пўстинни кейинроқ ҳадя қиласан.

– Хон ота, сен бизларга жуда улуғ марҳамат кўрсатяпсан. Биз андам ва отамизнинг шаънини ерга уриб қўймаймизми бу кийимларимизда? – Темучин чопонининг ёқасини ғижимлаб қўйди.

– Нима, тўрваларингизда бошқа ҳеч нарса йўқми?

– Биз йўлга енгилгина отланувдик...

– Бора қолинглар. Ўғлим, уларни кузатиб қайтиб кел.

Нилха Сангун ака-укаларни қўшни ўтовга бошлаб кирди.

– Бу ўтовда мен яшайман. Сизлар менинг меҳмоним бўласизлар.

– Биз Жамуха билан кўришамизми? – сўради Темучин.

– Сен уни қаердан биласан? – сергак тортди Нилха Сангун.

– Биз бирга катта бўлганмиз. У менинг андам.

– Ҳа... – чўзиб гапирди Нилха Сангун. – Жамухани кўролмайсизлар. У бу ерлардан узоқларда кўчманчилик қилади.

Темучин тутинган биродари ҳақида сўраб-суриштирмоқчи эди-ю, аммо Нилха Сангуннинг кўзларидаги сергаклик аломати уни тўхтатди.

– Сенинг отанг, Нилха Сангун, бизга ҳам ота. Бундан келиб чиқадики, сен ҳам бизнинг биродаримизсан. Қасам ичиб айтаманки, сенга биздан садоқатлироқ биродарлар бўлмайди! – Темучин сўзларини тасдиқлаган бўлиб, мушти билан кўкрагига уриб қўйди.

– Отам Есугай баҳодирни кўп эсларди. Бунақанги тутинган биродарлик ҳозирги пайтда жуда кам учрайди, деб бот-бот гапириб юрарди.

Тўғулнинг ўғли уларни биродар деб аташга унча ҳуши йўқдай эди.

– Биз, Есугайнинг ўғиллари ҳам дўстликни отамиздай қадрлай олишимизни кўрарсан ҳали.

Нилха Сангун, майли, кўрармиз, дегандай елкаларини учириб қўйди-да, ўтовдан чиқиб кетди. Темучин унинг кираверишга осиб қўйилган қурол-аслаҳаларини кўздан кечира бошлади. Иккита дубулға, эгри қилич, яна битта калта, оғир қилич, пичоқлар, ўққа тўла садоқлар... Орқа томондан Белгитойнинг пишиллаши эшитилди.

– Нима дейсан?

– Энг асосий нарсани айтмадинг-ку? Пўстинни олади-ю, бизга ҳеч нарса бермайдими?

– Сабрли бўл. Кейин, онасини эмаётган кўзичоққа ўхшаб жим ўтир. Агар яна менинг рухсатимсиз гапга аралашсанг, билиб қўй... – Темучин ўгирилиб, Белгитойнинг қора кокилидан ушлаб ўзига тортди. – Оғрияптими? Бундан ҳам баттар қиламан.

Нилха Сангун қўлларида тугун ушлаган иккита хизматкор билан қайтиб келди.

– Буларнинг ичида отам ҳадя қилган кийимлар бор.

Хизматкорларга жавоб бериб юбориб, ўзи тугунларни еча бошлади. Ҳалқача гуллар тикилган жигарранг чопонлар, қизил ипак астарли наMAT қалпоқлар ва кўнжи кенггина гутулларни ерга ёйиб қўйди.



– Кийиниб олинглар.

Бу ерда Белгугтой Темучиндан чаққонроқ чиқиб қолди. Тезда кийиниб олиб, ўзини томоша қиларкан:

– Бай, бай, бай, мана буни кийим деса бўлади! Мен бунақасини ҳечам кўрмаганман, – деди.

Нилха Сангуннинг лабида истехзоли табассум пайдо бўлди.

– Бу – тангутлар кийими.

– Тангутларинг кимлар?

Нилха Сангун энди очиқ-ошкора киноя билан деди:

– Тангутларни билмаган одам бормикан! Уларнинг давлати буюк ва бадавлат. У ерда одамлар ўтовлар, чайлаларда эмас, гуваладан ясалган уйларда яшайди.

– Унақа уйни кўчириб кетиш учун қанча ҳўкиз керак бўларкан-а?

– Уйлари бир жойда тураверади.

– Бўлмаган гап! Чорва ўт-ўланни еб битирса нима бўлади?

– Кимнинг чорваси бўлса, кўчманчилик қилади, ким гуруч, дон-дун экадиган бўлса, бир жойда муқим яшайди, – секин тушунтира бошлади Нилха Сангун. Аммо ичида Белгитойнинг калтафаҳмлигидан кулган бўлса ҳам керак.

Темучин ҳам шу топда укасини тергаб ўтирмади, чунки унинг ўзи ҳам тангутларнинг номаълум яшаш тарзларини билиб олгиси келди. Нилха Сангунни гапларига қулоқ солиш баробарида у шошилмасдан кийинди. Чопоннинг елкалари тор бўлиб, эркин ҳаракат қилишга ҳалал берарди, гутуллари ҳам сиқар, қалпоғи бўлса катталигидан кўзларини ҳам ёпиб турарди. Бегонаники барибир бегона-да.

Бироқ кераит нўёнларининг кийган кийимларини кўриб (либосларнинг ранг-баранглигидан кўз қамашарди), Темучин Тўғулнинг ҳадяси-дан миннатдор бўлди. Ўзларининг униққан, жулдури чиқиб кетган кийимларида улар худди ўрдаклар орасида юрган читтакларга ўхшаб қолганди.

Темучин хонга сувсар пўстинни иккинчи бор ҳадя қилганидан сўнг (нўёнлар анчагача пўстиндан кўз узолмай қолишди), Тўғул ака-укаларни ёнига ўтқазди, ўзи қимиз узатди. Кейин Есугайнинг ақли, қахрамонликлари, иккаловлари қандай қилиб душманларнинг маккорона режаларини барбод қилганларини гапира кетди. Темучин ҳақидаги гаплари ҳам мана шундай мақтовлардан иборат эди. Унинг гапларига қараганда, ташқи кўриниши ҳам, жасурлиги ҳам, мулоҳазалилигию каттагина улуси ҳам Темучинга отасидан ўтган эмиш ва у ҳам бир вақтлари Есугай баҳодир каби, кетидан каттагина қўшинни етаклаши мумкин экан. Буни эшитиб, Темучиннинг ранги бўзариб кетди. У ахир ўзининг дардлари, ночор турмушини яшириб, хонни алдаган эди-да. Агар бу ёлғонлар ошкор бўлиб қолса, уларни сўкиб-сўзлаб ўтовдан кувиб чиқаришлари тайин. Ҳайдаб чиқаришмаган тақдирда ҳам, «отасининг улусини бошқариб юрган» одам қанақасига ёрдам сўраши мумкин? Ўзимни ўзим алдабман мен аҳмоқ! Бунинг устига лаънати пойабзали-

нинг сиқишини-чи! Оёқлари зирқирашидан гўё юмшоқ чарм эмас, қизиб турган темир кийиб олгандай эди.

Меҳмондорчилик тугагунича зўрға чидади. Ўтовга тунд, ўзидан хафа аҳволда қайтди. Гутулини ечиб отди-да, чопонини ечиб ўтирмай ўринга ётиб олди.

– Бунақа кийимлар ҳаётда бир маротаба берилади, – деди-да, БелгUTOй гутулларни олиб, чангларини қоқди ва бир чеккага олиб қўйди. – Уни авайлаш керак...

Темучин унга қалпоғини отиб, тескари ўгирилиб олди. Қаерда хато қилди? Нимада адашди? Гўёки ҳаммасини ўйлаб-жўйлаб, тўғри қилаётгандай эди. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмасди. Лекин хон... У калтафаҳмлардан эмас-ку! Балки, бу ерда бирон-бир хуфя режа бордир? Нилха Сангун ҳам келмаяпти. Ундан бирон-бир нарсани билиб олармиди. Қаёқда... Хоннинг ўғли анойилардан эмас...

Нилха Сангун эрталаб келди. Яна уларни отасининг ўтовига бошлади. Хон уларни буғдой унидан қилинган патирлар, гуруч бўтқаси, қовурилган қўй гўшти ва чой билан меҳмон қилди. Бу нотаниш егуликларнинг ҳаммаси Темучинга бемаза ва тузсиз бўлиб туйилди.

– Сен нимага ҳеч нарса емаяпсан? – сўради хон.

– Ота, менинг дилим хуфтон бўлиб турибди. Сен кеча мени қилмаган ишларимни айтиб, ноўрин мақтадинг. Мен сенинг душманларинг устига қирғийдай ташланишга, ўтовинг остонасида содиқ ит каби ётишга рози эдим. Лекин отам ўз жасорати билан қўлга киритган бойликлар ичи қора, ҳасадгўй одамлар томонидан талаб кетилган. Отамнинг улусини қайтиб олмагунимча бошқа бир нарсалар ҳақида орзуларга берилиш мумкинми?

Темучин сўз танлаб ўтирмай, тилига нима келса, ўшани гапирарди. У ўзини ҳар қандай айбловлардан оқлаш ва мақсадларининг самимийлигига хонни ишонтиришга ошиқарди.

Тўғулнинг қўли хочни шунчалик таранг тортдики, сал тегса кумуш занжир жаранглаб кетадигандек.

– Ростгўйлигинг мақтовга лойиқ. Лекин бу сўзларингдан менинг ёнимда бўлишни истамаётгандек туйиляпсан.

– Хон ота, қани эди, қололсам!

– Майли, ишонаман. – Унинг нигоҳи Темучиннинг юзида тўхтади. – Ишонгим келяпти. Худди сенинг отанга ишонганим каби. Сен ҳали ёшсан, ҳақиқий ишончнинг қимматини билмаслигинг мумкин. Одам билан очиқ-часига, рўйи-рост гаплашиш қанчалик бахт. Отанг билан биз шундай гаплашардик. Нўёнларим билан суҳбат бошқача бўлади. Кеча сени осмонларга кўтара туриб, мен уларга хиёнатчи ва сотқинларнинг боши кетишини эсла-тиб қўйдим. Отанг сотқинлардан қутулишда катта ёрдам берган. У ўлганида манфурлар хурсанд бўлишди. Мен уларга унинг ўғли тирик экани ва у мени ўзининг отаси деб билишини уқтириб қўйдим. Сенингча, мен нотўғри қилибманми?



– Иккиюзламачи одамларга нафратимнинг чеки йўқ! Бироқ менинг қиличим калта ва садоқларимда ўқларим саноклик, – деди Темучин.

У бу гапни шунчалик чуқур ўқинч билан айтдики, Тўғулхоннинг авзойи ўзгариб, чеҳраси очилиб кетди.

– Ҳечқиси йўқ... Тўғрисўз ва зуккологинг кўриниб турибди. Бу хислатинг менга ёқди. Қиличинг узун бўлади, садоқларинг ўқларга тўлади. Мен сенга виждонсиз одамлар олиб қўйган ҳамма нарсангни қайтариб олишингда ёрдам бераман. Қарзимни узаман. Лекин бироз сабр қилиб турасан. Улусимга найманлар таҳдид солиб турибди. Бизнинг анчадан бери сақлаб келаётган тинчимиз Кўксу Сабрак келиб-кетиши билан издан чиқди. Унинг оти туёқлари эзган майсалар ҳали ўзини ўнгламасиданоқ, найманлар овулларимдан бирини талаб кетишди. Ҳозир аҳволимиз оғирроқ. Тўғри, буюк Олтинхон ўз қўшини билан бизга ёрдам бермоқчи. Аммо улар бу ерга салти-сувой келишади-да, ўлжалардан отларининг бели букчайиб қайтишади. У ўлжаларни найманлар элида жанг қилиб эмас, менинг овулларимдан олишади. Темучин, бизлар бир-биримизни ёлғизлатиб қўйсақ, ҳеч ким ёрдам беролмайди. Менга суян. Оёққа туриб олсанг, жангларда ёнма-ён юрамиз, на татарлар, на меркитлар ва на найманлар бизга хавф сололади.

Темучин хоннинг сўзларини қақроқ ер тонгги шабнамни шимиб олгани каби дил-дилига жойларди. У хоннинг гаплари самимий эканини сезиб турарди. Шундай катта ва қудратли одам унга очилиб гапирганининг ўзиёқ, унинг ваъдалари ишончли эканлигига кафолат эди. Лекин Темучиннинг кўнгил хижили ёзилмасди. Хон қанчалик мурувват кўрсатмасин, модомики у қариндошлари ва уруғдошларини ўзига оғдириб олмас экан, ҳеч нарсани ўзгартиролмайди. Ҳар қалай, шомон тўғри гапни айтган экан.

У энди нима қилиш кераклигини яхши билар, шу сабабли уйига ошиқарди.

Кузнинг кучли, изғирин шамоли сарғайган ўтларни ерга букиб юбормоқдайди. Туси айниган осмонда қорамтир булутлар сузиб юрарди. Темучин қамчиси билан отини ниқтаб қўяр экан, кимсасиз кенгликларга суқланиб тикиларди. Белгутой ёнгинасида от чоптириб келяпти. Янги кийимда у янаям хушқомат, чаққон ва чиройли кўринарди. Буни ўзи ҳам ҳис қилиб турарди, шекилли, эгарда хиёл қийшиқ ўтириб, қўлида жилов тасмасини айлантириб келарди.

– Хоннинг совғасидан хурсандмисан? – сўради Темучин.

– Бўлмасам-чи! Уйдагилар ҳасаддан кўкариб кетишади энди. Темучин, чопонимни Хасар олиб қўядиган бўлса, менинг ёнимни оласанми?

– Хасар олиб қўймайди. Чопонингниям, бошқа нарсаларингниям ўзим олиб қўяман. Ҳамма кийимларни – ўзимникини ҳам, сеникини ҳам навкарларимга бераман.

– Қандай навкарлар?..

– Бовурчи ва Жалмага. Шу кийимларни кийиб улар овулларни айланишади. Кераитлар хони биз билан эканини кўриб қўйишсин. Ҳамма билиб олсин, садоқатли одамлардан мен ҳеч нарсани аямайман.

ТҮРТИНЧИ ҚИСМ

I

Қишда саҳрода ҳаёт тўхтади. Ҳалокатли бўронлардан кўрққан одамлар ўрмон ва тоғ тарафларга кўчиб кетишади. Қушлар жанубга, жайронлар шимол тарафларга, юмронқозиқ ва тарбағонлар эса қор босган инларининг энг чуқур жойларида қиш уйқусига кетишади. Кўз илғай олмайдиган кенгликлар бўм-бўш. Ўнгурлар совуқ қуёш нурида ялтирайди, аҳён-аҳёнда шамол силаб кетган қор устида из қолдирмай тулки югургилаб қолиши, ориқлаб кетган шоқолнинг нолон увиллашини демаса, бошқа пайт саҳрода на бирон товуш ва на бирон ҳаракат сезади. Лекин гоҳида саҳрога ёпирилиб келган шурғон шамоли қор тўзонини кўтариб қолади-да, қуёш ҳам, осмон ҳам кўринмай кетади. Бундай пайтларда кафтдай саҳро узра қутурган шурғон шамолининг визиллаган, шувиллаган, ингиллаган товушлари сурон солади-да, унинг йўлига рўпара бўлган жонзотларнинг шўри қурийди.

Қиш овулларга ҳам тинчлик олиб келади. Қабилалар ўртасидаги урушлар, шум ниятли кишиларнинг босқинчиликлари тўхтади. Қиш – ов мавсуми. Шомон белгилаб берган омадли кунда эркаклар отларига миниб, икки қанотга бўлинишади-да, қуршовни бошлашади. Қабила қанча катта бўлса, мерганлар ҳам кўпроқ бўлади. Демак қуршов ҳам кенг, ўлжалар ҳам мўл бўлади. Чавандозлар сафи водий ва доvonларни айланиб ўтиб, аввалдан келишилган жойга қараб сиқиб келаверади. Улар қанчалик яқинлашса, давра ҳам шунчалик торайиб боради ва улар энди шунчаки қанот эмас, узун бир арқонга ўхшаб борган сари буғулар, тўнғизларни сиқиб келар экан, сезгир бўрилар ҳам жонсарак бўлиб қолади ва ер пусиб ётиб, қуршовдан чиқиб кетишга шай туришади. Арқон таранг тортилган пайтда, ўртага қабила нўёни чиқиб келади-да, камонидаги ўқларини учира бошлайди. У шошилмасдан, танлаб отади. Топталган қор жониворларнинг қора қонига қорилади... Кейин аслзодалар ўз маҳоратлари ва чаққонликларини намойиш қиладилар. Нўён эса гуриллаган гулхан олдида ўтириб олиб, навқари узатган ҳали иссиққина, дириллаб турган буғу жигарини олиб, шошмай кавшар экан, овни кузатиб ўтиради. Нўён ўзининг ҳам вақти-соати етиб қолганини ўйламайди ҳам.

Темучин саҳрода қишлаб қолди. Ўтовларини унча чуқур бўлмаган жарликка қурди – озгина бўлса ҳам, шамолдан ҳимоя-да. Ўчоқларда туну кун олов ўчмас, аммо бўрон кўтарилган пайтларда шамол иссиқликни олиб ке-



тиб қолар ва ўтов ичи шу қадар совиб кетардики, оёқ-қўллар увишиб қоларди. Онаси, Бўрта, Хоахчин тинимсиз йўталганидан укалари уни Хентей тоғи этакларига кўчишга ундар эди. Аммо Темучин бу ердан кўчиш тўғрисида гапиришни ҳам истамасди. Қиш саҳроси уни бир туман жангчилардан кўра ишончлироқ ҳимоя қилишини у яхши биларди.

Унинг ўзи бу қиш уйда жуда кам бўлмоқда эди. Баъзан уч киши – ўзи, Бовурчи, Жалма, баъзан ҳар бири ёлғиз овулларга кириб борар ва бир пайтлари отасининг қўл остида бўлган одамларни ҳозирги нўёнларини ташлаб, у тарафга кўчиб ўтишга даъват қиларди, бунинг учун ҳар хил ваъдалар бериб юборишдан ҳам тоймас эдилар. Одамлар уларга ройиш билдиришдан ҳам, сўзларини эшитишдан ҳам қайтмас эди. Чунки улар билан ҳамиша шомон Таб тангри ҳам бўлар, у эса одамларнинг онгига уларни қаерда ғам-алам, қаерда фаровонлик кутаётгани ҳақидаги фикрларни сингдиришга жуда уста эди. Бироқ шомон ишонтирган само иродаси ҳам, йигитлар берган катта ваъдалар ҳам одамларни ўз жойидан қўзғатолмасди. Диққат билан эшитиб, ҳар бир гапни маъқуллаб бошларини чайқаб ўтиришарди-ю, бир қарорга келадиган вақтда ҳаммалари келишиб олгандай: «Кутиб турайлик-чи»дан нарига ўтолмасди. Фақат яшаётган жойларида ташлаб кетадиган ҳеч нарсалари бўлмаган оз сонли одамларгина Темучин томонга кетишга розилик берар, аммо уларни таъминлаш учун Темучинда на ортиқча егулик, на кийим бош, на отлар-у на қуроллар бор эди... Бундай пайтда Темучиннинг ўзи ҳам уларга «Кутиб турунглар» дейишдан бошқа чораси қолмасди.

У яқинда ҳаммаси яхши бўлишига ишонарди. Одамлар чеки кўринмайдиган ўзаро урушлардан чарчаган, кўчманчиларнинг уйларию жонларини ҳимоя қилолмайдиган нўёнларидан дарғазаб бўлиб юришарди. Барча овуллардаги одамларнинг ўйлари бир эди. Агар у ўзининг нималарга қодир эканини кўрсата олса, одамлар унга эргашиши аниқ эди.

Аввалига у бегона овулларга кўрқа-писа, аксарият ярим тунда бостириб кирган бўлса, бора-бора кўркуви тарқади. Унга ишонмаган ёки унга қарши бўлганлар ҳам Темучинни тутиб беришни хаёлларига келтирмасдилар. У шунчалик ўзига ишониб кетдики, Бовурчининг отаси Ноху Боёндан Тарғутой Қирилдуқ овга чиқиб кетибди, деган хабарни эшитиши билан тойчуютларнинг энг марказий овулига ҳам кириб борди. Эҳтиёткор Жалма уни йўлдан қайтармоқчи бўлди:

– Агар овулда қоровуллар қолдирилган бўлса, бизни тутиб олишади.

– Қишда овулларда қоровуллик кучли тузилмайди. Қирилдуқнинг овуллари бўлса, ҳар тарафдан тойчуютларнинг овуллари билан ўралган. Шундай бўлгач, у ерда ҳеч қандай қоровулнинг ўзи бўлмаса ҳам керак.

– У ёққа бориб нима қиласан, Темучин? – сўради Бовурчи. – У ерда кимни кўрмоқчисан? Шомон айтган эди-ку...

– Сен, мени шомоннинг чизган чизиғидан чиқмайди, деб ўйлайсанми? – дўстининг гапини бўлди Темучин. – Кетдик!

Кун ғира-шира эди. Осмондаги қуюқ булутлар пастлаб сузиб юрар, сайхонликларда ялатма изғирин бор эди. Темучин, Бовурчи ва Жалмалар

ўрмон ёқалаб боришар, бу ерда уларни кўз илғаши қийинроқ эди. Олдинда, ҳар доимгидек, Жалма. Чап қўлида жилов, ўнг қўлида камони. Салгина хавотир туғилиши билан камонини ишга солиши аниқ. Бовурчи Темучиннинг орқасида юриб, атрофни диққат билан кузатиб келади. Бу йигитлар билан у ўзини ҳар қандай ерда ҳам бежавотир ҳис қилади. Уларнинг кўзини шамғалат қилиш, доводиратиб қўйиш мумкин эмас.

Туёқлар остида қор ғичирлар, шох-шаббалар чирсиллар эди. Болаликдан таниш ерлардан юриб боришарди. Қаердадир, ўнг тарафда Делюн Балдоқ дараси қолди. У ўша ерда туғилди, ўша ерда унинг энг бахтиёр болалик йиллари ўтган. Одатда ўтовлар кўлдан унча узоқ бўлмаган тепаликнинг устига қурилар эди. Тонг ёриша бошлаган маҳал, қуёш нурлари сўқмоқдан сув томон чопқиллаб борарди. Оёқлари муздек шабнамда кесакдай бўлиб қоларди. Қирғоқ бўйида унда-бунда ўсган қиёқ ва қамишлар орасидан ўрдаклар учиб ўтарди. Бир айланиб учиб, кўлнинг ўртасига, қалпоқ шаклидаги думалоқ оролча яқинига келиб қўнар, шунда ойнадек силлиқ кўл юзаси тебранишга тушиб, оролчадан қирғоққа қараб майда тўлқинчалар тарқаларди. У кўлга тош отган пайтларда ҳам доира шаклида худди мана шунақа тўлқинчалар атрофга тараларди. Толлар ва арчалар билан қопланган қарама-қарши қирғоқ панада қолган, ўша тарафдан паға-паға туманлар кўтарилар, офтоб нурида сал тоблангач, кўздан ғойиб бўларди.

Ўтовлардан нарида, бағрикенг ялангликда мустаҳкам қарағайлар қад ростлаб турарди. Тағларида эса хурпайган ғуддалари сочилиб ётарди. Қарағай тагида ялангоёқ юрилганда ғуддалар оёққа қаттиқ ботиб оғритарди. Оқшом чоғи чивинлар ғинғиллаб қолган пайтлари у ўша ғуддаларни гулханга қалаб ўтиришни хуш кўрарди. Улар чирсиллаб, ёрқин ёнар, аввалига бўртиқлари қораяр, ҳароратдан ўрала бошлар ва эртаклардаги сеҳрли олов-гулга ўхшаб қоларди.

Делюн Балдоқ... Унинг қадрдон манзили. У шу ерда илк бор отга ўтирган, камондан ўқ отган. Энди Делюн Балдоқ бегона. Муз босган кўл ҳам, қарағайлар ҳам, қор босган сўқмоқлар ҳам – ҳаммаси энди бошқа одамларга қарашли...

Жалма жиловни тортди. Чап тарафда дарахт ва буталардан холи торгина яланглик кўринди. Жанубий қирликда отлар тўдаси туёқлари билан ерни қордан тозалаб, кўринган ўтларни чимдиб юрарди. Одамлар кўринмасди-ю, лекин узоқда, тепаликлар ортида тутун кўтарилиб турарди. Тарғутой Қирилдуқнинг овули ўша ерда. Ялангликни ўрмон томондан айланиб ўтиб, овулдан уч-тўрт камон ўқилик масофада тўхташди. Овул пасттекисликда жойлашган бўлиб, юқоридан Тарғутой Қирилдуқнинг қордай оппоқ ўтови яхши кўриниб турарди. У нўённинг қариндошлари ва навкарлари яшайдиган бошқа кичикроқ ўтовлар билан ўралган эди. Ундан ҳам берироқдаги аралаш-қуралаш ўтовлар ҳалқаси чўпонлар ва бўғоллар – қулларники эди. Нўён ўтови олдидаги кенггина майдон кимсасиз, қозикда боғлоғлиқ турган беш-олтита от эгарланмаган эди. Демак, эркаклардан кимдир бор экан. Темучин ҳам шундай бўлишини кутган эди. Қирилдуқ овулини бутунлай



қаровсиз қолдириши мумкин эмас-ку. У қандай хатар қутаётганини биласизларми, дегандай, Бовурчи билан Жалмага қараб қўйди. Жалма камон ёйини бармоғи билан тирнаб сокингина диринглатиб, қировдан оқарган бароқ қошларини учириб-учириб ўтирарди. Бовурчи овулдан кўз узмай, ўзи сезмаган ҳолда, тулки терисидан тикилган кулоқчини остидан чиқиб турган кокилини тортқилаб турарди. Ҳа, уларнинг ҳаммаси тушуниб турибди. Балки кўрқув уларни Темучиндан кўра камроқ безовта қилаётгандир: қўлга тушиб қолишса нима бўлишини улар яхши билишмайди. Темучин эса биларди... Шундай бўлса ҳам, ортга қайтмайди. У ўйлаган режасини амалга ошириши керак. Бошладингми – кўрқма, кўрқсанг – бошлама! Шимол тарафдан овул ўтовларига тақалиб бутазор ястаниб ётарди. Темучин ўша ёқдан борсакмикин, деб ўйлади-ю, аммо тезда бу ниятидан қайтди. Буталар пакана бўлганидан отличларни пана қилолмасди. Яхшиси очиқ жойдан боравериш керак. Шунда тойчуютларда ортиқ шубҳа туғдиришмайди.

Иш кўзланганидек бўлди. На овулга кираверишда ва на ичкарида уларга ҳеч зоғ эътибор бермади. Оқ ўтов ёнида Темучин билан Бовурчи тезгина отлари жиловларини Жалмага тутқазди.

– Ўтовга ҳеч кимни киритмасдан кутиб тур, – буюрди Темучин. Шу пайтда ўтов пардаси кўтарилди. Ичкаридан иссиқ буғ кўтариб Овчи баҳодир чиқиб келди. Рўпарасида турган Темучинни кўриб, талмовсираб қолди.

– Кутмаганмидинг? – ясама мулозамат билан сўради Темучин. – Бир пайтлар сен мени қидириб юрар эдинг. Энди сени қидиришга тўғри келяпти.

У пичоғини қинидан суғурди. Овчи баҳодир бир сакраб, ўтов орқасига қараб қоча бошлади. Жалма отган ўқ унга тегмади. Овчи баҳодир ҳали чап, ҳали ўнг томонга ташланиб, ўқларга усталик билан чап берарди. Тез орада у ўтовлар орасига кириб ғойиб бўлди-да, ўша ёқдан унинг жони борича қичқиргани эшитилди.

Жалма жаҳл билан сўқинди. Бовурчи қиличини яланғочлаб ўтовга бостириб борди. Темучин ҳам унга эргашди. Ўтовда Олтой билан бир нечта аёллар бор эди. Улар бир товоқ буғи чиқиб турган гўшт атрофида ўтириб овқатланишарди. Бовурчи оёғи билан товоқни бир тепиб, Олтойнинг жун чопони ёқасидан олди, қиличининг ёни билан елкасига туширди.

– Тур ўрнингдан, дайди итвачча!

Хотинлар чийиллашиб, бир тўда бўлиб олишди. Олтой кўзларини олазарак қилиб ўрнидан турди, ёғли кўлларини ёнбошига артди. Бовурчи унинг бақалоқ қорнига қиличини тиради.

– Ҳозир Овчи баҳодир бу ерга навкарларини бошлаб келади. Агар улар бир дона ўқ отишса, сен ўласан. Хотинларга буюр, бориб Овчи баҳодирга айтсин: ҳаётинг – унинг қўлида.

Олтой қорнига, қиличининг ўткир тиғига бир қараб олди-да, бирор ножўя ҳаракати бошига бало бўлишидан чўчиб, орқасига ҳам қарамай буюрди:

– Бориб айтинглар!..

Аёллар ола-тасир эшикка қараб отилди. Темучин уларни тўхтатди.

– Овчи баҳодирга яна шуни ҳам айтиб қўйинглар. Ҳамма ёши улуғ одамларни шу ерга тўпласин. Менинг уларга айтадиган гапим бор, – деди ва Олтойга ўгирилди. – Кийин.

Қирилдуқнинг ўғли пўстинини елкасига базўр илди. Қўллари ўзиники эмасдай эди, гўё. Қони қочган япалоқ юзи эса кузги қайин япроғидан ҳам сарикроқ тусга кирган эди.

– Мана бунга қара, Бовурчи дўстим! Халқимизни мана шунақа одамлар бошқаришади! – Улар Олтойнинг қўлларини орқасига қилиб боғлаб, ўтовдан олиб чиқишди-да, Жалманинг отига ёнбошлатиб ўнгариб қўйишди. У ҳам гап нимада эканини тушунди-да, камонини йиғиштириб, қўлига пичоғини олди ва Олтойнинг бўйнига тиради. Темучин билан Бовурчи отларига миниб олиб кута бошлашди.

Одамлар ўтовлар орқасида тўпланишар, майдонга чиқишга юраклари бетламасди.

– Яқинроқ келинглари! – деб қичқирди Темучин.

Одамлар қўрқа-писа, аланг-жаланг қилиб яқинлаша бошлашди. Эркаклар озчилик эди. Асосан, аёллар, болалар ва қариялар. Темучиннинг кўзи Сурхон сорига тушди. Халоскорининг одамлар орқасига яшириниб туришини қаранг. На Тойчи Қури, на у таниган бошқа одамлар кўринарди. Овчи баҳодирнинг йўқлиги уни хавотирга солди. Қирилдуқнинг қора ити бир шумликни бошламаётганмикин?

– Халойиқ! – Темучин узангида туриб олди. – Менинг бу ерга келганимга ҳайрон бўлаётгандирсиз? Ҳа, мен сизларнинг олдингизга келдим. Кўпларингиз отамнинг хизматкори эдингиз. Куч билан, дўқ-пўписалар билан сизларни ўз бекангизни ташлаб кетишга мажбур қилишди. Мен кичкина эдим. На онамни ва на сизларни ҳимоя қила олардим. Ўзим эса олийнасаб ва аслзода авлоддан бўлсам ҳам, қайсар қул каби бўйнимда қанға билан юрдим. Менга осмон мадад берди. Мана, мен яна шу ерда турибман, аммо энди озодман ва қўлимда қилич. Юрагимда қўрқув йўқ. Сизларга айтадиган гапим: ўзингизнинг азалий соҳибангиз ҳузурига қайтадиган вақт келди. Мен сизни чорваларингиз ва бошқа орттирган молларингиз билан кутаман. Садоқат мукофотланади. Буни сизларга мен, Есугайнинг ўғли – Темучин айтяпман.

Одамлар жим. У ҳеч кимса оғиз очмаслигини ҳам, дарров Тарғутой Қирилдуқдан кетиб, унинг ёнига бора олмаслигини ҳам биларди. Темучиннинг мақсади бўлак эди. Унинг қўрқмаслиги ва ботирлиги ҳақидаги овозалар овулдан-овулга ўтиб, жасур жангчилар у ҳақида ўйлашларини истарди. Чиндан ҳам улар «Темучин узоққа боради», деб ишонардилар. – «Куппа-кундузи Тарғутой Қирилдуқдай енгилмас душманининг остонасига келишга журъат қилибдими, танлаган йўлидан боришига ҳеч нарса халал беролмайди».

Овчи баҳодир ҳамон йўқ эди... Темучин буни бир сония бўлсин ёдидан чиқаргани йўқ. Гапини тугатар экан, огоҳлантирди:

– Орқамиздан ўқ отишни хаёлингизга ҳам келтирманг. Олтой биз билан кетади...



Овулдан биринчи бўлиб Темучин чиқди. Уни қўрқув босган эди. Аммо оломон унга қараб турганини ҳис қилгани учун ҳам эгариди тик ўтириб, орқасига ўгирилмай кетаверди. Фақат овулдан бир ўқ масофасида узоқлашишганидан кейингина отининг бошини орқага бурди. Кетидан Жалма боягидай, Олтайнинг бўйнига пичоқ тираганича келарди. Бовурчи отининг эгарига тескари ўтириб олган, қўлида камонини шай тутиб борарди. Темучин муздай ҳаводан кўкрагини тўлдириб нафас олди-да, бошидан ечган қалпоғи билан тиззасига бир уриб кулиб юборди.

– Мана шунақа! Бовурчи, ўгирилавер. Бу қўрқоқлар бизнинг ортимиздан қарашга ҳам чўчиб қолишди. Жалма, пичоғингни олиб тур. Сен бечора Олтойни тамом кўрқитиб юборасан. Ичи ўтиб кетмасин тағин. Уйига пиёда қайтиши керак-ку.

– Уни сўйиб ташламаймизми? – сўради Жалма.

– Қонхўрлигини қаранглар! У менин қариндошим. Аблах бўлса ҳам қариндошим. Олтой, сен мени ўзингга қариндош деб биласанми?

– Биламан, – хириллади Олтой.

– Кўрдингми, тан олади. Жалма, дўстим, ўз қариндошларининг қонини тўкиш яхшими?

Темучин ич-ичидан хурсанд бўлиб кетганидан, овозининг борича ашула айтгиси келиб кетди. У тунд осмонга қараб кулар, аллақайлардан учиб келатган қор учқунларини лаблари билан тутарди.

– Уни қара! – қичқирди Бовурчи.

Овулдан бир тўда отлик ажраб чиқиб, шиддат билан уларнинг изига тушган эди. Бу Овчи баҳодир. Кетиш керак. Бўлмаса улар кетларидан қувиб боради. Ким билсин, унда иш нима билан тугайди.

– Жалма, Олтойни қўйиб юбор.

Олтой ичи тўла қопга ўхшаб қорга қулади, ўрнидан туриб, Темучиннинг олдида бошини эгди. Темучин қамчисининг дастаси билан даҳанидан кўтариб уни ўзига қаратди. Эгардан энгашиб, унинг кўзларига тикилди:

– У ёқдан жангчилар келяпти. Уларга пешвоз чиққин-да, орқаларига қайтишини буюр. Айтганимни қилмасанг, кейинги учрашувимизнинг ниҳояси бошқача бўлади. Тушундингми?

– Ҳа.

– Мен айтгандай қиласанми?

– Ҳа.

Темучин отига қамчи босди-да, яланглик тепасига қараб учирди. Жалма йўл-йўлакай садоғидан ўқ суғуриб оларкан, Темучиннинг олдида тушиб олиб, ўз жойини эгаллади. Қир учида Темучин орқасига қаради. Отлиқлар Олтойнинг атрофини ўраб туришарди. Бироз туришгач, уч нафари овулга қайтиб кетди. Қолганлари эса яна уларни қувишда давом этди. Улар ўн икки киши эди.

– Қўлимга тушарсан, қариндош! – деб тўнғиллади Темучин тишини тишига босиб.

Қирилдуқнинг отлари чарчамаган бўлгани учун ораларидаги масофа тезгина қисқара бошлади. Темучин отни ўрмонга бурди. Отлардан бу

чиқар, тер босган биқинлари тез-тез кўтарилиб тушар, бурунларидан хириллаб нафас чиқарарди. Темучин ўқ-ёйини қўлга олди. Отлиқлар ўрмонга кўрқмасдан кириб борарди. Олдинда қамчисини ўйнатиб Овчи баҳодир келарди. Арча ортидан учта ўқ учиб чиқди. Овчи баҳодирнинг оти бир кишнади-да, «гуп» этиб орқасига қулади. Таъқибчилар тўхтаб қолди, пайдар-пай бир-икки ўқ узиб қўйди-ю, ортга чекинди. Фақат Овчи ўз жойида, отнинг танасини пана қилиб арча тарафга бенишон ўқ узарди.

Темучин ва ўртоқлари бўлса отларини учириб қолди. Яна ялангликка чиқишди. Ўрмондан кўра ялангликда таъқибчиларни кўриш осонроқ эди. Лекин ўртадаги масофа қисқариши билан яна ўрмонга кириб кетишарди. Биринчи ўқларнинг мазасини тотиб кўрган навкарлар энди эҳтиёт бўлиб ўрмонга яқинлашишди. Буни сезган Темучин тўхтаб ҳам ўтирмай, ўрмон ичи билан қочишда давом этар, то навкарлар кутган жойларида пистирма йўқлигини англагунларича улар анча узоқлашиб оларди. Агар қор устида хиёнаткорона муҳрланган излар қолмаганида эди, аллақачон таъқибчилардан кутулишган бўларди. Аммо ҳозирги аҳволда биргина умид тундан эди. Кун бота бошлаган, бахтларига, чарх уриб ёғётган қор ҳам қалинлашган эди. Отлар ҳолдан тойди. Энди қувиб келаётган навкарлардан ўқлар ёрдамидагина кутулиш мумкин эди.

Гира-ширада сийрак қарағайзорга кириб боришди. Тўхташди. Темучин энгашиб, кафтига қор сидириб олди-да, қуруқшаб қолган оғзига олиб борди. Шу дақиқада томоғига ўқ келиб қадалди. У ўқни суғуриб олди-ю, қонига беланиб, хириллаганича отдан қулади. Бовурчи уни тутиб қолди. Ҳушидан кетаётиб, Жалманинг:

– Қочинглар, мен уларни ушлаб тураман, – деганини эшитди.

Ўзига келганида қорда ётар эди. Дарахтнинг қалин танаси тагида олов ёниб турар, унинг яқинида тиз чўкканича Бовурчи ўтирарди. Яқинроқда бошларини ғамгин эгиб иккита от турарди. Қоп-қоронғи осмондан лайлакқор гупиллаб ёғарди.

Нафас олиши қийинлашган ва бутун баданини титроқ тутганди. Томоғида қон ҳиқиллар, ҳар нафас олганида оғриқ забтига оларди. Бовурчи унинг устига энгашди.

– Ҳа, сал дурустмисан ишқилиб?..

Темучин ундан Жалма қани, деб сўрамоқчи бўлди. Аммо сўз ўрнига унинг томоғидан билиқлаган қон чиқиб, оғриқ яна хушдан кетар даражада кучайди. Бовурчига учта бармоғини кўрсатиб, кейин иккитасини букди-да, биттасини қолдирди.

– Жалма қани, деб сўрамоқчимисан? Буни ўзим ҳам билмайман. Мен сени олиб, отлар тамом ҳолдан тойгунича чопдим. Фақат ўрмон ичи билан. Қор яхши ёғяпти, изларни тез кўмиб юборади. Бизларни тойчуютлар ҳам, тирик қолган бўлса, Жалма ҳам тополмайди. Мана, тошларни қиздириб қўйдим. Ҳозир сени даволаймиз.

Бовурчи ўт ичидан қизиб ётган тош парчасини чиқариб олди. Темучинни кўтариб, ўзининг тиззасига кўкраги билан ётқизди. Унинг юзини тошнинг



устига тўғрилади. Кейин тош устига бир сиқим қор ташлади. Қизиб турган тошга тушган қор вишиллаб эриб кетди-ю, тошдан қуюқ буғ кўтарилди.

– Нафас ол, энгил бўласан.

Ростдан ҳам секин-секин оғриқ босилиб, нафас олиши осонлашди. Титроғи ҳам йўқолди. Яна бироздан кейин оғзидан қуйилиб қолган қон ташлади. Шундан кейин ўзида энгиллик, бутун баданида сўлиш ҳис қилиб, қаттиқ уйқуга кетди.

Эртаси куни у, анчайин машаққат билан бўлса ҳам, эгарда ўтира оладиган даражада эди. Маконларига бежавотир етиб келишганида уларни соғ-омон ва бешикаст Жалма кутиб турарди.

Темучин қиш охиригача ўринда ағанаб ётди. Шунинг учун ҳам улар тирик қолган бўлсалар, ажабмас. Кейинчалик билишса, Тарғутой Қирилдук кутурганича ҳамма ёққа одамларини жўнатибди. Таб тангри «Темучин Тўғулхон элига кўчиб кетибди», деб гап тарқатгандан кейингина тинчибди.

II

Ўзбоши Чилгир Чиледуникига меҳмон бўлиб келди. Энгилгина чорик кийган оёғини чордона қилиб наMATга ўтирди, нигоҳи билан Қаймишни кузатиб чиқиб, хўрсинди.

– Сенга яхши хотин туҳфа қилишди. Менга бўлса ҳеч ким бунақа хотин совға қилмайди.

Чилгирнинг ёғ босган ёқаси кенг очилган, жун босган кўкраги кўриниб турар, кокил қилиб ўрилмаган қуюқ сочлари қулоқлари устида осилиб ётарди. «Яна «бошоғриғи», шекилли, архи сўрайди», деб ўйлади Чиледу.

– Хотинсиз яшолмасанг, у ёқ-бу ёққа чиқ, уйланасан.

– Ҳа! Ўзинг бир вақтлар бориб чиқувдинг, обкелолдингми? – Чилгир кулди.

Чиледу ҳам кулди. Чилгир бировларнинг устидан кулганида ўзи ҳам кулгили бўлиб кетади. Йигит жуда кучли, шижоатли ва жасур-ку, аммо ақли калта. Агар ҳозир унга, Қаймиш умуман менинг хотиним эмас, десанг, ўлиб қолса ишонмайди. Мен ўзимни ўзим яхши тушунмайман-у, Чилгирга йўл бўлсин. Нима қилиб бўлса ҳам ариллашини эшитмаслик мақсадида Чиледу ака бўлишга қасам ичган эди. Лекин кейинроқ, илгарилари ҳеч сезмаган бир туйғу билан қизни ғам ва кўнгилсизликлардан асраш, уни бахтли қилиш истаги туғилди. Тош қотган юрагида яна қачонлардир илиқ бир ҳарорат пайдо бўлади, деб асло ўйламаган эди. Узоқ қиш тунларида у қизга бошидан кечирганларини, Овулунга бўлган муҳаббати ўлмаганини гапириб берар, Қаймишнинг ғамхўрлиги, худди тошқинлар лой босган ўзанларни тозалагани каби, унинг руҳини покларди.

У кунлар исиганда бир илож қилиб Қаймишни тойчуют элига, деярли, ҳар куни эсига оладиган Тойчи Қуриси ёнига элтиб қўйишни ваъда қилган эди. Мана, қиш ўтиб, баҳор авжига чиққан палла. Қаймиш унга ваъдасини тез-тез эслатиб қўяди. Чиледу бўлса, кун келиб яна бир ўзи ёлғиз қолишини

ўйлаб, хавотирга тушади. Юрак дардларингни айтадиган, ғамхўрлик қиладиган ҳеч киминг йўқ.

– Сен ўз хотинингни менга ҳадя қила қолсанг бўлмайдимми? Ахир, сен менинг дўстимсан-ку...

Қаймиш оштахта устида сур гўштни тўғрар, кўринишидан ўз иши билан банддек туйилса ҳам, Чиледу сезиб турибди, у ҳаммасини эшитмоқда.

– Нима бўпти, совға қилсам, қилавераман. – Бироз жим туриб: – Агар унинг ўзи хоҳласа, – деб қўшиб қўйди.

– Хоҳлайди! – Чилгир ярим яланғоч кўкрагини кериб қўйди.

– Ростдан-а? Қаймиш, сен у билан кетасанми?

Қаймиш йўқ деган маънода бош чайқади-да, Чиледуга шундай бир ёвқараш қилувди, у ҳазилини йиғиштириб қўя қолди.

Чилгир бўзарди.

– Майли... Унақа бўлса архидан қуй. – Бирпасдан кейин у яна жонланди. – Балки уни менга сотарсан? Саман отимни эгарлари билан бераман. Камми? Унда юмшоқ танғит жунидан тикилган чопонимни ҳам бераман. Унинг баҳоси йўқ.

– Етар! – Унинг гапини бўлди Чиледу. – Оғзим бор, деб валдирайверма.

– Хоҳламасанг – керакмас. Яқинда тойчуютга босқин бўлади. Мен ҳам ўзимга хотин топиб оламан.

Бу бемаъни Чилгир Қаймишнинг хузурида гапирмаслик керак бўлган нарсаларни валдираб ўтирибди. Тўхта беки, татар нўёни Мағужин Сайилту билан аҳдига содиқлигини кўрсатиб қўйиш учун тойчуютга босқин қилмоқчи. Чиледу бу сафар овулда қолмоқчи эди. Лекин энди Қаймиш тинчлик берармиди.

Шундай бўлиб чиқди ҳам. Чилгир ўтовдан даф бўлиши биланоқ қиз тилга кирди:

– Мени сафарга олиб кетасанми?

У кўзини олиб қочди:

– Ҳали менинг ўзимни ҳам бирга олиб кетишадими, йўқми, билмайман.

– Сен менинг уйга қайтишимни хоҳламаяпсанми?

Чиледу индамади. Қаймишнинг лаблари титрай бошлади. У йиғлаб юборишга тайёр эди.

– Мен сенга шунчалик ишонаман-у, сен эса мени алдамоқчимисан?

Қизни алдашдан осони йўқ. Лекин бундан нима наф? Дилларни боғлаб турган ришта узилади-ю, Қаймиш унга тамоман бегона бўлади-қолади. Қизни бу ерда қолдирса, у илгаригидан ҳам баттар ёлғизликда қолади. Иккиланишларини бир четга суриб:

– Ҳаммаси айтганимдай бўлади, хавотирланма, – деди Чиледу.

Ёзнинг биринчи ойи илк кунларида сафарга чиқишди. Тайр Усун бошчилигида уч юз отлиқ хотин, бола-чақалари билан хайр-хўшлашиб, овулни ташлаб, кунчиқар тарафга йўл олишди. Чиледу Қаймишни ўзи билан олиб кетишга нўённи зўрға кўндирди. Ҳозир қиз ҳамиша унинг ёнида, Тайр Усуннинг кўзига ортиқча ташланмасликка ҳаракат қилиб кетяпти.



Меркитлар ерларидан кетишаётган илк кунлари жангчилар кулиб, ҳазиллашиб, қўшиқлар айтиб кетишди. Тойчуют ерлари бошланиши билан эса ҳар қандай ҳазил-ҳузул йиғиштирилиб, сафлар зичланиб қолди. Ҳатто тўсатдан узангилар жаранглаб, қуролларнинг овози чиқиб қолса ҳам, Тайр Усун бўртиб чиққан ола кўзларидан ғазаб сочарди. Тўғри, уларни биров эшитиб қолиши эҳтимоли йўқ. Чунки анча олдинда олғинчилар боришар, уларнинг назаридан эса биронта одам ҳам четда қолмасди. Аммо юришларнинг ўз тартиб-қоидалари бўлиб, Тайр Усун энг майда кўринган тартиббузарлик учун ҳам жазоларди.

Яқингинада кўм-кўк майсалар билан қопланган саҳро энди секинлик билан сарғиш тус олиб, ўзининг асл рангига кира бошлаган эди. Туёқлар остидан енгилгина чанг кўтарилар ва топталган майсалар устида анча вақтгача муаллақ қоларди. Буларнинг ҳаммаси Чиледу учун эски, кўниккан нарсалар. Аммо у жим кетаётган жангчиларга ҳам, баджаҳл Тайр Усунга ҳам гўё уларни биринчи бор кўраётгандай боқарди. Бирдан унинг миясига: «Мен бу ерда нима қилиб юрибман?» – деган фикр келди. Бегона эллардан у нима излаб кетяпти? Есугай йўқ, кимдан ҳам қасос оларди. Унга қуллар ҳам, урушда орттирилган бойликлар ҳам керакмас. Нима учун у ҳам бошқалар каби ўз қичқириқларидан томоғи тиқилиб, бировларнинг тинч ўтовларини босқин қилиши керак? Эгри қиличининг зарбаси кимнинг бошига тушар экан? Балки у Қаймишнинг қайлиғи Тойчи Қури бўлиб чиқар? Бир қўл билан яхшилик қилишнинг нима кераги бор, агар иккинчи қўл шу пайтда зулм ўтказиб турса?

Тунни суви қурий деб турган анҳор бўйида ўтказишди. Гулхан ёқишмади. Оқшом чоғи Тайр Усуннинг олдига қартайган бир подачини олиб келишди. Унинг қўллари орқасига боғланган, ингичка, ажин босган бўйни титраб, боши лиқиллаб турар, ёрилган лабларидан оқаётган қон оппоқ соқолини лоларанг қилган эди. У Тайр Усуннинг олдида тиз чўкди:

- Хароб қилма, буюк ҳукмдор! Ўғлим ўлган, набираларим жуда кичкина...
- Овулгача узоқми?
- Яқин.
- Қанча юришимиз керак?
- Ярим кунда етиб оласизлар... буюк соҳиб, менинг бешта мурғак набираларим бор...

Тайр Усун қўлини силтади. Навкарлар чолни четга судраб кетишди. Қаймиш Чиледунинг қўлларига қапишиб олган, кўзларида даҳшат қотиб қолган эди.

Чолнинг ожизгина нолиши тиниб қолди. Навкарлар қайтишди. Уларнинг биттаси бир тутам ўтга қиличи тиғини артиб келарди.

Чиледу ярим тунгача ухламади. Намат тўқим устида ётиб, йирик юлдузлар сочилиб ётган осмонга тикилди. Ёнгинасида Қаймиш пиқиллаб ётибди. Жангчилар қаттиқ уйқуга кетган. Кимнингдир ваҳимали хуррак овози саҳро бўйлаб таралади. Яқинроқда ўтлаб юрган отлар пишқириб қўйишди. Қоровулларнинг чарчаган овоздаги йўқламалари эшитилди:

– Қараб тур! Қараб тур!

Чиледу астагина Қаймишни туртди. Елкасига қизнинг эгарини ортиб, сахро тарафга қараб эмаклади. Ёнгинасида турт оёқлаб Қаймиш ҳам эмак-лаб келарди.

Баланд бўйли дэрисун бутасига қизнинг оти боғлоғлиқ турарди. Чиледу уни эгарлади-да, Қаймишга пичирлади:

– Олдинига отни қадамлатиб юр. Анҳор қайрилган жойидан ўтганингдан кейин чоптирсанг ҳам бўлади. Майли, сени руҳлар асрасин.

У қизнинг қўлтиғидан олиб, эгарга ўтқазиб қўйди. Қаймиш отнинг ёлига энгашиб олди-да, жиловни силтади. Бирпасда тун қўйнида ғойиб бўлди. Чиледу қўрқув ичида, қоровулларнинг сурон солиб бақирришларини кутиб турди. Йўқ, ҳаммаси силлиқ ўтди... У ўз жойига яна эмаклаб қайтиб келди. Барибир ухлай олмади. Юрагини эгаллаган маъюслик забтидан эзилиб кетди.

Тайр Усун одамларини тонг отишидан анча аввал оёққа турғазди. Овулга кун чиқар-чиқмас хужум қилмоқни режалаштирган эди. Лекин сал ёришган пайтда олғинчилар сафидан бир отлиқ ажраб чиқиб, улар томон елдек учиб кела бошлади. У ўзларига қарши камида беш юз-олти юз чоғлиқ тойчуютлар келишаётганини хабар қилди. Тайр Усун тез орқасига қайрилиб кета бошлади. Тойчуютлар уларнинг изидан қолишмасди. Фақат эртаси кунигина таъқибчилардан қутилишди. Бирпас текисликка қўниб, ўзларига ҳам, отларига ҳам дам беришди. Тойчуютларнинг бошқа овулларига туйқус хужум қилишга бўлган уринишлар ҳам беҳуда кетди. Улар ғафлатда эмасдилар. Орқага қайтиш кераклигини ҳамма тушунди. Тайр Усунга қараб бўлмас, режаси амалга ошмаганидан, чорасизлик ва ғазабдан юзлари қорайиб кетган эди.

Қайтишда Қурулун дарёсининг бошланишига чиқиб қолишди. Тип-ти-ниқ булоқ сувлари кўкариб кетган тошлар оралаб ўйноқлаб оқарди. Чиледу олғинчилар билан бирга эди. Отини суғориб бўлгач, тиконли ўтлар билан қопланган тик тепаликка кўтарилди. Тепалик ортида сийраккина қарағай-зор бўлиб, унга торгина сахро бўлаги ёриб кирган экан. Мана шу бўлакнинг охирида иккита ўтов турарди. Уларнинг ёнида отлар ўтлаб юрибди. Куёш эндигина кўтарилган, ўт устидаги шудринглар ҳали қуриб улгурмагани учун офтоб нурида турли рангда жилоланарди.

Ўтовлар яқинида уни кўриб қолишди. Ҳамма шошганича, югуриб-еларди. Чиледу найзасининг учига қалпоғини илиб, баланд кўтарди. Бу шерикларига «Одамларни кўряпман!» деган, белги эди. Олғинчилар, уларнинг кетидан бошқа жангчилар ҳам, тепалик устига тўпланиша бошлади. У отини тезла-тиб, ўтовларга яқинлашди. У ердагилар ҳам кутиб ўтиришмай, отларига ми-ниб ҳар тарафга қараб қочиб қолишди. У қочқинларнинг йўлларини кесиб ўтмоқчи бўлди-ю, аммо улгурмади. Қочувчилар қалин ўрмон ичкарасига кириб кўздан ғойиб бўлишди. Чиледу охирида кетаётган отлиқнинг кети-дан от солди. Дарахт шохлари юзларига, қўлларига савалар, лекин у отини учириб борарди. Отлиқнинг тагидаги от учқур отлардан эмас экан, ҳозир



чарчаши аниқ. Ишқилиб, кўздан қочирмаса бўлгани. Унча катта бўлмаган майдончада унга етиб, найзасини мўлжаллаб отмоқчи бўлиб турганида, кўзи отлиқнинг бошидаги пастаккина, бева аёллар киядиган қалпоққа тушиб қолди: аёл киши! Уни чаплаб ўтиб, аёл қўлидан жиловни тортиб олиб тўхтатди. Шох-шаббалар билан калтакланганидан қизариб кетган юзи ғазабнок бужмайди. У Чиледунинг юзига бир тупуриб, сакраб отдан тушди-да, пиёда қоча бошлади. Чиледу унинг оёғига арқон отди. Аёл майса устига мук тушиб йиқилди. Унинг кичкинагина елкалари титрарди. Чиледу шошилини унинг елкасига найзасининг дастаси билан туртди.

– Тур ўрнингдан!

Аёл ўтириб олди.

– Мен бормайман, яхшиси ўлдира қол, қўппак!

Чиледу унинг юзига тикилганча, тиз чўқди.

– Овулун?! – Унинг қўлларида ушлаб, силталаб кўрди. – Бу сенмисан, Овулун? Менинг юзимга қара, Овулун! Наҳотки танимаётган бўлсанг? Бу мен, Чиледу!

Овулун сесканиб, орқасига тисарилди.

– Сен?

– Мен, Овулун, мен!

– Сен жуда ўзгариб кетибсан. Мен сени танимаган бўлардим.

– Мен бўлсам, бирдан танидим.

– Шунинг учун мени найзангга санчиб олмоқчи бўлибсан-да? – Унинг лаблари аччиқ кулгидан тебранди.

Чиледу юзини бужмайтирганича, инграниб қўйди. Унинг ёнига ўтирди-да, қўллари билан тиззаларини кучоқлаб олди. Аёлга ён томондан боқиб тураркан, уни қандай қилиб таниб қолганига ҳайрон бўларди. Чунки у билган Овулундан, деярли, ҳеч нарса қолмаган. Бир пайтлар кулувчан ва чиройли лабларда энди ғамнинг чуқур излари, кўзлари атрофига майин ажинлар тўр ташлабди. Овози ўша-ўша. Ҳа, овозидан таниди-ку. Бечора Овулун! Аслзода нўённинг хотинига асло ўхшамайди. Неча бор ямоқ тушган чопонининг энглари титилиб кетган, қора меҳнат қилиб ўрганган қўллари дағаллашган.

– Ҳаётинг оғир кечяптими?

– Ҳозир сал дуруст. Олдин жуда ёмон эди.

– Менга ҳозир ҳам ёмон, Овулун. Мен ҳалигача сени унутолганим йўқ.

– Бекор қилибсан. Одам кўрган тушини эслаб юриб, ўша билан яшаши мумкинми?

– Овулун, мен сени топдим... Биз яна бирга бўламиз. Қолган кунларимизни бирга бахтли ўтказамиз.

– Йўқ, Чиледу, сен жуда кеч келдинг. Қалпоғини йўқотган одам ярим йўлдан қайтиб келиб олиб кетиши мумкин. Аммо бахтни эмас...

– Йўқ, йўқ! Биз сен билан ҳамма одамлардан нарига кетамиз. Биз бир-биримиз учун яшаймиз. Мен кўз ёшларингни аритаман. Мен сен учун, ўзим учун ишлайман.



— Чиледу тез гапирар ва гаплари енгил, бўш эди. Овулунни ишонтира олмаслигини ўқинч билан ўзи ҳам сезиб турарди. Ундан ҳам баттари қанча кўп гапирса, шунча амалга ошмайдиган нарсаларни ваъда қилаётгани аён бўларди.

— Сен ҳали ҳам ўшасан, — деди Овулун ва бир зумда юзи ёришиб кетди.
— Мен бўлсам бутунлай бошқаман. Менинг болаларим бор, мен уларнинг ташвиши билан яшайпман.

— Майли, болаларинг ҳам мен билан бўла қолишсин!

— Улар — Есугайнинг болалари.

— Мана шу уч сўз билан у Чиледуни ўзидан, ўзи яшаётган оламдан нари қилган бўлди. У ҳам энди уларни фақат ўтган йиллар эмас, бошқа нарсалар ҳам ажратиб турганини тушунди.

— Овулун бошини кўтариб, қулоқ тута бошлади. Ўтовлари қолган томондан шовқинлар эшитиларди.

— Улар менинг ўғилларимни тутиб олишмадимикин?

— Ўйлашимча йўқ. Болаларинг чаққон бўлса...

— Улар чаққон. — Онанинг овозида ғурурланиш оҳанглари бор эди.

— Улар тарафга бир нималарни гаплашганча жангчилар келишарди. Овулун турди.

— Мен сенинг асирангманми?

— Йўқ, Овулун. Мен ўзим сенинг умрбод асирингман.

— Чиледу, бу гапни қўй. Алвидо. Ҳаммаси учун сендан миннатдорман.

— Қавариқ кафти билан у Чиледунинг қўлини силаб қўйди-да, отига енгилгина миниб, кетворди.

— Шу ондаёқ майдончага уч нафар отлиқ кириб келди. Биттаси Овулун кетган томонга қараб тикилиб қолди.

— У томонда кимдир бор!

— Чиледу улар қувиб қолишади, деб қўрқиб кетди.

— Мен келдим ҳозир, ўша ердан. У ерда ҳеч ким йўқ. Ёшсан-да, ёшларнинг кўзига буталар ҳам душман бўлиб кўриनावеради.

— Жангчи хижолат тортди.

— Ташлаб кетилган ўтовлар олдида меркитлар қўналға туздилар. Сигирни сўйиб, шўрва қилишди. Тайр Усун ўтов олдида эгар устида, рўпарасидаги икки аёлга жирканиб қараб ўтирарди. Уларнинг бири ёши каттароқ, эски, ёғи чиқиб кетган чопонда, иккинчиси ёшгина, думалоқ юзли, қизил номрог ва юмшоқ этикча кийган эди. Уларнинг орасида турган Чилгир аёлларнинг қўлларидан маҳкам сиқиб олган.

— Мана, тутиб олдим!

— Чилгир гўёки ожиза аёлларни эмас, баҳодирлар ёки аслзода нўёнларни тутиб келгандай ва гўё сафарнинг бутун мақсади мана шудай ғурурланиб турарди.

— Булар ким? — сўради Тайр Усун.

— Мана буниси хизматкор, қул экан. — Чилгир ёши каттароғининг қўлини кўтариб қўйди. — У Олтинхон юртидан экан. Буниси бўлса қўнғиротлик, —



деди икинчисининг қўлини кўтариб. – Есулгайнинг катта ўғлининг хотини экан. Мен уларни ўз қўлим билан тутдим.

– Сенинг ботирлигингни ҳамма билади! – Масхаралаб кулди Тайр Усун. – Мукофотингни кутяпсанми?

– Ҳа. Менинг хотиним йўқ. Мана бу ёшроғи ўзимда қолақолсин.

– Икковини ҳам олақол. – Тайр Усун энсаси қотгандай қўл силтаб қўйди.

Чилгирнинг юзи мамнунликдан ёришиб кетди. Аёлларни қўйиб юбормай нўёнга таъзим қилди. Есугайнинг келини бундан кейинги тақдири нима бўлишини шу топда тушуниб қолди-ю, бир силтаниб Чилгирни тепиб қолди.

– Ҳай, ҳай, тепинма, ғунажин!

– Чиледу! – чақирди Тайр Усун. – Сенинг биринчи хотинингни Есугай тортиб олганмиди?

– Ҳа, Есугай, – тасдиқлади Чиледу.

– Бундан келиб чиқадики, сен бу ерда бегона эмассан. Нимага хотининг сени бунақа ёмон кутиб олади? Сен меҳмонга келсанг – у ўрмонга қочади? Балки, бу асирани Чилгирга эмас, сенга берақолсакмикин? Есугай сенинг хотинингни тортиб олган бўлса, сен унинг келинини тортиб олган бўласан. Шундай қилса адолатдан бўлади.

– Унинг хотини бор-ку! – безовталаниб қолди Чилгир. – Унинг хотини жуда кетворган.

– Зўрми? Унақада алмашинглар.

– Бу менга ёқади! – хурсанд бўлиб кетди Чилгир.

– Нимага жимсан, Чиледу? Хотинингни бу ёққа чақир, кўраμισ.

– У бу ерда йўқ, – деди секингина Чиледу. – У ўзиникилар тарафга қочиб кетди.

– Э-э, у ростдан ҳам йўқ! – Чилгир ҳайратдан оғзини очиб қолди. – Мен уни охирги марта подачининг бошини олган тунимиз кўрган эдим.

– Демак, у ўша кечаси қочиб кетган экан-да? Барча кўнгилсизликларимиз сабаби нимада эканини энди тушундим. У тойчуютни огоҳлантириб қўйган. – Тайр Усун секин ўрнидан турди, яна секингина Чиледуга яқинлашди. – Нимага айтмадинг? Тилларинг бир экан-да! Сотқин! – Тайр Усун суяги чиқиб ётган қўлларини унинг юзига ниқтади. – Сени қиймалаб ташлайман! Пайларингни суғуриб оламан!

Чиледу қутурган хўжайинига бепарвогина қараб турарди. Уни ўлдирадими ё тирик қолдирадими, унга барибир эди. Тўғриси айтганда, агар нўён ёнидан пичоғини чиқариб, кўксига қадаганида ҳам хурсанд бўларди.

– Қуролинггни еч!

Чиледу белбоғини ечиб юборди. Қиличи тўп этиб, ерга тушди. Тайр Усун бир тепиб, қилични четга суриб ташлади-да, жангчиларга ўгирилди.

– Ўша кеча ким қоровулда эди?

Жангчилар кўрқув ичра жим турардилар. Нўённинг қутурган қараши уларнинг ҳар бирини ўрганиб турарди. Олдинга ўн нафар одам чиқди.

– Ҳар бирига йигирма қамчидан! Мана буни бўлса... – Бир зумгина ўйланиб қолди. – Қўлларини боғланглар, уйда ҳал қиламиз.



III

Тоғ тепасида қоп-қора қоя қад ростлаган эди. Унинг даврлар синовидан олиб ўтган чеккалари силлиқ, чуқур ёриқлар ва синиқлар билан қопланган бўлиб, баъзиларидан буталарнинг яшил новдалари осилиб турарди. Қоя остида уюлиб ётган баҳайбат тошлар орасида эса, ҳамма шохлари бир тарафга қараган беўхшов дарахтлар ўсиб ётибди. Қоянинг шундоққина пойгагида қорайиб турган бир тешик бўлиб, ундан ғор ичкарасига кириларди. Кираверишда гулхан алангаланиб турар, Темучин, унинг укалари, Бовурчи ва Жалмалар гўшт пишириб ўтирарди. Эрталаб Жалма ёввойи тоғ қўйини ўлжа қилган ва икки кундан бери туз тотмаган йигитлар энди ўзларини овқатдан тия олмасдилар. Темучин курсичага ўхшаб бўртиб чиққан тош устида, ҳаммадан баландда ўтириб, бирор чавандоз кўриниб қолармикин, деган умидда пастдаги ялангликка тикиларди. Душманларнинг бор-йўқлигини билиш учун у укаси Хасарни эрталаб ўтовлари тарафга жўнатган эди.

Онаси, Бўрта ва Хоахчиннинг қаерга йўқолганидан Темучин безовталанарди. Ур-сур ичида учрашиш жойини келишиб олишга ҳам фурсат бўлмаганди. Дўстлари ва укалари эса ҳеч қандай огоҳлантиришсиз ғор олдида тўпланишди. Илгарилари овга чиққан пайтларида улар бу ерда бир неча бор тунаб қолишган, шунинг учун ҳам ҳар қайсиси ўз билгиси билан, яширинишга шу ердан яхшироқ жой йўқлигига ақли етган эди. Аёллар бу ғордан беҳабар эдилар. Шунинг учун ҳам улар ўрмон ичида яшириниб ётишган бўлса керак, деб ўзига таскин берарди у.

Ниҳоят, Хасар кўринди. Отини пастда қолдириб, қояга яёв кўтарилди. Темучин пастга шошилди. Пишган гўштнинг ҳидини олиб, Хасарнинг бурун катаклари катта-катта очилди. Чўкка тушганича Хачиун узатган бир бўлак суякни шошиб ғажий кетди. Орасида:

- Йиғиштирларинг, меркитлар кечаёқ кетган экан, – деди ғўлдираб.
- Меркитлар эканми? – ҳайрон бўлди Темучин.

Бу ерларда тойчуютлардан бошқа душманлар бўлиши мумкинлиги унинг хаёлига ҳам келмаган эди. Уни қидириб юрган Тарғутой Қирилдук катта ов бошлаган, деб ўйловди.

- Нималарни олиб кетишибди?

- Ҳаммасини. Эски ўтовимиз қолибди. Онам бир ўзи ёлғиз ғам чекиб ўтирган экан.

- Онам шу ерда эканми! О, осмон, сендан миннатдорман!

- Онамку, қайтибди, лекин сенинг Бўртанг билан Хоахчинни олиб кетишибди.

- Бўртани олиб кетишибди? Чайнашни бас қилсанг-чи! – Темучин укасининг қўлидан суякни тортиб олиб, улоқтирди. – Буни қаердан билдинг?

- Онам ўзи кўрибди. У ўрмоннинг четроғида, буталар орасига яшириниб ўтирган экан. Меркитлар унинг яқинидан ўтишганда ҳаммасини ўз кўзи билан кўрибди.



Темучин пастга, отларга қараб юрди. Сакраб отга ўтирди-да, ўзининг талланган қўналғаси тарафга учириб кетди. Ўрмонда қушлар сайраган, қуёшнинг ёрқин нурлари қарағайлар таналари орасидан чизик тортган эди. Дунёда ҳеч нарса ўзгаргани йўқ, ерга дўл ҳам ёққани йўқ, сел ҳам келмади. Аммо унинг ҳаёти яна изидан чиқди. Шу қиш ичида у бутун вужуди билан Бўртага ўрганиб қолган эди. У ғамхўр, ишбилармон ва энг муҳими, ақлли эди. Ўз режаларини хотинига гапириб берганида, унинг эркаклар ишига ҳам уқуви борлигига кўп маротаба ишонч ҳосил қилган эди. Бўрта шу топда кимнингдир отига чаппа ўнгарилганича ётган ва кимнингдир қўллари уни ҳирс билан пийпалаётган бўлса керак. Бу чидаб бўлмас даражадаги нафратли манзарадан, у худди газанда тишлаб олгандек инграб юборди-да, жаҳл билан отига қамчи босди.

Ўтовигача отини учириб борди. Ўтов эшиги олдида онаси турарди. Кўзлари қуруқ чақнаб, лаблари қаттиқ тишланган эди. У отидан сакраб тушиб онасига отилди-да, қучоқлаб олди.

– Она!

Унинг ташқарига чиқмай қолган бутун аламлари ва ҳасратлари мана шу биргина сўзда мужассам эди. Онаси йиғисини ичига босиб, ўғлининг қўллари елкасидан олди. Онасининг аҳволига боқиб, Темучин ҳаммасига ўзи айбдор эканини англади. Ҳеч қаёққа қарамай қочганини-чи... Ҳаммани ташлаб...

– Мен курашишим керак эди, – деди у онасидан кўра кўпроқ ўзига гапиргандек.

– Сен Бўртани, мени, Хоахчинни ўйлашинг керак эди, – деди онаси секингина, гинасиз оҳангда. – Уришишга келганда... Кучуквачча олчоқ бўрига ташланадиган бўлса, ундан бир сиқимгина жун қолади.

Мана шу, онаси уни кучукваччага қиёслаши, ҳар қандай гинадан ҳам ўтиб тушди. У бўлса, аллақачон ўзини етук эркак санаб юрган экан...

– Энди нима қилай?

– Билмадим. Сенга қийин, аммо Бўртага ундан ҳам қийин. У сени кутади. Тонг ёришганда ҳам, пешинда ҳам, зим-зиё тунда ҳам кутаверади. Оҳ, Темучин, у сени шунчалик кутадики! Унинг ишончларини ўлдирма, кечикма. Меркитлар кетидан бор... Йўқ, мен нималар деяпман, ўзи...

– Сиз тўғри айтяпсиз. Мен боришим керак. Бовурчи билан Жалмани ола кетаман.

– Йўқ, ўғлим, йўқ. Бундай қилсанг, сен Бўртадан ҳам аввал ўз ўлимингни топасан. Тўғулхоннинг, анданг Жамуханинг олдига боришинг керак...

– Бунга ойлаб вақт керак. Унгача Бўрта...

– Бутун бир умр ҳақида гап кетганда ойлар нима бўпти!

Меркитлар олдига Бовурчи ва Жалманинг ўзи билангина бориш – худди кутурган буқага қорнингни тўғрилаб туриш билан баробар. Ҳўкизнинг шохлари синиб қолишига умид қилиб бўлармиди? Аммо кутиш ҳақида ўйлаш ундан ҳам хавфлироқ. Ҳозироқ душманлар кетидан боргиси, чопиб, сўйиб, оти туёқлари остида топтаб ташлагиси келарди.

— Ўрмонда қолганлар ҳам етиб келишди. Ҳаммалари ўтовга киришди. У ерда узук-юлуқ чилвирлар, наMAT бўлаклари, титилган пўстин, мажақланган саватга ўхшаш бир пулга қиммат нарсалар сочилиб ётар, қолган бор-будларини меркитлар олиб кетган эди.

— Ака-укалари ҳам, дўстлари ҳам бу талонга осонгина кўнган бўлиб, ўтовни йиғиштиришга тушиб кетишди. Кимдир ўчоққа ўт қалади. Секин-аста онаси ҳам ишга унаб кетди. Темучиннинг қўли ҳеч ишга бормади. Ўтовидан қолган туссиз майсага тикилиб турди-да, ўрмонга кириб кетди. Шамол қулатган дарахт танасига ўтириб, оғир хаёлларга чўмди.

Секин-аста меркитлар унга қанчалик қаттиқ зарба беришганини англай бошлашди. Тойчуютлар овулларидаги кўпчилик одам унга ён босиб турибди. Ҳозирнинг ўзидаёқ у жасур йигитлардан элликдан ортиқ, балки, юзга яқин навкар тўплаб келиши, улар Темучиннинг ёнига кириб, Тарғутой Қирилдуққа қарши жанг қилишлари мумкин. Аммо бу ҳаммаси эмас. Охирги суҳбатида Таб тангри айтдики, уни Ўлтон, акаси Тойчи билан бирга Сача беки, муғамбир Даритой отчигин ва ошиқ ўйини устаси Хучарлар сингари ўзига тўқ одамлар ҳам қўллаб-қувватлашга тайёр экан. Кўринишдан, Темучин Хучарга амакивачча, Даритой отчигин эса унга амаки бўлишини энди тушунишган. Эҳтимол, Сача беки, Тойчи, Ўлтонлар ҳам Темучин сингари мўғулларнинг биринчи хони Хабулага авлод бўлишлари, унинг неvara, эвараси эканликлари эсларига келиб қолгандир. Учрашишганида улар бу ҳақда, албатта, гапириб ўтадилар. Темучин улардан гина қилмайди, қанчалик ёмон кўришса ҳам, Тарғутой Қирилдуқнинг оёғи остида чувалчангдай ўрмалаб юрганларини, хўрланган қариндошларига ёрдам қилмаганларини юзларига солмайди. Уларнинг биронтаси ҳам жанг байроғини кўтариб чиқолмади. Аммо камситилганлари биронтасининг ҳам эсидан чиқмаган. Энди у Тарғутой Қирилдуқни сўроққа тутган паллада қариндошлари четда қолмайди. Бироқ уларни ўрнидан кўзғатиш учун у, аввало, тойчуютлар нўёни устидан кичик бўлса-да, ғалаба қозониши керак. Юзтача навкар билан буни уддаласа бўлади. Лекин навкарларни қаердан олади? Биргина хотинини ҳимоя қилолмаган одамга ким ҳам ўз ҳаётини ишона қолади?

— Бирдан миясига бир фикр келди: буларнинг ҳаммасини яширсинми? Лекин шу заҳотиёқ бу фикридан қайтди. Ёлғоннинг умри қисқа, сир фош бўлиб қолса, унга ҳеч ким ҳеч қачон ишонмай қўяди. Ҳаммасини очиқ айтиш керак. Одамларни меркитларга қарши бошлаш керак. Меркитлардан жуда кўпчилик азият чеккан. Татарлардан баттар жини суймас душманларига қарши бориб, қасос олишни ким ҳам хоҳламайди? Балки бу у ўйлагандан ҳам яхшироқ бўлар. Қандай бўлишидан қатъи назар, Тарғутой Қирилдуқ ўзиники. Меркитлар бўлса азалий душманлари... О, қанийди, осмон уларга ғалабани ато қилса!

Секин-аста шубҳа ва умидлар оқими ичидан аниқ режа қад ростлай бошлади. Иккиланишлар чекиниб, бир ишнинг бошини тутиш истаги кучайиб борди. Кулимсираб бир мақолни эслади: сув итнинг бурнигача кўтарилса,



қандай сузиб кетганини итнинг ўзи ҳам билмай қоларкан. У эса сувга ботиб қолган-ку. Ё ҳозир сузиб чиқади, ёки ҳеч қачон.

Ўтовга қайтди. Ҳамма ёқ йиғиштирилган эди. Укалари ўринга тўшаш учун ўт ўриб келишибди. Эринибгина бир нималарни гаплашиб, ўринга чўзилишди. У кун ботганини шу топда сизди. Тун қоронғиси буталар ва да-рахтларни комига тортиб, саҳро узра ёпирилган эди.

У ўтовга кириши билан йигитларнинг уни ўчди. Улар Темучиннинг бир тўхтамага келишини кутишарди.

– Бовурчи, Жалма, сизлар мен билан овулга борасизлар.

Қаршилиқлар чиқишини кутиб, жим турди. Аммо кўринишдан, ҳеч кимнинг баҳслашгиси йўқ эди. Онаси бир нима демоқчи бўлди-ю, аммо Темучинга кўзи тушиши билан у ҳам жим бўлди. Онаси ўчай деб қолган олов олдида ўтирар, унинг ёруғи аёлнинг юзини базўр ёритарди. У бугун ўзига ўхшамас, бу ерда бўлаётган ишлардан узоқда, ўзининг хаёллари билан юргандай эди.

– Хачиун ва сен, Тамуға... Сизлар шу ерда қоласизлар. Онамни қоровул-лаб, егулик топиб келасанлар.

– Мени Белгутой билан бирон ёққа жўнатмоқчимисиз? – сўради Хасар.

– Сен Белгутой билан борасан...

– Мен у билан бормайман. Яхшиси Хачиун ёки Отчигин билан бораман.

– Катталар гапирганда кичиклар жим туради. Ёки сен қадим одатларни билмайсанми? – деди Темучин жаҳлини босиб.

– Нима учун сен ўзинга ҳамроҳ танлашинг мумкин-у, мен кимни берсанг кўниб кетаверишим керак? – қизиққонлик билан бақириб берди Хасар.

– Яна бир нарса дегин! Биз катта-кичик нўёнлар сабрли, эътиқодли бўлишларидан, бизга ён босишларидан қандай умид қилайликки, қондош биродарлар бир-бирининг гапига кирмаса? Хасар, сен ҳар доим сувни лой-қалатиб, ҳамма жойда ўз хоҳишингча иш қилмоқчи бўласан. Бошқа бунақа қила кўрма! Яна бир марта шунақа қилганингни эшитсам, ҳайдаб юбораман! – Ғазабдан Темучиннинг кўз олди қоронғилашиб кетди-ю, аммо ҳаддидан ошиб кетмаслик учун паст овозда, сўзларни чўзиб-чўзиб давом этди: сен типратикан, мен эса сени ейишга тайёр турган тулки эмасман. Шунинг учун тиконларингни диккайтирмасанг ҳам бўлади. Ундан кўра, нима учун сен Белгутой билан боришинг кераклигини ўйла. Сизлар узоқ йўлга, Тўғулхоннинг ҳузурига, ундан Жамуханинг олдига борасизлар. Белгутой кераитлар элида бўлган. Йўл билади. Унинг иши сени бежавотир йўллардан бошлаб бориш. Сенинг ишинг бўлса, хон ва Жамухадан ёрдам олишни уддалаш.

– Мен кўзи кўр қуён боласи эмасман, йўлни ўзим топиб оламан.

Онасининг жаҳли чиқиб, кафти билан юзини силаб олди-ю, кўзларидаги маъюслиқдан асар қолмади.

– Хасар, Белгутой сенга нима ёмонлик қилди? Темучин-чи? Сен ҳамма вақт биттасидан ақллироқ, биттасидан кучлироқ эканингни кўрсатиб қўймоқчи бўласан. Сен буни ишинг билан кўрсатгин. Аммо бунақа қилибмас... Бекорчи сан-манга ҳам ақл керакми?

Хасар онаси билан баҳслашгиси келмади.

Ҳамма гапни келишиб бўлгач, Темучин ўтовдан чиқиб кетди. Шундоққи-на оёғи яқинидан товушқон чопқиллаб ўтди. Қоронғилиқда кўз илғамас бу жониворнинг оқиш думлари унга панд берган эди. Зулматга ботган ўрмон ичида бойқушнинг ваҳимали «увв-увв» овози эшитилди. Темучин бир сесканиб тушиб, орқасига қайтди. Эшикдан кишини тинчлантирувчи олов шуъласи кўринди. Яқингинада бу ерда иккита ўчоқда олов ёниб турарди. Бўрта, Бўрта... шу топда нималар қилаётган бўлсанг? Ёш тўла кўзларингни мўлтиратиб ўтирибсанми? Кўй териси, отнинг эгар-жабдуқлари иси анқиган бегона ўтовдаги нарсаларни кўз олдига келтирдию чидаб бўлмас оғриқдаги каби инграб юборди.

IV

Жамуха ўн нафар навқари билан тарбағон овидан қайтаётган эди. Саҳронинг осмон билан туташган тўлқинсимон чегарасига қуёш ёнбошлаган. Ён томонидан нур тушиб турган дэрисун танаси лолагун-кулранг тусга кирган, туси ўзгарган ўтлар устида чивинлар ғужғон. Чанг ва шувоқ иси анқиган қуруқ ҳаво бироз салқинлаган эди. Ясси тепалик устида туриб, Жамуха иккита кўл ўртасига қўндирилган ўз овулини кузатарди. Шом осмонига тутунлар ўрлаган, туёқлари билан чанг кўтариб, пода яйловдан қайтарди.

Жамуханинг улуси кейинги йиллар ичида кучга кириб олган, чорваси мўл, одамлари тўқ ва ҳаётдан нолишмасди. Найманлар, меркитлар, кераитлару тойчуютнинг кети узилмай келадиган урушларини у усталик билан четлаб ўтар, гоҳ бошқа жойга кўчиб олар, гоҳида Тўғулнинг ҳимоясига кириб олар, хоннинг оталиғи малол келиб қолган пайтларда эса уни найманлар билан уруштириб қўярди. Буни эплаш унчалик қийин ҳам эмасди, аслида. Тойчуют эски хотиралар ичида уни ўзларига қарам, деб билардилар. Тўғул учун у – тутинган ўғил, найманлару меркитлар учун – у хавотирга арзимас рақиб эди.

Жамуха жиловни тортиб қўйган эди, аста қадам ташлаб келаётган оти бошини орқага ташлаб, қулоқларини динг қилиб олди. Жамуха семиз, этликкина тарбағонлар боғланган арқонни тортиб боғлади-да, навқарларига ўгирилди:

– Нима қиламиз, отларимизнинг учқурлигини синаб кўрамизми?

Тўпиқлари билан оти биқинларини маҳкам сиқиб, отини ниқтаганча, бошини энгаштириб олди. Отнинг ёли шамолда ҳилпирар, унинг юзларига урилар, унга эш бўлиб, ўзининг кокиллари ҳам шамолда ўйноқларди. Қадрдон ерларингда, майсаларнинг ачимсиқ исларини ҳидлаб от чоптириш қандай маза!

Навқарлари сал орқароқда келишарди. Фақат кичик укаси Тайчар олдинга ўтиб, акасига тенглашиб олди. Шавққа тўла кулгисидан текис тишлари ярақлаб кўринди. Тайчарнинг оқ ахтаси ундан ҳам ўза бошлади. Жамуха оти жиловини жаҳл билан силтаб қўйди. Биров уни қувиб ўтганини ёқтирмас эди, агар у укаси бўлса ҳам.



— Овулда одамлар уларни яхши кутиб олишди, овлари бароридан келгани билан табриклашди. Қабиладошлари унинг ақллилигини, ишбилармон ва чаққонлигини жуда хурмат қилишар ва аллақачон уни Жамуха чечан деб атай бошлашганди. У ҳам одамларининг хурмати, ўзининг тадбиркорлиги билан ғурурланар, униси ҳам, буниси ҳам уруғининг яхши яшаши йўлидаги доимий ғамхўрлигининг меваси, деб биларди. Қозик олдида отидан тушди-ю, ўтовига кирмай, уни кутиб олган Уржонага қимиз келтиришни буюрди. Навкарларининг бирини эса, ахтачини топиб келишга жўнатди. Аччиққина қимиз қуруқшаб қолган томоғига хуш ёқди. Идишни хотинига қайтара туриб сўради:

– Хўш, бизда нима гаплар?

– Яхши. Тўғри, Харақўл дарасидаги подачиларга меркитлар босқин қилишган экан-у, аммо подачилар битта ҳам отни йўқотмай, қочиб қолишга улгуришибди.

– Меркитлар неча киши экан? Қаёққа қараб кетишибди? – хавотирланди Жамуха.

– Меркитлар уч юз кишилар чамасида экан. Улар ўз ерларига кетишаётган экан. Тойчуютлар билан урушишган кўринади.

– Ҳа-а... – тинчланди у. – Ўша подачилар кимлар экан?

– Ахтачимиз Табухайнинг ўғиллари. Яна битта янгилик бор. Тўғулхондан одам келди. Кечадан бери сени кутяпти.

– Яна бироз кутиб турсин.

Оёқлари қийшайган ахтачи Табухай келди. У чопони этакларини белбоғига қайтариб олган эди.

– Чақиртирганмидинг, Жамуха чечан?

– Чақиртирувдим, Табуха Эбуген. Уржонанинг айтишича, ўғилларинг подани қутқариб қолишибди. Шунақами?

– Шундай.

– Уларга айт, ҳар бирига биттадан ўтовга тикадиган оқ наматдан ҳадя қиламан.

– Марҳаматинг худди тўлиб оқаётган дарёга ўхшайди – ҳаммага улашсан-у, асло тамом бўлмайди, дея Табуха эҳтиром билан таъзим қилди.

– Аммо мен сени бошқа иш билан чақиртирувдим. Отимга қарагин. Қорни осилиб, елкаси чўкиб қолибди. У менга кўп йиллар садоқат билан хизмат қилди. Энди дам олақолсин.

– Пода ичида тумшуғи оқ айғир от бор. У жайрондек енгил, буғудай кучли. Лекин у ҳали минилмаган.

– Ўшани олиб кел.

Ахтачи кетди. Бироз ўтиб, подачилар ўтов олдига бир неча отларни хайдаб келишди. Жамуха эгарга минди ва Табуханинг қўлидаги сиртмоқни олди. Отбоқарлар даврага ўраб олган отлар ўтовлар, одамлардан хуркиб у ёқдан бу ёққа типирчилар эди. Ахтачи кўрсатган айғир Жамухага ҳам ёқди. Қоп-қора, ёллари, думлари узун бу от нозик бўйнини эгиб олганича, айлана бўйлаб юрар ва кўзларини хавотирли ола-кула қиларди.

Жамуха пайт пойлаб туриб, унинг бўйнига сиртмоқ ташлади. Айғир ёнбошига қараб отилган эди, бўйнидаги сиртмоқ қаттиқ тортилди. Отбоқарлар отларидан сакраб тушиб, отнинг ёллари ва думига ёпишиб олишди. Устига эгар ташлаб, юган уришди. Жамуха отидан тушди-да, ахтачига ўхшаб чопони этакларини белбоғига қистирди. Тайчар чопиб етиб келди.

– Ака, рухсат бер, шу отни мен миниб ўргатай! Зўрлигини қара!

Отларни беҳад севадиган, бебошларча довурак йигит, ҳаяжонидан бир ерда жим туrolмас эди.

– Бу ишни мендан яхшироқ қила оламан, деб ўйлаяпсанми? Йўқ, ука, мен ўз отларимни ўзим миниб ўргатаман.

Айғир бутун танаси билан титрар, пишқирар, туёғи билан ер тепарди. Жамуха унинг бўйнига шапатилаб қўйди, қўлига жиловни олиб, сакраб эгарга минди. Отбоқарлар ўзларини четга олишди. Айғир бошини чайқатиб ташлади, қаддини букиб, гўёки шу йўсин устидаги нотаниш юкдан халос бўлмоқчи бўлди. Жамуха унга яхшилаб қамчи солди. От орқасини баланд кўтариб сакради, чопишга тушар экан, ўзини ҳали у тараф, ҳали бу тарафга отар, гоҳида эса орқа оёқларига тикка кўтарилиб оларди. Жамухани шунчалик ўйнатиб ташладикки, ҳозир калласи узилиб тушадигандай эди. Лекин у сезиб турарди: оқтумшуқ энди уни эгардан улоқтириб ташлай олмайди.

Ҳамма ёғидан кўпик чиқиб кетган, чарчаб-ҳориб кетган от бир текис чопа бошлади. Жамуха жиловни тортиб, отини йўрттириб кетди. Кўлни айланиб ўтиб, овул томон кела бошлади. Бу пайтда кун ботган эди. Қуёш ботган тарафда эса, осмон тилларанг-қизғиш тусга кирган. Кўл устидаги майда жилвалар ҳам ўша рангда эди. Отлиққа кўзи тушган ўрдак, хавотирга тушиб қағиллаб, полапонларини эргаштириб, қирғоқдан узоқроққа сузиб кетди. Жамуха ўзини бахтиёр хис қилди. Аммо хон Тўғулнинг элчиси келгани эсига тушиб, тундлашиб олди. Кераитларнинг тиниб-тинчимас хўжасига нима зарур бўлди экан? Қачон қарасанг, бир нималарни бошлаб юради.

Қозиқ ёнида оти жиловини ахтачига тутқазиб, айғирни қандай усталик билан бўйсундиргани ҳақидаги ўз шаънига айтилган мақтовларга қулоқ тутиб ўтирмай, ўтовига кириб кетди. У ерда уни кутиб, Тайчар ва яқин дўстлари кечки овқатга тайёр ўтиришарди.

– Тўғулхон жўнатган одамни ҳам овқатга таклиф қилиб келинглар, – буюрди у.

Хоннинг элчиси, Хўлабри исмли ёшгина нўён экан. Жамуха ичидаги безовталиқ ва норозилигини яшириб, кулиб, ҳазиллашиб ўтирар, кулгичлари кўриниб турган юзи очиқ эди.

Баковули сутдан қилинган май билан гўшт олиб келди.

– Меҳмонимиз бизнинг бундай камтарона дастурхонимиздан хафа бўлмайдими? Бизда Хитой шароблари, тариқ унидан ёпилган найман нонлари-ю, танғитлар гуручидан пиширилган бўтқалар йўқ... – хўрсиниб қўйди. – Биз – камбағал одамлар. Нимамиз бўлса, майсаларга тўла бўлган еримиздан оламиз...



Бу гаплари билан у шикоятланмаётганини, аксинча, унинг ерлари, улуси катта бўлмаса ҳам, у ҳеч кимдан ҳеч нарса сўрамайди ва ҳеч кимдан қарзи ҳам йўқлигини нўёнга писанда қиларди.

– Бизнинг ҳукмдоримиз бўлса, бошқача таомларни соғиниб қолгандир, деб сени меҳмонга чақиртиряпти.

– Хон отам мени қачон ўз меҳмонлари орасида кўрмоқчи экан? – деб сўради жиддий тусда Жамуха.

– Эртага.

– Нима учун шошилинч?

– Бошқа ҳамма йиғилган. Фақат сен йўқсан.

Жамуха жимиб қолди. Хонга жуда керакка ўхшайди. Нима учун? Тўғул ундан нима ундирмоқчи? Жангчиларми? Отларми? Балки, унинг хуфиёна ишларидан хабар топгандир?

– Мен Хон отамнинг қўлидан бир ютим шароб ичишдан жуда бахтиёр бўлган бўлардим. Аммо шўрим қуриб, кейинги кунларда қорним оғриб, ўзимизнинг таомлардан бошқасини еёлмай қолдим, чоғи.

– Хоннинг қўлида ҳар қанақанги хасталикларни даволай оладиган одамлар бор... Мен сенсиз боролмайман.

Жамуха яна хўрсинди. Бу гал алдаб бўлмайди. Боришга тўғри келади...

Хон у билан яккама-якка гаплашди. Унинг сувчечак моматалоқ қилиб ташлаган юзида оғир ўйлар қўланкаси кўринар, шубҳали нигоҳи билан Жамуханинг ичидагини пайпаслаб турар ва бу қарашдан Жамуха ўзини жуда ноқулай сезарди.

– Сен менинг ҳузуримга келишни хоҳламабсанми?

– Хон ота! – ўпкалагандай гапира бошлади Жамуха. – Эшитишим биланок, қуш бўлиб учаман-ку...

– Майли, ишондим, – деди хон уни тўхтатиш учун қўлини силтаб. – Кузда менинг олдимга сенинг анданг Темучин келувди.

– Темучин? У тирик эканми?

– Тирик. Уйланибди, менга сувсар пўстин ҳадыя қилди.

– Андам шунақа бойиб кетибдими? – баттар ҳайратга тушди Жамуха.

– Э, йўқ... Отасининг улусини тортиб олишибди. У мендан ўшаларни қайтариб олиб беришимни илтимос қилди. Ҳозир бўлса, унинг укалари келишган. Темучинга тасодифан меркитлар ҳужум қилиб, ёш хотинини олиб кетишибди. Мен бундоқ ҳукм чиқардим: сен унинг тутинган биродарисан, мен унинг отасининг акасиман. Биз бўлмасак, Темучинга ким ёрдам бериши мумкин?

– Хон ота, менинг фикрим – найза дастасидек тўппа-тўғри: Темучинга сўраётган нарсаларини беришимиз керак. – Жамуха бу янгиликдан ҳам, кераитларни ким найманлар билан уруштириб қўйганидан ва бундан хоннинг беҳабарлигидан ҳам хурсанд бўлиб кетди. Аммо хон бир нарсадан шубҳаланаётганини ҳам назаридан қочирмади. Темучин ўз пайтида пайдо бўлди-да...

– У меркитлардан хотинини тортиб олишга ёрдам сўраяпти.



– Биз меркитлар билан урушиб ўтирагимизми? Хотин, бу улус дегани эмас-ку, бошқасини топиш осон...

– Сенинг хотинингни ҳам олиб қочишганми? – жаҳл билан унинг гапини бўлди хон.

Жамуха ўзининг Уржонасини эслаб кетди. Сафарлар, ташвишлардан ҳориб, зулматдан бошқа ҳеч нарса йўқдай туйилиб кетган чоғларида ҳам, у хотинининг қўшиқлари ва хурнинг жаранглари тинглаб, кўнгил жаҳони ёришиб кетган пайтлари кам бўлганми?

Лекин меркитлар билан урушиш... Нима бўпти? Ҳозир Тўғул бақувват, ўзининг жангчилари ҳам анойи эмас.

– Мен сен билан боришга тайёрман, Хон ота.

Хон қовоғини очмади-ю, бош чайқаб қўя қолди. У ҳам хотинини эсига олиб, ўтмиш хаёлларига чўмган эди. У Жамухани ҳам унутиб қўйди, чоғи.

– Темучиннинг укалари шу ердами? – сўради Жамуха.

– Ҳа.

– Мен улар билан гаплашсам бўладими?

Эшик оғаларидан бирини чақиртириб, хон Хасар билан Белгитойларни бошлаб келишга юборди. Уларнинг ҳар иккаловини ҳам Жамуха кичкиналикларида кўрган, ҳозир рўпарасида турган етук йигитларга қараб, орадан қанча вақт ўтиб кетганини пайқаб қолди. Бақувват, паст бўйли Белгитой, деярли, оғзини очмади. Ҳамма гапни, асосан, барваста, озғиндан келган, қарашлари тетик Хасар гапирди. Жамуха унинг сўзларидан андаси қўл қовуштириб ўтирмагани, овулларда унинг тарафдорлари кўпчиликни ташкил қилишини ва уларни оёққа турғазини кераклигини билиб олди.

– Менинг биродарим Темучинга бориб айтишлар: мен уни яхши кўраман ва эсимдан чиқарганим йўқ. Менинг қўлимда нимама бўлса, бори уники.

Ака-укаларни кузатиб қўйиб, Тўғулга деди:

– Хон ота, ишни кечга суриб бўлмайди.

– Жангчиларингни бу ерга бошлаб кел. Мен укам Жағамбунни чақиртираман, қўшини билан. Ҳаммамиз йиғилган кунимиз меркитларга юриш қиламиз.

– Хон ота, агар ҳаммамиз ҳар тарафдан бир ерга йиғиладиган бўлсак, атрофимиздагилар бир нимани бошлаётганимизни билиб қолишади. Тойчуютлар ғимирлаб қолишади, найманлар ҳам отларини эгарлаб, кута бошлайдилар, меркитлар ҳам кўзларини бизга қаратиб, шай бўлиб туришади.

Хон ўйланиб турди-да, рози бўлди.

– Сенинг ақлинг – яхши дам берилган пичоқ тиғига ўхшаб чархланиб боряпти, – деб мақтаб қўйди.

– Менинг ақлим – сенинг мукамал донолигининг кучсизгина акс сандоси холос, – деб жавоб берди Жамуха камтарлик қилиб.

– Ўнўннинг тепа қирғоқлари бўйида, Бўтағон-бўржада учрашамиз. Қаердалигини биласан-а?

– Биламан. – Жамуха хаёлан қўшинларнинг белгиланган жойга борадиган йўлларини тасаввур қилиб кўрди. Миясига қизиқ бир режа келди. Хон-



ни Темучиннинг олдига кириб ўтишга кўндириш керак. Агар хон Темучиннинг қўналғасига бурилса, у ёғига тойчуютнинг ерларидан ўтишга мажбур бўлади. Темучиннинг юрак ютмай юрган хайрихоҳлари осонгина Жамухага қўшилиб олишади. Битта ўқ билан какликни ҳам, ғозни ҳам отса бўлади. Албатта, тойчуютлар хоннинг адабини бериб қўйишлари мумкин. Шундай бўлса, қайтага яхши ҳам бўлади. Хон отасининг кучи қийилади, попуги ҳам пасаяди. Лекин буни Тўғулхонга қандай қилиб айтиш керак? Таваккал қилишга қўнармикин? Унинг бир қабилага юриш қилаётганида бошқасига хужум қилиш одати йўқ. Жамуха оддий тушунса бўладиган, арзимас нарса устида гапираётгандай қилиб, мурожаат қилди:

– Сен, албатта, йўлакай Темучиннинг олдига ҳам кириб ўтарсан?

Хон оёғи остидаги намат устидаги сарғиш доғга диққат билан қараб ўтирарди. Бошини кўтариб, Жамуханинг кўзига тикилди.

– Пичоқ ҳаддан ташқари ўткир бўлса, ўз қинини ҳам кесиб юборади. Бу эса ёмон. Ўғлим, ўзингни бошқалардан кўра ақллироқ деб ўйлама, охири ёмон бўлади.

– Хон ота! Менинг фикрларим булоқ сувларидек тиниқ-ку!

– Ўчир! Унда нима учун ўзинг кириб ўтмайсан, Темучиннинг олдига? Ўзинг муғамбир, режаларинг ҳам қўй жуни сингари чалкаш. Қара, Жамуха...

Тўғулнинг овозида таҳдид оҳанги аниқ эшитилди. Жамуха хон унга ишонмаётгани ҳақидаги фикрини тасдиқлаб олди. Нима қилиб бўлса ҳам, унинг бу ишончсизлигини тарқатиб юбориш керак.

Хафа бўлгандай оҳангда гапира бошлади:

– Хон ота, ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, асоссиз таъналарни эшитиш оғир. Менинг режаларим, худди танғит гуручи доналари сингари, сеники билан бир хил. Бошқачаси йўқ ва бўлмаган ҳам. Темучинга мен кириб ўтишимни хоҳлайсанми? Мен бораман, хон ота. Сен нима десанг, ўшандай қиламан. Лекин андамникига мен сенга қараганда икки марта кўпроқ йўл босишим керак...

Хон индамади. У қўллари билан чопони бурмаларини мижиқлаб ўтирарди. Сал нафасини ростлаб олгач, Жамуха мулоҳаза ва босиқлик билан гапириб кетди:

– Хон ота, меркитлар энг кўп кимни қақшатишади? Тойчуютларни. Шундай бўлгандан кейин, сен меркитлар устига юриш қилаётганингни била туриб, жангчиларинг найзалари меркитларга қараб турганда сенга қарши чиқишлари мумкинми? Унинг устига улар сенинг шону шухратингни ҳам яхши билишади. Бу ҳам сенинг фойданг. Мен бўлса, бошқа масала. Ожиз ва арзимасман...

Навкарларига нўёнларни чақириб келишни буюриб, Тўғул ўрnidан турди. Қўлларини белбоғига ўрнаштириб олиб, Жамуханинг бошидан тепароққа қараб гапира бошлади.

– Худо кўриб турибди, Есугайнинг менга қилган яхшиликларини унутганим йўқ. Юриш қандай тугашидан қатъи назар, мен ҳам унинг ўғлига отаси

қилгандай яхшилик қилишга ҳаракат қиламан. Яхшиликка, Жамуха, одам яхшилик билан жавоб бериши керак.

Тўғулнинг меркитлар устига юриш бошлаши ҳақидаги хабарни нўёнлар очикдан-очик хушламай қабул қилдилар. Аллақандай тайини йўқ Темучиннинг тайини йўқ бир хотини учун жангчиларнинг умри жонини хатарга қўйиш ақлданми?

– Мен сизларнинг ақлли мушоҳадаларингизни эшитиш учун эмас, ўз хоҳишимни эълон қилиш учун чақиртирдим! – деди Тўғул жаҳли чиқиб.

Нўёнлар жимиб, тундлашиб қолишди.

Ўз овулига қайтар экан, Жамуха бу гапларни бир неча марта эслади. Тўғулхон ҳаммадан баланд бўлиб кетди. Бунақа кетишда у эртага ўзига, Жамухага ҳам ўз ҳукмини ўтказадиган бўлиб қолади. Нима ҳам қилардинг – бўйсунасан! Ўзингча қанча уринсанг ҳам, Тўғулнинг қўлидан чиқиб кетолмайсан. Ундан қочадиган бўлсанг, найманлик Инончахон ёки меркит Тўхта беки оёғи остида қоласан. Бир амаллаб улардан ҳам думингни олиб қочсанг – Тарғутойнинг тузоғига тушасан. Балки, энди унинг ёлғизлиги барҳам топар. Андаси Темучин ўз улусини қўлга киритиб олса, улар икки киши бўлишади. Кейин яна учинчиси, тўртинчилари ҳам чиқиб қолар. Жангу жадалдами, базмдами ҳаммаларининг гапи бир хил тош босадиган бўлади. Улигерларнинг дostonларида куйланганидек, улар қадимгидек хавф-хатар олдида дўстлари учун кўкракларини қалқон қилишади. Сахройиларнинг азалий эркинликларини ҳеч ким бузишга жазм қилолмайди.

Шу ўйлар унинг қалбига ором, куч-қувват бўлди. О, агар хон отаси унинг кўзлари қай манзилларга интилаётганини билсайди!.. Лекин у бунга билолмайди. Жамуха унга ким бўлибди? Деярли, бир навқари, холос. Сезиб қолса-чи? Ахир унинг шубҳалари ва ишончсизлигининг бирон сабаби бор-ку. Бироқ Жамуха бу таҳликали ўйларни ўзидан қувишга ҳаракат қиларди...

Сафарга отланар экан, у овулни қариялар ва болаларга қолдириб, барча жангчиларини олиб кетди. Белгиланган кунда у Бўтоғон бўржи дарасига етиб келди. Бир кун ўтди-ю, хондан ҳали дарак йўқ. У эртасига ҳам келмади. Жамуха хавотирланиб, қоровулликни кучайтирди. Тойчуютлар Тўғулнинг адабини бериб қўйишмаганмикин? Агар шундай бўлса, бу ерларда қолиш хатарли.

Учинчи куни навқарлар ҳам хавотирлана бошлашди. Сафар қароргоҳи жимиб қолди. Жамуха тунни шу ерда ўтказиб, тонгда ўз ерларига кетишга қарор қилди. Тонг отарда жангчилар отларини эгарлай бошлашди. Шу пайт қоровулдагилардан бири от чоптириб келиб қолди: қўшин келяпти. Жамуха отига миниб, тепалик устига чиқди. Теп-текис ялангликда отлиқлар қўшини келарди. Қуёш кўтарила борар, унинг нурлари эса отлиқларнинг қурол-аслаҳаларида алвонранг бўлиб жилваланарди. Булар тойчуютларнинг жангчилари бўлса-чи? Жамуханинг кўкрагини муз қоплади.

– Уларга пешвоз чиқ! – деди у бояги чопарга.

Ўзи эса қўналғасига келиб, довулчиларига хатар бонгини уришни буюрди. Довулларнинг гумбурлаган овози жангчиларни отга миндирди. Улар тезда сафланиб олишди. Жамуха ҳам белбоғини сиқиб боғлади, садоғини



тўғрилаб қўйди... Чопар тепалик орқасидан пайдо бўлиб, бор овози билан бақирди:

– Узимизникилар...

Жангчилар сафларини бузиб, пайдар-пай кераитлар ҳузурига юришди. Бошидаги тилла чўққили танғит дубулғасидан Тўғулни таниб, Жамуха унинг ҳузурига от солди. Ўзининг кечикканини оқлаб ўтирмай, хон қисқагина сўрашиб қўя қолди. Жамуха аламини базўр ичига ютиб, сўради:

– Хон ота, учрашув кунини иккаламиз келишиб белгиламаганмидик? Қадим одатларимизда ёши каттами ё кичикми, аҳдлашувга амал қилиши керакмасми?

Хон жавоб бериб улгурмади. Уларнинг олдига Жағамбу билан соқоллари эндигина кўрина бошлаган, чакак мушаклари бўртиб турган, баланд бўйли бир ёш отлиқ келишди. У хом теридан ишланган белбоғ, белбоғида титиғи чиқиб кетган қинга солинган қилич ва тол ёғочидан ясалган садоқ осган эди. Намат қалпоғи тагидан гўёки қуёш нурида тоблангандай малла сочлари тарвақайлаб чиқиб турарди.

– Мен сенинг олдинга анданг билан келсам, сен шунақа кутиб оласанми? – деди кулимсираб Тўғул.

V

Хилхо дарёси бўйига етиб келишганда кеч кириб қолган эди. Нариги қирғоқда бир неча балиқчи шўрва қайнатиб ўтирарди. Олғинчиларга кўзлари тушиши билан оқ, улар сакраб отларига минишди. Булар қирғоқдан кечувни излаб топишгунича балиқчилар кўздан ғойиб бўлди. Олов устидаги тайёр шўрва қолиб кетди. Олғинчилар оғизларини катта очиб кулганча шўрвани паққос туширишди.

Тўғул, Жағамбу ва Темучинлар тик қирғоқ устида тўхташди. Лойқа сув қирғоққа урилиб оқар, унинг юзасида ханжар тиғидек ингичка тўлқинчалар тебраниб турарди. Темучин нариги қирғоққа қараб, бошини сарак-сарак қиларди. Аммо қорайиб турган буга толлар қатори ва қиялама тоғ чегараларидан бошқа ҳеч нарса кўринмасди. Қаердадир шу атрофда меркитларнинг овуллари бор. Ўша ўтовларнинг бирида Бўрта ҳам... Унинг хаёли юрагига зирапчадай ботарди. Нима демасин, нима иш қилмасин, Бўртани унута олмасди. Гарчи шу кунларда унинг ишлари бошидан ошиб ётган бўлса ҳам.

Темучинга Тўғулхоннинг ўзи ёрдамга келгани ҳақидаги хабарга той-чуютлар овулида ишонқирамай қарашди. Шунинг учун ҳам хон ўз қўшини билан Темучиннинг қўналғасига етиб келганини эшитишганида ҳайрон бўлишди. Шу чоққача ўзига оғдиришга ҳаракат қилган, аммо бунинг уддасидан чиқолмаган бўлса, энди ўша одамларнинг ўзи Темучин тарафга ўтиб олибди. Тўғул Темучиннинг ҳузурига турган бир неча кун ичида онасининг эски ўтови олдида бутун бир овул пайдо бўлди. Темучин ҳолдан тойди. Ҳаммасини яхши гаплар билан кутиб олиш, ҳаммасига ўз ўрнини кўрсатиш керак эди...



Темучиннинг оти оғирлигини оёқдан-оёққа солиб турарди. От туёқлари остидан бир бўлак тупроқ бўлиниб, сувга учиб тушди. Темучин хон билан Жамуханинг суҳбатига қулоқ тутди.

– Олғинчилар шўрвани ўлжа олишганига хурсанд бўлиб ўтирибдилар. Лекин улар меркитларни қўлдан чиқариб юборганлари учун йиғлашлари керак, – дерди Жамуха қамчиси дастасини этиги қўнжига уриб.

– Бундан ғам ема. Қўлдан чиқаришибди – сенга нима!

– Хон ота, олғинчилар сенинг одамларинг бўлгани учун шундай деяпсан.

– Улар Темучиннинг одамлари.

Ҳа, нариги қирғоқдагилар Темучиннинг одамлари эди. Агар Жамуха талаб қилиб туриб олса, у ўша жангчиларни жазолаши керак бўлади. Ҳозир эса бу ишни қилиб бўлмасди. Ҳаммаси эндигина бошланди ва ўша ишни одамларни жазолашдан бошлайдиган бўлса, жангчиларни бездириб қўйиши аниқ.

– Улар ҳали ёш, тартиб-интизомга кунда риюя қилишмайди, – деди Темучин Жамухага ўгирилиб.

– Майли... Қайтага яхши бўлдимикин, деб ўйладим. Қочоқларнинг кўз ўнгида кўшинимиз уч баравар кўпайиб кўринди-ёв. Улар ўз нўёнларини ўлгудай кўрқитиб юборишади. Хон ота, сувни кечиб ўтамизми?

– Йўқ. Одамлар қоронғида бўкиб қолиб, кечаси яхши ухлолмай чиқади-лар. Биз бўлса, эртага жангга киришимиз керак. Ундан ташқари, бу томонда хавфсизроқ. Отларини бўшатиб, олов ёқишсин. Меркитларни кўрқитишни ўйлабсанми, яхшилаб кўрқитайлик. – Хон жиловларни қўлга олди. – Сизларни овқатга таклиф қиламан.

Жамуха Темучиннинг қулоғига энгашиб, гина қилгандай шивирлади:

– Олғинчилар сенинг одамларинг эканини менга нимага айтиб қўймадинг?

Темучин елка қисиб қўйди. Биродарининг ҳар ерда, ҳар қачон ёрдамга тайёр туриши уни хурсанд қиларди. Аммо ҳозир бу одамлар кимники экани уни заррача қизиқтирмасди. Улар ростдан ҳам айб иш қилишдими, йўқми, шунини билгиси келарди. Темучин йигитчаларни оқлаган бўлиб, тартибни яхши билишмайди, – деди. Бироқ Темучиннинг ўзи ҳам бу тартиб-қоидаларни билмайди-ку. Балки ҳеч қандай тартибнинг ўзи йўқдир. Ҳамма, ҳамма нарсанинг устида Яратганнинг иродаси туради. У хоҳласа бўлади, хоҳламаса йўқ. Агар Темучиннинг гумони рост бўлиб чиқса – ёмон. Борди-ю шундай бўлса, нима тўғрию, нима нотўғри эканини билмай қоласан.

Навкарлар хоннинг сафар чодирини тикиб бўлиб, унинг шундоққина рўпарасига катта гулхан ёқишди. Оловда барра кўзи гўштани пишира бошлашди. Аланга олдида кераитлар нўёнлари ва Тўғулхоннинг укаси Жағамбу турарди. Хон қуролларини ечиб ташлаб, енгил, ипак чопонида қолди. Темучин билан Жамуха ҳам кираверишга қуролларини ечиб қўйиб, гиламга ўтиришди. Бовурчи чинни косада архи қуйиб узатди. Хон қўлларини баланд кўтарди (чопоннинг кенг энглари тирсагигача сидирилиб тушди), ўз маъбудига дуо қилди-да, кейин Темучин ва Жамухалар билан қўши-



либ архидан озгина ерга тўқди (шу ерларнинг руҳларига атаб) ва тагигача сипқорди.

– Темучин, эртага ҳаммаси ҳал бўлади. Худо қўлласа, барча ғамларинг тугайди-қолади.

– Ишонаман, биз меркитларнинг кулини кўкка совуриб юборамиз! – деди Жамуха. – Улар бизни анчагача эслаб юришади.

Хон мусалласни ичиб бўлиб, косасини гиламга қўйди.

– Менам ишонаман. Лекин жангчининг омади ўзгарувчан бўлади-да. – Тўғул хўрсиниб қўйди. – Бир кун сен жуда катта бойликлар соҳиби бўлишинг яна бир кун ҳамма нарсадан мосуво қолишинг ҳам мумкин. Болаларим, мана нима учун одам бир-бирига суяниб яшаши керак. Бугун кучли, ақллимисан, дўстингга ёрдам қил, эртасига хароб бўлдингми, ўзингни еб ўтирма – дўстинг сенга қўлини чўзади.

Хон бу гапларини Жамуха ва Темучинни ўзига жуда яқин олганидан айтди. Темучиннинг кўксига чуқур миннатдорлик туйғуси тўлқинланиб кетди. Хон киму, ўзи ким? У – қондошлари ташлаб кетган, душманлари хўрлаган бир одам. Хон бўлса, буюк саҳродаги энг кучли ҳукмдорлардан бири... Ўзига ўхшаб оёғости қилиниб, тупроққа қоришган бир бенавога қўл бериш учун қанақанги қалб керак!

– Хон ота, сен ҳам, биродарим Жамуха! Мангу осмон бизга ўзининг бахт эшикларини очадики ёки биздан юз ўгирадими, уйларимизга ғолиб ва мағрур қайтамизми ёки руҳан ва жисман калтакланибми, мен бу яхшиликларингизни ҳеч қачон унутмайман. Чорласангиз бас, етиб бораман. Навкарлару жангчилар керак бўлса, уларни ҳам олиб бораман. Бўлмаса, бир ўзим бораман. Етиб боришга кучим етмаса, отимни бериб юбораман. Отим ҳам бўлмаса, садоғу қиличимни бераман. Агар шундай қилмасам, мана бу ичаётган мусаллас ўтга айлансин-да, ичимни куйдириб юборсин.

У мусалласни хуш кўрмасди-ю, аммо ҳозир унинг ҳаммасини ичиб юборди.

Кейин яна ичишди, сели оқиб турган барра гўштан ейишди. Ичган мусалласининг кучидан Бўртанинг соғинчидан, энди ёлғиз эмаслиги, бужур ва хунук хонга чексиз муҳаббатидан, қизлардай чиройли кўзли ва ақли, юзларида болалардай кулгичлари ўйнаб турган Жамуханинг садоқатидан, бу ерларга унинг учун келган жангчиларнинг ғовур-ғувурларию ва ниҳоят, ана ўша жангчилар орасида, қаердадир унинг энг зўр ишончли дўстлари – Бовурчи ва Жалма борлигидан, улар ўзига ўхшаб кўзи гўшти эмас, сув билан қурут еб ўтиришганидан – мана шуларнинг барисидан унинг йиғлагиси келиб кетди. Лекин юрагининг энг тубидан отилиб келаётган бу йиғи йиғига ҳам ўхшамас ва уни сўзда ифода қила олмасди. У Жамухани кучиб, юзига қаради.

– Биродарим менинг!

У хонни ҳам мана шундай бағрига босгиси келди-ю, бироқ ҳадди сиғмай, қўллари билан унинг чопони этагини силаб қўйди.

– Отам менинг!

Тўғулнинг ўзи уни кучоқлаб қўйди.

– Мен сенга ёрдам бера олаётганим учун бахтлиман.

Овқатдан кейин улар чодирдан чиқишди. Қирғоқ бўйлаб юзлаб гулханлар ёниб турар ва унинг лоларанг акси тик қирғоқларда, толлар танасида ўйнардди. Жангчилар уйқуга ётар эканлар, босиқ овозда гапиришар ва уларнинг овозлари дарё тўлқинларининг шалоплаши-ю тол баргларининг шивирига аралашиб кетарди.

Темучин ва Жамуха сув бўйига, қумлоқ қирғоққа тушишди. Жамуха қўлини Темучиннинг елкасига қўйди.

– Анда, Ўнўн эсингдами?

– Буни унутиб бўлармиди?

– Хучарни ютганимиз-чи, эсингдами? – Жамуха аста кулиб қўйди. – Биз иккаловимиз бирга бўлганимиз учун ҳам уни ютувдик. Ҳозир Хучар қаерда?

– Хучар – ёмон одам!

– Нима ёмонлик қилди?

– Мен учун ҳеч нарса қилмаганининг ўзи ёмонлик.

– Анда, аммо мен ҳам шу кунгача сенга ёрдам беролмадим-ку. Мендан хафадирсан? Менинг иложим йўқ эди. Қилолмадим.

– Сендан хафа эмасман.

– Хучардан нимага хафасан?

– Нимага сўраб қолдинг уни?! – Темучин ўйланиб қолди. – Биласанми, ҳозир ҳеч кимдан гина қилмайман. Бироқ ҳеч кимни сен билан ҳам тенглаштиролмайман. Сен биринчи бўлиб етиб келдинг!

– Келмай иложим йўқ эди, Темучин. Эсингдами қасамёд қилганимиз? Қалбларимиз бир, шодлигимиз бир, икковимизнинг ташвишимиз ҳам бир. Дунё ҳар хил одамларга тўла. Аммо биз икки кишимиз.

– Энди уч кишимиз, Жамуха. Учинчиси Хон отамиз Тўғул.

– Ҳа, албатта... Аммо Тўғул – хон. Биз иккимиз бўлса, шунчаки, эркин қабилаларнинг нўёнларимиз, холос. Ва бизнинг устимизда битта ҳукмдор бўлиши керак, бу – бизнинг дўстлигимиз.

Дарё бурмасида каттагина балиқнинг думи шапиллаб сувга урилгани эшитилди. Таймен балиққа ўхшайди.

– Темучин, анда, юр, ухлаймиз.

– Юра қол, андам Жамуха.

Унинг тушига Ўнўн бўйидаги бир байрам кирибди. Одамлар шовқин солган, довуллар чалинган. У эса кўрарга кўзи йўқ қанғаси билан бир аравага суяниб ўтирган эмиш. Тойчи Қури уни қаергадир чақирар, чопонининг енгидан тортар эмиш.

– Тур, Темучин, вақт бўлди!

– Мен бормайман!

– Мана, ичкилик одамни нима қилади!

Бу Тойчи Қурининг эмас, Бовурчининг овози эди. Темучин кўзини очди. Бовурчи ва Жалма бири бу томондан, иккинчиси у томондан тортқилашар-



ди. Довуллар чалинган, аскарлар отларини эгарлашарди. Темучин бошини чайқатди. Миясидаги оғриқ уни парчалаб ташлагандай бўлди.

– Увв... Оғришини-чи...

– Кейинги сафар бунақа ичмайсан! – деди жаҳл билан Бовурчи, қимиз солинган ёғоч идишни узатиб. – Кичкиналигимда бувим айтардилар: ичган одамнинг калласи қоп-қоронғи бўлади.

– Бовурчи, дўстим, вайсайвермагин. Сенсиз ҳам кўнглим айниб ётибди. Кўряпсанми, Жалма жим турибди-ку. У яхши йигит.

Муздаккина қимиздан кейин сал енгиллашгандек бўлди. У отига ўтирди-да, кечаги тик қирғоққа қараб юрди. У ерда хон, Жамуха, Жағамбу, бошқа кераит нўёнлари туришарди. Кечув бошланган эди. Отлар сувни ҳидлай-ҳидлай, секингина сувга тушишарди. Қирғоққа яқин жойларда сув саёз, аммо ўртароққа борганда анчагина чуқур бўлгани учун кучли оқим отларни айлантириб юборар, уларнинг бошлари сувдан чиқиб қоларди. Чавандозлар отлари устида энгашиб, букчайиб оёқларини сувдан кўтариб олишга уринардилар. Бир отликнинг оти қоқилиб тушди. Жангчи кўрқиб кетиб, жиловни тортиб юборди. От бошини кескин орқага ташлади, яна қоқилди. Бу сафар сув отни йиқитиб юборди. Аскар боши билан сувга кириб кетди. Жиловни қўйиб юборди. Оқим уни оқизиб, тол буталари томонга олиб кетди. Бечора сувдан ҳамма ёғи шалаббо бўлиб, айбдорларча хижолатли кулимсираб чиқди.

Жамуха Темучинга имлаб қўйди.

– Бу йигитча ҳам сеники-ку!

Темучин ҳам ўзининг ўша аскар йигитдай айбдорларча кулаётганини пайқади. Бирон нима дейишга эса мажоли етмади. Чаккаларининг ички тарафидан темирчининг болғалари уриб турарди. Гарчи ундан кам ичишмаган бўлса ҳам, Тўғул билан Жамуханинг бошлари оғримаётгандай эди.

Дарёдан ўтиб олган жангчилар саф торта бошлашди. Олғинчилар вақтни бой бермай илгарилаб кетишди. Тўғул ҳам отини сувга солди. У бошқаларга ўхшаб оёғини тортиб ўтирмади. Дубулғасини ярақлатганча қандай тик ўтирган бўлса, сувга тушганида ҳам ўшандай ўтираверди. Сув этиги қўнжининг ярмигача етарди. Темучин ҳам оёғини сувдан кўтармади. Сувдан чиқиб олганида эса, эскириб кетган гутулининг ичи сувга тўлиб кетганини билди. Сув гутулининг ҳамма тешикларидан оқиб турарди.

Тушга яқин олғинчилар меркитларга рўпара бўлишди. Жангчиларни тўхтатиб, хон ўз аъёнлари билан тепалик устига кўтарилди. Меркитлар водийга кираверишда, икки ёндаги баланд тепаликлар оралиғида саф тортишарди. Хон оқариб қолган соқолини айлантириб ўйнаганча, атрофни узоқ кузатди.

– Уларнинг бизга пешвоз чиқишларини кутмаган эдим. – Хоннинг овозида ташвиш оҳанги сезилгандек бўлди.

– Улар унча кўпчилик эмас, – деди Жамуха. – Тунда етиб келишолмаган, шекилли. Бизни тўхтатиб қолишолмайди.

– Кўпчилик эмаслиги рост, – уни қувватлади хон. – Лекин булар-меркитлар. Урушишни билишади. Шунинг учун... – У дубулғасини орқароққа суриб қўйди, тирноғи билан ўнг энсасини қашлаб, атрофга яна бир қараб олди. – Жағамбу, анави ўрмончани кўряпсанми? Ўша ёққа бор. Билдирмай бориб, меркитларнинг орқасидан соласан. Жамуха, Темучин, сизлар ўз одамларингиз билан чапга борасизлар. Тоғ сизни меркитлар кўзидан яширади. Ҳов анави тепалик орқасига ўтиб, кутиб турунглар. Мен уларга тикка бораман.

Бош оғриғи, кучли ҳаяжон Темучинга халал берар, қўшинни бўлиб ташлашнинг маъносини тушунолмаётганди. Шунчалар мураккаб нарсанинг нима кераги бор экан? Агар меркитлар озчилик бўлса, ўйлаб ўтирмасдан, бор куч билан уларнинг устига ёпирилиш, янчиб, топтаб ташлаш керак, вассалом. Миясида тўсатдан шубҳа ғимирлади: хон меркитларни бир ўзи енгмоқчи! Наҳотки, хон шунақа бўлса? Ёки у нотўғри ўйлаяптими? Бовурчига энгашди:

– Бундан кейин жанг олдидан асло ичмайман. Ҳеч қачон!

У хонга, Жамухага, меркит жангчиларига қараб турар экан, хон кўрсатган тепалик орқасига ўтиб, индамай пусиб ўтиргиси келмасди.

– Хон ота, мени ўзинг билан бирга олиб кет!

Хоннинг юзида норозилик аломати кўринган бўлди-ю, бироқ унинг қора кўзларида мулойимлик жилва қилди:

– Майли. Сен мен билан борасан.

Секин юришни бошлашди. Отларнинг кучини сақлаш керак эди. Аммо мана шу хотиржамлик остида ҳам улкан таҳлика ва зўриқиш сезилиб турарди. Бовурчи кўзларини ёруғликдан яширгандай, қисиб, олдинга қараб кетар, Жалма бўлса қовоғини уйиб, лабларини тишлаб олган эди.

Орадаги масофа қисқариб борарди. Намойишкорона тик кўтарилган туғларни, меркит отларининг зотларини ажратадиган даражага келиб қолишди. Душман жипс саф тортиб, икки тепалик оралиғида турарди. Бу саф бузиб, ошиб ўтилмас тўсиқдай кўринарди. Одамларнинг ҳаяжони отларга ҳам ўтгандай, қулоқларини чимираб, бошларини сараклатар эдилар.

Тўғул бирон белги бердими, ёки жангчилар ўзлари олдинга ташлади, Темучин билмай қолди. Отларнинг туёқларидан чиққан дупур-дупур овози унинг қулоқларини ўйиб юбораёзди. Куюқ чанг булутини нақ осмонга ўрлади. Отлиқлар гўёки шу булутдан қочаётгандай учиб борарди... Меркитлар сафидан ўқлар қорайиб учиб қолди. Жангчилари ҳам ҳаракатга келиб, тезлик билан пешвоз чиқишди. Темучин қиличини тинимсиз сермар, бақирар, аммо ўз овозини ўзи эшитмас эди.

Малларанг, кўкраги кенг от минган чавандоз унга қараб учиб келар, қўлидаги найзасининг тиғи унинг кўкрагини нишонга олган эди. Темучин эгаридан туриб, ёнбошига айланиб олди. Найза ёнгинасидан ўтиб кетди. Шу дақиқада Жалманинг қиличи худди чақмоқ сингари бир яракладию меркитнинг бошида қарор топди.

Меркитлар ёвуз жасорат билан уришар, борган сари тазйиқни кучайтиришарди. Хон қўшини тўхтаб қолди, кейин тисарила бошлади. Темучиннинг



назарида, яна бир оздан кейин хон қўшини бўлакраниб, янчиб ташланадигандай кўринди. Саросимага тушган, вазиятни ўзгартириш қўлидан келмай турган Темучин оломон ичидан Тўғулни қидира бошлади. Аммо паға-паға чанг ичида бегоналарнинг олайган кўзлари, отларнинг тиш-чакаклари кўринар, пўлатнинг жаранглаши, отларнинг дупури, аллакимларнингдир ажал талвасасидаги қичқириқлари, отларнинг даҳшатли кишнашлари эшитиларди. Бир дақиқага хон ҳам, андаси ҳам уни меркитлар қиличи рўпарасида ташлаб кетишгандай туюлди. Қўрқув ақлини ўтмас қилиб қўйди. У жиловни узар даражада тортар, отини орқага буриб, бу одамзод ваҳшати жам бўлган ўрамдан чиқиб, тезроқ узоқроққа қочиб кетишни мўлжалларди. Аммо ўнг томонида Жалма, чап томонида эса Бовурчи жанг қиларди. Темучин иккала дўсти томонидан сиқиб қўйилган эди...

Бирданига ҳаммаси чаппа-роста бўлиб кетди... Туйқусдан меркитлар тазйиқни бўшаштириб қўйдилар-да, талмовсираганча орқага чекина бошлашди. Темучин сал энгил тортди, атрофига қаради. Тепалик ортидан босиб келган Жамуханинг қўшини меркитларнинг чап қанотини қайириб ташлади. Душман тепаликлар оралиғидаги ўтиш дарагача суриб ташланди. Меркитлар у ерда ҳам узоқ туrolмай, орқаларини қиличу найзаларга нишон қилиб қочиб қолишди. Аммо улар қочаётган томондан Жағамбунинг одамлари келарди.

Темучин тепалик устида отдан тушди, юз-кўзидан оқаётган ачимсиқ терни артди. Қўллари ўзига бўйсунмас, оёқлари титрар, миясини лўқиллатаётган оғриққа чидаб бўлмасди. Бўлиб ўтган нарсаларга ақли бовар қилмаётганди. Ҳолсизланиб, бир тошга чўккалади. Кафтдай водийда ўликлар ер тишлаб ётар, ярадорлар ўрмалар, қон ҳидидан безовта отлар бебош чопқиллар, жангчилар қуролларни йиғиштириб, ярадорларга ёрдам берар, душман томонникини эса ўлдириб юришарди.

Душман яксон қилинди. Енгилди!

Аммо яқингинада кўнглидан ўтказган даҳшати ва ночор ҳоли Темучинга бу қувончни тўлалигича ҳис қилишга йўл бермасди.

Жамуха от елдириб келди. Отидан сакраб тушиб, букчайиб ўтирган Темучиннинг кураклари устига мушти билан бир туширди. Кир босган юзидаги кулгичлари бошқа пайтдагидан кўра ёқимлироқ кўринар, тишлари ярқирарди.

– Нимага ёмғирда шўппайиб қолган бойқушга ўхшаб ўтирибсан? Биласанми, биз кимни ҳибс қилдик? Нўён Хавотой Дармалани. Кўрасанми?

– Тўхта бекининг нўёнини нима қиламан? Менга Бўрта керак.

– Бўртани ҳам топамиз. Бутун меркитлар улусини ағдар-тўнтар қиламиз, лекин топамиз.

Қочиб улгурган меркит навкарлар ўз овулларида таслим бўлганлари ҳақидаги хабарни тарқатдилар. Одамлар қочишга тушдилар. Араваларига энг зарур нарсаларини ортиб, ўтовларини, баъзилар эса чорваларини ҳам ташлаб, Селенга бўйлаб пастга, Баргужин Тўқума тарафларга қоча бошладилар.

Ғолиб жангчилар эса водий бўйлаб от суришар, қочоқларни қўлга олар эдилар.

Темучин ўз навкарлари билан саҳрони айланиб чопарди. Водийларнинг бирида Тўхта беки овулига дуч келишди. У ерда одамлар кам қолган эди. Бўртани излаб, навкарлар ўтовма-ўтов тинтув ўтказдилар. Яширинган меркитларни қамчи ва найзалар билан савалаб, Тўхта беки чодирига ҳайдаб келишди. Темучин, Бовурчи, Жалмалар уларни сўроққа тутиб, Бўрта ҳақида суриштирдилар. Аммо ҳеч қандай хабар топилмади.

Майдонга бўйнига қанға осилган, озиб-тўзиб кетган бир одамни олиб келиб, тупроққа улоқтиришди. У ўтириб олиб, юзини ёпиб қўйган опала сочларини йиғиштирди ва бефарққина қараб тураверди. Жангчиларнинг бири қиличи учи билан қанғанинг темир қулфини уриб қўйди.

– Мустаҳкам ясалган. Олиб бўлмайди.

– Сен аввал унинг бошини ол! – Кимдир кулиб маслаҳат берган бўлди.

Темучин уни қамчиси билан уриб қўйди.

– Нарӣ бор, полвон! – Маҳбусга энгашди. – Сен ким бўласан?

– Тайр Усуннинг юзбошисиман. Исми Чиледу.

– Нима учун қанға кийдиришди? Жинойтчимисан?

– Йўқ. Лекин Тайр Усун бошқа фикрда.

– Навкарлар, қулфни бузинглар! Мен сенга ҳаётинг ва озодликни ҳадя қиламан, маҳбус. Бир пайтлари мен ҳам мана шундай бўйинбоғ билан юрганман.

Навкарлар қулфни бузиб, қанғани ечиб ташлашди. Чиледу кўзларига ишонмай, қўли билан бўйни, елкаларини силаб қўйди.

– Тойчуютларга босқин бўлганда асир олинган икки аёлнинг қаердалигини билмайсанми?

– Кўрганим йўқ. Мен тўсинга боғланиб ўтирувдим. Улар қочиб улгурганлар билан бўлишлари керак.

– Биз уларни қувиб ета оламизми?

– Ҳа, улар унчалик узоқ кетишгани йўқ. Анави довон тарафга юринглар. Унинг орқаси саҳрога туташади. Сен ўзинг кимсан...

– Мен Есугай баҳодирнинг ўғлиман.

Чиледу бошини орқага ташлади-да, унга тикилиб қаради, хириллаб кулди. Темучин отини ниқтар экан:

– Шодликдан ақлдан озди, шекилли... – деди.

Темучин навкарлари билан қочоқларга етиб олганида кун бота бошлаган эди. Пиёдалар, отликлар, чодирли аравалар от уюрлари, қорамол подалари ва қўй сурувлари билан аралаш-қуралаш бўлиб, кенг текисликда кетиб борарди. Одамларнинг қичқириқлари, отларнинг кишнаши, сигир-бузоқларнинг маъраши, арава ўқларининг ғирчиллаши билан айқаш-уйқаш бўлиб кетиб, оқшом тинчлигини бузар эди. Отлик жангчиларни кўриши билан бу тўда бузилиб, ҳар тарафга ёйилиб кетди. Жангчилар қутурган овозда бақир-чақир қилиб, қочоқ эркакларни чопиб, аёллар ва болаларни қамчилаб, бир тўдага йиғиб келарди.



Темучин Бовурчи билан тўданинг орасини ёриб кирди, аравалар оралаб юриб, ҳамманинг юзига бир-бир қараб чиқишар ва тинимсиз:

– Бўрта! Бўрта! – деб баравар бақирардилар.

Қидириш бефойдадек туйилган охирги паллада, осмонга ўрлаган шовқин ичида Темучин таниш овозни эшитгандек бўлди. У овоз эшитилган томонга юрар экан, йўлини қамчиси билан очиб борарди. Энди овоз жуда яқиндан эшитилди:

– Темучин!

Унга қараб икки шарпа яқинлашди, тўрт қўл чопонининг этакларига ёпишди. У отдан сакраб тушди, Бўртани бағрига босди. Аёл унинг елкасига осилиб олди, кўз ёшлари ҳўл қилган юзи билан эрининг иягига ёпишди. Хо-ахчин Темучиннинг елкаларини, куракларини силар ва тинимсиз ўзининг нолишини такрорларди:

– Вой-йей! Вой-йей!

VI

Ғолиблар ўз овулларига қайтишарди. Қўшин олдида отлар уюрлари, чорва подалари, турли хил ўлжалар ортилган юзлаб аравалар борарди. Аравалар ортидан ёш жувонлар, болалар судралишарди. Қариялар ва жангчилар, одатга кўра, асир олинмасди.

Асирлар орасидаги кам сонли эркаклар орасида Чиледу ҳам бор. Унинг кўзлари ич-ичига тушиб кетган, чакаклари ўткирлашиб кетгандай. Белбоғсиз, йиртиқ чопони озғин танасида таёққа илиб қўйилган қопдай осилиб турарди. Тайр Усун уни итларига қўшиб боқди. Фақат итлари унга ўхшаб хомага боғлаб қўйилмаганди. Жон аста-секин унинг танасини тарк этиб борар, у эса бу онни бепарво кутиб ўтирарди. Тунларни бурга босган итлар инида яраларини бетиним қашлаб ўтказар экан, у ер юзида қилишим жоиз бўлган ҳамма ишни қилиб бўлдим, деб ўйларди. Энди мангу осмон иродаси билан руҳи танасини тарк этиши ва майсалар ҳеч қачон сўлмайдиган, дарёлари музламайдиган, чорвалари семиз ва подачилари бахтли томонларга кетиши қолди. Бу роҳатбахш водийда ёвуз одамлар руҳи бўлмади. Ҳаётида ёвузликлар қилиб ўтганларнинг руҳи, шу ерда, зулмат тунларида бўриларнинг кўзларида чақнаш, харгана буталари остида уккининг овози бўлиб қичқириш учун қолдирилади. Есугайнинг зулмкор руҳи ҳам саҳро узра югургилаб, чорвага зиён етказиб юрган бўлса керак. Чиледунинг ўзи ҳеч кимга зулм қилгани йўқ. Овулун ҳам. У ерларда уларнинг бирга бўлишларига тўсқинлик қила оладиган нарса йўқ.

Навкарлар занжирни узиб, уни тўсиндан бўшатиб олишган ва тепкилар остида чодир тарафга судраб келишганида, у жуда хурсанд бўлиб кетди – бу тамом дегани. Аммо анчадан бери ўзига оғир юк бўлиб турган ҳаётини яна ҳады қилишди. Яна ким денг – Есугайнинг ўғли! Аввал бошда буларнинг бари унинг учун ақлдан озишга ўхшаб кўринди...

Юриш машаққат эди. Ҳолсизликдан боши айланарди. Кўзи атрофида рангин ҳалқалар тўлқинланарди. Ёнгинасида қўлида кичкинагина ўғлини кўтариб олган ёшгина аёл қоқилиб-суқилиб борарди. Унинг юзидан қорамтир терлар оқиб турар, оғзини катта-катта тез-тез очиб нафас оларди. Болакай дўмбоқ қўллари билан унинг кулоқларини тортқилаб бир нималар дер, аёл эса буни кўрмас ва эшитмас эди.

Чиледу юзини ўгирди. Бироқ шу онда унинг кўзи ўзига қараб турган Хаватой Дармаланинг кўзларига тушди. Нўённинг чопони ва гутулларини ечиб олишган, биргина иштонида қолган эди. Сахро тиканлари ва тошлар ёриб ташлаган оёқларидан қон оқиб ётар, бўйнига боғланган арқоннинг бир учи аравага боғланганди. Нўён қадамини салгина секинлаштирса, аравага боғланган арқон уни бўға бошлар ва унинг кўзлари олайиб, яна юришини тезлатарди. Хаватой Дармаланинг ғамгин қараши ёрдам сўраб илтижо қиларди.

Чиледу анчагача Темучинга бу қўшин қаердан келиб қолганини тушунолмай юрди. Агар у Овулуннинг чувринди ўтовини ўз кўзи билан кўрмаганида эди, бу ҳақда ўйламаган бўларди. Лекин у кўргани учун, бу бўлаётган нарсалар нималигини англашга ақли етмасди. Кунни кеча, худди ҳимоясиз қорачанинг хотинини олиб кетгандек, Темучиннинг хотинини олиб қочишганди. Бугун бўлса, хотинини қайтариб олиш учун у Тўхта бекининг ўзини ҳам пароканда қилиб ташлади-я. Унга аниқ, мангу осмон мадад берган. Кейинроқ атрофни кузата бориб, у Темучин бу ёрдамни қаердан олганини тушунди. Аммо бундан унинг ҳайрати камайгани йўқ.

У Темучинни, бир вақтлар унинг отасини ёмон кўргандек, ёмон кўришни истарди. Аммо қалбида бутунлай бошқача нарсалар ғалаён қиларди. Ҳаттоки, Темучиннинг тўсатдан бундай юксалиб кетишидан қувонди ҳам. Чунки у фақатгина Есугайнинг эмас, Овулуннинг ҳам ўғли ва ҳамма гап мана шунда эди.

Бола кўтариб кетаётган аёл тамом ҳолдан тойди. Чиледунинг бўйнига осилган эди, у ўзини базўр тутиб қолди. Унинг қўлидан боласини олди. Лекин аёл энди суянчиқсиз юролмасди. Бир амаллаб уни арава яқинига олиб келди-да, қўлига арқон ушлатиб қўйди.

– Ушлаб ол.

Жувоннинг оёқлари букилиб кетиб, араванинг орқа тарафига кўкраги билан ётиб қолди. Қоровуллаб келаётган навкар буни кўриб, отини яқинлаштирди-да, найзасининг ёғоч тарафи билан аёлнинг бошига туртди. У эса унсизгина ерга қулади. Юзи бўзариб, кўзлари тепага қараб тортилиб кетди. Чиледу уни кўтариб қўймоқчи бўлувди, аммо қоровул уни ҳам тушириб қолди.

– Жўна!

Чиледу чайқалганича, нари кетди. Навкар отидан энгашиб, жувоннинг қўлидан олди-да, четроққа судраб кетди. У ерда ётганича қимир этмади.

Болакай борган сари оғирлашиб бораётгандай, юриш тобора қийинлашарди. Бояги қоровул ҳадемай уни ҳам бир четга судраб олиб чиқиб ташла-



шини кутарди. Аммо бу нарса хавотирга ҳам, қўрқувга ҳам солмасди. Шунинг учун ҳам, у оёқлари тойиб кетгунга қадар ҳиқиллаётган болани кўксига маҳкам босганича, арава кетидан юраверди.

Кечқурун тунашга тўхталганда, у майса устига ётиб олди. Бироз дамани олди-да, бия соғувчиларнинг олдига борди. Улардан озроқ сут сўради. Сутни олиб келиб, боланинг қорнини тўйғазди, ўзи ҳам ичди. Бир аёл яна бир бўлак курут ҳам берди. Уни шундоқ қуруқлигича еб қўя қолди. Шу пайтгача мудраб ётган очлик энди шундай авжига чиқдики, анчагача ухлай олмади. Чопонига ўраб олган болакай унинг кўксига бошини қўйиб олганча, пишиллаб ухларди. Эрталаб болакай уйғониб, ўтириб олди-да, унинг бурнидан тортқилаб, аниқ тиниқ қилиб:

– Эцэгэ, – деди.

– Ҳа, ҳа, мен сенинг отангман, – деди Чиледу хўрсиниб. – Қорнинг очдими? Сут ичасанми?

Яна соғувчиларнинг олдига келди. Аммо қоровуллар уни қамчи билан уриб ҳайдашди.

– Бу ерда юрма, қичима така!

– Мени уришга қандай ҳаддинг сиғди, мен эркин одамман! – бақирди Чиледу жаҳли чиқиб.

– Мен ҳозир сени эркин қилиб қўяман! Ичагингни ағдариб ташлашмаганига хурсанд бўлсанг-чи.

Чиледуга алам қилди. Бу қанақаси бўлди? Ёки Темучиннинг гапи ўтмай-дими? Балки, Тўхта беки чодирди олдида бўлиб ўтган ҳамма воқеалар унинг тушига кирганмикин? Балки бу ерда ҳеч қанақанги Темучин ҳам йўқдир... Соғувчилардан сўради:

– Овулуннинг ўғли сизлар биланми?

– Биз билан. Лекин бу билан сенинг ишинг бўлмасин.

– У менга озодсан, деб айтди. Ким бу ерда бош – Темучинми ёки сенми?

– Вой, сен ҳали ёлғончи ҳам экансан-ку! Жойингда тур! Хўв, Бовурчи, бу ёққа келгин. Мана бу туки юлинган така, гўёки Темучин унга озодлик берган, тухмат қиляпти.

Бовурчи от чоптириб келди.

– Э, сенмисан, қанғалик! У ёлғон гапирмаяпти.

Чиледу Бовурчига яқинлашди.

– Овулуннинг ўғли менга жоним ва эркимни ҳадя қилди, шундайми?

– Шунақа. Сен хоҳлаган томонингга кетишинг мумкин.

– Мана бу болани олинглар. Қорнини тўйдиринглар-да, менинг эркимни олақолинглар. Менинг борар жойим йўқ.

– Бу сенинг ўғлингми?

– Ҳа.

– Кетимдан юр.

У Чиледунни жангчилар турган ерга олиб келди. Бу ерда катта қозонларда қўй гўшти қайнаб турарди. Бовурчи қария баковулни чақирди.

– Мана бу одамни, боласини ҳам қорнини тўйғазасан. У асир эмас. Унга белбоғ билан қалпоқ ҳам бер. Сенга қарашиб юраверсин.

Шундай қилиб, энди болакай аравада кетадиган бўлди. Чиледу уни каттагина қозоннинг ичига солиб қўядиган бўлди. Ўзи эса унинг ёнида юрар, ҳар хил рангдаги тошчалардан териб берар, болакай эса бу тошчалар билан мис қозоннинг гардишига уриб овозлар чиқарар ва уларни эшитиб, хурсанд куларди. Ўйиндан зерикканда эса дўмбоқ қўлларини узатиб,

– Эцэгэ! – деб талпинар ва кўтаришини сўрарди.

Мана шу биргина «ота» деган оддий сўздан Чиледунинг юрагида азобли оғриқ туриб кетарди. Шу чоққача ҳеч ким уни бундай чақирмаган.

Қўнишлар пайтида у ўтин топиб келишга кетарди. Уни йўқотиб қўйган болакай эса бор овози билан йиғи соларди. Чиледу бола олдига чопқиллаб қолар, баковул бўлса:

– Қўлида боласи билан юрган эркак хотиндан ҳам баттар бўлади, – деб жаҳл билан тўнғилларди. – Сендан қандай қилиб ёрдамчи чиқиши мумкин? Ўзингни ҳам, болангни ҳам бекорга боқиб юрибман. Онаси қани?

– Ўлиб қолди... Аскарларингиз унга ёрдамлашиб юборишди...

– Шикоят қиляпсанми? Сиз меркитлар дастидан ҳеч кимга тинчлик йўқ эди-ку, шунақами? Индамайсан? Индамаганинг дуруст. Боланинг исми нима?

– Мен уни Олбор (топилма) деб чақираман, – деди Чиледу тилига келган биринчи сўзни айтиб.

– Қандайдир, ғалати исм. Ўзинг ҳам ғалатисан, худди ўт тиқилган қопга ўхшайсан, фақат кўринишинг одамга ўхшайди.

Баковул ҳам, жангчилар ҳам Чиледуни хушлашмасди. Тўғри-да, душманни қандай қилиб яхши кўриш мумкин, гарчи энди душманлиги қолмаган бўлса ҳам. У одамларнинг олайиб қарашларини тўғри қабул қиларди. Лекин, умумий нафрат ва жирканиш ичида боланинг унга ўрганиб қолганлиги, худди қиш саҳросида бўронда адашиб қолган йўловчи учун узоқдан кўринган шуъла сингари эди.

Бутун йўл давомида у Темучинни бир мартагина кўрди. Овулуннинг ўғли кераитлар хони билан ёнма-ён борарди. Унинг кўкиш кўзлари Чиледунинг юзида тўхтамасдан ўтиб кетди. Танимади. Бундан Чиледу хафа ҳам бўлмади. Аксинча, у ҳозир ўзини бирор-бир кимса таниб қолишини истамасди.

Овулун билан ўртада бўлиб ўтган охирги суҳбатни эслар экан, ўзининг тентаклигига ҳайрон бўларди. Туққан болалари хонлар авлодидан бўлган аёлга бирга яшашни таклиф қилишга қайси ақли ундади экан? Овулун ва унинг болаларига у нима ҳам бера оларди? Унинг қўлидан келадиган энг катта иш – уларни Қора туматлар элига, ўз қариндошлари маконига олиб кетиш ва ёввойи ҳайвонларни овлаб, уларни боқиш эди. Овулун буни ўша заҳотиёқ тушуниб етибди, унинг калласига эса энди етиб келди. Эҳтимол, ҳали ҳам ҳеч нарсани тушуниб етмаётгандир. Бу ерларда нима қилиб юрибди? Овулун учун қилиши мумкин бўлган биргина яхшилик – унинг кўзига



кўринмаслик, ўтмишини эслатиб, қалбига озор етказмаслик. Араванинг кетида судралмасдан, саҳрода қолиб, шу кенгликларда чириб, йўқ бўлиб кетгани яхши эди. Бироқ ҳозир бу ишни қилолмайди. Аравада Олбор ҳиқиллаб: «Эцэгэ, эцэгэ!» деб ўзига чақиряпти.

VII

Саҳро осмонида қанотларини кенг ёйиб олганича бургут ҳаволаб учарди. У жуда қари, вужуди илгариги қувватини йўқотган, кўзларидан ҳам аввалги ўткирлик қочган, мадорсиз чангали билан ўлжага чанг сололмайдиган ҳолда эди. Бургут ҳолсизланиб борарди. Аммо бу жойда, қуруқ ҳаво оқимлари орасида у чарчоғини унутар, парвозига унча кўп куч сарфламаганидан ўзини ёш, учқур ва қудратли ҳис қилар, илгаригидек бир зарб билан сайғоқча ёки қўзичоқни ағдариш ва кейин баланд қояларга кўтариб кетиб, ҳали қони қайноқ майингина гўштарни еб роҳатлана оладигандек сезарди. У саҳро текисликлари, тепаликлар ва жарликлар устида парвоз қилар ва ҳар унгури нигоҳи билан тафтиш этарди. Бургут унинг сояси ер югургилаб юрган сичқон, сариқ-қумранг юмронқозиқ ва майда қушчалар галасини хавотирга соларди.

Рўпарада отлиқлар кўринди. Улар саҳрода астагина, каттакон овулниг ўтовларини мўлжаллаб боришарди. Ўтовларнинг орқасида, дарё бурамаси бўйида қўй-эчкилар ўтлаб юришарди.

Бургут аста-секин пастлай бошлади.

Оқиш рангли улоқча пешанасини қирғоқ кесакларига ишқаб олди-да, энгашиб сув ича бошлади. Бургут сояси сотиб қўймайдиган қилиб, пастга шўнғиди. Ранги ўчган патларида шамол визиллаб қолди. Ер, дарё, бош эгиб турган улоқча жуда тез яқинлашарди. У оёқларини олдинга чиқариб олиб, қайрилма тирноқларини улоқчанинг елкасига санчишга тайёрлади. Улоқча қанотлардан чиқаётган шамол овозини эшитиб, бошини кўтарди-да, қўрққанича маъраб чопиб кетди. Аммо осмондан учиб тушаётган бургут тезлиги олдида уники нима бўпти! Бургут унга етиб олди, тирноқлари билан орқасида диккайиб турган думидан ҳам ушлагандек бўлди. Аммо шу дақиқада улоқча ёнбошга қараб чопиб қолди. Кейин бир сакраб қирғоқнинг баландроқ жойига чиқиб олди. Бургут эса кўкраги билан қирғоқ дўнгасига урилиб, боши билан ўмбалоқ ошиб тушди-да, ўт устига ағнади. Бемажол бўлиб, анча ётди ва охири бир қанот қоқиб турди. Ўт устида патлари сочилиб ётарди. Қўй-эчкилар бироз югуриб бориб тўхтади-да, думалоқ кўзлари билан унга қараб туришди. Бургут аламли қичқариб қанотларини сермади-да, ҳавога кўтарила бошлади. Аммо кўкрагидаги оғриқ унинг аламидан кучлироқ эди. Шунинг учун нари кетди. Қанотларини базўр қоқиб, пастлаб учди. Яна олдидан чавандозлар чиқиб қолишди. Бундай баландликда пастлаб учиш хавфли эканини у биларди, аммо баландроққа кўтарилишга мажоли йўқ. Қўрқоқларча бошқа тарафга учиб қолишни эса истамади. Учиб келаётган ўқдан қочмоқчи бўлди ҳамки, ўнг қаноти қирсиллаб синди. Оғриқ биқи-

нини куйдирди ва у яна ерга қараб шўнғий бошлади. Фақат энди бу пастлаш ўз ихтиёри билан эмас эди.

- Темучин, анда, шундай қушни нима учун нобуд қилдинг?
- Темучин отдан тушди, бургутнинг қанотидан кўтариб олди.
- У ўз умрини яшаб бўлибди. Менинг ўқим фақат унинг ўлимини салгина яқинлаштирди, холос.
- Барибир, бекорга отдинг. Бургут муқаддас қуш.
- Қандай қилиб?
- Унинг макони – осмон. Унга ҳеч ким ҳукмронлик қилмайди.
- У менинг чорвамдан ўмармоқчи эди. Жамуха, чорвам устидан мен ҳукмронман. Менинг ижозатимсиз на муқаддас қуш ва на маккор йиртқичлар ҳеч нарса ололмайди. – У бургутни Бовурчига узатди. – Бунинг патларини менинг ўқларимга ишлатишсин.

Овулга кириб боришди. Отлар боғланадиган қозиқ олдида Жалмани учратишди.

- Темучин, тойчуютлар улусидан яна олти киши келди.
- Чорваси биланми?
- Учта от ва аравага қўшилган иккита ҳўкизи бор.
- Буям яхши.
- Тўрттасини чўпонларга юбордим. Қурут ва наMAT тайёрлашга қарашиб юришсин.
- Ақлли иш. Қолган иккитаси-чи?
- Бу Тойчи Қури ва унинг хотини экан. Булганнинг ўғли билан гаплашишни истаб қоларсан, деб ўйладим.
- Уни бу ёққа олиб кел!
- Бўпти, кетдим, – деди Жамуха.
- Тўхтаб тур. Ҳозир онамнинг олдига бориб овқатланамиз.
- Сенинг ишларинг кўп, Темучин андам. Халақит бермай қўя қолай. – Жамуха кўзини олиб қочди. – Бориб дам оламан.

Жамуханинг кетидан навкарлари ҳам эргашишди. Темучин ҳайрон бўлиб, қўлларини икки ёнга кўтариб қўйди. Андамни тушуниш қийин. Бир қарасанг қувноқ, мулойим ва хушмуомала. Бир қарасанг, худди ҳозиргига ўхшаб, бир нарсадан хафа бўлгандай қайрилиб кетиб қолади.

Уларнинг ўтовлари ёнма-ён эди. Меркитлар юртида юрган пайтларидаёқ, Тўхта беки устидан қозонилган буюк ғалаба шарафига уюштирилган базмда иккови ҳам энди айрилмасликка, туғишган ака-укалардай бирга яшашга келишиб олишди. Бу сафар ҳам болаликдаги каби қасамларини қон билан маҳкамлашди. Хон ўз юртига кетди, улар бўлса ўз овулларини Хўрханах жубур деб аталувчи мана шу ерларга қуришди. Темучин бу жойни бекорга танлагани йўқ. Тойчуютлар шу ерга яқин жойда кўчманчилик қилишади. Бугун катта юришдан олинган ўлжанинг учдан бир қисми Темучиннинг тасарруфида бўлиб турган пайтда, у қўл остига келиб қўшилишни хоҳлаган ҳар қандай одамни қабул қилиши мумкин эди.



Одамлар ҳам келяпти. Бирон-бир кун йўқки, кимдир келиб қўшилмаган бўлса. Энг кўпи Тарғутойдан қочиб келганлар. Лекин ўз қариндошлари Даритой отчигин, Хучар, Ўлтон ва Сача бекилардан қочиб келганлар ҳам бор. Лекин Жамуха нимагадир бундан хурсанд эмас. Жим. Нимага?

– Бовурчи, дўстим, Жамуха хафа бўлгандай кўриндими?

– Балким, хафа бўлгандир ҳам.

– Лекин мен унга бирон-бир хафа қиладиган гап айтмадим-ку!

– Сен айтмадинг... Аммо сен, аслзода нўён, оёқда туриб қочоқ қорачалар билан гаплашаверасан. Жамуха ҳам бу вақтда уша қорачалар ёнида, сени кутиб туриши керак бўлади.

– Мана, сен шунақа ўйлайсан. Жамуха бунақа ўйлаши мумкин эмас!

– Айнан мен бунақа хаёлга бормайман. Мен сенинг навкарингман. Жамуха бўлса, қабила бошлиғи.

– Балки, сен ҳақдирсан, Бовурчи...

Унинг ўтовида ҳеч ким йўқ эди. Тамуға отчигиндан бошқа укаларини қўлга киритилган улкан хўжалиқдан бохабар бўлиб туриш ва тартибга келтириш, чўпонларни назорат қилиш учун овулларга жўнатган эди. Онаси ва кичик укаси учун алоҳида ўтов тикиб беришди. Бўртанинг ҳам ўз ўтови бор эди.

– Ўтир, Бовурчи. Тойчи Қурини катта нўёнларга ўхшаб қабул қиламиз.

Бовурчи Тўхта беки чодиридан келтирилган, нақшлар тикилган намат устига ўтирди. Чордона қуриб, савлатли кўринишга кирган бўлиб, шишиниб олди.

– Темучин, сен мана шунақа бўлишинг керак, – деб кулиб юборди у.

– Тарғутой ўшанақа бўла қолсин.

Жалма Тойчи Қурини бошлаб келди. Темучин Тойчи Қурини охирги марта кўргандан бери, кўпам ўзгармабди. Сал семирибди, танқайган бурнининг остидан сийрак бўлса ҳам мўйлови чиқиб қолибди. Қолгани ўша-ўша.

Кенг юзида соддадил дўлвор табассуми, кўзларида ҳайрат.

– Сен таъзим қилиб қўйсанг ҳам бўлади, – деди унга Бовурчи.

Тойчи Қури бошидаги қалпоқчасини юлиб олиб, кўкрагига босди. Темучинга ва Бовурчига таъзим қилди. Жалмага қараб ўйлашиб турди-да, аммо таъзим қилмай, бошини сал қимирлатиб қўйди, бундан Бовурчи кулиб юборди.

– Жалмани соҳиб деб тан олмадингми?

– Нима, мен билмайманми ким соҳиблигини, – хафа бўлгандай гапирди Тойчи Қури. – Биз у билан бир овулда яшаганмиз. У темирчининг ўғли.

– Сен хотининг билан келдингми? Онанг қани? – сўради Темучин.

– Уни меркитлар ўлдиришди.

– Афсус. Яхши хотин эди. Лекин мен меркитлардан қасос олдим. Ҳамма учун. Сенинг онанг учун ҳам. Менинг ўрнимга калтак еб юрганларинг эсингдами?

– Бир-бир эслаб қоламан. Елкам қичишиб қолганда эсимга тушади.

– Бошинг-чи? Ушанда қанға билан боплаб тушурган эканманми?

– Чакки эмас...

– Тойчи Қури, сен мен нима десам, менинг учун қўлингдан келганини қилардинг, эсимда. Сенга қандай ёрдам керак? Ниманг бор?

– Ҳеч вақом йўқ, – хўрсинди Тойчи Қури. – Сенинг кучга кириб олганини эшитиб, хотинимнинг қўлидан ушладим-да, келавердим.

– Майли... Сенинг ўз ўтовинг бўлади, отинг, куролинг ҳам. Отанг менинг отамга хизмат қилганидай, сен ҳам менинг хизматимни қиласан.

– От учун, ўтов учун раҳмат. – Тойчи Қури қўлидаги қалпоғини эзғиларди.

– Рози эмасга ўхшайсан? Кўпроқ нарса хоҳловдингни? – Темучин қовоғини солиб олди. – Сўра.

– Менга кўп нарса керакмас. Аммо менинг жангчи бўлгим йўқ.

– У жангчи бўлишни хоҳламасмиш! Мана бу калтафаҳми қаранглар! Сен яна тери ошламоқчимисан? Розиман. Қилавер.

– Тери ошлашни мен жинимдан ҳам ёмон кўраман.

– Унда нима хоҳлайсан? Бовурчи билан Жалмага ўхшаб менинг ёнимда ўтирмақчимисан?

– Мен жуда яхши ўқлар ясашни ўрганганман...

– Ўқлар? Нимага дарров айта қолмадинг? Мен ҳунарманд одамни жасур жангчидан ҳам кўпроқ қадрлайман. Тойчи Қури, ўқларингни ясайвер. Қанча кўп бўлса, шунча яхши. Бовурчи, унга нима керак бўлса, ҳаммасини бер. Ейиш-ичишни ҳам, уйини иситишни ҳам ўйламасин.

Тойчи Қури ўтов пардасини туширар-туширмас бақира кетди:

– Қаймиш! У мени унутмабди. Биз яхши яшаймиз. Ахир мен Темучиннинг кийимларини кийиб катта бўлганман-ку...

Темучин ўзини туюлмайд кулиб юборди.

– У яхши бола. Агар ҳунарни ҳам яхши эгаллаган бўлса, унинг баҳоси йўқ.

Жалма, сенинг отанг қачон менга темир эритади? Бизга темирчилар, камончилар, ўқчилар, арава ясайдиган усталар керак... Ҳамма нарса ўзимизники бўлиши керак. Жалма, отангнинг ҳузурига бор. Унинг тойчуютлар овулида ва ундан кейин ҳам айтган гаплари ҳаммаси эсимда. Нима қилсам, у хоҳлагандек қилишимни етказ.

– Менга хабар келди: отам бетоб эмиш. Темир қуёлмаса керак...

– Барибир, бориб кел. Сенинг отанг катта ақл эгаси. Мен у билан гаплашим керак. Таб тангридан хабар борми?

– У чарчаш нималигини билмай, тойчуютлар овулларида тили билан ишлаб юрибди. Унинг башоратлари амалга оша бошлаганидан, одамлар уни интиқлик билан эшитаётган экан.

– У ҳам менинг ҳузуримга келсин. Унда ҳам гапим бор.

«Сенинг ишларинг жуда кўп», деб ўйлади Жамуха ўзича, пинҳона гина билан. Ростдан ҳам кўп. Биронтасини ҳам кейинга суриб бўлмайди. У яқингинада хаёлига ҳам келтира олмаган нарсаларига эришиб олди. Тўғри, отасининг ҳамма улусини тўплаб ологани йўқ. Ҳали одамлари камчилик, ҳаттоки ҳамма биялару сигирларни соғиб олишга ҳам одам етишмайди, жангчилари кам сонли...



Меркитлар элидан қайтишаётганида уни Таб тангри кутиб олди. Энди сенинг эгаринг ҳам, унинг остида отинг ҳам бор, – деган эди у. – Сенинг ўтовингдаги ўчоқда тинимсиз овқат қайнаб турибди. Аммо сен ўчоқ олдида ўтираверма. Бот-бот оёғингни узангига қўйиб тур». Темучин буни шомонсиз ҳам яхши биларди. Ўтиришга вақт йўқ. Жамуха ёнида. Тўғулхоннинг мадади ҳам унга куч бериб турибди. Токи шундай экан, ҳеч қанақанги Тарғутой унга теголмайди ва қочоқларини ҳам талаб қилолмайди. Ҳозирча... Кейин нима бўлади, буни ҳеч ким билмайди. Шошилиш, қудратини мустаҳкамлаб олиш керак. Аммо Жамуханинг кўнгли нимадан тўлмаяпти экан?

Унинг хаёлларини Тамуға отчигин бузиб юборди. Укаси ўтов остонасидан ҳатлаб ўтиб, ўнғайсизланганича бир йўталиб олди.

– Онамникига катта меҳмонлар келишди. Амакимиз Даритой ва амакиваччамиз Хучар.

– Ў-ў! – Темучин ҳайрон бўлиб оғзини чўччайтирди, бошини чайқатиб, Бовурчи билан Жалмага ғолибона қараш қилди.

Тарғутойнинг ғзабидан ҳам чўчимай унинг ҳузурига айёр амакиси ташриф буюрган бўлса, бу...

– Тезроқ чақир! – деди у Тамуға отчигинга.

– Улар бу ерга келмоқчимас.

– Нимага?

– Онам улардан сўровди, амаким эса, катталар кичикларнинг ҳузурига таъзим қилиб бормади, деди.

– Нима-нима?

Акасига хавотирланиб қараганча, Тамуға отчигин айтган гапларини яна сўзма-сўз қайтарди. Темучиннинг кўзлари олайиб кетди, титраб турган ёноқларига қизиллик югурди, овозини босишга ҳаракат қилиб бақирди:

– Шунақами? – Кўкрагидаги бор нафасини чиқариб хўрсинди-да, портлади: – Дайди итлар! Мен уларнинг гутулларини ялашимни кутишяптими?! Овулдан қувинглар! Қамчилаб ҳайданглар! Йўқ, молнинг тапписи билан уринглар! Бовурчи, навкарларни чақир.

– Уддалаймиз. Мен ҳозир, – Бовурчи хурсанд бўлиб кетди-ю, аммо ўтовдан чиқмади, ҳатто ўрнидан турмади ҳам. – Буни бажариш чўт эмас, Темучин. Лекин болалигимда бувим айтган эди: «Ёниб турган кўмирни қўлингга олма, бармоқларингни куйдирасан», – деб.

– Бовурчи! – жаҳл билан бақирди Темучин.

– Майли, сен айтгандай қиламан. Аммо Жамуханинг фикри билан ҳам ҳисоблашсанг, яхши бўларди.

– Жамуха нима дерди? Улар менинг қариндошларим!

– Жамуха сенга анда бўлади. Ўзинг айтмаганмидинг, у менга ака-укаларимдан ҳам яқинроқ, деб. Унинг юраги сенинг юрагингнинг ярми эмасми? Агар шунақа бўлса, икки ёрти – бир бутун бўлиб, баравар рози бўлишларинг керак.

Темучин қанчалик дарғазаб бўлмасин, Бовурчи тўғри гапираётганини тушуниб, ўзини босди. Индамай андаси Жамуханинг ўтовига қараб кетди.



Майингина шойи чопон ва юмшоқ чориқ кийиб олган Жамуха намат устида ётиб, сочлари оппоқ улигерчининг дostonларини эшитарди. Унинг юзи ўйчан, бир нуқтага тикилиб қолган-у кўриб турган нарчасига ишониш-ишонмасликни билмайётгандай қиёфада эди. Улигерчи тўрда, Уржонага яқинроқ ерда ўтирарди. Унинг овози худди дарз кетган қозонга ўхшаб хирилдоқ, лекин кучли ва шўх эди. Ширали нутқи билан кишини ўзига қаратиб оларди. Сўзлари худди кигиз нақшлари сингари бир-бирига боғланиб кетган ва бу нақшнинг кети кўринмасди.

Ўтов ичидаги тинчлик ва улигерчининг байрамона руҳдаги роҳатбахш овози Темучиннинг қалбида бироз ижирғаниш ҳиссини уйғотди.

Жамуха дўстига бир муддат бепарво, гўёки танимаган, ёки у бу ерда нима қилаётганини тушунмагандай қараб қолди. Бир ишора билан улигерчини жим қилди-да, туриб ўтирди.

– Яна ҳал бўлмаган ишларми? – Жамуханинг гапида ранжиш оҳанглари бор эди.

– Ҳа. Муҳим ишлар. Хучар билан Даритой отчигинлар келишибди.

– Меҳмон – мезбон учун шодлик. Нимадан бесаранжомсан?

– Мен бесаранжом эмасман. Мен ярадор тўнғиздан ҳам баттар қутурганман. Амаким менинг ҳузуримга иззат-икром учун келибди. Ўзининг катталигини писанда қиляпти.

Жамуха чориқларини ечиб, оёғига гутулини кияркан, Темучинга бошдан-оёқ назар солди, норози оҳангда «ҳм»лаб қўйди.

– Катталарни ҳурмат қилишни, андам, бизга боболаримиз васият қилганлар. Ахир Даритой отангнинг туғишган укаси-ку. Хучар сенга ким бўлади? Агар биз на катталарни ва на қариндошларни ҳурмат қилмай қўйсақ, кимимиз қолади? Ўзинг айтмаганмидинг, ҳеч кимдан гинам йўқ, деб?

– Улар наслимизнинг шавкатини ҳимоя қилишмаган. Мен бўйнимда қанға билан юрганимда, кўра-била туриб, еб-ичиб юраверишди. Биронтасининг томоғига суяк ҳам тиқилгани йўқ! Авлодини қадр қилмаган одамлар ўзларига ҳурмат талаб қилишлари мумкинми?

Жамуха кийиниб бўлиб, гўё бўйини ўлчаётгандай, Темучиннинг ёнига келиб турди. У Темучиндан беш-олти энлик пастроқ эди. Қовоғини уйиб олди-да, бир қадам четроққа ўтди.

– Темучин, сен нуқул ўтмишни кавлайверасан. Бу яхшимас. Келишмовчилик бир сенга эмас, кўплаб нўёнларга ғам-алам олиб келган. Сени хўрлашди. Аммо амакинг ва амакиваччаларинг ҳам сен билан баравар хўрланишган. Гап ким кам, ким кўпроқ хўрланганидами? Биров бировидан устунроқ келаман, деб ғурурига эргашиб, ўз бошига яна янги балолар орттириб олиш кимга керак?

– Лекин мен ўз қариндошларимдан устун бўлишга ҳаракат қилаётганим йўқ... – дея гап бошлади-ю, Темучин тўсатдан жим бўлди. Бир оз туриб, хотиржам овозда деди:

– Анда, гапларинг – ҳақиқат. Мен сени тушундим. Юр, онамнинг ҳузурига борайлик.



Аммо бу гаплар унинг кўнглидан ўтганларининг ҳаммаси эмасди. Жамуханинг гапларида ҳақиқат бор эди, аммо Темучинни тинчлантирган нарса бу эмасди. Бирданига ундан ҳам муҳимроқ ҳақиқатни тушуниб қолди: ахир Даритой отчигин билан Хучар унинг олдига келишди-ку. Темучин бормади-ку, уларнинг ҳузурига бош эгиб. Шунинг ўзиёқ, уларнинг Темучиндан паст эканини билдирмайдими? Айёр Даритой отчигин, навкарлари ва, аввало, Темучин олдида паст кетмасликни ўйлаб, шундай йўл тутган. Майли, найрангларини кўрсатаверсин. Бу билан бир нарса ўзгарармиди? Амакисига бош эгиб қўйган билан бўйни узилиб қолармиди? Сенга таъзим қилишларини истасанг, ўзинг ҳам куллуқ қила бил.

Онасининг ўтови остонасидан у биринчи бўлиб ҳатлаб кирди-да, секин қаддини ростлади. Меҳмонлар ўнгўнлар ўрнатилган девор тарафда, онаси билан гаплашиб ўтиришарди. Иккалови ҳам ўрnidан турди. Кичкинагина питрак амакиси шодон ҳайқириқ билан унга отилди.

– Ниҳоят сени кўриб турибман-а, менинг аламдийда қадрдоним!

Жажжи қўлчалари билан Темучинни пайпаслаб, сийпалай кетди. Ўртада кўтарилган ғала-ғовурда ҳеч ким ҳеч кимга таъзим ҳам қилгани йўқ. Ҳаммаси кўнгилдагидек бўлди. Амакисининг кулиб тургандек кўринган кўзларида у ўзи кутган ва ҳаттоки ундан ҳам ортиқроқ нарсаларни англаб олди. Биринчи англагани унинг қарашидаги кўркүв. Шу билан у анча енгил тортиб, елкасидан оғир юк тушгандек бўлди.

Овқат пайтида Даритой отчигин тинимсиз вайсади. Бир туки йўқ юзини майда ажинлар қоплаган бу одамни кўрганда, бу даврадаги энг бахтиёр киши шу бўлса керак, деб ўйлаш мумкин эди. Хучар, аксинча, кўп гапирмади. Гавдали, тоши оғир ва қора соқолли бу йигит ўзини четроқ олиб, Темучин ва Жамухаларни кузатганча бир нималарни ўйлаб ўтирарди.

– Э, Темучин! – Даритой отчигин хўрсинди. – Сенинг ғаминг менинг анча умримга завол бўлди. Ҳозир бўлса, сенинг баҳодир йигит бўлганингни кўриб туриб, яна ёшараётгандайман... Лекин сен ҳам бизни хафа қилдинг... Меркитларга юриш қилиб, бизни чақирмабсан ҳам. Ахир биз сенинг энг яқин қариндошларингмиз-ку.

– Буни тузатса бўлади. – Темучин кулгисини яширди. – Мен Тарғутой турган томонларга отланияпман. Таклиф қиламан...

– Наҳотки журъат қилсанг? Темучин, кучли бўлиб кетибсан. Сенинг отанг, менинг севимли акам Есугай ҳам худди шунақа эди. Юзинг, ақлинг, жасурлигинг... ҳаммаси билан отангга тортибсан. Овулун, мен тўғри гапиряпманми? Ана, кўрдинг... Шунақа экан, нима учун биз ҳам Қирилдукқа қарши бормаслигимиз керак? Хучар, борамизми?

Хучар жавоб беришга шошилмай, минғирлади:

– Балки, борармиз.

– Охирги йиллар Тарғутойдан биз ҳам кўп азият чекдик, – шикоятланди Даритой отчигин. – Сенга осонроқ эди, Темучин. Сен бўйнингдаги қангани бир муддат кўтариб юрдинг-у, ташладинг. Бизнинг бўйнимиздаги қанга эса ҳалигача ечилгани йўқ.



Темучин амакисининг гапини диққат билан эшитди. Алдаётганмикин ё рост гапиряптими? Ростга ўхшайди. Агар холисалилло фикр юритилса, шунақа бўлиб чиқади. Тарғутой уларни бўғиб ташлолмаган бўлса-да, кун бермагани рост. Тарғутой улар учун гўёки улоқчи отга ортилган оғир юкнинг ўзи. Улар бу юкдан халос бўлсалар, хурсанд бўлишлари аниқ. Балки, чиндан ҳам тойчуютлар устига қўшин тортсамикин?

– Хучар, биз билан ошиқ ўйнашга нима дейсан? – кулиб сўради Жамуха.

– Ошиқ? – Ўз хаёлларига берилиб кетган Хучар унинг гапини дарҳол тунунмади. – Ҳа-а... Йўқ, ошиқ ўйнагим йўқ.

– Тўғри қиласан. Яна ютиб қўямиз... Тарғутой ҳақидаги гаплар эса, бекор.

– Нимага? – ҳушёр тортди Темучин.

– Шунинг учунки... Яна эски яраларни тирнашми? Суриштирадиган бўлсанг, кимдир кимдандир жабр кўрган, кимдир кимгадир зулм ўтказган. Хўш, нима бўляпти? Бугун биз тил бириктириб олиб, Тарғутойнинг адабини берамиз. Эртага кимнинг навбати келади? Йўқ, аслзода нўёнлар, бу йўл халокатга олиб боради. Бу ишда мен сизларга йўлдош бўлолмайман. Қадимги сахро одатлари бўйича яшаш керак, аламини бировдан олиш эмас. Биров бировни ўзига қарам қилмасин. Ҳадеб талашаверсак, ё татарлар, ё найманлар, меркитлар, майли, ким бўлмасин, ўзимизни қул қилиб қўядилар. – Қўлини силтади. – Бошқа гап йўқ...

Жамуханинг бу фикри Темучин учун кутилмаган гап бўлди. Тўғри, Қирилдуққа ҳужум қилиш тўғрисида шу кунгача гап бўлмаган эди. Лекин эртами, кечми, у тойчуютлар нўёнини Есугай авлодига етказган барча жабру зулмлари учун сўроққа тутиши аниқ ва андаси ҳам бундан бошқача фикрда бўлиши мумкин эмасдай эди. Демак, бу ишда андасига орқа қилолмаслиги аён бўлади. Афсус.

– Қадимгидай, қадимгидай... – сўз бошлади Даритой отчигин хўрсиниб.

– Биз жон деб ҳаммаси қадимгидай бўлишини истардик. Аммо Тарғутой ...

– Бу ёққа кўчиб келсаларингиз ҳаммаси тамом бўлади-қўяди! – Отчигиннинг гапини бўлди Жамуха. Сахро буюк ва кенг, ҳаммага жой етади.

Даритой отчигин индамай қолди. Темучиннинг назарида амакиси Тарғутой ҳузуридан кўчиб келишга унча ҳам кўнгли йўқдай туйилди. Лекин нима учун? Бостириб боришга рози, аммо шунчаки кўчиб келишни хоҳламаяпти. Бунинг тагида не гап бор экан?

– Бурунги бахтиёр даврлар... – яна хўрсинди Даритой отчигин. Сиз ёшлар ота-боболаримиз удумларини унутмаганингиз қандай яхши. Тўғри, сиз ҳам хатолардан холи эмассиз. Сизлар тойчуютлар улусидаги одамларни ўзларингизга оғдириб оляпсизлар. Балки, мумкин... Аммо мен ва Хучарнинг овулларидаги одамлар ҳам сиз тарафга қочиб ўтяптилар. Ўлтон, Сача бекилардан ҳам. Уларнинг ҳаммаси сенинг яқин қариндошларинг, Темучин. Биз сизлардан агар бизнинг қулларимиз келишса, қабул қилмай орқага қайтариб юборинглар, деб илтимос қилгани келдик.

– Фақат шунга келганмидингиз? – сўради Темучин.



Буни у босиқлик билан сўради-ю, аммо ичи қайнаб кетаётган эди. Отанинг улусини тортиб олишган пайтда ҳеч ким қадим одатларни, ҳаттоки энг оддий одамгарчиликни ҳам эсламаган эди-ку. Энди бўлса, буларни қара!..

– Одамларни Темучин қабул қиляпти, мен эса бунга рози эмасман, – деди Жамуха.

Темучин Жамухага «Ёқтирмаслигингни биламан, лекин сен буни айтмасанг ҳам бўларди, ҳеч бўлмаса, шу топда», деб бақиришдан ўзини зўрға тўхтатиб қолди.

У ловуллаб ётган юзини яшириш учун ерга қараб олиб гап бошлади:

– Мен Тарғутойнинг улусини у отамнинг улусини тортиб олгандай тортиб олганим йўқ. Ўзимга тегишли нарсаларни найза ва қилич билан ҳам олмақчи эмасман. – Бу гаплар Жамухага тегишли эди. У бошқа ҳеч кимнинг гапига кўнмаслик учун ҳам Жамуханинг гапига рози бўлаётганди. – Лекин мен отамнинг мулкни қайтариб олиш учун қўлимдан келган ҳамма ишни қилмасам, унинг руҳига хиёнат қилган бўлардим. Мен отамнинг улусига тегишли бўлган одамларнигина қабул қиляпман. Сен, амаким Даритой, сен, менинг биродарим Хучар, қайси мулкни ўзларингизники деб ҳисоблайсиз? Сизларнинг овулларингиз ва ундаги ҳамма нарса отамнинг улусининг бир бўлаги-ку.

У бошини кўтарди. Шундоғам тундлашиб ётган Хучарнинг юзидан баттар қон қочди. Даритой отчигин энди ўзининг айёр кўзларини қисиб турмас, унинг соқолсиз юзи тамом бужмайиб кетган эди. Улар, албатта, буни кутишмаган эди. Йўқ, аслида улар шуни кутишган ва мана шундай бўлиб чиқишидан жуда кўрққан эдилар. Тарғутойдан қочиб бу ерга келишни истамаётганларининг сабаби ҳам шу эди. Улар кўчиб келсалар, Темучин ҳаммасини тортиб олади, деб ўйлашган. Агар биргалашиб тойчуютлар устига юриш қилсалар, Темучинга марҳамат қилган бўладилар ва у уларнинг тасарруфидаги аммо отасига тегишли нарсалар ҳақидан кечади. Ундан ташқари, мағлуб этилган тойчуютлар элидан янги ўлжалар олиш умиди ҳам қариндошларни бу ишга тортиб турарди. Муғамбирлар, айёрлар... Лекин бу ҳақиқатларни уларнинг юзига тўкиб ташлаб, ўзи нимага эришди? Энди улар Темучиндан яхшилик кутиб бўлмаслигига ишонч ҳосил қилдилар. Тарғутойни кўрарга кўзлари бўлмаса ҳам, энди улар барибир тойчуютлар тарафида бўлишади. Ҳозирча бу кўрқинчли эмас. Лекин ким билади, олдинда уларни нималар кутаётганикин...

Темучин Жамухага қаради. У пайраҳадан тишкавлагич ясаб ўтирар, узун киприкларининг сояси кўзларига тушиб турганидан, унинг кўзларидаги маънони уқиб бўлмасди. Сўнг у онасига қаради. Овулун ўчоқ ёнида, қўлида ёғоч чўмич ушлаб турар, юзида акс этган ҳаяжонидан ҳозир ўғлининг ёни олишга тушиб кетадигандай. Майли, нима бўлса бўлар... Қариндошларининг нияти энди унга маълум. Агар мангу осмон Темучиндан марҳаматини аямай турса, қариндошларини нима қилишини ўзлари ҳам билиб ўтиришибди. Ҳозир бошқачасига гаплашиб олиш ҳам мумкин.

– Мен сизнинг овулингиздан келган одамларни қабул қилавераман. Бошқача қилишим ҳам мумкинми? Тарғутой – душманим. Сизлар унинг қўли остидасизлар. Менинг қилар ишим ҳаммага аён. Лекин сизлар ундан кетсангиз, иш бошқача бўлади. Сизлардан битта от ҳам, одам ҳам, қўй ҳам, ҳатто улоқ, арқон ҳам талаб қилмайман. Нимангиз бўлса, ҳаммаси ўзингизда қолади.

– Сенинг ўрнингда отанг ва менинг севимли акам бўлганида ҳам худди шу гапни айтган бўларди! – Даритой отчигиннинг қисик кўзлари атрофида яна майда ажинлар тўпланиб қолди.

Ҳучар тундлигича гап бошлади:

– Музни эритиш, гапни ўзгартириш мумкин.

– Менинг гапим муз эмас, балки оппоқ тош. Сувда ҳам ўтда ҳам ўзгармайди. Ундан кейин, калласи бор одам ўзи тушуниб олаверади. Андам ва Тўғулхоннинг мадади билан менинг чорвам ҳам, ўтовлару араваларим ҳам ортиғи билан қайтди. Сиздан менга ҳеч нима керакмас. Фақат Тарғутой отининг думидан тутмасаларингиз бўлди.

Гап ярим тунгача давом этди. Тун қоронғисидагина у меҳмонларни ўз ўтовига бошлаб борди. Улар билан хайрлашди-да, ўзи Бўртанинг ўтовига кириб кетди. У мунозаралардан, жаҳолат ва аламлар тазйиқидан чарчаган эди. Андаси Жамуха ҳақ эди: одам ўз ўтмишини, эски аламларини четга суриб ташлаши, унутиши керак экан. Булар жуда ҳам халал беради. Аммо оғриқ ҳали лўқиллаб турган бўлса, уни қандай қилиб четга суриш, унутиш мумкин? Мана, Бўрта ҳам... Унинг олдига кирар экан, қалбида шунақанги алғов-далғовликлар бошланадики, бошини ёриб ташлагиси келади. Меркитлар овулида топишишганларининг қувончи ўтиб кетганидан кейин, у ерда қандай яшагани ҳақида суриштира бошлади-ю, дами ичига тушиб кетди. Хотини айтиб берган гапларидан юрагига қизиб турган темир санчилгандай бўлди-ю, шарт ўгирилиб, чиқиб кетди. Ўшандан бери бу ҳақда гап очмас, аммо у билан нималар бўлганини эсидан чиқармас ва ўзини ҳам, Бўртани ҳам нафрат исканжасида азобларди.

Хотинининг ўтовидаги ўчоқда олов алангаланиб турарди. Бўрта ўчоқ олдида ўтириб, силлиқ йўнилган калтак билан қозон ичидаги аллақандай қайнатмани аралаштириб ўтирарди.

– Овқатланасанми?

– Йўқ. Ичишга бир нима бер.

– Қимизми?

– Яхшиси, қатиқ бера қол.

У олов яқинига келиб ўтирди. Хотини ёғоч косани олиб оловга яқинроқ тутди-да, тозами, йўқми текшириб олди. Мешни ҳам шу ерга тортиб келиб, авайлабгина, бир томчисини ҳам тўкмай, косани тўлдириб унга узатди.

– Сен анавинга ҳам коса тутганмидинг?.. – хириллаб, ўз овозини ўзи ҳам танимай сўради Темучин.

Хотини кўзини ерга тикди, индамайгина косани узатиб тураверди. Коса сал қийшайиб, четидан озгина қатиқ оқиб тушди. Темучин косанинг тағи-



дан кўтариб бир мушт туширди. Қатиқ қалқиб, аёлнинг номрогига тўкилди, коса оловга қараб думалаб кетди. Бўрта кафти билан қатиқни артиб олди, косани ердан олиб, қайтадан тўлдирди.

– Темучин, сен мени ўлдириб қўя қолсанг яхши бўларди. Мен иккиқатман, ҳар ҳолда. Ҳатто у сенинг болангми, йўқлигини ҳам билмайман... – Бўрта унга эзилган, соғинган назар билан қаради. – Мен ўзи ўша ёқда ўлиб кетишим керак эди... Аммо яна қайта сени кўргим келди. Бутун айбим шунда...

Темучин унинг қўлидан косани олиб қатиғини ичди-да, кейин ўчоқ тошларига уриб уни чилпарчин қилди ва чиқиб кетди. Овулнинг охириги ўтовларини ҳам четлаб ўтиб, ўзини саҳрода кўрди. Осмонда юлдузлар бепарво жимирлаб ётар, гутули остида хас-чўплар шитирлар, қурушқоқ ўтларнинг чирсиллаб сингани эшитиларди. Аввалига у жуда тез юрди, чопди деса ҳам бўлади. Бироқ секин-аста қадамлари маромлашди...

VIII

Водийларни кўкимтир, муздай туман қоплаб борарди. Овул ўтовлари ғира-шира тус олар, уларнинг атрофида ғимирлаб юрган одамлар эса вужудсиз арвоҳларга ўхшарди. Жамуха совуқ ҳавода чуқур нафас олиб, бироз турган бўлди-да, енгил қадамлар билан отлар боғланган қозиққа қараб юрди. Навкар унинг Оқтумшуқ оти устига қўнган пахмоқ қировларни тушириб турарди. От эса бесаранжом айланар, унинг туёқлари остидаги қор ғирчиллар эди. Жамуха отнинг яғринини шапиллатиб уриб, силаб қўйди-да, устига терликни ташлади. Унинг устидан эса четларига шокилалар тикилган, юмшоқ теридан ишланган жабдуқни ташлади. Жабдуқ устига қошлари мис парчалари билан нақшланган эгарни ўрнатди. Айилини маҳкам тортгач, отга ингичка чарм қайишлардан тўқилган юганни солди. Орқага бир қадам тисарилиб тикилди – кўнгли ёришди: оти яхши, жабдуқлари ҳам яхши, бошланаётган кун ҳам яхши. Бугун ов!

Овул марказида навкарлар тўпланишаётган эди. Бу ер борган сари тикилинч бўлиб борарди. Шомон Таб тангри қурбонлик гулханига ўт қалаб турарди. Тутун тепага кўтарилмасдан, совуқ туман билан аралашиб, шундоққина одамлар боши узра тутулиб қолаётганидан, атроф димиқиб кетган.

Шундоққина Жамуханинг ёнидан, уни пайқамай, Сача беки ва Хучарлар от чоптириб ўтиб кетишди. Уларнинг ортидан ҳар хил от минган навкарлар боришарди. Темучиннинг қариндошлари, охир-оқибат тойчуютдан ажралиб, бу ерларга кўчиб ўтишган эди. Уларнинг овуллари унча узоқ эмасди. Аввал бошда улар ўзларича, алоҳида яшашди-ю, аммо кейинчалик ўрганиб кетишди. Бу гал ҳамма учун умумий ов эълон қилинган эди. Йўлда Даритой отчигин билан Ўлтон ҳам қўшилиб олишлари керак.

Жамуха отини гулхан яқинига бошлади. Жангчилар унга шошилинч йўл бўшатишар, таъзим қилишарди. Оёғи калта, ёши катталигига қарамай навқирон кўринувчи, ғилай кўзлари ўйноқи Сача беки эгар устида ўтирган ҳолида унга энгашиб қўйди.

– Йўлга тушаверсак бўлармиди. Кимни кутяпмиз, Темучинними?

Жамуха ҳаммага қараб чиқди. Барча йиғилган, фақат Темучин йўқ эди. Бу, албатта, яхши иш эмасди. У кечга қолар экан, ўзини бошқалардан катта оларди. Лекин улар ҳаммаси тенг-ку. Шунга қарамай, Сача беки билан Хучар андаси тўғрисида ёмон фикрга боришмасин, деган ўй билан:

– Ҳали ҳамма тайёр эмас, – деди.

Ниҳоят, ўзининг ажралмас дўстлари Бовурчи ва Жалмалар билан Темучин етиб келди. Учовлари ҳам оддий, қўй терисидан ишланган пўстин кийишган, бошларида қўзи терисидан тикилган қалпоқ. Темучин на кийим боши, на қуроллари билан бировдан фарқ қилмасди. Отининг эгар-жабдуқлари ҳам бошқаларникидан зўр эмас. Андаси ясан-тусанни унча хушламайди. Эҳтимол, кўриб қўйинглар, мен ҳам сизларга ўхшаганман, менга кўп нарса керакмас, деган фикрда атайин шунақа қилар.

Темучин етиб келиши билан Таб тангри овчиларга бахту омад тиловчи дуоларини бошлади. У росмана шомонлар либосида бўлиб, кийимларига тақилган турли мис, жез, темир шақилдоқларнинг овозлари тиниқ ва жарангдор эди.

Ибодат тугаши биланоқ, Темучин биринчи бўлиб отини чоптириб кетди. Жамуха Оқтумшуғига сакраб миниб, уни қувиб етди-да, Бовурчини сиқиб чиқариб, Темучиннинг ёнига ўтиб олди. Анчадан бери туриб қолган от жиловни узгудек типирчилар, чигаллашиб қолган оёқларини базўр тахлаб оларди.

– Чоптирамизми? Бир отларимизни қизитиб олайлик.

– Олдимизда оғир кун турибди. Отларнинг кучини эҳтиёт қилишимиз керак, – деди Темучин.

– Майли, ўзинг биласан...

Жамуха жиловини бўшроқ қўйди. Оқтумшуқ оёқларини узоқ-узоқ ташлаб, йўртмоқлаб кета бошлади. Муздек шамол юзига қаттиқ урилди. Жамуха бошқалар ҳам унинг ортидан эргашишади, деб ишонганди. Орқасига қаради. Темучин секин келар, унинг ёнида яна Бовурчи, уларнинг кетидан, сал орқароқда, Сача беки ва Хучар, энг охирида саф тортиб навкарлар боришарди. Сафнинг кети эса туманга қоришиб кетган. Агар андам отини чоптирганда, бошқалар ҳам сўзсиз уларга эргашган бўлардилар, деб хаёл қилди Жамуха. Бу фикри ўзига ноқулай туйилиб кетди-да, ўзини чалғитди. Аммо бошқаларни кутиб ўтиришни ҳам истамади.

Йўлда яна иккита овул ёнидан ўтишди. Уларнинг биридан йигирматача отлиқ – Темучиннинг укалари билан Жамуханинг укаси Тойчар ўз навкарлари билан келиб қўшилишди. Совуқ зулматида яна бир овулнинг қораси кўринди. Бу ерда уларни Даритой отчигин билан Ўлтон кутиб туришган экан. Уларнинг одамлари сафнинг қоқ биқинига келиб тиқилиб, сафни бузишди. Ўзлари эса Темучиннинг олдига келишувди, у уларга бир нималар деди. Шундан кейин нўёнлар саф бўйлаб бориб, одамларни жойлаштиришди, сафни тўғрилаб қўйишди. Жамуха кулди. Темучин андам қариндошларини иззат-икром билан кутиб олмаяпти-ку, деб ўйлади.



Аста-секин туман тарқала бошлади. У ер-бу ердан кўтарилиб келаётган қуёш нурлари кўринди. Кейин ўрмон қоплаган тоғлар ҳам кўрина бошлади. Якка-ёлғиз турган дарахт ва буталар орқасида букчайиб турган қор тепаларида ҳайвонларнинг излари кўринди. Тўсатдан Жамуха қорда бир қатор бўлиб ўтган отлар изини кўриб қолди. Излар водийнинг тепасига қараб чўзилган эди. Улар ҳам айнан ўша ёққа қараб кетишяпти. Жамуха отидан тушиб, изларга синчков боқди. Ботиқларини бармоқлари билан пайпаслаб кўрди. Отлиқлар яқин орада ўтишган. Кўринишдан улар тахминан юз чоғли бўлишган.

У бошқаларнинг етиб келишларини кутиб турди.

– Биздан чаққонлар ҳам бор экан. Бошқа жой қидиришимизга тўғри келади, – деди у Темучинга.

– Аввал кўрайлик-чи, ким экан, у овчилар.

– Улар ё тойчуют, ёки уларга қарам одамлар. Бошқалар бу ерларда юришмайди, – деди Ўлтон. – Яхшиси, у ерга бормаганимиз маъқул.

– Биз улардан беш-олти баравар кўпмиз. – Темучин отлиқлар сафини кўздан кечириб чиқди.

– Бир гап бўлса, биз уларни бир зумда тинчитамиз, – деди қизишиб, Сача беки. Темучин унга илжайиб қаради-ю, ҳеч нима демади. Излар кетидан кетди. Жамуха у билан баравар борарди.

– Темучин, анда, ҳайвонлар бошқа дараларда ҳам бор.

– Тўғри, лекин биз уйдалигимиздаёқ, шу ерларда ов қиламиз, деб қарор қилувдик. Ким манзилидан буриладиган бўлса, адашиши турган гап. Нимадан хавотирдасан?

– Мен тойчуютлар билан тўқнашишни истамаяпман.

– Унда нима учун мени жанжал истаб кетяпти, деб ўйлаяпсан, Жамуха анда. Мен сенга айтганман: Тарғутой менга қилган ёмонликларини ўзига қайтармайман. Ёки менга ишонмайсанми?

– Сенга ишонаман. Лекин отнинг тепонғичлигини била туриб, унинг орқасидан ўтиб нима қиласан?

– Ҳаммаси яхши бўлади, Жамуха.

Улар ўрмонга етиб келишди. Уларга қараб уч отлиқ кела бошлади. Бошқалар дарахтлар орасида яширинишди. Ҳаммаларининг қўлларида ўқ-ёйлар шай.

– Урушмоқчимисизлар? – деди кулиб Темучин нотаниш отлиқлардан.

Уларнинг бири, кўзлари ёшланиб турган қария, қаддини ростлади.

– Биз бу ерга ҳайвон овлагани келдик. Нима учун изимиздан тушдинглар?

– Сизлар кимсизлар?

– Мен Улуғ баҳодирман. У ердагилар чўнўс қабиласидан бўлган менинг одамларим.

– Нимага тойчуют хўжаларингсиз, ўзларинг юрибсизлар?

Улуғ баҳодир минғирлади:

– Ёшсан-у, кўп нарсани билгинг келяпти. Ўзинг кимсан? – Кафти билан кўз ёшларини артиб, рўпарасида турган одамларга тикилди. – Э-э, бу ерда

ҳаммаси ўзимизнинг тойчуютликлар-ку: Даритой, Ўлтон, Сача беки, Хучар... Мен энди билдим, сенинг кимлигингни, йигит.

– Сизлар ҳам тойчуютларни тарк этдингларми?

– У ёқ-бу ёққа ўтиб нима қиламиз! Бир нарсасини йўқотган одам қидиради. Биз ҳеч нарсамизни йўқотганимиз йўқ.

– Бу сизларнинг ишингиз, – рози бўлди Темучин. – Лекин бугун нима қиламиз? Биз бошқа жой қидиришимизга тўғри келади. Қиш куни бўлса жуда қисқа. Кетсак, шовқинимиз билан ҳайвонларни қочириб юборамиз. Сизлар ҳам қуруқ қоласизлар. Балки, бизларни ҳам қабул қиларсизлар?

Қария одамларига ўгирилди.

– Сизлар нима деб ўйлайсизлар? А?

Ёши каттароқ бир навкар бошини чайқади.

– Ўлжа тақсимланаётган пайтда бизга фақат туёқлари тегади.

– Бўржигинлар олишни яхши кўришлари маълум, лекин беришни ёмон кўришади, – деди яна бири.

Темучиннинг қовоғи солинди.

– Сен бизларни қандай Бўржигинлар эканимизни қаердан биласан?

– Даритой-чи? Ўтган йили у менинг янгигина аравамни олиб, ўрнига чопқир от беришни ваъда қилди. Лекин бермади.

– Ёлғон гапиряпти! – Узангида туриб олди Даритой отчигин. – Мен отни жўнатиб юборганман. Лекин у йўлда ўлиб қолган бўлса, мен айбдорманми?

Даҳанаки жанг бошланиб кетди. Темучин кўзларини чақчайтириб эшитиб турди. Кейин бирдан бақириб юборди.

– Етар! Сен отингни оласан. Менинг уюримдан. Ўзинг танлаб оласан.

– Аллақачон шунақа қилиш керак эди! Бўлмаса...

– Хўш, биргалашиб ов қиламизми?

Улуғ баҳодир қулоғи орқасини қашлади.

– Бошқа йўл йўқ, шунақа бўлақолсин.

– Ақлли одам дарров ажралиб туради... – Темучин бир нимани режалаштирди, шекилли, жимиб қолди. – Сенинг ёшинг каттароқ, бу ерларни бизлардан кўра яхши биласан. Ов жировини ўз қўлингга олақол. Биз ҳаммамиз сен айтгандай қиламиз. – Темучин Улуғ баҳодирга бошини эгиб қўйди-да, итоаткорона қўлларини туширди.

Жамуха ҳам, бошқа нўёнлар ҳам шундай қилишларига тўғри келди. Андам тўғри йўл тутди, деб ўйлади-ю, аммо бари бир унга нимадир ёқмади, нимадир кўнглига ўтирмади...

Бунчалар хурматга лойиқ топилганидан хурсанд бўлиб кетган Улуғ баҳодир дарҳол салмоқдор бўлиб олди, ҳатто кўзлари ҳам ёшланмай қолди. Зўрға кун кўраётган бир уруғнинг нўёни эмас, балки найман хонининг ўзи, дейсиз. У узук-юлуқ овозда кўрсатмалар берди, ким чапдан, ким ўнгдан бостириб боришини айтиб, ўз одамларидан бошлиқлар тайинлади. Тарқала бошлашди. Жамуха Ўлтоннинг ёнида бўлиб қолибди. Ўлтон Темучиннинг бобосининг укасига неvara бўлади. У яшил мато билан сирилган тулки пўстин кийган, белига ипак белбоғ боғлаган эди. Қалин лабларини бир нарса-



дан хафа кишидай тишлаб олган, худди қор ишқалаб ташлангандек қизариб турган юзи тунд.

– Нима учун биз оддий ҳайвон қувувчилардек ов қилишимиз керак?

Жамуха индамади.

– Ҳаммасига шу Темучин сабабчи. – Ўлтон ҳеч тинчлана олмасди.

– У сени ҳайдовчилар билан боришга мажбур қилгани йўқ.

– Мажбур қилмади. Лекин биздан сўрамади ҳам. Сўраши керак эди.

Жамуха Ўлтонга ҳеч нарса демади. Ҳаммаси тўғри. Темучин бу ишга бошқа, ўзи билан тенг бўлганларнинг ҳам фикрини олиши керак эди. Лекин у ҳар доим бир ўзи ҳал қилади. Тўғри ҳал қилади, гап йўқ. Лекин бари бир...

Овчилар қуршов учун ораларида икки ўқ масофа қолдириб сафландилар. Ўрмоннинг жуда катта қисми қуршов қилинганини чамалаб кўрган Жамуха Темучин ҳақидаги хаёлларини эсдан чиқарди. Ов ҳақиқий эркакларга муносиб машғулот. Кун ҳам яхши. Туман шунчалик изсиз тарқаб кетдики, сал тикилиброқ қарасанг, узоқдаги тоғларнинг ёриқлари ҳам кўринадигандек. Қарағай ва арчалар шоҳларида қалин қор қатламлари пахмоқдай ястанган, ерга тўшалган қалин қор хазонлар, хас-чўпларни ҳам яшириб турганидан, ўрмон озода, ёруғ, қиш куёши нуридан мусаффо кўринарди.

Оқтумшуқ бир текис, равон қадамлар билан борарди. Совуқда тарақлаган эгар кучсизгина ғичирлар, сўлиқлари жаранглар, атрофдан қуршовдаги овчиларнинг ўзаро гаплашишлари эшитиларди. Уларнинг товушларига қараб Жамуха ўз йўналишини ростлаб олар, ора-чора ўзи ҳам овоз бериб кўярди:

– Эҳей!

Қор юзасида ўрмон аҳлининг излари кўзга ташланиб турарди. Мана бу чуқур-чуқур излар қатори куённики, буниси эса, буғунинг оёқ излари. Ҳов, нарироқда эса бир гала тўнғизлардан қолган излар. Ов яхши бўлади!

Қуршовдагилар ораси тобора қисқариб борарди. Жамуха икки ёнидаги овчиларни аниқ кўра бошлади. Тик тепаликни ошиб ўтиб, буталар ва куз шамолларида оқариб кетган баланд-баланд ўтлар билан қопланган ялангликка тушишди. Бу пастқам ўсимликлар орасида, у ер-бу ерда яланғоч шоҳлари тарвақайлаган тилоғоч таналари кўриниб турарди.

Қорайиб турган қалин бутазорлар орасида ҳаракатлар сезилиб қолди. Буталар шоҳлари қимирлаб, бир шарпа кўзга ташланди-ю, шу онда яна ғойиб бўлди. Жамуха садоидан ўқ олиб, камонга тортди. Оқтумшуқ энди сергак қадам ташлар, қиров босган қулоқларини динг қилиб олган ва ора-чора пишқириб кўярди. Жамуханинг кўнглида отини олдинга чоптириш, қочишга уринаётган ҳайвонни кўриш ва камон торини жаранглатиб, ўқнинг визиллаб учишининг завқини олиш истаги туғён урарди. Аммо қуршаб келувчилар ўз сафдошларидан илгарилаб кетишга ҳақлари йўқ. Бунинг учун қаттиқ жазоланади. Овдан сўнг айбдорни дарахтга боғлаб, ўқнинг найзаси йўқ учи билан урилади. Бадан кўкариб, қонталаш бўлиб, ола-була ҳолга келади... Уни-ку дарахтга боғлашмайди-я. Балки, сафни бузиб олдинга ташланиб кўрсамикин? Нима қилишаркин? У ўзининг шум ниятидан қувониб кетди...

Сайхонликка бир довдираган қуён югургилаб чиқди, узун қулоқларини қимирлатиб, атрофига аланглади. Жамуханинг ўқи унинг калласини ёриб кирди. Қор юзига алвонранг қон сачради. Қуршовдагилар мамнун увиллаб қўйишди. У отдан тушмай ўлжани ердан олди, эгарига осиб қўйди. Ўнг томонда яна буталар шитирлаб қолди. Қуршовчилар тизими бўйлаб буғу чопиб келарди. Дўнгпешана калласи тепага кўтарилган, тош-метин шохлари елкаларига тегиб турарди. Биқинига учта ўқ қадалган бўлиб, ҳаммасидан қон тизиллаб турарди. Жамуха камонини буғуга тўғрилаб нишонга олди. Ўқ жониворнинг бўйнига қадалди. Буғу бир қоқилди-да, боши билан қорга кириб кетди. Жон аччиғида ингради-ю, ёнбошига ағдарилди.

– Ўхў-хў! Уста мерган экансан-ку!

Жамуха ўзидан хурсанд: гап йўқ, мўлжали бехато чиқди. Аммо буғунинг олдида қолишга, уни яхшилаб кўриб, қайноқ қонидан хўплашга унинг вақти йўқ эди. Ҳалқага олиниб қуршалган ҳайвонлар бутазорлар орасида типирчилар эди. Шох-шаббаларнинг синиши, туёқлар овози, тўзғиб кетган қор тўзони, овчиларнинг қийқириқлари Жамухани илҳомлантирарди. У эгар устида тинч ўтиролмас, ҳали чап, ҳали ўнг тарафига айланаверарди. Энди қуршов жуда зичлашган, овчилар деярли ёнма-ён боришарди. Бироз юриб, тўхташди. Давра ичидаги буталар орасида Темучиннинг қалпоғи кўринди. «Нима учун мен жойимда туришим керак?» ҳайрон бўлди Жамуха. Отига қамчи урди-да, давранинг ўртасига кириб борди. Биринчи ўқи билан буғуни йиқитди. Иккинчиси билан чиройли шохли кийикни оғир ярадор қилди. Ўлдириб ўтирмади, буни бошқалар қотиришади. Тўсатдан оти таққа тўхтади. Олдинда чуқур зовур бор эди. Худди шу онда бир ёндан баҳайбат тўнғиз чиқиб қолди. Елкасида қаттиқ жунлари тарвақайлаган, қозиқ тишли оғзидан сўлаги оқиб турарди. Жамуха шошилинич камонидан ўқ узди. Ўқ унинг букрисига санчилди. Лекин у ҳаттоки югуришини секинлаштирмади ҳам. Оқтумшуқ бир пишқириб, ёнбошга ташлаб қолди. Жамуха эгардан учиб тушиб, ўмбалоқлаб зовурга думалаб кетди. Кўзлари, бурунларига қор кирди. Артиниб, зовурдан чиқар экан, овчиларнинг кулгиси эшитилди. Отини қувиб тутиб, сакраб эгарга минди-да, овчиларнинг сафлари бўйлаб чоптирди. Сафда Сача беки ва Хучарларни ҳам кўрди. Улар унинг акси ўлароқ, сафда туриб, шошилмасдан, аслзодалар сингари ов қилишарди.

Темучинни у қуршов ташқарисида, йўғонгина тилоғоч тагида учратди. У Улуғ баҳодир билан гулхан олдида гаплашиб турарди. Пўстини барлари очиқ, қалпоғи қор ва қарағай игнабаргларига қоришган, кенг пешанасида тер ялтирарди.

– Мен ҳозиргина сенга одам юборувдим. – Қувноқ қичқирди у. – Нимага ҳамма ёғинг қор?

– Йиқилиб тушдим, – истамайгина тан олди Жамуха ва ичида, андам давра ўртасида маза қилиб ов қилиб олганидан кейин менга одам юборган, деб ўйлади.

Отидан тушди. Йиқилаётганида оёғини уриб олган экан, энди оғриқ турди. Чўлоқланмасликка ҳаракат қилиб, гулхан ёнига келди. Кимнингдир эгарига ўтириб, тиззасини силаб қўйди.



– Жамуха, анда, овни қара-а?! Мен бунақа овни умримда кўрмаганман.

– Э-э, шу ҳам ов бўлдимиди! – Ҳафсаласиз жавоб қилди Улуғ баҳодир. – Эски замонларда бўларди, зўр овлар! Қабилалар бир-бирини қирмас, биргалашиб ўн минг, йигирма минглаб қуршовчилар овга чиқишарди. – Сача беки, Бўри Бўга ва Хучарлар ҳам уларга келиб қўшилишди. Бироздан кейин Даритой отчигин билан Ўлтонлар ҳам ҳозир бўлишди. Ҳаммалари овдан тўлқинланиб кетишган, кўп гапиришар, кулишарди. Ким хомлигича, ким бироз оловда тоблаб олиб, жигар ейишарди. Тилоғоч шохлари оловда қаттиқ чирсиллаб ёнар, учқунлар отарди.

Аста-секин қуршовга олинган ҳайвонлар шовқини, одамларнинг ҳайқириқлари тиниб борди. Овчилар орасидан уч нафар қария келиб, Темучин ва Улуғ баҳодирга таъзим қилишди.

– Қўрқмас мерганларнинг улуғ ҳукмдорлари! Мангу мовий осмон ва бу муқаддас маконларнинг руҳлари сизларга бой ўлжалар ҳадя қилди. Берилган неъматларни қабул қилинглар, аммо эсингизда бўлсин: саҳрога йўл тутган йўловчи биринчи ҳордиқ пайтидаёқ мешдаги сувнинг ҳаммасини ичиб қўйса, албатта, ақлдан бўлмайди. Сизларнинг ҳам, авлодларингизнинг ҳам сафарлари узоқ – тежамли бўлинглар.

Улуғ баҳодир ибодат қилаётгандай қўлларини бирлаштирди.

– Шу тоғлар ва водийнинг мадаккор руҳлари, сизнинг мўл иноятингиздан миннатдормиз! Кўринг, биз асло ортиғини олмаяпмиз, юракларимизда кўзи очлик йўқ... Донишманд қариялар, сизлар бориб қуршовни бўшатинглар. Тирик қолган катта-кичик ҳайвонлар яшасинлар, яна кўпайсинлар!

Қариялар яна чуқур таъзим қилдилар, аммо жойларидан жилмадилар. Улар Темучиннинг сўзини кутиб туришарди.

– Бораверинглар. Ҳурматли ва билағон Улуғ баҳодирдан ортиқ нима ҳам дейишим мумкин?

Жамуха хурсанд бўлиб қўйди. «Андам ақли! Унинг ўрнида бошқа биров бўлганида, расм-русмларни яхши билиши-ю, қариялардан ҳам чиройли гапира олишини намоёйиш қилиш имкониятидан ўзини тийиб туролмаган бўларди», деб хаёлидан ўтказди.

Овчилар ўлдирилган жониворларни тоза сайҳонликка судраб олиб чиқа бошладилар. Қонга ботган буғулар, кийиклар, тўнғизлар, охулару қуёнлар узун қатор қилиб тизиб қўйилди. Нўёнлар ўлжани тақсимлашга тушдилар. Одам сонига қараб, кимга қанча тегишини ҳисоблаб чиқдилар. Аммо Темучин бунақа тақсимлаб бўлмайди, деб қарор қилди.

– Чўнўс қабиласи унча катта эмас. Кучлилар кучсизларга марҳамат кўрсатсалар, ёмон бўлмайди. Чўнўсларга яна бир қисм ажратайлик. Улуғ баҳодирнинг донолиги ва тадбиркорлиги туфайли биз шунча ўлжани қўлга киритдик. Уни ҳам алоҳида қисм билан тақдирлаш керак.

Ўлтон билан Сача беки бир-бирларига қараб қўйишди. Хучар юзини бурди, Даритой отчигин эса жаҳл билан бурнини қоқа бошлади. Улуғ баҳодир кутилмаганда ўз вазминлигини ҳам йўқотиб, кўзидан ёшини оқизганча, Темучинга бақрайиб қолди.

– Кўринишдан ҳамма розига ўхшайди... – Баланд бўйли Темучин ўлжалар қатори бўйлаб юриб, қайси ҳайвонлар Улуғ баҳодирнинг одамларига берилишини кўрсатиб чиқди. Кейин биқинига учта, елкасига битта ўқ санчилган, қонлари музлаб қолган буғунинг олдида тўхтади. Гутулининг учи билан уни туртиб қўйди.

– Буни ҳам олинглар.

Жамуха ўгирилиб, лат еган оёғини эҳтиёт қилганча оқсаб, гулхан олдига кетди. Бу ўша буғу эди. Яхшилаб қараганида, буғунинг елкасидаги ўқ кимники эканини кўрган бўларди.

Қисқагина қиш куни тугаб борарди. Қуёш бўзарганича тоғлар орқасига чўка бошлади. Қор устига қоронғилик тушди, ўрмон ҳам қоп-қора тусга кирди. Овчилар олов ёқишар, ҳайвонларнинг терисини шилишар, гўшт пиширишар эди.

– Сен нимага бу ерда ўтирибсан, Жамуха андам?

– Қаерда ўтиришим керак?

– Одамлар уйга отланишяпти. Гўштларни қандай тахлашгани, боғланганини кўришни истамайсанми?

– Буни укам Тойчар уддалайди.

– Бир нарсадан кўнглинг тўлмадим, анда? Улуғ баҳодирни шундай сийлаш керак эмасмиди! Менинг қариндошларим норози. Аммо андам Жамуха яхши яшайди, хасис эмас, ақлли. Бундан буён Улуғ баҳодирнинг одамлари бизнинг дўстларимиз бўлиб қолишади.

Жамуха ўлжадан салгина камроқ текканидан хафамиди? Йўқ. Ҳаттоки ўзи отган буғуни ҳам қизғонмасди. Лекин Темучин, бу ерда бир ўзи хўжайиндек, ўлжани бир ўзи бўлмаслиги керак эди.

– Сен тўғри айтяпсан, Темучин андам. Улар энди дўст. Сенинг дўстларинг.

Темучиннинг калта киприклари ҳайронликда титради.

– Нима, биз иккимиз бир эмасмизми? Ахир сенинг ўзинг менга доимо таъкидлаб келасан-ку, эркин қабилалар нўёнлари биродарлардай яшашлари керак, деб.

– Шу, шу, биродарлардай. Сен тўғри айтяпсан.

Нотўғри иш қилаётганини Темучиннинг ўзи тушуниб олишини истарди Жамуха. Бироқ Темучин бунини тушунолмас ёки тушунишни истамасди.

– Агар мен тўғри гапирётган бўлсам, сен нимадан норози бўляпсан?

– Мен ҳаммасидан розиман. Аммо оёғим оғрияпти.

– Қани, кўрсат-чи.

– Шарт эмас.

– Кўрсат, анда...

У андасининг гутулини ечишга мажбур қилди. Чарм иштонини кўтариб қаради. Тиззаси бироз шишган, кўкарган эди.

– Оғрияптими? Майли, уйгача чидаб тур. Шомон Таб тангри сени оғриқдан халос қилади. – Темучин муздек бармоқлари билан шишган жойга тегилиб кўрди.



Кўлидан ҳеч нарса келмаса ҳам, унинг меҳрибонлиги Жамухага хуш ёқди. Энди андасининг ўзбошимчалиги ҳақида бошқача ўйлай бошлади. Кези келиб қолса, ўзи, Жамуха ҳам худди шундай қилиши мумкин эди, аммо андаси у билан баҳслашиб ўтирмаган бўларди. Лекин нима учун эрталабки, Оқтумшуғини эгарлаётган пайтидаги хурсандчилиги уни тарк этди?

IX

Хазиначи амалдорнинг ўғли билан Цуйнинг ўртасидаги тўйни бузиб қўйиб, Хо қария Ли Цзяннинг бошига бало бўлди. Уни, давлат устунни бўлган хазиначини, уни, олдида бутун Чжунду шаҳрининг ва атроф қишлоқларнинг меҳнаткаш аҳолиси титраб турадиган забардаст бир инсонни аллақандай қариб-чириган бир чол алдаб қўйишига озгина қолди-я. У Ли Цзян устидан Хушаху ва князь Юн Цзига шикоят қилди. Қартайиб қолган ва охириги йиллари ишларини жуда бўшаштириб юборган чолдан уларнинг ўзлари ҳам анчадан буён норози бўлиб юришганидан, уни ишдан озод қилиб қўя қолишди. Буни эшитган Хо Ли Цзяннинг уйига учиб борди. Чол олдинги хонада манқалнинг олдида қўлларини иситиб ўтирарди.

– Ҳа, сенмисан, Хо... Хўп, ўтир, чолнинг гапларини эшит. Инсоннинг тинчлигини олтита нопок ҳирс бузади: ишқий ҳирс, нафрат, ғурур, такаббурлик, алдамчи қарашлар ва иккиланиш.

Ли Цзяннинг овози илгариги овозига умуман ўхшамасди. Ҳаётнинг барча баланд-пастларини чуқур ўрганган одам ўрнида саросимага тушиб қолган қария гапирарди. Яккам-дуккам, оппоқ соқоли шалвираб тушган, серажин ва қуруқшоқ қўллари енгилгина титрарди.

– Шу олти ҳирсинг ҳаммаси менга жафолар олиб келган. – Ли Цзян ичкари хоналарга олиб борадиган эшикка қаради, овозини пастлатди. – Ёшлигимда мен бир қизни севардим, лекин уни бошқага узатиб юборишди. Узоқ азоб чекдим. Ўзимни ҳам, хотинимни ҳам қийнадим. Бугунги кунда у қиз ҳаётдан ўтиб кетган. Хотинимни ҳам ўзинг билан бирга ерга қўйдик. Хўш, унда мен нима учун шунча азобландим..? Иккинчи ҳирс – нафрат. Шимоллик жоҳиллар ака-укаларимни ўлдиришди. Суннлар – ўғилларимни. Мен жоҳиллар тилини ўргандим, ҳукмдор шимолдаги ва жанубдаги душманларни аёвсиз қириб ташлайди, деган умид билан императорга сидқидилдан хизмат қилдим. Шунга бутун умримни бағишладим. Суннларнинг қудрати синдирилгани йўқ, буюк девор ортидаги жоҳиллар эса қайтага кучайиб кетишди. Нафрат йўлида ўтган умрим, охир-оқибат нима бўлди? Учунчи ҳирс – такаббурлик. Мен ҳалол ишладим ва пулга сотилмадим. Манфаатпарастлардан ўзимни баланд тутдим, уларни ич-ичимдан ёмон кўрдим. Умримнинг охирида эса, Дао роҳиблари сингари камбағал ҳолда қолдим. Такаббурлигим менга нима берди? Умрим тинимсиз меҳнатда ўтди. Ҳаддан ташқари кўп ишладим-у, ҳаётнинг боқий ақидаларини ўрганишга вақт ажратмадим. Энди умрим охирлаган бир пайтда ўзимнинг нодонлигимни тан олиш менга осонми? Мен Цуй қизимни бадавлат оилага узатмоқчи эдим. Мен у одамни

ўз сўзининг эгаси, деб ҳисоблардим. Бу – алдамчи фикрлар менинг бошимни чалғитганидан далолат. Цуй куёвдан маҳрум бўлди, мен эса ишсиз қолдим... Энди мени олти ҳирснинг охиргиси – иккиланиш ўз забтига олмоқда. Мен бу ўткинчи дунёда нима учун яшадим ўзи?

– Устоз, ундай деманг! Сиз яхши одамсиз. Мана бу манқалнинг ҳарорати уйингизни иситганидек, уйингиз ҳам, сўзларингиз ҳам менинг қалбимни иситиб келди. Сиз билан Цуй бўлмаганида, мен одамларнинг музюракликларидан қотиб ўлиб кетган бўлардим.

– Сен чиройли иборалар билан гапиришни ўрганиб олганингдан хурсандман. Аммо менга бу сўзларнинг фойдаси йўқ. Мен боримни бой бериб қўйдим: ака-укаларимни, ўғилларимни, хотинимни, ишимни; мен кетишим билан ота-боболаримнинг чироқлари ҳам ўчади, энди. Мен энди ҳаттоки сенга ҳам керак эмасман. Қуриган дарахтнинг сояси кимга ҳам керак бўларди?

– Ли Цзян, сиз токи тирик экансиз, мен сизнинг шогирдингиз ва хонадонингиз қулиман.

– Мен ҳали ўз хоҳиши билан қулликка кўнган одамни кўрмаган эдим. Мен ҳаммасини ўйлаб қўйдим. Яқинда катта куёвим келади. У Цуйни ўз қарамоғига олади. Мен бўлсам, сафарга чиқаман. Одамлар раҳм қилиб, совуқда менга бошпана беришади, оч қолсам, бир ликоп тариқ бўтқаларини аяшмас.

– Устоз, сиз бундай қилмайсиз! Сиз учун, Цуй учун мен туну кун ишлайман! Устоз, мен сизнинг олдингизда айбдорман.

Хо, эҳтимол, чидаб туролмаганидан бор гапни битта ҳам қолдирмай айтиб берган бўларди-ю, аммо қария уни эшитишни истамади.

– Э-э, Хо, агар девордан бир ғишт кўчиб тушиб, бошингни ёрса, девордан эмас, ўзингнинг аҳмоқ каллангдан кўр... Бўлди, бу гапни бас қил. Мен чарчадим.

Хо чолнинг олдидаги ўз айбидан уялиб, унга раҳми келганича, эшик олдида бироз туриб қолди. Ли Цзян унга бошқа эътибор қилмади. Чол манқалга энгашиб ўтирар экан, амалдорлар чопони ёқасидан, тартибсиз тўзиб ётган оппоқ сочлари орасидан озғин, ажин босган бўйни кўриниб турарди. Хо эшикни оҳистагина очиб, боққа чиқди. Дарахтлар ости, торгина йўлакча оппоқ қор билан қопланган, баргларидан айрилган яланғоч шоҳлар етимчалардай маъюс тарвақайлаб турарди. Боғда тушкунлик, ғурбат совуғи ҳукмрон.

Дарвоза эшиги ғичирлади. Оғир сават кўтариб олган Цуй кирди.

У қизга қараб югурди, елкаларидан ушлади.

– Цуй, сенинг отангни...

– Биламан, Хо. – Қиз саватини ерга қўйди. Совуқ ва оғир юкдан қизариб кетган кўллари ишқалади. – Кўрдингми, энди мен ўзим бозор қиламан.

– Буни мен қилдим, Цуй. Мен куёвингнинг отасига сени касал, деб айтдим...

– Нимага бунақа қилдинг, Хо?!

– Сен ерга тегишни хоҳлаганмидинг?

– Йўқ, Хо. Йўқ...



- Бошқа нима ҳам қила олардим? – Куйиб кетди Хо.
Цуй ўйланиб турди-да, бошини қимирлатиб қўйди.
- Бошқа ҳеч нима қилолмасдинг.
- Мен Хушахунинг олдига бориб, отангни ишга қайтиб олишларини сураيمان. Мен унга минг марта таъзим қиламан. Агар сен опангникига кетиб қолсанг, мен сени бошқа кўролмайман-ку.
- Мен ҳеч қаерга кетмоқчи эмасман, Хо. – Цуй шоҳи иплар билан нақшланган латта пойабзалининг учи билан йўлакчадаги қорни эзғилаб турарди.
- Мени ташлаб кетма, Хо!
- Қандай қилиб шундай фикрга бординг! Мен ҳозироқ хўжайинимнинг олдига бораман. У мени кумуш ёмби билан тақдирлаган. Менинг қадримга етади.
- Хо шаҳарнинг тор кўчаларидан чопиб кетди. Қўлидаги пайцзасини¹ кўрсатиши билан Хушахунинг эшиклари очилди. Хўжайин уни дарҳол қабул қилди. У унча катта бўлмаган хонада, қалин бўйрага ташланган кўрпача устида ўтирарди. Хона иссиқина эди. Шифтга осилган жимжимадор қафасда тўтилар қувноқ ғужиллашарди. Хўжайин амалдорлар чопонида, белбоғига фил суюгидан ишланган, четлари олтин билан қопланган тахтача (император фармонларини ёзиб олиш учун) осиглиқ эди. Унинг қошлари қалин юзида ҳайронлик ва хавотир аломатлари бор эди.
- Сен муҳим янгиликлар топиб келдингми?
- Хо тиз чўкиб, бетўхтов таъзим қилар экан:
- Менда ҳеч қандай янгилик йўқ, – деди.
- Хушахунинг юзида энди кучли таажжуб пайдо бўлди.
- Ҳеч қандай хабар олиб келмаган экансан, келишга қандай журъат қилдинг?
- Менинг сизда ишим бор. Катта иш... Қария Ли Цзянни ишдан четлатишибди. Бу адолатдан эмас...
- Мен сени қулоғим, деб юрибман. Сен эса менинг бошим бўлиб, нима адолатдану нима адолатдан эмаслигини ҳал қилмоқчимисан?
- У кумуш қўнғироқчасини олди-да, боши узра кўтариб, зарда билан чала бошлади.
- Хонага хизматкорлар югуриб киришди.
- Мана буни кўчага улоқтириб ташланглар!
- Чопонининг ёқаси тириллаб йиртилди, белбоғи ҳам узилиб, ерга тушди. Оёқ босишга ҳам қўймай, хизматкорлар Хони судраб эшик олдига олиб чиқишди-да, хўжайин буюрганидек, ғишт терилган кўча йўлагига улоқтириб юборишди. Хо ўтириб олиб, шилиниб кетган чап қўлига қаради, йиртилган ёқасини тўғрилаган бўлди. Йўлакдан уч нафар ҳарбий келарди. Биттаси Хога олақараш қилди, қадамини секинлаштириб, унга тикилди-да:
- Ҳа-а, айғоқчи... Бу ерда сени фақат кумуш билан сийлашмас экан-да! – деб масхаралаб кулди.

¹ Пайцза – ишончни билдирувчи суратли металл пластинка.



Хо бу ҳарбийни таниди. Бу Елюй Люге, Кидан императорининг авлодларидан бири.

Кўлининг симиллаб оғриётганидан афтини буриштирди-да, Хо уйига жўнади. Эскириб кетганидан бир томонга қийшайиб қолган каттакон уй узунлиги бир, эни бир ярим чжан¹ қилиб хоначаларга бўлинган эди. Бу уй император ғулومларининг бирига тегишли бўлиб, унда худди Хога ўхшаган уйсиз бечоралар арзимаган ҳақ эвазига истиқомат қилишар, давлат амалдорлиги вазифасига тайинланиш учун имтиҳон топширгани келган ёшлар, дайди томошачилар, кўзбойлоғичлар, шоирлар, суюқ аёллар ётиб юришарди...

Таги тупроқ, девор сувоқлари кўчиб кетган каталак хонадан совуқ уфуриб, кичкинагина ойнага тортилган йиртиқ қоғоз пириллаб турарди. Хо увадаси чиқиб, четлари титилиб кетган бўйра устига ўтирди, чопонини ечиб, совуқдан жунжикканича, йиртилган ёқасини тика бошлади. Кўллари иш билан банд эди-ю, хаёлида бошқа нарсалар. Энди нима бўлади? Ли Цзяндан Цуйни сўрасамикин? Бермайди... Хо ким бўлибди? Саводсиз тентак, келажаги йўқ кимса. Ҳа, шундай дейилса тўғри бўлади. Ҳали унинг қилган ўзбошимчалиги учун Хушаху нима жазо тайинлаши ҳам номаълум. Балки, ўрага ташлатар...

Қочиш керак. От сотиб олиш ва Цуйни олиб шимолга юриш керак, Хоахчинни, Овулунни, унинг ўғилларини излаб топиш керак...

У чопонини кийиб, бўйрани қайирди. Тагидаги сопол ғиштни эҳтиётлаб кўтариб олди. Унинг остидаги чуқурчада Хушахудан олган, ипга қадалган мис тангалар шодаси ва кумуш ёмбиси ётарди. Бу бир мунча ақчаларни сарфлаганидан тежаб қолган бойлиги эди. Иккита отга етиши керак. Лекин у Цуй билан кетиб қолса, қария Ли Цзяннинг ҳоли нима кечади? Чол бу ғамни кўтаролмай ўлиб кетади. Цуй ҳам отасини ташлаб кетгиси келмаса керак.

Эшик қаттиқ тақиллади. Хо ғиштни жойига қўйиб, бўйрани аввалгидай ҳолатига келтирди. Енгилгина эшик кетма-кет зарбалардан ҳозир майдаланиб кетадигандай эди. Хо совқотган кўллари билан эшик зулфини очди. Хонага қорачадан келган забардаст ҳарбий кирди.

– Сен хўжайинимнинг олдига борасан.

Хо жуда ҳам кўрқиб кетганига қарамасдан, келган ҳарбийнинг сарой қўриқчиларидан эмаслигини фарқлай олди. Кийими оддий, шевасига қараганда, бу ерликлардан эмас. Киданлардан бўлса керак. Ташқарида иккита эгарлоғлиқ от турарди. Бир отга ҳарбийнинг ўзи минди, иккинчисининг жловини эса Хога узатди. Бу Хони баттар ажаблантирди. Авваллари ҳам Хушаху ёки Юн Цзи уни шошилиш чакиртириб туришарди. Аммо ҳеч қачон от юборишмасди.

Кун алламаҳал бўлиб қолган. Улар анчагача кимсасиз, жимжит кўчалардан от йўрттириб юришди. Ниҳоят, шаҳар деворига яқин, чекка бир жойда ҳарбий тўхтади-да, мустақкам ясалган дарвозани тақиллатди. Табақалар

¹ Чжан – уч метрдан сал каттароқ узунлик бирлиги (*хит.*).



ҳам дарров очилди. Хони қоп-қоронғи ҳовлидан олиб ўтишди. Уй яқинида кимдир унинг юзига қоғоз фонусини тутди. Келган – ўзи кутаётган одам эканлигига амин бўлди, шекилли, таниш овозда таклиф қилди:

– Киравер.

Манқалда гуриллаб ёнаётган оловдан хона ичини ис босган, шифт тўсинларига осилган қоғоз фонуслар милтираб ёниб турарди. Хони ичкарига киришга таклиф қилган одам қўлидаги фонусини осиб қўйиб, ўгирилди. Бу Елюй Люге эди.

– Сен менинг кимлигимни биласанми? – сўради у.

– Ҳа, жаноб, биламан.

Елюй Люгенинг қувноқ қисик кўзлари Хонинг юзига тикилди.

– Ишонмайман! Айтгандай, билиш мумкин бўлган ҳамма нарсадан хабардор бўлиш, сенинг машғулотинг-ку. Мен император қўшинининг мингбошисман. Бу сенга маълумми?

– Ҳа, сиз Елюй Люге, Ляо сулоласининг тўққизинчи ва охириги ҳукмдори Елюй Янсининг авлоди бўласиз.

– Ў, сен мен ўйлагандан ҳам кўпроқ нарсани биларкансан-ку! Нима ҳам дердим, бу бир тарафдан яхши ҳам. Мен сен тўғрингда адашмабман... Менинг аждодларим икки юз йилдан кўпроқ бу ерларнинг ҳукмдорлари бўлишганини биласанми? – Елюй Люге ёғоч полни депсиб қўйди. – Ва бизнинг қўлимиздаги қудратимиз ўғирланганини ҳам биласанми? Буни ҳозирги императорнинг ота-боболари қилишган.

Хо бошини чайқаб қўйди. Эшитганлари ростдан айтиляптими ёки ёмон туш кўриб қолдимикин? Хонага бир қараб чиқди. Гира-шира нур сочиб, фонуслар ёниб турибди, қизиган манқалнинг биқинлари қизариб кетган. Кенг елкали, ўзига ишонган Елюй Люге рўпарасида, каттакон бармоқларини белбоғига тиқиб турибди. Ҳазиллашяптими? Лекин бундай ҳазил учун одамнинг боши кетади-ку!

– Ҳозирги ҳукмдор ноқонуний. Унга садоқат сақламоқ – жиноят. Сен мени тушундингми?

– Йўқ, йўқ, мен ҳеч нимани тушунмадим, мен ҳеч нимани билмайман, – Хо унинг қаршисига тиз чўкди. – Мени қўйиб юборинг. Мен кичкина одамман ва сизга ҳеч ёмонлик қилмаганман.

– Кўрқма, мен сени қўйиб юбораман. Лекин энди сен шимоллик жоҳиллардан, Хушахудан, Юн Цзи ва бошқа юқори мартабали амалдорлардан эшитганларингни келиб менга айтиб турасан.

– Ў, улуғ жаноб, бунинг учун мени ўлдиришади!

– Билиб қолишса ўлдиришади. Билишмаса, юз ёшга ҳам киришинг мумкин. Лекин менинг гапимга кирмасанг, шу бугуннинг ўзидаёқ ўласан. Агар ўртамиздаги гапни Хушаху ва ёки бошқа бировга айтадиган бўлсанг, айтган кунинг ўласан.

Елюй Люге бу қўрқинчли гапларини шунчаки, ҳатто қувноқ оҳангда айтди. Лекин Хо ич-ичидан билиб турарди: у нима деган бўлса, ўшандай қилади. Бирданига унинг миясига яхши фикр келиб қолди.

– Улуғ жаноб, ўзингиз кўрдингиз-ку, Хушаху мени ҳайдаб юборди. Мен шаҳардан кетмоқчиман. Сопол идишларимни ясаб юравераман. Мен сизга ҳечам керакмасман.

– У сени ҳайдагани йўқ. Менинг олдимда у хизматкорларидан сени ўласи қилиб уришмаганини сўраб билди. Думингни ликилла таверма! Қутилиб кетолмайсан. Сен, қулвачча, қандай қилиб юзингга шاپалоқ тортиб турган, халқингни талаётган одамларга садоқат қилишинг мумкин? Сенинг ҳақиқий ҳукмдоринг бўлишга ҳақли бўлган мендай одамга қандай қилиб рад жавобини берасан? Жўна ва менинг гапларимнинг ҳаммасини эсингда тут. Тўхта. Хушаху сенга қанча ҳақ тўлайди? Мен сенга икки баравар кўп тўлайман.

Қоровуллар уни дарвозадан чиқариб қўйишди-да, қўйиб юборишди. Зимистон кўчаларда суяк-суякдан ўтиб кетадиган совуқ шамол увилларди. Хо зулмат ичида тимирскиланиб, шилдироқ деворларга суяниб борарди. Дунё худди қора сиёх суртилган қора қоғозга ўхшарди, гўё.

Х

Кўлида тол саватини кўтариб олган Чиледу қуруқ таппи уюми ёнига келиб, чарчоқ ҳолда ўтириб олди. Баҳор шамоли ўнгуларда қолган қорларни ялаб ўтар, кенг яйловларда қўйлар подаси ўтлаб юрарди. Овулдаги қор эриб кетган, аммо ер ҳали қуримаган, ўтовлар олдидаги отқозиқлар олдида туёқлар эзиб ташлаган лой уюми ялтирарди. Ўтовлар яқинида бағрини офтобда тоблаб, озиб кетган, қовурғаларидан тук ташлаётган ҳўкизлар кавш қайтариб ётарди. Тол новдаларидан букилган камалакларини ўқлаб олган болақайлар бир-бирларини қувлаб юришибди. Узоқ овуллардан келаётган арава саҳро узра йўрғалайди... Бу ерларнинг меркитлар ерларидан асло фарқи йўқ. Гоҳи-гоҳида, Чиледуга ҳаёти ҳечам ўзгармагандай сезилади. Тўғри, у ерда у жангчи эди, бу ерда эса – қора қул. Суриштирсанг, ҳеч қандай фарқи йўқ.

Асирлар бўлишиб олинаётганда, Чиледу кичкинтой Олбори билан Жалмага тегди. Темучиннинг ёш дўсти бундан хурсанд бўлгани йўқ.

– Этинг устухонингга ёпишиб ётибди. Нимага ҳам ярардинг?

Чиледу Овулуннинг ўғли уни озод қилганини, уни бекорга қулларга аралаштиришаётганини эслатмоқчи бўлди-ю, индамади. Озодлик унга нима ҳам берарди... Анави ҳўкизлар ҳам боғланмаган, оёқлари тушовланмаган. Лекин улар қамчидан ҳам, нўқталардан ҳам қочишмайди-ку. Э-эх!

Ўрнидан туриб, саватини таппига тўлдириб, оғир юкдан эгилганича ўтовларга қараб юрди. Уларнинг бирининг ёнида саватини ерга қўйиб, ўтов эшиги ёпинчигини кўтарди.

– Аргал олиб келдим, яна нима иш бор? – деди у ичкарига мурожаат қилиб.

Ўчоқ олдида овқат пишираётган кампир бўшаган мешни улоқтирди. Меш унинг оёғи остига шалолаб тушиб, оғзидан оқиш томчилар сачради.



Чиледу уни кўлига олиб, кампирнинг яна бир нима дейишини кутди. Аммо у унга орқа ўгириб олди. Бу ҳам уни ёмон кўради. Меркитлар унга нима ёмонлик қилишганин кин – эрини, ўғлини ёки укасини ўлдиришганмикин?

– Сенга сув керакми?

Жим. Майли, сув олиб кела қолади. Лекин аввал Олбордан хабар олиш керак, бирон нима қилиб қўйган бўлмасин? У билан бир ўтовда яшайдиган чўпонлар эрталаб подани етаклаб кетишганича, кечқурун қайтишади. Кун бўйи бола бир ўзи қолади. Ундан хабар олишга Чиледунинг вақти кам... Болакай ўтовдан чиқиб, у ёқ-бу ёққа адашиб кетиб қолмаслиги учун Чиледу эшик ёпинчиғини маҳкам боғлаб қўярди.

Бола ўчоқ олдида кулни титкилаб ўтирарди. Думалоқ юзи қора куяга беланган. Ўзига катта бўлган гутуллари аллақачон ечилиб кетган ва оёқлари музлаб қолганди.

– Хўш, нималар қилиб ўтирибсан? – Чиледу боланинг олдида чўккалади.

Олбор унинг тиззасига чиқиб, муздай кўллари билан бўйнидан кучоқлаб олди. Чиледу чопони барларини очиб, болани кўксига босиб иситди, енги билан юзчаларини артиб қўйди. Бола жимиб қолди-ю, мудрай кетди. Секингина оёғига гутулини кийгазиб, эчки пўстаги устига ётқизди. Устига пўстин ёпди.

– Ухла, болакай. Мен тезда қайтаман. Олов ёқамиз, исиниб оласан. Э-эх, нобуд бўлиб кетмасанг эди, болажон...

Мана, одамзод умри. На қорни тўйиб овқат ейди, на кийими бор ва на иссиқ гўшаси. Уқубатлар болалиқдан бошланади. Нимага шунақа? Буларга ким айбдор?

Товуш чиқармайгина ўтовдан чиқди. Сув олиб келиши биланоқ, Жалма уни ўқчи устага кўмаклашишга юборди. Ёш, очиққўнгил ўқчи йигит жуда сўзамол чиқиб қолди. У тинимсиз вайсарди. Бироқ Чиледу уни эшитмаётганини пайқаб, норози оҳангда бошини чайқади.

– Сиз, меркитлар, бунча мағрурсизлар! Гаплашгинг келмаяптими? Гаплашмай қўя қол. Балки сен катта нўёндинсан? Ёки мени ўзинга тенг кўрма-япсанми? Билганингни қил. Мен ҳам ғурурлиман. Жим ўтираман.

Аммо у жим ўтиролмади. Шу ондаёқ яна давом этди.

– Нималарингга ғурурланасизлар? Қароқчилар. Менинг онамни ким ўлдирди? Меркитлар. Ўқчи устозимни ким ўлдирди? Меркитлар. Қариялар ва аёлларни ўлдиришдан осони борми? Сен мени ўлдириб кўрчи.

Эй, тентак бола-ей! Уни ўлдириш Чиледу учун ҳеч иш эмасди. Шундоқ кўриниб турибди – жангчи эмас, лекин ким билан беллашаётганини билмайди. Чиледу ўзининг ундан устунлиги ҳақида ўйлади-ю, аммо бундан заррача таскин топгани йўқ. Аксинча, бу ўйлари ҳам аввалгилари сингари маъюс чиқди. Ўлдиришни жуда кўплар билишади ва кези келди дегунча, бу хунарларини ишга солишаверади. Лекин нима учун?

– Меркит, бутоқлари бор новдаларни кесма! Яхши ўқ қандай бўлишини билмайсанми, ё? Сендан тузукроқ ёрдамчи чиқмайди. Ҳеч нарса қилишни билмайсан... Менинг хотиним сендақа эркакдан яхшироқ...

Қаймишнинг куёви ҳам ўқ ясаши Чиледунинг эсига тушиб кетди. Аммо Қаймиш ўз қайлиғи билан бу ерлардан узоқда, Тарғутойнинг овулида бўлиши керак-ку. Ҳар эҳтимолга қарши сўраб қўйди:

– Хотинингнинг исми нима?

– Қаймиш.

– Мен энди билдим... сен Тойчи Қуримисан?

– Нима дединг? Тўхта... Сен анави меркит бўлмагин, тагин?..

– Худди ўзи, – хўрсинди Чиледу, новдалар боғлами устига ўтириб, пичоғини нам ерга тиқиб қўйди. – Сенинг хотининг яхши. Сен бахтли бўлсанг керак.

– Менинг ҳаётим шодликка тўла! Биз фарзандлик бўламиз. Шунинг учун ҳам, мен сени ёрдамчиликка сўраб олдим. Қаймиш энди бу ишларни қилолмайди. Сен нимага менинг Қаймишимни танишингни дарров айта қолмадинг? У менга сен ҳақингда гапириб берган эди. Сен яхши одамсан!

– Қанақасига билмайман... Яхши бўлмасам керак.

– Биз биламиз-ку! Сен бўлмаганингда, мен Қаймишимни қучоқлолмаган бўлардим. Сен бизни дарҳол топишинг керак эди.

– Мен сизлар шу ерда бўлишинглар мумкин, деб ўйламаган ҳам эдим.

– Қанақасига ўйламайсан? Темучин қаерда бўлса, мен ҳам ўша ердман. Биз бир кунда туғилганмиз, мен унинг кийимларини кийиб катта бўлганман, биз иккаламиз тери ошлаганмиз – қандай қилиб мен бошқа жойда бўлишим мумкин? Новдаларни аравага сол, кетдик.

Йўлакай у ўтовига кириб, Олборни ҳам олволди.

Қаймиш уни дарров таний олмади. Аввалига қаппайиб қолган қорнини қўли билан яшириб, ўзини четга олди. Лекин тикилиб қараганидан сўнг, оҳлаб юборди.

– Чиледу? Ўзгариб кетибсан... бошқача бўлиб қолибсан. Сенга нима бўлди?

– У асир-ку. Қул. Яна сўрайсан-а... бизга қўпроқ овқат олиб кел! Жалмадан архи сўраймиз. Бугун байрам қиламиз! Сен менинг Қаймишимни қутқардинг, мен сени қутқараман.

– Вой, Тойчи Қури, тўхтаб тур... – илтимос қилди Қаймиш. – Чиледу, бу бола кимники?

– Топиб олдим. Энди меники. Ўғлим бўлади.

– Бу ёққа кел, кичкинтой. Қорнинг очми?

– Қаймиш, шуни ҳам сўраб ўтирасанми? Болалигимда ҳар доим овқат егим келаверарди, – деди Тойчи Қури.

Тойчи Қурининг ўтови янги бўлмаса ҳам, каттагина эди. Ерга кулранг наMAT тўшалган, эшик ёнида бир тўда тозаланган новдалар, тайёр ўқлар. Ҳамма ёққа турли хил ўқлар – узоқ масофада олиб бориладиган жанглар учун суяк учли годоллар – яқин масофа жангларида ишлатиладиган узун хорцох ўқлар, найзаси пичоқникига ўхшаб кетадиган одор ўқлари осиб қўйилган эди...

– Бу ерда ҳамма нарса меники. Темучин берган. У мени кадрлайди. Биз тез-тез гўшт еймиз. Нима сўрасам, беради. Темучин яхши одам, – деди Тойчи – Қури, Чиледу ўтовни кузатиб чиқаётганини сезиб.



– Яхшими? – Чиледунинг юрагидаги эски дарди кўзгаб кетди.

– Ўзинг кўр! Нима бор эди, менинг! Ҳеч вақом. Энди-чи? Ҳамма нарса.

Ўтов ичидаги ўчоқ ловуллаб, қозонда шўлон шўрва қайнаб ётибди. Қаймиш ёриқ тишларини кўрсатиб жилмаяр экан, Чиледу ўзини бундай аҳволда кўраётганидан уялиб турарди. Қорни тўйган, иссиқда жони кирган Олбор, энди наMAT устида шўхлик қилиб ўйноқларди. Чиледунинг назарида бу аҳволни у қачондир кўргандек бўлиб кетди. Диққатини бир ерга тўплаб, эслашга ҳаракат қилди: ловуллаган ўчоқ, бахтиёр аёл, ўйноқлаган бола... қарда кўрган эди-я? Кейин, буларнинг ҳеч бирини у ҳеч ерда кўрмаганини, балки булар Овулуннинг ҳаётини ўзича тасаввур қилган хаёлларининг акси эканини тушунди. Майли, ҳеч бўлмаса Қаймиш билан Тойчи Қурилар бахтли бўлишсин. Ўзининг меркитлар юртида Қаймишни тушуна олгани қандай яхши бўлган экан. Агар одамлар ҳаммаси бир-бирларини мана шунақа тарзда тушуна олишса эди, агар қонли қўллари билан ўзгаларнинг шодликларини бўғишмаса эди...

Яқинда узоқдан Овулунни кўриб қолди. Олдига боришдан ўзини зўрға тийди. Ўз вақтида ҳушини йиғиб олди. Энди уни ҳам, ўз юрагини ҳам безовта қилмайди. Қуриган илдиздан новдалар чиқмайди, куйиб кетган уруғдан ҳам кўчат унмайди...

– Сенинг кўзларингда нуқул тун зулмати-я, – деди Тойчи Қури. – Бизни топдингми, ғамларни унут. Мен Темучиннинг олдига бориб таъзим қиламан. Сени ўз кадрдон ерингга қўйиб юборади.

– Менинг кадрдон ерим йўқ... Меркитлар ҳузурига боролмайман.

У Тайр Усун уни қандай ваҳшиёна хўрлаганини гапириб берди.

– Қаймишимни деб, кўп азоб чекибсан-да! Мен Темучин учун ҳам бунчалик қийналмаган эдим. Ҳеч нарса қилмайди. Мени уришишса, уришмаяпти-ю, дейман. Калтаклашса, суякларимни синдиришмаяпти-ю, деб ўзимни юпатаман. Суякларимни синдиришганда эса, тирикман-ку, ўлдиришса нима қилардим, деб қўяман. Ўзимга шунақа дейман-да, хотиржам бўламан. Тирик бўлсанг, ҳамма нарсани унутишинг, изга солиб олишинг мумкин. Меркитлар юртига боргинг келмаса, борма. Шу ерда қолавер. Менга қарашиб юраверасан. Биз Қаймиш билан сени хафа қилмаймиз.

– Ўйлаб кўриш керак...

– Нимасини ўйлайсан! Сен ва ўғлинг биз билан яшайверасизлар.

XI

Темучиннинг ўғли учинчи ёз ойининг саккизинчи кунида туғилди.

Оқшом пайти эди. Илиқ ёмғир майдалаб ёғарди. Темучин ўтовнинг ичкарисида, очиқ эшиги олдида бир ўзи ўтирарди. Саратонда қуруқшаб қолган ўтлар шитирлар, ўтовга ёгин намлиги кириб турарди. Ҳозиргина Таб тангри кетди. Шомоннинг жаҳли чиққан эди.

– Мен кўпгина қабилаларни сен томонга оғдириб бердим. Одамлар сени кутяпти. Сен бўлса андангнинг чиройли гапларига учиб, жойингдан қи-

мирлагинг келмаяпти. Семириб кетган торбағон уясидан бир қадам нарига чиқишга қўрққанидек, пусиб ўтираверма. Эркин қабилалар... Нўёнлар биро-дарлиги... Бу гаплар чўпчаклар учун ярашади. Ҳозир одамлар бошқа нарса-ларни кутишмоқда.

– Осмон нимани хоҳлаётгани-ю, одамлар нималарни кутаётганларини сен биласан. Мен эса бир нарсани – сен ниманинг кетидалигингни билишни истардим. Ўзинг учун. Бизнинг ҳимоячимиз ва сенинг отанг бўлмиш Менг-лик қаерда? Укаларинг-чи? Мен уларга марҳамат кўрсатишдан хурсанд бўлардим. Улар отам даврларидек ҳамма нарсаларига эга бўлишади. Лекин улар келишмаяпти. Нега?

– Мен уларга «Кутиб туринглар, ҳали вақти эмас», деб айтдим.

– Шунақами? – Бу гап Темучинга ёқмади. – Бошқаларни чақираверасан, жўнатаверасан-у, қариндошларингга келганда ҳали вақт келмадими? Гап-ларинг тушунарсиз, шомон!

– Тарғутой отам сенинг отанг даврида ким бўлган-у, мен сенинг ҳузурингга кимлигимни билади. Отамни юзлаб кўзлар қоровуллаб турибди. Қи-мирласа, ўлдиришади. Сенинг ғазабингдан кўрқиб, унга ҳеч ким теголмай-диган бўлганда, у олдингга келади.

– Нахотки, сен шунақа замонлар келади, деб ўйлайсан?

– Ўтираверсанг – келмайди. Сенда отанг қўлида бўлган нарсаларнинг, деярили, ҳаммаси бор. Қўлида шу нарсалари бўлиб, отанг яна нимани иста-ганди? У хон бўлишни истаган эди. Фақат ўлимгина бунга халақит берди. Сенга нима халал беради?

– Узоқни кўрасан, Таб тангри. Лекин кимки ўрмонда юриб, дарахтлар-нинг учига қарайверса, буталар кўзини шикастлаб қўйиши мумкин... Сенинг қариндошларинг узоқда, лекин сен бу ерлардасан. Сенга нима керак?

– Менга хон бўлиб кўтарилган Темучин керак.

– Ҳўп, мен – хонман. Сен-чи?

– Сен – хон, мен – сенинг ҳузурингдаги олий шомон.

– Қабилалар устида биргаликда ҳукмронлик қиламизми?

– Одамларнинг ҳаёти, уларнинг чорвалари, ўтовлари сенга тегишли бўлади. Уларнинг қалблари эса – менга.

– Менинг андам Жамухага нима қолади?

– Жамуха сенинг олдингда узоқ қолмайди.

– Ёлғон айтасан, Таб тангри! Жамуха доим менинг олдимда бўлади. Биз тутинган ака-укалармиз.

Шомон қизиқ бир нарсани эшитгандек кулиб юборди. У кетди, лекин ўша кулгисининг акс садоси Темучиннинг қулоқларида жаранлаганича қолди. Жамуха билан шомон биринчи кўришишгандаёқ бир-бирларини ёмон кўриб қолишган эди. Бундан Темучин жуда қаттиқ азият чекди. Жамуха – биродари, Таб тангри эса – одамларнинг ичида энг фойдалиси. Уларни яраштириб қўйишга ҳаракат қилар экан, уларнинг баҳсларини тинглаб ўти-риб, буларнинг орасида ҳеч қачон мурса бўлмаслигига ишонч ҳосил қил-



ди. Буларнинг иккови бир арқонга боғланган: бири ҳўкиз бўлса, иккинчиси тулпор. Судралган ҳўкизни олисликлар чорламайди, оёқ остида майса бўлса бўлди. Тулпор бўлса, оғзидаги сўлиғини тишлаганича, олға интилади... Ўзим кимман? Уларни боғлаб турган арқонманми? Уларнинг бири сузишни, иккинчиси тепишни бошлаб қолса, менинг аҳволим нима кечади?

Ёмғирнинг шивирлаши остида оёқ товушлари эшитилди. Ўтовга Хасар кириб келди.

– Хурсандчилик хабари, Темучин. Ҳозиргина Хоахчин айтди – сен ўғилли бўлибсан.

У ўрнидан базўр турди, кўзларини қисиб олди. Анчадан бери ич-этини емириб кутаётган ва кўрқиб турган нарса содир бўлибди. Ўғил... Ўғлиммикин? Эшик ёпинчиғи бурмасида сув йиғилиб, остонадаги кўлмакчага «чўлоплаб» тушарди. Ҳозир унинг ҳузурига суюнчилаб келувчилар тизилишади...

– Хасар, сен менга ҳеч нима айтмадинг. Мени кўрганинг йўқ. Бовурчи билан Жалмаларга айт, отларини эгарлашсин.

– Ким шунақа қилади, Темучин? Ўз ўғлидан қочмайдилар.

Ўтов қоронғилигида Хасарнинг тишлари ярақлади. У масхара қияпти, шекилли. Темучин қулочкашлаб укасининг юзига туширди.

– Ўлдираман!

Хасар ўтовдан учиб чиқиб кетди. Қайтиб бошини эшикдан сукди.

– Шунақа қилаверсанг – бир ўзинг қолиб кетасан!

– Отни олиб кел! – қичқирди Темучин ақлини йўқотаёзиб.

Укаси эгарни олганича қочиб қолди. Тез орада у отни етаклаб келди-ю, Темучин уни миниб, тобора қуюқлашаётган тун қўйнига шўнғиб кетди. Овул чеккасига келиб қолганида унга Бовурчи билан Жалмалар етиб олишди-да, ҳеч нарсани сўрамай, ёнма-ён бораверишди. Ёмғир тинадиганга ўхшамасди. Юзларидан оқаётган томчилар худди кўз ёшларига ўхшаб иссиқ. Тун шунчалик қоронғи эдики, отнинг қулоқларини ҳам кўриб бўлмасди. Ёмғир шитирлашию отлар туёқларининг овозини айтмаса, саҳро сукунатга чўмган. Мангу осмон уни нима учун бунчалик жазолайди? Отасидан жудо қилди, шафқатсиз ва беномус одамларнинг қўлига тутқун қилди, неча йиллар қийналиб, шу буюк саҳро қўйнида тинчгина бир бошпана тополмади – бир одамга шунчалик ситамларнинг ўзи ҳам етарли эди. Йўқ, булар камлик қилгандай, яна бир бахтсизликни раво кўриб турибди. Буниси – нақ хотинининг қорнида. Унинг наслини давом эттирувчи бу бола, қонида Қиёт Бўржигинларнинг бир томчи ҳам қони бўлмаган бир одам бўлиши мумкин. О, мангу осмон, унга ўлим юборгин, мени бир умрлик шубҳа ва азоблардан халос қилгин!.. Мен аҳмоқ нималар деяпман? Бу бола ўз ўғлим, ўз жигарим бўлса-чи? Ўз боласига ўлим тилаганлардан осмон ғабзланиши мумкин! О, осмон, мени ақлдан оздирма!

Отлар чарчаб, борган сари йўрғалашга ўтишарди. Ёмғирда ивиб кетган кийимлари этига муздек ёпишиб, титроқ уйғотган, лекин у энди орқага қайтса ҳам бўлади, деб ўйлаб ҳам кўрмасди. Бутун тунни шу қўйи чопиб ўтказишди.

Тонг хирагина, руҳиятсиз ота бошлаганида ёмғир ҳам тина бошлади. Қурулун қирғоқларига чиқишганда тўхташди. Чап қирғоқда бир-бирига уланиб тепаликлар чўзилиб кетган, ўнг қирғоқ эса пастликлардан иборат бўлиб, аксарият ерларни майда кўлмакча, ботқоқликлар эгаллаган эди. Сув бўйида тол буталар қатори тизилган, улар нозик баргларига кўнган томчилар оғирлигидан сувга энгашиб туришарди.

Темучин отдан тушди. Бовурчи билан Жалма тезгина шох-шабба териб келиб, гулхан ёқишди. Ҳамма кийимларини ечиб, оловда қурита бошлади. У ҳам бироз ўтиб ечинди. Ҳўл ўтин яхши ёнмас, пишиллаб, буғ чиқариб, тутаб ёнарди. Темучин оловга қараб туриб, менинг қалбим ҳам ҳозир мана шундай бўлиб ётибди – тутуни кўп-у, иссиғи йўқ, деб ўйлади.

– Балиқ овлаб кўрмаймизми? – Ишнинг кўзини биладиган Бовурчи тўрвасидан от ёлидан тўқилган ёйма тўр, қармоқ ва яна алланималарни чиқарди. Янгигина балиқ пиширамиз.

Темучин бўпти, дегандай бош ирғади. Ҳаммалари яланғоч, ялангоёқ, эҳтиёткорлик билан сувга туша бошлашди. Мана шунақа дўстлари бор одам хурсанд бўлиши керак. Дўстлари унинг ёнида экан, ҳеч қандай хавотир қилмайди. Тушкунликдан сиқилиш, нолиш яхши эмас – ҳеч ким айбдор эмас. Ҳаёт шунақа бўлса нима қиласан? Ё унга кўникиш керак, ёки ҳаётини ўзининг ҳам, ўзига яқин одамларнинг ҳам тинч турмушини бошқа бировлар бузолмайдиган, уларнинг зўравонлигидан азият чекмайдиган қилиб тамоман ўзгартириб олиш керак.

Бовурчи билан Жалма тўрни кўтаришди. Темучин боғламларнинг бирини ечди. Каттакон, кучликкина балиқ думи билан Темучиннинг қорнига урди.

– Балиқнинг ўзи қорнингга кирмоқчи-я, – кулиб юборди Бовурчи.

Балиқ яна бир типирчилаб қўйди-ю, аммо бу галгиси анча кучсиз эди. Темучин укалари билан Ўнўн бўйида балиқ овлашганини эслаб кетди. Балиқ катталигидан Хасар икковлари уни зўрға қирғоққа олиб чиқишганди. Унда Хасар бунақа эмасди. Кейинроқ айний бошлади. Жуда бошқалар билан ўзини тенг кўргиси келади. Мана, нима бўлди... Чакагига ёмон туширди. Бунақа қилиш керак эмасди.

Жалма яна ўтин териб келди, Бовурчи бўлса балиқларни чўпга тикиб, олов устига қўйди.

Кийимлари ҳам қуриди. Темучин иштонини кийиб олиб, майса устига ағанади. У ўзини худди ўлаётган балиқдек ҳорғин ва бўшашган ҳис қилди.

– Мазали нарса бўлади-да! – Бовурчи тили билан лабларини ялаб қўйди.

– Бовурчи, ерларимиз зўр-а? А? – сўради Жалма. – Дарёга борсанг, балиғинг тайёр. Ўрмонга кирсанг, кийик гўштини еявер. Саҳрода бўлсанг, торбағон ёки жайрон муҳайё.

Бовурчи унинг гапига қўшилмади:

– Яхшику-я, лекин ҳаммага эмас-да. Балиқни олдин тута билиш керак, кийикни ҳам овлай олиш зарур. Эпполмасанг – очликдан қирилсан. Яна, ов овлаётганингда ҳушёрроқ туриш керак, бўлмаса, ёмон одамлар ўзингни ўлжа қилишади.



— Бовурчи, нимага шунақа? Ҳамма нарсамиз етарли – ҳайвонлар, парранда, балиқ, чорва учун ўт-ўлан. Биз бўлсак, бир-биримизни овлаймиз. Мен бунни тушунолмайман. – Жалма чўпларни синдириб, оловга ташларди.

— Мен кичкиналигимда бувим бир нўён ҳақида гапириб берардилар. Унинг бештами, олтитами хотини бор экан. Улар ҳеч қачон уришишмас экан. Лекин нўён татарлар устига қилинган урушда ҳалок бўлибди. Иноқ хотинлар ёвуз жинларга айланишибди, урушиб-талашиб, ёқалашишга тушишибди. Шундан бошқа қиладиган зарур ишлари қолмабди. Бу токи бор-будлари тугаб, мулкларининг кули кўкка совурилгунча давом этибди. Ақлларини йиғиб мундай қарашса, талашадиган нарсалари қолмабди. Ҳаммаси ҳар тарафга тарқаб кетишибди-ю, кейин улар ҳақида ҳеч ким ҳеч нарса эшитмабди.

— Шунақа, биз ҳам ерларимиз бошқа халқларнинг қўлига ўтиб кетгунича қирилаверамиз. Шунинг учун ҳам менинг отам нўёнларни ёмон кўрарди.

Темучин дўстларим ҳеч бир нарсани жиддий ўйлашмайди, ҳаммасини менга юклаб қўйишган, деб ўйлаб юрарди. Йўқ, ўйлашаркан, яна қандай денг! Нўёнларни эри ўлган хотинларга жуда тўғри ўхшатишибди. Лекин гап фақат ўхшатишдагина эмас. Тиниб тинчимаган Таб тангри зўравон нўёнларни жиловлашга чақириб ётибди. Жамуха бўлса, аксинча, ҳаммани тенг кўргиси келади. Лекин учинчи йўл ҳам бор экан, чамаси. Бунни ўзи ҳам билмаган ҳолда, Бовурчи айтиб турибди. Майли, нўёнлар ўзаро тенг бўлаверсинлар, ҳар ким ўз қўл остидаги мулкини ўзича тасарруф этаверсин. Аммо уларнинг устида, худди бутун мавжудот устида ҳукмронлик қилиб турган мангу осмон, қолаверса, олтита хотинни йўлга солган эрга ўхшаб қандайдир бир – доно, адолатли, ҳақиқатгўй одам туриши, унинг борлигининг ўзиёқ ўзаро низоларни бартараф қилиши керак. Манманларнинг попугини пасайтириб, хўрланганларни қўлловчи бир бошлиқ керак.

Қора булутлар тарқалиб, қуёш чарақлаганча, атрофга ҳарорат улашар, буталар устида қушлар қанот қоқар, тепаликларда торбағонлар чуғурлашарди. Дам олган отлар тиззаларигача сувга тушиб, думлари билан чивинларни ҳайдашарди. Бовурчи билан Жалма бир бута тагида бошларини эгарларига қўйиб ухлашмоқда. Олов аллақачон ўчган, унинг ўрнида бир тутам кул уюми қолганди. Темучин дарё бўйига тушди, маза қилиб сув ичди. Қурулуннинг тоза сувлари юмалоқ тошларни силаб ўтар, сув остидаги сарғиш кумда нур акси жилваланарди. У бошини қўллари орасига олиб, сув бўйида узоқ ўтирди. Аниқ бир нарса ҳақида ўйламас, қалби гўёки гунг тортиб қолган, фикрлари қовушмас, ўтмаслашиб қолгандек эди. Ўзига раҳми келар, юрагидан қон сизиб чиқаётгандай эди.

Навкарларини уйғотди.

— Отларни эгарланг... Кетдик.

— Қаерга?

Отларнинг бошини қаерга буришни ўзи ҳам билмасди. Уйга бормаса бўлди. Агар Жамуханинг ўтови бошқа овулда бўлганида, уникага борган бўларди. Жамуха – дўст. У ҳаммасини тушунади.

Аммо Темучин шу хаёлга келар экан, бу фикрни ўзига зўр бериб уқтираётгандай бўлди. Бундан кайфияти баттар тушиб кетди. Жиловни бўш қўйиб, отини чоптирди. Қаерга? Хучарникага борсамикин? Йўқ, Хучар кўнглингни тўкиб соладиганлардан эмас. Яхшиси, амакисиникига боргани дуруст. Бу айёр, устамон одам билан гаплашиш ҳамisha қизиқарли.

Даритой отчигиннинг овулига тунда кириб боришди. Қоровуллар уйку аралаш шовқин солиб юборишди. Ўтовлардан қўлларида қуроллари билан чопиб чиққан ярим яланғоч одамлар уларни отларидан тушириб, қўлларини ортга қайириб боғлаб ташлашди.

– Каттиқроқ ушланглар! – жаҳл билан гапирди Темучин.

Навкарларнинг бири найза сопи билан тушириб қолди. Бовурчи билан Жалма бир нималар деб бақирди-ю, аммо тезда жим бўлишди. Анавилар жаҳл устида ўлдириб қўйишлари ҳам ҳеч гап эмас.

Уларни Даритой отчигиннинг ўтовига итариб киришди. Ичкарида мойчироқлар ёниб турар, амакисининг баҳайбат сояси девор ва ўтов шифтида тебранарди. Навкарларидан баттар эси чиқиб кетган амакиси чопонининг узун энгларини чалкаштирганча, калта қилич осилган белбоғини тақиб олишга уринар, аммо ҳеч уддасидан чиқолмасди.

– Жангга отландингми? – сўради Темучин.

Жиянининг овозини таниган амакисининг кўрқуви яна ҳам зўрайиб кетди. Қиличи белбоғи билан қўшиб ерга тушди. Ўзига бўйсунмаётган титроқ қўллари билан мойчироқни Темучиннинг юзига яқинлаштирди-да:

– Ечиб юборинглар! – деб бақирди.

– Меҳмонларни шунақа кутиб оларкансан-да, амаки?

– Сен... меҳмон бўлиб келдингми?

Темучин тушундики, амакиси Темучин унга ҳужум қилган, деган фикрга борган.

– Сен билан жанг қилгани келдик! Мен, Бовурчи ва Жалма – шу бор кўшинимиз. Сенинг кўрқоқ қоровулларинг кўзига биз уч туман бўлиб кўриндиг-ов.

– Сенлар нимага оғизларингни очиб турибсанлар! – чийиллаб бақирди амакиси навкарларга. – Мен сенларга ечларинг дедим! Қадрдон жиянимни арқонлаб ташлабсанлар. Қамчи билан ўласи қилиб ураман.

Амакиси қиш бўронига ўхшаб тутақиб кетди. Навкарларни ўтовидан ҳайдагачгина тинчиди. Темучинни ўтовнинг тўрига бошлаб келиб, юмшоқ наматлар устига ўтқазди.

– Келиб мени шунчалар хурсанд қилдингки! – деди у манглайдаги ҳар бир ажинидан нур таратиб.

Аммо Темучин амакисини жуда яхши билар, шунинг учун ҳам, унинг очиқ чеҳраси остида кечиккан меҳмонлар ташрифининг боиси нима бўлса экан? деган хавотир яширинганини ҳам кўриб турарди. Ортиқча шубҳалар билан ич-этини емай қўя қолсин, деган ўй билан тушунтирди:

– Балиқ овлагани чиқувдик. Йўлакай сенинг олдинга кирдик.



– Мени хафа қияпсан, Темучин. Биттагина амакинган-а. Атайлаб келмай, йўлакай кирибсан.

– Ҳар гал шундай кутиб олаверсанг, сеникига ким ҳам меҳмон бўлиб келарди?

– Ахир ярим тун-ку, қадрдон жиянчам!

– Қоровуллар тунда ухласин, деб қўйилмайди. Одамларнинг ҳам бекордан бекорга тинчини бузишди.

– Мен ҳали уларнинг адабини бераман! Бошқаларга орқа қилиб ўрганиб қолишган...

– Қанақасига бошқаларга орқа қилишади?

Даритой отчигин шошилиб ўрнидан туриб кетди:

– Азиз меҳмонни гап билан меҳмон қияпман-а. Хурсандлигимдан ҳаммаси эсимдан чиқибди!

У ўтовдан учиб чиқди. Бовурчи билан Жалма кўзларини ерга қадаб, сипо бўлиб ўтиришган бўлса ҳам, ҳар иккови кулимсирарди.

Амакиси қариб, тўкилай деб турган бир баковул чол билан кириб келди. Унга овқатга нималар тайёрлаш кераклигини уқтира бошлади. Баковул эсноғини зўрға яширганча, қичиниб турарди. Баковул кетиши биланоқ Темучин яна сўради:

– Шундай қилиб, навкарларинг кимга орқа қилишади?

Амакиси бу сафар ҳам жавобдан қочди. Овулун хотиннинг қимматли саломатлиги ҳақида суриштира бошлади. Саволни учинчи бор такрорлашга тўғри келди.

– Ҳа-а. Бу жуда оддий. Биз қулай, тинч жойга жойлашганмиз. Меркитларми, татарларми ёки тойчуют бўладими, ҳаммаси сизларнинг овулларингиз орқали ўтади.

– Ҳар тарафдан бошқа овуллар билан ўраниб олган экансизлар-да?

– Ҳамма тарафдан эмас. Биз сизларни кераитлардан ҳимоя қилиб тура-миз.

– Улар қачон бизларга ҳужум қилишган? Бунақа маза жойни ўзинг танладингми?

– Ким менга танлаб берарди?

– Калланг яхши ишлайди, амаки, – деди Темучин. – Бунақа ақлли одамни ҳали учратмаганман.

Мақтов Даритой отчигинга ёқиб тушди.

– Мен тойчуютлар овулида ҳам шунақа қилардим. Менинг овулимни бирон марта ҳам ҳеч ким таламаган! – Унинг овозида ғурурланиш оҳанглари бор эди.

Ўзининг энг яқин қариндоши бўлган бу одам нима учун бирон марта ҳам унга ёрдам қўлини чўзмаганини тушунолмай юрган Темучин шу топда буни яққол, равшангина тушуниб етди.

– Амаки, айтгинчи, нимага сизлар Тарғутойни хон қилиб кўтармадинглар?

– Сенинг отанг ва менинг севимли акамни нима учун хон қилиб сайламаган бўлсак, ўша сабабдан. Мен, сенинг қариндошларинг Ўлтон, Бўри Бўга,

Хучар ва Сача бекилар шундай ўйладик: мўғулларнинг биринчи хони ким эди? Шавкатли Хабул. Хабулнинг ўзи ким? Менинг, Ўлтоннинг, Бўри Бўганинг бобоси, сенинг, Хучар ва Сача бекиларнинг катта буваси. Тарғутой унга на неvara, на эvara. Узоқ бир қариндош. Бошқа нўёнлар балки бошқача ўйлашгандир, лекин улар ҳам Тарғутойни ўзларининг хони ўрнида кўришни исташмаган. Фикримча, Хабул уруғларининг энг каттасигина хон бўлиши мумкин. Бошқа ҳеч ким эмас!

– Энг каттамыз ким?

– Ўзинг ўйлаб кўр. Ўлтоннинг отаси – Хабулнинг тўртинчи ўғли. Бўри Бўганинг отаси – учинчи ўғил. Бортон баҳодир – менинг отам, сенинг бобонг, Хабулхоннинг иккинчи ўғли...

– Демак, авлодимизда энг каттаси сен экансан-да, амаки?

– Албатта! – Даритой отчигин Темучин шуларни ҳам билмаслигидан ўзича ҳайрон бўлди.

– Сен ўзинг хон бўлишни истармидинг?

– Нима ҳам қилардим, осмоннинг мадади билан жиловни ушлаган бўлардим. – У нима учундир ўзининг кичиккина кўлларига қараб кўйди.

– Ҳа-а... Ҳар ким чавандоз бўлишни хоҳлайди, лекин ҳеч кимса от бўлишни истамайди, – хўрсинди Темучин.

У Даритой отчигиннинг овулида бир неча кун меҳмон бўлиб қолди. Амакисини мақтовлар билан сийлаб, ўтган-кетганларни суриштирди. Отаси ҳақида анчагина янгиликларни билиб олди. Ўзини хон қилиб кўтаришлари учун кўп ҳаракат қилгани, лекин сайланмаган бўлса ҳам, бошқа қабилалар нўёнлари мададига таяниб, мўғулларнинг хони даражасига кўтарилганини эшитди. Агар у сал узоқроқ яшаб турганида эди, бўлажак қурултой уни, албатта, хон қилиб кўтариши мумкинлигини ҳам билди. Бу суҳбатлардан яна шуни ҳам билдики, отасининг ҳаёти ўзи ўйлаб юрганидек, ҳечам осон кечмаган экан. Отаси ёнидаги дўстлари билан тинимсиз баҳслашиб, душманлар билан жангларда олишиб, мақсадига етиш учун айланма йўллар билан бўлса-да, ҳаракат қилган. Отаси ўлгач, нима ўзгарди? Яхши бўлиш ўрнига ҳаммаси баттар ёмонлашиб кетди. Энди бўлса нафақат хон сайлаш, балки қурултой ҳам чақириб бўлмайди. Қабила нўёнлари шунчалик узоқлашиб, бегоналашиб кетишган.

Темучинни кўнгил изтироблари тарк этмади, аммо улар энди уни ортиқ безовта қилмас ва у кўп нарсалар ҳақида бошқачароқ, аниқроқ, тушунарлироқ фикр юритарди. У ўзини бошқалар кўрмаган ва тушунмаган нарсаларни яхши кўраётган ва англаётгандай сезди. Яна у шу кунлар ичида ўзини нафақат Бовурчи билан Жалмадан, балки амакисидан ҳам анчагина улғайгандай ҳис қилар эди.

Даритой отчигиннинг овулидан Ўлтоннинг овулига от суришди. Полвон Бўри Бўга ҳам ўша ерда экан. Улар Темучин ўғилли бўлганини эшитишибди. Қадим удумларга риоя қилган ҳолда, оддий, қуруққина табриклаб кўйишди. Темучин ичида безовталанди. У қариндошлари Бўртанинг меркитлар кўлида асир бўлганига шама қилиб қолишларидан чўчирди. Ҳозир бундай



қилиқларни кўтаролмас, мабодо шундай қилишганида, улар билан қандай ҳисоблашишни ҳам билмас эди. Аён бўлишича, қариндошларининг бунақа майда гапларга бош қотиришга вақтлари йўқ. Қайсидир овулда Бўри Бўга аввалига Жамуханинг укаси Тойчар билан гап таллашибди, кейин эса ёқаллашиб кетибди. Тойчар ҳам ўзига етарли урушқоқ йигит эди. Елкадор, дўнгпешана, боши ичига кириб кетган кичкина қулоқли Бўри Бўга ҳозир жаҳл ичида пишиллаб, муштумини очиб-туғиб ўтирарди.

– Тойчар сени енгдими? – ҳайрон бўлиб сўради Темучин.

– Мени ким енга олади? Бунақа одам йўқ. У навкарларини чақиртирувди, улар менга арқон ташлаб, от кетидан югуртиришди. Кейин калтаклашди.

– Жанжал чиқариш қандайлигини кўрдингми!

– Бўри Бўга сенинг қариндошинг бўлади, Темучин! – эслатди Ўлтон. – Қариндошинг калтак егани – сенинг ҳам калтакланганинг.

Ўлтон қалин лабларини чўччайтириб гапираркан, юзига қон юра бошлади.

Темучиннинг юрагида ғалаён бошланди. Қандай қилиб менга ақл ўртади бу! Тарғутой уни намоишкорона хўрлаганда Ўлтоннинг ўзи қаерда эди? Нега унда юзига қон тепмаган, лабларини чўччайтирмаган эди? Бу гаплар тилининг учида осилиб қолди. Унинг жанжаллашгиси келмади. Босиқ овозда гапирди-ю, аммо овозининг титроғидан, ўзини босишга қаттиқ ури-наётгани сезилиб турарди.

– Қариндошларинг калтак еса, алам қилади, албатта. Бу тўғри. Лекин қариндошлар ҳам бир-бири учун туриб бериши керак. – Чидаб туролмади, захрини сочиб қолди: – Мен азобланганимда, биттангга бориб шикоят қилдимми?

Ўлтоннинг юзи бўзарди, гап бошлаганида эса овозидаги бояги жаҳл пайсайган эди.

– Унда бошқа давр эди. Биз бегоналар орасида эдик. Ҳаммаям қийналган. Бироқ бегоналар бизни яна хафа қиляпти.

– Улар бегона эмас. Жамуха менинг андам. Тойчар унинг укаси.

– Шунинг учун ҳам сен билан гаплашяпмиз, Темучин.

– Бекорга гапиряпсан, Ўлтон. Тарғутойдан бу ерга кўчиб келаётганларингга ҳеч ким бир-биридан устун бўлмайди, ҳамма тенг бўлади деб, ўзларинг айтмовдиларингми? Нима учун ким ҳақ, ким ноҳақлигини, кимни ҳимоя қилиш, кимни жазолаш кераклигини мен ҳал қилишим керак? Йўқ, Ўлтон, Бўри Бўга, бизнинг гапимиз бир хил тош босади.

У шу ондаёқ жўнаб қолди. Ўзлари гапирган гапларию қилган ишларини бир ўйлаб, унинг гапларини ҳазм қилиб кўришсин-чи. Балки, ўзларини чавандоз деб билаётган бу қариндошчалар, аслида чавандоз тагидаги от эканликларини, ким чаққонроқ бўлса, ўша одам уларни эгарлаб олиши мумкинлигини англаб етарлар. Бундай қилиб юргандан кўра, битта бошлиқ тайинланиши ақлдан эмасми? Шуни тушуниб етсалар, ҳаммага осон бўлади.

Отлар бир маромда қадам ташлашарди. Сахро юзасида сароб жилваланарди. Жизғанак ўтларнинг ачимсиқ ҳидидан, отлар туёқлари остидан

кўтарилаётган сарғимтир чанг, шувоқлар бўйдан ҳаво бўғилиб кетган. Овул ўтовлари кўринди. Улар ер устида, қайноқ сароб оқимида сузиб боришарди. Темучин лабларини тишлаб олган. Ўзингдан қочиб қайга борасан, бу ғирт аҳмоқлик-ку!

Улардан аввал овул бўйлаб хабар тарқалди – Темучин келибди. Ўтовлардан навкарлар, қариялар, аёллар чиқиб, қўлларини кўксиларига қўйганча таъзим қилишарди:

– Темучин, ўғил муборак бўлсин!

– Ўзинг ҳам, авлодинг ҳам бахтли бўлсин!

Унинг ўткир нигоҳи одамларнинг юзларига тикилар, ичларидаги гапни уқишга уринарди. Одамлар унинг кўнглидан ўтаётган ғалаёнларни билишадигандай, гўё. Отқозиқ олдида жиловни Жалманинг қўлига ирғитди-да, ўз ўтовига кирди. Кетма-кет онаси ҳам кириб келди. Онасига қаради-ю, сездди: Хасар шикоят қилган. У бошини эгиб, астагина илтимос қилди:

– Уришмагин фақат...

Онанинг қўллари бошига кўнди, кокилларини силаб, чаккаларига сирғалиб тушди, бармоқлари ловуллаётган қулоқлари, тикандек қаттиқ соқол қоплаган ёноқларини силаб ўтди.

– Ўзингни кўп ўртама, ўғлим... Бизларни ҳам эзма. Юрақол, тўнғичингга бир назар ташла.

У ўғлининг қўлидан олиб, худди кичкина болани етаклагандай эшикка бошлаб кетди. Онанинг меҳрибон ва маъюс овози ичига ўт ёққандай унинг хўрлигини келтириб юборди.

Кўзига ҳеч нарса кўринмай, Бўртанинг ўтовига кириб борди. Хотини тол бешик олдида ўтирарди. Уни кўриши билан, Бўрта гўё муҳофаза қилмоқчидай, ўғли устига энгашди. Очиқкўнгил Хоахчин типирчилаб қолди. Темучин бешикка энгашди. Чақалоқ ухлаб ётарди. Кичкинагина бу жисм тухумдан янги чиққан полапонга ўхшайди. Бошчасини сийрак ва майин сочлар қоплаган. Улар қоп қора. Темучин қадини ростлади. Шу пайт Бўрта бешикни бироз кўтара қолди. Мўридан тушаётган қуёш нури боланинг бошини ёритди-ю, сочлар қуёш нурида қизғиш тус олди. Темучин титраб кетди:

– Ўғлим! Менинг ўғлим!

Бўртанинг кўзларидан дувиллаб ёш оқди. У ёшларини артиб, юзини яшириб ҳам ўтирмай, ҳам ғамгин, ҳам бир пайтнинг ўзида бахтиёр жилмайганча кулиб турарди.

XII

Эрта тонг совуғи қўй терисидан уйкуда бўшашган танни жунжиктиради. Жамуха чала уйку аралаш хотинининг иссиқ биқинига сурилиб ётди-ю, у ёғига ухлай олмади.

Мўридан мовий рангга кириб қолган осмон, бир четда липиллаб сўниб бораётган юлдуз кўринди. Эшик оғаси ўтовни айланиб, тун тинчлик билан ўтгани ҳақидаги ашуласини хиргойи қилар, қўшиғида аслзода нўён ва



унинг хотинини ҳеч ким ўғирлаб кетмагани, овулга босқин бўлмагани, бироз туриб уйига бориши, унда пишлоқ еб, қатиқ ичиши-ю хотин, бола-чақаси билан суҳбатлашиб, уйқуга кетиши ҳақида куйларди...

Уржона осмонга қараб ётар, кўзлари қаттиқ юмилган, нафасидан чиқаётган ел қўй пўстини юнглари тебратиб қолар, бир тутам қоп-қора сочи юзини кесиб ўтган эди. Жамуха ўша тутам кокилни олиб, бир учини Уржонанинг бурнига тикди. Хотини қаттиқ аксириб, кўзларини очди.

– Турақол, олтин хотин.

Совуқдан жунжика-жунжика Уржона ўрнидан турди. Ўчоққа олов ёқди. Ўтов ичра тезак тутуни ҳиди таралди. Жамуха бу ҳидни, ўчоқнинг иссиқ тафтини ёқтирарди. Маза қилиб керишиб, ўринда ястанганича ётар экан, овулда ҳаёт уйғонишини эшитарди. Ана, арава ғилдиракларининг ғичирлаши, қамчининг визиллагани, итнинг чийиллагани эшитилди. Қоровул йигит ашуласини тўхтатган, ўзича бир нималар деб минғирлаб, орасида бир-икки йўталиб қадам ташларди.

– Қоровул!

Эшик ёпинчиғи кўтарилди. Ўтовга муздак ҳаво бостириб кириб, тутун билан аралаш мўрига кўтарилди. Ўтов олдидаги топталган майса устида оқариб турган қировлар кўринди. Қоровул энгашиб ичкари кирди-да, яна ҳам чуқурроқ таъзим қилди.

– Ёпинчиқни тушир! Уйингга бориб пишлоғингни еб, қатиғингни ичаверсанг бўлади. Лекин яна эрталаблари ашуланг билан мени уйқумни бузадиган бўлсанг... Бор, укам Тойчарни бу ёққа юбор.

Жамуха ўрнидан туриб, елкасига чопонини ташлади, ўчоқ яқинига ўтириб, яланг оёқларини ўчоқ тошларига қўйди. Олов устидаги пастак, лекин каттагина қозонда гўшт қайнарди. Калта оёқ, кичкинагина хонтахта устига Уржона икки коса қимиз, қуритилган сутдан қилинган чалпақлар солинган мис тақсимча ва майда уваланган чучук сузма келтириб қўйди.

– Ол, е.

– Мен гўшт пишишини кутиб тураман.

– Оқликқа қарайвер. Яқинда улар камайиб кетади. – Уржона бурунларни қитиқлаб, ҳид таратганча гўшт қайнаётган қозонни аралаштирди. Бир бўлак гўшт олиб, чайнаб кўрди. – Пишишига оз қолди... Кузни ёмон кўраман... Қишни бўлса ундан баттар... Совуқ, тунлари узун.

– Қишни мен ҳам ёмон кўраман. Аммо куз бошқача.

Тойчар келиб, чордана қуриб хонтахта ёнига ўтирди-да, пичоғини чиқарди.

– Мен тайёрман.

– Овқатгами? – кулди Жамуха. – Овқат ейишга ҳамма ҳар доим тайёр, укам.

Жамуха укасини яхши кўради. Қизиққон, ўжар ва ўткир бу бола ҳеч нарсадан ҳайиқмас, ҳақиқий чўл ботири эди. Кучга тўлиб етилса, яхшигина ёрдамчи бўлади.

– Тойчар, мен кеча ғозлар галаси учиб ўтганини кўрдим. Уч-тўрт навкар олиб, кўлга борамиз.

– Мени қолдириб кетасанми? – сўради Уржона.

– Сени ҳам олиб кетамиз. Фақат бошқа ҳеч кимни олмаймиз. Одамлардан бироз холи бўлмоқчиман... Қани эди, Тўғулхоннинг қирғийларидан менда ҳам бўлса... Олғир қушлар билан қилинадиган овнинг гашти бошқача бўлади-да!

– Қирғийларсиз ҳам овни эплаймиз, – деди Тойчар ва чалпақдан ушатиб оғзига солди. – Биз кўчмоқчи эмасмизми?

– Қандай кўчиш ҳақида гапиряпсан?

– Белгитойдан кеча эшитувдим: бугун қишлик яйловларга кўчар эканмиз. Шомон кўйнинг ичакларида фол очибди. Бугун кўчиш учун яхши кун эмиш.

– Шунақа дегин... кўчиш... – Бирдан жаҳли чиқиб кетди. – Уржона, гўшти яна қанча кутишим керак?

Шомон! Яна шу шомон. Темучин ҳам ўша билан. Қишки яйловларга кўчишга келишишдан аввал, у билан ҳам маслаҳатлашиб кўришса бўларди. Ёки унинг сўзи Темучин учун ҳеч нарса эмасми? Бу анданинг қилаётган иши! Андаси эндиликда Жамуханинг қабиласига ҳам ҳукмдор бўлиб олмадимикан? Миш-мишларга қараганда, Темучин ўз қариндошлари билан Хабулхон, Омбахайхон ҳақида кўп гаплашган эмиш. Менга эса ҳеч гап айтгани йўқ. Мана сенга битта юрак, битта тақдир...

– Овқатни шоширдинг-у, ўзинг емай ўтирибсан... – деди Уржона хафа бўлиб.

Гўшт хонтахта устида турарди. Ёввойи саримсоқ тўғрамлари сепилган гўшт бўлақларидан енгилгина буғ кўтарилиб турар, лекин энди Жамуханинг уни егиси йўқ эди. Назарида, гўшт қаттиқ ва жуда ёғли.

– Шундай қилиб, овга тайёргарлик кўрамизми? – сўради Тойчар.

– Сабр қил...

У ўзининг энг зўр чопонини кийди, белбоғига кумуш занжирли пичоғини илди-да, ўтовдан чиқди. Кўёш қировларни эритиб юборган, ер, майсалар ёзги шудрингга ўхшаб томчилар билан қопланган. Темучиннинг ўтовида уй эгасининг ўнг, чап тарафида ярим доира бўлиб Даритой отчигин, Сача беки, Бовурчи, Жалма, Темучиннинг укалари, шомон ва Жамухага нотаниш, ёшига мос тушмаган ҳолда жиддий қиёфали яна бир йигитча ўтиришарди. Чаққон ва учар, хизматни қойиллатадиган Шинкур исмли баковул ҳўкиз терисидан тикилган чилпитдан чўмичда тарак олиб, меҳмонларнинг идишларига қуярди. Бўрта ўчоқ олдида ўғли Жўжини эмизиб ўтирарди.

Темучин сурилиб, ўз ёнидан жой бўшатди-да, Жамухани таклиф қилди. Лекин Сача беки ўзини билмаганга олиб, бўшаган жойга сурилиб ўтирди. Жамухадан пастроқда ўтиришни хоҳламади. Жамуха ҳам уларнинг ёнига бормаи, Бўртанинг ёнига чўқди.

– Мен ҳозиргина овқатландим...

– Анда, қара, менинг олдимга қандай навкар келибди! – Темучин жиддий йигитчани кўрсатди. – Бу Жалманинг укаси, энг донишманд бир одам-



нинг ўғли Човурхон Субутой... Эсиз, темирчи Жарчитой... Агар у яна бироз узоқроқ яшаганида эди, мен унинг истакларини бажо келтирганининг гувоҳи бўларди...

Жамуха Темучинга қараб ўтирарди. Андаси қувноқ, хурсанд. Бошқа овуллардан мана шунақа кучли, бақувват йигитлар унга келиб кўшилишганда у доимо шундай хурсанд бўлиб кетарди. У одамларга ҳеч тўймайди, чамаси, ҳаммани ўз қўл остига олишга тайёр. Бошқа нарсаларга келганда бунақа очкўз эмасди. Истаган нарсасини ҳеч иккиланмай бериб юбора-верарди. Яқинда навкарлари татарларнинг бир уюр отларини ҳайдаб келишди. Уюр орасида жуда кам учрайдиган, чиройли ва тийрак бир холдор бия ҳам бўлиб, Жамуханинг ўшанга дили кетди, кўзлари ўйнади. Темучин буни кўриб, унга арқон ташлади – тутиб ол, шу сеники. Жамуха ҳайрон бўлди. Темучиннинг ўрнида ўзи бўлганида отни асло бермаган бўларди. Андаси танти, фақатгина унга эмас, кўнглига ўтириб қолган оддий навкардан ҳам ҳеч нарсасини аямайди, тан олиш керак. Бу йигит нимаси билан унинг кўнглига йўл топа олганикин? Темирчининг ўғли ёш. Хўп, Жалманинг укаси бўла қолсин. Лекин буларнинг ҳаммаси уни ўзига яқин тутиш, нўёнлар қаторига ўтқазиб қўйиш учун жуда камлик қилади... Шу йигитни менга бергин, деб андасидан сўраб кўрса-чи? Берармикин, йўқми? Бермайдиган бўлса, уни анда деб бўладими?

– Темучин, йигитчадан яхши навкар, сафарда дилкаш ҳамроҳ чиқиши мумкин. Гўёки хужумдаги мустаҳкам қилич, мудофаадаги зирх қалқонга ўхшаган. Уни менга ҳадя қил.

– Жамуха андам! Човурхон Субутойни менга донишманд Жарчитойнинг ўзи васият қилган. Хўш, кекса одамнинг васиятига қарши чиқиб, уни қўйиб юборишим мумкинми?

Жамуха бош чайқаб қўйди – тўғри. Ҳаммаси тўғри. Андам ҳеч кимга биронта ҳам навкарини бериб қўймайди. Узоқни кўзлагани аниқ. Лекин жудаям узоқни эмасмикин? Ўзини катта ҳукмдор санашга жуда эрта эмасми? Мен Жамухани жуда паст кўрмаяпсанми? Мени яхши билмаслигинг кўриниб турибди... Ўз пайтида, у ҳатто Тўғулхонга ҳам айтганини қилдира олган.

Жажжи Жўжи лабларини чўлпиллатиб, онасининг кўкрагини қаттиқ қисиб олганича эмар экан, Жамухага ён қараш қилиб қараб турарди. Андаси ўғилли ҳам бўлиб олди. Ҳамма ишда унга омад кулиб турибди. Бироқ бу омадми, йўқлиги ҳали номаълум. Болакайнинг сочлари, аслида Темучин таъкидлаганидек, қизил эмас, қора-ку.

– Анда, сен бизларни эшитмаяпсан-ку! – Овозини баландлатиб гапир-а бошлади Темучин. – Биз қишлаш учун овулларимизни қаерга кўчирсак яхши бўларкин, деб маслаҳатлашиб турибмиз.

«Буни қара-я, эсига тушибман-ку. Ўзлари эса ҳаммасини аллақачон ҳал қилишган бўлса керак. Майли, сизлар айтганча бўла қолсин. Лекин сен, андам, бир-бирини ҳурмат қиладиган одамлар бунақа қилмасликларини тушуниб олсанг бўларди».

– Темучин, менга барибир. Тоғлар яқинидами, дарё бўйидами...



Аслида қаерга кўчишлари Жамуха учун барибир эмасди. Бу билан бошқа нарсани айтмоқчи эди. У Темучинни огоҳлантириб кўяётган эди: «Қара, андам, менинг кўчадиган жойларим кўп, сенинг изингдан бормаслигим ҳам мумкин. Мен сенсиз ҳам кунимни кўриб кетавераман. Сен эса – йўқ». Лекин Темучин гап остига яширинган фикрни ё тушунмади, ёки истамади. Бир зумгина ўйланиб турди-да, Шу ондаёқ, Сача беки билан бошқа нарсалар ҳақида гаплаша кетди. Аммо Бўрта бу ерда ҳаммаси кўнгилдагидек эмаслигини сизди-ю, қандайдир ғалати, ишончсизлик ва бир пайтнинг ўзида яширин кибр билан Жамухага қаради. Ўз эрини кўкларга кўтариб юбормадимкин? Меркит жангчисининг тўшагидан уни ким қутқариб қолганини эсидан чиқармадим!

Жамуха ўтовига қайтиб келди. Тойчар кетиб қолган экан. Уржонага укаси ва яқинларини чақиртириб келишни буюрди. Уларнинг келишларини кутар экан, кигиз устида қадамлаб у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. У андасига жуда ёруғ умидлар билан қараган эди. Ва буларнинг ҳаммаси илдизидан чириб ағанаган дарахт сингари нураб тушди. Алам қиладиган жойи, ўзи билмаган ҳолда Темучинга ёрдамлашиб юборгани эди. Агарда меркитларни енгиб қайтишганидаёқ кетворганида, Темучин атрофига шунча одамни тўплай олмаган бўларди... У Темучиннинг ёнида экани билан унинг қароргоҳини мустаҳкамлаб қўйди. Лекин ҳали ҳам бунинг олдини олиш мумкиндир, балки? Ҳамма ғилдираклари бут турганида арава бир маромда кетаверади. Биттасини бўлса ҳам олиб ташлаб кўр-чи – жойида қотади, қолади.

БЕШИНЧИ ҚИСМ

I

Елюй Люге билан бўлиб ўтган суҳбатдан кейин Хо ўзини худди сув устидаги тахтачада оқиб кетаётган қуёнга ўхшатди, ҳам қўрқинчли, ҳам қутулишнинг чораси йўқ.

Тез орада Чжундуга Магужин Сайилту бошчилигида татарлар келишди. Уларни саройда совуққина кутиб олишди. Семиз, қорни катта, юришлари оғир Магужин Сайилту қарияларга мос оҳангда: ўтган баҳордаги ўлат оқибатида ҳар ўнтадан саккизта от ўлди, ўзимизнинг ҳам минадиган ҳайвонларимиз санокли қолган. Яқин уч-тўрт йил ичида Олтинхонга битта ҳам от беролмаймиз, деган маънода шикоят қила кетди. Бу гапга Юн Цзи дағдаға қилиб, агар улар от ҳайдаб келтиришмаса, саҳрога қўшин жўнатишини айтди. Татарлар ўзаро маслаҳатлашиб, рози бўлишди. Улар осмон ўғли хазинасига илгари берилган отлар сонининг ярмини берадиган бўлишди. Юн Цзи татар нўёнларини очикдан-очик мазах қилиб, то ақллари кирмагунча пойтахтда қолишларини айтди.

Шу тахлит бир неча кунни савдолашиб ўтказишди. Ёлғиз қолишлари биланоқ татарлар қўрқмасдан императорни сўкиб ўтиришарди. «Унга кўп йиллардан бери содиқ навкардек қуллуқ қилиб нимага эришдик? Шоҳона маҳобасидан йиқилиб, бўйни узилгур осмон ўғлининг бўлса, борган сари иштаҳаси очилиб, талаблари кўпайиб кетяпти. Агар унга бўйсунаверсак, ҳамма нарсамизни ўлатдан ҳам баттар қуритади. Лекин қаршилик қилиш ҳам қийин-да. Бизларга иттифоқчи бўлиши мумкин бўлган қўшни қабиалар эса ашаддий душманларимиз. Меркитлар билан алоқалар яхшиланаётгандек бўлувди. Лекин улар ҳам Тўғулнинг босқинидан кейин ўзларига келиб олишлари қийин. Улардан мадад кутиб бўлмайди».

Магужин Сайилту кўпинча индамай, бармоқлари билан ипак чопони остидаги дарангоз қорнини чертиб ўтирарди. Бироқ унинг навқирон ҳамроҳлари қуруқ қўллари билан бўлса ҳам императорнинг жигарини суғуриб олишга тайёр эдилар. Айниқса, Магужиннинг ўғли Тамча ўзининг қайсарлиги, тилини тийиб туролмаслиги билан ажралиб турарди. Титроқ овози билан баъзан император ҳақида шундай гапларни гапириб ташлардики, Хо буларни Хушаху ва Юн Цзиларга айтишга тили бормасди. Қизиққон ва тили ботир, юзлари очик, лок суртилгандек қоп-қора кокилли Тамча нима-

си биландир Хога ёқиб қолди. Хо унинг император шаънига айтган сўкинишларини ички қониқиш билан эшитиб ўтирарди.

Елюй Люге бор-йўқлигини ҳам билдирмай жимиб кетганига, Хо уни эсидан чиқара бошлаган экан. Аммо татарлар эндигина йўлга чиқишганида (улар барибир император талабларини бажаришга ваъда беришди) ва Хо ўз каталагига кириб ҳам улгурмай, унинг ҳузурига ер ёнғоқ сотувчиси кўринишида ўша, олдинги сафар ҳам келган кидан навқар келиб, яна ўша шаҳар девори ёнидаги ҳовлига бошлаб кетди. Елюй Люге уни дарғазаб ҳолда кутиб турган экан.

– Нима учун бирон марта ҳам бу ерга келмадинг?

– Мен бу кунлар ичида ҳатто уйимга боролмаган бўлсам, бу ерга қандай ҳам келолардим?

– Бўпти, майли, бошла, – деди Елюй Люге Хонинг баҳонасини қабул қилган киши бўлиб.

Хо нима эшитган бўлса, ҳаммасини, татарларнинг бўралаб сўкишларига-ча, гапириб берди.

Елюй Люге очилиб кетди.

– Яхши, яхши... Императорни сўкишяптими? Ҳечқиси йўқ, яқинда уни калтаклашгача боришади. Бу ерларнинг ҳукмдорларини ҳамиша шимолдан келадиган бўронлар учуриб кетган. Бир вақтлар биз киданларга ҳам князь Юн Цзи татарларга ўтказгани каби зулм ўтказишган. Биз уларнинг устига бостириб келдик-да, бу ерда ўзимизнинг икки юз йиллик ҳокимиятимизни ўрнатдик. Лекин биз ҳам шимолликларга терс бўлиб олдик. Бироқ у ерлардаги қабилалар ғимирлаб қолишганида, биз буни майдагина булутча, деб ўйладик. Бизнинг хатойимиз шунда... Шу ерда биз қоқилдик. Буни қараки, мўғулларнинг ҳам ақли кирмабди... Бу уларни ҳалокатга олиб боради. Биз эса давлатда яна ўз байроғимизни тикамиз. Олтин кўзни қамаштиргани билан, қаттиқликда темирга етолмайди. Темир сулола яшайверади...

Елюй Люге Хони унутган, ўзига-ўзи гапирар экан, бирданига эсини йиғиб олиб, жим бўлди. Хонтахта олдига ўтириб, чарм ҳамёнини олди-да, ичидаги-ни тўқди. Локланган хонтахта устига жаранглаган овоз чиқариб, бир нечта кумуш танга тушди.

– Қара, мана шулар ҳаммаси сеники. – У кумушни яна ҳамёнга солди, оғзини тортиб боғлади-да, ўрнидан турди. – Ол. Ҳар гал мана шунчадан оласан. Мен, сенинг хўжайинларингдан кўра, одамларнинг қадрини яхши биламан.

Хо бу кумуш тангаларни ҳам аввалги, бўйра тагидаги яширин чуқурчада сақлаётган пулларига қўшиб қўйди. Бу мукофот уни хурсанд қилмади. Агар бунга қадар ҳам ўз ишини номуносиб иш, деб келаётган бўлса, энди эса ўз хоҳишидан қатъи назар, исёнкор бир одамга хизмат қилаётганидан Хо ўзини ор-номуссиз жиноятчи деб билди. Бир кун келиб уни ёғоч эшакка михлашадиган бўлса, бу жазога ўзини лойиқ деб билган бўларди.

Цуй билан Ли Цзяннинг кўзларига кўринишга юраги бетламасди. Бўш кунларида ўз каталагидан ташқари чиқмас, бўйра устида совуқдан ғужанак бўлиб олганича, йўтал ва тумовдан қийналиб, ҳаётида бирон нарсани ўзгар-



тиришнинг иложи йўқлигидан эзилиб ётарди. Цуй билан Ли Цзянни ташлаб қочсинми? Бу яна бир хиёнат бўладики, ундан кейин, озгинагина бўлсин виждони бор одамнинг яшашга ҳақи йўқ. Хўш, ҳар қачонгидан ҳам қийин кунларни бошларидан кечираётган дамларида, у бу ерда ётиб олиб, уларга хиёнат қилмаяптимикин? Бу фикр уни бўйрадан туришга мажбур қилди.

Қиш охирида қолган. Кўёш оз-моз қиздирар, шунинг учун ҳам кўча уйга қараганда илиқроқ. Цуй уйи олдидаги йўлакни супурги билан супураётган экан. Унга кўзи тушиши билан қиз сакраганича Хога қараб югурди-ю, лекин бирдан уялиб, тўхтаб қолди. Унинг юраги соғинчдан эзилиб кетди.

– Қаерга йўқолиб кетдинг, Мўғул? Кеча отам сени қидириб иш жойингга бориб келди. Лекин уни киритишмабди.

– Нимага мени... қидиради?

– Бизникига опамнинг эри келувди.

– У сени олиб кетадими? – Хо унинг қўлини ушлаб олди.

Цуй тескари ўгирилди.

– Билмадим. Биз ҳали бу ҳақда гаплашмадик.

– Қачон гаплашасизлар?

– Байрамдан кейин бўлса керак. Ҳозир ҳаммамиз байрамга тайёргарлик кўряпмиз.

– Қандай байрам?

– Хо, нима бало, икки ой бетўхтов ухладингми? Яқинда янги йил-ку.¹

– Э, ҳа... Янги йил... Опангнинг эри бой одамми?

– Экин-текин билан кун кўрадиган одам бой бўлиши мумкинми? – деди Цуй, бировдан эшитган гапини қайтариб.

– Унинг исми нима?

– Бао Си. Юра қол, ўзинг кўрасан уни.

«Эҳ, Цуй, мен уни умуман кўрмаганим яхши эди», – ўйлади Хо. Бао Си қоғоз фонусчалар ясаётган Ли Цзянга қарашарди. Қора мўйловли юзи офтобда қоп-қорайиб кетган, қўллари яра-чақа, қадоқ босганлигидан унинг далада меҳнат қилиши кўриниб турарди. Эгнида калта чопон, деҳқонларга хос қилиб тўпиғидан боғланган кенг иштон ва арзон чармдан тикилган пойабзал. Аввалига у суҳбатга аралашмай, қоғоздан ажабтовур ҳайвончалар шакллари, турли бурама ва нақшларни усталик билан қирқиб, Хони ўрганувчи назар билан диққат қилиб кузатиб ўтирди. Қария куёвини мақтарди.

– Куёвимиз ўқимишли одам. У катта амалдор ҳам бўлиши мумкин эди.

Қария кўринишдан Хо унинг куёвини оддий деҳқон деб ўйламасин, деярли чоғи. Бао Сининг ўзи учун Хо уни ким деб қабул қилишининг унча аҳамияти ҳам, ўзининг ўқимишли экани ҳақидаги мақтовларни эшитгиси ҳам йўқ эди.

– Агар ҳамма амалдор, мирза, қадимги китобларнинг шарҳловчилари бўлиб кетаверса, ким дон-дун етиштиради, ипак қуртини ким боқади, шаҳар деворлари-ю уйларни ким қуради? – сўради у.

¹ Эски Хитой календари бўйича янги йил қишнинг охирига тўғри келади.



– Буларни биронта ҳам белгини ёзишни билмайдиганлар қилаверсин. Оти бўла туриб, узоқ йўлга пиёда чиқиш ақли йўқларнинг иши, – деди қария ва Хо кутмаган жойда ғалати хулоса қилди: – Бао Си, ўша ақли йўқ сенсан...

Бао Си кулди ва хонтахта устидаги қоғоз ўрамини силлиқлар экан, ўқиди:

*Омочнинг ортидан қадам-бақадам –
Баҳор ишларини қиларман хуррам.
Самимий шўх табассум билан
Куч-қувват бахш этгум деҳқонларга ҳам.
Уфқларга туташ кенг дала
Эркалайди саррин шаббода.
Биз эккан уруғлар ниш урмоқдалар...
Хирмон кўтаришга ҳали анча бор,
Сидқидилдан тер тўкиб бироқ
Меҳнат қилиб бўлдим бахтиёр.¹*

– Эшитяпсанми, Хо! Шу менинг куёвим. Бао Си, мен сенинг билимларинг меникидан кам эмас, деб ўйлаб қолдим. Лекин ер титкилаб юрибсан. Сен бўлмағур ишлар билан бандсан...

Бао Си Хо билан Цуйга имлаб қўйди-да, ҳурмат билан деди:

– Биз иккаламиз қоғоз фонусчалар ясаепмиз.

– Мени ўзинг билан тенглаштирма. Жуда катта амалдорлар ҳам менинг фикримга кулоқ солишган пайтлар бўлган. Менинг сўзларим номинг улуғ бўлгур императорнинг кулоқларигача етиб борган. Менинг оёқларим улуғ қошоналарнинг қимматбаҳо тошлар тўшалган йўлакларидан юрган. У ердаги исталган парда, ҳайкалча ёки кўзачаларнинг биттасини ҳам на сен ва на Хо бутун умр ишлаб сотиб ололмайсанлар.

– Мана бу тўғри гап! – илиб олди Бао Си.

*Хукмдор меҳмонлар даврасида шод,
Яна жаранглайди қўшиқ ва куйлар.
Зарбоф тўнли асилзодалар,
Айшу ишрат қилар беармон.
Саройни беаган бор шойиларини
Аёллар тўқиган минг заҳмат билан.
Дастурхонда тўла нозу неъматлар
Деҳқонлардан зўрлаб тортиб олинган.
Таому шароблар қилар маст, аммо
Йўл узра марҳумлар устухонлари...²*

– Бао Си, сен ўзингни номуносиб тутяпсан! – Ли Цзян бармоғи билан хонтахта чеккасини бир-икки чертиб, жаҳл билан олдидаги қоғоз қийқимларини

¹ Тао Юань мин (365–427 й.й.).

² Ду Фу (717–770 й.й.).



ни бир четга суриб кўйди. – Сен хукмдор номига ёмон сўз айтяпсан. Бунинг учун тилингни суғуриб олишади.

– Аммо бу шеър узоқ йиллар илгари ва бошқа император тўғрисида ёзилган.

– Қайси император ҳақидалигининг нима фарқи бор?

– Бу ҳам тўғри – ҳеч қандай фарқи йўқ, – рози бўлди Бао Си.

– Шунақа-а?

Қария қуёвига шубҳали назар ташлади-ю, ҳеч бир жавоб қилмай, Цуйга ташланиб қолди:

– Сен нима қилиб эркаклар гапини эшитиб ўтирибсан? Овқат сузиладиган вақт бўлди, сен эса ҳали ўт ҳам ёққанинг йўқ.

Овқатдан кейин Ли Цзян Хони кузатгани чиқди. Уйига бир қараб олиб, секингина шивирлади:

– Сен қуёвимнинг ҳамма гапларига ишонаверма. У ўз вақтида имтиҳондан ўтолмагани учун, ўзидан юқорироқ бўлган ҳамма одамдан хафа... Хо, сен Хушахуга мен тўғримда гапирувдингми?

Чол бу гапни шунчаки айтгандек гапирган бўлса ҳам, лекин жавобни интиқлик билан кутаркан, ажин босган бўйни чўзилиб, юзида кўркүв аломати пайдо бўлди. Хо ҳам рост гапни айтолмай чайналди.

– Й-йўқ, гапирмадим...

– Сенинг вақтинг бўлмаган, тушунаман. – Ли Цзян енгил нафас олди. – Мен Цуйга сени қидириб бордим, деб айтувдим. Лекин ўзим гаплашмоқчи эдим хўжайин билан. У ҳам жуда банд экан... қоровуллар мени унинг хузурига киритишмади. Сен гаплашиб кўр, Хо... Цуйни жўнатиб юборгим йўқ. Ҳечам ундан ажралгим келмаяпти!

– Устоз, сиз уни жўнатмай қўяверинг... Сиз...

– Хо, сен мен сўраган ишни қила қолгин.

Эртасига Хо Бао Си ва Цуй билан байрам олди шаҳарни томоша қилгани боришди. Кўча, майдонлар одамлар билан лиқ тўла. Савдо авжига чиққан. Араваларда, расталарда, ҳатто шундоққина ерда мармар парчаларидек оппоқ гуруч қоплари, тухум солинган қутилар, илмоқларга чўчка, товук, ўрдак гўштлири осилган, қоқланган балиқ, қуритилган трепанглар илинган, ёғ ва шароб тўла хумлар тизилган, турли ўсимликларнинг илдизлари тўп-тўп қилиб уюлган, ҳар хил зираворлар ёйилган. Бўйинларидан осиб ва белбоғларига маҳкамлаб олган тахталарида юриб савдо қилувчи сотувчилар оломон ичида тиқилиб-сиқилиб, овозлари борича сотаётган нарсалари – қовурилган товук калла-почалари, кесилган пишириқлар, қуритилган мева ва ширинликларини мақтаб бақирган. Аксарият егуликлар шу ернинг ўзида пишириллар, ҳамма ёққа ёғлари тутаб ётган қозонлар ўрнатилган. Ширинликлару зираворлар ҳиди доғ бўлган ёғ, пишган гўшт ҳиди билан аралашиб кетган. Угра сотувчилар катта-катта, баланд тахталар устида хамир ёядилар.

Мана шунақа тахталарнинг бири олдида тўхташди. Ун босган енгларини тирсагигача шимариб олган сотувчи ҳозиргина тайёрлаган хамирини чўза бошлади. Икки учидан ушлаб олган хамирини даст кўтариб, бир вақтнинг ўзида қўлларини икки ёнга кенг очди. Хамир узунчоқ арқондай чўзилди-да,



ўрала бошлади. Кейин уни тахта устига зарб билан бир урди – тарс! Арқондай чўзилган хамирни икки буклаб, яна аввалгидай даст кўтариб чўза бошлади... Кўллар ҳаракати борган сари тезлашар, хамирнинг тахтага тарсиллаб урилиши ҳам деярли тинмай қолди. Хамир устаси бирданига тўхтади. Энди унинг кўлида арқон эмас, бир ўрам нозик иплардай шокила угра турарди. Икки четини кесиб, хамирини тахта устига қўйди. Терлаб кетган юзини артди.

– Сиз бунақа хамирни қандай қорасиз? – деб сўради қизиқувчан Цуй.

– Жуда осон. Мен қораман, сен қараб тур.

Аммо шу пайт тахта олдига яхши кийинган, хизматкор етаклаган бир жаноб келиб, Цуйни кўполлик билан итариб юборди. Сотувчини менсиманган кўйи бир боғлам тангани унинг олдига ташлади. Тирноқлари ялтиратилган оппоқ бармоғини хамирга ниқтаб, хизматкорига кўрсатди – ол! Цуй унга ҳайрон ва хафа бўлиб қараб турарди. Хо жиғибийрон бўлди:

– Итармасангиз ҳам бўларди!

Амалдор Хога қиё ҳам боқмай ўгирилиб кетаркан, Бао Сининг оёғини бошиб ўтди. Унинг жаҳли чиқиб кетди.

– Чжуржен кўппаги!

Калондимоғ амалдор тез орқасига ўгирилди-ю, Бао Сига қараб бир қадам қўйди.

– Нима дединг? Мени ким дединг? Қайтар!

– Сен – семиз, бўрдоқи чўчқасан!

– Қоровул! Давлат хоини! – Жаноб Бао Сини ушлаб олди.

Хо уни биқинидан қаттиқ итариб юборди. Жаноб Бао Сини қўйиб юбориб, ерга йиқилди. Одамлар бир зумда четга чиқишди, угра сотувчининг кўзлари олайиб кетди. Хо Цуйнинг кўлидан олиб, чопиб кетди. Бао Си уларга етиб олди. Тезда оломонга аралашиб кетишди. Кейин торгина, қинғир-қийшиқ бир кўчага бурилишди-да, тезликда хатарли жойдан узоклашишди.

Хо ҳалигача Цуйнинг кўлидан ушлаб келарди. Қиз бошини сарак-сарак қилар, учраган ҳар одамдан нигоҳини олиб қочарди.

– Энди тутишолмайди, – тинчлантирди уни Хо.

– Ростданми? Мен кўрққанимдан ўлиб қолай дедим...

– Агар бизни тутиб олишганида, тамом бўлардик. Мен уларни яхши билиб олганман, – деди Бао Си ва жаҳл билан тупурди. – Кўрарга кўзим йўқ уларни! Халқнинг охирги кийимини ҳам ечиб олишади, йўқ, кийимини эмас, терисини шилиб олишади. Сенинг отанг бўлса, Цуй, мен ҳам мана шундай амалдор бўлмаганимни юзимга солаверади. Ёш пайтларимда мен ҳам белимга ёзув тахтачани осиб юришни хоҳлардим. Мен биринчи синовдан яхши ўтиб, илк кичик илмий даражали одам бўлдим. Аммо у ёғига иш юришмади. Билимим етарли эди-ю, пулим кам эди. Бу давлатда, ҳатто илмий даража ҳам пулга сотилади. Билимсиз ва бефаросатлар, ёлғончилару фирибгарлар ҳамма нарсани ўзлаштириб олдилар. Мен ҳам анави такаббур аҳмоқ билан бир бўлмаганимдан хурсандман. Унинг бурнида шодлик рангини кўрсак зўр бўларди-да!¹

¹ Шодлик рангги – қизил ранг. Бурни қонашга ишора қилинмоқда.



Бао Си борган сари қизишиб борарди. Унда-бунда ўтаётган йўловчилар унга хайрон боқишарди. Анча тинчиб қолгандай бўлган Цуй ҳозир поччасини эшита бориб, яна ўзи билмаган ҳолда Хонинг пинжига қаттиқроқ суқиларди. Кичиклигиданоқ амалдорларга ҳурмат доирасида тарбия топган Цуй учун Бао Сининг гаплари шаккокликдай туюларди, шекилли. Хо ҳам ўзини жуда ёмон сезарди. Бао Сининг гаплари унинг учун ҳаддан ташқари янги, эшитилмаган гаплар эди.

– Бао Си, унақа дема. Амалдорлар бўлмаса, халқни ким ўйлайди?

Бао Сининг мўйловлари диккайиб кетди.

– Бизни ўйлашга уларнинг вақти йўқ. Улар фақат ўзларини ўйлашади. Улар бир-бирларининг олдида матонатлари, ақллари, илмлари билан эмас, фақатгина бойликлари билан мақтанишади. Шунинг учун худди ўсмани сиққандек, бизларнинг энг сўнгги кучимизни ҳам сиқиб олишади. Нима, шунақамасми? Ўзимизнинг муҳтарам Ли Цзян нимага эришди? Қариб, кучдан қолган эди – ҳайдаб юборишди.

Хо шу кунгача ўзининг Ли Цзянга нисбатан билмасдан қилиб қўйган гуноҳи учун қийналиб юрган эди, қовоғини уйиб, тўнғиллаб қўйди:

– Унга тухмат қилишди.

– Шуни айтаман-да! Бизнинг устимиздан ақл эмас, тухмат ҳукмрон.

Тўғри. Бао Си жуда ҳам кескин гапирди. Бироқ унинг гапларининг аксарияти рост. Агар унинг, Хонинг атрофига яхшилаб қаралса, нуқул ёлғон, тухмат, макр. Ўзи кўчманчиларнинг сирларини билиб олиш учун хуфёна усуллари билан Хушахуга ёрдам бермаяптими? Хушахунинг ўзи эса князь Юн Цзига нисбатан қандайдир айёрона, хуфёна ўйин пишитиб юрибди. Елюй Люге ҳам, ўз навбатида, миясида аллақандай қоронғи фикрларни болалатиб, билиши керак бўлмаган нарсаларни билишга уриниб юрибди. У эса шақилдоқнинг ичидаги қуруқ нўхатга ўхшаб, у девордан бу деворга урилиб, улар хоҳлаган усулга ўйнаяпти. Найманлар императорнинг соқолини юлишмоқчи, деб алдаб, Хушахудан мукофот олди, ўзгаларнинг сирини айтиб берувди – Елюй Люгенинг кумушларига сазовор бўлди. Ҳатто Цуйни ҳам ёлғон ишлатиб эрга тегишдан сақлаб қолди. Бундан чиқди, Бао Си ҳақ, одамларни ростгўйлик, номус эмас, айёрлик, маккорлик, усталик билан ишлатилган ёлғон бошқараркан-да.

Улар шодлик майдонига чиқишди. Қўшоёқларга чиқиб, ясан-тусан бўяниб олган жарчилар одамларни актёрлар томошалари ва соялар театрига чорлашарди. Мис лаганларнинг жаранги эса қизиқувчиларни турли қўшиқлар айтаётган, таъзимлар қилиб рақсга тушаётган ва курашаётган қўғирчоқлар томошасига чақирарди. Баланд қилиб ясалган ва ҳамма тарафи очиқ сахнада кўзбойлоғич айланар, ҳаммага эгнидан ечиб олган чопонини кўрсатарди. У чопонини тепага отар, учиб кетаётганида яна илиб олар, ғижимлаб думалоқлар ва яна қайта ёзиб юборарди. Бирдан чопонининг бурмаларидан кўзачаларда сув ола бошлади. Кичиккина кўзачалар ўрнига каттароқлари, ундан ҳам каттароқлари ва ниҳоят, жуда улкан кўзани чиқариб қўйди. Бу кўзаси ичига кўзбойлоғичнинг ўзи ҳам сиғарди. Кўзбойлоғич-

нинг қўлида тирик хўроз пайдо бўлиб қолди. У қанотларини ёйиб питирлар, қип-қизил тожли бошини сарак-сарак қиларди. Сехргарнинг қўлидан чиқиб кетган хўроз таёқча устига қўнди-да, бутун майдонга эшитиладиган қилиб «Қо-қо-қоқ-қо-о», деб қичқириб қолди. Бу шунчалик кулгили чикдики, Цуй ҳамма кўркувларини унутиб, тинимсиз кулар, қўлларини шапиллатиб қар-сак чалар, Хонинг енгидан тортиб, бор овозда қичқирарди:

– Қара, Хо, қара!

У ҳам томошадан завқланиб куларди. Бирдан, яқинда Цуйнинг кетиб қолиши эсига тушиб, ғамгинлашди. Агар мана шу улкан, гавжум шаҳарда бир ўзи қолиб кетса, жуда ёмон бўлади-да. Нималар бўляпти ўзи? Ҳаммаси бир неча кун ичида ҳал бўлади-ю, у нима қилиб байрамона шаҳарда хурсанд сандироқлаб юрибди?

– Бао Си, Цуйни олиб кетмагин...

Бу вақтда Бао Си бурнига бамбук таёқчасини қўйиб олиб, унинг қоқ учида сопол тақсимчани айлантираётган кўзбойлоғичга қараб турарди.

– Сен бир нима дедингми? – сўради у Хога ўгирилиб.

– Цуйни олиб кетма!

У бир пишқирди. Қизга бир олақараш қилди-ю, яна пишқирди.

– Тушунаман... Лекин сен, Цуй ва унинг отаси очидан ўлишини истама-санг керак? Мен бой эмасман. Бир цин¹ ерим бор. Аммо дон-дуним етарли...

– Бао Си, сен биз билан бирга Хони ҳам олиб кет!

– Нималар деяпсан, Цуй! Уни ким қўйиб юборарди? Кетган тақдирда ҳам нима иш қилади?

Бао Сини эшитиб турар экан, Хо боши билан «Ҳа, тўғри» деган ишора қилар, аммо миясида бошқача хаёл сурарди. Буларнинг ҳеч бири унинг эҳтиётлаб йиғиб қўйган пули борлигини билмайди. Бошланишига етиб туради. Кейин яна бирон иш чиқиб қолар. На Цуй, на Ли Цзянни очидан ўлишига йўл қўймайди. Чатоғи шуки, чол ундан пул олмайди. Қаёқда! Сўзлари императорнинг қулоқларигача етган амалдор аллақандай Хонинг пулига яшайдими? Агар мундай қилса-чи... Яна айёрлик. Аммо бу айёрликнинг фарқи бор. Хо ўз манфаати учун эмас, ҳар қалай, бир ўзининг манфаати учун айёрлик қилмаяпти-ку...

– Цуй, Бао Си, эсимдан чиқибди... Мен уйга боришим керак.

– Нима деяпсан, Хо! – Тутақиб кетди Цуй. – Биз бугун оилавий ўчоқ худоси Цзао Ванни осмонга кузатамиз-ку. Наҳотки, бизлар билан бирга бўлмасанг?

– Мен келаман, Цуй, келаман.

У ўзининг каталагига келди. Эшикнинг зулфини ёпиб, пулларини санаб чиқди. Елюй Люге берган халтача ичидаги кумуш ёмбиларни қўлида чамалаб ўлчади. Унчалик кўп эмас. Лекин кам ҳам эмас. Ёмбиларнинг бир қисмини чуқурчага қўйди, бир қисмини ҳамёнга солиб, қўйнига тикди. Ли Цзянникига бораверишда бир қути ширинлик, қип-қизил пиширилган товуқ, бир хумчада шароб сотиб олди. Цуй «воҳ»лаб юборди.

¹ Цин – олти гектардан ошиқроқ ер ўлчови.



– Қаранглар, бизнинг Мўғул бойиб кетибди!

Ли Цзян ишонқирамайгина товукни ушлаб, шаробни ҳидлаб кўрди, ширинликларга бармоғини ботириб ялаб қўйди.

– Кўринишдан сенга яхши ҳақ тўлашаётганга ўхшайди.

– Устоз, мен сиздан билим оляпман. Ўша билимларим учун ҳақ тўлашяпти... Устоз, мен Хушаху билан гаплашувдим. У сизни яхши кўради ва эсидан чиқармаган... «Хурматли Ли Цзян дам олишга чиқди, лекин мен уни аввалгидай хизматда, деб биламан. Мана буларни унга бериб қўй, Хо», – деди у. – Хо қўйнидан ҳамённи чиқарди.

Қария титроқ қўллари билан ҳамённи очди, ичидаги ёмбиларни кафтига тўкди.

– Мени, қария Ли Цзянни эсдан чиқариб бўлмайди.

– Лекин, устоз, булар ҳаммаси эмас. Вақти-вақти билан, жуда муҳим бўлган давлат ишлари хусусида мен орқали сизнинг маслаҳат ва фикрларингизни билиб туришини айтди. Бундан келиб чиқадики, вақти-вақти билан у сизни ўз марҳаматидан ҳам баҳраманд қилиб туради.

– Ота, биз ҳеч қаерга кетмаймиз-а? – сўради Цуй.

– Нима қилишни ҳам билмай қолдим энди. Давлат ишларини ҳал қилишда улар менсиз қийналишади... – чол ўзини салмоқдор қилиб олди.

– Хо, сен яхши хабар олиб келибсан! Зўрсан-а, Хо!

– Қизим, ҳаддан ташқари қувонган одамни ғам босади. Жим ўтир.

Бао Си бир четда турар, Хо доимо унинг нигоҳини сезиб турарди. У ўнғайсизланар, чол тезроқ ҳамённи яширишини хоҳларди. Аммо чол ёмбиларни яширишни ўйламас, аксинча, уларни бармоқлари билан силар, ўз хизматлари ҳақида кўпириб гапирарди.

– Мен бориб, ўтин кесиб келаман, – деди Хо.

Болтани қўлига олиб, бармоғи билан унинг тиғини пайпаслаб кўрди-да, куруқ шохларни чопа бошлади. Бао Си келиб, тўнкачанинг устига ўтирди.

– Хо, сен шодлик майдонидан тўғри Хушахуниқига бордингми?

У Бао Си шунга ўхшаш савол беришини кутган бўлса ҳам, жавоб беришга қийналди.

– Тўғри бормадим... Йўқ, тўғри униқига бордим. Нима эди?

– Шунчаки... Сени дарровгина Хушахунинг ҳузурига кирита қолишдимми?

– Ҳа.

– Оғзингдан муҳтарам Ли Цзяннинг номи чиқиши биланоқ, одамларини ёмбиларга юбордимми?

– Кумуш ёмбилар унинг хонтахтаси устида турган экан.

– Демак, аввалдан тайёрлаб қўйган экан-да? Чолни ҳайдаб юборганига афсус ҳам чекдимми?

– Йўқ, афсус чекмади... – Хо тутила бошлади: Бао Си ундан нима истайди?

– Хўп, афсус чекмаган бўлса, ёмбиларни шундоқ бериб юбораверибди-да?

Тушуниши қийин одам экан. Деворлари қулаб тушган уйнинг томини янгидан ёпяпти. Хушахуларинг жинними?

– Нега энди? У ҳеч ҳам жинни эмас.



– Унақада сен бизларни жинни деб ҳисобляяпсан. Чол сенинг гапингга ишонгиси келгани учун ишонди. Цуйнинг бунақа ишларга ақли етмайди. Лекин мен кўриб турибман-ку, бу ерда нимадир ўхшамаётганини.

Хо болтани улоқтирди-да, ёғоч устига ўтирди. Бао Си унинг уйдирмаларига ишонмади. Нима бўпти, балки бу яхшилиқкадир. Шундан кейин Хо Цуй билан амалдорнинг тўйини қандай бузганини, бунинг оқибатида Ли Цзяннинг бошига нималар тушгани-ю, қизини олиб шаҳардан кетмоқчи бўлган қарияга қандай халақит бермоқчи бўлганигача гапириб берди.

– Сени бундай айёр деб ўйламаган эдим, – деди Бао Си ҳафсаласи пир бўлган кўйи.

– Нима қилишим керак эди? – деди Хо бошини ҳам қилиб. – Менинг ҳеч кимга ёмонлигим йўқ.

– Лекин сен қийшиқ ёғочнинг сояси ҳам қийшиқ бўлишини унутиб қўйгансан. Бу ёғи нима бўлади энди?

– Энди нима бўлишини мен қаёқдан билай?

– Кўрдингми... Сен, Хо, Цуйга уйланиб, бошқаларга ўхшаб тинчгина яшадинг керак.

Хо қулоқларига ишонмади. Балки Бао Си унинг устидан кулаётгандир? Йўқ, ўхшамайди.

– Чол ҳеч қачон кўнмайди...

– Уни кўндириш унча оғир иш эмас. У ёғига қандай кун кўрасизлар – мана, нима ҳақида ўйлаш керак.

– Биз ҳаммадан яхши яшаймиз! Кўлимдан ҳамма иш келади.

– Бу яхшику-я...

Уларнинг суҳбатларини Ли Цзян бузди. У орқасига қилган кўлининг бармоқларини ўйнаганича, уларнинг олдиларига келди ва ингичкагина соқолини чўққайтириб туриб олди.

– Хо, байрам олови учун энг яхши ўтинларни танлагин. Уларни ҳов анави ерга, уйнинг олдига тахлаб қўй.

Хо майдалаган ўтинларини катак кўринишида қалади, ўртасига ингичка шохча ва тутантириқлардан ташлади.

– Тайёр, устоз!

Ли Цзян, ҳамон қўлларини орқасида ўйнатганича, қаланган ўтинни кўздан кечирди.

– Ўтининг кам. Аланга уйдан баландга кўтариладиган бўлсин. Бугун биз учун чинакамига катта байрам. Бао Си, энди кўряпсанми, бу ерда мени қандай қадрлашларини?

– Ҳа, кўрдим ва бундан хурсандман. Сизлардан ҳам, Ходан ҳам. У сизнинг шогирдингиз бўлгани учун уни ҳам қадрлашаркан. Хушаху бошқа бировлар билан гаплашиб ҳам ўтирмасди.

– Сен ҳақсан, Бао Си. Мен, саҳройи, жоҳил одамни яхши хизматчи қилиб тайёрлаш учун унга анча меҳнатимни сарфладим. Энди уни ҳурмат қилишади.

– Агар у бизлар билан қариндош бўлса, уни яна ҳам кўпроқ қадрлашади.



— Қандай қилиб у бизга қариндош бўлиши мумкин, Бао Си? — Қария бармоқларини ўйнатишни бас қилди.

— Бизнинг Цуйга уйлансин.

Чол худди рўпарасидан чиққан шердан кўрқиб кетган одамдай, орқасига тисарилиб кетди.

— Сен ақлдан озибсан, Бао Си! Бундай гапларни мен бошқа эшитмай!

— Яхши, мен индамайман. Цуйни олиб кетаман, вассалом. У эса бир куни ё бир хунарманд ёки чоракорга турмушга чиқади. Сиз шуни хоҳлайсизми?

— У катта амалдорнинг хотини бўлади! Мен, бугун яна мавқеимга қайтган бир пайтда...

— Бу мавқеингизни қайтаришга Хо сабабчи. У сиз ҳақингизда қайғуришни тўхтатиб қўйса, сизни ҳамма унутади.

— Менинг куним Хонинг қайғуришига қолибди-да!

— Унда доно маслаҳатларингизни Хушахуга ким орқали етказасиз?

— Ким бўлиши менга барибир.

— Агар аҳмоқроқ ёки ундан ҳам баттарроқ бир баттол бўлса-чи? Тешик қопда тариқни узоққа олиб бориб бўлмайди, йўлда тўкилиб битади. Сизнинг доно маслаҳатларингиз, бир хом калланинг ўзбошимчалиги оқибатида аҳмоқлик бўлиб чиқади.

— Лекин нима учун Хо мени ташлаб кетаркан? Хо, сен мени ташлаб кета оласанми?

— Йўқ, устоз, Цуй сиз билан бўлар экан...

— Цуйнинг катта амалдорга хотин бўлиши осмонга хуш келмади, — деди Бао Си. — Энди бўлса, осмонга нима ёқишини ўзингиз ҳам билмаяпсиз. Мен бўлса, биламан. Мен бугун фолбинга борувдим. У Цуй билан Хонинг туғилган кун, ой ва йилларини ифодаловчи саккизта белгини таққослаб кўрди. Фолбиннинг гапига қараганда, бундай бахтли тасодиф жуда камдан-кам бўларкан.

— Фол кўришга ким рухсат берди?

— Буни менга ҳеч ким ман қилмаган. Фолбинга бўлса ўз пулимдан тўладим... Ҳозир сизга ўша белгиларнинг бахтли ўхшашлигини кўрсатаман. Мен ҳаммасини эслаб қолувдим.

Қария қон қочган лабларини чайнаганча, тез, майда қадамлар билан уйга кириб кетди.

Ер тун зулматига шўнғиб борарди. Боғдаги дарахтларнинг барглари худди сиёҳ билан бўялгандай. Бўғотда уйқуга кетмоқчи бўлиб турган чумчуқлар чуғурлашади. Бао Си оғир қўлини Хонинг елкасига ташлади.

— Кўрқма, ҳаммаси яхши бўлади.

— Сен ростдан ҳам фол очтирдингми?

— Ҳа-да. Сен кетганингда, мен Цуй билан келишиб олдим. Ва сен унга уйланадиган бўлсанг, бундан ҳаммага фойда эканини билдим. Хўп, юр кетдик.

Ҳозир Хонинг уйга киргиси йўқ. Чол уни ҳайдаб юбориши ва кетидан эшикни унинг учун ҳеч қачон очилмайдиган қилиб ёпиб ташлашидан кўрқарди. Аммо кўринишдан, Ли Цзян тинчигандай эди. У оила ўчоғи худо-

сининг сурати олдида кичиккина қоғоздан ясалган эгарча, қизил чизимчадан қилинган ипак жиловча ва Цзао Ваннинг муқаддас оти учун бир чимдим сомонни деворга маҳкамларди. Бу отни миниб Цзао Ван осмон ҳукмдори хузурига кетиши керак. Учоқ тафтидан юзлари қизарган Цуй шам ва фонусчаларни ёқарди. Уй ичи товланувчи шодиёна нурга тўлиб кетди.

Цзао Ванни кузатадиган вақт яқинлашмоқда. У олий ҳукмдор Юй Хуан хузурига от чоптириб бориб, оиланинг яхши амаллари ва ёмон ишларидан ҳисоб беради. Ли Цзян ўзининг энг яхши чопонини кийди, Цзао Ван сурати олдида гуруч, пишириқ ва ширинликлар солинган идишларни қўйди. Кейин асал солинган кичкинагина идишчани олиб келиб, бармоғини унга ботирди-да, Цзао Ваннинг лабларига суртди. Энди у олий ҳукмдорга фақат ширин сўзларни айтади. Бироз ўйланиб тургач, косачага шароб қуйди. Унга ҳам бармоғини тикиб ҳўллаб олгач, Цзао Ванга «ичирди». Ҳар эҳтимолга қарши. Агар, асал ширинлиги ҳам кор қилмай, у олий ҳукмдорга бирон-бир ёмон нарса ҳақида гапирмоқчи бўлса, маст бўлиб қолганлигидан гапиролмайди-да.

Хо ғамгин кулимсиради. Одамлар нафақат бир-бирларига, балки худоларга ҳам ҳийла ишлатишади-я.

Ли Цзян Цзао Ваннинг суратини қўлига олиб, секингина, тантанавор юришда ташқарига қараб кетди. Куп-қуруқ ўтин тез алангаланиб, сарғиш бутадек қад ростлади. Осмонга учқунлар сочилди. Оловдан соқолини эҳтиётлаб, афтини буриштирганича, Ли Цзян Цзао Ваннинг суратини оловга қўйди. Қоғоз бир зумда алангаланиб, ўралиб, қоп-қора кукунга айланди ва майдаланиб, оловнинг дами билан осмонга кўтарилиб кетди...

– Бизнинг Цзао Ванмиз учиб кетди. У энди бизникига янги йил кечасида қайтиб келади... – Ли Цзян осмонга қаради. – Хо, Цуй, сизлар оловга қараб турунглар. Биз эса, Бао Си, сен билан уйга кириб, фолчининг башоратлари қанчалик тўғри чиққанлигини текшириб кўрамиз.

II

Тутинган ака-укаларнинг йўллари айрилиб кетгандан кейин Темучин ва унинг қариндошлари овулларида нотинчлик юзага келди. Жамуханинг сафар ва урушларда синалган жангчиларисиз нафақат кучли ҳисобланган татарлар, балки Тарғутойнинг тойчюйти кучига ҳам қарши туриб бўлмаслигини ҳамма биларди. Ўз тақдирларини Темучин билан боғлаган қариндошлари эса такрор ва такрор афсус чекишгандир, балки Жамуханинг кетиданоқ жўнаб қолган Сача беки, Ўлтон ва Хучарлар тез орада орқаларига қайтиб келишди. Уларнинг бетайинликлари, кўрқоқликлари Темучиннинг ғазабини кўзғарди-ю, лекин у индамасди. Уларнинг қўнимсизликларини билмаганга соларди.

Биринчи кунлари Темучин ҳам ўзини қўярга жой тополмай қолди. Жамуханинг олдида бориб, бирга яшашга кўндирмоқчи ҳам бўлди. Лекин ҳаммасини пухта ўйлаб кўриб, бундай қилиб бўлмаслигини тушунди. Одамлар,



Жамухасиз ўз қўлларидан ҳеч нарса келмайди, деган фикрга боришлари мумкин. Бу нимага олиб келади? Андаси бу ерда бош бўлиб қолади. Бироқ андаси қабилаларни бирлаштиришни истамай, аксинча, ҳамма нарсани ўз ҳолича қолдириш тарафдори. Ҳақиқатда эса, бундай қолдириб бўлмайди. Шунинг учун ҳам, у андаси билан қандай келишишидан, бир-бирларига қандай қасам ичишларидан қатъи назар, яна шу кунга тушадилар. Сув билан олов чиқишмаганидай, бўлмайдиган ишга уринишдан наф йўқ.

Қиш ҳам овулларга хотиржамлик олиб келмади. Ҳамма кўрқув ва хавотирда яшади. Бошқа нўёнлардан Темучин ҳузурига қочиб келувчиларнинг ҳам кети узилди. Қариндошлари-чи? Улар бирон кор-ҳол юз берса, яна уни ташлаб кетаверадилар. Бунга йўл қўйиб бўлмайди. Аммо қандай қилиб уларни бу ерда ушлаб қолиш мумкин? Гап билан кўндириб бўлмайди. Кўрққанларидан унга хиёнат ҳам қиладилар. Лекин мана шу кўрқувгина уларни унинг ҳузурда ушлаб қолиши ҳам мумкин.

Қишнинг узун тунларини ўчоқ тафти олдида ёлғиз ўтказар экан, у бундан кейин ташлайдиган ҳар бир қадамини ўйлаб кўрди. Ўз режаларини биринчи бўлиб шомон Таб тангрига очди. Бу баҳорнинг илк кунларида юз берди.

Эҳтиёткорлик юзасидан ўтов ичида гаплашмай, саҳрога чиқиб кетишди. Қорлари эриб, ўтган йилги ўтларнинг чўлтоқлари кўриниб қолган саҳро тук ташлаган бўри терисига ўхшаб қолган. Отлар қадамлаб борарди.

– Таб тангри, менга айт-чи, сен одамларнинг юрагига сўзсиз итоатни жойлай оласанми?

– Кўрқув ва шодлик руҳлари шу кунгача менинг итоатимда бўлган. Лекин буларнинг сенга нима кераги бор? Кимни кўрқитмоқчисан?

– Қариндошларим Даритой отчигин, Сача беки, Ўлтон ва Хучарларни. Аммо уларни кўрқитиш учун руҳларни безовта қилиб ўтиришинг шарт эмас. Ўзинг эмас-у, албатта, бошқа одамлар орқали, Тарғутой уларни қилган хиёнатлари учун жазоламоқчи эканини етказсанг.

– Бу иш энг қайсар отни қўлга ўргатишдан кўра осон.

– Ҳа, буни уддалаш қийин эмас. Ҳозир, Жамуха биздан кетиб қолган бир пайтда, Тарғутой кучаниб қолишини уларнинг ўзлари ҳам тушунадилар. Менинг ўзим ҳам нима учун у шу пайтгача бизга ҳужум қилмаганига ҳайронман. Унинг ўрнида бўлганимда, мен... Майли, шарт эмас. Қариндошларимни кўрқитиб қўйиш сенинг энг кичик вазифанг. Кўрқувдан тиззалари қалтираб қолиши ҳам мумкин. Улар Тарғутойдан тиз чўкиб кечирим сўрашлари мумкин. Агар у уларни кечирса, биз ҳаммамиз тамом бўлганимиз. Шундай қилки, Тарғутой уларни кечирмасин.

– Тушунарли. Аммо мен буни қандай уддалайман?

– Ўйлаб кўр. Агар бу иш осон бўлганида, мен сени овора қилиб ўтирармидим?

– Майли, уриниб кўраман. Бунинг учун мен Тарғутойнинг ўз одами бўлиб олишим керак. Мен сени бу ерда одамлар орасида ёмон отлик қилиб, кейин Тарғутой томонга қочиб ўтаман.

– Майли-ю, жуда қоралаб ташламагин. – Темучин қовоғини уйди. Шомоннинг заҳарли тили нималарга қодир эканини у яхши биларди.

– Ҳаммаси меъёрида бўлади. Энди менга айт-чи, Темучин, буларнинг ҳаммасидан нимани кўзладинг?

– Сен кўп нарсани билишни хоҳлайсан!

– Ҳ-ҳ-ҳ! – кулимсиради Таб тангри. – Ёдингда тутишингни маслаҳат қиламан: мен навкар эмас, шомонман!

Темучин қандай тушириб қолишга мўлжал олаётгандай қамчисини ўнатиб қўйди. Бу одамни нима учун ёмон кўриб келганини шу топда тушунди. Шомон ўзини нафақат ҳамма нарсани биладигандай, балки ҳаммадан устун ҳам тутади. Осмоннинг ўзи уни одамлар устида юрадиган қилиб белгилаган, деб ўйлайди, шекилли. Тан олиш керак, одамлар устида юради ҳам. Шу қаторда менга ҳам ҳукмини ўтказди. Бундан эса ҳозирча ҳеч қаерга қочиб бўлмайди.

– Сен анчадан бери хоҳлаган ишингни амалга оширмақчисан, Таб тангри...

– Мен сени танлаб адашмабман, Темучин!

Шомонга менсимаган виқор билан қараб:

– Яхшиси, мен сени танлаб адашмаслигимнинг ҳаракатини қилгин... Сенинг отанг, биродарларинг ҳалигача Тарғутой биланми? – деди Темучин.

– Ҳа. Улар қаттиқ назорат остидалар ва қочишлари мумкин эмас.

– Бу яхши. Тарғутойнинг сенга ишониши осон кўчади. Улар эса у ерда бўлаётган ҳамма нарсалар, гапирилаётган барча гаплардан хабардор бўлиб, одамлар орқали менга етказиб туришсин. Ўзинг билан Човурхон Субутойни олиб кет. Бирон-бир хавф туғилса, учиб келсин. Овулга бошқа тарафдан кирганинг яхши.

Ҳаммаси у ўйлаганидек бўлиб чиқди. Бир-биридан кўрқинчли мишмишлар ўтовдан-ўтовга, овулдан-овулга кириб борди. Тепаликлар устида эрталабдан то оқшомгача хавотир ичида узоқ-узоқларга тикилиб қоровуллар навбатчилиқ қилишар, тунлари эса отлиқ навкарлар овул атрофини кўриқлаб чиқарди. Тинчини йўқотган Бовурчи Темучиндан сўраб қолди:

– Нимани кутяпмиз, Темучин? Агар биқинимизни силаб ётаверсак, бизларни синдириб, ер билан яксон қилиб ташлашади.

– Дўстим Бовурчи, сен ваҳимачи бўлиб қолибсан. Эсингдами, икки киши бўлиб юрганимизда ҳам ҳеч кимдан кўрқмас эдик. Ҳозир бўлса бизнинг жангчиларимиз бор, қариндошларим, кўплаб дўстларим ёнимда.

– Сен шомонни ҳам дўстим, деб юрувдинг. У бўлса қочиб кетди.

– Лекин сен қочмайсан, Жалма қочмайди. Бирга бўлсак, биз ҳеч қанақанги душмандан кўрқмаймиз. Хавотирланма, Бовурчи. Менинг қариндошларимдан кўзингни узмай юр.

– Улар ҳар куни бир-бирлариникига бориб келишяпти.

– Буям яхши.

– Мен бунда ҳеч қанақанги яхшилиқни кўрмаяпман. Орқадан туриб бир иш қилишлари мумкин.



Темучиннинг ўзи ҳам шундан хавотирда эди. Ҳамма тарафини ҳисобга олган бўлса ҳам, яна ким билади... Такдир неча марталаб унинг режа ва умидларини улоқтириб, суриб ташлаган. Бугун эса унинг тақдири яна шомоннинг қўлида. Агар у ишини уддалай олмаса – тамом. Қариндошлари уни ўзларининг маслаҳатларига чақиришмаяпти. Ҳозир улар қандай қилиб катта талафот кўрмай Тарғутой томонга ўтиб олишни ўйлашаётган бўлса керак. Ичларидан кимдир тез кунларда тойчуютлар нўёни ҳузурига югуриб қоладиёв. Олғир амакиси Даритой отчигин бўлса керак.

Деярли у ўйлагандек бўлиб чиқди. Тойчуют томонга қараб амакиси билан Ўлтон пинҳона йўлга чиқишибди. Темучин ўз одамларига биринчи огоҳлантиришдаёқ йўлга чиқишга тайёр туришларини буюрди. Отқозикларда туну кун отлар эгарлоғлиқ турди. Навкарлар бўлса қуролларини ҳам ечмасдан ухларди. Шу кунлар ичида Темучин емади ҳам, ухламади ҳам. Баланд бўйли Темучин, энгашиб олганича овул бўйлаб айланар, аскарларнинг қуроллари, отларнинг эгар-жабдуқларини кўздан кечирар, қороллар навбатчилигини текширарди. У Тарғутой босқинидан кўра, қариндошларидан хавотирда эди. Улардан ҳамма нарсани кутиш мумкин.

Ниҳоят, амакиси билан Ўлтон қайтиб келишди. Кун ўтиб, Даритой отчигин Темучиннинг ҳузурига келди. Унинг сўлиган афтидан сафари беҳуда кетгани билиниб турарди.

– Бирон нарсадан хафамисан, қадрдон амаким?

– Устимизга бало келаётганга ўхшайди, Темучин. Тойчуют отларини боқувга қўйишибди. Қуролларини шайлашаётган эмиш. Улар бизга ҳужум қилишади.

– Ҳужум қилишаверсин.

– Биз ҳимоялана олмаймиз-ку!

– Менга келсак, ҳимояланмоқчи эмасман. Кўрган бўлсанг, менинг овулимда ҳамма нарса араваларга ортиб қўйилган. Мен отам Тўғулхоннинг ҳузурига кўчиб кетаман.

– Бизлар-чи? Биз жуда ҳам камчилик қоламиз-ку.

– Нима қилишларинг кераклигини ўзларингиз ўйланглар.

– Темучин, қариндошлар бунақа қилишмайди.

– Унда қандай қилишади? – Темучин уғринча сўради-ю, жаҳл билан бақириб қолди: – Сизларга ўхшаб, Тарғутой билан хуфёна тил бириктирибми? Менинг бошим эвазига унинг марҳаматига эришмоқчи эдиларингми?

Амакиси букчайиб, жуда ҳам кичкиналашиб кетди. Хафасираб бурнини тортди.

– Қандай қилиб шу фикрга борди?

– Нима, Тарғутойникига бормадингми?

– Нимага энди, бордим. Ўлтон билан бирга. Мен сенга шу сафаримиз ҳақида гапирмоқчи эдим-да. Биз мураса қилиб келамиз, девдик...

– Нимани хоҳлаб, нима учун борганларингнинг менга қизиғи йўқ. Мен сизлардан кетаман, амаки.

– Мени ҳам ўзинг билан олиб кет, Темучин. Ёки мен сенинг отангинг акаси эмасманми?

– Биз ҳаммамиз қариндошлармиз. Лекин шунга қарамасдан, ҳеч келишолмаймиз. Аллақачон маслаҳатни бир ерга қўйиб, ўзимизга хон сайлаб олишимиз керак эди. Шунда ҳеч ерга қўчиб ҳам юрмасдик. Агар сен хон бўладиган бўлсанг, амаки, мен сенинг олдингда бошимни эгардим – менинг аскарларимни ол-да, хон Тўғулдан ёрдам сўраб, тойчуютни синдир!

– Темучин, биз нўёнларни бир ерга тўплай олмаймиз-у, хонни қандай сайлаймиз?

– Уларни тўплаб ўтиришнинг кераги йўқ. Биз умумий хонни эмас, биз билан, шу ерда бор одамлар учун хон сайласак ҳам бўлаверади.

– Бу қанақанги хон бўларди! Савлатидан бошқа нарсаси бўлмайди-ку.

– Энг катта буқа ҳам қачондир бузоқча бўлган. Кел, амаки, сени хон қилиб сайлаймиз, ҳамма ташвишларимизни сенга топшираемиз!

– Э, йўқ. Мен бунақа хон бўлишни истамайман! Балки Ўлтонни сайлармиз?

– Майли, Ўлтонни сайлай қолайлик. Сача беки ёки Хучар бўлса ҳам бўлаверади. Менга барибир. Мен улусимизни кулфатлардан ҳимоя қиладиган ҳар қандай хонга ҳам хизмат қилавераман.

Даритой отчигин ўйланиб қолди.

– Темучин, хон қилиб сени сайлаш керак! – У гўё ҳамма кулфатлардан бирданига қутулишнинг чорасини топгандек, бирдан тетиклашиб кетди.

– Амаки, бировларнинг ташвишини елкамга олиб нима қиламан? Унинг устига сизларнинг ичингизда энг кичкинаси бўлсам.

– Йўқ дема, Темучин. Сенинг улусинг бизларнинг улусимиздан катта. Сенинг ҳеч кимда йўқ бўлган Тўғулхондек суянчиғинг ҳам бор.

Ҳаммаси Темучин кутгандек кетяпти. Аммо у амакиси орқали бошқа нўёнлар ҳам шу фикрга келишларини истарди. Шунинг учун амакисини кузатиб, Бовурчи билан Жалмани ўтовига таклиф қилди.

– Гап бундай, дўстлар. Йигирма-ўттизта энг ишончли одамни танлаб олиб, энг зўр отларга мининглар ва тунда Ўлтон билан Сача бекилар овулларида тўполон кўтаринглар. Шундай қилингларки, сизларни тойчуют, деб ўйлашсин. Лекин, қаранглар, агар иш очилиб қолса... ҳозир ҳамма иш қил учида илиниб турибди.

Навкарлар ҳамма ишни кўнгилдагидек қилиб бажаришди. Эрта тонгда Темучин отлар дупури ва баланд овозлардан уйғониб кетди. У сакраб ўрнидан туриб, эшик ёпинчиғини кўтарди-да, ташқарига қаради. Отқозиклар олдида Сача беки, Ўлтон, Хучар ва яна юз чоғли навкарлар туришарди. Учала нўён ҳам қурол-яроғларини тақиб олишган, жанговор кийимларда эдилар. Тунги қоровуллар ва Бовурчи билан Жалма уларни ўтовга киритишмаётган экан.

– Аслзода нўёнлар, сизлардан илтимос, кутиб туринглар, – дерди ҳамма ишни қилиб қўйиб, сурларча, ўзини ҳеч нарса билмаганга солган Бовурчи мулойимлик билан уларни тинчитишга ҳаракат қилиб. – Темучин бунақа эрта турмайди ва уйқуси бузилганда жаҳли чиқади.



Темучин ёпинчиқни тушириб, эсноқ аралаш кийинди, ўтовдан чиқиб, ўзини қўрққан киши қилиб кўрсатди.

– Ўлтон, Сача беки, Хучар, нима гап? Бунчалик барвақт бу ерда нима қилиб турибсизлар?

– Тойчуют...

– Қаерда?

– Улар тунда менинг овулимга хужум қилишди, – деди Сача беки. – Мен уларни даф қилдим. Кейин улар Ўлтоннинг овулига ўтишибди.

– Ҳозир улар қаерда?

– Қаергадир кетишди. Лекин улар қайтиб келишади...

– Ўтовга юринглар. Бовурчи, Жалма, қариндошларимни киритмасликка қандай ҳаддиларинг сиғди? Тезда одамларни оёққа турғазинглар. Араваларни қўшишсин, ўтовларини йиғиштиришсин. Тўғулхон хузурига кўчамиз. Имилламанглар!

Нўёнлар бошларини ҳам қилганча унинг кетидан ўтовга кириб келишди.

– Сен ростдан ҳам бизларни ташлаб кетяпсанми, Темучин? – сўради Сача беки. – Амакинг бизга айтганида ишонмовдик.

– Мен бошқа сизларга ишонолмайман. Бу нима деган гап, Сача беки! Сен душманни ўз овулингдан қувиб юбориб, яна хотиржам уйқуга кетибсан. Нимага таъқиб қилмадинг? Нима учун Ўлтоннинг овулига хужум қилишларига йўл қўйиб бердинг?

– Таъқиб қилишдан аввал, рўпарангдаги душманнинг сони қанчалигини билиш керакми, ахир. Тун қоронғи бўлса!

– Тун, қоронғилик баҳона бўлолмайди. Ҳар ким ўзи ҳақида ўйлайди-ю, ҳаммани ўйлайдиган одам топилмайди.

Ўтов деворлари ташқарисида овул жунбушга келган. От туёқлари дупури авжига чиққан, болалар йиғлаган, хотинлар чувиллашган, эркаклар бақирчақир қилган. Нўёнлар бу шовқинни хавотир ичида эшитиб туришарди. Қўлида ўғли Жўжини кўтариб олган Бўрта ичкарига отилиб кирди.

– Нимага биз бу ердан кўчяпмиз?

– Бўрта, ишим бошимдан ошиб ётибди. Бор, сафарга отлан-да, ҳеч нарса ни сўрама.

– Оҳ, осмон, бу ерда ҳам тинчлик бўладими ўзи!

Ўлтон бошидаги темир дубулғасини ечди.

– Темучин, биз бирга, ёнма-ён туришимиз керак.

– Мен ҳам ҳамма вақт шу гапни айтиб келганман. Ундан аввал менинг отам ҳам шундай деган экан. Сизлар менга қулоқ солмаяпсизлар. Сизлар мени жуда хон бўлгиси келяпти, деб ўйлаяпсизлар. Лекин мутлақо ундай эмас. Сен, Ўлтон, хон бўла қолгин, мен сенинг жиловингда бўламан. Сен кўп яшадинг, кўп нарсаларни кўрдинг ва сен бизларни ҳимоя қила оласан, Хабулхоннинг авлодини кўкларга кўтарасан.

– Темучин, менинг танзим жуда оғирлашиб кетган. Ёш навкарларни жангу жадалга бошлай олмайман.

– Унақада сен, Сача беки, жиловни ўз қўлингга ол. Сенинг жасоратларингни ҳамма билади. Қўлларинг кучли ва бакувват. Хон бўл, элга тинчлик бер. Мен сенинг эшигингда қоровуллик қилишга ҳам тайёрман.

Сача беки елкаларини ғурур билан кўтарган бўлди-ю, шу заҳоти қовоғини солганича букчайиб олди.

– Мен от устида югуриб, қилич серпай оламан. Лекин хоннинг иши фақат бу эмас. Жанжаллашганларни яраштириш, шошқалоқларнинг попугини пайсайтириш, дангаса ва ялқовларни ишга солиш менинг қўлимдан келмайди. Шу аҳволда мендан қандай хон чиқиши мумкин?

– Сен-чи, Хучар. Нима дейсан? Наҳотки, сен ҳам йўқ десанг? Бу катта ғамхўрликни ўз зиммангга олсанг, мен сенинг отган ўқинг бўлиб, қаёққа отсанг, ўша ёққа учаман...

Хучар тирноғини ямлаб, тунд ўтирарди.

– Бунақа гапларни кўпайтириб ўтиришнинг нима кераги бор? Мен ҳам, худди амаким сингари, фақат сен хон бўлишинг мумкин, душманлардан бизни сен ҳимоя қила оласан, деган фикрдаман. Менинг гапим шу.

– Худди сизларга ўхшаб, менинг учун ҳам хонлик қалпоғи шодлик эмас. Давр долғали. Донишманд темирчи Жарчитой менга, сахро устига бўрон келаетганини кўряпман, – дерди. Қаттиқ бўрон турганида энг биринчи бўлиб баланд дарахтлар қулаши ҳаммага аён.

– Ёлғиз дарахтлар эса ундан ҳам аввал қулайди, – деди Ўлтон. – Сен ёлғиз қолмайсан.

– Лекин мен ёш ва кучсизман.

– Кераитлар хони сен тарафда, – деди Сачи бека. – Хон бўлиб кўтарилганингни ўзи тойчуютнинг қанотини қайиради. Меркитларнинг бошига нималар тушганини улар яхши билишади.

Темучин ўзи ўзига қулоқ тутаётгандек, кўзларини юмиб, жим қолди. Мана, охириги пайтларда ҳаловат нималигини билмай, нимага интилган бўлса, амалга ошяпти...

– Майли, қариндошлар. Осмон гувоҳ, ўз манфаатим учун эмас, шон-шухрат истаб эмас, фармонбардорлик қилиш орзуси билан ҳам эмас, мен бу оғир юкни ўз бўйнимга оламан. Овулларингизга боринглар, ўтовларингизни йиғиштиринг. Бежавотирроқ жойга кўчамиз. Ўша ерда боболаримиз қилишганидек, хонликка кўтариш маросимини ўтказамиз. Сизлар розимисизлар?

– Ҳа, биз розимиз.

– Вақтни бекор кетказмайлик! Менга юзтадан навкар ажратиб беринг. Йўлда сизларни мен ҳимоя қиламан.

...Ўнўн қирғоқларининг илк майсалар билан қопланган баланд ялангликлари устида, овулдан чеккароқда каттакон оқ ўтов турарди. Унга кираверишда, эшикдан уч-тўрт қадам бериоқда, ярим доира бўлиб, узун найзалар ушлаган навкарлар тизилишган. Улардан ҳам берида навкарлар, оддий одамлар, аёллар ва болалар, ёшлар тўпланишган. Оқ ўтов ичида қурултой бошланди. Бу ерда аслзода нўёнлар: Даритой отчигин, Ўлтон, Бўри Бўга,



Сача беки ва унинг укаси Тойчи, Хучар, Темучиннинг укалари, бу ерга кўчиб келган бошқа қабилаларнинг ёши улуғлари ҳозир бўлишган. Баринслар уруғининг кексаларидан бўлган Усун сўзларди.

– Отнинг ёлини гўдак бола ҳам уза олади... Лекин ўша ёлларни бир-бирига чирмаб, арқон тўқилса – унда ёввойи отни ҳам, қутурган буқани ҳам тутиб турса бўлади... – Темучин эшик рўпарасида, ташқарида жим қотиб турган оломонга қараб ўтирарди. Баландпарвоз сўзлар жуда чўзилиб кетгандек туюлди. Буларсиз ҳам ҳамма нарса тушунарли. Нўёнлар буюк ишларни ҳал қилиш уларнинг қўлларида эканини намоёиш қилгандек, оломонга виқор билан қараб ўтиришарди. Даритой отчигиннинг бўйи ҳам чўзилиб қолгандек, гўё. Туксиз юзида жиддийлик. Ўлтон дўрдоқ лабларини чўччайтириб олган, Сача беки уйилган қошларини бураб ўтирарди. Балки у шу топда, хонликни осонгина рад қилганига афсус чекиб ўтиргандир. Сача беки, энди кеч бўлди!

Усун гапини яқунлаб, Темучинга таъзим қилди-да, ўтовдан чиқа бошлади. Ҳамма ўрнидан туриб, унга таъзим қилишгач, кетидан ташқарига чиқишди. Темучин ҳам ўрнидан турди.

Ўтовга кираверишга нўёнлар каттакон наMAT ёйиб, унинг четларига тизилиб туришди. Темучин наMAT устига чордона қуриб ўтирди. Усун унинг елкасига қўлини қўйиб, баланд овозда деди:

– Бошингни баланд кўтариб, мовий осмонга қара, ўзинг сояси бўлган мангу боқий яратганни кўр. Ўз ҳукмронлик даврингда ҳар бир ишингни илоҳий ирода билан таққосла. Шунда сенинг ишларинг, аввало, осмонда амалга ошади. Агар осмоннинг иродасига терс кетсанг, шу дунёда жазо-йингни оласан. Бор давлатингдан мана шу ўтирган наMATинггина қолади, сенинг ёнингда турганлардан эса – фақат ўз соянг.

Булутлардан холи топ-тоза осмонда тўрғай парвоз қилар, қулоқларга унинг ёқимли сайроғи эшитиларди. Узоқ-узоқларда «қуре-қуре» қилиб турналар учиб ўтишарди. Усун яна бармоқлари билан Темучиннинг елкасига тегинди.

– Сўзла.

У нўёнларнинг юзларига қараб чиқди. Улар қуёшни тўсиб туришарди.

– Сизлар мен нимани буюрсам қиласизларми, қаерга жўнатсам, ўша ёққа борасизларми, нимани олиб келишни буюрсам, олиб келасизларми?

– Ҳа! – Нўёнларнинг жавоби бир текис чиқмади.

– Ёдингизда бўлсин: бундан буён менинг сўзим – сизларнинг қилич ва қалқонингиз бўлади!

Нўёнлар наMATнинг четидан ушлаб кўтардилар-да, оломон олдига олиб келишди. Сача бекининг бўйнида кўкимтир томирлар кўринди, Бўри Бўга қаттиқ пишиларди, Ўлтоннинг юзи қизариб кетди, Хучар қовоғини солганча бошини эгган, кўринишдан уларнинг елкаларига жуда оғир юк тушганди; Даритой отчигин енгил қадам ташлар, калта қўллари наMATга тегар-тегмас эди.

– Хон Темучиннинг умри узоқ бўлсин! – баланд овозда қичқирди Бовурчи.

Шамолда эгилган шувоқлардай оломон бир қалқиб тушди-да, тиз чўкди. Жангчилар ҳам тиз чўкиб, найзаларини эгдилар. Темучинни жангчилар сафи бўйлаб олиб ўтишди. Кейин ўтов олдига олиб келиб, ерга қўйишди. Ҳамма нўёнлар тиз чўкиб, пешаналарини уч бора майсага теккизишди. Усун бошини кўтарди.

– Осмон гувоҳ бўлсин, ерда яшаётган халқлар кўрсинлар: бизнинг хонимиз – Темучин! Хон Темучин, бундан буён сенинг сўзинг билан биз ёвга ташланамиз. Юришларда ўлжа олинган гўзал қизлар, оёқ-қўли чаққон қуллар, чиройли отлар сеники. Қуршов овларида битта жонлиқ ўлдирсак – сенга, кўп ўлдирсак, ярми сеники. Бундан буён сен ўрнатган тартибни ҳеч ким буза олмайди. Бунақа иш тинчлик пайтида юз берса, бизни қулларимиз, хотин, бола-чақаларимиздан маҳрум қил, улусингдан қув. Бу ишлар уруш пайти, таҳликали кунларда содир этилса – бошларимизни кес! Оёқларингга тиз чўкиб, сенга садоқатли бўлишга қасам ичамиз. – Усун энгашиб, унинг гутулига лабларини теккизди.

Нўёнлар бир-бирларига қараб олишди. Темучинни хон қилиб кўтариш тўғрисида келишишганда қасам ичиш ҳақида гап очилмаган эди. Темучин оёғини сабрсиз силтади.

– Сизлар ҳам қасам ичинглар!

Улар бирин-кетин эмаклаб келиб, унинг гутулига лабларини теккизишди.

Темучин нўёнларнинг энгашган елкаларини кўрарди ҳам, кўрмасди ҳам. Мияси шодиёна, ғурурли ўйлар билан тўла. У – хон. У мард, отаси қилолмаган ишни қилди. Такаббур Тарғутой уддалолмаган ишни уддалади. У одамларнинг ёвузликлари тайёрлаган узун йўлдан – хорлик, кўрқув, алам ва камситилишлардан ўтиб келди. У саҳро қишларида музлаб ўлиб кетиши, Бурхон Холдун ўрмонларида чириб кетиши, Ўнўн сувларида чўкиб, Овчи баҳодир навкарининг биргина ўқидан ўлиб кетиши мумкин эди. У ҳам оч, ҳам қашшоқ ва ҳам ҳимоясиз, ночор эди. Лекин яхшилик руҳлари уни ҳалокатдан асрашди, садоқатли дўстлар ва ёрдамчилар топишга кўмаклашишди, отасининг туғи остига жасур жангчиларни тўплашга ёрдам беришди. Мана, энди мангу осмоннинг иродаси билан у ҳаммадан баланд. Қасамёд қилинг, қасамёд қилинг, одамлар! Мен сизларнинг хонингизман.

III

Жамуха Ўнўннинг бошланиш тарафларида, Темучиндан бор-йўғи бир ярим-икки кунлик масофада қишлади. У жуда кўп овга чиқар, ўлжалари ҳам бой бўлар, яна қайтиб эркинликка тушиб олганидан кайфияти ҳам чоғ эди. Лекин ўрмон бағридаги овдан кейин ўтказиладиган зиёфатларда юриб ҳам, ўтовида ёнбошлаб, қадим дostonларни тинглаб ўтириб ҳам Темучинни эсидан чиқармасди. Андаси ақлини йиғиб, унинг хузурига келишига умид қилиб юрарди. Аммо қиш ўтиб на андаси ва унинг одамлари Жамуханинг овулига ташриф буюришди. Ҳаммаси тушунарли: андаси энди унга муҳтож эмас. Энди бу ерларда ушланиб қолишдан ҳеч қандай маъно йўқ. Унинг



устига азалий рақиблари найманлар, янги душманлашиб қолган марқалар ва тойчуют ҳам бу ерларга жуда яқин. Улар Жамуханинг Темучинга ёрдам берганини кечиришмайди. Унинг бир ўзи ёлғиз қолганини эшитишса, дарров ҳидини олиб келиб қолишлари аниқ. Эҳ, анда, анда, энг яхши умидларни ҳам писта кўмирни ўчиргандек ўчириб ташладинг.

У кераитлар хонига қарашли Толу дарёси бўйларига кўчиб кетди.

— Сен Темучиннинг ўзини ёлғиз ташлаб, бекор қилибсан, — деди Тўғул.

— Хон ота, мен сени анчадан бери кўрмаганимдан, юрагимга маъюслик ўрнашиб олди. — Хон ўзига яқинроқ жойдан қўналга қилишга рухсат берди. Деярли, ҳар куни у хотини Уржона ва укаси Тойчар билан хоннинг каттакон чодирда овқатланарди. Хон яхши муомала қилар, бир қанча нўёнларидан ҳам юқориқдан жой берар, ўғлим, деб чақирарди. Бироқ Жамуха тез орада Хон отасининг меҳрибонлиги ва ғамхўрлигидан ҳам сиқила бошлади. У бу ерда меҳмон. Хон ўз ишларини у билан маслаҳатлашмасдан ҳал қилаверади.

Бир куни жуда кўп одам йиғилган тушлик пайтида қаердандир от чоптириб келган Нилха Сангун отасининг олдига келиб таъзим қилди-да, унинг қулоғига бир нималар деди.

— Уларни бу ерга чақир, — деди хон. — Нўёнларим, менинг ўғлим Темучиндан одам келибди.

Хоннинг бужур юзи хотиржам. Демак, чопарлар ёмон хабар билан келишмабди. Жамуха бошини кираверишга қаратиб ўтирди.

Чодирга икки нафар ёшлари катта навкарлар кириб келишиб, хонга таъзим қилишди.

— Кераитларнинг буюк хони! Ўнўн Қурулун ерларининг жасоратли нўёнлари ва баҳодирлари қурултойга тўпланиб, Темучинни хон қилиб кўтаришди.

Жамуха титраб кетди. У ҳамма нарсани кутган бўлса-да, буни хаёлига ҳам келтирмаган эди. Яна битта хон! Эй, мангу осмон, нималар бўляпти! Яқингинада қора қулдай юрган қашшоқ андаси ўзини Ўнўн ва Қурулун ўртасидаги ерларнинг хони, деб эълон қиляпти. Ахир, бу ерлар тойчуютлар ва унинг, Жамуханинг ҳам ота-боболаридан қолган кўчманчилик ерлари-ку. Бунақа одамга ёрдам қўлини чўзиб, дунёдаги энг катта аҳмоқликка қўл урмадимми? Ундан кўра, Темучин номсиз-нишонсиз чириб кетгани яхши эди! Лекин Тўғул нима деркин? Кўксидаги оғир хочни силаб ўтирар экан, нўёнларига мағрур қараб турарди. Гўёки, Тўғул Темучинни хон қилиб тайинлагандек.

— Хурсандчилик элчилари, сизларнинг ерларингиз менинг ўғлим хукмига ўтганидан жуда бахтиёрман. Сизлар жуда ҳам муносиб инсонни хон қилиб кўтарибсизлар, энди унга итоат қилинглар, ўзларингиз боғлаган ҳамжиҳатлик ипларини узманглар! Менинг ўғлим ва ўз хукмдорингиз Темучинга бориб айтинглар: менинг юрагим шодликка тўлди.

Жамуха бир қўлида қўйнинг қовурғаси, иккинчи қўлида пичоқ ушлаб ўтирганини энди сизди. Қовурғани гўшт тўла товоққа ташлади, пичоғини итариб қинига солди. Бу қариб мияси айниган одам нимага хурсанд бўляпти? Аслида у ҳақ, ўнталаб нўёнлар билан келишиб юрганидан кўра,

биргина Темучин билан ишини битириш осон-ку. Лекин Тўғулхон Темучин ҳалиям ўша, хондан ёрдам сўраб, қундуз мўйнали пўстин ҳадя қилган Темучин, деб ўйлаб хато қиляпти. Тўғулхон энди андасидан ҳеч нарса ололмайди!

Хон ҳам, унинг нўёнлари ҳам меҳмонлар билан овора бўлиб қолишганидан фойдаланиб, Жамуха билдирмайгина чодирдан чиқиб, ўз ўтовига кетди. Тўланинг қирғоғи бўйлаб чўзилган сўқмоққа тушиб олди. Кўкимтир чигирткалар шундоққина отнинг туёқлари остидан сакраб қолишарди. Янги майсалар, оқ қизил, сариқ ва мовий ранг гуллар устида енгил капалаклар пириллаган, Тўланинг шошқин тўлқинлари юмалоқ тошлар устидан ошиб шилдираган, қирғоқда эса дарёнинг бу жўшқин юзасига тикилганича янги барглар чиқарган элмалар қатори турарди.

Жамуханинг юраги сиқиларди. Темучинни тарк этиб, катта хато қилганини энди тушунди. Кетиб қолсам, Темучин ўзини йўқотиб қўяди, қариндошларини ҳам ушлаб қололмайди, деб ўйловди. Чунки унинг қариндошлари Темучиннинг режаларидан шубҳаланиб юришувди ҳам. Темучин уларни менсимаган пайтларда улар тинимсиз ҳиқиллар, норози бўлиб тупуришар, Темучиннинг кетидан боришдан кўра, яланғоч қолишни афзал кўришарди. Йўқ, унга эргашишибди. Ундан ҳам баттари, қари бияларга ўхшаб ўзларини эгарлатиб, жиловлантириб, устларига Темучинни миндириб олибдилар. Ақл бовар қилмайди! Агар бу жирканч одамларнинг бунчалик бетайин эканликларини билганида эди, андасининг ёнида қолиб, унинг режаларини ўша ерда туриб бузиб юборарди.

Яна битта хато бор. Жамухадан кейин Ўлтон, Сача беки ва Хучарлар ҳам кўчиб қолишди. Андаси билан фақатгина муғамбир Даритой отчигин ва Бўри Бўгаларгина қолишди. Даритой пайт пойлаб қолган бўлса, Бўри Бўга Тойчарга бўлган нафрати туфайли шошилмади. Ҳаммаси кўнгилдагидай кетаётган эди. Аммо йўлда навкарлар тўполон кўтаришибди. «Мияси йўқ жайронлар ҳам тўда бўлиб яшайди. Биз бўлсак, нуқул ниманидир талашиб, келишолмай юрамиз. Тунларимизда ҳаловат йўқ, қачон қарасанг, қуролланган ҳолимизда ухлаймиз. Хотинларимиз хурсандчилик нималигини билишмайди, чорвамиз ҳеч кўпаймайди...», – дейишибди. Мен ўшанда анданинг қариндошларига ёрдам беришим, навкарларни итоатга келтиришда кўмаклашиб юборишим керак эди. Ўшанда улар батамом кўчиб кетишган бўларди. Мен эса уларнинг шикоятларини эшитиб, устларидан кулдим: менинг навкарларим ҳар доим менинг ёнимда бўлишади, шикоят ҳам қилишмайди, норози ҳам бўлишмайди. Мен бу нўёнлар думини ичига тортиб олган кўппакларга ўхшаб, навкарлари йўлига юришади, деб ўйлабманми? Қадимгиларнинг жасоратлари қайда қолди? Эркин саҳронинг мард ўғлонлари қайга кетган?

Темучин совға қилган бия бошини кўтариб, қулоқларини диккайтирди. Тепалик ён бағрида оппоқ булут пағасига ўхшаб қўйлар подаси ўтлаб юрарди. Паканагина, ёллари тўзиб кетган от миниб олган чўпон унга қараб келарди. Жамухани таниб, бошидаги намаг қалпоғини ечди ва қорни эгар



қошига теккунча эгилиб таъзим қилди. Оқарган сочлари ҳам отининг думи сингари опаласимон бўлиб кетган. Бир пайтлар қулоқ турган жойда, қиличнинг изию қулоқ тешигидан чиқиб турган бир тутам қоп-қора тук кўриниб турарди.

– У, бизнинг соҳибимиз. Сен бир ўзинг ёлғиз йўлда юрибсан. Мен бирон-бир қорача бўлса керак, деб ўйлабман.

– Нега ёлғиз юролмас эканман?

– Бу ерда бўлаверади, бу ерлар тинч. – Чўпон унга ёндашди. – Ҳозир пода боқиш иш эмас, ором. Тепаликка чиқиб, қорни тўйган поданинг пишиллашини эшитганча, қариган танангни офтобга солиб ётаверасан. Бойкушга ўхшаб бошингни ҳар тарафга сараклатавериш шарт эмас. Найзани қайси биқинингга санчишларини билолмай, хавотирда юрмайсан. Биз энди доим кераитлар билан бирга кўчманчилик қиламизми?

– Мен қаерда хоҳласам, ўша ерда кўчманчилик қиламиз.

– Бу гапинг тўғри! Сен бизнинг табиий хўжайинимизсан. – Чўпон хўрсинди. – Аммо бизнинг қарияларда бир гап бор: қуёш куйдира бошласа, сояга қоч, бўрон кўтарилса, тоғнинг орқасини панала.

– Тўғулхон тоғми?

– Баланд тоғ!

– Мен сени ўша Тўғулхонга бериб юбораман. Лекин, аввал, у сенинг қийшиқ каллангдан чўчиб кетмаслиги учун иккинчи қулоғингни ҳам кесиб оламан.

Жамуха отининг биқинларига товонларини уриб, югургилатиб кетди. Чўпон қалпоғи билан юзини артганича сўқмоқда қолаверди. Чўпон ҳам тинчлик, хотиржамликни хоҳлаб қолибди! Нима, мен, Жамуха, ўзим учун, яқинларим учун тинчлик бўлишини хоҳламайманми? Аммо бу тинчликни деб, ота-боболаримдан мерос қолган эркимни ҳам беришга рози эмасман. Овулида, отқозиқлар яқинида навкарлар айлана бўлиб, оғизларини очганча ўхшаши йўқ мақтанчоқ Хорчининг вайсашини эшитиб ўтиришарди. У Жамуханинг узоқ қариндоши. Хорчи кўп йиллар Тарғутойнинг атрофида ивирсиб юрди. Бир йил олдин эса Темучиннинг одамлари гапига ишониб, навкарлари билан Темучин ҳузурига қочди. Лекин у андасига эмас, Жамухага қўшилиб, унинг хизматига турди. Бу ерга кўчиш пайтида у отини ҳам, қуролини ҳам олиб, йўқ бўлиб қолувди.

– Сен қаердан келиб қолдинг? – сўради Жамуха, отини тўхтата туриб.

Навкарлар ўринларидан сакраб турдилар. Хорчи бўлса, секингина, шошмасдан туриб, эгри қиличини тўғрилади, чопонининг этаklarини қоқди. Унинг ёнида баҳайбат, қовушимсиз бир йигит ҳам қад ростлади. Бу Темучиннинг навкарларидан бўлган Дармала эди. Бу нима қилиб юрибди экан?

– Биз сенинг ҳузурингга Темучиннинг, тутинган биродарингнинг олди-дан келдик.

– Шунақами! – Жамуха ҳайрон бўлди-ю, совуққина қилиб: Мен сизларни эшитаман, – деди.

Хорчининг лаблари кулгига очилди.

– Жамуха, сен отда ўтириб ўзингнинг навкарларинг билан гаплашсанг бўлаверади. Бизлар эса элчилармиз...

«Вой, сассиқ каламуш-ей! Ўзи қочоқ бўлса ҳам, кўкрагини кериб туришини-чи».

Жамуха отидан сакраб тушиб, тезгина ўтовига кириб кетди. Қамчисини жаҳл билан остонага ташлади-да, наमतга ўтириб олди. Хорчи билан Дармала кетма-кет кириб келишди.

– Ўтиринглар, элчилар. Биттангиз ўнгга, иккинчингиз чап тарафимга. Менинг андамга ҳурматим шунчаликки, мен унинг элчиларини ҳам ўзим билан бир қаторга ўтқазишга тайёрман.

У элчиларнинг устидан кулаётган эди. Аммо Хорчи бунга кулоқ солмай, унинг ёнига ўтирди. Дармала унинг рўпарасига ўтириб, бошини мағрур кўтарди-да, эски кўрғонлардаги тош ҳайкалдек қотди. Хорчи салмоқланиб, сўзларини чиройли тугатиш ҳаракатида, кўринишдан ўзининг овозидан маст бўлиб гапирди.

– Темучин сенга хабар қилиб қўйишимизни айтиб жўнатди: нўёнлар қурултойи мангу осмоннинг иродаси билан уни хон қилиб кўтарди.

Хомкалла Хорчининг тантанаворлиги унинг аламини кучайтириб юборди.

– Сен нимага мендан қочиб кетдинг?

– Мен кетганим йўқ. Ўша ерда қолдим... сенинг кўчишинг арафасида менга башорат кўринди. Бир куни ўз ўтовимда юмшоқ наमत устида, устимга иссиқ пўстин ёпиниб ухлаб ётувдим. Ўша куни бир ҳўплам ҳам архи ичмаган эдим. Туш кўрдим. Бақувват ва ўтқир шоҳли бир буқа овулда юрар ва туёқлари билан ерни титкилаб, жаҳл билан бир у ўтовга, бир бу ўтовга шоҳларини уриб кўярди. Қарасам, менга яқинлашиб, яқинлашиб келяпти. Уйқу қаёқда! Ўрнимдан сакраб туриб кетибман. Лекин уйғониб кетишимдан аввал, унинг юзини эслаб қолдим. У малла юзли эди! – Хорчи хахолаб кулди, сур кўзлари билан Жамуханинг кокилларига назар солди.

– Кейин нима бўлди?

– Кейин мен ўтире-еб ўйладим. Шунчалик кўп ўйладимки, бошим оғриб кетди. Отга ўтирдим...

– Менинг отимга.

– Сенинг отингга. Менда бошқаси йўқ эди-да. Темучиннинг ўтовига яқинлашдим. Унга тушимда кўрганларимни айтиб, «Сен хон бўласан. Агар тушим ўнгидан келса, менга нима мукофот берасан?» – дедим. У кулиб юборди-да, «Сени бир туманга нўён қилиб қўяман», – деди. Мен ҳам кулдим. «Бу кам. Сен, – дедим унга, – катта ҳукмдор бўлиб кетсанг, менга ўттизта чиройли хотин олишга рухсат бер. Мен аёллар қуршовида бўлишни жуда яхши кўраман. Эркак кишининг олий бахти – аёлларнинг қувноқ кулгиларини эшитиш ва уларнинг ҳар бири сеники эканини билиб туришдир», – дедим. Майли, кулги-кулги билан-у, аммо менинг тушим тўғри чиқди. Яқин орада мен ўттизта хотиннинг эри бўламан.

– Мен сени сал жиннироқмикан, деб юрардим.

– Ҳамма шунақа ўйлайди! – қувноқ кулди Хорчи.



– Лекин жуда ақлли ҳам эмассан. Сенинг ақлинг бўлганида эди, бу ерга келмаган бўлардинг.

– Нимага энди?

– Чунки сен қочоқ навкарсан. Сотқинсан.

– Э-э, йўқ, Жамуха. Мен сенинг навкаринг бўлмаганман. Мен сенга қасамёд қилмаганман.

– Сен отим ва қуролларимни ўғирладинг!

– Отинг қозикда боғлоғлиқ турибди. Қуроллари ҳам эгарга осиглиқ.

– Қасамёд қилмагансан, от билан қуролларни қайтардинг – майли. Лекин мен сенинг каллангни шундоғам узиб ташлашим мумкин.

– Калламнинг ўз хўжайини бор.

Суҳбатнинг бошидан бери жим ўтирган Дармала сал қимирлаб қўйди-да, гумбурлагандек гапирди:

– Сахро одати бўйича, элчиларни мазах қилиш ва улар жонига қасд қилиш энг қўрқинчли жиноят ҳисобланади.

– Эсимга солганингдан миннатдорман! – Жамуха қўлини кўкрагига қўйди. – Балки сен бизнинг одатларимиздан яна биронтасини биларсан?

– Мен сенинг қариндошингман, Жамуха, – деди Хорчи. – Ким ўз қариндошларига зиён етказса, у ўзининг оёғига болта уради.

– Шундай деб айтгин, деб Темучин буюрдими?

– Ўзимнинг ҳам каллам бор.

«Ёлғон!» – ўйлади Жамуха. Лекин нима бўлганда ҳам, Темучин Хорчини бекорга жўнатмаган. Бу билан у гўеки: эсингдан чиқарма, Жамуха, биз сен билан қасамёд қилиб тутинган биродарлармиз. Бу эса қондошликдан ҳам юқори туради. Сен хоҳлайсанми, йўқми, мени қувватлашинг керак. Иккинчи тарафдан Хорчи – қочқин. Уни жўнатаркан, Темучин, қара, Жамуха, хоҳласам, сенинг одамларинг менинг ҳузуримга келади, сен эса ёлғиз қолиб кетишинг мумкин, демоқчи. Темучиннинг яна бир режаси бўлган. Агар Жамуха ўзига эрк бериб, ўзининг қариндоши ва Темучинхоннинг элчиси бўлган Хорчининг калласини олса, ўз навкарларини ҳам, бошқа қабилалар одамларини ҳам, хон Тўғулни ҳам ўзига қарши қилиб қўйган бўлади. Ақллисан, андам, ақллисан. Ўзинг бир сўз айтмасдан ҳам кўндирияпсан, ҳам пўписа қилияпсан, ҳам ғашимни келтирияпсан. Бирон ерингдан тутиб бўлмайди-я.

– Темучинхоннинг ҳузурига нима хабар билан борайлик?

– Ўлтон, Сача беки ва Хучарларга етказиб қўйинглар: уларнинг узоқни кўра олишлари ва донишмандликларига қойилман. Улар менга ўхшаган оддий нўённинг ақлига келмайдиган тўғри йўлни танлашибди. Энди менинг андамнинг хизматида содиқ туришсин, унинг остонасининг қули бўлишсин!

– Темучинхонга нима дейлик?

– Менинг гапим тамом. Бораверинглар... буюк элчилар.

Хорчи, итнинг боласи, остонада тўхтаб, унга тишларини кўрсатиб илжайди. «Шошмай тур-чи, бир куни кўлимга тушасан-ку!» дея фикридан ўтказди Жамуха.



Чивинларнинг ғинғиллашига тўлган оқшом осмонига оқиш тутунлар кўтариларди. Ботаётган қуёшнинг қизғиш нурлари Сангур дарёсининг эгри қирғоқларида жилоланади. Ўтовлар ёнидан сигирлар подаси ўтар экан, атрофга тер, сут ва жун ҳидини таратиб кетди. Жониворлар биқинларини шишириб, узоқ сув ичишди. Бошларини кўтаришганда эса, оғизларидан томаётган сувлар ҳам пуштиранг бўлиб кўринди. Соғувчилар қўлларига чарм мешларини олиб, пода томонга юрдилар. Овулун кундузги иссиқни ўзида сақлаб турган катта харсангтош устида ўтирарди. Калласи катталигидан оёғида унча яхши турулмайдиган Жўжи, ўтлар орасидан бир нималарни қидирарди. Хоахчин унинг тепасида, қўлидаги шувоқ елпиғичи билан чивинларни ҳайдаб турарди.

– Цзяо шэммо минцзя?¹ – Хоахчин болага энгашди.

Ўз иши билан машғул болакай, ўтларнинг орасини очиб, топиб олган тошларини отиб қоларди. Хоахчин елпиғичи билан уни энгилгина уриб қўйди.

– Цзяо шэммо минцзя?

– Води минцзя Жўжи² – тез жавоб қилди бола.

– Хоахчин, боланинг миясини цзяо минцзяларинг билан суюлтирма! Барибир ҳеч нарсани тушунмайди.

– Тушунади... – Хоахчин секингина гапирди-да, нарироқ бориб, Овулун ва Жўжига орқа ўгириб ўтириб олди.

Унинг сийраклашиб қолган сочлари орқа тарафига турмакланган. Озғин ва кичкинагина елкаси букчайган. Бечора Хоахчин қариди. Иккалови нима кунларни кўришмади-я! Меҳнатсевар, тетик бу аёл Овулун учун умр бўйи ҳам сингил, ҳам дугона бўлиб келди. Болаларга энагалик қилди, илдиз ковлари, эски-туски латталардан кийимлар тикди.

– Хоахчин...

У бошини ўгириб қаради. Кўзларининг бурчакларида ёш кўринди.

– Хафа бўлдингми? Қўйсанг-чи, Хоахчин, нега хафа бўласан! Ана, Жўжи билан қайси тилда гаплашишни хоҳласанг, гаплашавер...

– Раҳмат, фужин. Мен хафа эмасман. Ўзимнинг тилимдаги кўп сўзларни эсимдан чиқариб юборибман. Хони ҳам эслаб кетдим. Укагинам қаерлардадир йўқолиб, бутунлай қорасини кўрсатмай кетди. Вой-йей, бунақа ҳаёт менга нега керак?

– Хоахчин, нимага бунақа гапларни гапиряпсан? Хо тирик бўлиши керак. Ота-боболарингнинг ерлари жуда узоқда-да...

– Вой-йей, узоғ-ей... Баҳорда қушлар у ёқдан-бу ёққа қараб учишади. Кузда бўлса, бу ёқдан-у ёққа. Одамлар бўлса у ёққа ҳам, бу ёққа ҳам ўтишмайди...

Овулун ўзини Хоахчиннинг олдида айбдордай сезди. Ўзининг болалари, неваралари бор, Хоахчинда-чи? Ҳеч нима. Биронта ҳам қариндоши йўқ.

¹ Сенинг исминг нима?

² Менинг исмиМ Жўжи.



– Бу ёққа ўтир, Хоахчин. – Овулун сурилиб, тошдан унга жой ажратди.

Хоахчин ўтириб, кафти билан ёшларини артди.

– Эсингдами, Хоахчин...

Овулун гапини тугатолмади. Ўтов тарафдан уларга қараб Сача беки отасининг бевалари келишарди. Чакаклари кенг, ажин босган Кўвачин хотин иккала оёғига ҳам сезиларли чўлоқланар, қўлида таёғи бўлса ҳам, у ёқдан-бу ёққа ўрдакка ўхшаб лапангларди. Ёшроғи, юзлари осилган, семиз Эбегай хотин – Сача беки ва Тойчининг онаси – Кўвачин хотиннинг қўлтиғидан олиб, ёрдамлашиб келарди. Овулун бу хотинларни ёмон кўради. Ғирт бекорчи бу кампирлар, овулни айланиб юриб, ҳаммага ақл ўргатишарди. Улар одамлар ҳақидаги ҳамма гаплардан хабардор эдилар. Буларни бу ерга бир шумлик бошлаб келяпти. Бошқача бўлиши мумкин эмас.

Хотинлар Жўжининг олдида тўхташди. Эбегай хотин бармоқларини ўй-натиб, болани ўзига чақирди. Жўжи орқасига ўгирилиб ётиб олди-да, эмаклаганича Овулуннинг олдига келиб, орқасига ўтди. Бу ҳам етмагандай, бу-висининг чопони билан юзини беркитиб олди.

– Кўзичоққа ўхшаган, хурковуч-а! Ҳечам отасига ўхшамайди. – Кулгисидан Эбегай хотиннинг ялтироқ юзлари лопиллаб кетди.

– Бундай пайтида унинг отаси қандай бўлганини сен қаердан биласан? – сўради Овулун.

– Тўғри. Унинг отаси қандайлигини мен мутлақо билмайман, – тезгина кўна қолди Эбегай.

– Билмасанг, гапириб нима қиласан? – сўради Хоахчин. – Сен фужинсан! Кўвачин хотин унинг елкасига таёғи билан урди.

– Хотин билан ёнма-ён ўтиришга қандай ҳаддинг сиғди? Оғзингни очишга ким рухсат берди?

Хоахчин индамайгина туриб, ўтовга кириб кетди. Жаҳли чиққанидан оқариб кетган Овулун ҳам кетиб қолмоқчи бўлди-ю, бироқ бу иши қочишга ўхшаб кетишини ўйлаб, жойидан жилмади. Оҳлаб, ихлаб, Кўвачин хотин тош устига ўтирди. Таёғининг учи айлана ерини чакагига тираб олиб, тўнғиллади:

– Ҳаммаси чаппа бўлиб кетди. Бош ўрнида оёқлар.

– Ўзимиз тескари қиялпмиз-да! – илиб кетди Эбегай.

– Ўзимиз, ўзимиз... Бу ҳали ҳолва. Катталар устидан кичиклар ҳукмрон бўлганда, нима яхшилиқни кутиш мумкин...

– Сен менинг Темучинимни айтяпсанми? – сўради Овулун.

– Темучинингни ҳам. Сенинг ўғлинг ким бўлибдики, бизнинг Сача бекига бош бўлади?

– Менинг Сача бегим ва Тойчим, – деб тўғрилади Эбегай.

– Сеники, тўғри. Лекин мен улар отасининг катта хотиниман. Боқий осмонга қуллуққи, биз ҳалиям эски одатларга амал қилиб яшаяпмиз. Паст табақа ва наслсизлар билан дўстлашиб, эр ва ўғилларимиз зотини шарманда қилаётганимиз йўқ. – Кўвачин хотин қисик кўзлари билан Овулунга олақараш қилди.



– Зотини шарманда қилмаслик дегани, ҳали уни шарафлаш дегани эмас.
– Шарафлашни сизлардан қарз олмаймиз, – деди чийиллаб Кўвачин. – Бизнинг болаларимиз саримсоқ еб катта бўлгани йўқ. Гўштни ҳам тўйиб ейишган, сутни ҳам.

– Сут ҳам, гўшт ҳам фойда бермабди-да. Бўлмаса, ўзларининг устиларига саримсоқ билан ҳар хил илдизлар еб катта бўлган Темучинимни хон қилиб қўярмидилар, – деди Овулун.

Пичинг ва ҳақоратлар Овулунга қаттиқ ботмасди. Унга ҳасад қилаверишсин, қўлларидан бошқа нима ҳам келарди? Тўйиб еб, ширин ухлаб умрларини ўтказишди, аммо нимага эришишди? На бошқа кексаларга ўхшаб ақллари, на қийинчилик ва ташвишлар келтирадиган кенг бағирликлари бор. Ҳеч нима. Лекин ўзларини ҳаммадан баланд кўришади. Майли, шунақа бўла қолсин... Улар – ўтмиш билан, менинг болаларим эса келажак билан яшашяпти.

– Сен ўзингни жуда юқори олаверма, – деди Эбегай. – Сенинг Темучининг бизларнинг елкаларимизда ўтирибди. Тушириб қўйсақ, яна саримсоққа кунларинг қолади.

– Ким уни тушириб қўяркан? – хавотирланди Овулун.

Бу энди шунчаки вайсаш эмасди. Калтафаҳм Эбегай, эҳтимол, бир нимани эшитиб қолган-у, ҳозир билмай айтиб қўйди. Балки Сача бекидандир? Шунақа бўлиши мумкин. Темучинни хон қилиб кўтаришлари биланоқ, Овулун эҳтиёткорлик билан бўлса-да, нўёнларнинг ўз ўғлига нисбатан тобора ортиб бораётган норозиликларини сезиб юрибди. Лекин шу кунгача ҳали ҳеч ким бунга мана буларга ўхшаб очиқ айтганича йўқ. Хонни аравадан мешни туширгандай туширмайдилар, уни ўлдирибгина хонликдан маҳрум қилиш мумкин.

– Шундай қилиб ким менинг Темучинимни тушироқчи?

– Ўзи йиқилади, – деди Кўвачин хотин.

– Сизлар қуп-қуруқ сафсатачисизлар! – Овулун ўрnidан туриб, Жўжини кўксига босди. – Агар яна бошқа ерларда ҳам шу гапларни гапириб юрганларингни билиб қолсам, ҳаммангизни ўғлимнинг, сизларнинг хонингизнинг олдига олиб келиб, унга қарши ким иш олиб бораётганини, қайси одам қасамини бузмоқчи эканини айтиб беришга мажбур қилишади.

– Сен бизлардан ёшсан-у, гапираётган гапингни қара! – норози бўлди Кўвачин хотин.

Лекин, Эбегай қўрқиб кетди шекилли, унинг қўлтиғидан олди.

– Юра қол, кетдик. Сен, Овулун ҳазил гапларни тушунмас экансан.

Хасар от чоптириб келиб қолди. Офтобда қорайган юзи терга ботган, чопонининг барлари очилиб кетган, кўзларида жаҳл. Пишиб кетган отнинг эгарини ечиб олди-да, тиззаси билан биқинига тепди.

– Жўна, қирчанғи! Она, ичишга бирон нарса борми?

– Хоахчин! Унга бир коса қимиз қуйиб бер. Қаердан келяпсан, ўғлим?

Хасар қўлини силтаб, Хоахчиннинг қўлидан косани олди-да, бошини орқага ташлаб, бир нафасда ҳаммасини ичиб юборди.



– Ҳаммаси жонимга тегди! Темучин тинчлик бермаяпти. У ёққа чоп, бу ёққа чоп... Кетимни эгар устида қадоқ қилдим.

– Нима ҳам қилардинг, Хасар... Сизлар, Темучиннинг укалари, бошқаларга қараганда икки марта кўпроқ ишлашларингга тўғри келади. – Овулун Жўжини ерга қўйиб, Хоахчинга қараб итарди. – Бора қол, болакай, қимиз ичиб ол.

– У бизларни оддий навкарлардан ҳам баттар ишлатади! Менга Хубилай билан бирга қиличбозларни бошқаришни топширди. Хубилайнинг бир ўзи бошқаряпти. Ким у? Яқингинада Овчи баҳодир хўкизларининг думини қайириб юрувди. Хизматлари учун кимларгадир ҳадялар улашади. Фақат биз, укалари, доим қуруқ қоламиз.

– Ўғлим, сен менга ҳамма ўғилларим номидан гапирма, – деди юмшоқлик билан Овулун. – Сен ўзингни гапир.

– Майли, ўзимни гапираман. Кеча ундан Халзан отини сўрадим. Бермади. Бугун бўлса, уни Жамуханинг қариндоши Хорчи миниб юрибди. Менинг тагимдаги эса от эмас, қари сигир.

– Ўзингни-ўзинг сиқиб нима қиласан, ўғлим! Сенинг отинг ҳам жуда ёмон эмас. Яхшиси, шунақа ҳам отинг бўлмаган пайтларни эслагин.

– Нима бўпти! Қачонлардир менинг ўзим ҳам бу дунёда йўқ эдим.

– Сен жуда ҳам қўполсан, Хасар. Мана шу феълинг сени яхшироқ ўйлашга қўймайди. Агар Темучин одамларни ўзига яқинлаштирмай, бор нарсани ўзининг укалари, ўртоқларига тарқатиб юбораверса, ким биз билан қолади? Темучиннинг ўзига қара. У ипакликлар киймайди, қимматбаҳо буюмлар тутмайди. Ҳаммасини бошқаларга бериб юборади. Буларни у улусимизни мустақкамлаш учун қияпти. Ёки сен, бизлар энди кучайиб кетдик, энди ҳеч қандай ғам йўқ, деб ўйлаяпсанми?

– Мен ҳеч нарсани ўйлаётганим йўқ. Лекин унинг хон ўтовига бошқа кирмайман. Керак бўлса, мени арқонлаб олиб боришсин. Мана шу унинг улусини мустақкам қилади ва бундан ўртоқлари хурсанд бўлишади.

– Эҳ, ўғлим-ей, ўғлим-ей, ҳалиям ақлинг йўғ-а! – куйиниб гапирди онаси ва ўғлининг чанг босган ёқаларини тўғрилаб қўйди. – Сизларнинг уришаверишларинг фақат душманларни кучли қилиб, дўстларингиз сонини камайтиради.

– Барибир бормайман, уникага. Мен шунга қарор қилдим...

– Майли, қарор қилган бўлсанг, бормай қўя қол. Темучинникага мен бораман. Унга «Ўғлим бетоб, у от минолмайди. Мен унинг ўрнига келдим», дейман.

Юзи қизарган Хасар онасидан кўзини олиб қочди.

– Нималар деяпсан, она...

– Белбоғингни еч, қиличингни ҳам менга бер!

Хасар каловланди-ю, бир оёқда шартта қайрилиб, чиқиб кетди.

– Тўхта. – Овулун унга етиб олди. – Сен жасурсан, кучлисан. Фақат ўжар бўлма, ўғлим. Узоқ йўлдан келсанг ҳам, Темучиндан янги иш сўрагин-да, яна отингни чоптир. Майда нарсаларни ўйлама, чарчадим, дема. Мен сен билан фахрланаман.

Овулун нигоҳи билан ўғлини кузатиб, яна тош олдига қайтиб келди. Бир ўзи, ёлғиз, хавотир ва ташвишли ўйлари билан узоқ ўтирди. Бу алғовдалғов, ҳасадларга тўлиб кетган, азалий душманликлардан чарчаган дунёда, ҳеч қачон тинчлик бўлмайдигандай кўринади. Ўғлини қора кигиз устида кўтариб хонликка сайлашганида, кўз ёшларини яшириб туролмади. Шу дақиқада у барча қийинчиликлари ва изтироблари орқада қолди, энди фаровонлик, оддий, майда-чуйда ташвишлар билан яшайдиган ва кўркувлар кетиб, бежавотир кунлардан шодланиш кунлари келди, деб ўйлаган экан. Лекин, худди йўловчилар ўтовга ўз гутулларига илаштириб турли ахлатни олиб кирганидек, одамлар ўғлининг улусига адоват уруғини олиб келдилар. Вақтинчалик тинчлик ҳукм суриб турган бу кунларда энди ўша уруғлар ниш урмоқда, куртак чиқариб, Ҳасар ўғлига ўхшаган шуҳратпараст ва ўзбилармон одамларнинг қалбларида илдиз отмоқда. Бошқа улуслар эса ўзларининг душманона нигоҳларини узмай, барча қилинган ишларни отлар туёқларида топтаб, қилич билан кесиб, найзалар билан ерга қориштиришга пайт пойлаб ўтиришибди. Темучин улусини ушлаб тура олармикин, қўшниларнинг ёвузликлари-ю яқинларининг ҳасадларидан омон олиб ўта олармикин?

Қоронғилик туша бошлабди. Тунги қоровуллар саҳрога чиқиб кетишяпти. Дарё тарафдан битта отга қўшилган арава келмоқда. Улкан ва оғир ғилдираклар секин айланади. Арава ёнида отга хивчин уриб баланд бўйли бир одам юриб келяпти. У Овулунни кўриб, қадамини йўқотиб қўйди. Шошилиб араванинг бошқа тарафига ўтиб олди. Овулун нимагадир тезда бу одам кимлигини англаб етди-ю, араванинг йўлини кесиб чиқиб, уни тўхтатди.

– Сен нимага бу ердасан? Сен нимага келдинг? Мақсадинг нима?

Чиледу оёғини оёғига ишқади-да, айбдорларча деди:

– Мен анчадан бери шу ердаман.

– Сен менинг ўғлимга қарши бир нима қилмоқчимисан?

Овулун жавобни кўркув ичида кутиб тураркан, агар Чиледу бу ерга душманлик билан келган бўлса, уни нима қилишини ҳам билолмасди. Чиледу қўлидаги хивчинини ерга шувиллатиб урди-да, чарчоқ кулимсиради.

– Ўғлинг мендан кўркмасин. Мени жангчиларингиз асир олишган.

– Бу марқаларга босқин бўлгандами?

– Ҳа-да. Мен сенга кўринишни хоҳламаган эдим.

Овулун енгил тортиб хўрсинди.

– Сен ўз юртингга кетишинг мумкин. Мен сенга от ҳам, эгар ҳам бераман.

– Овулун, менинг борар жойим йўқ. Лекин сен ташвишланма, мен сенга халал бермайман.

– Сен қаерда яшаяпсан? Нима иш қиялпсан?

– Тойчи Қуриникида. У ўқ ясайди.

– Биладан. Хучунинг ўғли. Унинг отаси менинг улусимни ҳимоя қилман, деб ҳалок бўлган.

Чиледу хавотирда атрофга қараб олди.

– Мен бора қолай, Овулун. Хотиннинг йўл устида қул билан гаплашиб туриши яхши иш эмас.

У отига хивчин урди. Арава ғичирлаб юриб кетди. Чиледу кенг елкаларини шалвиратганича кетарди. Анчадан бери қирқилмаган узун сочлари кулоқ ва гарданларига тушиб ётарди.

Овулун аста-секин ўтовига қараб юрди. Кўнглида бўм-бўшлик.

Ўтовига келиб, Чиледу отини бўшатди. Олбор чопиб келиб, унинг қўлига отилди. Чиледу уни даст кўтариб, баландга отди. Бола чийиллаганича оёқларини ўйнатди.

– Яна!

– Сенга шуям етади. – Чиледу уни ерга тушириб, бошини силади. – Иккаламиз ҳам ғамнинг болаларимиз.

– Сен болаларимассан, – деб уни тузатган бўлди Олбор. – Сен менинг отамсан.

Ўтовдан Қаймиш мўралади.

– Биз сени кутяпмиз, Чиледу. Овқат вақти бўлди. – Ўтовда мойчироқлар ёниб турарди. Унинг ёруғида Тойчи Қури ўқларга пат ёпиштиряпти. Тол ёғочидан ясалган беланчақда Тойчи Қури билан Қаймишнинг ўғли – Судуй тебраниб ётарди. Қаймиш қозоннинг устидаги тахта қопқоқни кўтарди. Қозондан кўтарилаётган буғдан ўзини олиб қочганча, товоққа гўшт солди.

– Тойчи Қури, йиғиштир ишингни.

– Кетяпман! – Тойчи Қури пешанасидаги сочларини кўтариб, қўлидаги янги ясаган ўқини баланд ушлаб қаради. – Яхши чиқди, яшавор Тойчи Қури, – деб хурсанд кулди.

– Мақтанишини-чи! Сен ҳеч қачон мени мақтамайсан. Чиледуни ҳам. Нима ҳам қилардим? Ўзимни-ўзим мақтаб қўяман. Олбор, мен ҳам яхши ўқлар ясайман-а?

Болакай бурнини тортди.

– Яхши.

– Зўр! Ҳар доим, ҳаммага шунақа дегин! – Тойчи Қури енгларини шимариб, лабларини иштаҳа билан чўлпиллатганича гўшт тўла товоққа энгашди. – Жалма қўйнинг бутун бир сонини бериб юборибди. Мени яхши кўради-да. Темучинхон ҳам. Бошқалар қурутни ҳам тўйиб ейишмайди-ю, бизлар бўлса гўшт еяпмиз.

– Вой мақтанчоқ! Вой мақтанчоқ-эй! – деди Қаймиш. – Гўёки биз ҳар куни гўшт еб юргандек.

– Яна нималарни хоҳлайсан, – ҳар куни эмиш... Олбор, мен мақтанчоқмасман-а?

– Йўқ.

– Яшавор! Яшавор азамат! – Тойчи Қури суякнинг ичидаги илигини чиқариб, Олборга тутди. – Мана бу сенинг яхши гапларингга кичкинагина мукофот. Сенинг отанг ёмон ўқлар ясайди-а? Ёмон, дегин, яна бераман.

Олбор бир Тойчи Қурига, бир Чиледуга қараб, нима дейишини билмасди.

– Хўш! Хоҳламайсанми? Унда мана бу холангни ёмон дегин.

– У яхши хола, – деди Олбор қовоғини солиб. – Отам яхши.

Тойчи Қури кулиб юборди.

– Сен жуда ақлли боласан! Тўғри, Олбор! Сен жуда яхши боласан!

Қаймиш кафти билан эрининг елкасига шаппатилаб қўйди.

– Бирпас жим ўтиргин! Эрталабдан кечгача фақат сен гапирасан. Бу ҳам етмагандек, уйқунгда ҳам бир нималарни ғўлдирайсан.

Оғзидаги қаттиқ, чандирроқ гўштни унчалик ҳам ютоқмай чайнаб ўтирган Чиледу Овулун билан бўлган учрашувни ўйлаб ўтирарди. Кейинги пайтларда унинг хаёллари шу ўтовдан нарига чиқмасди. Бу ўтовда у жуда кам учрайдиган меҳмондўстлик, самимий муносабатларни топди. Бунга қадар у гўёки қаҳратонда дийдираб, адоғи йўқ қорликларда тентираб юрган-у, энди қайноқ ўчоқ олдига келиб, баданига иссиқлик югура бошлагандай эди. Бу одамлар унга туғишгандан ҳам аъло, ўзиники эди. Овулун билан учрашув эса буни ўзгартириб юбориши мумкин. Агар у Чиледунинг кетишини хоҳлаб қолса, у бунга мажбур қилинади. Тўғри, Овулун унинг бор-йўғи бир асир, қул эканини, аллақандай айғоқчи эмаслигини билганидан кейин, сал тинчлангандай бўлди. Аммо болаларининг хавфсизлиги ақлдан кучлироқ чиқиб қолиши ҳам мумкин. Овулун учун, унинг болалари учун у бегона. Бироқ мен уларга нима ёмонлик қила олардим? Қила олганимда-чи?

Тойчи Қури бир коса шилдир шўрвани ичиб олиб, наMATга чўзилди, қорнини шишириб Олборга кўрсатди.

– Ур!

Бола қўлини мушт қилиб бир урди.

– Қаттиқми? Ўтириб кўпроқ овқат е. Сенинг ҳам қорнинг шунақа қаттиқ бўлиши билан ётиб ухла. Ҳар куни шунақа қилсанг, баҳодир бўласан.

Тойчи Қури бироз дам олган бўлди-да, яна аввалги ишига уннаб кетди. Қаймиш норози бўлиб, бошини чайқади.

– Етар, Тойчи Қури! Ишлайвериб, ишлайвериб, яқинда букур бўлиб қоласан.

– Хотинжоним Қаймиш! Эрингнинг насиҳатига қулоқ сол. Бир одам эгасини йўқотган итга ўхшаб яшаркан. У ҳар доим оч юрар, шунинг учун уни дуч келган одам уриб, ўлдириб кетиши мумкин экан. Бирданига унга омад кулиб боқибди – нўёндай ейиш, нўёндай ичиш ва нўёндай ухлаши мумкин бўлибди. Мен нима қилишим керак? Наматда ағанаб, ширин тушлар кўриб, ёғ босиб ётишим керакми? Мен, хотинжон, ўзимнинг яхши хизматим билан Темучиндан миннатдор бўлишим, уни рози қилишим керак.

Пичоғини тош устида текислаб олиб, Чиледу ўқлар учун тайёрланган новдаларнинг пўстини арта бошлади. Пўстлоқлар ингичка, узун ва ҳалқа шаклига кириб узиларди. Олбор уларни ердан олиб, бармоқларига ўрарди. Мойчироқнинг найзасимон учидан қорайган тутун кўтарилади. Деярли, ҳар оқшом улар мана шундай ишлаб, гаплашиб ўтиришади. Чиледу учун бундай оқшомлар байрамга ўхшар, бунда яна аллақандай, ўзи илгари билмаган бир нима ҳам бор. Ҳозир, Тойчи Қурининг гапларини эшитиб ўтириб англадики, Овулуннинг ўғли ўзи ҳам билмаган ҳолда, унга ҳеч ким қилмаган яхшилик



қилиб қўйди. У бўлмаганда, аллақачон итнинг инида ўлиб кетган, бургаларга тириклай ем бўлган бўларди. Овулун бекорга хавотирга тушяпти. Виждонини йўқотган одамгина яхшиликка ёмонлик билан жавоб қилиши мумкин. Гап фақат бунда ҳам эмас. Ким Темучинга ёмонлик қилар экан, у одам ушбу ўтовнинг ҳам тинчини бузмоқчи, бир изга тушиб олган бу ёшларнинг ҳаётига таҳдид қилмоқчи бўлади.

Уйқуга кетиш олдидан Чиледу ўтовдан чиқди. Овулдаги ўтовларнинг мўриларида олов ёғдуси кўринар, қозикларга боғлоғлиқ отлар пишқирарди. Шундоққина кўл узатсанг етар жойда ёрқин юлдузлар чарақлаб ётибди. Чиледу ўзича бу овулни ҳеч қачон ташлаб кетмаслигини тушунди. Керак бўлса, Қаймиш ва Тойчи Қуриларни ҳамоя қилади. Олборни, Судуйни, Овулунни ва унинг болаларини ҳамоя қилади.

V

– Тур ўрнингдан! Уйғона қолсанг-чи, тезроқ!

Жамуха ўрnidан туриб ўтирди. Уржона мойчироқларни ёқар экан, қандайдир бир хавотирли овозларга қулоқ тутиб турарди. Ўтов ичи ачимсиқчанг ҳиди бўлиб кетган, ташқарида увиллаётган шамол ўтов ёпинчиғига майда тош ва қумларни келтириб урарди. Бу Гоби – гармсел шамоли эди.

– Нима гап?

– Овул нотинч...

Шамол сурони орасидан у итларнинг ҳуришини, туёқлар дупури ва одамларнинг қичқириқларини ажратиб олди. Овозлар пойинтар-сойинтар, ноаниқ. Ёвуз кучларнинг эрмаги эмасмикин? Жамуха оёғига гутулини тортиб, эгнига чопонини кийди. Қилич илинган белбоғини тақди-да, ўтовдан чиқиб кетди. Кучли шамол чопони этакларини кўтариб ташлади, қалпоғини учириб, юзига қумларни сочди. Одамларнинг овозлари энди яхшироқ эшитила бошлади. Наҳотки, душманлар? У яқинда Тўғул улусидан ажралиб чиқиб, 'Тарғутой' ва Темучин ерларининг орасига ўрнашган эди. У бир кун эмас, бир куни бу иккови бир-бирига қарши қўшин тортишидан умидвор эди... Наҳотки, ўзи қармоққа тушган бўлса?

– Қоровул!

Қоровулнинг ташвишли овози қаердандир орқа тарафдан, ўтовнинг у томонидан эшитилди:

– Мен бу ердаман!

– Бу ёққа кел. Овулда нима бўляпти?

– Билмайман, қуриқчилар белги беришгани йўқ.

– Хом калла! Шу пайтда қандай белги бўлсин. Отни келтир!.. Йўқ, тўхта!

Шамолнинг овози бир он тингандай бўлганди, у шундоққина яқинида туёқлар дупурини эшитиб қолди. Зулмат ичидан отнинг башараси яқинлашиб, юзига жониворнинг нафаси урилди. Жамуха орқага чекиниб, қиличини яланғочлади.

– Ким бу?

– Бу мен, сенинг навкаринг Курухман. Бахтсизлик, хўжайин! Уканг Тайчар...

Яна бошқа одамлар ҳам келиб қўшилишди. Отларнинг шовқини, қурол ва узангиларнинг жаранглаши навкарнинг охириги сўзларини босиб юборди.

– Ўтовга киринглар.

Қум босган кўзлари ёшланарди. Мойчироқларнинг алангаси ҳам суркалиб кетгандай. Кийиниб олган, ранги оқариб кетган Уржона ўтовнинг ўртасида, қўлида эрининг жанговар дубулғасини ушлаб турарди. Навкарлар ичкарига узунчоқ жулга ўралган бир нарсани олиб кириб, индамайгина ўтов ўртасига қўйдилар. Ўтовга ёпирилиб кирган шамол мойчироқларни ўчирди. Жамуха сўкинди.

– Мен ҳозир! – деди Уржона.

У ўчоқ ичидаги оловни ковлаштириб, бир жойга тўплади, қаттиқ пуфлади. Қўлида ёниб турган чўпчаси билан мойчироқни ёқиб берди. Жамуха чироқни баланд кўтарди. Жулни очишганда, Жамуха унда жонсиз қўлларини ёнига ташлаганча ётган Тайчарни кўрди.

– Унга нима бўлди?

Чироғини кимгадир узатиб, ўзи укасининг устига тиз чўқди. Бошини ўгирди. Ярим юмуқ кўзларида чироқ акси бор эди. Ўнг чаккаси, юзида қотиб қолган қон изи. Ўзига ҳам бўйсунмаётган қўллари билан укасининг кўксини очди, қулоғини юраги устига босди-ю, шу ондаёқ қоматини ростлади. Ҳамма навкарлар кўзларини ерга қадаганча, тиз чўкиб туришарди.

– Ким уни ўлдирди? – бўғилган, ўзиникига ўхшамаган овозда сўради Жамуха.

Қуруқ жулнинг чеккасига пешанасини қўйди.

– Биз Темучиннинг уюрларидан бир тўда отларни олиб қочувдик. Улар бизларга етиб олишди... Бизлар сенинг укангни ва дўстимизни эҳтиёт қилмадик. Айбимиз катта, аламимиз чексиз...

– Кейин ҳиқиллайсан! Темучиннинг одамлари сизларни овулгача қувиб келишдимми?

– Улардан қочиб кетдик, менимча. Лекин сен безовта бўлма, биз одамларни уйғотдик. Овул сергак...

– Боринглар, эшитинглар, кузатинглар. Бирон гап бўлса, хабар берасизлар...

Навкарлар қутулганларига хурсанд бўлиб, тезгина ўтовдан чиқиб кетишаркан, ҳаммалари чиқаверишда тўпланиб қолишди. Уржона ҳамма чироқларни Тайчарнинг боши тарафга қўйди. Ёғ жизиллар, учқунлар, чироқ пилиги тебранар ва унинг чанг орасидан тушган хира шуъласи Тайчарнинг яланғоч кўкраги ва ҳайрат ичида қотиб қолган лабларида лопилларди. Ёлғизгина укаси... Жамуха ҳар доим укаси авлоднинг шавкати ва ғурури бўлади, деб умид қилиб юрарди. Тайчар йўқ, укаси йўқ энди. Жамуха ер юзида бир ўзи қолди... Ўзига бирон нима бўлса, уруғининг ўчоғи тамом ўчади...



Шамол кучайиб борарди. Шув-шув-шу, шуввв-шу-улаб, ўтов наматига кум, тупроқларни келтириб урарди. Уржона унинг рўпарасида кўзларини катта-катта очганча тўғрига қараб ўтирарди.

– Бизнинг болаларимиз йўқ эди, Уржона, энди укам ҳам йўқ...

Уржона титраб кетди. Киприкларида ёш ҳалқаланиб, юзларини ҳўл қилди.

– Керакмас, Уржона, мўғул хотинлари йиғламайдилар. – У ўрнидан турди. – Тайчарнинг ўлими учун қотил ўз жони билан жавоб беради. Агар унинг ўзини ҳам, уруғини ҳам қириб ташламасам, лаънат бўлсин менга! Ким бўлишидан қатъи назар, ҳатто андам Темучин бўлса ҳам... Қоровул! – У қўли билан ўтов деворига мушт урди. Ўтовнинг мўрт синчлари қисирлаб кетди. Чопиб кирган навқарга буюрди:

– Курух билан Мубарахни чақир.

– Нима қилмоқчисан? – қўрқиб сўради Уржона.

– Қотилнинг овулига қўшин тортиб бораман. Ҳаммасининг калласини оламан, ўтовларини яксон қиламан.

– Шошма, Жамуха. Ҳозир ақлингни жаҳолат босган.

– Укамни ўлдирганнинг юрагига қиличимни суқиб олмагунимча, жаҳлимдан тушолмайман!

– Жамуха, эсингдан чиқарма, Темучин сенинг анданг бўлади... Унга қилич кўтариб борсанг, қасамингни бузиб, шаънингга доғ туширасан.

– Қотилни укамнинг изидан солишдан аввал у ўйлаши керак эди, менинг ҳам, ўзининг шаънини...

– Агар у буюрмаган бўлса-чи?

Жамуха жим бўлиб қолди. Балки Уржона ҳақдир. Бу қотилликдан Темучиннинг хабари ҳам бўлмаслиги мумкин. Тайчарнинг ўзи от ўғирлаган-ку... Ҳар доимгидек, босқинчилар кетидан қувиш бўлган... Йўқ, бундай қилсам ҳозир қотилни бутунлай оқлаб қўяман-ку. Укасининг қони қасосга чақиряпти. У қасос олади!

Курух билан Мубарах киришди. Нимагадир, Тайчарнинг ёнидан оёқ учидан юриб ўтишди. Кучли шамол буларнинг кўзларини қизартириб, шишириб юборган эди.

– Овулда нима гап?

– Ҳозирча тинчлик.

– Ўтиринглар. Гапимиз узоқ чўзилади.

– Нималар бўлганини гапириб беришимни хоҳлайсанми? – секингина йўталиб сўради Курух.

– Менга ҳеч нимани гапирма. Тайчар ўлган – энг асосийси шу.

– У Дармаланинг ўқидан ўлган.

– Қайси Дармала?

– Хорчи билан бирга Темучиннинг элчиси бўлиб келган анави йигит.

– Ҳа-а... Эсимда. Аҳмоқ, ўзига ишонган, тубан. Шунақа йигитни жувонмарг қилибди-я. – Жамуханинг томоғига бир нима тиқилди. – Ўша овулда жангчилар жуда кўпми? Бир зарб билан эгаллаб ололамизми?

– Оламиз. Лекин... – Курух каловланди, мадад кутгандек Мубарахга қаради.

Кўринишдан Жамуха уларга нимани таклиф қилишини билиб, аввалдан келишиб олганга ўхшарди. Бундан унинг жаҳли чиқди.

– Нимага чўлоқ отга ўхшаб тутиляпсан? Гапир.

– Ҳозир овулда қоровуллар кучайтирилган бўлиши керак...

– Курух, бошқа гапни айтмоқчи эдинг-а!

– Биз бу қутилмаган урушдан хавотирдамиз, – деди Мубарах. – Биз урушга тайёр эмасмиз. Темучиннинг кучи қандай эканини билмаймиз.

– Кўрқоқлар! – қичқирди Жамуха.

Курух билан Мубарахлар бошларини ҳам қилишди. Навкарлар қайсарликлари кўрқувдан эмаслигини у биларди. Булар кўрқмас ва омилкор жангчилар, қабиласининг олди йигитларидан. Улар билан бу таҳлит гаплашмаслиги керак эди, албатта.

– Сизлар Тайчарнинг тўкилган қони учун қасос олинмай қолишини истаяспизларми?

– Бизда бунақа ўй йўқ. – Мубарах бошини кўтарди. Қовоғини солганича давом этди. – Тўғулдан ёрдам сўраш керак...

– Тўғул битта ҳам аскар бермайди. Агар у Темучиннинг устига бостириб бормоқчилигимизни эшитиб қолса, бизга халақит беради. Наҳотки шуни тушунмасаларинг? Мен тойчуютлар олдига бораман. Биз Темучинни енгамиз.

– Жамуха, у сенинг анданг, – яна секингина, ғамгин оҳангда эслатган бўлди Уржона. Шу онда Жамуха ўзидан ҳам аввал хотини тушунган нарсани тушуниб қолди. У бирданига ҳам укасидан, ҳам андасидан айрилибди. Шу пайтгача ўрталарида нима ўтганидан қатъи назар, қалбида кичкинагина, сезилмас, лекин сўнмас бир умид бор эди. Қачондир осмон ахийри уларнинг йўлларини яна бирлаштирар, деган умид эди бу. Аммо у ҳозир андаси устига қилич кўтариб борса ва қон тўкилса, бу йўллар ҳеч қачон бирлашмайди.

– Курух, сен Темучиннинг олдига борасан.

– Темучиннинг олдига?..

– Ҳа. Унга бошингни эгиб таъзим қиласан-да, мана бу гапларимни етказасан: «Андам, менинг ўтовимга аччиқ алам ёпирилиб кирди. Юрагим чидаб бўлмас дард ва қонга тўлган, қалбим ғамга ботган. Ёлғизгина укам мени ташлаб кетди. У осмон иродаси билан эмас, ёвуз руҳларнинг қасди билан ҳам эмас, сенинг улусингдаги одамларнинг узган ўқидан кетди. Менинг ғамим – сенинг ҳам ғаминг, менинг дардим – сенинг ҳам дардинг эканини мушоҳада қилиб, менинг тутинган биродарим, қотилнинг уруғ-аймоғи билан кўшиб қасос олишни сендан илтимос қиламан».

– Мен ҳамма гапларингни ёдлаб олдим. Саҳарлаб йўлга тушаман, – деди Курух.

– Сен йўлга ҳозироқ тушасан.

Курух ўтов ташқарисида увиллаётган шамолнинг овозига қулоқ солиб кўрди, қизариб кетган кўзларини ишқалади-да, иложсиз хўрсинди.

– Мен ҳозироқ жўнашга тайёрман.



– Сени кутаман. Имиллама. Арқонга боғланган қотил билан ёки бир ўзинг тезроқ қайт.

Тайчар ҳамма гапга бефарқ ётарди. Чап оёғидаги гутулига чақир тиканакнинг шохчаси илакишиб қолибди. Чиқиб кета туриб, Мубарах энгашиб шохчани олиб ташлади. Жасаднинг оёғи бир қимирлаб қўйди. Жамуханинг томоғида бир нима ғилт этди. У юзини кафтлари билан ёпди-да, увиллаган нидо чиқарди.

Уржона оловни ёқиб, бир идишда архи иситди, косага тўлдириб қуйиб эрига узатди. Жамуха косани бўшатиб, ўзи уни яна тўлдирди-да, укасининг бош тарафига қўйди.

Эрталаб унинг ўтови олдига, деярли, овулнинг барча аҳли йиғилиб келди. У одамлар ҳузурига чиқди. Ер узра эсаётган кучли шамол куюқ чанг булутини учириб юрар, ўтларни ётқизиб, одамларни бўйинларини эгишга мажбур қиларди. Увиллаб, сурон солаётган тўзондан сал узоқроқдаги нарсалар ҳам кўринмай қолган эди...

VI

Кум бўрони кўчманчилар боши узра икки куну икки кеча сурон солди. Бундай бўронни ҳатто қариялар ҳам эслай олишмади. Сангур дарёси бўйларидаги тол буталару шумуртларни илдизи билан қўпориб ташлади. Қолганлари ҳам бир аҳволда кўринар, синган, қайрилган шохларидаги чалажон барглари дарёнинг бўтана сувига тушиб, оқиб кетарди.

Бўрон Темучиннинг улусига ҳам каттагина талафот етказди. Эскирган бир қанча ўтовлар учди, наमतлари бўлак-бўлак бўлиб, саҳрога тарқалиб кетди. Бир уюр от йўқолди. Чорванинг ҳам анчагина қисмини шамол ҳар ерларга бошлаб кетиб, саҳрога тарқатиб юборди. Навкарлару чўпонлар уларни қидириб, тепалик ва водийларда тентираб юришарди. Бу қидирув ишларига Темучиннинг ўзи ҳам чиқар ва кунни эгар устида ўтказарди. Отлар чарчаганидан, уйига пиёда ҳам қайтарди. Навкарлари бир ўқ масофада судралиб келишяпти. Овулга яқин қолганда Жалмага рўпара бўлди.

– Отларни топдингларми? – сўради Темучин.

– Йўқ. Уларни ҳайдаб кетишган кўринади. Бўрон бошланишидан сал аввал қандайдир одамлар Бўри Бўганинг ўрамидан бир тўда отларни олиб қоқишибди. Дармала уларни бир амаллаб қайтариб олибди. Лекин ўшалар...

Темучин шарт орқасига қайрилди-да, отига шундай забт билан миндики, эгари ғичирлаб кетди.

– Шуни менга энди айтасанми!

– Ўзим ҳам билмаган эдим. Менга бугун айтишди.

– Жалма, бу жуда ёмон! Мени наमतга солиб, эъзозлаб кўтаришди-ю, биз хонлик бунёд қилдик, деб ўйлаб юрибмиз. Қани ўша хонлик? Аввалгидай биз уч кишимиз – мен, сен, Бовурчи – ҳамма иш ўзимизнинг елкамизда. Юкимиз бўлса оғирлашиб кетди, йўлимиз ҳам тоққа қараб чиқиб кетяпти. Тўхтасак, юк орқага тортиб кетади-ю, ўзимизни яна йўл аввалида кўрамиз.

Жалма унинг гапига эътироз билдирди.

– Биз уч киши эмасмиз. Навкарларимиз жуда кўп.

– Навкарлар қанчалик кўп бўлмасин, барибир кам. Отлар ҳам шундай. Садоқ тўла ўқлар ҳам. Аравалар, қул, чўпонлар ҳам. Шунинг учун ҳам уларнинг биронтасини йўқотиш мумкин эмас. Қандай қилиб йўқотмайликки, Бўри Бўганинг ўрамига ҳужум бўлганини мен бир неча кундан кейин эшитсам? Йўқолган отларни мен кимдан ундиришим керак?

– Айбдорни топиш қийин эмас.

– Биламан. Лекин мен нима учун айбдорни қидиришим керак? Биз бошқача йўл тутамиз. Барча отлар уюрига битта одам жавоб беради, чопқир отларга яна бошқаси, қўй сурувларига учинчи одам. Хўкизларга бош қилиб яна бир одамни қўямиз. Шунда мен улусимда нима қанча эканини ҳар доим билиб тураман. Йўқолган пайтда эса ўша одам жавоб беради, кўпайтирса – мукофотини олади. Ҳар ким ўз ишини билиб қилади. Отларга кимни жавобгар қилиб тайинлаймиз?

Жалма навкарларига бир-бир қараб чиқди. Жалма уларнинг ҳар бирини нафақат юз кўзидан, балки Темучин улусига қаердан ва қачон келиб қўшилгани-ю, феъл-атворигача биларди.

– Ёш тойчуют Морчи билан Мухалку, ўйлашимча, шу ишга ярайдилар, хон. Иккалови ҳам чарчаш нималигини билишмайди, оёқ-қўли чаққон ва кўзлари ўткир.

– Майли, шуларни тайинлаймиз. – Темучин ҳам навкарларга кўз югуртириб чиқди. Навкарлар дарҳол қаддиларини тиклаб олишди. – Отхоналарга бош қилиб мен укам Белгитойни тайинлайман. У босиқ йигит ва миниладиган отларнинг фарқига боради. Қўй боқадиган чўпонларга Дегай бош бўлади.

– Дегай? – ҳайрон бўлиб сўради Жалма. – У бесўнақай-ку...

– Бу ишга чаққон бўлиш шарт эмас. Укам Хасарни шу ишга қўйсанг, подачиларга ҳам уйқу бермайди, қўйларни ҳам тиндирмайди. Дегай эплайди. Унинг укаси Гучугарни араваларга жавобгар қиламиз. У ҳам чаққон эмас-у, лекин жуда пишиқ ва эҳтиёткор. Мана шу бола битта ҳам араванинг чувини туширмай, абзалларни йўқотмайди.

– Зўр ўйладинг, айёр!

– Қуённинг ҳидини олган тулки айёр бўлади, Жалма. – Мен – хонман – бўшашмаслигим керак.

Узоқдаги тепалик устида беш-олтита отлиқ кўринди. Бу чавандозлар отларини енгилгина чоптириб, уларга қараб келишарди. Жалма олдинга иккита навкарини юбориб, қолганларига қуролларини тайёрлаб туришни буюрди. Тепаликларга зийраклик билан назар ташлаб турар экан, норози оҳангда минғирлади:

– Йўқолган отларни қидириш хоннинг иши эмас! Отларни тополмайсан-у, бошингдан ажралишинг мумкин.

– Агар осмоннинг иродаси бўлмаса, бошинг тугул, бир тола сочингни ҳам туширмайсан, – деди Темучин, гарчи ўзи ҳам бироз тинчини йўқотган



бўлса ҳам. Аммо Жалма буни сезишини истамади. – Ўзинг нимани бошқарингни нимага сўрамайсан?

– Сўраб нима қиламан? Қайси ишни топширсанг, бажаравераман.

– Сен Бовурчи билан бирга менинг энг биринчи ва энг содиқ дўстларим-сизлар. Қўл остимда нима бўлса, ҳаммасини сизлар бошқарасизлар. Ҳамма нарса устида ўзларинг ҳукм юритасизлар, сизларнинг устингизда эса, фақат мен бўламан.

– Унда, билсам бўладими, сенинг қариндошларинг нимага жавобгар бўлишади?

– Улар, Жалма, ўз ўрамларининг ташвиши билан бандлар...

Янги режалари қариндошларига ёқмаслигини у яхши биларди. Темучиннинг хонлигига зўрға чидаб келаётган қондошлари, энди навкарларга ҳисоб беришлари ёқмаслиги аниқ.

– Бизларни Бовурчи кутиб олаётган кўринади, – деди Жалма.

Темучин ҳам яхшилаб тикилиб, отлиқлар орасидан Бовурчини таниб қолди. Қора тулпори туёқларини ерга теккизар-теккизмас энгил чопқиллар, узун ёллари Бовурчининг тиззаларигача тушиб турарди. Етиб келиб, отини кескин орқага бурган эди, от бир ўйноқлаб, оғзидаги сўлиқларини шақиллатганича, Темучиннинг оти билан ёнма-ён туриб қолди.

– Хон Темучин, хушхабар!

– Отларни топдингми?

– Отларни топганим йўқ, лекин чўнўс қабиласи нўёни Улуғ баҳодирни кутиб олдим.

– Ҳўв бирда бирга ов қилган қариями?

– Худди ўша, хон Темучин. Чўнўслар тойчуютдан кўчиб кетишибди. Ўйлашимча, бизнинг улусга кўшилишмоқчи. Қария айёр, ичидагини очиб айтмади. Ис олмоқчи, шекилли. Мен уни ўрамга кузатиб қўйдим-да, сабрим чидамай, сенинг олдингга учдим.

– Яшавор, Бовурчи дўстим! Бундай хушхабар учун мен душманимга ҳам ҳаётини инъом қилиб юборган бўлардим... Чўнўс қабиласи, бу энг камида икки юз жангчи дегани! Кекса Улуғ баҳодир билан келишиб кетамиз.

– Яхшими, ёмонми, билмайман, яна битта хабар бор. Даритой отчининг одамлари подаларини қидириб юриб, саҳродан Қурухни олиб келишибди. Андангнинг яқин навқари-чи. У чалажон ётган экан. Бўронга ҳам қарамай, сенинг ҳузурингга отланган экан. Миниб келган оти ўлиб қолибди...

Темучин отини тўхтатди.

– Менинг олдимга келаётган экан? Шу бўронда-я? Нима учун? У ҳозир қаерда?

– Мен уни кўрганим йўқ. Эгарга ўтира оладиган бўлиши билан сенинг ҳузурингга олиб келишларини буюрдим, холос. Бу эрталаб эди. Ўйлашимча, ҳозир Қурух сенинг ўрамингда бўлса керак.

Бовурчининг навкарларидан бирини чақириб, Темучин унинг отига минди. Жамуха ундан нима истаган экан? Балки унга марқалар ҳужум қи-



лишгандир-у, у андасидан ёрдам сўраётгандир? Ёки қайтишга қарор қилдикан?.. Унинг фикрлари отидан ҳам учқур эди.

Курух ростдан ҳам унинг ўрамига келтирилган экан. У билан бирга Даритой отчигин, Сача беки, Бўри Бўга ва Дармалалар ҳам келишибди. Уларнинг афт-ангоридаги белгилардан билдики, Жамуханинг элчиси яхши гап билан келмаган. Курух қум бўронида жудаям кўп азият чеккан, юз териси қизариб кетган, лаблари ёрилиб, шишиб кетган эди. Лекин оёғида маҳкам туришга ҳаракат қиларди. Унинг гапларини эшитар экан, Темучиннинг ичида оғриқ туриб, юраги музлаб қолди. Андаси уруш билан пўписа қиляпти... Қовоқлари солиқ, кайфиятлари тушиб кетган нўён ва дўстларининг юзларига бир-бир қараб чиқди. Кейин мулойим бўлишга ҳаракат қилиб, ўзини босиб олган кўйи Курухга жавоб қилди:

– Андамнинг гаплари тушунарли... Сенинг мазанг йўқ, ҳолсизсан. Дам ол. Эртага жавобингни оласан.

Курух ўтовдан чиқиб кетиши биланоқ Темучин ўрнидан сакраб турди-да, ўтирган нўёнлари устига бостириб келди.

– Мен сизларнинг хонингизманми, йўқми, билолмаяпман! Қароқчилар менинг улусимни талаб, подаларни ҳайдаб кетишади-ю, мен бундан беҳабарман. Тайчарни ўлдирасизлар-у, мен буни бошқалардан эшитаман. Бўри Бўга, отларингни ўғрилар ҳайдаб кетганини нимага менга етказмадинг?

– Отларни қайтариб олдик-ку, хабар бериб нима қиламан? – деди Бўри Бўга хафа бўлиб.

– Тайчарни ким ўлдирди? Сенми?

– Йўқ, уни анави ўлдирди, – Бўри Бўга Дармалага ишора қилди.

Дармала Темучинга енгилгина таъзим қилди.

– Хурсандмисан? Ғурурланяпсанми? Тайчарни ўлдирганингни кимга айтдинг?

– Мен уни ўлдирдим, деб ўйламовдим. Ярадор қилдим, деб юрибман...

– Ўйладим, ўйламадим! Нима қилиб қўйганингни тушуняпсанми? Сен хом калла нимани ҳам тушунардинг! Эртага Жамуханинг қўлига топширганимда, ичак-човоғингни суғуриб олганда тушунасан. Бошқалар ҳам ўшанда тушунади...

У ичидаги бор жаҳлини тўкиб солди-да, эзилган, ҳоли қолмаган кишидай жойига ўтирди. Энди ҳар қанча бақирмагин, ҳеч нарсани ўзгартириб бўлмайди.

– Менинг андам Жамуха бизлардан нимани талаб қилаётгани ҳаммангизга тушунарлими? Ё Дармалани бола-чақаси билан Жамуханинг қўлига топшириб, унга итоат қиламиз, ёки уруш. Танланглар.

– Урушни бизга ким қўйибди? – Даритой отчигин ўзидан аввал бошқа биров гапириб қўймасин, деган хавотирда шошилиб жавоб қилди. – Чўлоқ отли одам пойгани орзу қилмайди.

– Дармалани бериб юборамизми?



– Ўзингнинг тиниқ фикринг билан ҳам ўйласанг бўлади, Дармаланинг ҳаётини сақлаб қоламиз, деб биз урушда кўплаб яхши навкарларимиздан айриламиз. Уруш нима билан тугашини ким билади?

– Ҳўш. Сача беки, сен нима дейсан?

– Мен қуролимни ишга солишга ҳар доим тайёрман. Лекин юзлаб навкарларнинг биттаси бўлган Дармаланинг ҳаёти учун урушга киришни мен хоҳламайман.

– Бўпти, сен-чи, Бўри Бўга?..

– Тайчарни аллақачон ўлдириш керак эди. Менинг ўзим ҳам буни жон деб қилган бўлардим. Лекин нима учун бу ишни Дармала қилди? Тайчар аслзода эди. Дармала ким бўпти?

Каттакон қўлларини қорни устида қовуштириб ўтирган Дармала, унинг юзига айтилаётган гапларга ҳайрон бўлганича, нотикларга қараб ўтирарди. Қулоқлари ловуллар, япалоқ бурни устида тер томчилари ялтирарди. У айби нимада эканини ҳечам тушунолмасди. Аслида ҳам ҳеч қандай айби йўқ-ку, унинг. Дармала ҳар қандай навкар қилиши керак бўлган ишни қилди, холос. Лекин масалани қандай ҳал қилиш керак? Қариндошлари шўрпешана Дармалани ҳеч иккиланмай, Жамухага топшириб бўлса ҳам тинчликни сақлаб қолишни ўйлашпти. Улар, балки, ҳақдирлар. Жамуха билан урушиш хатарли. Унинг аскарлари кўркмас, уюшган, жангларда чиниққан. Уларга ҳатто қарши туриб ҳам бўлмас. Ҳа, нўёнлари рост гапиришди. Лекин бунинг бошқа тарафи ҳам бор-да. Хон улусидаги барчани, биттагина навкарини бўлса ҳам, душманлардан ва адолатсизликлардан ҳимоя қилиши керак. Дармала улусни босқинчилардан ҳимоя қилди, энди шу иши учун калласи кетиши керак. Бу адолатданми? Шундан кейин ким Темучиннинг ёнига кирарди? Ҳамма навкарлари ундан юз ўгиради, фақат қариндошлари билан ўзи ёлғиз қолади. Қай йўлни танлаш керак?

– Бовурчи, дўстим, мен бу ҳақдаги сенинг фикрингни билмоқчиман.

– Темучинхон, мен буни кейинроқ ўзингга айтсам...

Бовурчи қариндошлари қарорига қарши эканини, лекин улар билан баҳслашиб ўтиргиси йўқлигини Темучин тушунди. Балки ҳамма гапни аввал Бовурчи ва Жалма билан келишиб олиб, кейин нўёнларни чақириш керакмиди? Бу ҳазил иш эмас. Нотўғри биргина қадам ҳалокатли бўлиши мумкин. Бироқ йиғилишни тўхтатиб қўйиш ҳам осон эмас. Қариндошлари ўпқаланишади. Ҳозир уларни хафа қилиб бўлмайди – Жамуха томонига ўтиб кетишади.

– Бовурчи, вақтимиз жуда оз. Шу ердан тураётиб, нима қилишимизни яхши билиб кетишимиз керак. Мен ҳаммаларинг яна бир бор яхшилаб ўйлаб кўришларингни истардим...

Бовурчи Бўри Бўгага ўгирилди.

– Мен сенинг гапингни диққат қилиб эшитдим-у, лекин ақлим калталигидан яхши тушунмадим. Сен паст табақа Дармала аслзодани ўлдириди, деб айблаяпсанми? Сен Тайчар ўғрилигини эсингдан чиқариб қўйдингми? Бундан келиб чиқадики, қароқчини ўлдиришдан олдин, унинг зотини сўраб



олиш керак экан-да... Мен сенинг сўзингни ҳам эшитдим, Сача беки. Сен айтдингки, Дармаланинг ҳаёти учун урушиш нотўғри. Ахир, гап фақат Дармаланинг, оддий навкарнинг ҳаёти устида эмас-ку. Жамуха бизларнинг шаънимиз, ғуруримизни поймол қилиб, унга итоат қилишимизга мажбур қилмоқчи-ку. Болалигимда бувим айтардилар: ору номуси йўқ кишиларгина ору номус учун урушмайдилар...

– Ҳей, ҳей! – Пўписа қилиб қолди Сача беки. – Қўй думбасини ликиллатган каби тилингни ўйнатма!..

– Мен сени хафа қилмоқчи эмасдим, ботир Сача беки! Мен сенинг ўз шаънингни қандай ҳимоя қилишингни билганим учун ҳам, гапларингни тушунмадим... Мен, шунингдек, билағон Даритой отчигинни ҳам тушунолмадим. Сен, Жамуха билан урушадиган бўлсак, кўплаб навкарларимиз нобуд бўлади, деб кўрққанингдан Дармаланинг ўзини бериб қўя қолган яхши, дединг. Лекин бу подага ҳужум қилаётган бўри галасига қўзичоқни қурбон берганга ўхшайди. Қўзичоққа улар тўймайди, то ҳамма қўйларингнинг қорнини ёрмагунча, кетингдан ҳам қолмайди.

Темучиннинг ўзи ҳам бунчалик топиб гапиролмаган бўларди. Яшавор, Бовурчи!

– Сен ҳам гапир, Жалма.

– Темучинхон, сен овулларимизда ўзибўларчилик эмас, тартиб ҳукмрон бўлиши учун кўп ишлар қиялсан. Дармалани қурбон берадиган бўлсак, ўнг қўлимиз билан қилаётган ишни чап қўлимиз билан бузган бўламыз.

Ҳаммаси тўппа-тўғри. Дўстларидан бошқача гапни кутиш мумкин эмасди. Уларнинг гапи – навкарларнинг гапи. Навкарлардан эса ўз дўстлари бошига тушган адолатсизликка индамай ўтиришларини кутиш нотўғри бўларди. Лекин нима қилиш керак? Дармалани бериб юбориш тўғрисида-ку, гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Демак, уруш. У ҳолда қариндошларини қандай қилиб ушлаб қолади, Жамуха билан пинҳона тил бириктириб олмасликлари учун нима қилиш керак?

Ўтов ичи сукунатга чўмди. Ҳамма унинг нима дейишини кутиб ўтирарди. Бўрта юмшоқ чориқларини овоз чиқармай босганича секингина кириб, мойчироқни олиб чиқиб кетди-да, яна тезда қўлида ёниб турган чироқ билан қайтиб кирди. Ўтов унча қоронғи эмас эди-ю, аммо чироқ кирганидан кейин бирдан қоронғилашиб қолгандай туюлди.

– Темучин, Улуғ баҳодирни жуда узоқ куттириб қўймадингмикан? – деди астагина Бўрта.

– Баковулга айт, кечки овқатга энг яхши нарсалардан тайёрласин. Биз ҳозир тугатамыз.

Бўрта чиқиб кетди.

– Яқинроқ ўтиринглар, – деди Темучин. У қариндошларининг юзларини яқиндан кўрмоқчи эди. – Дармала, сен улусимни кўриқлаши жоиз бўлган ҳақиқий жангчининг ишини қилгансан. – У белидаги қиличини ечиб, унга узатди. – Ол. Бу билан менинг душманларимни маҳв этиб юргин.



Дармала оғир хўрсиниб қилишни олди, уни ярмигача қинидан чиқариб, тиғини кўксига босди.

– Темучинхон!.. Буюк ва адолатли хон!

– Бор, Дармала, ҳаётингдан хавотир олма. Сизларга эса, менинг улуғ қариндошларим, қарорим тушунарли бўлса керак. Мен бошқача йўл тутолмайман. Сиз менинг зиммамга ўзларингизни ҳимоя қилиш, тинчлигингиз ва хавфсизлигингизни таъминлашни юклагансиз. Ўтовларимизда осойишта қозон қайнаши йўлида мен Дармаланинг ҳам жонини аяб ўтирмасдим. Бироқ сизлар Жамухани яхши билмайсизлар. Агар у Дармаланинг қони билан қиличини қонга ботириб тинчийди, деб ўйласангиз, хато қиласиз. Ўзингиз ўйлаб кўринг. Тайчар билан ким азалдан ёқалашиб келади? Сен, Бўри Бўга. Дармала кимнинг хизматини қилади? Сенинг, Бўри Бўга. Демак, Дармаладан кейин у сенинг бошингни ҳам сўрайди. Шундаймасми?

Бўри Бўганинг пастки лаби осилиб тушди, митти кўзлари катталашиб, кўрқа-писа минғирлади:

– Ҳм-м, шунақа...

Сача беки унга нафратли нигоҳ ташлади.

– Ўйлаб жўжахўрозлик қилиш керак эди!

– Биз Жамухага Бўри Бўгани ҳам топширамиз. Ундан кейин навбат кимга келади? – Темучин нигоҳини Сача бекида тўхтатди.

– Мен Тайчар билан ҳам, Жамуха билан ҳам урушмаганман, – деди у.

– Лекин, Жамуханинг фикрича, Ўлтон билан Хучар бизларнинг орамизни бузишга сабаб бўлишган, шундайми? Жамуха кўчиб кетаётганида, у билан бирга кетдинглар-да, кейин уни алдаган бўлиб, орқаларингга қайтиб келдинглар. Буларни у унутиб юборган, деб ўйлаясизларми? Найзасини биринчи бўлиб кимнинг бўйнига санчиши мумкин? Хучарними, Ўлтонними? Балки сени мўлжалга олар, Сача беки?

– У ҳали менгача етиб олсин! – деди кулимсираб Сача беки.

Лекин бу кулги Сача бекининг кўнглида пайдо бўлган ғашликни Темучиннинг назаридан яширолмади. Мақтаниб, ботирлик қияпти-ю, аммо ўзи яхши сезиб турибди: Жамуханинг қўлига тушиб қолгудай бўлса, уни алдагани учун ҳам, Темучинни хон қилиб кўтаришга рози бўлганлари учун ҳам калласини олади.

– Мен сизларга ҳам хонман, ҳам кичик қариндошингизман. Шундай экан, мен сизларнинг бошларингизга энг яқин дўстим ва андам томонидан ёприлиб келаётган балоларга индамай тураверишим керакми?

– Чиндан ҳам сенинг ақлингни осмоннинг ўзи бошқаради! – хитоб қилди Даритой отчигин. – Биз елкама-елка туриб душманни даф қилишимиз керак!

– Қани, бошини суқиб кўрсин-чи, бу ерларга! – тўнғиллади Бўри Бўга.

Сача беки жим эди.

– Одамларингиз, отларингиз ва қуролларингизни ҳозирлашга тушинг... Ҳозир эса бу ерга Улуғ баҳодир келади. Базм қиламиз. Гина-кудуратларни йиғиштиринг!

Лекин базм барибир қувноқ ўтмади. Фикру зикри эртанги кун ташвишлари билан банд бўлган нўёнлар унча очилолмадилар. Кекса Улуғ баҳодир ва унинг етти нафар ўғли бу ерда бир гап борлигини дарҳол тушуниб, бир-бирларига қараб олишди. Нимани ўйлашган экан? Балки уларнинг келишларидан бу ердагилар хурсанд эмас, деб хулоса чиқаргандирлар?

Темучин чўнўс қабиласи нўёнидан ҳеч нарсани яширмасликка қарор қилди. – Донишманд Улуғ баҳодир, бугун бизга оғир кун бўлди...

У Тайчарнинг ўлдирилиши, Жамуханинг Дармалани беришни талаб қилаётганини гапириб берди. Чол бу гапларга ҳеч нима демади-ю, аммо шу гапдан кейин очилиб гаплаша бошлади. Темучин унинг гапларидан тойчуют татарлар билан ярашмоқчи бўлиб иш олиб боришаётганини билиб олди. Чўнўс қабиласининг кўпгина яхши одамлари ўша татарлар қўлида ўлдирилгани учун ҳам, улар бундан буён тойчуютлар билан яшамасликка қарор қилишибди. Шомон Таб тангри уларга Темучин хонга яқинроқ бўлаверинглар, у татарлар билан ҳеч қачон яқин бўлмайди, дебди.

– У тўғри айтибди. Татарлар менинг отамни ўлдиришган. Олтинхонга Сача бекининг буваси Оқин Бархакни тутиб беришган. Омбахой хонни ҳам...
– Хабарим бор...

Темучин Улуғ баҳодир унинг одамларини ҳам ўз улусига қўшишни илтимос қилади, деб кутди. Лекин қария ҳеч нима демади.

Эрталаб ҳамма қариндошлар, дўстлари ва Улуғ баҳодир яна Темучиннинг ўтовида тўпланишди. Улуғ баҳодир остонада бироз ушланиб, йиғилганларга қараб турди.

– Мен сал кейинроқ келсаммикин? – деб сўради.

– Нимага энди! Сен бизнинг дўстимизсан, дўстлардан сир тутадиган нарсалар ҳам бўладими?

Бовурчи Қурухни бошлаб кирди. Унга жавоб беришдан олдин Темучин яна бир бор қариндошларига мурожаат қилди.

– Ораларингизда мендан бошқача қарорга келган одам борми? Йўқ. Эслаб қол, Қурух... – Темучин бошини эгиб, ерга қараганича секин ва паст овозда сўзлай кетди: – Менинг андам Жамуха, осмон кўриб турибди, сенинг қалбингни эзган ғам, менинг қалбимини ҳам эзган. Дилингдаги укангнинг қотилига бўлган нафратни тушунмаслигим мумкинми? Лекин, менинг бебаҳо биродарим, ақли зукко биродарим, нима воқеа юз берганини ўзинг яхшилаб ўйлаб кўр. Арава ғилдираги сенинг оёғингни босиб ўтса, ким айбдор бўлади? Аравами, ҳўкизми ёки ҳўкизни етаклаб кетаётган одамми? – Темучин бошини кўтарди, Қурухнинг таранг тортилган асабий нигоҳини илиб олди. – Ҳўкиз ҳам, арава ҳам ва уни етакловчи ҳам айбдор эмас. Ўзинг айбдорсан. Йўл устида оғзингни очиб турмагин-да! Уканг Тайчар нима излаган бўлса, ўшани топди. Шундай экан, яна нима истайсан, андам Жамуха?

Қурух тили билан лабини ялаб қўйди.

– Темучинхон, сен ўз бўйнингга сиртмоқ соляпсан!

– Ҳаммамизнинг устимизда осмон иродаси ҳукмрон. Сен менинг бўйним ташвишини қилмай қўя қол. Жўнайвер. Сенга от, йўлга етарли қурут ва бир меш қимиз беришади.



— Курух таъзим қилганича орқасига тисарилди. Темучин кўкрагини тўлдириб чуқур нафас олди-да, бир нафасда чиқариб ташлади. Пуф-ф-ф! Бўлди! Орқага йўл йўқ...

— Улуғ баҳодир, сенинг кўзларинг кўп нарсаларни кўрган, менга айт-чи, мен тўғри қиялманми?

— Қуршов овида сен бизларга жуда кўп ўлжалар бериб сийладинг. Мен ўшанда ўйловдим, Есугайнинг ўғли сахийликда мен таниган ҳамма одамлардан ҳам устун экан, деб. Ҳозир бўлса, сен ҳеч иккиланмай ўз кўксингни оддий навқарингга қалқон қилиб турибсан. Мен сенинг очиқ кўнгил ва мардлигингни кўриб турибман. Ва яна айтаманки, сенга эргашганлар чинданам бахтли одамлардир. Менинг қабилам, хон Темучин, сени қўллаб-қувватлашга тайёр.

— Бу гаплар Темучин кутган гаплар эмас эди. Ҳар қалай, Улуғ баҳодир ўз мустақиллигини сақлаб қолишни афзал кўрди. Лекин муҳими у кетиб қолмайди ва унинг жангчилари ҳам Жамухага қарши жангда иштирок этишади. Ҳозирча шу ҳам етарли.

— Хавотир ва ташвишларга тўла кунлар бошланди. Темучин эрталабдан то кеч оқшомгача отдан тушмас, ўрамларни айланиб, жангчиларнинг қурол-аслаҳаларини кўздан кечирарди. Ҳафсаласизларни қаттиқ койир, қуроллардаги энг майда камчиликлар учун ҳам уялтирар, нўёнларга талабни кучайтирарди. Кечқурун ўтовига келган олғинчиларнинг маълумотларини тинглар эди. Жамуханинг овуллари нозорат қилиш, тойчуютлар ўрамларидан ҳам кўз узмаслик, татарлар томондан ҳам назарни қочирмаслик керак эди. Устига-устак, ўзининг беқарор қариндошларидан ҳам эҳтиёт бўлиб туриш керак. Туну кун ўз олдида қуролланган энг илғор жангчилар ва эгарлоғлиқ отлардан иборат бир кичик қўшинни ушлаб турарди. Улар бирон-бир нўён билдирмасдан кўчадиган бўлса, қочқинларнинг йўлларини тўсиш ва мунофиқ нўённи Темучиннинг ҳузурига олиб келишлари керак. Душман ҳужум қилмагунича, у қариндошларининг кетиб қолишларига йўл қўймаслиги керак. Лекин ҳамма жангчиларни урушга ташлашга тўғри келиб қолса, нима бўлади?

— Улус ишларини тартибга келтириш билан машғул бўлган Бовурчи билан Жалма унинг номидан ўрамдан-ўрамга ўтиб, аскар, қурол ва отлар талаб қилиб, нўёнлар тинчини бузишарди. Лекин қариндошлари Темучиннинг ўзи уришса, имиллаш ва беғамликда айбласа, индамай турсалар ҳам, унинг дўстларига келганда чидашолмади.

— Биринчи бўлиб Сача беки қарши чиқди.

— Улар ким бўлибдики, менга буйруқ беришади?

— Сен уларга ишонасан-у, бизларга ишонмасдан камситяпсан! – унга қўшилишди Ўлтон.

— Сизлар мени хон қилиб кўтардингиз ва менинг зиммамга мулкларимизни муҳофаза қилиш юкини ортмоқладингиз. Ўзларингиз куйиб-ёниб менга кўмаклашмасаларингиз, унинг устига менинг ёнимда ишончли ёрдамчиларим бўлишини ҳам хоҳламасаларингиз мен сизларни ва мол-қо-



лингизни қандай ҳимоя қила оламан? – Темучиннинг мўйлови диккайиб, кўзлари совуқ чақнаб кетди.

Унга жавобан Сача беки қизиққонлик билан бақирди:

– Биз бола эмасмиз! Биз қўлида қурол ушлолмайдиган хотинлар ҳам эмасмиз! Биз ўзимизни ҳимоя қила оламиз!

Шу кунгача қийин пайт келганда қариндошлари ичган қасамларини ҳам унутиб, ундан юз ўгиришади, деб гумонсираб юрган бўлса, шу онда бу гумони қатъий ишончга айланди – сотиб кетишади. Уларни бу жирканч, ҳалокатли ва шармандали йўлдан ушлаб қоладиган жилов қаерда экан? «Биз бола эмасмиз. Биз хотин эмасмиз...» Сача бекининг бу гаплари нима учундир Темучиннинг миясига чуқур ўрнашиб қолди. Гоҳи-гоҳида бу гапларни ўзича такрорлаб қўяр ва Сача беки шу сўзларни айтаётган пайтида туйқус хаёлига келган ва нимагадир чалғиганлигидан эслаб қололмаган яширин бир фикрни илиб олишга ҳаракат қиларди.

У Бовурчи ва Жалмалар билан келишиб, аввал ҳам синаб кўрган усул билан бу қайсар ва такаббур нўёнларнинг попугини пасайтириб қўйишга қарор қилди. Жалма, гўёки, Жамуханинг жангчилари бўлиб, Бўри Бўганинг ўрамига ҳужум уюштирди. Улар сал бўлмаса нўённинг ўтовига ҳам босқин қилишгача боришди. Бу ҳақдаги хавотирли миш-мишлар улус орасига тарқалиб, бошқа нўёнларни ҳам ташвишлантириб қўйди. Аммо бу кўркүв Темучиннинг зиёнига ишлаб қолишига бир баҳя қолди. Унга нўёнлар очиқчасига бошлари оққан томонга – ким тойчуют, ким Туғул томонга, яна бошқалари Жамуханинг улусига кетиб қолишмоқчи эмиш, деган гапни етказишди. У нўёнларни шошилишча ўтовига тўплаб, тинчлантира бошлади.

– Сенинг гапларинг яхши, – дўриллади Бўри Бўга, – аммо яхши гапларингни душманга қалқон қилиб бўлмайди. Оз бўлмаса хотиним ва болаларимни олиб кетиб қолишарди.

– Хотин, болаларимни дейсанми? – сўради у деярли хурсанд оҳангда. Анчадан бери учини тополмай келаётган калаваси ҳозиргина унинг қўлига тушган эди. Бу жуда оддий, худди лой ерга ботирилган от туёғининг изига ўхшаш, аниқ фикр. – Мен ҳаммаларингизнинг хотин ва болаларингизни менинг ўрамимга олиб келишларингни буюраман. Улар менинг олдимда хавф-хатардан холи бўлишади.

Шу тариқа қариндошларининг оилалари унинг қўлида гаров бўлиб қолишди. Мана энди нўёнлар ундан қочиб кетиш ва кутилаётган урушга чап беришолмайди. Шунга ҳам қарамай, уларнинг норозиликлари ортса ортдики, камаймади. Фақат Сача бекининг оналари бундан ўзларича маза қилишди – энди маза қилиб ғийбатлашиш учун ўрамдан-ўрамга изғиб юришга ҳожат қолмади.

Тойчуют тарафдан Човурхон Субутой от чоптириб келиб қолди.

– Тарғутой Жамуха билан бирга Темучинга қарши юриш қилишга рози бўлибди. Овчи баҳодир, уруд қабиласи нўёни Жарчи ва манғит уруғи нўёни Хулдорлар йўлга чиқиб бўлишибди. Бир неча кундан кейин улар Жамуханинг навкарлари билан бирлашишар экан.



- Овчи баҳодир, Жарчи ва Хулдорларнинг одамлари қанча экан?
- Жуда кўп, хон. Бизлардан кўп. – Субутой қалин қошларини уйиб олди. Шунда унинг навқирон юзи худди унинг баджаҳл отаси Жарчитойникига ўхшаб кетди.
- Жамухада ҳам кўп. Менинг ҳар бир жангчимга уларнинг учтаси тўғри келади.
- Шомон Таб тангри сенга Тўғулдан ёрдам сўрашни маслаҳат қилди.
- Жамуха шуни кутиб ўтирибди. У бизларни йўл ярмида кутиб олиб, ўзига қулай бўлган жойда урушга чақиради. Бундан у, албатта, ютади.
- Нима қиламиз, хон?
- Урушамиз, Субутой. Лекин жанг жойини андам эмас, мен танлайман. Қолгани осмоннинг иродасига боғлиқ. Мен эса Таб тангри тойчуютни бу ишга кўнмасликка мажбур қила олади, деб умид қилган эдим.
- Шомон бекор ўтиргани йўқ. Аммо Тарғутойнинг сенга бўлган нафратининг ҳам чеки йўқ-да.

VII

- Сенинг анданг аҳмоқ! – деди ғижиниб Овчи баҳодир.
- Жамуха билан Овчи баҳодирга қотма, бургутбурун Жарчи ва унинг дўсти ҳамда андаси бўлган, оёқлари калта, полвонсифат Хулдорлар ҳамроҳлик қилишарди. Ҳаммалари баланд тепалик устига чиқиб, отларини тўхтатдилар.
- Тепалик ортида Далан балжут дараси ястанган. Даранинг ўртасидаги текислик хилгана, шувоқ ва чалов билан қопланган. Текисликнинг чап тарафига тош қояли тоғлар тикилиб турар, ўнгда эса қалин буталар билан кўздан пана бўлиб, Ўнўн сувлари оқади. Узоқроқда дарё шундоққина тоғларнинг остидан ўтар, тик қоялар эса сувдан бўй кўрсатиб турарди. Даранинг тоғларга туташиб кетган еридаги текисликда Темучиннинг жанговор сафга тизилган аскарлари турибди.
- Жамуха Далан балжут дарасида бир неча марта бўлган. Шунинг учун ҳам олғинчилар келиб, Темучин Жайрон дарага кираверишда кутиб турганини айтишганида ишонқирамади. Андаси ўзи қопқонга тушиб қолибди-ку. Унинг жангчилари ҳеч қаерга кетишолмайди. Бир ёни тоғларга, бир ёни дарёга тақалиб қолган жангчилар қириб ташланади. Овчи баҳодир ҳам шуни ўйлаган бўлса керак.
- Аҳмоқ, сенинг анданг аҳмоқ, – қайтарди бояги гапини Овчи баҳодир ва ўз аскарлари томонга от чоптириб кетди.
- Унинг кетидан Жарчи билан Хулдорлар ҳам кетишди. Жангчилар қирғоққа яқин тортилиб келиб, учта алоҳида тўдага ажралишди. Урудлар билан манғитлар тойчуютдан алоҳида сафланишди. Жўжиротлар эса ўзлари алоҳида саф тортишди. Қуёш заволга келиб, тоғнинг қўланкаси текисликка чўзила бошлади. Темучин хонлигининг сўнгги куни ниҳоясига етмоқда эди. Ҳали қуёш тоғ орқасига ўтиб улгурмасидан, Темучин яксон қилинади. Андаси шуни тушунаптимикин? Ҳозир нимани ўйлаётган, нимадан умид қилаётган экан?

Жамуха бор диққатини тўплаб, чавандозлар сафларини кузатиб чиқди. Бу манзарини у қаердадир кўргандек туюлди. Эслай бошлади. Саробга ўхшаш ола-чипор хотирасида бир кўриниш элас-элас қад ростлади. У бир арава устида туриб, байрамона кийинган одамлар боши узра узоқдаги майдонга назарини тиккан. У ерда, жангга отилишга шай тургандай, чавандозлар туришарди. Уларнинг орасида алвонранг тўн кийган Темучин ҳам бор... Ўшанда андаси, деярли, пойга ғолиби бўлган. Кейин Тарғутой унинг отини тортиб олиб қўйганди. Темучин қутурган қўйи навкарларнинг қўлида бақирарди. Жамуха ўз дўсти билан ёнма-ён туриб ўлишга ҳам тайёр бўлиб, унинг ёнига югурганди... У вақтда иккалови ҳам ҳали ёш ўспирин, ўзларини ҳимоя қилолмайдиган кучсиз йигитчалар эдилар...

У аскарлари олдига тушиб келиб, Қурух билан Мубарахни чақирди.

– Ҳаммаси тайёрми?

– Бошласак бўлаверади.

Яна бир бор қуёшга қараб олиб, отидан тушди.

– Отларни эгардан бўшатинглар. Тонгни кутамиз.

Аскарлар орасида қувноқ ғала-ғовур кўтарилди. Улар терлаб кетган отлари устидан эгарларини ечиб, ерга наमतларни ёза бошладилар. Бу қарори билан Жамуха уларнинг кўпчилигини ва улар қатори андасининг ҳам умрини бироз муддатга узайтирди.

У эгнидаги қурол-аслаҳалари ва гутулини ечиб ташлаб, руҳан ва жисман анча энгиллашиб олди.

Овчи баҳодир билан Жарчи, Хулдорлар келишди. Овчи баҳодир ҳайрон эди.

– Мен сени тушунмадим, Жамуха!

– Биз эрта саҳардан бери йўлдамиз. Одамлар ҳам, отлар ҳам чарчаган. Дам оламиз...

– Қуршов ҳалқаси ичида ухлаган одамни кўрганмисан? Балки, сен андангнинг қочиб қолишини кутаётгандирсан?

– Қаерга?

– Қўлингда тўрғайни тутиб турган бўлсанг, бармоқларингни очмагин-да! Жарчи, Хулдор, жангчиларингизни сафланг. Ўзимиз уддалаймиз!

– Бизнинг ҳам одамларимиз, отларимиз чарчаган, шавкатли Овчи баҳодир, – деди итоаткорона, лекин пинҳона ўжарлик билан Хулдор.

Овчи баҳодир индамай отининг бошини бурди-да, жангчилари олдига кетди. Хулдор билан Жарчи отдан тушдилар. Жамуха яланг оёқлари билан қаттиқ майса устида қадам ташлар экан, унинг хуш ёқувчи салқинлигидан маза қилиб:

– Овчи баҳодир қизиққон одам, – деб қўйди.

Хулдор бош чайқади.

– У қизиққон эмас. Темучин бир вақтлар, агар Овчи баҳодир қўлига тушса, ёввойи отнинг думига боғлаб сазойи қилишга қасам ичгани ҳақида гаплар тарқалган. У сенинг андангни бу шарафдан озод қилишга шошиляпти. Тўғри айтяпманми, Жарчи?



– Тўғри. У Темучиндан қўрқади. Токи Темучин тирик экан, на у ва на Тарғутойнинг уйқуларида ҳаловат бўлади.

– Сизлар қўрқмайсизларми?

– У бизларга ҳеч қандай ёмонлик қилмаган.

– Улгурмаган-да. У бизлар учун хавfli одам. Қадимги одатларимизни менсимаяпти, қочоқ навкарларни ўз ҳимоясига оляпти, қотилларга ҳомийлик қияпти, ўзини ҳаммадан баланд тутяпти!

Жамуха ўз жаҳлини қўзғаб, юрагида узоқ йиллар яшаб келган хиёнат-корона дўстлик хотирасини ўчириб юбормоқчи, нўёнларга эса ўз қабила-ларнинг эркин яшашлари ҳақидаги фикрларини сингдирмоқчи, уларни тенглик ва биродарликка чорламоқчи бўларди. Лекин улар Жамуханинг гапини бепарво, аммо диққат билан тинглаётгандай бўлиб эшитишар ва барибир ўзларини масофада тутиб туришда давом этардилар.

– Ким тўғри иш қияпти-ю, ким нотўғри иш қилаётганини тушуниб олиш осон эмас, – деди Хулдор. – Балки Темучин қадим одатларни менсимас ҳам. Ким амал қияпти? Сен азалий урф-одатларга риоя қилаётган одамни танийсанми, андам Жарчи?

Жарчи ердан бир тошчани олиб, чаловнинг қуруқ танасини мўлжалга олиб отди. Шох синди. Унинг юзида бефарқлик ифодаси акс этарди.

– Танимайман, Хулдор. Ўзи йўқ нарса ҳақида ҳар доим кўп гапиришади.

– Эҳ, сизлар... Сахрога қаранглар. Куз – ўтлар қуриб, сўлияпти. Қишда қор босади. Баҳорда янги майсалар унади. Йилдан-йил шундай давом этаверади. Сахро бу ўзгаришларни бошидан ўтказаверади-ю, аммо ота-боболаримиз даврида қандай бўлган бўлса, ўша сахролигича қолади. Одамларнинг ҳаёти ҳам шунга ўхшаб, алмашилиб турса ҳам, ўзгармасдан қолиши керак. Бу мангу осмон ўрнатган тартиб. Ҳаёт тарзини ўзгартирадиган бўлсак, ҳар бир ўтовга ҳалокат кириб келади. Шунини тушуниш қийинми? Тушунган бўлсанг, доно ота-боболаримиз тартибга солиб кетган одатларни бузмоқчи бўлганларга индамай қараб туриш мумкинми?

– Сен тушунасан-у, Темучин тушунмайди. Лекин у сенинг устингга қўшин тортиб келаётгани йўқ. Нимагадир мен тутинган ака-укаларнинг бир-бирлари билан уруш қилишларини қўллаб-қувватловчи бирон-бир урф-одат ҳақида эшитмаган эканман. Балки сен эшитгандирсан, Жарчи андам?

– Эшитмаганман, Хулдор.

Бу суҳбатдан Жамуха зерикди.

– Овчи баҳодирни чақиринглар, архи ичамиз.

У Темучиннинг устига қўшин тортяпти... Бу ишнинг оқибати қанчалик ёмонлигини ўзи ҳам билади. Лекин нима қилсин? Бошқа қай йўл билан андасининг ақлини киргизиб қўйиш мумкин? Бу ҳақда ўйлашга энди кеч... Ҳеч нарсани ўйламаслик керак.

Аммо нўёнлар тўпланишганда, у барибир, Хулдорнинг гапига жавоб қайтарди.

– Мен уруш қилгани эмас, укамнинг қотилидан қасос олиш учун келдим. Қотилни менга топширса, Темучин билан шароб ичишим мумкин.

Овчи баҳодир унга шубҳали назар ташлади. Эндигина бўшатаёзган белбоғини қайта тортиб, Жамухага ишонмаётгани, ундан хавотирда эканини кўрсатиб қўйган бўлди. Овқат пайтида Овчи баҳодир жим ўтирди. Ичса ҳам, еса ҳам, кўнгли тортмаган ишни қилиб ўтиргандек, тезроқ бу ердан нари кетгиси келгандек ўтирди. Бироқ сал кайфи ошгач, аста-секин гапга араллашиб кетди. Аммо унинг гаплари зардали, ғазабли эди.

– Сен, Жамуха, илдизи чириган қарағайга ўхшайсан. Сенинг ёнингда туриб бўлмайди – қачон, қайси тарафга ағанашигни билиш қийин.

Жамуха маст бўлмаган, хушёр ўтирар, лекин бутун вужудида оғир чарчоқ ҳис қилганидан, баҳслашгиси келмади. Аммо Овчи баҳодир қизишиб кетган, ҳеч уни тинч қўйгиси йўқ эди.

– Сен бизлардан ёрдам сўрадинг. Биз келдик. Хўш, нимани кўряпман? Урушгинг келмаяпти. – Жиғига тегди: – Темучин билан шароб ичаманмиш... Шаробни кўтарарсан ҳам, аммо лабингга ҳам теккизолмайсан, қўлингдан уриб туширамиз...

– Сен менинг меҳмонимсан. Сенга ҳамма нарса мумкин. Лекин пўписа қилишнинг нима кераги бор? Мени ҳеч ким кўрқита олмаган. Сенинг пўписаларинг эса қуп-қуруқ сафсата.

– Қуп-қуруқ? Сен менинг гапларимни зағизғоннинг чиғиллаши, деб қабул қиляпсан, шекилли?

– Йўқ, Овчи баҳодир, зағизғоннинг чиғиллаши эмас-у, аммо бургутнинг кичқириси ҳам эмас.

– Ўзингни жуда баланд олма! Темучиндан фарқинг унча катта эмас.

– Аччиқ гаплар шаробнинг мазасини бузади, – деди Хулдор.

– Сен умуман жим ўтир! Жарчи икковинг жуда ақлли бўлиб кетибсанлар. Шошмай турларинг, ҳаммангга қўлимиз етади. Менинг хўжайиним Тарғу-тойнинг қуёши сўниб қолди, деган одам ғирт аҳмоқ. У эндигина кўтарилиб келяпти.

Ҳамма ўнғайсиз сукутга тушди.

– Ишонмайсизларми? Биз татарлар билан умрбод тинчликка келишяпмиз. Шуни удда қилиб олсак, Темучин бизга нима бўлибди? Тфу! Ўзбошимчаларнинг жойини кўрсатиб қўямиз.

Жамуха татарлар билан тойчуютларнинг музокаралари ҳақида биринчи бор эшитмаётган эди. Лекин бунга ишонмаганди. Бу икки қабилани ажратиб турган қон дарёсини кечиш мумкин эмасдай эди гўё. Лекин келишишибди. Бунинг тагида нима сир бор экан? Билиб олиш қийин эмас: татарларнинг кўмаги билан янги ҳукмдор бош кўтаради – қорни катта Тарғу-той. Яшашни хоҳласанг – унга тиз чўкасан.

Жамуха Овчи баҳодирга ёвқараш қилди, Жарчи ва Хулдорларни ҳам назаридан ўтказди. Бу иккови шаробни майдалаб симириб, татарлар билан ҳеч ишлари йўқ одамлардай, ўзларининг гапларидан гаплашиб ўтиришибди. На Темучин, на Тарғутой, на ўз қабилаларининг эрки билан ишлари ҳам йўқ. Ҳаммасига шуларга ўхшаган қулларга хос қурушқоқ қалбли нўёнлар айбдор. Хучар, Сача беки, Ўлтон ўзларининг қулларча итоаткорликлари би-



лан Темучиннинг хошишларига куч бердилар, ўз қўллари билан елкаларига ўтказиб қўйдилар. Ит эгасиз яшай олмаганидек, улар ҳам хўжайинларисиз яшолмайдилар. Биттасидан қочиб, думларини сиқиб олганча, бошқасидан паноҳ топишади. Нимага? Кўзи кўр чол Улуғ баҳодир нима учун Қирилдукдан қочиб, Темучиннинг ёнига кириб олди? Ахир, бир ўзи кўчманчилик қилса ёки Жамуханинг ёнида яшаса ҳам бўларди-ку? Йўқ, бошқаларнинг арава-сига қўшилиб олиш керак...

– Овчи баҳодирни кузатиб қўйинглар... Ётиб дам олиши керак...

– Мен ўзим кетаман. Ўзим! – Овчи баҳодир мастларча жасорат билан ўр-нидан чайқалиб турди, оёқларини баланд кўтариб, қақдини тиклади-да, ўз қўналғасига қараб кетди.

Жарчи ва Хулдор ҳам унинг орқасидан кулиб қарашганча, жўнаб қол-дилар.

Дарага тун чўкди. Темучин турган у тарафда жимлик, худди бўрининг кўзига ўхшаш кичкинагина олов шуъласи милтирайди. Жамуха ётиб, тўни билан бошигача бурканиб олди. Бироқ хаёллари уни ухлатмасди. Темучинни эртага йўқ қилади. У урушда ё ўлдирилади ёки қўллари боғланиб, Тарғутой овулига жўнатилади. Ўзи эса яна бир қийин муаммо, ташвиш рўпарасида қолади. Нима қилса Тарғутойнинг кучайиб кетишининг олди-ни олиш мумкин?

Тонгда қалбидаги алланечук иккиланиш изтироби билан ўрнидан турди. Улардан халос бўлиш учун от чоптириб юрди. Кечки ичкиликдан қовоқлари осилиб тушган Овчи баҳодир аскарларини жойлаштирар экан, ақли калта-лигидан ҳаммага бақирар, шошилтирар, бўлар-бўлмас фармойишлар бериб, одамларини каловлантирар эди. Бир амаллаб саф тортиб бўлишгач, Жамуха тепаликка кўтарилди.

Темучиннинг қўшини жойидан жилмагандек. Оралиқдаги шувоқлар орасида қозикчаларга ўхшаб турган юмронқозиклар тонготар пайтидаги хуштакбозликларини бошлашган. Жамуха ниманидир нотўғри ва ноўрин қилаётганини сезиб турар ва бу сезги унинг қалбида борган сари кучаярди. Лекин хаёлига бошқа бирон аниқ фикр ҳам келмасди.

Пастдаги қўшин ёй шаклида саф тортган. Марказда тойчуютлар, ўнг қанотда уруд ва манғитлар. Чапда эса ўзининг жўжиротлари жойлашган. Ёй эгик тарафлари билан Темучин тарафга қаратилган. Мўлжал оддий – андасини ҳар икки тарафдан ўраб, тоғ бағрига сиқиб қўйиш. Аммо дарё билан тоғ орасидаги ялангликни чамалаб кўриб, қуршов учун майдон торлик қилишини тушунди. Бўлмади. Тикка боришга тўғри келади. Бундай қилинганда эса одамларининг кўплиги ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмай қолади. Темучин Овчи баҳодир айтганидай аҳмоқ эмас экан. Андасининг яна бир кўринмас устунлиги бор. Бу жойни танлар экан, у ўз қўшинини орқага қочиш имконидан тўсиб қўйган. Аскарлар охириги нафасларигача жанг қилишга мажбурлар. Йўқ, андаси аҳмоқ эмас, мутлақо аҳмоқ эмас!

У сафни бошқача қилиб ўрнаштирмоқчи эди. Аммо Овчи баҳодир сабр-сизлик билан унга қараб келаётганини кўргач, қўлини баланд кўтариб, ши-

тоб билан туширди. Саф ҳаракатга келди, юзлаб туёқлар ялангликдаги майсаларни топтаб, олға силжиб кетди. Овчи баҳодир сўкинганча отини орқага буриб, тойчуютига етиб олиш учун от чоптирди. Жамуха миниб олган Халиун оти ҳам жировни бўшатишни сўраб бошини сараклатарди. Лекин у жировни қўйиб юбормади.

Кутганидек тобора тоғ ва дарё билан сиқилиб, торайиб бораётган саф тез орада бузилиб, бўкириб-ҳайқириб ётган тўдага айланди-қолди. Урудлар ва манғитлар орқада қолиб, отларини секинлатдилар. Тойчуют билан жўжиротлар Темучин жангчилари билан тўқнашган пайтда эса улар бутунлай тўхтаб қолишди.

Жамуха уларнинг олдига учиб келди.

– Нима бўлди?

– У ёқда оёқ босишга жой йўқ. Кутиб турайлик, тўданинг ораси очилгандан кейин илгари юрармиз. – Чакадор Хулдор дўстона кулиб қўйди.

– Урукшо! Олға! – бақирди Жамуха.

– Битта ўрдакка учта қирғий чанг солмайди. Мен бунақасини кўрмаганман. Балки сен кўргандирсан, андам Жарчи?

– Тўғри келмаган, Хулдор.

Жамуханинг жон-пони чиқиб кетди. У қўлини қиличига юборган эди, Жарчининг чайир қўллари унинг биллагидан ушлаб қолди.

– Э-э, бизлар билан бунақа ҳазиллашма. Бу бизга ёқмайди.

– Бизлар эркин нўёнлар каби бўлмоқчимиз! – кулди Хулдор.

Жамуха қутургандек жировни силтади-да, ўз аскарлари олдига учди. Дарани уруш шовқини тутиб кетганди. Темучиннинг жангчилари мардонатор ҳимояланар экан, орқага, дара бурчига қараб силжирдилар. Бирданига ҳаммалари бараварига отларини орқага буриб, қоронғилашиб турган дара оғзига кирганча, кўздан ғойиб бўлишди. Дарҳол уларни таъқиб қила бошлашди. Аммо озгина ҳам юриб улгурмасларидан, Темучиннинг отлиқлари кириб кетган дара оғзидан ўқлар ёмғири ёғилди. Тойчуют билан ўзининг жўжиротлари жуда кўп одам йўқотиб, орқага кечинди.

– Қаёққа?! – бақирди Овчи баҳодир.

У қиличини сермаганча ўша ёққа қараб кетди. Тагидаги оти кулади. Овчи баҳодир ҳам боши билан умбалоқ ошиб думалади. Ўрнидан туриб, тупурганича орқасига қараб чопди. Унга бошқа от тутқазишди. Овчи баҳодир отга миниб, дара томонга қараб мушти билан пўписа қилиб қўйди.

– Хув-в, лаънати машак! Сенга кўрсатиб қўяман!

Тартибсизлик бошланди. Жамуха кўрдик, яхшигина юзта мерган дара кираверишига ўрнашиб олиб, душманнинг бир туман жангчисини ер тишлатиши мумкин. Хулдор билан Жарчига одам юборди.

– Сизлар бошқаларнинг орқасида туриб, дам олиб ўтирдингиз. Энди сизларнинг навбатингиз. Дарага ёриб кирасизлар.

Хулдор ўткир қиррали қорамтир қояларга, ер билан битта бўлиб ётган жангчилар жасадига қараб турди-да, бошини чайқади.



– Агар тоғ эчкиси бўлганимда – тепадан борардим, ола сичқон бўлсам эди, пастдан эмаклаб кирган бўлардим. Лекин мен эчки ҳам, сичқон ҳам эмасман. Тўғрими, Жарчи андам?

– Тўғри, Хулдор. Ким қотилнинг қонига ўч бўлса, у ўзиникини ҳам аямайди.

Нўёнларнинг бу масхараомуз ва бамайлихотир гап ўйинлари Жамухани қутуртирарди. Уларга ҳеч нарса керакмас, ҳеч нарсани ўйлашни ишташмайди, урушишни ҳам хоҳлашмаяпти.

– Сизлар олдинда борасизлар!

– Овчи баҳодир, бизга сен бошлиқ эмасмисан? – деди Хулдор.

– Нега мен бошлиқ бўлмас эканман?

– Жамуха бўлса бу ерда ўзим бошлиқман, деб юрибди. Сенинг устингдан ҳам.

– Сен бекорга бунақа ўйлабсан, Жамуха. Бекорчи бақиришларингни ҳам йиғиштир.

– Мен жим тураман. Кўрамиз, Темучинни қандай қўлга олар экансизлар.

– Оламиз. Дарадан чиқиб кетишнинг иложи йўқ. У инига бекиниб олган тулки ҳолатида турибди. Тутатиб бўлса ҳам оламиз. Сенсиз ҳам эплеймиз!

Жамуха энди тушунди нимани нотўғри қилаётганини. Темучинни олиб ташламоқчи-ю, аммо бу билан Тарғутойнинг кўтарилишига йўл очаётган экан. Ҳали андаси қўлга олингани йўғ-у, Овчи баҳодир ҳалитдан ғолибликни Жамуха билан бўлишгиси келмай, уни четга суряпти.

Жангчилар асир олинганларни бир жойга тўплашётган эди. Темучиннинг пиёда жангчилари унинг олдидан бошларини эгиб ўтишар экан, Жамуха уларнинг кўпчилигини таниди. Унга кўзлари тушиши билан уларнинг жаҳллари чиқар, юзларини ўгиришарди. Уларнинг орасида чўнўс қабиласининг нўёни Улуғ баҳодир ҳам бор. У қўлидан яраланган бўлиб, жароҳатини кўксига босганча борар, унинг орқасидан эса битта арқонга боғланган етти нафар ўғли ҳам судралиб келишарди.

Жамуха ҳайқириб юборди.

– Қўлга тушдингми, аҳмоқ чол! Темучиннинг сени ҳимоя қилолдимми?

Улуғ баҳодир секингина, лабларини ҳам базўр очиб, жавоб қилди:

– Мен-ку, қариликдан кўзим кўрмай қоляпти. Сен эса аҳмоқлигингдан кўролмаясан. Ўзингдан сўра-чи – қаерга йўл олдинг экан? Одамларга нима бермоқчисан?

– Сен билганмидинг, қаерга кетаётганингни?

– Ўйламасдан иш қилиш менинг ёшимга номуносиб.

Овчи баҳодир эгардан энгашди-да, чолга яқин келиб бақирди:

– Тук тулаган ҳайвон, сен душманларга ёрдам бериш учун қочган экансан-да! Тарғутой ўзингниям, ўғилларингниям пайини қирқиб, попугини пасайтириб қўяди!

– Жарчи, андам, мен сочлари оппоқ аслзода нўёнга бу хилда муомала қилишганини ҳеч ҳам эшитмаганман.

– Мен ҳам биринчи марта эшитиб турибман...

Хулдор билан Жарчининг бу гап ўйини, Темучиннинг асир тушган жангчиларининг нафратли қарашлари, қари Улуғ баҳодирнинг андасига бўлган садоқати, Овчи баҳодирнинг худбинона шуҳратпарастлиги – ҳаммаси Жамуханинг қалбида кучли нафратни қўзғаб юборди. У Қурух билан Мубарахларни чақирди.

– Мана бу қари одам, андамнинг жуда ҳам содиқ одами. Ўз хўжасига охири марта хизмат қилиб қолсин. Ҳов анави ерга олиб бориб, андамга кўринарли қилиб бошини олинглар.

– У Тарғутойнинг асири, – деди ғазаб билан Овчи баҳодир. – Қатл қилиш, афв этиш сенинг ишинг эмас.

Жамуха навкарларига ишора қилиб қўйди. Улар чолни дара оғзига яқин ерга олиб боришди. Қоятошлар орқасидан ўқлар учиб чиқди-ю, аммо масофа узоқ бўлганидан ярим йўлда қолиб кетди. Навкарлар Улуғ баҳодирни қип-яланғоч қилиб ечинтириб, тиз чўктирдилар. Қариянинг елкаларидаги букрилари кўриниб кетди. Мубарах қиличини зарб билан урди. Оппоқ сочли бош бўғиқ овоз чиқарганча, ерга учиб тушди! Ўғилларининг кўкракларидан нола отилиб чиқди.

– Буларни эса қозонга солиб, тириклай қайнатинглар! – Жамуха отини икки оёғига кўтарди. – Ота-боболар удумини бузганларнинг қисмати шундай бўлади!

Унинг ғазоби ҳатто Овчи баҳодирни ҳам чўчитиб юборди.

Тунда Хулдор билан Жарчи ўз жангчиларини олиб сахрога кетиб қолди. Бу пайтга келиб Жамуха тинчланган, ҳамма ишларини режалаштириб олган эди. Темучин тирик қолгани яхши. Улуғ баҳодир ва ўғилларининг бундай шарафсиз ўлим топиши нўён ва навкарларнинг норозилигига сабаб бўлади, улар андасини ташлаб кетишади. Темучин улар учун халоскор ва валинеъ-мат бўлмай қолади. Тарғутой учун эса товонига кириб қолган зирапчанинг ўзи бўлади.

Уруд ва манғитларнинг қочиб кетгани Жамухага қўл келди. Устидан кулгандай бўлиб, Овчи баҳодирга деди:

– Сен менсиз ҳам эпламоқчи эдинг – эплайвер! Мен ўз овулимга кетдим.

– Бундай қилма, Жамуха чечан!

– Ҳа, энди сен учун ҳам ақлли бўлиб қолдимми? Унақада менинг маслаҳатимга қулоқ сол. Бу уянинг олдида ўтирма. Хулдор билан Жарчи қайтиб қолиши мумкин. Лекин улар қайтишса, сенга кўмаклашиш учун келишмайди.

Жамуха Овчи баҳодирга орқа ўгириб олди-да, навкарларига отларни эгарлашни буюрди.

Унинг кетидан Овчи баҳодир ҳам Жайрон дарани ташлаб кетди.

VIII

Темучиннинг одамлари базмга тайёргарлик кўришарди. Гулханлар ёқилган. Араваларда мешлар тўла қимиз ва ёғоч кадиларда шароб келтирилди. Навкарлар қўй сўйиш, баковуллар қайнатиш, пишириш билан овора.



Темучин хурсандчиликдан кўзларини қисиб олган кўйи қароргоҳда кезиб юрарди. Муқаррар ҳалокат ва мағлубиятдан осон қутулиб қолганига ҳали ҳам ишонгиси келмасди.

Ҳаво тиниқ, қуёш порларди. Эрта кузнинг бу мунавварлиги дилларни яшнатар, осмон тиниқлигидан узоқдаги тоғларнинг пурвиқор қомати аниқ чизилиб турарди. Ям-яшил ўрмон тоғ ёнбағирларидан қуйида анча сий-раклашарди.

Дарё тарафдан Хасар етиб келди. Отининг ҳўл қорнидан сув томчилаб турарди. Темучинга орқа ўгириб олганича у отнинг қайишларини еча бошлади. У Темучиннинг нари кетишини кутиб, атайин имилларди. Ў, менинг қайсар укам!..

– Сен қаерда эдинг?

– Сувлоқда.

– Ҳа-а... Хасар, сен охириги пайтларда жуда кўп ишладинг, мардонавор жанг қилдинг. Раҳмат!

Укасининг кенг елкалари сал титради – Хасар мақтов эшитиб ўрганмаган-да.

– Келаси ёзгача энди бизга ҳеч ким тегинмайди. Нимани ўйлаганимни айттайми, Хасар? Сенга алоҳида ўтов қурадиган вақт келди. Нима дейсан?

Укаси унга ўгирилди. Қирғийсифат кўзларида ишончсизлик акс этган.

– Хоҳламайсанми?

– Нимага энди...

– Навқарлардан қанча керак бўлса олгин-да, келин қидиришга тушавер. Фақат битта илтимос: беҳуда ёқалашишларингни қўй.

– Мен эртагаёқ жўнайман!

– Хоҳишинг, Хасар...

Бирма-бир қариндош нўёнлари болалари ва хотинлари билан кела бошладилар. Онаси ва Бўрта билан ёнма-ён туриб, хонлик мартабасига ҳам қарамай, Темучин меҳмонларни қароргоҳ олдида кутиб оларди.

– Бугун биз каттагина оилавий байрамни нишонлаймиз. Мен сизларнинг энг кичигингизман, сизларнинг хизматингизда тураман...

У жуда ҳам қувноқ, хушмуомалалик ва яхши гаплар билан ҳамманинг кўнглини олишга тиришар, ҳазиллашар ва кулгиларга қўшилишарди. Лекин нўёнлар ҳамон тортинишмоқда. Жамуханинг Улуғ баҳодир ва унинг ўғиллари бошига солган кулфатлари уларни тушқунлик ва ташвишга солиб қўйган. Ҳар бири Улуғ баҳодирнинг ўрнида бўлиб қолиши ва умрини шу тахлит муддатидан аввал тугатиб қўйиши мумкин-ку. Бу шафқатсиз уруш, охири ўлим билан якун топадиган ҳалокатли жангу жадалга уларни Темучин бошлаб келганини борган сари аниқ ва равшан тушуниб борардилар. Унинг қулоғига баъзи нўёнларнинг Тарғутой қўл остида яшаган даврларини қўмсаётганлари, у ерларда жуда бемалол ва бежавотир яшаганликларини кўп гапираётганлари ҳақидаги миш-мишлар ҳам келиб турарди. Темучин уларга ҳеч бўлмаса озгинагина бўлсин ўзининг келажакка ишончи, бардамлиги ва тетиклигидан юқтирмоқчи бўларди. Бугунги базмни уюштиришдан кўзлаган мақсади ҳам аслида шу.

Хизматкорлар майсалар устига наमतлар тўшашди. Меҳмонлар хотин бола-чақалари билан битта катта даврага ўтиришди. Байрам муносабати билан ипак чопон кийиб олган, сочлари силлиқ таралган, шодиёна руҳдаги Шинкур исмли баковул мешлардан қимиз қуйиб тарқата бошлади. Биринчи косани хон Темучинга, кейингисини унинг онасига, хотини Бўртага, Хасарга ва бошқа нўёнларга узатди. Ҳаммага қуйиб беришини кутмасдан, Темучин косасини кўтариб, унга бармоқларини тикди-да, томчиларни ҳар тарафга сачратиб қўйди.

– Мангу осмонга ташаккурлар айтамиз! У бизларни, Олан Гоанинг авлодларини, ҳимоя қилиб келмоқда, душманлардан, хато ишларимиздан, ақлимизнинг издан чиқишидан асрапти. Биз, бир илдиздан, бир қондан тарқанган одамлар, осмоннинг муруввати билан ўз улусимизни ташкил этолдик ва уни муносиб ҳимоя қилолдик...

Гапини тугатишга қўйишмади. Сача бекининг оиласи ўтирган жойда ғала-ғовур кўтарилиб қолди. Қари Ковачин хотин чийиллаган овозда қичқирди:

– Нимага менга биринчи узатмай, ўғлимнинг кичик хотинига узатяпсан!

– У бизни камситяпти! – илиб кетди Эбегай хотин.

Шинкур лол бўлиб минғирлади:

– Кечиринг, хотин, адашиб кетдим. Мана сизнинг қимизингиз.

– Йўқ, сен буни атайин қилдинг!

– Мен буни хоҳламаган эдим! Кечиринг! – дея ялинди Шинкур, хонимларнинг олдига тиз чўкиб.

– Мана сенга! – Ковачин хотин унинг башарасига туширди.

– Мана буниси мendan! – Эбегай хотиннинг семиз қўли баковулнинг қаншарига келиб тушди.

– Уринглар уни! Мана бунақа бўлади! – дея Сача бекининг оналарини қувватлаб, унинг укаси Тайчу ҳам Шинкурнинг биқинига этиги билан тепди.

Темучиннинг қўлидаги коса титраб, ичидаги қимиз чопонининг этагига тўкилди. Косани Ковачин хотиннинг ажин босган, қоп-қора, ёвуз башарасига, Эбегай хотиннинг иргамчиқ афтига отиб юборгиси келди. Бўрта унинг тиззасига қўлини қўйиб, ялинганнамо қараб қўйди. Темучин чакагига оғриқ тургунча тишини-тишига босди – ёноқ мушаклари ўйноқлаб, калта, малла мўйловлари, диккайиб кетди. Овулун Сача бекининг оналари олдига бориб, уларни тинчитишга уриниб кўрди, аммо улар эшитгилари ҳам келмади. Темучин қўлидаги косани қўйиб, хотинларнинг чинқириқларини босадиган қилиб бақирди:

– Шинкур, бу ёққа кел! Сен нима, ҳали ҳам ухляяпсанми?

– Хон Темучин, мен...

– Навкарлар, унга ўн беш қамчи уринглар!

Ичиб олган навкарларга эрмак топилди. Қувноқ қаҳқаҳа билан шу ернинг ўзидаёқ Шинкурни ерга ётқазди. Чопонини тепага кўтариб, иштонини пастга туширишди-да, яланғоч баданини савалай кетишди. Шинкур ўрнидан сакраб тураркан, иштонини кўтарди-да, атрофига қараб олиб, дарё



томонга чопиб кетди. Тайчу оғзига иккита бармоғини тиқиб, ўғриларча куштак чалди. Ҳамма кулиб юборди.

Бу кулги Темучиннинг юрагини ўртаб юборди. Ҳаммаси унинг устидан, унинг хонлик мартабасидан кулишаётганга ўхшарди. Бошқа бирон жойда бу қари, ақлини еган кампирлар хизматкор билан уруш чиқара олармиди, Сача беки ҳам бу бахил, ичи қора оналарини гиж-гижлай олармиди... У бўлса, бугунги базмни бошлар экан, қариндошлари нафақат қондош эканликларини, балки қалбан ҳам яқин эканликларини ҳис қилишларини хоҳлаган эди.

Тез орада ҳамма воқеаларни унутгандай бўлди. Утирганлар еб-ичишарди-ю, аммо давра суҳбати жонланиб кетавермади. Қайтага навкарлари маза қилиб яйрашди. Қўшиқлар айтиб, кураш тушиб, камондан ўқ отиб мусобақалашди. Бовурчи билан Жалма, укалари ҳам қаердадир уларнинг орасида эди. Хоннинг ўзи ҳам жон деб ўша ёққа кетворган бўларди-ю, бироқ у шу ерда хайрихоҳлик кўрсатиб ўтириши лозим.

Бир вақт, кўрқув ичида Тамуға отчигин югуриб келди.

– Темучин, Бўри Бўга қиличи билан бизнинг Белгитойни яралади.

Темучин сакраб ўрнидан турди. Бўрта уни ушлаб қолмоқчи бўлди-ю, аммо у хотинини кўпол итариб юбориб, арава олдида тўпланиб олган навкарлари олдига югурди. Белгитой ўнг енгини тушириб, жароҳатини чап кўли билан сиқиб олганча турар, бармоқлари орасидан қон сизарди. Қиличини яланғочлаб олган Бўри Бўга аравага орқаси билан суяниб турар, қутурган кичкина кўзлари ялтирарди. Унинг навкарлари, Сача беки ва Тайчунинг навкарлари ҳам унинг ёнига туриб олишди.

– Менинг укамга қилич кўтаришга қандай ҳаддинг сиғди?

– У менинг навкаримни урди!

– Сенинг навкаринг бизнинг юганимизни ўғирлади! – деди Белгитой. – Кўй уни, ака. Урушманглар. Салгина жароҳатландим, холос.

Сача беки навкарлар орасини ёриб кириб, қўлларини белига тиради-да, Белгитойга ташланиб қолди:

– Улушингни олдингми? Қилмишингга яраша... Мулойимроқ бўласан.

Ғазабдан Темучиннинг кўз олди қоронғилашиб кетди. Аравада ётган бўш мешни олиб, Бўри Бўганинг бетига туширди. Қаердандир Тайчу югуриб чиқиб, унга ташланмоқчи эди, Хасар оёғи билан чалиб юборди. Тайчу ерга думалади.

Ҳар икки тарафнинг навкарлари қўлларига илинган калтак, ёғочлар билан бир-бирларини ура кетдилар. Хасар кўлида ёниб турган тараша билан бир сакраб араванинг устига чиқиб олди ва қутурган кўйи ириллаганча, навкарлар боши устидан Сача бекини тушириб қолди. Тараша нўённинг бошига қарс этиб урилиб, атрофга учкунлар сачратди, сочларининг чирсиллаб куйгани эшитилди. Тутун аччиғи, сачраган учкунлару ғазабдан кўр бўлиб қолган Сача беки араванинг устига кўтарилди, бир-бирларига ёпишиб олганча иккови аравадан ерга қуладилар. Бўри Бўга, ўзини йўқотиб қўйган тўнғиз каби, навкарларни худди кучук боласидай ҳар тарафга улоқтирарди. Қаердандир от устида пайдо бўлиб қолган Човурхон Субутой кўлидаги қи-

миз кувлайдиган таёғи билан Бўри Бўганинг бошига туширди. У бир чайқалиб, ерга ўтириб қолган эди, устига ўн нафар навкар ёпирилди.

Ёқалашувда Темучиннинг чопонлари йиртилди, бурни синди. У ола-тасир ичидан ярим яланғоч аҳволда, бурнидан қон оқиб чиқиб келди. Бўрта ва онаси уни қўлтиғидан ушлаб, четга олиб кетишди.

Базм бўлаётган намат устидаги даврада Даритой отчигин, Ўлтон, Хучарлар ҳамон пинагини бузмай ўтиришарди. Сача бекининг ғийбатчи оналари тиззаларига туриб олган, худди беллашув пайтидагидай ўз одамларини қувватлаб туришарди. Темучин уларга яқин бориб, ҳар иккисига муштини ўқталди.

– Янчиб ташлайман, қари қарғалар!

Бош яланг, сочлари тўзғиган, ўнг қулоғи шишиб, қизариб кетган, кўзлари эса ҳам жаҳл, ҳам шодликка тўла Бовурчи чопиб келди. Қўлидаги арқони билан Эбегай хотин ва Ковачин хотинни боғлаб ташлади. Кампирлар бир-бирларига орқа ўгирган ҳолда боғланиб қолдилар. Бу Бовурчига кам кўринди. Яна арқон олиб келиб, хотинларни қарағайга боғлаб қўйди.

Бу вақтда жанжал шовқини тиниб қолган эди. Темучиннинг одамлари кўпчилик бўлгани учун улар Сача беки ва Бўри Бўганинг навкарларини енгди. Темучин намат устига ўтириб, муздек сувдан ичди, қўли билан шишган бурнини сийпалади, нўёнларга ғазаб қилди:

– Нимага ўтирибсизлар? Нимани кутяпсиз?

– Биз жанжал нимадан чиққанини билолмаяпмиз, – деди Ўлтон. – Ким кимни ураётганини ҳам фаҳмлай олмадик.

– Биз бу ерда ҳаммамиз қариндошлармиз. Биттасининг ёнини олсанг, бошқасини хафа қиласан, – Даритой отчигин қайғурган бўлиб хўрсиниб қўйди.

Онаси кимнингдир тер ҳиди анқиган, кир чопонини олиб келиб, ўғлининг елкасига ташлади-да шивирлади:

– Жаҳлингни босиб ол. Оғирроқ бўл. Ўйлаб иш қил.

Калтакланган, қўллари боғланган, чопонлари йиртилиб кетган Сача беки, Тайчу ва Бўри Бўгаларни олиб келишди. Уларни кўриб, қари хотинлар: Ковачин хотин ялинган, дириллаган, Эбегай хотин эса йўғон, сигирникига ўхшаган овоз билан зорлана бошладилар:

– Хотинларни қийнама! – қичқирди Сача беки. – Кексалиklarини ҳурмат қил!

– Ўзлари ҳеч нарсани ҳурмат қилмайдиганларни қандай қилиб ҳурмат қилиш мумкин? Улар сиз ўзларингиз сайлаган хоннинг ҳурматига тупуришди-ку!

Онаси унга энгашди.

– Хон, ўғлим Темучин! Тилнинг узунлиги, ақлдан олдин ишга тушган муштар нима оқибатларга олиб келишини улар тушуниб олишди. Мен кўриб турибман, улар тиз чўкиб кечирим сўрашга тайёр.

– Бу тили заҳарлар ҳеч нарсани тушунишгани йўқ! Иккаловини бир арқон билан бўғиб ташлайман!



Хотинлар зорланиш ва инграшларини тўхтатишди.

– Биз ҳаммасини тушундик! – шошилишча жавоб берди Ковачин хотин.

– Олийҳиммат хон, бизларни кечир! – Эбегай хотин кўз ёш тўкиб, катта-конт бурнини шўроқлатганича зўрға ўзини мажбурлади.

Темучиннинг кўнглида бу бемаъни аёлларга нисбатан ҳеч қандай муруват йўқ эди. У ҳозир ўйлаб ҳам ўтирмай уларни бўғиб ташлашни буюриши мумкин. Лекин қўлнинг югурдаклиги ҳақида гапирган онаси унга яна бир бор, ўйлаб иш қил! дегандек бўлди. Шу топда у ўзидан ҳам кўра кўпроқ онасига ишонарди. Бовурчига «бўшат», деб ишора қилди.

– Хўш, сизлар-чи? – Унинг киприк қоқмай турган қараши Сача беки, Бўри Бўга ва Тайчуларда тўхтади. – Сизлар хотинларга ўхшаб ақлларинг калта эмас-ку, сизлар нимани ўйладиларинг?

Бўри Бўга унинг қарашига дош беролмади. Худди гарданидан биров бо-саётгандек, секин бошини ҳам қилиб тўнғиллади:

– Мен жуда кўп ичиб қўйибман.

Сача бекининг қараши қаттиқ. У бу қарашда ожизона ғазаб ва бўйсунмасликни ўқиди. Бу – душман. Укаси ҳам ваҳшийларча тикилиб турибди. «Мен сенларни ўлдираман! Ўлдираман!» дея такрорларди хон ички қасос ўтида.

Сача беки гўёки унинг ичида айтган гапларини эшитгандек, юзини осмонга кўтарди. Қарағайларнинг ям-яшил боши узра оппоқина булут сузиб юрарди. Бошини қайтиб туширганида эса унинг қарашида нимадир ўзгарган ва қисқа бир сонияга қўрқув ҳам намоён бўлган эди.

– Фақат Бўри Бўгагина маст эмасди, – деди онаси. – Уларнинг ҳаммаси архи ичиб, ақлини йўқотиб қўйишди. Шундайми, Сача беки?

Сача беки индамади.

– Шунақами? – ялинганнамо-таъкидлаб қайта сўради онаси.

– Шунақа, Овулун хотин... Ҳаммамиз маст эдик...

– Ўйлашимча, ҳалиям хушингизга келганингиз йўқ! – деди Темучин дарғазаб бўлиб.

– Хушимизга келдик. Бизларни кечир... хон.

– Бу хушёр одамнинг овози! Мен сизларни кечирдим.

Уларнинг нигоҳлари тўқнашди. «Эҳтиёт бўл!» огоҳлантирарди Сача беки. «Сен қўрқоқсан ва мен сендан ҳазар қиламан!» жавоб қилди Темучин.

IX

Тор кўчаларни оқшом қоронғилиги боса бошлади. Ботиб бораётган қуёш нурлари лой ва ғиштин деворлар устида ўрмалайди. Бадавлат уйларнинг энг юқори қисмига жойлашган кичик бутхоналарнинг ёвуз руҳлардан ҳимояловчи ойначалари кечки қуёш нурида оловланади. Деворлар, томлар орасидан худди ибодатхоналар миноралари сингари тик қоматли туйялар¹

¹ Туйя – доим яшил арчасимон дарахт.

қад кўтариб турар, авж гуллаган ўрик ва шафтолиларнинг гумбазлари кўз-ни яшнатади.

Кўчаларни тўлдириб баҳорнинг ширин ҳавосидан нафас олганча шовилмасдан, чақа тангалар боғламларини жаранглатиб, одамлар бозорлардан қайтар, майда ҳунармандлар араваларини ғилдиратган, даладан келаятган деҳқонлар елкаларига кўтариб олган обкаш ва қопларини лапанглатганча шаҳар дарвозалари томонга йўл олишган. Уларнинг юзларида чарчоқ ва ташвишлар акс этиб турибди. Ташвишлар қийнамаган бирдан-бир одам Хо бўлса керак. Олтин хуандининг сояи давлатида Ходан бошқа биронта ҳам бахтлироқ одамни топиш қийин. Унинг дунёда ягона хотини бор. Ўғли катта бўляпти. Оиласини боқиш қўлидан келяпти – яна нима керак? Хога ҳам бошқа ҳеч нарса керак эмасди. Оила ўчоғи худосини кузатишган ўша муборак кунда қария Ли Цзян Цзао ваннинг оғзига асал суркагани бекор кетмабди, чоғи. У олий ҳукмдор Юй хуаннинг ҳузуридан жуда кўп марҳаматлар билан қайтибди.

Сахро тарафдан кераитлар хонининг элчилари келишди. Хо улардан ажойиб янгиликларни эшитди: Есугайнинг ўғли Темучин нафақат тирик, балки қариндошлари томонидан хонлик мартабасига ҳам кўтарилибди. Опаси Хоахчин ҳам ҳаёт бўлса керак.

Аммо Цзао ваннинг ихтиёрида яна битта, ҳеч ҳам кутилмаган шодлик бор экан.

Татар қабилалари узоқ иккиланишлардан кейин Олтинхонга бўйсунмасликка қарор қилишибди. Император бу бўйин товловчиларни қаттиқ жазолашни буюрди. Сахройиларга қарши қўшин тўплана бошлади. Юн Цзи билан Хушаху кераитларни татарларга қарши бўладиган урушда ёрдамга чақиришди. Улар ҳам бажонидил рози бўлишди. Аммо уларнинг бу хил тез ва осон рози бўлишлари юқори мартабали амалдорларда шубҳа уйғотди. Шунинг учун Хога уларнинг барча сир ва режаларини билиб олиш топширилди. Лекин, хавотирланадиган ҳеч нарса йўқ экан. Нўёнлар ҳисоблашларича, улар Олтинхонга қўмаклашиб юборганларидан сўнг, унинг мададига суяниб, найманлар устига юриш қилишни кўзлашмоқда. Шунингдек, тахмин қилишдики, татарларга қарши урушда Темучин ҳам иштирок этиши мумкин. Бу маълумотларни Юн Цзи ва Хушахуларга етказар экан, Хо бир неча марта «хон Темучин» номини алоҳида таъкидлаб ўтди. У бу билан ўзининг Темучинга хайрихоҳ эканлигини амалдорларга билдириб қўймоқчи. Аммо Юн Цзининг силлиқ юзи масхараомуз кулгидан буришиб кетди.

– У қандай хон бўлсин!

Темучинни менсимаганлари Хога алам қилди.

– Унинг бобоси Хабул мўғулларнинг биринчи хони бўлган.

– Сен жуда ҳам билағон бўлиб кетяпсан. Буни қаердан биласан?

– Ёдингизга солишга журъат этсам: мен сахрода катта бўлганман. Есугай баҳодирнинг қули бўлганман. У эса Темучиннинг отаси эди.

– Сен ўша янги чиққан хонни танийман, демоқчимисан? – сўради Хушаху.

– Биз у билан ўртоқ эдик.



– Бу, князь Юн Цзи, бизга кўл келиши мумкин. Буни ҳам ўзингиз билан сафарга олиб кетинг.

Бу Хонинг энг ширин тушларига ҳам кирмаган ҳодиса эди. У Хоахчинни қидириб топади, Овулун фужинни, малласоч тўполончини кўради! Бахтиёр инсон Хо Чжунду кўчаларида юриб эмас, сузиб борарди, гўё.

Шаҳар дарвозалари томондан пиёдаларни деворга сиқиб, бир тўда отликлар келарди. Тор кўчани отлар туёқларидан чиқаётган дупур ва қуролларнинг жаранг-журунги тутган. Уларнинг орқасидан белларигача яланғоч, кўллари орқаларидан боғланган қароқчиларми, исёнкорларми, пиёда келишарди. Бу карвоннинг охирида эса яна калта найзалари билан маҳбусларнинг елкаларини нишонга олган отликлар келишарди.

Найзанинг тиғи ўзининг елкасига қаратилгандек, Хо жунжикиб кетди. Елюй Люге кутиб ўтиргани эсига тушиб, яна қадамини тезлатди. Ляо императорларининг авлоди бўлган бу амалдор шимолдан эсган ҳамма хабарларни билиши керак. Бу маълумотлар учун у яхши ҳақ тўлар, бу пулларсиз унинг оиласи анчагина қийналиб қоларди. Лекин ҳар гал бу кумуш тангалар Хонинг кафтини куйдирар, бу бахти худди кўл юзасига биринчи совуқда тортилган музга ўхшаш омонат кўринарди.

Елюй Люге хонтахта олдида ўтирган экан. У Хони мулойим кутиб олди, ўтиришни буюриб, чой қуйиб берди. Тиниқ-жигарранг ичимликдан ёқимли бўй таралар, қордай оппоқ чинни пиёланинг тагида чироқ акс этиб турарди. Чойнинг мазаси аччиқ, оғизни буруштирарди.

– Хўш, кераитларинг нима дейди?

– Улар татарларга юриш қилишмоқчи. Темучинхон ҳам.

Елюй Люге алам билан нозиккина хонтахтани муштлаб қўйди.

– Жиннилар!

– Татарлар уларнинг азалий душманлари.

– Сен нимани ҳам тушунардинг! Татарларнинг ҳам, кераитларнинг ҳам душмани битта – илоҳий хуанди!

– Ундай деманг, сиздан ўтиниб сўрайман!

– Ўз жонингдан кўрқасан-да! Шоҳликлар қулаяпти, қабилалар ҳалок бўлиб кетяпти. Одамнинг ҳаёти нима бўлибди!

– Агар мен ёғоч эшак устида ўлиб кетсам, хотиним, ўғлим ва қария Ли Цзяннинг ҳоли нима кечади? Мени қўйиб юборинг, улуғ хўжам, қалбимдаги қанғани бўшатинг!

– Кўрқма. Бир кунмас бир кун сени мен билан учраштиргани учун осмондан миннатдор бўласан. Олтин империя узоққа бормади. У худди типратикан ютиб юборган йўлбарсга ўхшайди. Ириллаб, акиллаб оғриқдан нола қилади, ўзини у ёқдан-бу ёққа отади-ю, аммо муқаррар ажали ўз қорнида.

– Буларнинг ҳаммасини билишнинг мен учун нима фойдаси бор? Кичкина одам камига ҳам кўнавериши керак.

Елюй Люге ўрнидан туриб, ичкарига кириладиган эшикни очди. У ердан баланд бўйли ўспирин чиқиб келди. Елкаси ва ёқаларига мўйна тикилган чопонининг кенг енглари тирсагидан бошлаб торайиб, то тиззасининг пас-тигача тушиб турарди...



– Бу Елюй Чу цай. Менинг ёш қариндошим, билимга жуда ўч. Сен саҳро одамлари ҳақида нима билсанг, ҳаммасини унга гапириб берасан. Ҳар куни келиб тур.

– Мен бу ерга ҳар куни келолмайман! – куйиниб гапирди Хо. – Бу жуда хатарли!

– Аксинча. Сен бу ерга очикчасига келиб кетишинг мумкин. Императорга душманларимизнинг тили, одат ва қизиқишларини биладиган хизматкорлар керак. Елюй Чу цай худди ана шундай хизматкор бўлмоқчи. Сен унга устозлик қиласан.

Хо уйига худди орқасидан биров куваётгандек келди. Чопишга ҳам тайёр эди-ю, бироқ уни ўғри ё бошқа бир жиноятчи деб қабул қилишлари мумкин эди. Ҳар сафар Елюй Люгеникидан чиқар экан, тезроқ уйига етиб олгиси келар, қалбидаги оғир юкдан халос бўлишга сабри чидамасди.

Яқингинада ўзи бўяган дарвозаси олдида нафасини ростлаб, эшик зулфини суриб ёпди. Қоронғи тушган, лекин ҳовли шафтоли, олча, ўрик ва олхўрининг чаман гулларида ёруққина эди. Биронта япроқ бўлмаган шохчаларга оқ-пуштиранг гуллар қадалган, ер ҳам уларнинг гулбарглари билан тўлиб, худди қор ёққандек эди. Бу эски боғга Хо жуда кўп вақти, анчайин кучини сарфлади ва мана, шунинг натижаси ўлароқ, ҳамма дарахтлари барқ уриб гуллади. Уйнинг очик эшикларидан Цуй мўралади. У қўлларини белига қистирилган этагига артиб, олдига чопиб келди. Ли Цзян бир неча маротабалаб она бўлган аёлга бундай қилиш ярашмаслигини таъкидлагани, Цуй ҳам бошқа бундай қилмасликка ваъда қилганига қарамай, Хони кўриши билан ҳаммаси яна эсидан чиқиб қоларди. Эҳтимол, у бошқача бўлолмасди. Кун бўйи эри билан ўртоқлашадиган гаплари йиғилиб қолар, шундай пайтда одатларга қараб ўтирармиди!

– Бизникига меҳмонлар келишди, Мўғул!

– Ким?

– Албатта, Бао Си. Ўғилчамиз эса бугун «Муцин»¹ деб гапирди. Бир нарсалар деб бидиллаётган эди. Кейин эшитсам: «Муцин», деяётган экан. – Цуйнинг юзи худди ичидан сеҳрли чироқ ёритиб тургандек эди.

У кўнгилчанлик билан кулиб қўйди.

– Сен янглишгансан. У «Фуцин»² дейиши керак эди.

– Нима деяпсан, Хо, қандай қилиб янглишишим мумкин! Мен уни ухлатаётган эдим. У қўлчалари билан менинг сочларимни ушлаб олди-да, худди катталарга ўхшаб, аниқ-тиник «Муцин» деди.

– Бўлдими?

– Яна нима дей?

– У сенга «Муцин, сен мени нукул ўринга ётқизаверасан, менинг эса ухлагим келмайди. Ўйнагим келяпти», дейиши керак эди. – Хо кулиб юборди ва хотинининг елкасига енгилгина уриб қўйди.

¹ Муцин – она.

² Фуцин – ота.



Улар йўлакчанинг ўртасида туриб анчагина, то эшикда Бао Си кўринма-гунча, гаплашишди.

– Менинг қариндошларимни қаранглар! Меҳмондан хурсанд эмасмисизлар?

Ҳовлидаги шийпонда овқатланишди. Цуй дарахт шохларига қоғоз фонусчалар илиб қўйди. Чироқ нури дарахт гулларида, пионгулнинг қизғиш бандлари ва астраларнинг ям-яшил баргларида жилваланарди. Бир пиёла гуруч шаробидан ичиб олган Ли Цзян осилган қорнини мамнун силаб, унинг невараси жуда ҳам яхшилигини: тетик, ақлли эканини мақтаб ўтирарди. Гап ўзи ҳақида эканлигидан мутлақо беҳабар болакай фонусчани олишга уринар, аммо нозик қўллари шийпон устунидан сирпаниб тушиб кетаверарди. Охири у йиқилиб тушди-ю, қаттиқ йиғлаб юборди.

– Кўрдингларми, ширинликка эмас, оловга талпиняпти, – чуқур фикр юритди қария Ли Цзян. – Ақлли одам билимли бўлишга интилади, тентак эса қорин ғамидан бошқани билмайди.

Боғ борган сари салқинлашиб борарди. Ҳовузчадан нам ҳаво эсиб қолди. Цуй ўғлини уйга олиб кириб кетди. Бироз ўтиб Ли Цзян ҳам кириб кетди.

– Хо, сен менга ёрдам беришинг керак, – деди Бао Си. – Мен князь Юн Цзи билан кўришишим керак.

– Князь билан? Нимага?

– Кўриқчилар бизнинг қишлоқни талаб кетишди. Беш кишини ўрага ташлашди.

Хо кўчада олиб кетилаётган исёнкорларни эслаб сиқилди.

– Нима учун?

– Йиғимлар, тўловлари билан бизларни хонавайрон қилишди. Бироз тўполон кўтарилди...

– Менимча, князь бунақа ишлар билан шуғулланмайди.

– У императорнинг вориси. Хоҳласа ҳамма ишни қилади. Лекин хоҳлармикин? – деди Бао Си ўйчан. Гўё ўзини мажбурлагандай гапирарди. – Бу ёққа келмоқчи эмасдим. Бу ердагилар деҳқонларнинг ҳолидан беҳабар, дейишса, ишонмайман. Кун сайин амалдорлар кўпайиб кетяпти. Ҳаммасиям яхши егиси, катта уйларда яшагиси ва қимматбаҳо кийимлар кийгиси келади. Бизларни таламаса, буларнинг барчасини қаердан олишади?

– Мен исёнкорларни тез-тез учратиб тураман. Уларни бу ёққа олиб келишади-да, қатл қилиб юборишади. – Хо овозини шивирлаш даражасигача пасайтириб юборди.

– Ана, бизларни ҳам исёнда айблашяпти. Биз нима қилдик? Хонадонларда фақат уруғлик дон қолгани билан ўлпончиларнинг иши йўқ. Томоғингга пичоқ тираб, бер, – дейди. Хо, князни кўришимга ёрдам бериб юбор. Мен унга ҳамма муаммоларимиз битилган қоғозни тутқазаман.

– Мен сени у бўладиган жойга ўтказиб юбораман...

Хо ўзидаги темир тахтачанинг кучига ишонган эди. Лекин Бао Сини у билан бирга киритишмади. У князнинг чиқишини кутиб, дарвоза олдида қолди.



Ўша кунни Бао Си қайтиб келмади. Уч кундан кейин пайдо бўлди. Лекин уни нима кўйларга солишибди! Юзи қорайиб кетган, кўзлари салқи бўлиб қолган. Бао Си тишларини ғижирлатиб, сўкинарди:

– Келгинди ит! Бақалоқ Чжуржен кўрбақаси!

– Нима бўлди, Бао Си?

– Бамбук таёқчаларидан тайёрланган угра билан сийлашди.

Х

– Келишяпти! – дея бақирди Бовурчи ва бошидан қалпоғини ечиб, тиззасига бир урди-да, яна бақирди: – Келишяпти, Темучинхон!

Темучиннинг ўзи ҳам кўриб турибди: яланг тепаликни ошиб, овулга уруд ва манғит қабилаларининг отлиқ жангчилари тушиб келишарди. Жайрон дарада Овчи баҳодир билан Жамухани тарк этган бу нўёнлар ўз овулларига қайтиб, хотин, бола-чақа ва чорваларини олиб йўлга тушишди. То шу кунгача қаерга кетишаётганини ҳеч ким билмасди. Тўғулхон ёки найманлар ҳузурига бориш, ёки бошқа қабилаларга кўшни бўлиш ҳам мумкин эди. Лекин улар Темучиннинг яқинида тўхташга қарор қилишиб, мана, ўзлари ҳам етиб келишди.

– Хон Темучин, сен ўтовингга бор-да, баланд жойингга чиқиб ўтир. Бўлмаса, кутиб олгани ўзи чопиб чиқибди, деб ўйлашади, – деди Бовурчи шошилиб. – Қоровуллар! Турган жойларингизда дарахтдек қотинглар! Сизлар бир арава қимиз эмас, хон ўтовини кўриқлаяпсизлар!

Темучин ўтов тўридаги наMATга ўтирар экан, Бовурчи эрта хурсанд бўляпти, ҳали эрта, деб ўйлади. Улар ҳали биз билан бирга кўчманчилик қилишадими, йўқми номаълум. Хоҳлашган тақдирда ҳам уни ўзларининг хони деб қабул қилишармикин? Урудлар ҳам, манғитлар ҳам довуракликлари билан машхурлар...

Ўтов олдида уч нафар отлиқ отидан тушди. Иккитаси нотаниш, узунчок юзли ва оппоқ соқолли учинчисини эса Темучин таниди ва жуда ҳам хурсанд бўлиб кетди. Бу отасининг содиқ дўсти Менглик эди. Энг оғир дамларда ёрдам қўлини чўзган Менглик. Ҳаммадан ҳам кўп яхшилик қилган шомон Таб тангрининг отаси Менглик.

Бовурчи одамларни кираверишда тўхтатди.

– Кутиб турунглар. Мен сўраб чиқаман, хон ўз ишлари билан банд эмасмикин.

Ўтовга кириб, бизларни бир кўриб қўйишсин, дегандек ишора қилиб қўйди.

– Чақиравер! – деди сабрсизлик билан Темучин.

Меҳмонлар кириб, эҳтиром билан таъзим қилишди. Темучин ўрнидан туриб келиб, Менгликнинг елкаларига қўлларини қўйди.

– Таъзим қилма. Менинг ўзим сенга фарзандлик ҳурмати билан таъзим қилишим, раҳмат, дейишим керак.



– Мен тойчуютдан кета олмадим. Мана бу жасур нўёнлар ёрдамлашиб юборишди.

– Сизларга ҳам раҳмат! – Темучин нўёнларга юзланди. – Э-э, сизларнинг юзларингиз менга танишдай, қаерда кўрган бўлишим мумкин? – Айёрона кўзларини қисди. – Жайронлар дарасида мени бурчакка тиқиб қўйишга Жамуха андамга қарашиб юборган сизлар эмасми?

– Ёрдам берган? Андам Жарчи, биз ёрдам бердикми ёки халал бердикми?

– Халал бердик, Жарчи, кўлимиздан келганича.

– Қаерга йўл оляпсизлар?

– Биз шомон Таб тангри кўрсатган йўлдан келавердик. Мана шу ерда экан манзилимиз.

– Дўстлар келганда мен хурсанд бўламан. Лекин сизлар тинчроқ жойларни кўзлаган бўлсангиз, у бу ер эмас. Утиринглар, азиз меҳмонлар ва менга бир оғир масалани ҳал қилишга кўмаклашиб юборинглар. Тутинган отам хон Тўғул Олтинхоннинг қўшини билан бирга татарларга қарши жангга отланибди. Мени ҳам ўз ёнига чақиряпти. Мен у билан боришим керакми?

– Татарларнинг темир совутлари бор, – деди Хулдор. – Ушаларда қиличларимизнинг қанчалик ўткирлигини бир синаб кўрсак бўлади. Агар татарларга қарши жангга борадиган бўлсанг, биз сен билан биргамиз.

– Кейин яна Тарғутой ёнига қайтгинлар келиб қолмайдими?

– Жарчи андам, Тарғутойнинг ёнига кетгимиз келиб қолмайдими?

Қирғийбурун, камгап Жарчи дўриллади:

– Кетмаймиз.

– Нега? – сўради Темучин.

– Тарғутойнинг жигари чириган, – тушунтирди Хулдор. – Унинг ёнидаги ёшлар тез қаришади, қарилар бўлса тез тўкилади. Унинг яқинидаги пашшалар ҳам эринчоқ бўлиб қолишган.

– Аммо менинг хонлигим сизларнинг ёдингиздами? Ким мен билан бирга бўлса, ўз ҳаётини ҳам менга топширади.

Балки Темучин бу гапни ҳозир, ҳеч қандай тайёргарликсиз, дангал гапирмаслиги, ҳар қандай ўзбошимчаликни ёмон кўришини айтмай тургани маъқулмиди? Лекин у, агар бу нўёнлар кетадиган бўлса, Жамуха билан Овчи баҳодирни тарк этишганидек, энг оғир паллада эмас, ҳозироқ кетгани яхши, деб ўйлади.

– Нўённинг иродаси навкар учун, агар у виждонан қабул қилса, учқур от. Агар мажбуран бўлса, ерга ётқизиб қўювчи оғир юк. Хоннинг иродаси ҳам худди шундай. Ақлли нўён билан ақлли хон навкарлари бошларини ҳам қилиб пиёда судралишлари учун эмас, учқур отдек елишлари учун биргалашиб ҳаракат қилади. Андам Жарчи, тўғри айтаяпманми?

– Тўғри, Хулдор, шунақа. Пиёда узоққа кетолмайди. Узоққа бормаган одамдан эса фойда кам.

Темучин ўзича уларнинг фикрларини маъқуллади. Яхши нўёнга навкарлар, яхши хонга нўёнлар эргашаверади. Улар бир-бирларига керак экан, ҳаммаси жойида бўлади. Агар бу одамлар ўз кучлари билан қўлга кирита

олмайдиган нарсаларини Темучиндан олсалар, ҳеч қаёққа кетмайдилар. Лекин улар нимани хоҳлашаркин?

– Татарлар менинг қонли душманларим. Улар менинг отамни ҳалок қилишган. Қасос олмасам, қўнглим тинчимайди. Қон чақиряпти мени. Лекин татар улусларига сизлар ниманинг талабида борасизлар?

Хулдорнинг кенг юзи самимий, муғамбирона кулгидан ёришиб кетди.

– Уларнинг ўтовлари катта, чорвалари сероб. Бизнинг бўлса, подамиз кам, ўтовларимиз илма-тешик. Бироқ отларимиз учқур, қиличларимиз кескир.

– Муҳтарам Менглик, мен сенинг доно сўзингни эшитмаяпман.

Менглик соқолини силаган бўлиб, астагина деди:

– Татарлардан ҳам баттар маккор Олтинхонга кўмак бериш ақлданмикин?

– Балки, бечора татарларга ёрдам берармиз? – кулиб сўради Бовурчи.

Менглик унга норози бўлиб қаради.

– Олтинхон татар нўёнларининг қўли билан бизларни бўғиб келган. Энди бўлса бизнинг қўлимиз билан татарларнинг адабини бериб қўймоқчи. Биз ҳам бир куни уларга ёқмай қоламиз – жазо қиличи унда кимнинг қўлида бўларкин?

Бундан сал аввалроқ Темучин ўз қариндошлари билан жуда оғир суҳбат ўтказган эди. Улар татарларга қарши урушмоқчи эмас. Охирги йилларда татар нўёнлари ҳеч кимга зиён етказишмади, уларга тегиниб қўйсақ, бошимиз ғамдан чиқмай қолади, дейишди улар. Олтинхоннинг қўшини кетади, Тўғул ҳам. Биз эса шу ерда, татарлар билан ёнма-ён қоламиз. Қариндошларининг ҳам, Менгликнинг мушоҳадалари ҳам тўғри. Лекин у бошқа бир нарсани ҳам кўриб турибди. Татарларнинг айнан мана шу тинчликсевар бўлиб қолганлари хавфли. Мабодо, улар марқалар ёки тойчуютлар билан келишиб қолишса, ҳамма иш шунга кетяпти ўзи, Темучиннинг ожизгина хонлиги худди туёқлар остида қолган тўрғай тухумидек янчилади. Қариндошларига хонлик нима бўлибди! Қасосга чақираётган отасининг қони уларни безовта қилармиди!

– Ҳурматли Менглик, сенинг сўзларинг ақлимни тўзғитиб юборди-ю, ишонтиролмади. Олтинхон бизларни татарлар қўли билан бўғиб келгани рост. Лекин Олтинхон бизнинг қўлимиз билан эмас, биз унинг қўли билан татарлар ҳиқилдоғидан оламиз. Ҳаётда бундай имконият икки бор берилмайди ва бундан биз фойдаланиб қоламиз. Майли, Олтинхон бизларни ҳеч нарсага ақли етмайди, деб ўйлай қолсин... Ўғлинг Таб тангри шу ерда бўлганда эди, менинг фикрларимни қувватлаган бўларди.

– Мен ҳам қарши чиқаётганим йўқ. Мен фақат сен ҳамма нарсани яхшилаб ўйлаб олгин, – деяпман. Хато қилсанг, хон Омбахай, отанг Есугайдек ҳалок бўласан. Баҳорги яхмалакда кетаётган от сингари эҳтиёткор бўл.

– Мен эҳтиёткор бўламан. Ҳозир эса онамнинг ҳузурига борамиз, у сени, ҳурматли Менглик ва сиз жасур баҳодирларни кўрса, хурсанд бўлиб кетади.



Шу кундан бошлаб сафарга тайёргарлик ишлари бошланди. Қариндошлари у билан баҳслашмас, лекин юриш қуни яқинлашгани сари, у уларнинг яширин қаршиликларини яққолроқ сезиб борарди. Улар ҳамма аскарларини беришни истамас, урушга ажратилганларига эса ёмон от, бўм-бўш садоқлар беришарди.

– Улар қандай қилиб жанг қилишади? – деб сўради Темучин Сача бекидан.

– Мен билмайман. Уруш сеники, сен билишинг керак, – кулимсиради Сача беки.

Темучиннинг ичида ғалаён кўтариларди-ю, аммо у ўзини босишга мажбур – жанжаллашишнинг вақти эмас. У Бовурчи, Жалма, Човурхон Субутой ва укаларини овулларга юборди. Ҳар бирига элликтадан навкар бериб, бир жойда айёрлик ишлатиб, бир жойда пўписа билан жангчиларни яхшилаб қуроллантириб келинглар, деб буюрди. Улар яхши отларни ажратиб олишар, яширинган қуролларни фош қилишар, эгар, жабдуқларни кўздан кечириб чиқишарди. Темучиннинг ўзи ҳам деярли отдан тушмас, ўрамдан-ўрамга ўтиб дўстларига ёрдамлашар, низо ва келишмовчиликларни сабр билан бартараф қиларди. Ҳар доим ўзи билан бирга Хулдор ва Жарчиларни эргаштириб, қариндошларини уялтирар эди.

Қариндош нўёнларининг қаршиликлари бартараф этилди, деб ўйлади Темучин. Сафарга чиқишдан бир кун олдин ўз жангчиларига бош бўлиб Ўлтон, Хучар, Даритой отчигинлар келишди. Сача беки, Тайчу ва Бўри Бўгалар сал кейинроқ келишлари керак эди.

Шу оқшом у барвақт уйқуга ётди. Саҳарлаб йўлга чиқиш лозим. Уни ҳали тонг ёришмасданоқ уйғотишди. Ўтов кираверишида қўлида фонус ушлаган Бовурчи, унинг ёнида эса мутлақо яланғоч Жалма турарди. Унга кўзи тушган Бўрта уялиб, юзларини кўрпа билан беркитиб олди.

– Темучинхон! Менга, менинг элик нафар одамларимга Сача бекининг одамлари ҳужум қилиб, от ва кийимларимизни тортиб олишди.

Темучин секин ўрnidан турди. Бирданига нафаси сиқилди. Қўли билан бўйнини силади, хириллаганича:

– Ҳаммани турғазинглар! Етиб олинглар! Чопиб ташланглар!

Бовурчи унинг чопонини олиб, Жалманинг устига ташлади.

– Ёпиниб ол. Хон Темучин, Сача беки узоққа кетиб қолган...

– Сен нима деганимни эшитдинг!

– У ёқда Тўғулхон кутиб турибди. Биз эса Сача бекини қувиб юрамизми? Хон бизларни ёлғончига чиқариб, кетворади.

– Хон Темучин, биз сенинг олдингга бир ярим кун йўл юриб келдик. Бу вақтда Сача беки жим ўтирмаган... – Жалма чопони этакларини тўғрилаган эди, тиканлар тимдалаган, тошлар қонатиб юборган яланғоч оёқлари кўринди.

– Жим бўл! – Темучин унинг юзига уриб юборишга тайёрдек муштини қаттиқ сиқди. Сача бекининг кетидан қувиб ўтириш мутлақо мумкин эмаслигини у энди тушуниб етган ва бор аламини Жалмадан олаётган эди. – Хушёр

бўлмагансан! Шароб ичиб, бева жувонларнинг ўтовларида маишат қилиб юргандирсан-да.

– Мен шароб ҳам ичмадим, беваларнинг ўтовларига ҳам кирмадим! – Жалманинг овози аламдан титраб кетди. – Элликта одамим билан нима ҳам қила олардим?

– Сизлар ҳеч нарса қилолмайсизлар, қўлларингиздан келмайди! Кетинглар!

Жалма елкасидаги чопонни улоқтириб, уни яланг оёғи билан бир тепди-да, ўтовдан чиқиб кетди. Чироқни ўчоқ устига қўйиб, бошини чайқаганича Бовурчи ҳам чиқди. Бўрта ўринга ўтириб, яланғоч кўкракларини кўрпанинг учи билан яширди.

– Нима қияпсан, Темучин! Аравадан чиқиб кетган ҳўкизнинг ўрнига отни савалаяпсан-ку.

– Сенам жим бўл! Менга маслаҳатчилар керакмас!

– Сенга маслаҳатчилар керак эмас. Сенга навқарлар керак. Яна бир ўзинг қолиб кетасан! – Бўрта тескари ўгирилиб ётиб олди.

Темучин Жалма ташлаб кетган чопонни кийиб, ташқарига чиқди. Урам жимжит эди. Тўлин ой саҳро устида пастлаб борарди. Татарлар тарафдаги осмон тонг ёғдусида қизариб турибди. Унга кўзи тушган қоровуллар найзаларини бир силтаб қўйиб, яна қотиб қолишди. Темучин уларнинг олдидан ҳар доимгидан ҳам кўра кўпроқ букчайиб ўтиб кетди.

Жалманинг эшиклари яхши ёпилмаган ўтови ичидан энсизгина ёруғлик чизиғи кўриниб турарди. У бироз иккиланиб туриб, остонадан ҳатлади. Жалма кийиниб олган, бир тутам юнгни сутга ботириб, жароҳатларига суртиб ўтирарди. Укаси Човурхон Субутой билан Бовурчилар ҳам шу ерда. Улар нималарнидир гаплашиб ўтиришган эди, аммо у кириши билан жим бўлишди. Темучин оғзини қийшайтириб кулди.

– Менинг қандай ёмон одамлигимни муҳокама-мулоҳаза қияпсизларми?

– Қандай бўлсанг ҳам, хонсан. Бизлар ким бўпмиз? – Жалма қўлидаги ҳўл юнгни ташлаб, оғриқдан афтини буриштирганча, пойабзалини кия бошлади.

– Сизлар менинг дўстларимсиз. Мен сал ортиқча гапириб қўйдим. Ахир, шундай маккорликка дуч келганингда, ўзингни ушлаб қолиш мумкинми? Ўзингнинг соянгга ҳам ташланиб қоласан. Хафа бўлманглар. Шилинган оёғинг учун бир куни Сача беки боши билан ҳисоб беради.

Бовурчи мўридан осмонга боқди.

– Йўлга чиқсак бўлармиди?

У ҳам сўниб бораётган юлдузларга боқаркан, Бовурчи жуда ақлли-да, мени ноқулай аҳволдан қутулсин, деб суҳбатни тугатмоқчи, деган хаёлга борди. Улар чиндан ҳам энг яқин дўстлар. Яқин ва ҳар қандай қариндошидан аъло.

– Бўлади, дўстим Бовурчи. Одамларни турғиз. Мен кийиниб келаман.

Бу суҳбатдан у анча енгил тортди-ю, аммо Сача бекининг хиёнати миясидан чиқмасди. Қовоғини солганча, у ҳақда ўйлар экан, ҳарбий анжомларини тақа бошлади. Бўрта қайишларини тортишиб, кийимларини тўғриларди.



- Мени ҳам ўзинг билан бирга олиб кет, Темучин.
- Нега?
- Сени эҳтиёт қилиб юраман.
- Менинг навкарларим бор. Сен ўғлингга яхши қара. Ўрамлардаги қоролларнинг ухлашига йўл қўйма.
- Мен ҳаммасини сен айтгандай қиламан. Сен ўзинг ҳам огоҳ бўл. Ўзинг биласан-ку, қизиққонлигинг ўзингга халал беради.
- У кимга ҳам ёрдам берган?
- Лекин бошқалар ўзини совутишни билишади. Менинг отамни бекорга чечан, деб аташмайди. У бундай дерди: агар жаҳлинг кўз олдингни тўсиб, тилингга ёмон сўзлар келаётган бўлса, уларни ташқарига чиқаришга шошилма. Ундан олдин бармоқларингни битта-битта эгиб ол. Мана бундай. – Бўрта қўлини олдинга чиқариб, бармоқларини биттама-битта кафтига қараб букиб кўрсатди. – Буни бировга билдирмай ҳам қилиш мумкин. – У қўлини тушириб, енги ичига тикиб олди. – Шундай қилсанг, сенинг ақлинг душманларингни ҳам бармоқларинг каби букиб қўяди.
- Сача бекининг хиёнаткорлиги ҳақидаги хабар тезда ўрамга ва унга яқин қароргоҳга ҳам етиб борди. Амакиси, Хучар ва Ўлтонлар келишди.
- Сафарни тўхтатиб, Сача бекига етиб олиш керак! – Пакана Даритой отчигин ботирларча чинқирди.
- Биз бирга бўлишга қасам ичган эдик. Уч киши кетиб қолса, қолганлар нима қилиши керак?
- Ўлтоннинг ранги қизариб, пишиллади.
- Уларни қочишга сенинг навкарларинг мажбур қилишди. Улар ўзларини худди бизнинг ўрамларни ўз қўлларига олгандек тутишди.
- Темучиннинг шубҳаси ортди. Келишиб олишмаганмикин? Сача беки, Тайчу ва Бўри Бўгалар кетиб қолишди. Булар эса уларга етиб олишга тайёр. Сафарни бузишмоқчи. Кейин эса, сотқинларни оқлашга тушишади. У қўлини туширди-да, бармоқларини битта-битта букиб, мушт қилди.
- Сотқин қариндошларимиз ҳақида кейин гаплашамиз. Сафардан қайтганимиздан сўнг.
- Ҳар қатори тўрт кишидан саф тортган жангчилар ўрам ёнидан йўлга чиқди. Тўда-тўда одамлар уларни жимгина кузатишди. Темучин ўзининг саман отини минди. Ўлтон, Хучар ва Даритой отчигинлар эгарга базўр минишиб, унга эргашдилар. Уларнинг кетидан эса, асирларни қўриқлагандай бўлиб, Темучиннинг укалари Хасар, Белгитой, Хачиун, Тамуға отчигин, қадрдон дўстлари Бовурчи, Жалма, Човурхон Субутой ва янги ўртоқлари Хулдор билан Жарчилар боришарди. Темучин заҳарханда кулди. Мана шунақа бўлади, қариндошчалар!
- Тўғул уни аввалдан келишилган жойда кутиб турган экан. Темучин хон отасидан билдики, татарлар Олтинхон қўшинларини кичик-кичик тўқнашувлар билан ҳолдан тойдириб, Уолжа дарёси томонга чекинаётган экан.
- Биз иложи бориचा тезроқ Хитойликларга қўшилиб олишимиз керак, – деди Тўғул.



Улар сафар чодир ичида ўтиришарди. Хон, унинг ўғли Нилха Сангун, укаси Жағамбу ва нўёнлар кумуш ва жез билан нақшланган қимматбаҳо яроғлар тақиб олишган. Бечора Хасар Нилха Сангуннинг ярақлаб турган со-вутини силаб кўришдан ўзини зўрға тийиб ўтирарди.

– Хон ота, нима учун татарлар Уолжа ёқалаб кетишаётганикин? Қаёқни мўлжал олишган?

– Ўйлашимча, тойчуют ерларига.

– Менинг ҳам фикрим шундай. Улар Тарғутой билан бирлашади. Сал кейинроқ эса Тўхта беки ўз марқалари билан уларнинг сафига қўшилади. Татарларни ярим йўлда ушлаб қолиш керак.

– Яхши бўларди. Аммо чэнсян¹ хузурига етиб келишимизни буюрган.

Тўғулнинг Хулабри исмли нўёни норози бўлиб деди:

– Чэнсян бизларни олдинга ташлайди. Биз татарларни чопиб кетаверамиз-у, улар бизнинг кетимиздан ўлжаларни териб оладилар.

Бошқа нўёнлар ҳам маъқуллаган кўйи ғовур кўтарганларидан Темучин билдики, Хулабри фақат ўзининг фикрини гапирмабди. Тўғулнинг бужур юзидаги чуқурчалар қорайиб кетди.

– Сенларнинг ташвишларинг фақат ўлжа. Чэнсяннинг орқасида ўн туман жангчи турибди. Улар сахрода экан, бурниларингни кўтарманглар.

– Жуда тўғри гап айтдинг, Хон ота! Бегона ўтовга яқинлашганингда, итларнинг жиғига тегма. Чэнсяннинг гапини қайтариб бўлмайди. Лекин унинг олдига бошқа йўл билан ҳам борса бўлади-ку. Уолжа дарёсига ҳам... – деди Темучин.

Нўёнлар хурсанд кулиб юбордилар. Хон Тўғул мийиғида кулиб кўйди.

– Айёрсан-а, ўғлим Темучин. Ҳатто Жамуха чечандан ҳам айёрроқсан.

– У нимага бу ерда эмас, Хон ота?

– Сенга рўпара бўлишни хоҳламагандир-да. Бир-бирларингга қўл кўтарасанлар, деб ўйламаган эдим. Юрагимни эздиларинг.

– Бунда менинг айбим йўқ.

– Менинг ўйлашимча эса, икковингда ҳам айб бор. Шунинг учун икковинг ҳам ярашишга ҳаракат қилинглар.

Темучин индамади.

Уолжа водийси пистирма учун жуда қулай. Сувлари тиниқ дарёнинг ҳар иккала қирғоғида қалин буталар ўсган бўлиб, улар топталмаган баланд ўтлоқларга тутатиб кетарди. Тўғул ва Темучин ўз жангчиларини мана шу бутазорлар орасига жойлаб, ким душманга сездириб, пистирмани фош қилиб кўйса, унга ўлим жазоси берилади, деб кўрқитиб қўйишди.

Татарлар кун ботар олдида пайдо бўлишди. Ҳар тарафга сочилган олғинчилар, уларнинг кетидан назоратчи кўшинлар бўлими ўтди. Уларнинг отлари чарчоқ, назоратчиларнинг ўзлари ҳам очик жойларни танлаб, атрофни диққат билан кузатишмади. Асосий кучлар кўринди. Темучин бутатолнинг шохини эгди, кафтини кўзлари устига қўйиб тикилди. Татар-

¹ Чэнсян – император министрининг даражаси.



лар пайдар-пай келишар, отлари йўлакай ўт чимдишарди. Ху, лаънатилар, эҳтиёт бўлинглар!

Жанг бошланишини билдирувчи ўқлар визиллаб қолди. Темучин ва Тўғулнинг жангчилари икки томондан татарларга ёпирилишди. Улар бир дақиқа ҳеч нарсани тушунмай қотиб қолишди. Кейин бир хиллари олға қараб, қолганлари эса отларини орқага буриб қолишди.

Аста-секин татарлар сафларини текислаб олишди-ю, аммо кутилмаганда юз берган хужум кучини бартараф қила олмай орқага чекиндилар.

Темучин ўз жангчилари билан ёнма-ён от суриб борарди. Душманлар орқаларига кўркув билан қараб қўйишар, товонлари билан чарчоқ отларининг биқинига тепкилашарди. Бир татарга етиб олиб, Темучин қиличини кўтарди. Татар бошини ўгириб қаради. Унинг навқирон юзида қон йўқ, кўзларида даҳшат акс этиб турарди. Қилич зарби татарнинг дубулғасиз бўйнига келиб тушди. У секингина отнинг бўйнига эгилиб, отдан думалади.

Татарлар ўз араваларини ҳам босиб, янчиб ўта бошладилар. Аравалар орқасига яширинишга ҳаракат қилиб, бир жойда типирчилар эдилар. Ялтироқ дубулға кийиб олган гавдали бир қария аскарларини қамчи билан савалар, жанг майдонига қайтармоқчи бўларди. Бироқ улар қамчи зарбига ҳам қарамай, қочишда давом этардилар. У қамчисини тушириб, қиличини чиқарди-да, Темучин жангчиларига қараб ташланди. Кўзларини ола-кула қилиб олган кулранг от орқа оёқларига турди. Унинг қиличи жангчиларининг бошига бехато урилар, аммо унга қарши отилган ўқлар, урилган найзаларни темир совутлари қайтариб ташларди. Унинг атрофи бўшаб қолди. У икки арава орасига жойлашиб олган қўйи ўзига ҳеч кимни яқинлаштирмасди. Бу татарларга қамчи зарбидан кўра яхшироқ таъсир қилди чоғи, улар қариянинг олдига тўплана бошлашди. Йиқилганларнинг устидан босганча, бошқалари келишарди. Темучин камонини қўлига олди. Аммо отишга улгурмади. Қариянинг олдига Човурхон Субутой от чоптириб келди. У бошқаларга ўхшаб унга хужум қилиб ўтирмай, аввал арава устига чиқди, кейин худди мушукчасига чаққонлик билан қариянинг кулранг отига мингашиб олди. Чол билан бирга от устидан қулар экан, Субутой чолнинг бўйнига пичоқ солди.

Татарлар ўкириб юборишди-ю, ортиқ қаршилиқ қилишни бас қилиб, қоча бошладилар.

Темучин Човурхон Субутойнинг яқинига келиб отидан тушди, оёғи билан мағлуб бўлган чолни туртди.

– Жасур одам экан! Унинг кимлигини билмайсанми?

– Йўқ.

– Темучинхон, бу одамнинг кимлигини мен билсам керак. – Ёши улуғ, но-чор кийинган жангчи ерда ётган жасадга эгар устидан энгашиб қаради. – Ҳа, бу ўша. Татарларнинг катта нўёни Мағужин Сайилту.

– Буни қаердан биласан?

– Мен Тўхта бекининг юзбошиси эдим. Унинг номидан бу ва бошқа нўёнлар билан музокаралар олиб борганман. Кейин мени кишанлаб, асир олишди. Сен эса менга ҳаёт ва озодликни ҳада қилдинг...



– Эслаяпман. Сен нима учун ўзингникилар тарафга кетмадинг?

– Мен ўз одамларимни сенинг овулингда топдим, хон, – сирли кулди жангчи.

– Урушга боришга сени мажбур қилишдимми?

– Мен ўзим келдим. Ўқ ясайдиган пичоқдан кўра менга қилич ишлатиш осонроқ.

– У Тойчу Қурининг ёрдамчиси эди, – тушунтирди Човурхон Субутой. – Мен уни ўз бўлимимга олдим. Чиледу уруш сирларини мендан кўра яхшироқ билади.

– Унда, шу одам юзбошилиқ қилсин. Сенга эса, Субутой баҳодир, – бундан кейин сенинг номингни шундай аташсин, – бошқа иш топамиз. Билиб қўй, Чиледу, мен одамларни ақли, жасорати ва садоқатига қараб мукофотлайман. Менга хизмат қилавер – эътибордан қолмайсан.

Тун татарларни буткул мағлубиятдан асраб қолди. Тун қоронғисида юришга халал берадиган ҳамма нарсаларини ташлаганча, улар Уолжа бўйлаб пастга кетишди. Темучин ва Тўғулнинг қўлига каттагина ўлжа тушган эди. Юклари ортиб кетган, унинг устига кўпгина миқдорда чорва ҳайвонлари ва отлар подаси билан қолган Темучин билан Тўғул энди татарларни таъқиб эта олмасдилар.

Эртаси куни асирлар орасидан қари аёлларни ажратиб, ҳаммаларини чопиб ташлашди-да, орқаларига қайтишди. Оқариб кўринаётган жасадлар орасидан (жангчилар ўлганларнинг кийимларини ечиб олишганди) дарё тепаси томон ўтишар экан, қуёш ҳароратида кучайиб бораётган ўлим иси кўнгилларни беҳузур қиларди.

Темучин чэнсян ҳузурига ўлжанинг борини олиб бормасликка Тўғулни кўндирди. Чунки Хитойликларнинг иштаҳаси очилиб, очкўзликлари тутиб кетиши мумкин. «Уларга мингта от ҳадя қилсак бўлади. Агар бундан кўпроқ нарсани хоҳласа, ўзи топиб олаверсин», – деди у.

Рамақижон, умуман жангларга уқуви йўқ чэнсян шунга ҳам хурсанд бўлди. Ҳеч нарса ҳадя қилишмаса ҳам бўларкан. Темучиннинг тушунишича, унинг сахро ичкарасига киргиси йўқ. Энди, татарлар таъзирини егандан кейин, у императорнинг буйруғини бажарилган ҳисоблаб, тоза виждон билан ортига қайтса ҳам бўлади.

Қароргоҳда Темучин Олтинхон давлатининг қудратини чинакамига ҳис қилди. Чэнсяннинг усти ёпиқ аравасини йигирмата хўкиз тортиб бораркан. Унинг ичига эса элликтача одам сиқилмасдан, бемалол жойлашиши мумкин экан. Локланган хонтахталар, мисли кўрилмаган гўзал гуллар акс эттирилган ипак пардалар, энг нотекис йўллардаги силкинишларда ҳам озор чекмай ўтирса бўладиган юмшоқ болишлар, тилла иплар билан безалган чопонларнинг ярқираши ва жанг учун эмас, шунчаки кўзни қувонтириб, тикилиб ўтириш учун ясалгандек чиройли қуроллар. Агар чэнсянники шундай бўлса, Олтинхонники қандай экан? Яхшиям Хасарни ўзи билан олиб келмабди. Ҳасаддан ўзини қўйишга жой тополмай қоларди.



Чэнсяннинг кўшинида пишиқ тахталар устидан темир қопланган аравалар жуда кўп экан. Тунашга тўхташганда улар араваларни ёнламасига ағдариб, темир ҳалқалар билан бир-бирига маҳкамлаб қўйишаркан. Натижада на ўқлар, на отлиқлар найзаси билан ва қўллар ёрдамида ағдариб бўлмас мустаҳкам девор ҳосил бўларкан. Ғилдираклари ҳам темир билан қопланган бўлиб, ҳар қанақанги йўлда ҳам бузилмас экан. Булар шунча темирни қаердан олишар экан-а?

Темучин яна бошқа нарсани ҳам эътиборига олиб қўйди. Хитой камонлари мўғулларникидан анча кучсиз бўлиб, жангчилари ҳам отишга унча уста эмас эканлар. От минишда ҳам мўғулларга тенг келишолмас эканлар. Улар яёв юрганларида ўзларини ишончлироқ сезишаркан.

Улар нимани кўришни хоҳлашса, Чэнсян самимийлик билан жилмайиб, намоиш қиларди. Тўғул ҳеч нарсага ҳайрон бўлмасди. У Чжундуда бўлган пайтида нималарни кўрмаган. Унинг безътиборлигидан жаҳли чиққан чэнсян ҳақиқий ажойиботни намоиш қилди. Бу жанубни кўрсатиб турадиган арава экан. Унда қанотлари ёрқин ранглардан ишланган қушлар сурати туширилган бир қутича бўлиб, унинг устига қўлида таёқча ушлаб турган ёғоч одамча ўрнатилган. Одамчанинг ўнг қўли олдинга, кунчиқарга қараб турарди. Иккита от қўшилган аравани чаппа буришган эди, одамчанинг қўли ҳамон кунчиқарни кўрсатганча қолди. Аравани чаппа, ўнгга буришди, турган еридан айлантириб кўришди, лекин одамча ҳамма ҳолатда ҳам кунчиқарни кўрсатиб тураверди. Шу ерда, ҳаттоки Тўғулнинг ҳам оғзи очилиб қолди. Темучин бўлса арава ёнига келиб, қутичага тикилди. Балки у ерга ростакан одамни яширишиб, бизни жинни қилишаётгандир... Бироқ қутичанинг ичи бўм-бўш. Фақатгина қандайдир, тишли ҳалқалар бор эди, холос. Қутичанинг тагига ҳам қараб кўрди. У ерда ҳам ҳеч ким йўқ.

– Бу – императорнинг илоҳий иродаси, бизга унинг ҳузурига элтадиган йўлни кўрсатиб турибди, – деди тантанавор қилиб Чэнсян. – Қуёшу юлдузлар сўниб қолса ҳам, ерни қоп-қора зулмат босиб кетса ҳам биз бу аравачага эргашиб, ўз йўлимизни йўқотмаймиз.

Мўғулларни бу қадар ҳайратлантира олганидан мамнун бўлган Чэнсян уларни ўзининг ғилдирак устидаги саройига таклиф қилди. Бу гал тўрт киши овқатланишди. Ўзининг кўпсонли аъёнларидан Чэнсян фақат биттасини олиб қолди. Бу юзлари силқиган, қўллари нозик бир амалдор эди. У ўзини жуда эркин, калондимоғлик билан тутса ҳам Чэнсян бунга нимагадир эътибор қилмасди. Бу ерда бир тилмоч ҳам бор. У четроқдаги усти бўм-бўш хонтахта олдида ўтирар, Темучиндан асло кўзини узмас эди.

Индамас, сассиз хизматкорлар Темучинга номаълум бўлган овқатларни кетма-кет олиб келишар, кичиккина чинни пиёлаларга аллақандай нордон, кишини тетиклаштирадиган шароблардан қуйиб туришарди. Темучин кам еди, ичмади ҳисоб. Осмон фарзандининг хизматида турган бу ялтироқ малайларнинг хаёлида нима ўй борлигини ким билсин? Жуда айёр халқ-да, булар.

Чэнсян билан амалдор тилмочга бир нарсани узоқ уқтиришди. Нотаниш бегона тил кулгили эшитиларди.

– Улар айтишяптики, – гап бошлади тилмоч, – сизлар бизнинг императоримизга яхши хизмат қилибсизлар. Унинг номидан кераитлар ҳукмдорини ван олий мартабаси билан, сени эса жасур жангчиларнинг ёш саркардаси, Чэнсян ўз номидан жаутхури мартабаси билан тақдирлайди.

Темучин диққат билан эшитар экан, бу ниҳоятда чиройли сўзлар ичида у иккита оғриқли жойни сезиб қолди. Биттаси унга ҳам, Тўғулга ҳам тегишли бўлиб, ҳар икковининг хонлиги тилга олинмади. Иккинчиси фақат унинг ўзига тегишли бўлиб, Тўғулга берилган унвон император номидан, ўзига эса мана бу чолнинг номидан берилди. Балки унвонлар ўртасидаги фарқ ҳам каттадир. Ҳар эҳтимолга қарши бу унвонлар маъносини тилмочдан сўради.

– Ван дегани – князь, ҳукмдор дегани. Жаутхури дегани нўён, ҳарбий саркарда дегани.

– Уларга айт: бизлар – хонмиз!

Тилмочнинг гапидан сўнг Чэнсян ҳам, амалдор ҳам илтифот юзасидан кулиб қўйишди. Амалдор нималарнидир гапира бошлади. Энди унинг кулгиси такаббуруна, совуқ тус олиб, думалоқ юзидаги чаккалари қотиб борарди.

– У айтяптики, – дея таржима қила бошлади тилмоч, сўз танлашга қийналаётгандай ишончсизлик билан, – худди осмондан бор мавжудотга тафтини таратиб қуёш порлаб тургандек, ер юзида хуанди ҳам ўз муруввати билан одамларнинг йўлларини ёритиб туради. Қуёш нури бўлмаса, майса ҳам унмагандек, императорнинг хоҳишисиз ер юзидаги ҳеч бир одам бошқалардан устун бўлолмайди.

«Бўрдоқи ҳайвон!» ўйлади Темучин ва Тўғулнинг огоҳлантирувчи ишорасига эътибор ҳам қилмай деди:

– Унга айтиб қўй, майсалар сояда ҳам ўсаверади, одамлар ҳам сизларнинг самовий хуандиларингиз яшайверадилар!

Тилмоч унга таъзим қилган эди, Темучин унинг секингина шивирлаганини эшитди:

– Секинроқ гапир...

Темучиннинг ҳайрати ошиб, жимиб қолди. Бу одамни қаердадир кўргандек. Лекин бунақа бўлиши мумкин эмас! Унда бу одам Темучинни қаердан билади? Унинг қай оҳангда гапириши билан унинг нима иши бор? Ёки бу жанубни кўрсатиб турувчи аравасига ўхшаш хитойликларнинг яна бир найрангими?

Бу пайтда тилмоч унинг гапларини таржима қилиб турарди. Улар негандир унинг гапидан жаҳллари чиқмади, қайтага кулиб юборишди. Тилмоч унга ўгирилди.

– Улар сенинг татарларга бўлган кучли нафратингдан хурсандлар. Улар, ҳаттоки император олдида кўрсатган хизматларингни ўзинг бошқалардан кўра ортиқроқ баҳолашингга ҳам қарши эмаслар. Пойтахтга етиб келишлари билан сенинг жасоратингни императорга етказадилар ва у сенга бугунгидан юқорироқ мартаба тақдим этади.



Темучин ҳеч нарсани тушунолмасди. Қандай нафрат? Қандай хизматлар? Тилмочнинг кўзларида ниҳоя топмаган илтимоси бор эди. Қандай? Унга нима керак?

– Сен менинг сўзларимни таржима қилдингми?

– Мен керагини гапирдим...

– Темучин, жанжал чиқарма, сен уйингда эмассан, – деди жаҳли чиққан Тўғул.

– Улар билан ўзинг гаплаш, Хон ота. Мен эплломадим.

Тўғулхон узундан-узоқ, жуда ҳам жимжимадор гап бошладики, азбаройи жимжимадорлигидан на сўз ва на ибораларни тушуниб бўлмасди. Темучин ҳам уни тушунмоқчи эмасди. Унинг хаёлига чақиртиканакдек бир савол ўрнашиб қолган: тилмочни қаерда кўрганман? Бу таниш кўзлар нимани илтимос қиляпти? Бирдан эсига тушди – Хоахчин! Хоахчиннинг кўзлари худди шунақа. Ахир бу Хоку! Албатта, ўша! Ажабо!

Энди у ўзини қандай тутишни билмай қолди. Юзи салқиган амалдор бир нарсадан гумонсиради, шекилли, бир унга, бир тилмочга жилмайиб қараб турарди.

Садаф парчалари билан безалган қутичанинг ичидан Чэнсян бир варақ қоғоз олди.

– Бу ерда сиз, император фарзандлари, бундан кейин ҳам унга садоқат билан хизмат қилишларинг, шимолий ҳудудларни ҳар қандай душмандан муҳофаза қилишга бўлган қасамёдларинг ёзилган. – Чэнсян қоғозни қимматбаҳо нарсани узатгандай эҳтиётлаб, Тўғулга узатди.

Темучин қоғозни қўли билан ушлаб кўрди. Қоғоз унинг бармоқлари орасида шитирлади. Унинг юзасида кушларнинг изларига ўхшаш аллақандай тушуниб бўлмас белгилар чизилган. Кулгили одамларда – бу хитойликлар! Ғурурли одамлар ўз қонлари билан қасам ичадилар. Булар бўлса қора белгилар чизиги туширилган қоғоз билан қасамёд қилишаркан. Ёки бунда ҳам бир муғамбирлик бормикин?

Хо таъзим қилганча Тўғулга сиёҳ билан мўйқалам узатди.

– Ўз белгингни қўй.

Хон ўнғайсизланди. Қоғоздаги белгиларга қараб чиқиб, уларнинг ичидан энг осонроғини ажратиб олди ва пастки қаторга ўшани кўчира бошлади. Темучин бундан фойдаланиб, энгашиб турган Хога шивирлади:

– Мен сени танидим.

– Буни менинг хўжайинларимга билдириб қўйгин. – Кейин баланд овозда: – Сен ҳам қоғозга ёзишинг керак, – деди.

– Уларга айт: мен бу ишни қилмайман. Мен хон Тўғулни ўз отамдай ҳурмат қиламан ва унинг белгиси ёнига белги қўёлмайман. Унинг белгиси – менинг ҳам белгим. Мен осмон фарзандининг кўзи тушадиган қоғозга ўзимнинг ношуд қўлларим билан белги чизиш учун жуда ҳам ушоқ одамман.

Тўғул унга олақараш қилди.

– Қўрқяпсанми?

– Кўрқяпман, Хон ота. Сенга, сенинг донолигингга ишонаман. Шундай қилгинки, мен бу ишни қилмайин.

– Ўҳ, муғамбирсан-ей! Бўпти, майли.

У, сахро одатларига кўра, унинг имзоси ёнида Темучиннинг имзоси туриши мумкин эмаслигига ишонтира олди. Улар ҳам алам билан, ҳам ишонқирамай рози бўлишди.

– Раҳмат сенга, Хон ота, сен мени ярим юкдан халос қилдинг. Мен буни қачондир эздан чиқаришим мумкинми?

– Кейинроқ гаплашамиз...

– Яхши. Хон ота, мана бу тилмочга бир қарагин. Отамнинг кўлида хизмат қилган Хитойлик хизматкор болани эслагин.

– Эсимда йўқ.

– Бу ўша. Биз бир-биримизни танидик.

Улар ярим овозда гаплашишар, Хо ҳам худди шундай ярим овозда амалдорга таржима қилиб турарди.

– Уларга сен ҳақингда айттайми? – сўради Темучин Ходан.

– Айт.

– Таржима қил: мен кичкина болалигимда, оёқда яхши туrolмаган пайтларимда кўп йиқилардим ва менинг бурнимни, кўз ёшларимни битта яхши бола артиб кўярди. Бу сен, Хо. Сенинг опанг Хоахчин соғ ва омон юрибди. У сени кўп эслайди. Уларга бошқача қилиб етказишинг ҳам мумкин. Ўзингга қандай қулай бўлса, шундай гапир.

Чэнсян билан амалдор юзларига амаллаб ҳайронлик аломатини зоҳир қилдилар. Кейин амалдор қаттиқ оҳангда деди:

– Унинг опаси император фуқароси. Сен уни нимага ушлаб турибсан? Махсус бир рухсатсиз бундай қилишинг мумкин эмас.

– Унга айт, мен Хоахчинни ушлаб турганим йўқ. Аёл киши бир ўзи ватанига элтадиган шунчалик олис ва хатарли йўлни босиб ўта оладими?

– Императоримиз ҳар бир фуқаро ҳақида қайғуради. Унинг опаси ота-болари ерини кўриш бахтига муяссар бўлиши керак. У сен билан бирга бориб, опасини кўрсин. Кейин уларни ван Тўғулгача етказиб кўясан. Сен эса, ван, уларни ўнгутлар еригача олиб бориб кўясан. У ердан ўрта пойтахтгача ўзлари етиб олишади.

XI

Темучин Чэнсян қароргоҳини мамнуният билан тарк этди. У ердаги ҳамма нарса унга бегона, нотаниш ва тушунарсиз, шунинг учун ҳам у ич-ичидан уларни ўзи учун хавфли сизди. Тўғул бўлса, аксинча ўйларди: Олтинхоннинг одамлари хавфли эмас, балки татарларнинг хиёнатларидан чўчиб қолишган, шунинг учун бошқаларга ҳам ишонишмаяпти. Уларнинг бу фикрларини ўзгартиришга ҳаракат қилишимиз, Темучинга ўхшаб ўз мағрурлигимизни намойиш қилмаслигимиз керак. Ван мартабасига эришганидан хурсанд эканини Тўғул яшириб ўтирмади. Бу унинг учун жуда зарур, укаси Нозик



Қорани пинжига тиқиб ўтирган найманларга қарши қалқон ўрнида эди. Олтинхон томонидан берилган бўлса-да, бу ван унвонидан қандай фойдаланиш мумкинлигига Темучиннинг ақли етмасди. Мана, ўзи хонлик мартабасида-ю, лекин ҳар доим бу мартабасини ҳимоя қилиши, эҳтиётлаши керак... Тўғулни ван деб аташадиган бўлса, унинг назарида гўёки хонлик мартабаси пасайиб қоладигандай. У бунинг йўлини ўйлаб топди. Энди у Тўғулни «ванхон» деб атай бошлади. Бу Тўғулга ҳам ёқиб тушди. Темучин унинг хурсанд бужур юзига, қулоқлари орқасидаги оқариб қолган кокилларига боқаркан, ичидан кулиб кўйди. Хон отам қарияпти. Ўзини арзимас нарсалар билан овутиб юрибди.

Татарлардан олинган ўлжаларни тенг иккига бўлишди. Хайрлашув базми уюштиришди. Кейин ҳар бири ўз юртига – Ванхон ўз улусига, Темучин ўз улусига қайтди.

Тўғулни кузатиши билан Темучин Хони олиб келишларини буюрди. Улар ёнма-ён кета бошлашди. Чап, ўнг томонда аравалар, асирлар келишар, улардан орқароқда отлар, чорва моллари подалари. Сахро ҳар хил товушлар, ачимсиқ чанг, тер ҳидига тўлиб кетди.

– Хо, кўряпсанми, мана шунинг ҳаммаси меники! Ҳатто отам ҳам бунақа катта ўлжа олмаган бўлса керак.

– Тўғри, лекин у Олтинхон билан ўртоқчилик ҳам қилмаган-да...

Бу мақтовми ёки унинг аксими, билиб бўлмасди. Хо от устида ноқулай ўтирар, узанги қисқалигидан, оёғини тўпиғидан букиб, жировни ҳам икки қўллаб ушлаб олган эди. Ҳатто хотинлар ҳам отни бунақа минмайди.

– Узанги қайишларини қўйиб юбор, қўлларингни ўтдан қайнатилган овқат солинган чинни коса бордек тутма. Нима, отда ўтиришни эсдан чиқариб юбордингми? Бошқа нарсаларни ҳам унутиб юборгандирсан?

– Отда юриш эсимдан чиққан. Лекин бошқа ҳеч нарсани унутганим йўқ. Мана шу сахрога бир келгим келарди. Опамни, сени, онангни кўргим келиб юрарди.

– Билишимча, катта одам бўлиб кетибсанми?

– Йўқ, катта одам бўлиб кетганим йўқ, хон Темучин.

– Бўлмаса нима учун катта одамлар сенинг опанг устида шунчалик қайғуришяпти?

– Мен фақат опамни кўргани кетаётганим йўқ, – Хонинг юзи тундлашди. – Мен бу ердаги ҳамма нарсани кўриб, эшитиб, эслаб олишим ҳам керак. Шунинг учун ҳам сендан кейин хон Тўғулникига, ундан ўнгутлар ерига ўтаман.

– Қандай журъат қилдинг? – Темучин унинг елкасидан олиб, жаҳд билан ўзига қаратди.

– Мен ихтиёрсиз одамман, Темучинхон. – Хо маъюс хўрсинди. – Лекин мен сенга душман эмасман. Менинг оғзимдан сизларга зиён етказадиган биронта ҳам сўз чиқмайди.

– Алдаётган бўлсанг-чи? Нима учун сенинг гапингга ишонишим керак?

– Мен ўзим бунинг сенга айтмаганимда сен ҳеч нарсани билолмасдинг.

Ҳақ гап. Соддадил бу одам Олтинхоннинг айғоқчиси, деб ким ҳам ўйлайди.



– Сенинг хўжайининг ким? Чэнсянми?

– Йўқ. Бошқаси.

– Бақалоғими? У ким ўзи?

– Князь Юн Цзи, императорнинг вориси.

– Ў-ҳў! Ворис? Нимага ўзини танитмади?

– Бўлажак император ёввойилар билан муомала қилиши мумкин эмас.

– Буни қарая! Бўлажак император... Шунинг учун унинг юзи худди қоронғидаги чириндига ўхшаб ёришиб турган экан-да.

Ходан сўраб ўтириб, у доимо жанубни кўрсатадиган аравадан ҳам қизиқроқ нарсаларни билиб олди. У ерларда одамлар жуда ҳам кўплигини, бу давлатнинг бойлиги ва ўзига шунчалаб ақлли амалдорлару мохир саркардаларни бўйсундира олган Олтинхон ҳукмдорлигининг қудратини содда ақли билан тушуниб етиши қийин эди. Бунинг учун Олтинхоннинг ўзи ақллиларнинг ақллиси, кучлиларнинг кучлиси бўлиши керак. У қандай одам бўлса экан? Балки у чиндан ҳам осмон фарзандидир? Лекин князь Юн Цзи тахт вориси... Унинг бошқа одамлардан ўзгача ҳеч нимаси йўқ-ку! Буни қандай тушуниш керак? Хо уни калака қилмаяптимикин?

– Сен нима учун менинг ҳамма гапларимни таржима қилиб бермадинг? – сўради у Ходан.

– Буни билиб олиш қийин эмас-ку...

– Лекин улар сенинг алдаётганингни билиб қолишса нима бўларди?

– Менинг гўштимни қузғунлар талаётган бўларди...

Бу рост гап. Хо ўшанда пичоқ тиғи устида турди. Хўжайинлари муруватини қозониш учун у ростини гапириши керак. Ким билсин, Хо уни ҳам каттагина кўнгилсизликлардан сақлаб қолгандир.

– Раҳмат сенга, Хо. Ўлжаларни тақсимлаётганимда сен битта жангчининг улушини оласан. Айт-чи, нима учун сенинг хўжайинларинг мени Тўғулхондан паст кўришяпти? Мен ҳам унга ўхшаган хонман-ку.

– Гапим кўпол чиқса, мени кечир, лекин уларнинг одати шу – иккита итга битта суяк ташлайдилар.

– Улар мени Хон отамга ҳасад қилади, деб ўйлашдимиз?

– Сенинг қизиққонлигингни улар ҳасаддан деб тушунишди.

– Хато қилишади! Лекин нимага бунақа қилишади?

– Бир куни керак бўлиб қолади. Икки келишолмай қолган одам учинчисини қидиради-да.

– Сенинг хўжайинларинг узоқни кўзлашаркан! Хавфли одамлар. Қоғоз уларга нимага керак?

– Айтилган гаплар эсдан чиқиб қолиши мумкин. Лекин улар қоғозга кўчирилганда, жуда узоқ муддат сақланиб туради. Бизнинг болаларимиз ҳам бу дунёдан ўтиб кетишлари мумкин. Лекин ўқишни биладиган ҳар қандай одам, бугунги кунда нима ёзилган бўлса, сўзма-сўз ўқиб олаверади.

– Булар қанчалик айёр одамлар-а! – Темучин бошини чайқаб қўйди. – Мен у қоғозга ўз белгимни қўймай яхши қилибман. Улар нималарни ёзишганини ким билади дейсан? Хо, менинг хузуримда қолақолсанг-чи...



– Мен-ку қолардим-а, лекин у ёқда хотиним, ўғлим...

Темучиннинг қадрдон овули уни ҳайқириқлар ва муборакбодлар билан кутиб олди. Бақариб ётган оломон ўртасидан секинлаб ўтар экан, у ўз улусининг ҳукмдори эканини биринчи марта чинакамига ҳис қилди. Татарларнинг мағлуб этилиши, урушда орттирилган бир дунё ўлжалар, уни бир зумда ҳамма одамлардан юқорига, қўл етмас юксакликка кўтариб юборди. Лекин бу юксаклик тош-метин қоя эмас, балки шамол тебратиб турган дарахтнинг учи эди, холос. У жойдан ерга қулаб, бошингни ёриб олишинг ҳеч гап эмас. Утовида у ўз яқинларига совғалар улашди. Бўртага кумуш ва садафлар билан безалган, дурлар қадалган ёпинчиқли бешик совға қилди.

– Мана бунда бизнинг болаларимиз тинч ором олсинлар. Уларнинг ҳар бири ақли ва қалб бойлиги билан давлатманд бўлсин.

Онасига бир неча бўлак турли ранглардаги ипакликлардан туҳфа қилди. Онаси ялтироқ, силлиқ ипакларни қўли билан сийпалар экан, хўрсинганча деди:

– Энг ёрқин шоҳи ҳам туси ўчган юзларимнинг рангини қайтариб беролмайди... Темучин, асирлар орасида мен бир болакайни кўриб қолдим. Унга раҳмим келди...

– Ола қол, она, ўзингга ёққан ҳамма нарсани ол.

– Менга бошқа ҳеч нарса керакмас! – Овозини пастлади: – Хоахчинни ҳам эсингдан чиқарма.

– У энг қимматбаҳо совғани олади. Бовурчи, чақир.

Ўтовга Хо кириб келди. У бир зумдаёқ ҳаммани қараб чиқди. Хоахчин қичқирганича укасига ёпишди.

Тун бўйи ўрамда машғалалар ёниб, қўшиқлар эшитилиб турди. Аммо Темучин бу вақтда анча узоқда эди. Учқур оти уни Делун Болдоғ дарасига учириб кетарди. Урушдан уйига қайтаётганидаёқ, у Сача беки, Тайчу ва Бўри Бўгалар тойчуютлар томонга кетишгани ва шу дарада, унинг устидан кулгандек, Темучиннинг ватани бўлган Делун Болдоғда овул тиклашганини эшитганди. Ўша ернинг ўзиданоқ у ўзининг ярим қўшинини дарага жўнатди. Сача бекининг устига кутилмаганда, ҳали Темучиннинг жангдан қайтганини билмасидан туриб, ҳужум қилиш керак. Акс ҳолда, у Тарғутойни ёрдамга чақиртириши мумкин. Унда қийин бўлади!

Ҳисоб тўғри чиқди. Делун Болдоғда уларни кутишмаган экан. Сача беки билан Бўри Бўганинг навкарлари, ҳаттоки қаршилик ҳам кўрсатишмабди. Қуролларини ташлаб, афв этишларини ялиниб сўрашибди. Ҳамма одамлар, чорвалари-ю ўтовлари билан унинг қўлига ўтибди. Бироқ қариндош нўёнлари қочишга улгуришибди. Сача беки билан Тайчу узоққа кетишмаган экан, ўша куниёқ тутиб келтиришди. Бўри Бўгани тута олишмади.

Сача беки ва Тайчунини тутиб келтирган навкарлар уларнинг қалпоқ ва белбоғларини ечиб олишдан чўчиб, фақат қуролларинигина олиб қўйишибди. Лекин шунинг ўзи ҳам Сача бекининг жонини чиқариб юборди.

– Сенинг қулларинг бизларга тегинишга қандай журъат қилишади!

Темучин улар билан гаплашиб ўтиришни истамади. Қўл оёқларини боғлаб, таппи ташиладиган аравага улоқтириб, йўлга тушишни буюрди. Ўзи эса қачонлардир саҳарларда ўрдакларни чўчитиб юрган қўл бўйига тушиб кетди. Оти тумшуғи билан қирғоқдаги ўтларни суриб, сувга талпинди. Бу ерларда ҳеч нарса ўзгармабди. Қарағайлар ўшандай эркин, тик ўсишарди. Нариги қирғоқ ҳам аввалгидай, рутубатли. Сув ўртасидаги оролча ҳам илгаригидай. Ҳаттоки унинг қирғоғида полапонларини эргаштириб юрган ўрдаклар ҳам ўшандай. Лекин унинг ўзи ўзгарган. Болалиги узоқ-узоқларга кетган, у энди кўзга базўр илинадиган, туманлар ичидан элас-элас кўзга ташланидиган ва ўтмиш деб аталмиш олисликларда қолган. У бундан на ачинади ва на маъюсланади.

У отини ниқтаб, йўлакай қарағайнинг ғуддасини узиб олди. Уни қўлида бироз ўйнаган бўлиб, кейин ташлаб юборди. Қарағайларнинг сокингина аллаловчи шовурига араваларнинг чийиллаган ва ғирчиллагани, чарчаган жангчиларнинг тўнғиллаган овозлари уйқашиб кетди. Хасар жангчилар ва хўкиз етакловчиларга бақирарди. Бошида Мағужин Сайилтунинг ялтироқ дубулғаси. Субутой баҳодирдан тортиб олмаганмикин?

Бу гал овулдагилар уни лол ва ҳайрат ичида кутиб олишди. Овул ўтовларидан нарида, очиқ саҳрода у жангчиларни икки қатор қилиб сафлади. Нима қилмоқчи эканини ҳеч ким билмасди. Нўёнлар, дўстлари ва укалари унинг орқасида жимгина бир нарсаларни шивирлашиб туришарди. Сача беки билан Тайчуни олиб келишди. Уларнинг белбоғлари йўқ, бош яланг, кокиллари тўзғиб кетган. Кийимлари ғижмалак, опала сочларида тезак парчалари ёпишган. Қаторлар орасида буларнинг навкарлари, хизматкорлари ва подалари тизилган. Темучин қўл ишораси билан ўша қаторларни кўрсатиб, бўла бошлади.

– Мана буларни сенга ҳадя қиламан, Жарчи. Булари эса – сенга, Хулдор. Сача беки орқага боғланган қўлларини силтай кетди.

– Бас қил! Менинг одамларим асир олинган татарлар эмас!

– Мана буларини сен ол, Даритой амаки. Сен ҳам ол, Хучар. Бу сенга, Ўлтон.

Қариндошлари унинг олдига яқинлашишди. Даритой отчигиннинг силлиқ юзида тер томчилари тизилиб турарди.

– Менга одамлар керак эмас. Сен бизга татар асирларини бердинг, шу етарли. Мен очкўз эмасман.

Хучар худди тепаликка арава тортиб кетаётган хўкиздай, пишиларди. Ўлтон эса тиши оғриётган кишидай, ерга қараб олганича, чакакларини силаб турарди.

– Садоқатингизни муносиб мукофотлайман, деб қасам ичмаганмидим? Хиёнат ва макрнинг пайини қуритаман, деб ҳам қасам ичган эдим, а? Сача беки ва Тайчу. Сизларнинг одамларингиз бор эди, энди йўқ. Ўтов ва чорваларингиз бор эди, энди улар меники. Сизларнинг жонларингиз қолди, холос. Ўша жонларингиз билан сизлар мангу осмон гувоҳлигида садоқат сақлашга қасам ичган эдинглар...



– Шунақамисан?! Чоп, сўй! – Сача беки кўкрагини олдинга чиқариб, унга қараб кела бошлади. – Мана, ўз авлодингинг қонини тўк, машак бошингга лаънат бўлиб ёғилсин!

Навкарлар Сача бекини итариб ташлашди. Тайчу, ўзини қандай хатар ку-таётганини эндигина тушуниб етди, шекилли, башараси Хитой қоғозидан ҳам оқариб, атрофга илтижоли қарай бошлади.

Сукунат чўкди. Темучиннинг юрагини даҳшат музлиги босди. У ўз ичи-даги кўринмас бир чизик ҳадни босиб ўтиши керак. Ундан нарида нима борлиги номаълум. Лекин у мана шу охирги қадамни қўймаса ва ортга тиса-рилса, нима бўлишини яхши биларди. Яроқсиз мешдан қимиз қандай оқиб кетса, унинг кучи ҳам шундай қуриб қолиши мумкин. Даҳшатини енгишга ҳаракат қилиб, олдингидай кучли бўлмаган, пастроқ овозда деди:

– Сенинг лаънатиң менинг бошимга тушмайди. Мен қондошларимнинг бир томчи ҳам қонини тўкмайман. – Бу гапи худди уларни оқлашдай эши-тилди. У ўзидан жаҳли чиққанича бақирди: – Лекин сизлар ўлишларинг ке-рак! Ва сизлар ўласизлар! Навкарлар, уларни наMATга ўраб ташланглар.

Унинг ҳукмидан одамлар даҳшатга тушиб, титраб кетдилар. Унинг юзи тошдай қотган ва хаёлан навкарларини тезроқ, тезроқ! дея шошилтирарди. Улар бўлса чидаб бўлмас даражада имиллашар, майса устига иккита кат-та наMATни шошилмасдан ёзишарди. Сача беки билан анча судралишди. У навкарларни тепар, юзларига тупурар, қарғишлар билан кўмиб ташларди. Тайчунинг ўзи наMAT устига ётди-да, юзини осмонга қаратиб олди. Кир бў-либ кетган ёноқларидан ёш томчиларди.

Ниҳоят, наMATлар ўралди. Улар ичдан титраб ётган иккита катта-катта илон бўлақларига ўхшаб ётарди. Темучиннинг олдига онаси югуриб келиб, чопони ёқаларига ёпишди.

– Унақа қилма, ўғлим! Уларни қутқар!

Темучин онасининг қўлларини секингина ёқасидан олдида, тахтадек қо-тиб қолган оёқлари билан ўтовлар тарафга қараб базўр қадам ташлади.

Уч кундан кейин эса икки навкарнинг ҳамроҳлигида Бўри Бўга келди. Сача беки билан Тайчунинг бошига нима кун тушганини эшитиб, унинг ўзи навкарларини орқага бошлабди. Уларни йўлда кутиб олган навкарлар Те-мучиннинг ўтовига олиб келиб, тиз чўктиришди. Навкарларнинг бири ёши улуг, лекин ҳамон бақувват одам бўлиб, иккинчиси озғингина ўспирин экан.

– Темучинхон, – деди кекса навкар, – Бўри Бўга менинг хўжайиним, мен унга садоқат билан хизмат қилдим. Сен мени ўлдирасан, лекин менинг ўғ-лим Мухалининг ҳаётини сақлаб қол. У сенга худди мен Бўри Бўгага хизмат қилганимдай, садоқат билан хизмат қилади.

– Мен ҳатто душманимга садоқатли одамни ҳам ўлдирмайман. Сизлар кетаверишларинг мумкин. Сен ўзинг нима дейсан менга, ўз хонингга хиёнат қилган Бўри Бўга?

– Менга раҳм қил, хон Темучин! Оч, томоғим қуриган ҳолда мен Бурҳон-Холдун адирларида тентираб юрдим. Сен мени оиламдан, навкарла-рим ва молларимдан жудо қилдинг. Буларсиз мен ким бўлдим? Мен сенинг



хузурингга ўзим келдим. Ўз айбим учун кечирим сўраб келдим. Сен менинг бошимга Тайчу ва Сача бекининг кунини солмаслигинг керак.

Бўри Бўганинг дўнгпешана ва чакка суяклари ичига кириб кетган кичкинагина қулоқли яланг бош калласи бир тепага, бир пастга тебранар, бундан бақувват мушаклари ўйнаб қолар, калтабақай қўлларини наматга тираб олган эди. Шунча кучи бор одамнинг тубанлигини кўр!

– Мен бошқача қиламан. Сен кураш тушишнинг ишқибозисан. Укам Белгуйтой ҳам. Қайси бирингиз кучли эканингизни билмоқчиман.

Шундоққина ўтов олдида кураш тушишди. Ҳамма қоидалари бўйича полвонлар қўлларини ҳаволатганча даврани айланиб чиқишди. Бўри Бўга Белгуйтойдан йирик ва кучлироқ эди. Аммо унинг ҳаракатларида иштиёқ ва чаққонлик йўқ. У ҳужум қилишга ҳаракат ҳам қилиб кўрмади. Фақат хоҳламайгина ҳимояланди, холос. Бу оғир-босиқ Белгуйтойни асабийлаштирди. Бошини ҳўкизникига ўхшаб эгиб олганича, у Бўри Бўгага ташланиб, қўлларини, чопонининг энгларидан тортқилар, чопон тирсиллаб йиртилиб кетарди. Тез орада у титилиб, Бўри Бўганинг танасида бўлак-бўлак аҳволда осилиб қолди. Бу ҳолда Бўри Бўга яна ҳам ваҳимали кўриниб кетди. Белгуйтой унинг сочларидан ушлаб, тиззасини букди, Бўри Бўга юзи билан майса устига қулади. Белгуйтой уни миниб, бошини кўтарди. Темучин кўзини қисганча, лабини тишлади. Белгуйтой ҳаммасини тушунди. Иккала қўли билан Бўри Бўганинг ёқасидан олди-да, тиззасини рақибининг умуртқасига босиб туриб, бор кучи билан бир силтади. Бўри Бўганинг умуртқаси қуруққина қарсиллаб кетди. У тирсагига тиралиб сал кўтарилди-ю, оғриқдан буришиб кетган юзини Темучинга қаратди. Азоб тўла кўзлари бирданига катталашиб кетди.

– Эҳ, сен...

Бу гина ҳам, маломат ҳам эмас, қандайдир бошқа нарса эди. Темучинга кимдир унинг томоғига кафтининг ёни билан уриб, нафасини тўхтатиб қўйгандай туюлди. Отқозиқнинг ёнига келиб, кимнингдир отига сакради-да, сахрога чоптириб кетди. Оғзини каппа-каппа очганча шамолни тутишга, нафас олишга ҳаракат қиларди. Орқасидан от чоптириб қолган навкарларига ўгирилиб, қўлини жаҳл билан силтаганича, орқада қолишларини буюрди.

Бир тепаликка кўтарилди-да, отдан тушиб, белбоғини ечди, қалпоғини қўлига олди. Мангу осмон, менга ёрдам бер, ақлимдан айирма...

Бир жуфт турна анча баландда, секин парвоз қиларди. Тилига дуо келмади. Қулоқларида тинимсиз: «Эҳ, сен...» деган ўкинч жарангларди. На Сача бекининг ўлдирилиши, на Тайчунинг итоаткорлиги унинг қалбини бунчалик ларзага келтирмаганди. «Эҳ, сен...» Бесўнақай ва калтафаҳм Бўри Бўганинг бу сўзлари кутилмаганда уни иккиланишга, қилган ишларининг тўғрилигидан шубҳаланишга мажбур қилди. Лекин кўринмас чизик ҳад энди ортда қолди. Энди Сача беки, Тайчу ва Бўри Бўгаларни ҳаётга қайтариб бўлмаганидек, ўзи ҳам ортга, ҳаднинг бу тарафига қайтолмайди...

Орқасида, туёқ остида ғичирлаган тошларнинг овози эшитилди. У кескин бурилиб қаради. Тепаликка Бўрта чиқиб келарди.

– Сенга нима керак?



– Мени онанг юборди.

У эгардан тушиб, жиловни отнинг олди оёғига ўради-да, Темучиннинг ёнига келди. Темучиннинг елкасидан келадиган пишиққина Бўрта оёғида маҳкам, қаттиқ турарди. Ҳозир у эридан кўра кучлироқ эди. Ўзи ҳам буни сезиб турарди чоғи, эрининг қўлини олиб, қайноқ кафтлари орасида сиқди.

– Мен шундай қилмасам бўлмасди, Бўрта!

– Балки, балки... Ўтир. – Улар ўтиришди. Бўрта унинг бошини ўзига тортиб, тиззасига қўйди. Кокилларини ўришга тушди. – Балки... Лекин... Бизнинг ҳаммамизга мангу осмон жон беради. Ва фақат унинг ўзигина уни олишга ҳақли, Темучин. Онангнинг юраги мотамга тўлди. Меники ҳам.

– Сенлар ҳеч нарсани тушунмайсанлар! Яхшиси, жим бўл.

– Майли, жим ўтира қолайлик...

У Темучиннинг сочларини оҳиста силайди. Кўз олдида қуёш нурида оқариб кетган дэрисун пояси тебраниб турар, сукунатдан қулоқлари шанғилларди. Лекин бу жимжитлик қалбига ором бермас, ичига тун зулматидек қандайдир хатар яшириниб олгандай эди.

6 июнь, 2010 йил.

МУНДАРИЖА

Тарихий ҳақиқат жозибаси.....	5
Биринчи қисм.....	7
Иккинчи қисм.....	63
Учинчи қисм.....	134
Тўртинчи қисм.....	214
Бешинчи қисм.....	291

«ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ» ДАВЛАТ ИЛМИЙ НАШРИЁТИ ТОМОНИДАН ҚУЙИДАГИ КИТОБЛАР ЧОП ЭТИЛДИ



МАЪНОЛАР МАХЗАНИ

Муаллифлар: Шомақсуд Шотурсун,
Шораҳмедов Шухрат
Ҳажми: 480 б.
Формати: 70x108 1/16
Муқова: қаттиқ

Халқимиз асрлар давомида жуда катта ҳаётий тажриба тўплаган, шу тажриба мерос сифатида турли воситалар билан келажак авлодларга ўтиб боради. Ҳикматли сўзлар ана шундай бебаҳо маънавий мерос ҳисобланади. Ушбу китобдан ўқувчи ўзбек халқининг асрлар мобайнида сайқал топиб, бизгача етиб келган ана шундай сўз дурдоналари билан танишибгина қолмай, балки уларнинг тарихан қандай шаклланиганини ҳамда мазмунини билиб олади.

ЁШ РАҲБАР ЭНЦИКЛОПЕДИК ЛУҒАТИ

Тузувчи: Ахтам Рўзимуродов
Ҳажми: 256 б.
Формати: 70x84 1/16
Муқова: қаттиқ



Ҳар бир ёш келажакда замонавий раҳбар бўлишни орзу қилади. Бунга эса ёшликда тўпланган билим, кўникма ва тажриба эвазига эришилади. Ўзининг билими, иқтидори ва зукколиги билан инсоният тараққиётига улкан ҳисса қўшган ҳамда тарих зарварақларига кирган буюк раҳбарлар ҳақида китобларда кўп ўқиганмиз.

Универсалликда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари бўйича маълумот ва ахборотга эга бўлиш муҳим жиҳатдир. Ушбу энциклопедик тўпламга ёш раҳбарлар фаолияти давомида дуч келиши мумкин бўлган барча соҳаларга оид энг фаол тушунчалар жамланган.

КОИНОТ

Муаллиф : жамоа
Формат : 84x108 1/16
Ҳажми: 114 б.
Муқова: қаттиқ



“Буюк портлаш” натижасида олам яралди. Коинот пайдо бўлди. Ер, Қуёш, Сайёралар... хуллас, ҳаёт бошланди.

Қўлингиздаги ушбу китобда табиат ҳодисаларининг нима эканлиги, тарихи, қандай юзага келишига доир саволларга илмий асосланган ҳолда жавоб берилган. Болажонларнинг олам ҳақидаги билим ва тасаввурларини кенгайтиришда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Ойда қандай одам яшайди, Ер, Ой, Қуёш қандай пайдо бўлган, Ер ҳаракатландими ёки бир жойда турадими? Шунингдек, тоғлар, ғорлар қандай пайдо бўлганлиги ҳақида бир неча ўнлаб қизиқарли маълумотларни ушбу китобдан билиб олишингиз мумкин. Китоб турли рангли иллюстрациялар билан безатилган.

ЎСИМЛИКЛАР ОЛАМИ

Муаллиф: жамоа
Формат: 84x108 1/16
Ҳажми: 114 б.
Муқова: қаттиқ



Ўтхўр ҳайвонларнинг борлиги барчамизга маълум ва улар ҳеч бир китобхонда ҳайрат уйғотмаслиги кундек равшан. Аммо ўсимликларнинг жонзотлар билан озиқланишига нима дейсиз. Ушбу китоб ёш китобхонларни ўсимликлар оламининг ғаройиботлари сари саёхатга чорлайди. Бунда сиз маданий ўсимликлар, сувда яшовчи флоралар ва дунёнинг кўз кўриб қулоқ эшитмаган антиқа ўсимликлари билан танишиб борасиз. Китоб турли рангли иллюстрациялар билан безатилган.

ЕР ВА ЭЛ

Муаллиф: жамоа

Формат: 84x108 1/16

Ҳажми: 114 б.

Муқова: қаттиқ

Билимга чанқоқ болажонлар! «Менинг биринчи энциклопедиям» туркумидан тайёрланган «Ер ва эл» номли китобни Сизга тақдим қиламиз.

Сиз бу билимлар салтанатида дунёнинг исталган нуқтасида жойлашган давлатлар, шаҳарлар, уларнинг қайси қитъада жойлашганлиги, майдони, аҳоли сони, давлат тили, унда яшовчи турли миллатлар ва элатлар, уларнинг маданияти, урф-одатлари, хушманзара жойлари билан яқиндан танишасиз. «Ер ва эл» китобида ҳар бир давлатнинг қиёфаси, тарихий ва дунёга машҳур жойлари рангли расмлар билан кўрсатилган.

Мазкур китоб орқали Сиз ўзингизни қизиқтирган барча саволларингизга жавоб топасиз. «Ер ва эл» айнан Сиз кутган китоб! Улар сизни Сиз қизиққан оламларга етаклашига ишонамиз.

БУ ЖУДА ҚИЗИҚ


Муаллиф: жамоа


Формат: 84x108 1/16

Ҳажми: 114 б.

Муқова: қаттиқ

«Бу жуда қизиқ» номли инсон ҳақидаги тасаввурларга эга бўлишга кўмаклашадиган ажойиб кичик энциклопедияда меҳмон Ўзга сайёралик Ер куррасининг мезбони – Инсон билан ўзаро мулоқотга киришади. Китобда Ўзга сайёралик меҳмон ўзи берган турли саволларга жавоб олиш мобайнида одам ва унинг тузилиши ҳақида батафсил маълумотларга эга бўлади. Бир сўз билан айтганда, китоб чиндан ҳам жуда қизиқ ва Сиз азиз китобсеварларнинг кўмакдошингизга айланиши шак-шубҳасиз!





БАЛИҚЛАР

Муаллиф: жамоа

Формат: 84x108 1/16

Ҳажми: 114 б.

Муқова: қаттиқ

Азиз болажонлар! Сиз оламини билишни истайсиз. Бу билан атрофингиздагиларни саволларга кўмиб ташлайсиз. Аммо доим ҳам уларга тўла жавоб ололмайсиз. Сизнинг саволларингизга, мана, биз жавоб берамиз.

«Балиқлар» деб номланган мазкур китоб бир неча бўлимдан иборат бўлиб, уларда балиқларнинг муайян оиласи ёки туркуми ҳамда уларнинг асосий турлари баён этилган. Ҳар бир бўлимнинг бошланишида маълум туркумдаги балиқларнинг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг қизиқарли яшаш муҳитида учрайдиган маълумотлар ёритилган.

Энг қизиқ ва энг муҳим маълумотларга тўла бу китоб айнан Сиз учун.

ҲАЙВОНОТ ОЛАМИ

Муаллиф: жамоа

Формат: 84x108 1/16

Ҳажми: 114 б.

Муқова: қаттиқ

Азиз ўқувчи! Келажак сизнинг қўлингизда! Шундай экан, ҳар томонлама етук, ҳар соҳада интеллектуал салоҳиятга бой бўлиб етишишингиз лозим!

Сизга тақдим этилаётган «Ҳайвонот олами» сутэмизувчилар ва қушлар ҳақида. Китоб бир неча бўлимдан иборат бўлиб, унда ҳайвонлар ва қушлар синфининг асосий турлари тўғрисида маълумотлар баён этилган. Бўлимларнинг аксарият қисми каталогдан иборат. Унда турли ҳайвон ва қушлар ҳақида батафсил маълумот берилади.

Сутэмизувчилар, қушлар, айниқса, уларнинг антиқа турлари ҳақида маълумотларни ўз ичига олган китоб Сиз ўқувчиларни қизиқтиришига ишонамиз.



КАПАЛАКЛАР ОЛАМИ

Муаллиф: жамоа

Формат: 84x108 1/16

Ҳажми 114 б.

Муқова: қаттиқ

“Капалаклар олами” номли капалаклар дунёсини ўрганишга бағишланган, “Менинг биринчи энциклопедиям” туркумидаги кичик китоб Сиз азиз китобсеварларга манзур бўлади, деган умиддамиз! Ушбу китоб ёрдамида Сиз Ер юзида мавжуд бўлган капалакларнинг турлари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, капалакларнинг тузилиши ҳақидаги маълумотларга эга бўласиз. Китоб капалаклар оламига саёҳат қилишингизда Сизга харита ўрнида беминнат ҳамроҳ бўлишига ишонамиз!



ЁШ ЭРУДИТ

Муаллиф: жамоа

Формат 84x108 1/16


Ҳажми: 114 б.

Муқова: қаттиқ

Азиз болажонлар! Сиз мамлакатимизнинг бахтиёр фарзандисиз! Юртимиз эгаси, халқимиз келажагисиз. Шундай экан, ёшликдан билимдон, ақлли, уддабурон бўлиб камолга етишингиз лозим. Бунинг учун Сизда барча имкониятлар мавжуд. Билим олишга, касб-хунар эгаллашга истак бўлса, бас.

Қўлингиздаги «Ёш эрудит» деб номланган ушбу китоб ана шундай фарзандларни тарбиялаб етиштиришга ҳисса қўшиш мақсадида яратилди. Ундан қизиқарли табиат қонунлари, яъни ҳаво ва атмосфера, ёруғлик ва оптика, кимё ва кимёвий маҳсулотлар, ихтиро ва кашфиётлар, машина ва механизмлар, сезги ва сезги аъзолар, сон ва рақамлар сингари маълумотлар жой олган.

«Ёш эрудит»дан сиз ўзингизни қизиқтирган қўплаб саволларга жавоб топасиз, деган умиддамиз. Зеро, жамоанинг асл мақсади ҳам шу.





ТЕХНИКА ДУНЁСИ

Муаллиф: жамоа

Формат: 84x108 1/16

Ҳажми: 114 б.

Муқова: қаттиқ

Ушбу китобда сиз техника соҳасида инсоният эришган энг буюк кашфиётлар ҳақида қисқача маълумотга эга бўласиз. Унда, шунингдек, пойга автомобиллари ва турли машиналар ҳақида ҳам қизиқарли мақолалар ўрин олган. Китобхонга қулайлик яратиш мақсадида ҳар бир мавзу безакли суратлар билан бойитилган.

Китоб сўнгида техникага оид қисқача атамалар луғати берилган.

ИНСОНИЯТ ТАРИХИ

Муаллиф: жамоа

Формат: 84x108 1/16


Ҳажми: 114 б.

Муқова: қаттиқ

Ушбу китоб сизни сир-синаотга тўла мозий сари ажойиб саёҳатга етаклайди, инсоният тарихида бўлиб ўтган қизиқарли ва оламшумул воқеаларни ҳикоя қилади. Шунингдек, буюк тарихий шахслар, кашфиётлар, мўъжизавий иншоотлар, турли халқлар томонидан яратилган тамаддунлар ҳақида малумот беради.

Унда, жумладан, Ватанимиз тарихига оид кўплаб қизиқарли мақолалар ҳам жой олган. Ҳар бир ҳикоя мавзуга мос оригинал расмлар билан безатилгани алоҳида эътиборга молик.

Китоб, асосан, ёш китобхонлар оммасига мўлжалланган бўлса-да, бироқ ундаги материаллар катта ёшдаги китобхонларни ҳам бефарқ қолдирмайди, деган умиддамиз.



НАВОИЙ АСАРЛАРИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

Муаллиф: Манзар Абдулхайр

Ҳажми: 560 б.

Формати: 84x108 1/32

Муқова: қаттиқ

Ушбу изоҳли луғат тўрт жилдлик «Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати»га кирмай қолган беш мингдан ортиқ сўз ва ибораларни ўз ичига қамраб олган. Луғат Алишер Навоий асарларининг қўлёзма ва нашрлари асосида тузилди. Унда Навоий ижодиётининг муҳим қирраси бўлган лексик хусусиятлар, маъноси тушунилиши қийин янги аниқланган сўз ва иборалар илк бор аниқланиб изоҳланди. Луғат XV аср ўзбек адабий тили меъёрларини акс эттиради. Мазкур қомус нафақат изоҳли луғат, балки муҳим тадқиқот иши сифатида навоийшунос ва кенг китобхонларга Мир Алишер Навоий меросини чуқур ўрганишда катта ёрдам беради. У мутахассислар учун тарихий, қиёсий-тарихий фонетика, лексика, грамматика ҳамда матншунослик, манбашунослик, тасаввуф бўйича янги маълумотлар беради.



Калашников, Исай.

Шафқатсиз аср. [Матн]: тарихий роман.
Таржимон Муслимбек Йўлдошев / Тошкент:
«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат
илмий нашриёти, 2018. – 384 б.

ISBN 978-9943-07-644-0

УЎТ: 821.161.1-311.6

КБТ 83.3(2Рос)

К 17

ИСАЙ КАЛАШНИКОВ

ШАФҚАТСИЗ АСР

ТАРИХИЙ РОМАН

БИРИНЧИ КИТОБ


«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»
Давлат илмий нашриёти
Тошкент–2018

Муҳаррирлар	<i>М. Абдулхайров, Д. Арзикулова</i>
Бадий муҳаррир	<i>Б. Иброҳимов</i>
Техник муҳаррир	<i>Н. Аҳмедова</i>
Кичик муҳаррир	<i>З. Маҳкамова</i>
Мусахҳиҳ	<i>О. Ҳайдаров</i>
Саҳифаловчи	<i>Ш. Сирожиддинов</i>

Нашриёт лицензияси AI № 160, 14.08.2009 й.
06.08.2018 й.да босишга рухсат этилди. Офсет қоғози. Бичими 70x100 ¹/₁₆.
«Cambria» гарнитурасида офсет усулида босилди.
Шартли босма табағи 30,96. Нашриёт-ҳисоб табағи 29,14.
Адади 10 000 (1- завод – 4 400).
Буюртма - 342

“LUX PRINT” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.
Ташкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўчаси, 1/1.

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти,
100011, Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30.
Мурожаат учун телефонлар:
244-08-49; 244-23-47
e-mail: ume2@yandex.ru





Исай Калистратович Калашников 1931 йил 9 августда Бурятия Республикаси (Россия) Мухоршибир туманидаги Шаралдай кишлоғида таваллуд топган. У ёшлигиданок оғир меҳнат билан шуғулланади. Унинг биринчи ҳикояси «Сашка» «Бурят-мўғул ҳақиқати» газетасида нашр этилган.

1959 йилда «Байкал узра ёғдулар» журналида Калашниковнинг биринчи романи «Сўнгги чекиниш» (Байкалорти хуудларидаги фукаралар уруши ҳақида) чоп этилган. Романнинг бош қаҳрамони у туғилган Шаралдай кишлоғининг фукароси саналади. Ундан кейин «Тикланиш», «Ботқок оралаб» повестларини ёзди. Ҳамда собиқ Иттифок ёзувчилар уюшмасига қабул қилинди.

Калашников 1963–1965 йиллар мобайнида Бурятия ёзувчилар уюшмаси йўлланмаси билан Москвадаги Олий адабиёт курсида таҳсил олди. 1965 йилдан Бурятия ёзувчилар уюшмаси қотиби лавозимида ишлай бошлади. 1970 йилда ўзининг «Йирткич ўт» романини чоп эттирди. 1973 йилда Калашников Бурятия Халқ ёзувчиси унвонини олди.

1978 йил адибнинг машҳур «Шафқатсиз аср» романи яратилди.

Бошқа асарлари: «Ҳаёт йўллари» (1982), «Дарахт – ўсиши керак» повести, «Ўрмон ичра» (1962), «Халққа» (1964), «Текширув» (1978) ва бошқа новеллалари.

Ёзувчи 1980 йил 30 майда Москвада вафот этган.

Калашниковнинг асарлари козок, қирғиз, бурят, немис, туркман, чех, эстон ва ўзбек тилларига таржима қилинган.



«O'ZBEKISTON MILLIY ENSIKLOPEDIYASI»
DAVLAT ILMIY NASHRIYOTI



Toshkent, 100011,
Navoiy ko'chasi, 30- uy,
tel.: 244-09-36,
fax: 244-34-38.



ume.dinash@umail.uz



fb.com/ume.dinash



ume.dinash



t.me/Ensiklopediya_DIN



ISBN 978-9943-07-6



9 789943 0764